

Тошпўлат АҲМАД

ҚАЛАМ ВА АЛАМ

(Сайланма)



Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2008

Аҳмад, Тошпўлат.

Қалам ва алам: (Сайланма) /Тошпўлат
Аҳмад. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. — 348 б.

ББК 84 (5Ў)6


Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, адиб Тошпўлат Аҳмаднинг ўттизга яқин назмий ва насрий китоблари республика нашрларида чоп этилган. Хусусан “Минорлар ва чинорлар”, “Бухоронома”, “Шарқ гавҳари”, “Чор бакр”, “Кутлуғ остона”, “Гавҳари жоним” каби шеърий мажмуалари халқимизнинг қалбидан жой олган. Адибнинг насрий китоблари ҳам аллақачон ўз мухлисларини топиб улгурган.

Тошпўлат Аҳмаднинг қўлингизга тегаетган ушбу янги сайланма — “Қалам ва алам” номли китоби ҳам Сизларни албатта хурсанд этади деб ўйлаймиз.

ISBN 978-9943-06-184-2

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2008 йил.

1975-1980 ЙИЛЛАР ҲИКОЯЛАРИ



БИР ЧАНОҚ ПАХТА

Ҳовуз бўйидаги ёғоч кроватда ёнбошлаб, бригадир билан кечаги кун ҳисобини қилаётган туман фирқа қўмитаси раҳбари Қодиржон Найимов чойнак кўтариб келган шийпон қоровули Равшан отанинг ҳурмати учун жойидан қўзғалди. Кузоқ салом-алик қилиб, ҳол-аҳвол сўрашди.

— Ҳорманг энди, отахон, — деди у самимий жилмайиб. — Режани-ку дўндириб, зиёфатни якка едингиз. Райкомни бундоқ таклиф қилай ҳам демайсиз. Қани, ҳеч бўлмаса, бир пиёла чойдан қуйинг.

— Райқўм укам. Сизнинг ҳақингиз ҳаминиш токчада. Шукурки, ҳозир қозонимизнинг тўртала қулоғи ҳам мойга ботган. Ҳаш-паш дегунча зиёфатни гатоп қиламиз-да. Ман ҳозир...

— Раҳмат, ота, раҳмат. Биз зиёфатни ўтган куни еб кетганмиз. Сизни суриштирак...

— Ҳа, касалхонага кампириш — янгангизни кўргани тушувдим. Узр-да, энди Найимуп укам, узр.

— Ие, Салтанат хола бетобмилар ҳали? — бригадирга юзланди Қодиржон Найимов. — Нега бизга айтмадингиз? Хўш, қалай экан соғлиқлари?

— Ҳечқиси йўқ, озроқ шамоллаганлар. Эртага жавоб берар экан, — деди бригадир.

— Ҳа, унда яхши. Аммо холани дурустроқ қаратинг. Керак бўлса, тортинмай айтинг, дўхтирларга ўзим тайинлайман.

Равшан ота қўлини кўксига қўйиб, миннатдорчилик билдирди.

Шу пайт шийпон олдига енгил “Газик” келиб тўхтади. Ундан туман ижроия қўмитаси раиси ва ўттиз беш ёшлардаги йигит — яқинда тайинланган туман суди раиси тушишди.

— Келинглар, — деди туман фирқа қўмитаси раҳбари ўрнидан хиёл қўзғалиб. — Қани, буёққа ўтинглар.

Меҳмонлар кроватнинг икки томонига ўтиришди. Найимов бундай қараса, Равшан ота ошхона томонда ивирсиб юрибди. У секин, ҳазиломуз оҳангда овоз берди:

— Ҳўв, ота, бу ёққа келсангиз-чи! Ё пойқадамимиз ёқмаяптими?

— Ие, ие, Найимуп ука, ундоқ деманг. Ман сизга битта тўқсон бешдан дамлай дегандим. Мана ҳозир бораман-да.

— Куйинг, сиз уринманг. Чойни чойхоначи бола дамлайди. Озроқ ўтириб, тўртга гап беринг. Хуш, мана, Салтанат холам тузалиб қоптилар. Қарабсизки, эрта-индин яна бағрингизга иссиқ киради... Ё йўқми?

— Ҳе, ўртоқ Найимуп. Жуда шўхсиз-да. Энди нима дей сизга. Одамнинг бағрига иссиқ тегмаса, музлаган бир халта гўштдай-да, киши. Ўзингиз ҳаммасини биласиз: шу Салтанат холагиз бўлмаса, ман у ёқдан ё қайтардим, ё йўқ.

— Мен-ку, биладан. — деди Найимов мийиғида кулиб. Лекин мана бу меҳмонлар билишмайди-да муҳаббатингизни.

— Муҳаббатларини?! — ажабланиб сўради туман суди раиси.

Бу савол Равшан отанинг нозик жойини тилгандек бўлди. Ота уни танимасди шекилли, бир кўзгалиб қўйди.

— Ҳа, меҳмон укам, нега ажабланасиз? Ёки биз чолларда муҳаббат бўлмаган дейсизми? Биз ҳам сиздек навқирон бўлганмиз. Мана бу кўксимиздаги бир қарич ёлни бекорга ўстирибмизми?

Суд раиси оғзидагини шошганидан чала чайнаганча, “қулт” этиб ютинди.

— Мен бундай демоқчи эмасдим...

Орага Найимов тушди:

— Яхшиси, отахон, сиз ўша “бир чаноқ пахта” воқеасини гапириб беринг!

Равшан ота бир пиёла чой қуйиб, қулига олди. Такрор-такрор хуплади. Қийиқ кўзларини қисиб, ҳовузга тикилди. Енгил шабадада жимираётган сув юзида саргайган барглар сузиб юрибди. Илғамаган экан, яқинда арраланган қари толнинг кундаси ёнидан ўн саккиз яшар қизнинг сочидай нафис тол-хивич кўкарибди...

— Шундай қилиб, десангиз, — сўзга аста киришди Равшан ота.

— Урушнинг охири ҳали кўзга кўринмаган пайтлар эди. Биз Белоруссия ўрмонларида душманни қийратардик. Мен полкимизнинг кўзи чақмоқ снайперларидан эдим. Иггифоқо, биз — тўрт ёш мерганни штабга чақириб қолишди. Навбатдаги “ов” олдидан махсус суҳбат бўлса керак, дея ўйладик. Йўқ, командиримиз бизни бошқача кайфиятда қаршилади. Аввало, ҳар биримизга ҳозир сизлар айтадиган “мўйсафид”дан жиндай-жиндай қуйиб берди. Кўксимизга битта-битта нишон тақиб, навбатдаги “овимиз”га барор тилади. Сўнгра ҳаммамизга совға улашди.

— Мана бу сенга, сержант Самадов, — деди у менга навбат келганда. — Она-юртинг — Бухородан. Бир гўзал қиз юборибди. Ўйлаб-ўйлаб, сенга беришга қарор қилдик. Ҳали уйланмагандирсан-а? — қўшиб қўйди у.

— Хулди шундай, ўртоқ полковник! — дедим ғоз турганча.

— Унда, омадинг бор экан. Қизга албатта хат ёз.

Командир хузуридан қандай чиққанымни билмайман. Йўл-йўлакай совға қутини очдим. Қулларим титрайди, вужудимга гўё сўнмас аланга тарқалгандай. Озроққина қовун қоқи, майиз, ёнғоқ, анор, бир жуфт пайпоқ, туя жунидан тўқилган қўлқоп, энг муҳими, уч-бурчак хат бор экан унда. Қалтираб-қалтираб хатни очдим. Мактуб қисқагина эди:

“Ушбуни олувчи мерган йигит. Сиз мени танимайсиз, албатта. Аммо мен биламан, сиз жасур жангчисиз. Фашистларнинг додини бераётган қасоскорсиз. Гарчи уйқунгиз қуш уйқуси, тўшагингиз она-замин бўлса-да, сиз асло тоғмас, ўтда ёнмас, алломишсифат баҳодирсиз. Сиз билан элимиз, юртимиз фахрланади. Чунки сиз келажакни, дунёни омон сақлаш учун курашингиз. Сизга зафар ёр бўлсин. Олинг-у олдирманг. Оналарнинг, болаларнинг — барчанинг нигоҳи йўлингизда.

Дарвоқе, мен пахтакорман. Сизга бир чаноқ пахта рўмолчага тугиб юбордим. Пахтакор элимизнинг тилмоли сизга мададкор бўлсин, дейман. Хат ёзинг. Ғалабадан сўнги учрашувгача.

Салом билан: сизни кутувчи Салтанат Саиджонова”

Шоша-пиша тугунчани очдим. Ишонасизми, қувончдан йиғлаб юборай дедим. Гулдор рўмолча қатидаги бир чаноқ пахта кўзларимга сурдим, лабларимга босдим. Ана шу бир чаноқ пахта онаюртимнинг хуш бўйини, тароватли замини агрини, дилкаш боғлари тотини олиб келгандай эди. Ўша куни бир чаноқ пахта бутун полкимизни айланиб чиқди, десам хато бўлмас. Мен ўша пахта кўксимга босиб, омонсиз жанг-жадалларга кирдим. Днепрни, Бугни, Одерни кечиб ўтдим. Рейхстагни штурм қилиб олганимизда, унинг деворига бир чаноқ пахтанинг суратини чизиб, остига ўзимнинг ва муҳаббатим мени не-не ўлим ўпқонларидан сақлаган мададкорим Салтанатхоннинг номини ҳам ўйиб ёзганман. Берлин кўчаларида акс-садо берган қудратли “ура”ларимизда Салтанатхонга ўхшаган минг-миглаб хотин-қизларимизнинг улуши йўқ деб ким айта олади. Агар уларнинг мактублари биз жангчиларга далда бермаганида, ҳаст у қалар ширин туюлмасди балки...

Тўғриси, Салтанатдан бир умр миннатдорман. У менинг биргина хатимни олиб, ишонч билан кутди. Ўзимизнинг қўшни тумандан экан. Жангдан қайтганимдан сўнг тўйимиз бўлиб ўтди. Ўшадан бери юлдузимиз бир-бирига тўғри келиб, баҳоли қудрат яшайпмиз. Мана шунақа, Равшан отангизнинг муҳаббатига бир чаноқ пахта сабабчи бўлган. Биз энди қаридик. Бир этак бола-чақамиз бўлса-да, севги-

мизни ҳамон пахтадай пок тутиб келаямиз. Ҳа, ўша бир чаноқ пахта ҳозир ҳам севги туморидай уйимизнинг тўрида турибди. Айтинг-чи, меҳмон укам, буни муҳаббат деса бўладими, йўқми?

Суд раиси ноўхшов мўйловини наридан-бери силаган бўлди. Бир оғиз ноўрин луқмаси учун бунчалик дашном ейишини, аксига, туман раҳбари олдида бир олдий қоровул чол уни тузланган балиқдай қотириб қўйишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

— Э, яшанг, Равшан ота, — дея сўзга аралашди Қодиржон Найимов суд раисини ноқулай вазиятда қутқариш учун. — Сизларнинг муҳаббатингиз ҳазилакам муҳаббат эмас. Бу муҳаббатнинг уругини Салтанат холам юборган бўлса, сиз уни қалбингизда кўқартиргансиз. Бу муҳаббатнинг сўзларини Салтанат холам ёзган бўлсалар, сиз уни кўнгиш куйига айлантиргансиз. Бу муҳаббат она-заминга, қутлуг дийёрга, гулгун ҳаётга бўлган меҳр қўшиғидир. Бу муҳаббат бир чаноқ пахта шаънига битилган салоқат қўшиғидир.

Равшан отанинг кўзларида бир чаноқ пахтанинг оппоқ шуласидай нур тошқини жилваланди...

ҚЎЛТИҚТАЁҚЛИ КИШИ

Шанба кунини эди. Осмоннинг қоғоғи солиқроқ. Йўловчи машинада Дўрмон айланма йўлига келдим. Уйга бориш керак. Кўзларим йўлда. Кутдим. Машинадан дарак йўқ. Бошим устида парча-парча булутлар. Вақтни бой бермай жилиб қолиш керак! Плашимнинг ёқасини кўтариб, намат шляпамни бошимга бостирганча, “Қайдасан, Деновим”, дея йўлга тушдим. Ёнимдан аҳён-аҳёнда этак тутган кишилар ўтиб қолишади. Ҳув, нариги пайкалда йигит-қизлар. Ёрдәмчилар бўлса керак.

Бир вақт осмон сал ёришгандай бўлди. Куюқ булутлар ортга чекина бошлади. Мусаффолик. Дарахтлардан чумчуқлар гуриллаб ҳавога кўтарилди. Тиниқ нур мурғаккина жонга ҳам ҳузур бахш этади чоғи... Неккиши қишлоғига келиб қолибман. Биринчи ҳовли Облоберди аканики. Унинг орқа деворлари яқиндагина сувалганга ўхшайди. Устасига балли, сувоғи бирам текиски...

Асфалт йўлни кесиб ўтишим биланоқ, пахтазор бошланди. Кенг, тут дарахтлари сероб пайкал. Оқ гулли белбоғни бошига “саллача” қилиб ўраган бир киши дам эгилиб, дам турганча пахта теряпти. Йўлнинг ёнгинасидан разм солсам, Облоберди ака эканлар. Бир хил бўлиб кетдим. Учбурчак шаклидаги қўлтиқтаёққа тиззадан кесилган

чап оёқларини солганлар. Бир қўллариди оддий ёғочдан ясалган ҳасса. Шу тахлитда “бўш турган” қўллари билан пахта теряптилар.

— Ассалому алайкум, ҳорманг, Облоберди ака, — дедим пайкалга тушарканман. У киши қоматларини хиёл кўтариб, менга синчиклаб қарадилар.

— Ваалайкум ассалом! Э-ҳа, сенмисан, жиян?

— Сизга нима ташвиш! Жуда толиқасиз-ку, бундай аҳволда.

— Ҳе, жиян. Юрган дарё, дейдилар. Ҳадеб ўтираверса, зерикади киши. Бир киломи, ўн киломи терсам ҳам колхозга фойда. Ҳар куни газета ўқиб, радио эшитяпман: Ватанга пахта керак ҳозир! Аргамчи-га қил қувват...

Облоберди акани болалигимдан бери биламан. Одерда бир оёқларини йўқотиб қайтганлар. Чап кўзларини эса осколка ялаб ўтган. Ногирон булсалар-да, тинчиб-тинчимасдилар. Атиги беш йил бўлди қариллик пенсиясига чиққанларига. Унгача почтальонлик қилардилар. Катта-кичикни “жиян” дердилар. Бизлар ҳазиллашиб, “Жиян тоға” дердик у кишини. Ҳали-ҳали эсимда: кулранг эшаклари бор эди. Катта сумкага газета-журналлар солиб, ҳовлима-ҳовли кезардилар. Кичкина ҳассалари билан дарвозаларни тақиллатиб, овоз берардилар:

— Ҳай, жиян. Газетангни ол.

— Жиян, сенга хат бор, армиядан аканг ёзибди.

— Жиян, журналнинг расмини йиртмасдан отанга элтиб бер...

Анча суҳбатдан кейин ёруг хаёллар ичра у киши билан хайрлашдим. Текис асфальт йўл. Ёмғир томчилаб турибди. Бир оз юргач, ортимга қайрилиб қарадим. Облоберди ака учбурчак шаклидаги қултиқтаёққа тиззалан кесилган чап оёқларини солганча битта-битта пахта терардилар...

ОДАМ КҮНГЛИ ЯРИМТА...

Алижон ака ишдан қайтиб, уйига кириши биланоқ, хотини “авиа” маркаси ёпиштирилган конвертни узатди.

— Ҳозиргина пўчтачи ташлаб кетди.

— Кимдан экан? — сўради у шошиб.

— Билмадим, бунақа танишингиз йўқ эди, шекилли. Муяссар опа елкасини қисиб, эрининг коржомасини қўлтиқлаганича ташқарига йўналди.

Алижон ака даҳлизда ясама... ўнг оёгини ечди-да, наридан-бери

кийиниб, хонтахта олдида ёнбошлади. Конвертни яна кўлига олиб, адресига кўз ташлади: “Самарқанд шаҳри. Регистон кўчаси. Сувоновдан”.

— Қизиқ, ким бўлди бу одам? — У хиёл ўйловдан сўнг хонтахта устидаги чойнақдан бир пиёла чой қуйиб, икки-уч хўплам ичди. Конвертни очиб, хатни ўқишга тушди:

“Қадрдоним, Алижон! Ушбу мактубни олганингда сира ажаблан-ма, — дея бошланарди мактуб. — Мен ўша, юрагини тирнаб-тирнаб, кўзларидан қон ёшларини оқизиб, сени “тупроққа топширган” дустинг Валижон буламан. Агар билсанг, ҳозир ўзимдан-ўзим нафратланып-ман. Нега шошқалоқлик қилибман-а? Сенинг хонадонингга, мушти-пар онаизорингга ўлиминг хабарини олиб боргунча, шу тилларим кесилса бўлмасмиди? Мени кечир, жўражоним! Сенинг олдингда, Барно холам олдида бир умр гуноҳқорман...”

Алижон ака шошиб қолди. Кутилмаган хат унинг идрокини лол этди. Лаблари пирпираб, кўз олди қоронгулашгандек бўлди. Нималар бўляпти ўзи? Наҳотки, бу ўша бўлса? Уни сўраб, суриштирган эди-ку! Қанчадан-қанча хатларининг атиги биттасига “бедарак кетган” деган мазмунда жавоб олганди. Демак, тирик қайтган экан-ла! Хўш, бу ёғини ўқиб кўрай-чи, нималар ёлган экан:

“... Дарвоқеъ, бахтли тасодифни қара. Яқинда уйимизга бир йиғитча ижарага жой сўраб келди. Уни кўрдим-у, юрагим алланарсани сезгандек бўлди. Қош-кўзлари, иссиқ чехраси сени эслатди. Авваллари ижарага ҳеч кимни қўймаган бўлсам-да, унга дарҳол жой бердим. Сўраб-суриштириб, биласанми, эс-ҳушимни йўқотиб қўйдим. Ўғлигини қучиб-қучиб йиғладим. Хотиним, бола-чақам ҳайрон қолинди бу ҳолга. Гарчи оғир бўлса-да, уларга бутун воқеани сўзлаб бердим.

Жўражон, сени шундай сонинганманки... Ботиржон билан келишдик. Чоршанба кuni бизни кут. Борсам, Барно холам мени кечирармикин?...

Салом билан: фронтчи дўстинг Валижон Сувонов”.

Ажабо, бу ўнгимми, тушимми? Наҳот, шу гаплар рост бўлса? Инсон тақдири шу қадар мураккаб, инсон қисмати шунчалар сертугунми? Агар Ботиржон ётоқдан жой олганида... Йўқ, йўқ, ололмагани дуруст бўлган экан. Йўқса, юракда зил тош бўлиб қотган аччиқ фиғон бир умр муҳрланганча қолиб кетармиди? Хайрият, умидларим сароб бўлиб чиқмади. Сўнгги умидларимдан бири тирилиб келатган экан, нечун унга пешиноз чиқмайин? Қадамнинг бунча қутлуг бўлмаса, ўғлим!...

Алижон ака чопонини елкасига ташлаб, қўлтиқтаёққа суянганча ўрнидан қўзғалди.

— Қайсқа, дадаси, ҳозир овқат келтираман, — ошхонадан овоз берди Муяссар опа.

— Бирпас тура тур, тоза ҳавода озроқ айланиб келай.

Алижон ака ҳолисининг орқа томонида жойлашган колхоз боғига қараб йўл олди. У зериккан ё чарчаган пайтларида шу ерга келар, боғ ўртасида қад кўтарган “Мангулик” ҳайкали олдидаги ўриндиқларнинг бирида ўтириб, кўнгил ёзарди. Ҳайкал бултур баҳор пайтида фидойи ҳамқишлоқлари хотирасига ўрнатилганди. Ҳайкални очиш маросими катта халқ сайлига айланганди. Ўшанда у жанг хотираларини эслаб, ҳаяжонли нутқ сўзлаган, марказдан келган бир генерал унга самимий миннатдорчилик билдирганди. Алижон ака ҳозир ҳам шу қадамжога келиб ўтираркан, тагин ўйлар гирдобига шўнғиди. Қўлтиқтаёқларини ёнбошга кўйиб, ҳайкалга бошдан-оёқ термулди: фарзанд доғида аламзада бўлган мунис она қиёфаси, унинг пойида сўнмас аланга! Ўнг томондаги гумбазсимон мармар лавҳаларга ўйиб ёзилган қатор номлар...

... Агар емиш излаб чиққан ўша белорус аёл тасодифан учратиб қолмаганида... унинг номи шу лавҳаларга печанчи бўлиб битиларди? Буни у кейинроқ, йил ошиси берилаётган кунни уйига кириб келганида эшитганди. Ўшанда ёлғиз фарзанди ҳажрида куявериб, кўзлари ногирон бўлиб қолган Барно хола ҳушдан кетиб қолганди. Кейин аза тўйга айланганди. Мана шунга ҳам ўттиз беш йилдан ошиб қолибди. Эҳ, Валижон, Валижон, наҳот тирик бўлсанг? Бу ҳаётда одам кўзи очиқ юриб, бир-бирини “ўлди”га чиқариб яшаши мумкинми? Наҳот, бизнинг толеимизга бундай кўргиликлар ёзиб қўйилган бўлса?! Бунга ўша шафқатсиз уруш сабабчи эмасми?...”

Алижон фронтга кўнгилли бўлиб борганида, мўйлови эндигина сабза ура бошлаган йигитча эди. Қорақош, қоракўз “аскарча”нинг айрилмас дўст тутингани самарқандлик Валижон деган йигит бўлди. Бир-бирига жуда монанд жўраларни илк бор кўрганлар туғишганлар бўлса керак, деб ўйларди. Икки пакана гвардиячи доим роганинг энг охирида сафланишар, баъзилар: “Болакайлар, оёқ тагида қолиб кетманглар тагин”, дея ҳазиллашишса, улар “кечирасиз, ўртоқ нарвоний, кругом дейилганда биз биринчи бўламиз”, дея жавоб қайтаришарди. Хуллас, Алижону Валижон роганинг суюкли жангчилари эди.

“Ака-укалар” роса уч йил бирга ўт-олов кечишди. Улар хизмат қилган гвардиячи-ўқчи дивизия Сталинград остоналаридан Белоруссия тупроғигача бўлган масофани мардонавор жанглар билан босиб ўтди. Ҳар бир жанг, ҳар бир омонсиз тўқнашувдан сўнг Алижон

ва Валижон бошқалар қатори душман разиллигини муҳокама қилишар. фашистларнинг озод этилган жойларда қолдирган қонли асорати уларни интиқом олишга даъват этарди.

Урушнинг охири ҳали куринмасди. Гомель агрофларида ҳаёт-мамог жанглари бормоқда. “Ака-укалар”ни разведкачилар бўлинмасига утказишди. Улар ўртасидаги дўстлик эса янада чуқурроқ томир эзди.

— Уруш тугагач, албатта, бирга қайтамиз!

— Тез-тез учрашиб турамиз...

Алижон ва Валижоннинг қатъий дил сўзлари мана шундай эди! Аммо навбатдаги разведка улар тақдирини денгиз тўлқинига дучор бўлган қайиқдек парча-парча қилиб ташлади...

Ҳал қилувчи ҳужум олдидан “тил” зарур эди. Алижон, Валижон ва икки рус йигити йўлга тушишди. Ой уларга мадақкордай булут орғига беркинган. Поёнсиз арчазорлар сокин ва дилкаш. Куз шамоли эсиб турибди. Сўқмоқ йўлдан озроқ юрилса, қишлоқ чеккароғидан чиқиш мумкин. Разведкачилар шундай қилишди. Улар чироғи ғира-шира ёниб турган бир уйдан сал нарида тўхташди. Эшик олдида мотоцикл. Демак, немислар! Бир пайт аёл кишининг “қутқаринглар!” — деган аянгчи овози эшитилди. Сўнгра эппик зарб билан очилди. Бир немис офицери сочлари тўзғиган аёлни қувиб чиқди. Тасодифни қарангки, аёл тўпла-тўғри разведкачилар томонга қочиб кела бошлади. Ҳар дақиқа ганимат! Валижон бир сакрашда аёлга яқинлашган маст офицерни маҳкам бўғиб олди. Оғзига лагга тиқиб, қўлларини орқасига боғлади. Саросимага тушган аёл вазиятга тушунгач, халоскорларга раҳмат айтиб, маънос бош эгди. Алижон эса бу пайтда хона ичидаги иккинчи ширакайф келгишдини гумдон қилиб чиққан эди.

Ҳамма фалокат орқага қайтишда юз берди. Разведкачилар ярим йўлни босиб угганларида, душман пистирмачилари уларни сезиб қолишди. Қаттиқ отишма бошланди, разведкачиларимиздан бири шу заҳотиёқ дайди ўққа учраб қолди. Алижон эса ўнг оёғи ва кўкрагидан оғир яраланди. Нима қилмоқ керак? Ўйлаш учун фурсат йўқ. Валижон таваккал қилиб, “тил”ни автомати билан олдинга ниқтали. Алижонни эса елкасига кўтарганча, унинг орқасидан тушди. Шериги душманни алаҳситмоқ учун мудофаада турди. Алижоннинг жароҳатидан бетиним қон оқарди. Унинг қўллари ҳам Валижоннинг бўйнида шалвираб қолди. Бу мушкуллик Валижонни ҳолдан тойдирди. У катта арча дарахти ёнида бомба портлашидан ҳосил бўлган чуқурга Алижонни оҳиста ётқизди. “Тил”га ҳам ётиш ва ўрнидан қимирламасликни буюрди.

— Жў-ражон, мени қ-қўя тур. “Тил”ни албатта етказишинг зарур!
Мен барибир ўл-ламам.

— Кўйсанг-чи, бундай бўлиши мумкин эмас.

— Фойдаси йў-ўқ. Омон қайт-ссанг онамга... Алижоннинг сўзлари бўғзида кесилиб қолди.

— Кўзингни оч, жигарим. Ишонмайман, ишонмайман! — Валижон йиғлади-сиқтади. Қайта-қайта унинг кўксини таталади. Алижонда эса ҳаёт нишонаси йўқ эди...

— Мени кечир, жўражоним, ўлигингни душман хор-зор қилишини истамайман!

Чуқурдан отилиб чиқиб, арча шохларини уза бошлади. Бир даста бўлгач, изига қайтди. Алижоннинг барча ҳужжатларини олиб, кўйини чўнтагига солди. Сўнгра “ўлик” устига бармоқлари билан паридан-бери тупроқ торта бошлади.

— Сени албатта олиб кетаман, ўз қўлларим билан қайта дафн этаман. Эҳ, ланатилар! — У тишларини гижирлатиб, ерга канадек қапишиб ётган фашистнинг биқинига тепди. “Тил” оғир инграб, ўрнидан кўзгалди. Валижон немис офицерини минг машаққат билан қисмга олиб келди-ю, бироқ у билан разведкага жўнаган дўстларидан ажралди.

... Алижон икки соатлардан кейин ҳушига келди. Аъзойи бадани қақшаб оғрир, тавдасини қимирлатишга мажоли етмасди. У бор кучини тўплаб, ўрнидан кўзгалмоқчи бўлди. Йўқ, нафаси тикилиб қолди. Ажабо, нега бундай бўляпти? Кўзларини ҳам очолмади-ку! У тишини-тишига босиб, чап биқинига ағдарилди, устидан тупроқ шовуллаб тўкилгандай бўлди. Димоғига гупиллаб тоза ҳаво урилди. Хайрият, тирик экан! У бир қўли билан юзидаги тупроқ ва барглари ни сидириб ташлади. Кўзларини очиб, бирпас хаёлга толди: “Қаерда ётибди? Нега ётибди? Дўстлари қани? Валижон қаерга кетди экан? Наҳотки, бомба портлаб, тупроқ уюми остида қолган бўлса?” Алижон қанчалик ўйламасин, ҳеч нарсани идрок этолмади. Боши, кулоқлари ғувилларди. У яна уриниб, ўрнидан кўзгалмоқчи бўлди. Аммо оёқлари итоат қилмади... “Шунчалар қаттол, шунчалар бағритошмисан, табиат? Ахир сенга қандай гуноҳ қилган эди у? Қандай ноҳуш кароматлари учун жазолаянсан уни, жаллод табиат?!” Алижон оғир хўрсиниб, тирсақларига таянганча чуқурдан чиқди. Сўнгра қон ҳалқоблари қотган кўкси билан ер тирнаб, арчазор томон судрала бошлади. Шу тахлитда қанча йўл босганини билмайди. Оғриқ зўридан яна ҳушидан кетди. Тонг гира-ширасида қандайдир шарпа қулоғига чалингандай бўлди. Кўзларини очса, аллақандай экиннинг жўягида

ётибди. Эски пустиш кийган бир кампир эса боши устида йиғлаганча турибди.

— Тирикмисан, болам, илоҳо, уйи куйсин фашистларнинг. Сенга ухшаган гулдек йигитларнинг умрини хазон қиляпти-я, ваҳшийлар, — кампир яна нималардир дея, душманнинг гўрига чўп қалади. Чўнгагидан рўмолчасини чиқариб, кўз ёшларини артди. Урнидан туриб, атрофга аланглади. Ҳеч кимга йўқлигига ишонгач, Алижонга меҳр билан энгашди.

— Картошка ковлагани чиққандим, болам. Бутун емишимизни тортиб олишди. ярамаслар... Хавотирланмай ёт, тезда қайтиб келаман.

Кейин нима бўлгани Алижонга қоронғи. Ўзига келса, ертўлада ётибди. Азбаройи кўп қон йўқотганидан дармони қолмаган, ҳатто лабларини очиб-ёпишга малори етмасди. Кампир унинг бошини тиззасига олиб, бир кружка илиқ сут ичирди. Бир оздан сўнг Алижон ўнг оёғи бутунича ўраб-чирмаб ташланганини сизди. Ўнг кўкси ҳам санчиб-санчиб оғрирди. Кампирнинг айтишича, қишлоқда немислар кўп экан. Врач чақиртиришнинг иложи йўқ. Демак, бизникилар келгунча, тақдирга тан бериб ётишга мажбур у. Алижон шу муштинар белорус аёли қўлида ана кетди-мана кетди бўлиб, бир ҳафтача ётди. Қишлоқ душмандан озод этилгач, кампир Алижонни санитарлар ихтиёрига топширди.

— Албатта, тузалиб кетасан, болам, омон булгин! — Аёл уни бағрига босиб-босиб хайрлашди.

Алижоннинг кўнглида армон бўлиб қолгани шу бўлдики, у аёлнинг Дуся хола эканлигини зўрға эслай олади, холос...

Алижонни аввал дала госпиталига, кейин шаҳар касалхоналарининг бирига ётқизишди. Даволаш узоқ давом этди. Ўпкадаги осколка олиб ташланди-ю, бироқ оёқни тиклашнинг иложи бўлмади. Болдирида чириш бошланган экан, тиззадан пастки қисми кесиб ташланди. Алижон гоҳ у, гоҳ бу госпиталда бир йилга яқин ётишга мажбур бўлди. Сўнг уни орқага — юртига қайтариб юборишди...

Валижон эса, “ўлжа”ни штабга топширгач, командирга рўй берган воқеани, Алижоннинг ҳужжатларини олиб, уни “кумиш”га улгурганини сўзлаб берди.

— Орқага қайтиб, ҳалок бўлганлар олиб келинсин! — буйруқ берди командир бўлинма жангчиларига.

Валижон бошлиқ бўлинма яна йўлга тушди. Улар икки фидойи радведкачи жасадини топишди-ю, Алижоннинг “қабрига” яқинлашганда яна душман пистирмасига дуч келишди. Отишмада Валижон

оғир яраланди. Унга санчақта қишлоқ қўлга киритилгандан сўнг ҳалок бўлганлар биродарлар қабристонига дафн этилганини айтишди. Бир оз тузалгач, қадрдон дўсти “кўмилган” жойга келиб, сўнгги марта видолашмоқчи бўлди. Бироқ “қабр”да Алижон йўқ эди. Демак, у ҳам ўша мазорга кўчирилган. “Наҳотки, ўлганинг рост бўлса. Алижон! Шопма-шошарлик қилиб, сени чалажон кўмиб юбормадимми? Ахир, қўлимда жон бергандек бўлувдинг-ку! Нега сенинг ҳужжатларингни олдим? Ҳеч бўлмаганда кимлигингни ёзиб қўйишарди-ку... Бу дўмпайган қабрларнинг қайси бири сеники-а, Алижон?! Жавоб бер, эй сен юрагим, маълум бир одамнинг абадий “номаълум” бўлиб қолаётганига сен сабабчи булмагансанми?”

Ана шу саволлар, виждон азобига солувчи гумонлар Валижонни ҳар лаҳза қийнар. “тил” туфайли нозик бир дамда туғишганидан ҳам зиёда бўлиб қолган қадрдонига ҳалоскор бўлолмагани юрагини тирнар эди.

У соғлигини тезроқ тиклаш мақсадида қисқа муддатли отпускга — уйига қайтаётганида Алижонникига тушди. Оғир бўлса-да, разведка воқеасини, ўглининг сўнгги марта “онажон” дея илтижо қилиб, ўз қўлида жон берганини гапириб берди. Мунгли фарёд фалакни ўртаб юборди. Валижонга ҳам оғир бўлди. Онаизорнинг умидвор кўнглини ноумид, бутун кўнглини яримта қилганини англаб, кўксини тирнади. Зор-зор йиғлаб, Барно хола билан хайрлашди. Бу аччиқ армон Валижон қайта фронтга кетиб, қуршов туфайли “бедарак йўқолган”ида, партизанлар сафида ғалаба кунларигача юрганида ҳам юрагини тирнаб келди. Алижоннинг сиймоси эса қалбида бир умрга ўчмас ҳайкал бўлиб қолди....

— Далажон, бувим чақиряптилар. овқатингиз совиб қолипти.

Тўсатдан эшитилган овоз Алижон аканинг ҳаслларини бўлиб юборди. У бошини кўтарганида қаршисида қизи Моҳигул гурганини кўрди.

— Яхши, она қизим, дадам ҳозир келарканлар деб айт, хўпми?

— Хўп, дадажон!

Моҳигул кетгач, Алижон ака тараддуланиб қолди. Хўш, нима қилсин? Ҳатти кўрсатсинми? Кампирнинг дили хасталаниб қолмасмикин? “Ўлим элчиси” бўлган дўстининг келаётганини эшитса, нима дер экан? Оналар кўнгли тоғдек бардонли бўлса-да, қилдан ҳам нозик-ку!.. Шунчалар чигалмисан, ҳаёт?! Кўнглим, қани жавоб бер, сенинг фармойишинг қандай бўлади? Ахир, у шундай бўлишини истаганмиди?! Ўлим менинг бошимда қаҳ-қаҳ уриб турганида Валижон танлаган сўнгги йўл тўғри эмасмиди? Агар иложи бўлса, у мени ташлаб кетармиди? Шундай экан, нега бунча ўйлай? Йўқ, иккила-

нишининг ҳожати йўқ. Ҳамма гапни айтаман. Она қалби ҳамиша буюқдир!..

Алижон ака хонага кирганида Барно хола келини ва исваралари даврасида очилиб-сочилиб ўтирарди. Бир вақтлар фарзанд доғида нурсизланган кўзлари атрофдагиларга шод боқади.

— Кел, болам, бунча ҳаялладинг? — деди Барно хола хонтахта олдида ёнбошлаган ўғлига бир пиёла чой қуйиб узатаркан, — тобинг йўққа ўхшайди.

— Йўқ, онажон, дурустман. Лекин-н...

— Бир дардинг борга ўхшайди, ўғлим. Яширма мендан.

Алижон ака бир оз сукутга кетди, чайналди. Атрофдагиларга бир-бир боқди, сўнгра Барно холага юзланди:

— Яширишнинг ҳожати йўқ. Сизга бир гапни айтмоқчиман.

— Қайси гапни? — сергак тортди Барно хола.

— Дўстим Валижон бизникига келаётган экан.

— Қайси Валижон?

Алижон ака чўнтагидан конверт чиқарди. Ундан букланган қоғозни олиб, секин ўқишга тушди. Аввалига кампир ҳайратга тушди. Лаблари пирпираб, юзига аччиқ изтироб югурди. Барваста қадди муштдек эгилди. Хат ниҳоясига етганда эса унсиз-унсиз йиғлади. Бувининг кўз ёшлари неваралар қалбини ҳам зирқиратди. Хандон хонани бир дамда сўлғинлик эгаллади.

— Болам, — деди анчадан сўнг Барно хола узун снглари билан кўз ёшларини артаркан, — кўп йиғлаган одам ўз қалбига чуқур назар ташлайди. Аслида бу дунё — армонли дунё. Ҳеч кимнинг бутун кўнгли бутунлигича қолиб кетган эмас. Инсон кўнгли ҳамиша ярим-та: нимагадир зор, нимагадир умидвор. Ярим кўнглинг, умидвор кўнглингда ҳозир нималар кечаяпти, билиб турибман. Дўстинг Валижонда ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Ҳаммасига ўша номинг ўчгур уруш сабабчи. Валижон ўз бурчини бажарган. Келаверсин, уйимизнинг тўри уники... Илоҳим, энди ҳеч кимнинг дийдасига ёш қотмасин!..

ОЧИҚ ЭШИК

Бу уйнинг эшиги ҳамма вақт очиқ туради. Уй остонасидан атиги тўрт-беш одим нарида текис асфальт йўл. Кичкина ариқча бўйида илдиэ отган бир тул тут ниҳоли эшикнинг нақ рўнарасида. Кечагина ям-яшил бўлиб ётган япроқлари бутун қахрабо тусга кирибди.

Эшик қаршисига келиб, уйга боқсангиз, бир нуроний кишини

кўрасиз. Соқоллари пахтадай оппоқ. Манглайида тарам-тарам ажинлар. Узун ва куюқ киприкли кўзлари мудом узоқларга тикилади. Бу киши — Эгам бобо! Қишлоғимизнинг табаррук отахони. Ёшлари уч кам тўқсонда.

Бобо очиқ эшик олдидан сира жилмайдилар. Эшик епилса, юраклари сиқиладими дейман. Тўрт йил бўлибдики, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолганлар. Кексалик, дармонсизлик касали эмилди. Отахоннинг ёнидан одам аримайди. Катта ҳам, кичик ҳам эшик қаршисига келганида кўлини, албатта, кўксига кўяди. Бобонинг ҳам кўнгиллари жула очик. Баъзан ёстиқдан бош кўтара олмасалар-да, кулишга, жилмайишга ҳаракат қиладилар. Бировнинг дили ўксимасин дейдилар, чамамда.

— Бўтам, келиб туринг, одамнинг дардини одам енгиллаштиради, — дейдилар кетар чоғингизда. Сўнг ташқарига — узоқ-узоқларга тикилиб қоладилар...

Қачон қишлоққа борсам, бобони кириб кўришга ҳаракат қилман. Қари билгани — пари билмас деганлар, кўп насиҳат қиладилар. Айниқса, ёшларга. Назаримда, у киши — тирик хазина.

Бу гал ҳам бобони зиёрат қилишга аҳд қилдим. Туш пайти. Қишлоқда ҳеч ким кўришмайди. Ана, идора томондан каттакон машина шитоб билан келяпти. Ҳайдовчи йигит бир вақт тезликни пасайтириб, кабина ойнасидан очик эшик томонга бош силқитди. Салом берди, чамамда. Кейин аввалгича машинага газ берди. Фурсат ўтмай бошқача ҳолат такрорланди: колхоз агрономи Очилбой ака эшик қаршисига келганда мотоциклга тормоз бериб, ичкарига кирди. Бир оздан сўнг алланималар дея уйдан чиқди.

— Эгам бобони кириб кўрдим, соғликлари ёмон эмас экан.

— Яхши қилибсиз, — дедим у билан салом-алик қила туриб, — мен ҳам ҳозир кўриб чиқаман...

Очиқ эшикка яқинлашиб, бобога таъзим билан салом бердим. Ёнларида умр йўлдошлари — Робия хола. Чой қуйиб турибдилар.

— Кел, бўтам, омонмисан, — дедилар оппоқ рўмолча билан юз-кўзларини арта туриб. — Онаси, кўрпача сол, чой қуйиб узат.

— Ташвиш тортманг, холажон, шундаям дуруст, — дедим чолнинг рўпарасига ўтирарканман. — Сизни кўрай дедим. Қалай, тузалиб қолдингизми энди?

— Шукур, бўтам. Дўхтирлар келиб, дори-дармон қилиб туришибди. Тузукман...

Шу пайт бир дона тут барги хонага учиб кирди. Эгам бобо уни оҳиста кўлларига олдилар. Кейин ташқарига кўз тикдилар. Осмон

тиниқ. Иссиқ ҳароратдан тунги шабнам секин туманлаб кўтариляпти. Бир жуфт каптар эса асфальт йўлда бир-бирини қувалаб, гу-гулашади. Чолга халал бергим келмади. Ким билсин, шу тобда йигитлик йилларини эслаб кетдиларми?! Колхоз тузиб бригадирлик қилганлари, тектаридан 60-70 центнердан пахта ундирганлари, эҳтимол, ҳаёлларида чарх урган дир. Балки фронтга гуруҳ-гуруҳ йигитларни жўнатиб, санокли кишиларни кутиб олганлари, “болам” дея, “қайда қолдинг, азиз йўлдошим?”, дея фарёд урганлар кўз олдиларида ўнгланган бўлса, ажабмас...

— Отахон, бугун колхоз режани бажарибди, — дедим жимликка хотима беришга уриниб, — идорага кетяпман. Радиодан махсус эшиттириш, концерт бермоқчимиз.

— Кўп яхши-да, бўтам. Колхозчиларни менинг номимдан ҳам табриклар кўй. Лекин ортиқча шов-шув, дабдаба қилманглар. Колхоз тўлса, туман тўлди, туман тўлса, вилоят тўлди дегани эмас. Ҳали республиканинг юки катта. Режа ҳамма ерда бажарилса, истаганча завқ-шавқ, хурсандчилик ўшанда ярашади. Эшиттиришингизда шуларниям эслат...

Очиқ эшикдан ташқарига чиқдим. Борлиқ мусаффо. Кўёш кўк пештоқида. Идора атрофида ҳеч ким кўринмайди. Ҳамма далага — пахта теримига отланган...

СОВҒА

Бир неча кундирки. Маҳмуд бобо тўшакда. Ана кетди-мана кетди бўлиб ётибди. У ер-бу еридан лойсувоқлари кўчган мўъжазгина хонага кириб-чиқувчиларнинг сон-саногини йўқ. Бобо қизлари, куёвлари, узоқ шаҳардан келган ўғли ва келини билан, невара-эваралари билан бир-бир дийдорлашмоқда. Унинг сўниб бораётган кўзларидан ёш оқади. Гоҳо киприкларини юмиб, узоқ жим қолади. Оғир хўрсиниб, лабларига оқиб тушган кўз ёшларини чўпдай озгин, қоқсуяк қўллари билан аста артади. Сўнг кўзларини базўр очиб, алланима дея пичирлайди.

Бобонинг бетоқат ҳаракатидан ҳамма ҳаяжонда. Уввос солиб йиғлаган невараларини ташқарига олиб чиқишди. Бироқ суюкли невара — Орифжонни силжитишнинг иложи йўқ. У ниманидир бағрига босганича тўшак ёнидан жилмайди. Миттигина қўлчалари билан ҳар замон бобонинг кўз ёшларини артади, оипоқ соқолини силайди.

— Бобожон, кўзингизни очинг, бугун байрам. Йиғламанг. Сизга

совға келтирдим, — дейди чолнинг боши устида энгашиб, — мана, дадам, нанам сизга кўйлак келтирдик. Туринг, бобожон!

Катта ўғил лабини тишлайди. Қизлар, куёвлар унсиз йиғлашга гушадилар.

— Вой, болажоним-эй. Ҳозир бобонгнинг кўзига совға кўрина-дими, — аста пичирлайди эшик орқасида ўтирган Диллор хола.

— Болани олиб чиқинглар, — дейди келинлардан бири.

Катта ўғил лабини тишлади. Қизлар, куёвлар унсиз йиғлашга тушдилар. Бола: “кетмайман. ўзимнинг бобом, бобожоним, кетмайман”, — дея оёқ тираб олди.

— Тў-ўх-та, ўў-ғғ-лим, — дея мажолсиз шивирлаб, кўзларини очди бобо, — Кўя-явер, ўтирсин!

Орифжон бир нималар дея яна тўшак олдида чўнқайди. Бобо унинг болиш устидаги нозик бармоқчаларини бир лаҳза кафтлари орасига олиб, аста юз-кўзларига сурди, пирпираётган қонсиз лабларига босди.

— Сен мени “қорбобо” дердинг-а, Орифжон! — оипоқ соқолини тугамлаб, зўрға сўзга киришди бобо.

— Ҳа, қорбобомсиз, бобожон.

— Тилингдан ўргилай, болам. М-мени я-яхши кўрасанми?

— Жуда яхши кўраман, бобожон.

— Қ-қайси кўзинг билан, чироғим?

— Иккаласи билан, бобожон! Икки кўзим билан!

— Шу юлдуз кў-ўзларинг билан-а?

— Ҳа, бобожон!

— Илоҳим, кўзларинг минг йил ёнсин, болам. Қ-қани, айт-чи? Менга н-нима с-совға келтирдинг?

— Кўйлак, бобожон. Мана шойи кўйлак, — Орифжон ялтироқ қогозни бирпасда очиб, куйлакни бобосининг кураги устига қўйди.

— Раҳмат, чироғим. Сен ақллисан...

Бобо бирпас сукутга чўмди. Атрофда жондираб, лаб тишлаб турган кўзларга нурсиз нигоҳлари билан бир-бир боқиб, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди.

— Ётаверинг, отажон, — чўккалади кичик ўғил, — безовталанманг. Нима қилмоқчисиз?

Бобо ҳарчанд уринмасин, туролмади... Яна бошини болишга ташлаб, чуқур хўрсинди.

— Болишнинг остида тугунча бор, — деди анчадан сўнг бобо, — менга олиб бергин, ўғлим.

Кичик ўғил аста қўл узатиб, тугунчани отасига тугқазди. Бобо хийла уриниб, тугунчани ечди. Тугунча ичида оҳори кўчган бир

қанча орденлар, медаллар бор эди. Бобо заиф бармоқлари билан узоқ пайпаслаб, улардан бирини қўлига олди.

— Орифжон, ч-чирогим, бер-рироқ кел, — неварасига юзланди бобо, — мана бу мендан — Қорбобонгдан сенга совға. Майли, тақиб юр. К-катта бўлганингда бобонгнинг кимлигини б-билиб оларсан!..

— Раҳмат, бобожон, яшасин ўзимнинг қорбобом. Мен буни ҳеч кимга бермайман. Ўзим тақиб юраман. Жўраларим ҳам бир кўриб қўйсин, — қувончдан кўзлари порлаган Орифжон нозиккина каф-тида ялтираб турган “Қизил юлдуз” орденини бағрига босганча, кўчага отилди.

Она, боланинг “қилмиши”дан ҳиқиллаб йиглашга тушди. Катта ўғил рўмолчасини кўзларига босди. Қолганлар ҳайрат ва ҳаяжонда.

— Болам, — деди бобо қулт этиб ютиниб, — худо умрини берсин. Орифжон ўғлинг яхши одам бўлади. Унинг бутун вужудига меҳр қоришган. Эҳтиёт қилиб тарбияла. Кўп кузатганман уни. У жуда ақли бола. Айрим катталардан ҳам ақллироқ!.. Бугун 9 май. Бобосига совға келтирибди-я, менинг чирогим... Радиодан эшитдим. Кеча йи-гиллиш бўлибди... Ҳар йилгидек уруш ветеранларига совға беришибди... Мен ҳам кутгандим... Йўқ, унутишган кўринади...

— Отажон, шуниям уйлайсизми? Арзимаган совғага зормисиз? Ҳозир юзтасини келтираман.

— Арзимаган дема, болам. Сенинг совғанг бошқа. Бу — кўнгилда!.. Бошқалар қатори... Ҳали тирикман-ку!..

Бошлар қуйи эгилди. Дилларга изтироб чўкди. Ҳеч ким уйламаган совға муаммоси нигоҳларда муз бўлиб қотди. Қизлар елка қисинди. Ўғиллардан бири орадан секин суғурилди.

Бобонинг кўзлари эса аста юмилди. У элас-элас нафас олаши. Хонада осма соат бир маромда чиқиллайди... Катта ўғил ҳам бош қашиб, эшикка йўналди. У саросимада. Нима қилмоқ даркор? Идорага борсинми? Нима деб? Отамнинг совғасини беринглар, десинми? Асло! Наҳот, одам қадрли фақат соғлигида эътиборга олинса?! Йўқ, у колхоз идорасига бормайди...

Катта ўғил бирдан сергакланиб, қўшни хонага кирди. Апил-тапил сандиқни очди, ўзига олган костюмни газетага яхшилаб ўради, ус-тидан каноп ип билан боғлади. Шоша-пиша ташқарига чиқиб, ота ётган уйга кирди. Хонада ҳамон сукунат.

— Ота, отажон, — деди у тўшак ёнида чўккалаб. Бобо уйқуга кетган экан, оҳиста кўзларини очди.

— Нима дейсан, болам?

— Онам сизга айтишни унутибдилар. Бугун эрталаб совғангизни юборинган экан. Мана, нариги хонадан олиб келдим.

— Алдама мени, болам. Совгани сўраб олмайдилар. Ҳар ишнинг ўз мавриди бор. Элтиб бер ўзларига...

Бобо оғир инқиллаб, тескари ўтирилди. Катта ўғил ҳайкалдай қотди. Қалтираган қўлларидаги “совға” гиламга тушди. У изтироб билан ўрнидан қўзғалди. Бўғзига тикилган аламни ютиб, ҳовлига чиқди. Пастаккина дарвоза олдида ҳеч нарсадан хабарсиз Орифжон бобонинг орденини кўйлагига таққанча жўралари даврасида мағрур жилмайиб турарди...

Тонгга яқин ҳовлидан юракни ўртовчи “ота-жо-он!” деган фарёд кўтарилди.

УЗР

Одилжоннинг Тошкентда яшайдиган Жамол тоғаси-ю, боғчада бирга ўйнаб юрадиган Жамол жўраси бор. У тоғасини жуда яхши кўради. Баъзан опаларига қўшилиб, “узоқдаги” тоғасига хат ёзмоқчи бўлади. Ҳали ҳарфларни яхши танимаса-да, иккита сўзни ўзича ёза олади: “Салом, тоға”. Сўнгра давомини унинг номидан опалари тўлдиришади: “Бу мен — Одилжон. Сизни соғиниб қолдим, тоға. Бизникига меҳмонга келинг. Мен катта бўлиб қолдим, шўхликларимни ташладим, ўртоқларим билан уришмайман, опаларимнинг дафтаркитобига ёзмайман, эрталаб боғчага бораётганда йиғламайман. Мана шунақа, тоғажон, акаларимга салом айтинг...” Тоғадан хат келганда Одилжоннинг қувонишини кўрсангиз...

Кейинги пайтда Одилжон негадир Жамол ўртоғи билан тез-тез чўқишадиган бўлиб қолди. Бир куни у боғчадан кела солиб, менга юзланди:

— Дада, бугун Жамол жўрамни урдим.

— Нега, ўғлим? Нотўғри қилибсан. Одам ўз ўртоғиниям урадимми?

— Йўқ, дада, аввал у мени урди. Кейин мен уни мана бундай, мана бундай қилиб урдим, — деди у қўлларини боксчиларникидай қилиб кўрсатаркан.

— Дада, энди Жамол тоғам хафа бўлмайдиларми?...

Унинг самимий, аммо гуноҳкорона боқиб турган кўзларида ажиб туйғуни пайқадим: Шу тобда у ўзини гўё Жамол тоғасига тарсаки туширгандай ҳис қиларди. Завқим келиб кетди.

— Албатта, хафа бўладилар-да, — дедим жиддийга олиб, унинг қўнғироқ сочларини силарканман, — одам ўз ўртоғи билан урушмаслиги керак. Сени қара-ю. Жамол жўрангни бокс қилганингни

Жамол тоғанга айтсам, биласанми, сени жанжалкаш, урушқоқ деб бизникига бутунлай келмай қуядилар.

Бундоқ қарасам, Одилжоннинг кўзларида ёш ҳалқаланыпти.

— Тоғамга айтманг, дадажон, энди ҳеч ким билан уришмайман. Жамол билан ҳам ўртоқ буламан, хўп денг, дадажон, хўп денг!

— Хўп, ўғлим, хўп, — дедим унга. Кейин аста таъкидладим. — агар ҳеч ким билан уришмасликка сўз берсанг.

— Сўз бераман, дадажон!

— Яхши, унда, кўчага чиқиб, ўйнаб кел, — дедим ичкари хонага йўл оларканман.

Кўзлари қувончдан порлаган Одилжон югурганча ҳошига чиқди. Бир оздан кейин деразадан қарасам, у ўртоғи Жамол билан қўл ушлашиб, уйимиз томон келарли.

ЎЗ ИСМИНИ ЎЧИРГАН АСКАР

Комил ота эрталаб идорага кирганида раис телефонда алаким билан сўзлашаётган экан. У гапни чўзмай, трубкани тез ўрнига қўйди.

— Ассалому алайкум, Комил ота. Қани, қани, мана бу ёққа ўтинг.

— Раис чолни қўярда-қўймай диванга ўтқазди. Ҳол-аҳвол сўрашди.

— Чақиртирган экансиз, ўғлим.

— Ҳа, чақиртирган эдим. Гап бундай, Комил ота: мана бу — путёвка!

— Нима қиламан буни?

— Бир айланиб келинг отпускангизда. Уйда ётаверасизми...

— Қўйсангиз-чи, раис болам. Қариликда йўрғаликни ким қўйибди менга.

— Нега бундай дейсиз? Яхши ишлаган одам яхши ҳордиқ чиқариши ҳам керак. Дала ишларини бўлса ўзимиз қилаверамиз. Йигирма кунда бригадангиз чўкиб қолмайди.

Комил ота у деса, раис бу деди. Ҳар қанча баҳонани рўқач қилсада, бўлмади. Собиқ гвардиячи, қатор орденлар соҳиби, илғор бригада сардори Комил ота Жабборон қахрамон шаҳарларга саёҳатга кетадиган бўлди.

Бу саёҳат ғалаба байрами олдидан уюштирилганлиги, табаррук шаҳарларга фақат фронтчи отахонлар жўнатилаётганлигини у вокзалда — поездга чиқаётганида эшитди.

Комил ота махсус купенинг юмшоққина ўриндиғида боя танишгани янги ҳамроҳи билан ўтирар экан, чўққи соқолини тутамлаб,

хаёлга толди. Чорак асрдан ошибдики, у пахта даласида. Ёзни ёз демайди, қишни қиш. Бир неча марта ариза берди. “Биродарлар, ёшим ўтиб қоляпти. Бел оғригим бор. Бригадирликни энди ўқиган ёшлар қилишсин. Биз ҳам, тўрт-беш кун дам олайлик”, деса ҳамки, унашмади. Айниқса, раис: “Ота, сизга ҳали нима бўпти? Соқолингизга бир тола оқ тушмаган-ку, қаридим деяпсиз. Ахир сиз — деҳқончилигимизнинг академигисиз. Ҳали ўқиб келган ёшлар сиздай пахтакор бўлгунча, ернинг тилини, экиннинг дилини англагунча битта йигит ёши керак. Бригадага бош-қош бўлиб, рулни мана бундай бошқариш лозим, деб турсангиз, ўзи старли. Манзилни биз — ёшлар аниқ олаверамиз. Дам олишга келсак. Сизни бу йил, албатта, узоқроққа жўнатаман”, — дея туриб олди. Омон бўлгур, эсидан чиқармаган экан.

— Комилбой, келинпопиша уйда якка қолдиларми дейман, бунча ўйга толдингиз?

— Ҳе, ўлманг, Нодир ака, — деди Комил ота ҳамроҳининг ҳазилдан сергакланиб, — кампир-ку якка қолган эмас. Шукр, бир ҳовли цевара-чеварамиз бор. Мен бу ёғи қандоқ бўларкин? — деб ўйляяпман. Уч ҳафта поездда йўл юриш осон эмасдир-ов.

— Ўзлари бундан олдин саёҳатга чиққанларми, ёки...

— Саёҳатга биринчи, аммо поездга шу йўлдан иккинчи чиқшим.

— Ана холос, бугун жаҳонгашта экансиз-ку! Баракалла, сиз-га-е!

— Қандай тушунтирсам экан сизга, Нодир ака, жуда кеч уйланганман, бола-чақалар ёш эди. Уларнинг таълим-тарбияси дегандай. Қарабсизки, умр мана шу поезддай гупиллаб ўтиб кетипти.

— Неча йил жанг қилгансиз?

— Менми? Етти йил! Фин урушига худди шу йўлдан юк поездидида жўнаб кетганман. Хизматим тугаб, энди уйга қайтаётганимда фашистлар рўпарамиздан чиқиб қолди. Яна қўлга қурол олдим. Берлингача бордим, кейин японлар билан жанг қилишга тўғри келди. Сўнгра икки йил чегарада хизмат қилдим.

— Ўлмаган жонингиз, бошингиз тошдан экан, оғайни, — деди Нодир ота ҳайратомуз, — биласизми, бир ҳамқишлоғим бор. Умри олиб-сотарлик билан ўтди. Шу одам урушнинг сўнгида хизматга чақирилган. Билмадим, фронтни кўрганми, йўқми, лекин ҳар икки гапининг бирида: “Биз уруш кечганмиз, биз қон тўкканмиз. Сизлар учун”, дея чиранади. Ўзига балоям тегмаган. Ветеранман деб бош суқмаган жойи йўқ. Ҳали қарасангиз, Райпода, ҳали ёғоч складида, ҳали қарасангиз, машинамни янгилаб беринглар, деб райижроком

идорасида. Раҳбарларга ҳам қойилман, уруш ветерани деб сўзини ерда қолдиришмайди. Шу одам саргузаштларингизни бир тингласа, қилмишларидан уялиб қоларми, дейман.

— Ҳар кимнинг йўриги бошқа. Нодир ака, баъзан уринганники эмас, чиранганники угади. Келинг, ўйламанг ўша қагиллаган гозингизни. Хўш, ўзларидан сўрасак, қайси фронтда жанг қилгансиз?

— Ҳар ҳолда, Комилбой, сиздай бўлмасак-да, биз ҳам Гитлернинг гўрига ўт қалаганларданмиз. “ШУҲРАТ” ордени соҳиби бўлишимизга озгина қолган...

Собик фронтчи ҳамроҳларнинг гоҳ изтиробли, гоҳо ғамгин, гоҳо шавкатли жанговар саргузаштлари икки-уч кун такрор-такрор тилга олинди. Ниҳоят, улар тушган поезд дастлаб Волгоградда, Москва ва Ленинградда тўхтади. Ветеранлар ўзлари жанг билан кечган шаҳарларни, музейларни ҳаяжон билан томоша қилишди. Ўртоқлик қабристонлари олдида тиз чўкиб, шаҳидлар хотирасини ёдга олишди, гулчамбарлар қўйишди. Ниҳоят, бир неча кундан сўнг уларни Одесса самимий қаршилади... Комил ота шаҳар кўчалари бўйлаб юраркан, кўзига элас-элас танишдай туюлаётган, аччиқ порох тугунлари ичра эмас, олдида баҳайбат дарахтлари бўй чўзган, пойида анвойи гуллар яшнаётган савлатдор биноларга суқланиб қарар, гўё олисда қолган шинелли ёшлик йиллари хаёлида бир лаҳза жонлангандай бўларди. У ана шу шаҳар учун, унинг ҳар бир қарич тупроғи учун кўксини қалқон қилганлардан эди.

Шаҳардан унча узоқ бўлмаган бир қишлоққа боришда Комил ота, айниқса, қаттиқ ҳаяжонланди. Шунлоқ денгизга туташ баланд тепаликда фидойилар хотирасига салобатли эсдалик — лавҳа ўрнатилибди. Ота мармар лавҳага битилган саноқсиз номларга энтикиб кўз ташлади. Ё раб, кўнгил хотирасидан кўтарилай деган таниш қуролдош дўстлари. Пастроқда ўзининг ҳамқишлоғи, омонсиз тўқнашувда душманнинг дайди снарядига “ем бўлган” қадрдон жўражонининг исми шарифи. Алам қилгани шунда эдики, у дўстини сўнгги йўлга кузагишга улгуролмаганди. Агар унинг ҳаётини ҳам тубсиз гирдобларга отган ўша жанговар буйруқни бажармаганида балки ўз қўллари билан она-тупроққа топширармиди уни! Хаёлининг сўнгсиз ипини бир дамгина бўшатган Комил ота мармар лавҳанинг иккинчи қаторига юрак ютиб, яна аста тикилди. Тикилди-ю, кўз олди қоронғилашди. Жисмига титроқ киргандай бўлди. У бугун идрокини тўплаб, ўша биринчи шаҳид номига такрор нигоҳ қадади. Йўқ, адашмаяпти: ўзининг исми, фамилияси, туғилган ва ҳалок бўлган йил рақамлари. Ҳаммаси Комил Жабборовга — тирик юриб, ўликлар сафидан жой олган кимсага аниқ-тиниқ тегишли!

Ота ҳаётнинг озори-ю, нотантиликларини анча-мунча кўриб, бардош этган. Лекин буниси қанақа бўлди? Тақдирнинг бу шум “ўйини”га индамай, даммини ичига ютиб, ҳеч нарсани кўрмагандай кетаверсинми? Бировдан бу хабарни эшитганида ҳам, балки унчалик парво қилмасди. Хўш, нима қилсин? Айтсинми? Ҳамроҳларига, уларни томошага олиб келган муҳтарам мезбонларга воқеани аңлатсинми?

Ота пароканда ҳаёллари билан олишганча тураркан, биров унинг кўлтигидан қўлини аста ўтқазди.

— Ҳа, Комилбой, сизга нима бўлди? Бетобмисиз?

Ота “йўқ” дегандай оҳиста бош чайқади. Қорамтир соқолини тутамлаб, пойида мавжланиб ётган денгизга бирпас тикилди. Бепоён денгиз гўё бўлиб ўтган воқеанинг тирик гувоҳидай бир маромда қиргоққа бош урарди. Отанинг беором кўнгли денгиз мавжларидан тасалли топди шекилли, ҳамроҳига секин бурилди.

— Нодир ака, — деди у ярим жиддий, ярим ҳазил оҳангида, — тирик юрган одамни ўлганлар рўйхатига қўшиб қўйганларини кўрганмисиз?

— Хўш, хўш, ким экан у тирик нотавон?

Ота тоҳасига тикилиб келган фарёд йўлини тўсишга ожизлик қилди:

— Мен-н!

— Нима, сиз?!

— Ҳа, мен! Мана бу мрамар лавҳага қаранг. Исм-фамилиямни ўйиб ёзишибди.

Нодир ота қўйин чўнгагини кавлаштириб, кўзойнагини олиб тақди. Яқинроқ келиб, шаҳидлар рўйхатига обдан тикилди.

— Во ажаб, наҳотки шу сиз бўлсангиз, Комилбой? Балки бошқа Жабборовдир! Дунёда бир-бирига ўхшаш исмлар жуда кўп-ку!

— Йўқ, Нодир ака, бу — менман! Чунки худди шу тепалик учун урушнинг бошида бир марта “ўлиб”, кейин тирилганман, госпиталда!

— Э, ҳа, шундай денг! — бир оз ҳаёлга чўмди Нодир ака, — назаримда, госпиталдан сўнг ўз қисмингизга қайтмагансиз.

— Тўғри айтдингиз, узоқ даволанишдан сўз бошқа қисмга тушиб кетганман.

— Йўқса, бунақа “ўлиб” юрмасидингиз. Сиздан бошқа дарак бўлмагач, қўмондонлик номингизни фидойилар рўйхатига тиркаб қўйган-да! Бунинг учун ҳеч кимдан хафа бўлманг. Бу хатолик ҳам ўша омонсиз урушнинг бизнинг юракларимизга битмас қилиб ўйиб кетган ярасидай гап. Аммо буни тузатса бўлади.

— Қандай қилиб, Нодир ака?

— Энг тўғри йўл — мезбонларимизга саргузаштларингизни очиқ айгиб берасиз. Улар, албатта, бир хулосага келишади. Бўлмаса, — жилмайиб, қўшиб қўйди Нодир ота, — бир умр ўлмай “ўлиб” юра-верасиз.

Комил ота ўйлаб кўрса, дунё кезавериб, хийла тажриба орттирган суҳбатдошининг маслаҳати тўғри. Хўш, бу “сир”ни яшириб нима ҳам қилади. Армон армонлигича қолиб кетаверадимиз?

Бу мушуқли Нодир ота ҳал қилгандай бўлди. У саёҳатчи — ҳам-роҳларига, ҳарбий комиссариат вакиллари — мезбонларга воқеани қисқача сўзлаб берди. Тўпланганларнинг кўпчилиги ҳайратдан ёқа ушлашди. Айримлар Комил Жабборов номини лавҳадан ҳижжалаб-ҳижжалаб ўқишга тушишди. Барчанинг илтимосига биноан ота тепалик учун “шаҳид бўлгани”нинг тафсилотини ҳикоя қилишдан ўзга илож тополмади.

... Урушнинг дастлабки ойлари. Одессани қамал қилган душман шаҳарни тезда қўлга киритишга қатъий буйруқ беради. Муҳим стратегик таянч ҳисобланган мана шу тепалик учун шиддатли жанглар бошланади. Мудофаада турган қўшинларимиз ҳамда артиллериячилар душманнинг олға силжишига йўл бермайдилар. Фашистлар танклар билан олдинга ташланади. Бу талбир ҳам зарбага учрайди. Шунда душманга “Миссершмидт”лар ёрдамга келади. Натижада, пиёда аскарлар ва артиллериячилар ўртасидаги алоқа сими узилиб қолади. Нима қилиш даркор? Мудофаада турганларга тез-тез буйруқ бериб туриш керак-ку!

— Алоқани тиклашга ким боради? — сўрайди шунда командир.

— Мен. Биз! — дея икки жангчи олдинга чиқади. Уларнинг бири Комил Жабборов эди.

Алоқачилар олдинга эмаклаб кетишади. Бош кўтаришнинг иложи йўқ, осмондан ва ердан ёғилаётган ўқ ёмғири атрофни “элак” қиларди. Буйруқ эса қатъий. Алоқа тикланиши зарур! Бир маҳал Комил дўстининг орқада қолаётганини сездди. Қараса, унинг кийриклари юмилган... “Эҳ, лаънатилар, бари бир ниятларингга етолмайсанлар”, — деди у тишларига қаҳрини тўплаб. Сўнгра олдинга шитоб билан ташланди. Мана, узилган симнинг бир учи. Иккинчиси қаерда экан? Шу мақсадда ўрнидан сал кўтарилиши билан чап елкаси узилгандек бўлди. Фурсат ўтмай ҳушдан кета бошлади. “Йўқ, йўқ, нима бўлса-да, алоқани тиклашим керак”, — пичирларди унинг оғриқдан гезарган лаблари. У бор кучини тўплаб, гавдасини ўнг елкасига олди. Кейин симнинг узилган учини маҳкам тишлаб, “ер кавлаганча” олға суд-

ралди. Мана, ниҳоят, симнинг иккинчи учи кўришиб қолди. У атиги ўн метр нарида. Комил кўзларига келган шодлик ёшларини энтикиб ютаркан, бир фурсат яна ҳушдан кетди. Сўнг... Симга етиб олди. Ҳайҳотки, уни улашнинг иложи йўқ. Чап қўли шалвираб қолибди. “Уни албатта, улашим керак”, дерди у яна ўзига-ўзи. Аммо қандай? Ниҳоят, йўлини топди. Ҳар иккала узилган симнинг учларини оғзига солиб, маҳкам тишлаб турди. Унинг танасидан қўмондонининг: “Ўт оч! Олга, ўртоқлар, олга!” деган даъваткор сўзлари бамисоли қон каби ўтиб турарди...

Кечга яқин душман ҳужуми орқага суриб ташланди. Комилни жанг майлонидан олиб чиққанларида у тамоман ҳушсиз эди...

— Ўшанда команديرимиз менинг қайта одам бўлишимга ишонмаган, чамамда, — дея ҳикоясини яқунлади Комил ота, — мен Маҳачқалаладаги госпиталда ана кетди-мана кетди бўлиб, узоқ ётдим. Бу орада қисмимиз Одессани ташлаб чиққан эди. Шундан сўнг менинг кураш йўлим бошқа қисмларга туташиб кетди...

Мезбонлардан бири орага тушган сукунатни бузиб, ҳаяжондан титраб турган Комил отага яқинлашди.

— Азиз отахон, — деди у вазмин оҳангда, — Сиз ҳақиқий қаҳрамон экансиз, жасоратингиз олдида ҳар қанча таъзим қилсак, бари бир кам. Содир бўлган мана бу хатоликни эса бугун тегишли идораларга хабар қиламан.

Саёҳатчилар Комил отани меҳр қуршовида автобустга чиқаздилар. Ўша куни кечга яқин шаҳар ижроия қўмитаси ва ҳарбий комиссариатдан маҳсус кишилар келишди. Ота билан такрор-такрор кучоқлашиб, узоқ суҳбатлашишди.

Эрталаб денгиз қирғоғидан ўша тепаликда фанфараларнинг овози янгради. Аскарлар, ўқувчилар саф тортишди. Шаҳар жамоатчилиги вакиллари, ўзбекистонлик ветеран-саёҳатчилар тўпланишди.

Мармар лавҳа пойидаги супачада тўпланганлар сафидан миқти гавдали, хушбичим ижроқўм раиси олдинроққа чиқди. У салобат ва босиқлик билан дўстлик ва қардошлик, мардлик мавзуида нутқ сўзлади. Комил отанинг фидойилигини эса батафсил ҳикоя қилиб, унинг шаҳар фахрий гражданилигига қабул қилинганлиги ҳақидаги қарорни ўқиб эшиттирди. Отани бағрига босиб, тегишли ҳужжатларни топширди.

— Энди, муҳтарам Комил Жабборович, — деди у отани эсдалик ҳайкали олдига бошлаб бориб, — маъна бу болғача ва исқанани қўлингизга олинг.

Ота “хў-ўш” дегандай ҳайрон боқди.

— Мана бу мәрмәр лавҳага бемаврид битилган исмингизни ўз қулингиз билан ўчириг. Ҳа, ҳа, сиз бунга ҳақлисиз!

Ота бирдан титраб кетди. Мезбонлар бундай қарорга келишларини ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмаганди. У бир муддат тараддудланиб, майдондаги маънодор термилиб турган нигоҳларга тезгина кўз югуртирди. Гўё бу нигоҳлар: “Ота, сиз бунга ҳақлисиз. Сиз фақат ўз исмингизни эмас, бемаврид ўлимни, лаънати уруш сўзини ҳам мәрмәр лавҳалардан ўчирибсиз. фурсат ўтмай, ишга киришинг”, деяётгандай туюларди.

Комил ота сергакланиб, саноқсиз шаҳидлар номлари битилган ҳайкал пойига аста тиз чўкди. Уларнинг хотираси шаънига алланималар дея пичирлади. Сўнгра даст ўрнидан туриб, болғача ва исқанани қўлига олди. Унинг тилига қуйилиб келган сўзлар шу бўлди: “Ҳаётдан ҳам ўлим ва уруш сўзларини ўчириб ташласайдик, кошки...”

“ЖЎРАЖОН” ДОМЛА

Талабалар орасида “Жўражон” домла деб ном олган адабиёт фани ўқитувчиси Қутбиддин Набиевич аудиторияга кириб келганида ҳамма “гурр” этиб ўрнидан қўзғалди.

— Салом, жўражонлар, — деди домла қўлидаги каттакон сариқ портфели ва қўлтигидаги бир қанча китобларни стол устига ёйиб қўяркан. — Ўтиринглар! Хўш, бугун ҳамма келганми?

— Ҳа! — деди ўрнидан ирғиб турган гуруҳ сардори Рўзиев.

— Лаббай, жўражон Розиев, бақирмасдан, жойингиздан турмай, жавоб берсангизам бўларди-ку.

— Ҳа, энди домулло. Сиз каттасиз...

— Нима, нима. Сиз ҳали кичикмисиз? Бўйингиз Рамазон дойини шафтолиқоқисидай, бурнингиз биби Анбарнинг тарошланган чўмичидай бўлибди-ю, сиз ҳали-бери Лайлатулқадрни пойлаб юрибсиз.

Аудиторияда гуррос кулги кўтарилди. Биров бошини орқага ташлаб, биров энкайиб хоҳолар, Қутбиддин Набиевич эса айтган сўзларидан завқланиб, қўлларини кажавадек қорнига босганча боқладими, дегандай қўзларини жавдиратарди.

— Ўлинг, Рўзиев, шафтолиқоқи экансиз-у, билмабмиз, — деди бир вақт Муҳаррам исмли қиз. Кейин хумор қўзларини ўйнатиб, қийқириб юборди.

— Ҳа, Муҳаррамбону, паризоди олам, хуршиди тобон, сизга нима бўлди? Онаиз қийқириб туққанларми сизни? О, нима бунча ово-

зингизни Фотма созандани овозидай қўйиб юборасиз, жўражон, тоис, Фотмахон?

Бўлди кулги, бўлди кулги...

— Мен сенларни, — деди домла тўполондан энсаси қотиб, сергушт қовоқларини осилтирганча, — имтиҳонда кулдиртираман. Чор дарвишдай қайиқчага тушириб, шундан ўйнатайки, куз ёшларинг Дажла дарёсини тоширсин. Сени эса Розиев, Ягодай ялинтириб, Фотмахон, сизни Дездемонадек йиғлатаман.

— Фотима эмас, домла, Муҳаррам у, — деди кимдир.

— Ҳой, ким у мени тузатадиган. Бўйнингни Карим бағгини тулаган хўрозидай ичингга тортма. Мард бўлсанг, тур ўрнингдан...

Аудитория гарчи чайқалишга тайер турган бўлса-да, “жўражон” домланинг сўнги дағдағаларидан биров тингандек булди. Домла анчагача насиҳатомуз сўзларни айтиб, талабаларни тартибга чақирган бўлди. Томоқ қириб, рангини йўқота бошлаган портфелидан кичкинагина гулдор термосни чиқарганча, сув қуйиб ичди. Сўнгра виқор билан доска ёнига келиб, мавзуни эълон қилди.

— Бугунги якуловчи дарсимиз венгер шоири Шандор Петепе, ёзинглар.

Бировлар ёзишга, бировлар зерикарли маърузани бош эгиб тингланга туниди.

— Хўш, сан нимага ёзмайсан, Розиев? Тешабойни тўтиқушидай дономисан ё, курамиз ҳали сайрашингни.

— Кўрасизми, кўрмайсизми, эхтиёрингиз, — деди Рўзиев қорақўлча шевада сал кулимсираб, — бир нарсага ҳайронман, домулла.

— Нимага?

— Петепеми ёки Петефемеи?

— Ҳой, биродар, — деди тутақиб “жўражон” домла, — сан Розиев эмас, Қозиев экансан-ку. Мени ревизия қилишга ким ҳуқуқ берди санга? Петепеми, Петефемеи, ёз-да биттасини. Оғзакида мен айтгандай бўлади. Тушундингми?! Йўқ, Розиев, бунақаси кетмайди. Сани ниятинг дарсни бузиш. Агар эшикни ташқаридан ўз қўлинг билан ёпмасанг, лекцияни бошламайман. Ҳа, жўражон, хон бўлсангиз, кўланкангиз майдон. Қани кўрпа-ёстукни кўтар-чи. Бўлмаса, ман чиқиб кетаман.

Домла билан ортиқча ади-бади айтишишни истамаган Рўзиев “ҳей-рийт” деганча ташқарига чиқиб кетди.

— “Хайрийт”ингни ҳоли бурнингдан чиқориб, қулоғингга исиргадай тоқиб қўяман, тирмизак. Филбонга товукбоқар дарс берганмиш, товба...

Кутбиддин Набиевич анчагача асабийлашди. Олдинги қаторда ўтирган паканароқ талабани Рўзиевнинг ҳамтоқовлигида, фаросатсизликда айблаб, роса койиди. Кейин чуқур йўталиб, йиллар давомида тутилавериб, варақлари титилган конспектлар дафтарига кўз тикиб, маъруза қилишга тушди. У қарийб ярим соатлар қоғоз варақлаб, Шандор Петефи ҳаёти ва ижоди ҳақида ваз айтди. Стол устидаги бир даста китоблар орасидан Петефининг кичикроқ шеърлар тўпламини топиб, роса мақтади. Ингичка овозини баландлатиб, уч-тўрт шеърини қироат билан ўқиди.

— Шундай қилиб, жўражонлар, Петепе зўр шоир ўтган. У венгер адабиётида ўзимизнинг Лирмонтовимизга ўхшаб зўр из қолдирган. Унинг зўрлиги шундаки, ҳозир ҳам шеърлари ўқилади. Шу зўр шоирнинг учта шеърини ёд оласизлар. Тушунарлими?

— Ҳа, — тасдиқлади кимдир.

— Ундай булса, лекциямиз тамом. Бир ҳафталан сўнг зарубежни литературадан экзамен бўлишини унутманглар. Сиз ҳам, Муҳаррамбону.

Кутбиддин Набиевич ярашмаган назокат билан қошу кўзларини ўйнатиб, дафтар-китобларини йиғиштира бошлади.

— Домла, битта савол бор эди, — деб қолди тўсатдан Камолиддин исми бола.

— Қандайчигин савол? — Кутбиддин Набиевич зарда аралаш сўради.

— Шу, домлажон, аспирантурага қандай кирса бўлади?

Бу савол бир неча йилдан бери аспирантурага киролмай, армонда юрган “жўражон” домланинг қулоғи остига шапалоқ тортгандай бўлиб туюлди.

— Ҳой, биродари санггарош, осмонпарасти хомхаёл, аспирантура санга Фиждувоннинг сабзи-пиёз бозори эмаски, у дарвозасидан кириб, бу дарвозасидан чиқиб кетсанг. Отангни бир ферма қўй-эчкисини сотиб сарфласанг ҳам, аспирантура остонасига қадам босолмайсан. Ҳе, жўжахўрози пандавақи...

“Жўражон” домла эшикдан чиқиши биланоқ яна қийқириқ-кулги бошланди. Биров Камолиддинни сабзи-пиёз сотувчига чиқариб, мазах қилса, биров Кутбиддин Набиевичнинг беўхшов хатти-ҳаракатини такрорлашга тушди.

— Бўлди энди, ўртоқлар, бўлди, — деди баланд овозда Камолиддин, — яхшими, ёмонми, бари бир ўқитувчи-да. Толесимизга шундай донишманддан маъруза тинглаш тўғри келибди, чидаймиз-да. Кўрганим шу бўлсин деб, тайёрланайлик.

— Худо кўтарсин, — бурнини жийирди бир қиз.

— Эсиз шундай фан, — афеусланиб бош чайқади кимдир.

Талабалар яна алланималар дея бирин-кетин тарқалишди.

Орадан уч кун ўтар-ўтмас факультет деворида эртага имтиҳон бўлажаги ҳақида эълон пайдо бўлди. Гарчи “жўражон” домланинг нияти аён булса-да, талабалар белгиланган пайтда аудиторияга тупланишди.

Мешдек қорнини осилтириб, соллана-соллана кириб келган Қутбиддин Набиевич чиройли, гулдор скатерт ёзилган стол олдига келгач, бир лаҳзада ҳаммага кўз қирини ташлаб чиқди.

— Бу шоҳи сўзана кимники? — сўради у қовоғини осилтириб.

— Меники, — аста ўрнидан қўзғалди Муҳаррама, — старостамиз айтган эди, олиб келасан деб.

— Шунақами? Меники денг ҳали? Ундай бўлса, Муҳаррамаи паричехра, гулиҳумрои гулиҳандон, бу сўзанани никоҳингиз кечаси чимилдиққа яратасиз. Менга патхалимлик кетмайди. Ҳозирча бу зардўзингизни бошингизга рўмол қилиб ўраб ўтирсангизам, майли.

Қутбиддин Набиевич скатертни жаҳл билан йиғиштириб, хижолатдан юзлари ловуллаган Муҳаррамага отиб юборди. Сўнгра портфелидан имтиҳон билетларини шоша-пиша чиқариб, стол устига ёзди.

— Қозикалон Розиев, аспирант Камолиддин ва Муҳаррамабону ҳаммадан кейин топширади. Ҳозирча уч киши келиб, билет олсин. Қолганлар битта-битта киради. — эълон қилди “жўражон” домла.

Қутбиддин Набиевич ўн-ўн беш талабадан ярим соатлар ичида наридан-бери имтиҳон олган бўлди.

— Сенлардан, — десди домла билетларни йиғиштираётиб, аудиторияга кирган уч “гуноҳкор”га, — “Б” группа билан биргаликда экзамен оламан. Тушунарлими?

— Нега ахир, домулла? — Норозилик билдирди Рўзиев, — бошқалар қатори...

— Негалигини, — ўдагайлади “жўражон” домла. — сен, Розиев, биткомбинат директори бўлган акангдан, сен, Камол повча, завсклад отангдан, сиз, Муҳаррамабону, ювелир магазини мудираси бўлган муҳтарама онангиздан сўрайсиз. То ўшалар мен билан учрашмаса, зачут кнншқаларинг у дунё-бу дунё зарубежпийни кўрмайди. Тушундиларингми? Хўп, мен кетдим, вақтим зиқ...

“Жўражон” домланинг янги найрангига тушунмаган “гуноҳкорлар” бир-бирларига елка қисганча, анграйиб қолишди.

Иккинчи-учинчи кунларда ҳам бошқа гуруҳлардан имтиҳон олинган бўлса-да, Қутбиддин Набиевич уларни яқинлаштирмади. Ниҳо-

ят, бешинчи куни Рўзиев бошига шляпа бостириб, басавлат кийинган киши билан кафедрада Ёлғиз ўтирган “жўражон” домла ҳузурига кириб келди. Уларга нигоҳи тушган Қутбиддин Набиевичнинг чеҳрасига табассум югурди. Ўрнидан ирғиб туриб, савлатдор киши билан самимий кўришди.

— Ўзлари мана бу укашонимизнинг акайи меҳрибонлари, қолаверса, қайрилмас қанотлари Рўзиев бўлсалар керак-а?! — дея эшикни ёпиб, хушомадомуз сўз бошлади “жўражон” домла.

— Йўқ, Кузиевман!

— Ие, бу — Рўзиев, сиз — Кўзиев. Бу қанақа ака-укачилик, — хиринглади “жўражон” домла.

— Икки ака-уканинг фарзандларимиз.

— Шундай демасизми, жўражон, яъни амакиваччасизлар? Шундайми? Ҳа, энди бари бир жигар-да. Амаки акадасиз-а? Ҳе, яшанг, яшанг. Кўзи Рўзиевич. Хих-хих-хи...

Қутбиддин Набиевич бесўнақай гавдасига гўё атайлаб ёпиштирилган муштдек бошини сарак-сарак қилиб завқланар, оғзининг икки бурчидан кўпик сачратганча, навбат бермай гапирарди.

— Бу бала аслида ўзи яхши бала, — дея юзланди у Рўзиевга, — фақат Баҳромча бангининг бедонасидай бироз маҳмаданароқ. Ёш-да ҳали, ёш, ўлмаса одам бўлади. Нима бўлсаям, ўртоқ Кўзи Рўзиевич, сизнинг ҳурматишгиз учун шу балага битта бели синмаган “бешвой”-ни садақа қиламан.

— Унақа баҳонинг менга кераги йўқ, — деди Рўзиев домланинг сўзларини бўлиб, — билимимга яраша, сўраб, қўйинг.

— Ҳе, тирронча, ҳе, донишманди замон. Мартин Иден бўл-е, — кўзларини ола-кула қилиб илжайди Қутбиддин Набиевич, — агар шу киши бўлмасалар, сен вообше институтни тугатолмайсан. Ҳозир оталар югурадиган, акалар ўқиб, укалар диплом оладиган бўлган. Ҳе, пишмаган довучча.

“Жўражон” домла шундай дея Рўзиевнинг имтиҳон дафтарчасини портфелидан олди-ю, чаққонлик билан “5” баҳо кўйди. Гажжакдор имзо чекиб, Кўзиевга узатди.

— Рўзиев, санга жавоб, аканг билан икки оғиз ҳангомамиз бор. Қани, чиқ.

Қутбиддин Набиевич эшикни яна маҳкамлаб, меҳмонга “қалай” детандек киприксиз кўзларини қисди. Чўнтагидан рўмолчасини чиқариб, терлаган гўштдор елкалари, сержун кўкракларини обдан артди. Пахта гулли чойнақдан совиган чой қуйиб, Кўзиевга узатди. Кейин стул олиб, унинг қаршисида ўтирди.

— Гап бундай, жўражон, — кўзларини пирпиратиб, майин оҳангда, айёрона сўз бошлади Қутбиддин Набиевич, — шу десангиз, бир кичикроқ иморат қурган эдик. Ҳовузи боло гузаридан. Биласиз-а, у ерни. Ҳавоси худди Швейцарияни ҳавосидек... Шу камтарона кулба-мизга, жўражон, бироз ёрдамингиз керак. Катта эмас, битта етти болор меҳмонхонамиз, битта кичикроқ залимиз пол-паталўқ қилинмаган. Чумолини уясидек даҳлизи ҳам бор. Ҳа, ундан кейин янгайиз ҳеч қуймади, болалар ёзда яйраб ётади деб, битта тераска ҳам қилгандик... Хих-хих-хи... давлатингиздан яйраб-яшнардик-да. Сиздек биткомбинат директориға бизнинг бу илтимосимиз битта айвонча қургандек гап. Ҳа, энди биздан ҳам зарар кўрмайсиз, жўражон, укангизнинг институтни битириши бизнинг мана шу бўйнимизда.

Кафедраға кирганидан бери Қутбиддин Набиевичнинг хатти-ҳаракатларини зимдан кузатиб, алмойи-алжойи сўзларини тинглаб турган Қузиев секин ўрнидан қўзғалди.

— Биткомбинатда ишлашим тўғри, домла, — деди у салмоқлаб, — лекин сиз ўйлаганчалик директор эмасман. Ҳазрати Имом мазорини биласиз-а! Ўша ердаги қабр тошлари тайёрлайдиган тоштарошлик цехининг бошлиғиман, холос. Сизга эса бажонидил ёрдам беришим мумкин. Хоҳласангиз бугун, бўлмаса эртагаёқ жуда ихчам, Швейцария мрамаридан ҳам зўрроқ мрамар тошдан бепул қабр тоши ясаб бераман. Марҳамат, домла, кечикмасдан, албатта, боринг...

Етти ухлаб, тушига ҳам кирмаган жавобдан эс-хушини йўқотаётган Қутбиддин Набиевич Қузиевнинг кафедрадан чиқиб кетганини сезмади. Ҳалқумига тиқилган тупукни зўрға ютиб, кўкрагини чангаллаганча диванга чўзилди...

ТУГМАЧАЛИ ТЕЛЕФОН

Маиший хизмат комбинати директори Шерали Қарсақбоев курортга кетадиган бўлди. Унинг ҳузурига сартарошлик, тунукасошлик ва яна икки-уч “лик-лик”ларнинг бошлиқлари бирин-кетин қўлларини чап чўттакларига солганча кириб, ўнг қўллари билан бош қашиганча чиқиб кетдилар. Қарсақбоевнинг ҳаммадан кўпроқ кутгани суратгирлик ательесининг бошлиғи Ҳотамбоев эди. Қош қорайса ҳамки, ундан дарак булмади. “Тавба, тирмизакни қаранг, — дерди директор тепакал бошини панжаларини “тароқ” қилиб силаркан. — Ўзи-ку бир имога маҳтал. Яна чап беришини қаранг. Тавба, сен ҳали Қарсақбоевнинг қармоғига дуруст тушмабсан...”

У асабийлашганча тугмачали телефоннинг трубкасини кўтариб, тунд ҳолатда рақам тера бошлади.

— Алло, бу Ҳотамбоевнинг ҳовлисими?

— Йўқ, уйлари! — ёшгина боланинг овози эшитилди трубкадан.

— Ҳай, энди нима фарқ қилди? Бари бир ҳовли-да! Ҳой, менга қара. маҳмадона, сен кимсан?

— Менми? Мен Ҳотамбоев Абдукарим Мусулмонович буламан, ёшим олтида. Отам мени жуда яхши кўрадилар.

— Бўлди, бўлди. Ҳой, Мусулмонович, менга қара. Худди отагинангнинг ўзи экансан. Вой-вой, тилгинангдан ўргилай. Менга қара, ҳой, отанг қаерда?

— Отамми? Отам холаминикида. Онам ҳам ўша ерда. Тўйга кеттила. Мен бўлсам, укаларимга қоровуялик қилиб турибман. Сиз ким бўласиз, амаки?

— Мен отангнинг бошлиғи Қарсақбоевман.

— Тарсақбоев амаки, номингиз қизиқ экан-а. Отам баъзан тарсаки ейсанми, деб кўзларини олайтирадила.

— Ҳой, маҳмадана, менга қара. мен қ-қ-Қарсақбоевман, қарғадаги “қ”. Эшитяпсанми, “қ” билан айт.

— Қар-сақ-боев! Шунақами, амаки, хўп. Қар-сақ-боев!

— Баракалла! Менга қара, отанг бугун келадими ёки йўқми?

— Ё келадилла, ё келмайдилла.

— (Ўзича: Ўлиб бўлдим бу тирранча билан). Менга қара, Мусулмонович, айтгинки, ота, эртага Қарсақбоев амакимнинг идораларига барнақт бораркансиз, деб айт. Хўпми? Эсингдан чиқмайдими?

— Йўқ, амаки, мен энди катта бўлганман. Эсимдан чиқмайди. Дадам билан мен ҳам бораман.

— Йўқ, йўқ. Ҳой, Абдукаримбой, отангизнинг ўзлари келсинлар. Сиз укаларингизга қарашинг. Хўпми, жиян?..

Жигибийрони чиққан Қарсақбоев трубкани зарб билан кўяркан, рўмолчасини чиқариб, терлаган юз-кўзларини, ялтироқ бошини обдан артди. Стол устидаги кўкимтир кулдондан ярми чекиб кўйилган сигаретини олиб, зарда билан гугурт чақди. Оғир креслога суянганча оғзидан ҳалқа-ҳалқа тутун чиқариб, Ҳотамбоев билан бўладиган учрашувни ўйлаб кетди...

Ҳотамбоев чаққон, удабурро суратгирлардан эди. Қарсақбоев дарахтнинг шоҳида бўлса, Мусулмонқул баргида юрарди. Қарсақбоев бўйидан урса, Ҳотамбоев энидан шундоқ чертиб-чертиб урардики, директор баъзан лом-мим деёлмай қоларди. Ана шу хислатлари учун у директорни мафтун этганди.

— Менга қара, ука, сенга оталик қилмоқчиман, — деди бир куни Қарсакбоев уни кабинетига ёлғиз чақириб, — сени ательега мудир қилиб тайинлайман.

— Раҳмат, акамулло. Бу яхшилигингизни унутмайман. Хизматингизга бирор кун яраб қоларман.

— Ана шундан гапир-да, хумпар. Куруқ қошиқ оғиз йиртали. Менга қара, яқинроқ келсанг-чи, — директор қўлини оғзига арра қилганча секин шипшиди, — Ҳар ойда ҳузуримга кириб турасан, тушундингми. Мана тугмачали телефон. Шундоқ кўтариб... остига кўясан-у, орқангга қарамай чиқиб кетаверасан. Тушундингми?

— Албатга, Шерали ака!

— Ҳа, энди менга қара, гап бундоқ бўлипти-да. Биз ҳам сени қўллаб-қувватлаймиз, ука. Агар шу жойда ишлаб турсам, — деди директор ўнг қўлининг орқаси билан чап қўлининг кафтига урганича, — сени орбитага чиқараман. Ҳа, ҳа ишонавер...

Ҳотамбоевнинг директор кабинетигаги тугмачали телефонни кўтариб, остини “обод” қилиши анча вақтгача давом этди. Баъзи ойлари Қарсакбоевнинг қатъий талаби билан бу ҳол икки, ҳатто уч мартадан давом этди.

— Биласизми, ўртоқ директор, — деди бир куни шашт билан кириб келган Ҳотамбоев, — жонимга тегдингиз. Менинг ҳам учта нонхўрим бор. Ҳар куни ишга келаётганимда чумчуқнинг боласидай тамшаниб-тамшаниб оғиз очиб қўйишади. Хўш, айтинг, уларни ким боқади? Бўлди энди. Кўнсангиз ҳам, кўнмасангиз ҳам ҳар икки ойда бир марта телефонингизни кўтариб кўяман. Бўлмаса...

— Бўпти ука, бўпти. — деди кўп жойлардан ҳайдалиб, эҳтиёткор бўлиб қолган директор, чаён чаққандек ўрнидан ирғиб туриб, — м-м-мел ҳеч нима деганим йўқ. Уч ойда кирсанг ҳам, тоис, кирмасанг ҳам бўлади. Менга қара, кетавер...

Хуллас, ҳавойи “ўлжа”лардан жудо бўлаётган Қарсакбоев Ҳотамбоевнинг оёғидан олишга пайт пойлар, бирор камчилик топиб, уни ишдан четлаштириш ҳақида бош қотирарди. Аммо Ҳотамбоев директорга ошиғини ҳеч олдирмасди...

Эрталаб Ҳотамбоев кабинетга кирганида директор сигарета чекиб ўтирар, қовоғидан қор ёғилгудай важоҳатда эди.

— Хўш, укам, — деди Қарсакбоев саломга алик олмай, писанда билан, — кеча нега ҳузуримга кирмадингиз?

— Эшитганим йўқ. Бутун айтишди курортга кетаётган эмишсиз.

— “Мишсиз”. Тавба! Менга қара, тўрт кишини орқангдан юбордим-ку!

— Ҳа, буниям ҳозир эшитдим. Хотинбой билан тўйда эдик.
— Тўйда эдик, денг. Холангизникида. Шундоқми? Ана у маҳмадана сенинг ўглингми? Вой-вой, қайсарлиги худди ўзинг-а. Мени Тарсақбоев дейди-я! Буни, албатта, ўзинг ўргатгансан.

— Нималар деяпсиз, акамулло? Худо ҳаққи, ҳеч нима деганим йўқ. Тугмачали телефонингиз ёмон ишлагандир-да. Фамилиянгни хато эшитган.

— Ҳа, ҳамма бало ана шу телефонда! — Директор трубкани аппаратдан кўтариб, яна зарб билан ўрнига қўйди...

— Қачон жўнайсиз, акамулло? — мулойим сўради Мусулмонқул.

— Эртага!!!

— Шунақами? Бўлмаса, гап бундай, акамулло, ҳозирча чой-чақангиз бўлса керак. Отпускнуой олгансиз. Агар хизмат бўлмаса, акамулложон, беш-ўн кун ўйнаб-кулганингиздан сўнг менга битта телеграмма жўнатасиз. Қолганига ўзим тушунаман. Ахир, курортда қийналиб қолишингиз мумкин.

— Ақлингга қойил! — деди деректор бир оз ўйловдан сўнг хурсанд ҳолда. — Ўзинг дурустсан-у, аммо ичдан пишгансан-да. Майли, укам, омон бўл. Адресни албатта маълум қиламан. Лекин менга қара, фамилиянгни Ҳотамбоев-а, аммо Хасисбоев бўлибсан. Телефонни уч ойдан бери қимирлатганинг йўқ...

Қарсақбоевдан ўн кун деганда телеграмма келди: “Етиб келдим, тобим йўқроқ. Дори юбор!” дейилган эди унда. Ҳотамбоев шу куниёқ почта орқали уч юз сўм пулни “срочний” қилиб жўнатди. Беш кундан сўнг: “Раҳмат, дорингни олдим”. деган мазмунда яна икки энликкина хат келди.

Ана-мана дегунча бир ой ўтиб кетди. Қарсақбоев курортдан шишиб, пишиб, тошиб келди. Бир ҳафтагача уйдан одам аримади. Кўнгил сўраш дегандай, Ҳотамбоев ҳам ўғилчаси Абдукарим билан уникига бирров кириб чиқди.

Директор иш бошлаганининг иккинчи ойида эса Ҳотамбоевни кабинетига чақирди. Уни ательени бошқаролмаслик, ходимлар уни менсимай қўйганликлари, агар ўзи бўлмаса режа умуман бажарилмай қолишида айблади. Уни уқувсиз, йўл билмасга чиқарди.

— Хуллас, укам, Мусулмонқул, сен билан ишлаб бўлмайди, — у телефон трубкасини жойидан кўтариб, яна ўрнига қўяркан. — Марҳамат қилиб, ўз ихтиёринг билан ишдан кетиш ҳақида ариза ёз. Бўлмаса, ҳозир буйруқ бераман.

— Ахир, акамулло, режани ҳар ойда ошириб бажараяпмиз-ку. Мукофот ўрнига тўхматми?

— Ҳали сизга мукофот керакми? Қани, қани, кабинетдан тўё-
фингни шиқиллатиб қол-чи!

— Хўп. ўртоқ Қарсақбоев, мен кетаман, — деди қўллари, лаблар
титраётган Ҳотамбоев, — лекин сиз ҳам мен билан бирга кетасиз.
Буткул кетасиз. Идорадан. Мансабингиздан. Ана шу порахўр, тутма-
чали телефонингиз, занглаган креслонгиз билан бирга кетасиз.

Ҳотамбоев шундай дея қўйин чўнтагидан аллақандай қоғозчалар-
ни чиқарди:

— Мана бу — курортдан юборган телеграммангиз, — деди у ғазаб
билан, — мана буниси квитанция — Сизга жўнатган уч юз сўм
сўлкавойим. Бу эса ўз қўлингиз билан ёзган иқдор хатингиз! Хўш,
буларни инкор қилолмасиз, ўртоқ Тарсақбоев. Энди сиз ва телефо-
нингиз билан тегишли органлар гаплашади. Мен кетдим.

— Ҳой, менга қара, Мусулмонқул бўлмай кет, кофир. Мени пи-
чоқсиз сўйма, менга қара, ҳой, балонгни олай. Телефон-пелефонни
узиб ташлайман... Сени ўринбосарим қилиб тайинлайман. Ҳой, тўхта,
тў-ўх-та...

ЧИРИК ДЕВОР

Йўл қурилиши бошқармаси бошлиғи Тоштемир Ҳайдаровдан кор-
хона ҳайдовчисига: “Фалон куни қайтаман, эрталаб соат 7 да кутиб
ол” мазмунидаги телеграмма келди-ю, ходимлар бўлими мудир
Махсум Миржоновнинг ороми бузилди. Унинг ўзига ярашмаган па-
канагина, бақалоқ гандаси гоҳ режа бўлими, гоҳ ҳисобхона, гоҳ
таъминот бўлимида пайдо бўлар. ўнг қўлининг митғи, семиз кўрсат-
кич бармоғини дуч келган кишининг биқинигами, кўкрагигами
“санчиб” суюнчи оларди:

— Эшитдингизми, Тоштемиржон акажонимиз келарканла. Айри-
пила билан яна. Ўзлариям жуда узоқ кетдилар-да.

— Уч кун бўлди-ку, командировкага жўнаганларига. Нима бало,
эмизикли бузоқмисиз, дарров соғинибсиз, — жеркиб, писанда қили-
шарди ундан безор бўлганлар.

Ана шунда Миржоновнинг жағи-жағига тегмас, қарийб ўттиз
йилдан бери шу ташиқлотда ишлашгани, давлат юмушлари дея тўқсон
тўққиз фоиз сочи оқарганини пеш қилар, уни тингламаганларни
нодонликда айбларди.

— Тоштемиржон акажонимиздай бошлиқ дунёга бир марта кела-
ди. Тоштемиржон акажонимизнинг қадрини мана биз, дунё кўрган-
лар биламиз. Ҳа, у кишининг бир тола мўйлари сенларнинг ўнганга
баробар.

— Нима бунча “жонлаб” қолдингиз, — деди ҳисобхонага яқинда ишга келган Нортожи исмли бола, — Тоштемир Ҳамдамович ўзингиз тенги, чамамда-ку!

— Маҳмадоналик қилма, — ўдағайлади Миржонов узун киприкларини пирпиратиб, — одобни ўрганиш керак. Сен яна қирқ йил ишласанг-да, одамни таниёлмайсан, тирранча. Хоҳласам, ака дейман, хоҳласам, тоға дейман. сенга нима?

— Менга деса, ота денг...

Кабинетда қийқириқ кулги кўтарилди. Оппок, ўсиқ қошлари орасига тугунча тушган Миржонов аламига чидаёлмай гўлдирганча чиқиб кетди.

— Писмиқ! Ҳайдаровга ёқмаса-да, унга ўзини яқин олиб, сотқинлик қилади, — деди кимдир унинг орқасидан жадл аралаш...

Одамларнинг кўзига қайта кўринмасликка ҳаракат қилган Миржонов ўша куни куёв ботишини бестоқатлик билан кутди. Иш соати тугагач, ҳамма хоналарга бир-бир кириб чиқди. Ходимлар уй-уйига тарқалишибди. У чуқур нафас олиб, телефон трубкасини бамайлихотир кўтарди. “Телефонлар китобча”сини бир-бир варақлаб, керакли рақамни тера бошлади:

— Алло, бу гараж, тоис, таксаматўрми? Ман ким билан гаплашэпман?

— Диспетчер билан!

— Ҳа, диспетчир акажон, худди ўзингиз керак эдингиз. Бизни адресни ёзиб олсангиз, тоис, истиқомат қиладиган уйимизни. Ҳа, ҳа, кўчамиз эски шаҳарда. Биласизми, эртага эрталаб соат 7 га Тоштемир акажонимиз келадилар, хўжайинимиз. Шунга битта такса керак эди “Газ — 24”дан, янгисидан бўлсин. Бўлади, дейсизми? Ҳе оғзингизга асал. Ҳожатбарормиз-да, акажон. Кимсан Тоштемир Ҳамдамовични сизнинг “Волга”нгизда бундоқ гизиллатиб, уйларига келтириб ташласак, бунинг савобига ким етибди. Гапни чўздингиз, дейсизми? Ҳа, кечиргайсиз, диспетчир акажон. Яна эсингиздан чиқмасун, соат бешу нул-нулда кутаман жийрон отингизни.

... Ҳаворанг “Волга”айтилган соатда Миржоновнинг эшиги олдида ҳозир бўлди. Кечаси билан “мени уйғотасан” дея хотинини ҳам кўз юмдирмаган Миржонов қора рангли, бесўнақай пальтосига ўраниб, олдинги ўриндиққа ўтирди.

— Тўппа-тўғри айропортга! — ҳайдовчига буюрди у.

Кўп ўтмай машина шаҳарни ортда қолдириб, икки гомони пахтазор, текис йўлга чиқиб олди.

— Шопур бола, — деди у анчалдан сўнг уйқусиз кўзларини гоҳ

очиб, гоҳ юмиб эснаркан, — куп эмас, ярим соатгина кутасан. Айрипилон шундоқ қўниши билан Тоштемир акажонимизнинг қўлларидан чамадонни маи. портфелларини сан олиб, мана шу гиркўкингга таклиф этамиз...

— Бир минут ҳам кутолмайман, — деди ёшгина, бақувват такси ҳайдовчиси. — Сизга ўхшаб кутиб турган заказларим бор. Сизни фақат аэропортга келтириб ташлаш ҳақида топшириқ олганман.

— Бу қанақаси бўлди? Ҳой, нодон, узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши, деганлар. Эшитганмисан, шу мақолни? Насяни қуйиб, нақдини кўр. Ҳожатингни икки ҳисса қилиб чиқараман, хафа бўлмайсан.

— Бўлмайди, дедим-ку. гапга тушунасизми ўзи?

— Нима, нима? Мен гапга тушунмайдиган бўлдимми ҳали? Мени биласанми ўзи? — Қизарган кўзларини ҳайдовчига тикиб, ўдағайлади Миржонов.

— Биладан!

— Кимман унда?!

— Албатта, одамсиз, — деди ҳайдовчи бамайлихотир аэропортдаги такси бекатига етиб, гормозни босаркан, — министр бўлсангиз ҳам, менга бари бир, оддий йўловчисиз. Қани, пулни тўланг-да, жойни бўпатинг. Бўлмаса...

— Ё навзамбиллонгдан ўргилай, — ҳайдовчининг важоҳатини кўриб, ёқа ушлади Миржонов. — сан ўзи бугун чап биқининг билан турганмисан? Ахир...

Ҳайдовчи Миржоновнинг тумшуғи остидан гурзидай ўнг қўлини узатиб, машина эшигини зарб билан очаркан. муштумини қисиб буюрди:

— Дарров тушиб, эшикни орқа томонидан бекитинг!

Оқибати ёмон бўлишини сезган Миржонов йўл-йўл трико шимининг чўнтагини кавлаштириб, саккиз букланган битта бир сўмликни ҳайдовчининг олдига ташлади. Сўнг шоша-пиша машинадан тушди.

— Тўхтанг, — яна буйруқ берди ҳайдовчи. — Қайтимингизни олинг.

— Йўқ, йўқ, керак эмас. Сенга бағишладим ўшани.

— Нима? Менга бағишладингиз?! — кўзлари чақчайди ҳайдовчининг.

У шашт билан такси кассасидан битта ўн беш тийинлик тангани олиб, машинанинг очиқ деразасидан Миржонов томонга отиб юборди.

— Пулинг ўзингга сийлов. Ҳе, ўпка!..

Машина қаттиқ газдан енгил силкиниб, “ҳожатбарор” кишини аччиқ тутунга кўмганча жўнаб қолди.

Кутилмаган воқеадан довдираб қолган Миржонов анчадан сўнг ўзига келди. Асфальтни ёриб чиққан ажриқлар орасидан тангасини топиб, пальтосининг чап енгига арта-арта, чўнтагига солди.

— Ношукур банда, — деди у кутиш залига кириб, ўриндиқларнинг бирига ўтираркан. — Қорни тўйипти тиррончани. Сендан катталари жон-жон деб олади-ю. Ҳа, майли, кутмагани яхши бўлди. Ахир, такси жониворнинг ҳар минути пул. Хўжайиннинг айрипилондан шундоқ тушишларини кўрдим, дегунча любой таксини заказ қиламан.

Шу пайт аэропорт суҳандонининг биринчи рейсдаги самолёт етиб келгани ҳақидаги хабари эшитилди.

Миржонов ток ургандек ўрнидан сапчиб, ташқарига югурди. Кутиб олувчилар тўдасини ёриб, навбатчининг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай, олдинга ўтиб олди. У самолётдан тушиб келаётган ҳар бир кишининг юзига тикилиб-тикилиб қарар, назарида гўё шуларнинг бири хўжайини чиқиб қолиб, ҳозир уни кучоқлаб оладигандай бўларди. Йўқ, хўжайин бу рейс билан келмабди. “Ухлаб қолган бўлишлари мумкин. Албатта иккинчи рейсда келадилар. — ўзича ўйлади Миржонов, — кетиб қолсам, одобдан эмас, кутганим бўлсин...”

... У кутди. Учинчи, тўртинчи қатновларни ҳам кўзлари тўрт бўлиб кутиб олди. Бешинчи қатновдаги самолёт келганида ҳатто бировни кузатиш баҳонасида унинг ичини айланиб тушли. Йўқ, Тоштемир Ҳамдамовичдан дом-дарак йўқ!

Миржоновнинг хўнграб йиғлашига сал қолди. Аэропорт буфетига кириб, алам билан икки стакан винони кўз юммай шимирди. Йигирма йил олдин чекишни ташлаган бўлса-да, бир пачка “Интер” олиб, ташқарига чиқди. У сигаретани лабларига қўндирганча автобус бекатида биё-биё бўлиб тураркан, нарироқда ҳаворанг такси келиб тўхтади. Миржонов чайқала-чайқала машина олдига келиб, эшикни очди. Ўзини юмшоқ ўриндиққа ташлаб: “э-эски шаҳ-ҳарга”, дея валжиради.

Ҳайдовчи бундай қараса, субҳидамдаги мижози.

— Ҳа, оғайни, — деди у чап қўли билан қошигача бостириб олган кепкасини кўтариб, — хўжайин кекирдагингизгача қуйиптиларми дейман!

— А-ал-аламимни қ-қўз-ғатма. Тошкўмир, тоис. То-оштесмир акк-ккажонимиз к-келма-дилар.

— Қайси Тоштемир ака? Ҳайдаровни айтаяпсизми? — сўради қизиқиб ҳайдовчи.

— Ма-ладес! — Миржонов хиёл ўрнидан қўзғалди, — хў-ўш, сан у кишини қ-қасрдан тонийсан?

— Нега танимас эканман! Йўл қурилиши бошқармаси бошлиғи Ҳайдаров-да! Сизни бу ерга ташлаб, поезд вокзалига бировни элтсам, бекатда турган эканлар. Ҳайдовчилари машинаси бузилиб, кутишга чиқолмапти. Идораларигача элтиб қўйдим.


— А? Н-нима дединг? Ил-дорагача элтиб қўйдим? — мастлигини ҳам унутган Миржонов машинадан шашт билан тушиб, ҳайдовчининг ёқасидан жуфтлади. — Мени беип дорга осибсан-ку, тирронча. Н-нега мм-ени по-поезд вокзалига ол-либ бо-ормадинг? Энди мен қ-қандай олам бўлдим?

— Расво одам!.. — ҳайдовчи Миржоновнинг қўлини ёқасидан бўшатиб, зарб билан орқасига итарди. — Лаганбардор! Бировларнинг соясига кўрпача солгунча, чириган деворни устингга торт... ҳе, чирик девор!..

Махсум Миржонов илкис қўзғалган машина орқасидан бошини чангаллаганча, бақрайиб қараб қолди...



ЯҚИН МОЗИЙ ҚИССАЛАРИ



ТАҚДИР СЎҚМОҚЛАРИ

(Қиссадан парча)

Ёзнинг жазирама кунлари эди. Керакли кийимларим, у-бу ҳужжатларни дипломатимга жойладим-да, қайдасан Мингчинор, дея йўлга тушдим. Тушга яқин туман марказига етиб келдим. Суриштирсам, прокуратура янги бинога — туман ижроия қўмитасининг нақ рўпарасига кўчган экан. Туман прокурори Муса Мардонович мени очiq чеҳра билан қарши олди. Практикант — юрист эканлигимни билгач, “Да, дуруст, практика — жиддий синов, биз ҳам ишни шу тахлитда бошлаганмиз, ука. Ўқиган бўлсангиз, уққанингиз билинади” — дея йўлангани кўлимга қайтариб берди.

Орага бир оз жимлик чўкди. У пахта гулли чойнақдан бир пиёла чой қуйиб, менга узатди. Узи эса ҳузур қилиб сигарета чекди.

— Сизни терговчимиз Отажон Юнусовга ёрдамчи қилиб қўямиз, — дели у хиёл ўйловдан сўнг. — Тажрибали мутахассис. Анча-мунча нарса ўрганасиз. Олдиндан айтиб қўйй: бизда турли тасодифлар тез-тез булиб туради. Баъзан тун билан куннинг фарқига бормаймиз.

— Тушунарли, Муса Мардонович, йўл-йўриқ сиздан, ҳаракат биздан, — дедим бир оз шоирона оҳангда.

— Яхши. Мана, калит. Темирийўл яқинидаги Бухоро кўчасида ётоқхонамиз бор. Жойлашиб, бугунча дам олинг.

Муса Мардонович билан хайрлашиб, кўчага чиқдим. Осмон мусаффо. Қилт этган шабада йўқ. Назаримда, она-замин ҳансираб-ҳансираб нафас олаётгандай. Асфальт йўлканинг у ер-бу ерини ёриб, бош туртган майсалар ҳам ғариб ва нимжон. Иссиқ ҳарорат ҳаммани ўз уйига қамаб қўйгандай. Чанқоғанимдан бекат яқинидаги сув павильонига ўзимни урдим.

— Газли сув ичасизми, ёки минеральныйми? — Навбатим келганда назоқат билан сўради сотувчи қиз. Мен тасвирини чизишга рассом мўйқалами ожизлик қиладиган бу қизнинг пайваста қошлари, камон киприкларию нақш олмайди тиниқ рухсорига беихтиёр тикилиб қолгандим.

— Ҳой, ташналаб йўловчи, соқовмисиз, нима бало? — Қизнинг кинояли кулгусидан ўзимга келиб, бундоқ қарасам, мендан кейингилар ҳам қиқирлашяпти.

— Сув, сс-увдан, чистийсидан қуйинг.

— Шундоқ демайсизми, ака, студентсиз чоғидан, тўрт тийинга

кучингиз етмаяпти? Чистийси студентлар учун бепул. Манг, ичинг. — Қиз хумор кузларини пирпиратганича бир стакан сув узатди. Кутилмаган бу “хужум”дан ўзимни тамоман йўқотгандим.

“Мана, бўлажак юристнинг аҳволи. Бир шаддод қизнинг боқишларига жон таслим қилиб, гунгу лол бўлиб турибсан-ку, пихини ёрган муттаҳамларга дуч келсанг, ҳолингга маймунлар йиғламасин, Одилвой! Сувни ичаяпман-у, миямда шундай хаёллар бетиним чарх уради.

— Раҳмат! — дедим ўзимни қўлга олиб. Кейин битта ўн тийинликни қизнинг қўлига тутқаздим. — раҳмат! Кечирасиз!

Қиз ортимга қайрилганимни кўрди-ю, “тўхтанг”. деди буйруқ оҳангида, — кечирадиган ҳеч қандай воқеа бўлган эмас, қайтимингизни олинг. Дуч келган жойда сахийлик қилсангиз, чўнтагингиз тешилиб қолади...

Ноилож қайтимни олдим. Олдим-у, бир қоп пуч ёнғоқдай шалвираб қолдим. Қўлимдаги енгилгина дипломат ҳам оғир тош солингандай зил-замбил туюлди шу аснода...

Эрталабки нонуштани терговчи Отажон Юнусов билан кабинетда қилдик. Чакка сочларига оқ оралаган, хушбичим, бироз савлатлироқ, қирқ ёшлар атрофидаги бу киши анча хушчақчақ одам экан. Ҳар бир лутфи ибратомуз.

— Ука, сиз ҳали учи чархланмаган патсиз ёй кабисиз, — дедилар нонуштадан сўнг Отажон ака. — Сизнинг ёшингизда мен ҳам шундай булганман. Шуни яхши билингки, инсон физиклар тили билан айтганда, батареяга ўхшайди. Батарея турли элементлардан зарядлангани каби инсон ҳам бошқалардан таъсирланиши, озиқланиши зарур. Шундай экан, доимо эҳтиёт бўлинг; маслаҳат билан иш тутинг. Кўполлик ҳеч қачон кучлилик аломати бўлган эмас. Бизнинг ишимизда ҳамиша етти ўлчаб, бир марта кесиш лозим!

Отажон Юнусовнинг сўзларини астойдил тингларканман, сочлари бекорга оқармаганини, турмушнинг паст-баланд ҳодисалари хийла ҳоритганини ҳис қилдим...

* * *

Бир неча ойдирки, бош терговчининг шогирдиман. Кеча-кундуз тиним йўқ. Туман темир йўлга яқин бўлгани учунми, турли-туман воқеалар тез-тез содир бўлиб туради. Телефон жиринглаши билан ҳодисани эшитишинг ва шу заҳотиёқ йўлга чиқишинг даркор. Кейин тергов, тергов. Юз берган жиноятни ёпишга ҳаракат қиладиган баъзи сохта гувоҳлар, “жонкуяр”ларнинг ўртада девор бўлишлари, ай-

ниқса, хунобингни оширади. Шундай пайтда Отажон ака айтганларидек, босиқлик иш беради. Гоҳо эса, қандайдир мушкул ролни бажараётган артистларга ўхшаб кетаман. Жиноятни аниқлаб, жиноятчининг гирибонидан маҳкам тутмагунимча қўймайман. Қонун гувоҳларни эмас, айбдорларни жазолайди! — деган ҳақиқатни мундоқ ақл тарозусида улчаб кураман. Муса Мардонович ҳам, Отажон Юнусов ҳам ғайратимга, қатъий хулосаларимга тан беришар. ҳар замон-ҳар замонда “ҳушёр бўлинг, ука, тағин раҳмдиллик қилиб, тойиб кетманг” — дея уқтиришарди.

Кунлар шу зайлда ўтанерди. Ёшлиқдаги, ҳарбий хизмат йилларидаги илк орзум — артистлик завқ-шавқи мени тамоман сеҳрига тортган эди. Фақат бир инсон — ўша сув павильонидаги сотувчи қизнинг сиймоси ҳаёлимдан кўтарилмас. уни қайта кураман дея павильон ёнидан бир неча марта умидсиз қайтганларим кўнглимнинг аллақаригадир наштардай санчиларди. Уни яна кўриш насиб этармикин?...

* * *

Уша куни туш пайти эди. Эндигина овқатланиб, хонага кирган эдим. Муса Мардонович қўлимга телеграмма тутқазди.

— Отангиз касалхонага тушибдилар. Зудлик билан етиб боринг. Ярим соатдан кейин поезд жўнайди...

Купега кирганимда ёши анча-мунчага борган, нуроний бир киши ўтирган экан. Чол билан омонлашяпман-у, куз олдимида бемор отам гавдаланади: “Болам, тез-тез хабар олиб тур, тобим йўқроқ. Онангга оғир. Мол-ҳол дегандай. Опаларинг бўлса, бола-чақалари билан овора. Бисотимиздаги яккаю ягона уғилсан. Уйлантирайлик десак, ўқишингни неш қиласан...” Бечора отам, наҳот уша осколька сизни яна гўшаққа йиқитган бўлса. Бир чимдимгина қўрғошин, шу қадар ғирроммисан! Не-не аял йигитларни оёғидан чалиб, яна қачонгача қалбларни ногирон этиб келасан?! Эҳ, лаънати уруш...

Купе эшиги очиқ бўлса-да, аввалига нозик тиқиллаш, сўнгра “мумкинми” деган овоз эшитилди. Ҳаёлимни йиғиб, эшикка кўз тикдим. Қаршимда сув сотувчи қиз турарди.

— Ма-марҳамат!

— Ёппасига салом! Отажон, яхшимисиз? Мана, мен ҳам сизларга ҳамроҳ бўлдим. — Қиз нозик табассум билан чемоданини жойлаштириб, чолнинг ёнига оҳиста ўтирди.

— Умумий вагонда эдим. Бирам одам кўп-ки. Проводник билан келишдик. Хайрият, бўш жой бор экан.

— Яхшимисиз! — дедим қизнинг бир фурсат жимиганидан фойдаланиб. Қиз менга унча эътибор бермаганидан уялди шекилли, аллақандай бир ҳолатда, галати тикилди.

— Яхшимисиз?

Ўша жон олгувчи кўзлар, ошиқларни куйдириш учун ўзаро маслаҳатга ўлтириб, бошини бошига қўшган қуюқ қайрилма қошлар қаршимда эди. Ҳаяжондан энтикиб, юрагим турсиллаб урарди. Ўзимни зўрға қўлга олиб, сўрадим:

— Танидингизми?

— Билмадим, сизни қайда кўрганман? — Қиз елкаларини қисиб, узун киприкларини пирпиратди.

— Мен ўша гунгу лол, ташналаб йўловчи...

— Вой, ўша сизми?

— Ҳа, ўша фақир фуқаро студент менман.

— Кечирасиз, — деди қиз ўнгайсизланиб, — Сизни хафа қилиб кўйгандим ўшанда.

— Йўқ, йўқ, асло.

— Биласизми, аслида сув сотувчи эмасман. Ўша куни онаминг ўринларида ишлаганман. Онам бечора касалманд. Тез-тез ётиб қоладилар.

— Мен сизнинг қўлингиздан яна бир... — Ҳазилландим ўшандаги вазиятни эсга олиб.

Унинг хумор кўзлари нимадандир огоҳ бўлгандай, сирли порлар, кулганида икки ёноғидаги кулгичлари ёнарди...

— Отахон, бизнинг суҳбатимизга кўп ҳайрон бўлманг. — Қиз қувноқ кайфиятда чолга ўгирилди, — бу кишининг роса таъзирини берганман. — Кейин у завқ билан бўлган воқеани ҳикоя қила кетди.

— Боплабсан, — чол бошини сарак-сарак қилиб кулди, — бу йигитни бирорта шилқимлардан бўлса керак дея ўйлагандирсан-да-а?

— Топдингиз, отахон. Чанқаган одам сувини ичиб кетавермайди-ми? Ҳадеб, тикилаверса, тикилаверса, ахир...

— Биз — таслим. Биру нол, сизнинг фойдангизга. — Қўлимни кўксимга қўйиб, енгилгина таъзим изҳор қилаётгандим, чол ўрнидан қўзғалди.

— Ман бир авқотланиб келай регистрирондан.

— Рес-то-рандан денг, отахон.

— Ҳа, майли, қизим, санингча бўлсин.

Орага сукунат чўкди. Во ажаб, дейман ўзимга-ўзим. Бу тақдирнинг мурувватими ёки шунчаки тасодиф. Қайта бир мартагина кўришга зор бўлиб, сув павильони атрофида тентираб юрган мен савлойти-

нинг пешонаси, наҳот, бугун чарақлаб очилиб кетса? Эй, Одил ошиқ. Мана истаганингча боқ унинг бежирим қадду қоматию эртақларда нақл этилганидек пари рухсорига...

Мен жим, у жим. Фақат нигоҳларимизгина бир дам висол айлар, поезд эса чўл бағрини ёриб, шитоб билан олға интиларди. Купе деразасидан узоқ-узоқларга қарайман. Якка-ярим қуриган юлғунлар, саксовуллар кузга ташланади. Мана, илон изига ўхшаш сўқмоқлар. Бу сўқмоқлар чўлнинг ичкари-ичкарисигача кириб борган. Шунисини биламанки, бу сўқмоқлар бориб-бориб катта, равон йўлга туташади. Бамисоли одам тақдиридай...

— Биласизми, — дедим бугун идрокимни тўплаб, ноқулай сукунатга хотима бериш учун, — колхозда ишлайдиган бир сувчи йигит ўйланибди. Қиз бригадир экан.

— Хўш, хў-ўш? — Қизиқсиниб қаради қиз.

— Йигит бояқиш севгилиси билан сира учрашиб суҳбатлашмаган экан. яъни... муҳаббат ҳақида. Тўй ўтгач, йигит билан қиз холи қолишибди. Куёв келиндан, келин эса куёвдан тортиниб, бир-бирига фақат унсиз термулишаркан. Ниҳоят, куёвбола юрак югиб, сўз бошлабди:

— Хў-ўшн... Ғўзалар қалай?..

Қиз хиёл ўйлаб турди-ю, кейин шундай хандон отиб кулдики, унинг кулгиси томир-томирларимни жимирлатиб юборди.

— Вой, бало экансиз-ку. Шоирмисиз дейман. Гапга бунча устасиз?

— Йўқ, яхши шоирларни яхши кўраман. Кечирасиз мени, ўша сувчи йигитга ўхшаб сўрайман-да энди: ишларингиз қалай? Қаёққа кетаяпсиз?

— Эсим қурсин. Сизни танигач, шаддодлигим тутиб кетибди. Буни қаранг, танишмамизам. Исмин — Раъно. Ёзги сессияга кетаяпман.

— Демак, талабасиз!

— Ҳа, сизнингча фақир фуқаролардан. Фақат... Сиртқи талаба. Ишлайман, вилоят ижтимоий таъминот бўлимида.

— Ижтимоий таъминот бўлимида?...

— Балли, ижтимоий таъминот бўлимида маслаҳатчи — ҳуқуқшуносман. Самарқандда, университетнинг ҳуқуқшунослик факультетидан сиртдан ўқияпман. Учинчи курсда. Мана, таржимаи ҳолимни ҳам билиб олдингиз. Хўш, ўзингиз кимсиз? Талабамисиз, прокурормисиз?

Мен Раънонинг “юристман” деганини эшитибок, ўрнимдан туриб кетгандим. Қизнинг боши устида тик турганча, яна купе дераза-

сидан чексиз кенгликларга разм соламан. Бу мовий осмон остида, она-замин деб аталувчи муқаддас тупроқда ҳаёт дея аталган мураккаб тилсимнинг қанча эшигию қанча туйнути бор экан? Эшикдан кираман, деб пешонангни туйнукка уриб олсанг ва ёки туйнукдан утиб олсам, дея эгилиб-букилиб, туйнукбоп бўлиб келганинда қаршингда очик эшик турган бўлса-чи?! Бу не сирли савдоки, чақани чақага уриб, кўпикдан жарақ-жарақ бели синмаган сўлкавой ясовчи оқбилак хоним, дея ўйлаганим мана шу шаддод қиз ҳамкасабам чиқиб қолса-я? Эҳ, ҳаёт, бунчалар сержумбоқсан? Сени тушунмоқ учун одамзодга битта умр етармикан?..

— Нега тагин соқов бўлиб қолдингиз? — Раънонинг кўзларида яна табассум порлади.

— Агар терговчи бўлсам-чи! — дедим бамайлихотир унинг қаршисига ўтирарканман.

— Вой, сиз-а? Ростданми?

— Ҳа, мен, сизга термулиб турган мана шу Одилвой деган бўйдоқ йигит терговчи бўламан, фақат практикант-терговчиман.

— Демак, исмингиз — Одилжон, юридик факультетда ўқийсиз?

— Худди шундай, сўнгги курсда. Аммо сизга ўхшаб Самарқандда эмас, Тошкентда. Мана, таржимаи ҳолимни ҳам билиб олдингиз. Саволингиз борми яна?

Раъно елкаларини қисиб, менга бир муддат тикилди. Тикилди-ю, унга боқиб турган кўзларимнинг ўтига бардош беролмади шекилли, секин ўрнидан кўзгалди.

— Чанқадим. Битта чой дамлаб келай. — У ҳайҳайлашимга қармай, вагон йўлагига чиқди.

Танҳоман. Бошимда минг турли ўйлар. Аллақайси донишманднинг сўзлари қуйилиб келади дилимга: тақдир одамга ниҳоятда шафқат қилса, унга оламдаги энг улуғ бахтни ато этмоқчи бўлса, салоқатли дўстлар топиб беради...

Эшикда Раъно кўринди.

— Бунча исқирт бу проводник, бир чойнак чойга элик тийин сўрайди-я! — деди у нафрат билан йиғма столчага иккита стакан ва тумшуги чегаланган чойнакни кўяркан, даққиюнусдан қолган бу чойнакни қаранг. Пиёласи бўлмаса.

— Нима қилсин, бечора. Сиз ва мен йўловчилармиз. Хоҳлаган нархини қўйиб сотаверади-да. Тергайдиган киши бўлмаса.

— Мана шунақа-да, ўртоқ терговчи, бу тоифа одамлар эътиборсизлигимиз, раҳмдиллигимиздан фойдаланишади. Ўн тийинлик нарсани у шаҳардан бу шаҳарга элиб, ўн бараварга пуллашади. Бултур

туристик саёҳатга чиққан эдим. Новосибирскда бўлганимизда, биласизми, номусларга қолиб ўлдим. Бизни бозорда кўрган бир ўрис аёл нима дейди денг. “Ҳа, саримсоқ пуллагани келдиларингми?”

— Боплабди-ку!

— Куласиз-да сиз! Бунақа провадник ниқоби остида юрган олиб-сотарларга қонуннинг нечанчи моддасидаги жазони лозим кўрасиз, бўлажак прокурор?!

— Виждон — қонунлар қонуидир. Ҳозирча шуни раво кўраман, — дедим бироз ҳазил оҳангида.

— Мана, кўрдингизми, Одил ака, биз кўпинча китобий хаёллар билан юрамиз. Жиноятчининг бола-чақасини ўйлаймиз, уни диёнатга чақирамиз. Бундайлар бўлса, виждонини пулга сотади, энг аянчлиси номимизни булғаб юришади...

Раъно ҳақ эди. Унинг бу қадар куюнчаклигини, бир чойнак чой баҳонасида анчайин ҳақиқатларни тўкиб солишини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

— Раъно, ҳар қалай, нафратланиш — охирги чора. Аммо нафратланишдан олдин меҳрибонлик қилишни ҳам унутмаслик лозим.

— Кимга? Хўш, кимга? Виждонсизгами, бюрократгами?

Раънонинг ўйчан қиёфаси яна жиддийлашди. У стакандаги чойдан бир ҳўплаб, ёноқлари устига тушган сочларини қуллари билан икки чаккасига таради.

— Яқинда ишдан кетмоқчиман, — деди у бироздан сўнг маъюс оҳангда. — Бошлиғимиз билан келишолмадим.

— Нега?

— Ёзувчи, деб гумон қилишяпти мени.

— Ёзувчи, деб?

— Ҳа, ҳа, ёзувчи, деб, — хиёл жилмайди Раъно, — билмайсизми ҳали, игвогар, бўҳтончи, имзосиз шикоят ёзиб, кишиларни оворайи жаҳон қилувчиларни “ёзувчи” деб аташади. Бошқа сўз қуриб қолгандай...

— Қизиқ, сизнинг нима дахлингиз бор экан “ёзувчи”ликка?

— Аёл кишидан порохўр чиққанини эшитганмисиз? — саволимга савол билан жавоб қилди Раъно.

— Билмадим, балки мумкиндир.

— Билмадим, эмиш. Назаримда, сиз китоб варақлаш билан умр ўтказиб, ҳаётнинг чигал тугунлари борлигини унутгансиз.

Шу топда Раънога қарши бир оғиз гапириш гуриллаб ёнаётган оловга сув сепиш билан барабар эди. Нафасни ичга ютишдан булак йўл тополмадим.

— Үртачўлни эшитганмисиз? — бироздан сўнг сўради Раъно.

— Ҳа, янги туман. Қарнаб тоғ этакларида.

— Мана шу ерга кўчиб бориб, чўлқуварлик қилаётган бир ногирон уруш қатнашчисига бундан ўн йил олдин “Запорожені” беришган экан. Саид бобо эди у кишининг оти. Тўртта жанговар ордени бор. Бир оёғини Берлин остоналарида ташлаб келган. Қоида бўйича, етти йил ўтгач, машина алмаштириб берилиши лозим экан. Саид бобо ишдан чиққан эски машинасини ижтимоий таъминот бўлимига келтириб топширади. Бироқ... бечора бобони овора қила бошладилар. Бундаги врачлар у кишига кажавали мотоцикл олишни маслаҳат берадилар. Бобо бўлимимиз бошлиғи Зевархон опага мурожаат қилади. Рад жавоби олади. Шундан сўнг менга кирдилар. Опага Саид бобонинг ҳақлигини тушунтирмоқчи булдим. Шундай маломатта қолдимки. “Сенга пора берган-да, орага тушяпсан”, деди беҳаё. Йиғлаб чиқиб кетдим. Тортишув анча муддатга чўзилди. Саид бобо тегишли ташкилотларга мурожаат этишга мажбур бўлди. “Арзибгизни кимга айтсангиз айтинг. Сизга машина берилмайди”, дея уруш фаҳрийсини ҳайдаб юборган бошлиғимиз ҳам, врачлар ҳам типирчилаб қолишди. Оқибат нима бўлди, денг, Зевархон опамиз бошчилигидаги махсус комиссия “сизни бошқа киши билан адаштирибмиз, кечирасиз” дея Саид бобонинг уйига “Жигули” элтиб беришди. Айтинг-чи. Одил ака, бизнинг ҳаётимиз учун жонини душман ўқиға тиккан, тўрт йил ўт. сув кечган муҳтарам бир отахонни шунчалик овораи сарсон қилиш кимга керак эди? Ўттиз беш йил олдин нақ тиззасидан кесилган оёқ қайта ўсиб чиқмаслигини Зевархон опа билмасмиди ахир, ўн йил илгари унинг ўзи Саид бобонинг ҳужжатларини тасдиқлаб, машина берган эди-ку! Йўқ, ҳамма бало бюрократликда, хуфя порахўрликда! Ҳа, яширинча порахўрликда! Мен нодон уша жойда икки йил ишлаб, ҳеч нарсани сезмабман. Яқинда идорамиз тегишли ходимлар томонидан тафтиш қилинди. Матълум бўлишича, Зевархон опамизнинг махсус одамлари бор экан. Уруш қатнашчилари бепул машина оладиган бўлишса, улардан минг сўмдан, айримларидан икки минггача пора олишаркан. Текин ўлжанинг кагта қисми Зевархон опанинг чўнтагига тушаркан.

— Пихина ёрган айёр экан-ку, Зевархон деганингиз. Мен бўлсам, аёл зотини поклик ва назокат тимсоли деб юрибман.

— Тўғри, аёллар орасида ҳам баъзан оласи учраб туради. Аммо ҳамма аёл Зевархон эмас. Мен опани авваллари ҳурмат қилардим. Отам, раҳматли ўғай отам бултур... қазо қилганларидан сўнг опанинг муомаласи бирдан ўзгарди. Ҳар икки гапининг бирида “Юрист —

консультантлик штатимиз қисқаради, бошқа иш топинг” дея рўй-рост айтадиган бўлди.

Отам раҳматли милицияда терговчи эдилар... Мана энди бўлса, опанинг иши текшира-текширда. Опа мендан кўраяпти бу ҳангома-нинг очилишини. Гуё тегишли ташкилотга шахсан мен ёзган эмишман.

— Нега сиздан кўради у маккор? Юрист оиласидан булганингиз учунми? — дедим ўзимни тўхтатолмай.

— Эҳтимол. Аммо опа Саид бобо масаласида порахўрликда айбланганида месткомга ариза берган эдим. Вой, шунда бу ноинсофнинг тилёғламалигини кўрсангиз эди. Муҳокамада нима дейди, денг: — Раънохон, ахир қизимизсиз-ку! Онанинг аччиқ гапи бўлмайди. Жаҳл устида айтган бўлсам айтгандирман, пора олгансиз деб. Ўша чўлоқнинг орасига кириш шартмиди сизга? Бундан кейин ўшанақа қурумсоқларга маслаҳатингизни беринг-у, ишимизга аралашманг. Такрор айтаман, сизнинг вазифангиз арз-долларга фақат юридик жиҳатдан жавоб бериш. Қизим, агар керак бўлса, жамоа олдида бошлиқ бошим билан сиздан кечирим сўрайман...

Зевар опа шундай усталик қилгандики, йиғилишдагиларнинг кўпчилиги мени қизиққонликда, гўрликда айблашди. Шу-шу, опа билан ошимиз пишмай келаяпти...

Коридорда аввалига такрор-такрор йўтал овози эшитилди, сўнгра эшикда овқатлангани кетган ҳамхонамиз, серсоқол чол кўринди.

— Мумкинми, бўталоқларим?

— Келинг, келинг, — дедим ўрнимдан кўзгалиб.

— Ўтиравер, болам. Мен мана бу қизимнинг ёнида ўтираман.

Чол оҳиста чўкиб, оҳори кетган рўмолчаси билан юз-кўзларини обдан арғди.

— Қани, чойдан битга қуй, қизим. Бу ристоран деганингга аввалдан ҳам ихлосим йўқ. Шуюм овқатланиш бўлди-ю, кафтдек ликопчада сузиб келали-я! Худди санаб солгандай, тўрт дона чучвара! Бу первийси эмиш. Иккинчисининг номи рагу экан. Шундоққина суяк. Ўргилдим ифтаройингдан. Ўзимизнинг қўлбола овқатларга нима етсин, қизим. Мана, ристорандан келяпмиз-у, қорин алик олган эмас. — Чол худди болалардек бегубор жилмайди. Раънодан ҳам, мендан ҳам садо чиқмагач, бироз ўнғайсизланди.

— Ораларингдан қора мулук ўтдими, дейман, жимсизлар? Болам, менинг йўқлигимдан фойдаланиб, қизимни хафа қилдингми ё?

— Йўқ, отахон, қизингиз Зевархон опаларини соғинганлар. Шунга бироз...

— Э, ҳа, шундай демайсанми, ўғлим. Соғинч яхши нарса. Соғиниб, соғиниб кошки муродга етса киши.

Раъно менга ялт этиб қаради. Унинг кулиб турган кўзларида нур порлар эди. Поезд навбатдаги бекатга келиб тўхтади.

* * *

Раъно иккимиз битта қовун харид қилиб, купега киришимиз билан эшикда мўйловли одам пайдо бўлди. Гурзидай-гурзидай қўлларида иккита чемодан. Елкасида алланарса солинган қирқ ямоқ қош. Купега унинг ўзидан олдин қўланса ароқ ва папирос ҳиди кирди.

— Қани, ёрдамлашвор, йигитча. — Мўйлов елкасидаги қопини юқоридаги махсус ўриндиққа осонгина иргитди. — Нега хода ютгандай қаққайиб турибсан, — хўмрайди менинг бепарво турганимни кўриб, — ёрдамлашгин, деяпман.

— Хўп деяпман-ку, амаки, — зил-замбил чемоданлардан бирини мўйлов билан биргалашиб, қопнинг олдига жойлаштирдик. У бир пас ёқ-бу ёққа аланглади-ю, иккинчи чемоданни мен ўтирган диванкроватьнинг сандиғига “яширди”. Кейин кийимларини кир қўллари билан “чўткалади”. Чол бурнини жийирди. Раънога қарайман. Унинг ранги қув учган, кўзлари аллақандай бежо. Сарвдек қомати кичрайиб, ҳайкалдек қотиб қолганди. Во ажаб, дейман ўзимча, чақирилмаган бу “меҳмон” бир балони кўзгамаса гўрга эди.

— Сизга нима бўлди, Раъно?

—

— Ҳа, ойимқиз. Ташрифимиз ёқмади, шекилли? — Мўйлов ёнимга ўтираркан, заҳарханда қилди, — ёки ошиқ-маъшукларга халақит бердикми?

— Оғзингизга қараб гапиринг, амаки.

— Ҳе, ўша амакингдан ўргилдим. Сан мани оғзимга қара, — мўйлов икки кўлини “ф” ҳарфига ўхшатиб, белига тираганча ўдагайлади. — Санларга биз кексалар ёқмаймиз ўзи. Культурний эмасмиз, қишлоқимиз, кийимимиз чанг-чунг. Шундай-да-а?!

— Қўйсангиз-чи, бекорчи гапларни. Қайси бир шаҳарликнинг бошида тохи бор?

— Хў, бобой, сизга ҳам шундай қилдими бу такасалтанглар? — мўйлов юқори ўриндиқда ёнбошлаб ётган чолга ўдагайлади.

Купега кирганидан бери мўйловнинг хатти-ҳаракатини кузатиб келаётган чол хиёл ўрнидан қўзғалди.

— Ҳай, ҳай, полвон, мўйловингга қараб сени тузук одам, деб ўйлагандим. Булар нима қилди сенга? Босар-тусарингни билмайсан-

у, яна биз кексалар дейсан, ёшларга дўқ урасан. Ичган бўлсанг, ўзингга. Мана бу ёққа чиқиб, индамай ётавермайсанми? Пичоқ сопи билан, тезак қоғи билан, деганлар...

— Агар оқ соқолингиз бўлмаганда, — деди мўйлов чолнинг кутилмаган жавобидан ҳангу манг бўлиб. — Сизни мана шу деразадан улоқтирдим. Ўлай агар...

— Шайтонга ҳай де, полвон. Загча эмасманки, патимни юлсанг. Гитлер деганингни мана шу қўлларим билан бўғиб, — чол қалтираган қўллариини ҳавода силкитганча тишларини гижирлатди, — жаназасини уйида ўқиб келганман-а. Сен ким булибсан ҳали. Мўйлов ҳайф-е!

Мўйлов чолнинг важоҳатини кўриб, бир лаҳза қотиб қолди. Ма-жолсиз, яна ўрнига оҳиста ўтирди. У бир зарбадаёқ саросимага тушиб, нима қиларини билмай, қўллариини бир-бирига ишқар эди.

— Мен виноват, бобой. Узоқ йўлдан келяпман. Чарчаганман, — тилёғламаликка ўтди у, кейин мен томонга ўтирилди. — Қани, тур ўрнингдан. Бобойни бир хурсанд қилайлик.

У ҳозиргина “яширган” чемоданини қайта қўлига олди. Қалтираб-қалтираб қулфига калит солди. Битта коньяк, битта қоп-қора вино ва уч-тўрт бўлак колбаса олиб, столча устига қўйди.

— Мана буниси “Армянский”, — деди у коньякни бармоғи билан чертиб, — мана буниси эса, — Раънога қараб илжайди мўйлов, — “Черные глаза”. Сочида бўлади бунақаси... Қовоғингизни уйманг, энди бобой. Бу дунёи бебақода одамзоддан нима қолади? Хўш, айтинг-чи, бобой, нима қолади?

— Маишат, тўрт кунлик даври даврон, бир бало қилиб бойлик орттириш, хулласи, калтакесакка ўхшаб яшаш!... Шундай демоқчимисан? — нафрат билан кесатиб жапоб қайтарди чол.

— Оғзингизга ҳалво. Юрагим экансиз-ку, бобой, — мўйлов коньякдан бир стаканини бир кўтаришда бўшатди. — Аммо калтакесак деманг. Калтакесак яхши ҳайвон. Урсангиз шишаверади, шишаверади, — ҳиринглаб кулди у, — ма-мани у-урсангиз, ҳиққ... шишш-майман лекин. Ҳей бобой, бу ўткинчи дунёда яшаш йўлини бил... Ҳиқ... билиш керак. Маишат ўзидан бўлмайди. Мен сизга айт... Ҳиқ... айтсам, ўзимизни чеснок бор-ку, саримсоқ, бир тўрваси, ҳиққ, бир чамадон пул бўлади. Ҳа, йўл... Ҳиққ, ҳиққ... йўлини билл-ҳиққ -иш керак.

Мўйловни ҳиқичоқ тутанди. У чойнакни кўтариб оғзига тутди. Мўйлови аралаш оғзининг икки чеккасидан совиган чой тўкиларди унинг. У чойнакни столчага дўқиллатиб қўйиб, чап қўлининг орқаси

билан оғиз-бурнини артган бўлди. — Лолақизгалдоқ бор-ку, хашаки лолақизгалдоқ, мана бу ошиқ-мошиқлар яхши кўрадиган, — мўйлов дам-бадам кекириб, боши билан бизларни имо қилиб кўрсатди: — бир савати бир чамадон пул. Фақат йўлини билиш керак. Баҳорни бошида эрталаб самолётга утираман-у. Московга бориб тушаман. Қарабсизки, ўша айропортни ўзида талаб кетишди. Ҳар жуфти бир сўмдан. Кечкурун ўша самолётни ўзида яна уйга қайтаман. Мана шу-нақа, бобой. йўлини билиш керак яшаш деганини.

— Нима қиласан бунча пулни? Искандар Зулқарнайн бутун дунёни эгаллаб устун бўлдимики, сен бўлардинг.

— Ким дедингиз, бобой. Зулқарнайми, Зилқоринми, нима дедингиз? — Қорнини ушлаб, хахолаб кулди у.

— Пулдан бошқа нимани билардинг сан. Эшит, ўлими олдилан нима деган у.

— Билмайман, хўш нима деган у Зилқорин?

— Ҳар икки қулоғинг билан ҳам эшит, — деди чол дона-дона қилиб, — билсинларким, етти ўлка подшоси, етти осмон мушкулларидан хабардор одам, энди жисмида жон йўқ, бу макондан бўш қўл билан кетмоқда. Кимки жаҳон мол-мулкни ҳавас қилса, мана бу куп-қуруқ, очиқ қўлларим унга ибратдир...

Мўйлов анчагина сукут сақлаб турди. Коньякдан яна бир стакан қуйиб кўтарди. Биё-биё бўлаётган кўзларини ердан узиб, аввал чолга, кейин менга қаради.

— Аҳмоқ экан ўша Зилқорин, — деди у бирдан талмовсираб, — бутун дунёни олсам, пул топиш йўлини билмаган. Бўлмаса, қўлим қуруқ демасди. Ўша Зилқорин мандан дарс олиб, чайшат қилишни ўргансин.

Мўйлов коньякнинг қолган қисмини икки стаканга баробар тақсимлаб, бирини чолга, бирини менга узатди. Чайқалиб туриб, провонникни чақирди.

— Ўв, номарл, провонник, ўн сўмни-ку қуртдай санаб олдинг. Бир хабар олай демайсан. Дарров битта кружка келтир.

Кўзлари уккиникидай ноўхшов провонник ҳаял ўтмай стакан келтирди.

— Яна нима обкелай, полвон ака?

— Дафф бўлл!

Мўйлов чайқалганча яна чолга юзланди.

— Олинг, бобой.

— Ман ичмайман.

— Ичасиз, бобой. Ҳали Мақсуд мўйловнинг қўли қайтган эмас.

— Ичмайман дедим-ку санга!

— Бақирманг, бобой. Етмишгами, саксонгами кирибсиз. Бўлди-да яшаганингиз, ўлсангизам шуни ичинг.

Чол жаҳл билан унинг қўлидан стаканни олди-ю, коньякни полга сепиб юборди

— Майли, майли. — деди мўйлов чолнинг важоҳатидан ҳадиксираб. — Ўлкангизни босинг. Бу сабилниям мард киши ичади. — У чолнинг сўкинншларини эшитмаганга олиб, менга юзланди. Сўнгра қўлидаги коньяк қуйилган стаканни дўқиллатиб олдимга қўйди.

— Қани, ол. Сан ич! Мана бу “Чёрный глаз”дан ойимқиз ичади. Сочидан именни шу қизга олиб келганман.

Мўйлов рад жавобимга эътибор бермай, бул турган стаканга тулдириб вино қуйди. Анчадан бери ҳайратдан қотиб, бошини қўллари орасига суққанча бемажол келаётган Раъно нафрат билан муйловга тикилди. Тикилди-ю, даҳза ўтмай яна купе деразасидан ташқарига нигоҳ қалади. Унинг лаблари кўкариб, киприклари асабий пирпирарди.

— Ҳўвв, ойимқиз, кўп ўйламанг. Қариб қоласиз, кейин ҳеч кимга керак бўлмайсиз, — киноя билан яна тилга кирди мўйлов, — шоир-поирмисиз ё?... Ҳа, энди шоирлар ўйласа бўлади. Бизам вақтида шоир бўлганмиз. Ошиқона шеърлар ёзиб, сиздай нозанинларни қўлига тутқазардик.

— Бас қилинг, кўп алжираманг. — Қўлларимни мушт қилиб, ўрнимдан қўзгалдим.

— Бир-иккитасини ўқиб берайми ё? — деди у бепарво. Сўнгра бўш турган коньяк шишасини қўлига олиб, чертишга тушди:

Қиз деганинг шунча нозик бўларму?
Орқасига сочи ёзиқ бўларму?
Лабларидан бир бор ўпич олганинг
Шу ғарибга олти ой озиқ буларму?
Вой, дод, аканг ўргилсин.

Раъно унсиз йиглашга тушди.

— Мана бунисини тингланг, биз тожикчаям ёзганмиз, — шилқимликка ўтди у:

Так-таки боло,
Лаганба ҳалво.
Ошиғи бепул, укажон,
Коракаш тавалло.
Вой, дол, аканг ўргилсин...

— Қалай? — Мўйлов Раънонинг боши устида тик турганча гоҳ менга, гоҳ чолга қошларини учирарди. — шоирлик мана бунақа бўлади, — у бир оз каловланди, менинг ўт бўлиб ёнаётган титроқ вужудим, тугилган муштларимни кўраркан, Раънонинг ёш томчилаб турган иягига қўл чўзди.

— Бошингизни кўтариб ўтуринг, дўндиқча, бу бепул йигитнинг таваллосига алданманг кўп.

— Қўлингизни тегизманг унга, бўлмаса...

— Нима қиласан, урасанми? — у мўйлови аралаш лабларини тишлади ва кўзлари қонга тўлган ҳолда менга хезланди. — урасанми-а?!

— Агар яна бир марта ҳалдингиздан ошсангиз...

— Хоп, хоп, ўртоқ безори, мана, ўтирдик жойимизга. — мўйлов нақ башарасига туширишга тайёр турганимни кўриб, дарров ҳийлага кўчди. Сал хушёрланиб, Раънони юпатмоқчи бўлди.

— Боя сан буни исмини Раъно дедингми? — ёвқараш қилди у менга. — Қизиқ, жуда қизиқ. Маниям бир вақтлар Раъно деган қизим бор эди. Билмайман, ўликми, тирикми? Онасини ўн олти ёшида олиб қочганман. Тўққиз ой ўтмай, тугди лаънати, қиз тугди. Иккинчи кунни роса дўппосладим, нега қиз туғасан деб. Бир ой ўтмай боласини олиб қочиб кетди, қизталоқ. Қамоқдан келиб эшитсам, бир чўлоқ милисига тегиб кетинти...

Раъно ортиқ чидаб туролмади, уввос солиб юборди. Бир оздан кейин ҳушдан кетди. Ҳайратдан нима қилишимни билмай қотиб қолдим, чол ўрнидан сакраб туриб пастга тушди.

— Сув опкел, ўғлим, сув!... — Чол Раънонинг бошини тиззасига кўяркан, мўйловга бақирди: — Бехосият, чиқиб тур бу ердан!

Ҳаял ўтмай, сув келтирдим. Чол Раънонинг юз-кўзларига сув сепди. Терлаган юзларини белбоғи билан артди, бошини оҳиста кўтариб, стакандан сув ичирди. Раъно бир оз ўзига келди, кўзларини очди. Аммо купснинг бир четига бақрайиб, “томошабин” бўлиб ўтирган мўйловга кўзи тушди-ю, киприklarини яна юмди. Шу ҳолатда анчагача ётди. Поезд эса бир маромда олға юрар, воқсадан огоҳ бўлган қўшни купедагилар эшигимиз олдида гўпланишганди. Раъно галаговурни эшитиб, чолнинг тиззасидан бошини оҳиста кўтарди.

— Чиқиб кетинг бу ердан...

— Менми? — Ўқрайиб ўрнидан турди мўйлов. — Бескорларни айтибсан! Сани пулинг куймаган бу ўринга. Проводникка ўн сўм берганман, билдингми?

— Лаш-лушингизни йиғиштириб, ҳозироқ бўшатиб бу жойни, — дедим охири сабрим тугаб.

— Үвв, дундикча, бу кашшоқ, безори ошигинг бир куни кулимга тушади. Уни мана шу кекиртагидан... — мўйлов тишларини ғижирлатиб, бўғзимга чангал солиши билан, кўлларини орқасига чаққон қайирдим. Башарасига энди туширмоқчи бўлганимда... Раъно чинқириб, ўрнидан туриб кетди.

— Илтимос, Одил ака, урманг бу беҳаёни. Садқайи одамгарчилик кетсин. Кўзи кўр бўлганида ўзини танийди бу ноинсоф...

Чол ҳайҳайланга тушди. Эшикда тўпланганларнинг бири у деди, бири бу. Мўйлов вой-войлаб, юкларини йиғинтира бошлади. У тинмай сўкинар, оғзидан боди кириб, шоди чиқарди.

— Б-безори, зўр-равон! Ҳали сен билан алоҳида учрашаман. Бўйнингни сапчадай узмасам, Мақсуд мўйлов номим манга ҳаром! — у шундай дея тўпланганларни туртиб-туртиб, бошқа вагонга ўтиб кетди...

Одамлар воқеани анчагача муҳокама қилишгач, бирин-кетин тарқалишди. Купеда яна учовимиз қолдик. Содир бўлган нохушликдан кўнглимиз хуфтон. Раънонинг кўзларидан ҳамон шабнам қатралари-дек ёш думаларди.

— Кўй энди, қизим, йиғлама. Бир қовоғари хонамизга кирди-ю, уч-тўрт айланиб учди-кетди-да... Чол ўрнидан секин кўзғалиб, яна юқоридаги ўринга чиқди. Жойини наридан-бери тўғрилаб, ёстиққа ёнбошлади.

— Биласанми, она қизим. Нимайки ҳаётга келган бўлса, у яшаши керак. Аммо бу ҳаётда ортиқча одамлар, одам шаклидаги махлуқлар кам дейсанми? Улар ҳам ризқини еб яшайверишади. Афсуски, бу сирнинг поёнига етиб бўлмайди. Жуда кўп ўйлаганман бу ҳақда Ибн Сино ҳақимни эшитганмисан. У “кимни дори тузатмаса, ўт тузатади, кимни ўт тузатмаса, пичоқ тузатади, кимни пичоқ тузатмаса, ўлим тузатади” деган. Манимча, қизим, бу ярамас мўйловни ўлим ҳам тузатолмайди. Ҳа, ҳа, нопок одамлардан ўлим ҳам ҳазар қилади...

Чолнинг сўзларини тинглайман-у, Раънонинг тинимсиз йиғлашидан юракларим эзилади. Уни бу оғир изтиробдан қутқариш йўллариини излайман. Нима бўлди ўзи унга? Нечун бағри кабоб унинг?..

— Ахир, ахир, Одил ака, бобожон. Ўша ярамас, нопок мўйлов менинг отам бўлса-чи?!

— А, қандай қилиб сизнинг отангиз бўлсин у? — Ҳайратдан ўрнидиққа беҳол чўкдим.

— Юрагим бир нимани сезганди, — деди чол бамайлихотир бошини чайқаганча. — Мўйлов купега кирганидаёқ рангинг бўздек оқариб, нафасинг ичингга тушганди.

— Раъно, нега ўша заҳотиёқ айтмадингиз? Мен у разилни...

— Кераги йўқ эди. Одил ака, ўзи шундаям сизларни безовта қилдим. Агар билсангиз, отамни бу билан иккинчи марта кўришим... Фақат, фақат шундай одам мени дунёга келтирганидан ҳасратдаман. Бағрим ёнади баъзан...

— Очиқроқ сўзланг, Раъно!

— Йўқ. Одил ака, бошқа вақт айтарман. Бунинг тарихи узун. Чарчадим...

Раънонинг хаёлларига эрк бердим. У нозик қўлларини бир-бирига занжир қилиб, кўкси устига қўйди. Купе деворига суянди, киприкларини юмди. Унинг йиғидан қизарган қабоқлари, кўз ёш ювган ёноқларига тўйиб-тўйиб қарайман. У чиндан ҳам гўзал эди! Паровоз тезлиги пасайди. Бироздан сўнг поезд ҳансираб тўхтади.

— Мана, Раъно, манзилга ҳам етдим.

— Шунақами? — Раъно майин жилмайди. Тошкентгача борарсиз, деб ўйлагандим. Юринг унда, сизни кузатаман.

Мен ҳамроҳимиз — чолнинг манзилгоҳини сўраб, самимий хайрлашдим.

— Биринчи учрашувимиздан хафа эмасмисиз? — вагондан тушаётиб сўради Раъно.

— Асло, Раънохон! Мен бир-икки кунда қайтаман. Сиз-чи?

— Ўн кундан кейин, сессияни тугатиб.

— Телеграмма беринг, албатта, кутишга чиқаман.

— Йўқ. — деди Раъно хайрлашиш учун қўлини узатаркан, — келгач, ўзим кўнғироқ қиламан сизга.

— Яхши, кутаман! — унинг лагиф бармоқларини бир лаҳза кифларим орасида тутиб турдим-да, — кутаман! — дедим яна астойдил.

Поезд кўзгалди. Раъно вагон деразасидан қўл силкиганча нигоҳимдан узоқлашарди...

* * *

Қишлоқнинг, айниқса, ўзинг тугилиб-ўсган гўшанинг меҳри ҳар қанча азиз ва суюкли бўлмасин, иш — иш экан. Отамнинг муолажаларига қарашиб, уч кун қандай ўтганини сезмай қолибман. Кўч-кўронимни йиғиб, тагин Мингчинорга шошдим. Қолаверса, поездда содир бўлган воқеалар ўйимни банд этган, мен учун қадрдон бўлиб қолган Муса Мардонович ва Отажон Юнусовни тезроқ кўргим, бир томондан қалбимни эзётган, бир томондан кўнглимга ширин ҳислар солаётган саргузаштларимни уларга айтиб бергим, менга тинчлик бермаётган сон-саноқсиз саволларга жавоб топгим келарди.

Муса Мардонович сўзларимни диққат билан, қуюқ қошлари уйилиб тинглади. Унинг нималардир дегиси келаётганини, аммо раҳбарларга хос босиқлик билан гапларимни охиригача эшитишга куч топаётганини англаб, сўзимни мухтасар қилдим. Муса Мардонович бармоқлари орасида тутаётган сигаретини кулдонга босиб ўчиради экан, хотиралар гирдобига шўнғигандек, узоқ сукут сақлади. Сўнг босиқлик билан гап бошлади:

— Ҳазорбоғ туманида оддий терговчи бўлиб юрганимнинг ё учинчи, ё тўртинчи йили эди, — деб сўзга киришди у. — Қизилқумнинг Чилдухтарон деган яйловидан нохуш хабар келди: Бир ўрта яшар чупон ўз-ўзидан йўқолган. Ҳеч қаердан дарагини топишолмабди. Ўлдирилган эмиш. Зудлик билан йўлга чиқдик. Сахарга яқин етиб борсак, қора ўтов олдида қон излари. Чўпоннинг йўрға оти ҳам домдараксиз йўқолган. Олдимизда битта санол кўндаланг турарди: хўш, чўпон қаерга йўқолган? Наҳот, ўлдирилган бўлса у? Нечун?! Ёшгина ёрдамчиси бор экан чўпоннинг. Гап сўрасак, қалт-қалт титрайди. “Ман ҳеч нима билмайман, акамullo, ўлай агар билмайман, дейди. йиглайди. Кеча тушда битта катта мошина келди. Ман ҳу ана у қир этагидаги қудуқ бошида эдим. Қўйларни суғораётган эдим. Бир семиз, хўкиздай шофир бир нималар деб акамни сўқди. Иягидан ушлаб бир шапалоқ урдиям. Сўгин машинасига ўтириб, Жинғилди томонга кетди. Кечаси отардан қайтсам, на акам бор, на от. Фақат қон излари...” Йигитнинг билгани шу эди...

Бир ҳафтача Чилдухтаронда қолиб кетдик. Машинанинг изидан тушайлик десак, атроф қум, шамол изни кўмиб юборган. У-бу кишилардан суриштирдик, ҳеч ким шубҳали оламини учратмаган. Хуллас, жиноятчини топиш муаммо эди. Аммо шу орада, Одилжон, қизиқ бир тасодиф рўй берди. Мен ўшандан кейин жониворнинг, отнинг садоқатига яна бир марта қойил қолганман.

— Қайси отнинг? — Ҳайратланиб сўрадим.

— Албатта, ўша ўлдирилган чўпоннинг отига-да! Биласизми, агар от сизга меҳр қўйса, уни тушовлаб қўйсангизам, узоқроқ жойга сотиб юборсангизам, бир қуни остонангизга қайтиб келар экан.

— Қизиқ!

— Қизиғи шундаки, жиноятни аниқлаёлмай, қайтамиз деган қуни ўтовнинг юқорисидаги қирга чиқдим. Бошим қотган. Хаёлим йўқолган чўпон билан овора. Бир вақт отнинг чўзиб-чўзиб кишнагани эшитилди. Қарасам, анча олисда, баланд саксовул олдида эгарланган қора қашқа ҳадеб ер тепинади. тўхтаб-тўхтаб кишнади. Яқинроқ борган эдим, тушовланган от чўлнинг ичкарисига қараб қочди. Би-

роз ажабланиб, утовга қайтиб келдим. Энди утиришим билан яна қашқанинг кишнаган овози келди. Чўпон болани отардан чақиртирдим. Қирга чиқдик. Бола бирдан “шу, акамнинг йўрғаси шу” деб пахтага отилди. От болани кўриб, ўрнидан жилмади. У ҳадеб ер тепиниб, бетоқат кишнади. Бола югурганча қашқанинг бўйнидан кучоқлаб олди. От жонивор тумшукларини боланинг юзларига сургарди. Яқин келиб, юрак-бағрим эзилиб кетди: от йигларди... Миямга келган бирдан-бир қатъий фикр шу бўлди: чўпоннинг ўлиги саксовул остида бўлиши керак! Йўқса, от бунчалик бетоқатланиб, айнан шу ерда фиғон кўтармасди! Қашқанинг тушовини очиб, нарироққа боғлаб қўйдик. Чўпон бола билан саксовул остини қовлашга тушдик. Бир вақт бола дод деб орқага ташланди. Унинг қўлига ўликнинг чопони илинган экан. Кўзлари хонасидан чиққудай бўлиб, бақрайганча орқасини ўгириб олди. Болага милиционерларни чақириб келишни буюрдим. У титраб-қақшаб, “вой, акам”лаб ўтовга қараб кетди. Мен “қабр” устидаги қумни наридан-бери суриб, ўликни оёғидан тортиб чиқардим. От бетоқатланди, чўзиб-чўзиб кишнади. Саксовулни илдири билан қўпориб, ўлик бошига келди. Қашқанинг важоҳатидан кўрқиб, орқага тисарилдим. От жонивор эгасини узоқ ҳидлади, раҳмим келганидан йиғлаб юбордим. Қашқа яна ер тепинди, асабий ҳолатда кишнаб, ўтов томонга қараб қочди. Назаримда, у жинни бўлганди... Чўпон чавақлаб ташланган экан. Уни кўплашиб машинага ортидик... Агар Муҳайё бўлмаганда...

Ўшанда Муҳайё аралашмаганда, билмадим, қотилни аниқлаш қанчага чўзиларди. Ўлдирилган чўпон Муҳайёнинг қишлоғидан экан. Уни Чилдухтарондан олиб келганимизда қиёмат қойим бўлди... Саккизта фарзанди бор экан. Раҳматлини дафн этдик. Катта-кичик жиноятчини топиб беришимизни қатъий талаб қилишарди. Орадан уч-тўрт кун ўтди. Ҳаммамиз гаранг. Қашқа отдан бўлак “гувоҳ” йўқ. Шунда кабинетимга одмигина кийинган ёшгина жувон кириб келди. Бағрида оҳори кўчган, эски шол рўмолга йўрғакланган чақалоқ.

- Прокурор сизмисиз? — сўради у тик тургунча.
- Ҳа, менман, ўтиринг, синглим.
- Ассалом, — деди у рўпарамда ўтиргач, — мени кечирасиз, сўрамай кирганим учун.
- Ҳечқиси йўқ, марҳамат, эшитаман!
- Биласизми, — деди у кўрқа-писа у ён-бу ён аланглаб, — Саттор акани мани эрим ўлдирган.
- Қайси Саттор акани?
- Чўпонни-да! Жасадини сиз топган чўпонни! — Аёл ҳўнграб

юборди, — агар қочмасам, мани ҳам ўлдирарди у золим. Кеча Саттор акани эшитиб, хушдан айрилдим. Жаннати одам эди, раҳматли...

Виждон азоби келтирди мани бу ерга. Қачонгача бўйнимни ичга тортиб юраман дедим. Ҳамма ифлосликларини айтаман, кейин ўлдирса ўлдирсин, — дедим, — аёл энтикиб-энтикиб кўз ёши қилар, баъзи-баъзида чинқираётган гўдагини овутолмай хуноб бўларди. Бироз саросимага тушдим. Аёлни юпатиш ортиқча эди. Кабинетга котибам чой дамлаб кирганида мушкулум осонлашди.

— Синглим, — деди жувон ўрнидан қўзғалиб, — мана шу тирик етимчани бироз кўтариб юринг, ман дардимни айтай бу кишига.

Менинг ишорам билан котиба қиз чақалоқни нариги хонага олиб чиқди. Жувонга чой қуйиб узатдим. У кўз ёшларини артган бўлди. Чойдан бир қултум ҳўплади.

— Ўртоқ, прокурор, — дея аста бош кўтарди у, — имоним комилки, мани эрим ўлдирган Саттор акани. Кўрмаган бўлсам-да, юрагим у ўлдирган деб турипти. Саттор акани ёмон кўрарди эрим. Келишмовчилиги бор эди. Топинглар уни. Кўрганда ўзингизам дарров сезасиз: ифлос, ярамас одам у. Ман энди ўн еттини тўлдирдим, ўртоқ прокурор. Лекин ҳаётдан безганман. Эл-юрт олдида бош кўтаролмайдиган бўлиб қолганман. Мани шу аҳволга солган ўша номард!...

Аёл анчагача жим қолди. У бошини эгганча унсиз йиғларди.

— Синглим, бошингиздан нимаики кулфат ўтган бўлса, ҳаммасини тортинмасдан сўзланг. Бу — жиноятни очишимизга жуда ҳам зарур, — дедим уни яна суҳбатга тортмоқчи бўлиб.

— Хўп, майли. — оғир уҳ тортда аёл, — Сиз давлат одамисиз, оқни оққа, қорани қорага ажратадиган. Сизга бор гапни айтаман деб келганман бу ерга. Мани бахти қаролигим бултур ёзда, касалхонада ётган онамни кўришга келаётганимда бошланганди...

Аёл дам йиғлаб, дам кўз ёшларини артиб, чуқур изтироб ва надомат ила аянчли саргузаштини сўзлаб берди.

Мен ўн олти ёшида, ҳали ўн гулидан бир гули очилмай, бевақт сўлган, муттаҳам кимса қулида ёшлиги хазон бўлган, номуси топталган, бўйидаги бегуноҳ бола туфайли ўзини ўлдиришдан тийган мана шу аёл қисматига юракдан ачинар, уни яшашдан бездирган қотил агар қаршимда бўлганида тўппа-тўғри манглайдан отишга тайёр эдим.

— Синглим. — дедим бағрим эзилиб, — Сиз жасоратли аёлсиз!

Биз тополмаган қотилни сиз ушлаб бердингиз. У ҳеч қаёққа қочолмайди. Бугун дам олинг. Керак бўлганингизда яна чақирамиз. Асло қурқманг. Сизни ҳеч ким хафа қилолмайди.

Аёл аста қўзғалди. Уни машинага ўтқазиб, уйига жўнатиб юбордим. Шунақа, Одилжон, аёл қўлидаги чақалоқ сиз поездда танишган Раъно эди... ўшанда Мақсуд мўйловни ўз қўлларим билан қонун ихтиёрига топширганман. Суд нақ ўн йиллик қамоқ жазосига ҳукм этган у аблаҳни. Букрини гўр тузатади, деганларидек ҳали ҳам қингир йўлидан қайтмаган экан-да, у бадбахт... Ҳа, Одилжон, мана шундай худобехабарлари ҳам бор рақибларимизнинг...

Муса Марлоновичнинг ҳикояси менга янги дунёни очди гўё. Раънонинг, вагон деворига елкасини тираб, ўксиб-ўксиб йиғлаётган, болалиги ҳасратлар гирдобига ғарқ бўлган қизнинг алланечук маъносига нигоҳи қўз олдимга келди. Унинг доим кулиб турувчи кўзлари қатидаги аҳён-аҳён ўзини сездириб қўйгувчи чуқур дард сабаби энди менга маълум эди. Ўзимни қиз қалбидаги дардларни аритишга, уни бахтли қилишга бурчли сезар, бу унга бўлган чексиз муҳаббатим нишонасими, хизмат тақозосими — булар ҳақида ўйлаш энди мен учун муҳим эмас эди...

1987 йил.



ҚУЗҒУНЛАР ҲАЛОКАТИ

(киноқисса)

МУҚАДДИМА

... Уфққа туташган даштлик. Атрофда ўт-ўланлар оёққа уради. Турли чўл гуллари гиламдай тўшалган. Узоқда баланд тоғлар кўзга ташланади. Нарироқда, қир пастида қўй-қўзилар ўтлаб юрибди. Даштликни қоқ ёриб, илонизи йўл ўтган. Шувоқлар, ялдирибошлар, каврақлар авжидан дашт яшарган. Осмон эса беғубор... Шу пайт яқинроқдаги қора ўтовдан икки киши чиқиб, қир томон кела бошлашади. Улардан бири 35 — 37, иккинчиси 27 — 28 ёшларда. Каттасининг қўлида чўпон таёғи, кичигининг қўлида хизмат радиотелефони. Йигитлар ниҳоятда шод, дашт шукуҳидан беҳад мамнунликлари шундоқ кўриниб турибди. Улар қир устига чиққач, тўхташади. Ўпкаларини тўлдириб, қулоч кериб, нафас олишади. Шу пайт катта ит — Олапар думини ликиллашиб, тилини осилтириб, улар олдига келади. У меҳмоннинг оёқларига суйкалади, эркаланади.

М е ҳ м о н: (тиз чўкканча итнинг бошини такрор-такрор силайди, олдинги оёғини қўлига олади). Қалайсан, Олапар, бўриларнинг додини бериб юрибсанми? Баракалла, бўрибосарим! Ис, бўйинг нега ёғилган? Қодир ака, нима бўлди бунга?

Қ о д и р ч ў п о н: Эсим қурсин, Комилжон ука, айтишни унутибман. Кеча саҳар чоғи эди. Қўйлар безовта маърай бошлади. Югуриб чиқсам, уч бўри отарга оралаган. Таёқни олиб, уларга ташландим. Қарасам, Олапар икки бўри билан олишяпти. Биттаси қўйларни чавақлашга ўтган. Ўшанисини мана шу таёқ билан қоқ миясидан солдим. “Увв” тортиб, чангиллаб қулади. Сўнг Олапарга ёрдамга шошилдим. Жонивор ит нақ эшакдай келадиганининг бўғзидан тишлаб олган. Иккинчиси итнинг бўйнига оғиз солган. Униям бир уриб, ағанатдим. Ланнати оқсаб-судралиб қочиб қолди.

К о м и л ж о н: Анави эшакдайи нима бўлди?

Қ о д и р ч ў п о н: Нима бўларди? Олапар бўғзини узиб ташлади. Хириллаб-хириллаб жон берди ҳаром қотгур. Босқинчи, текинхўр деганнинг жазоси шу-да, ука, нима дединг?

К о м и л ж о н: Тўғри, ака, бундан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Хўш, бўриларни нима қилдингиз? Кўмиб ташладингизми?

Қ о д и р ч ў п о н: Йўқ, ука, чўлу даштда нима кўп, қузғунлар кўп. Шуларга ем бўлсин деб, ҳу анави эски сойга ташлаб юбордим.

К о м и л ж о н: Бекор қипсиз, ака, кўмиб ташлаш керак эди. Сасиб, микроб тарқашни мумкин. Илтимос, боринг, ўтовдан кетмон обкелинг, кўмиб ташлаймиз.

(Қодир чўпон ўтов томон бурилади. Комилжон бирпас хаёл огушида қолади. Қир устида бир оз кезинида. Тагин Олапарни эркалайди. Қодир чўпон кетмон олиб келгач, улар эски, суви қуриб қолган сойга — сойликка тушадилар. Бир оз юргач, Комилжон тўхтаydi. Қараса, ўлаксалар устида қузғунлар чарх уриб учинмоқда. Бир қанчаси ўлаксени узун тумшуклари билан чўқилаб-чўқилаб ейинмоқда).

Қ о д и р ч ў п о н: Ана, кўрдингми, ука, қарғалар “байрам”қилишяпти.

К о м и л ж о н: Булар қарғалар эмас, ака, қузғунлар! Ўлаксахўр қузғунлар. Биласизми, мана шу қушлар қарийб тўрт юз йил умр кўришади, жонлари жуда қаттиқ. На қаҳратон қиш, на жазирама иссиқ уларга таъсир этади, яшайверишади. Емиш танлашмайди. Бу очофатлар қушми, ҳайвонми, одамми, ишқилиб, исталган маҳлуқотнинг жони узилса бўлди, еяверишади.

Қ о д и р ч ў п о н: Шунақа дегин, вoй аблаҳлар-ей...

К о м и л ж о н: Энг даҳшатлиси шундаки, ака, қузғунлар энг аввал ўлаксанинг кўзларини чўқиб ейди, кейин юрагига тумшук суқади, сўнгра жигарига ва аста-секин бошқа жойларига. Улар ҳатто ўз қавмдошларига ҳам шафқат қилишмайди, жони узилар-узилмас, еб битиришади.

Қ о д и р ч ў п о н: Даҳшат-ку, ука! Бу маҳлуқлар ҳақиқий текинхўрлар экан-ку!

К о м и л ж о н: Яшанг, ака, топиб, гапирдингиз. Бошлиғимизни биласиз-а, генерал Мардоновни? Исми-шарифига яраша мард одам. Билимдон, тажрибали раҳбар. Мана шу киши порахўр, текинхўр, оғуфурушлар, молу мулк деб иймонини, инсофини, диёнатини йўқотганларни қора қузғунлар деб атайдилар. Рост-да, бу тоифа одамларда на эътиқод, на инсонийлик, на меҳру оқибат бор. Улар қорин, нафс бандалари. Айтинг-чи, акажон, шуларнинг қузғунлардан нима фарқи бор?

Қ о д и р ч ў п о н: Ука, қузғун деганларингни уруф-аймоғигача қуритиб бўлмайдами? Нега улар бунча кўпайиб кетишяпти?

К о м и л ж о н: Бўлади, ака, албатта қуритамиз. Аммо бир оз вақт керак. Ҳамма ишнинг ҳаками — вақт. Мамлакатимизда адолат

байроғи остида иш кўрилайтган экан, соялар, албатта, чекинади. Қора ковакларда биқиниб яшайтган қора қузғунлар, албатта, қўлга тушади. Уларнинг жирканч қиёфалари фош этилади, этиляптиям.

Қ о д и р ч ў п о н: Укажон, вилоятга ишга келганингга икки ойча бўлди, шекилли. Сендан илтимосим, ўзингни эҳтиёт қил. Хушёр бўлгин. Қора қузғунлар дедингми анави муттаҳамларни? Ҳа, яша. Тағин... (Комилжоннинг қўлидаги телефон жиринглайди. У аппарат тугмасини босиб, қулоғига тутлади).

К о м и л ж о н: Алё, Ботиров эшитади.

Т е л е ф о н д а г и о в о з: Алё, лейтенант Ботиров. Мен капитан Раҳматовман. Эшитяпсизми? Қасрдасиз?

К о м и л ж о н: Лолақир даштидаман. Акамни кургани келувдим. Бошлиқнинг хабарлари бор.

Т е л е ф о н д а г и о в о з: Яхши, лейтенант. Гап бундай, ҳозир соат ўн. Яна уч соатдан сўнг бошлиқ ҳузурида бўлишингиз шарт. Тушунарлими? Тағин кечикиб юрманг.

К о м и л ж о н: Тушунарли, ўртоқ капитан, албатта етиб бораман. Хўп, хайр... (Телефонни ўчириб) Шунақа, Қодиржон ака, бизда дам олиш куни деярли бўлмайди. Хизматчилик... ҳозироқ йўлга чиқмасам бўлмайди (Акаси билан кучоқлашиб хайрлашади. улар атрофида парвона бўлаётган ит билан ҳам. Сўнгра ўтов ёнида турган “Тико” олдига келади). Дарвоқе, акажон, ўзингиз ҳам эҳтиёт бўлинг. Қузғун деганнинг парвози баландроқ бўлади. Хусусан, мен айтганларнинг. Хўжалигингизнинг чорваси бисёр. Тайёрга айёр “қузғун”ларнинг сиз томонларга оралаб қолиши ҳеч гап эмас. Хушёр бўлинг.

Қ о д и р ч ў п о н: Албатта, жигарим. Шусиз ҳам тунни кунга уламасак, тинчлик қайда... Хайр, дўстларингга мenden дуойи салом айт.

К о м и л ж о н: Хайр ака, омонликда кўришайлик (Машинага ўтиради. Ортада пойандоздай дашт қолади).

* * *

... Поезд вокзали. Перрон тирбанд. Ҳар замонда паровозларнинг чиқириғи, диктор қизнинг овози эшитилиб туради. Йўлақларда турли тоифадаги кишиларни учратиш мумкин: халта орқалаган, сўмка кўтарган, дипломатли эркаклар, бола етаклаган аёллар, йигит-қизлар... Ит етаклаб, у ёқдан-бу ёққа кезинаётган ички ишлар, боғхона хизмати ходимлари, темир иўлчилар ҳам ўз ишлари билан банд. Тасвир вокзал ичкарасига — навбатчи хонасига кўчади. Телефоннинг босиқчи овози янграб қолади. Навбатчи дастакни олади:

Навбатчи: — Лаббай, эшитаман. Ҳа, ҳа. навбатчиман. Тинчликми, огайни, кимсиз?

Телефондаги киши: “Урганч — Тошкент” поезди бригадир Мирсодиқовман. Эшитяпсизми? Мирсодиқовман! Тинчлик эмас, биродар. Олтинчи вагонимиздаги бир йўловчи оғирлашиб қолди. Эркак киши. Ҳа-ҳа, ўрта ёшлардаги эркак.

Навбатчи: Нима бўлган унга?

Телефондаги киши: Заҳарланган шекилли. Роса йиғирма минутдан сўнг сизларда тухтаймиз. Беморни қолдириб кетишимизга гўғри келяпти. Тегишли жойларга хабар қилинг, илтимос. Врачлар чиқишсин.

Навбатчи: Хўп-хўп, огайни. Ҳаммаси айтганингиздек бўлалай. *(Дастакни қўяди. Хиёл ўйланиб, рақам тиради).* Алё, туман ички ишлар бўлимими? Сизни темир йўл вокзалидан навбатчи Пўлатов безовта қиляпти. Ҳозиргина “Урганч — Тошкент” поездидан кўнғироқ қилишди. Бригадирнинг ўзи. Оғир беморни қолдириб кетишини айтди. Заҳарланган деяпти.

Дастакда ички ишлар хизмати ходими: — Ие, шунақами? Поезд қачон келади?

Навбатчи: Ўн беш минутлардан сўнг.

Ўша ходим: Яхши, ўртоқ Пўлатов, бошлигингизга ҳам айтинг. Перронга чиқсин. Биз “Тез ёрдам”ни олиб, дарҳол етиб борамиз.

* * *

Воқеа тез алмашади. Вокзал майдонига белига “Милиция” деб ёзилган машина, орқадан “Тез ёрдам” етиб келади. Улардан уч-тўрт нафар ички ишлар ходими, ҳақимлар, ҳамшира, санитарлар тўшади. Санитарлар “нарвонча” кўтариб, ички ишлар ходимлари ортидан перронга чиқишади. Кўн ўтмай, поезд келиб тўхтайдۇ. Хизматдаги барча ходимлар олтинчи вагон эшиги олдида тўхташади. Эшик очилиб, аввал узун бўйли, савлатдор бригадир, вагон назоратчиси, сўнгра граждан кийимидаги икки милиционер йиғит тўчишади. Милиционерлар қотмадан келган, ирқитроқ 25-26 ёшлар чамасидаги укккўз кишининг икки қўлиғидан маҳкам ушлаб олишган. У негадир таҳликада, ҳаяжонда.

Бригадир ички ишлар хизмати ходимлари бошлиғи — майорга воқеани баён этмоқчи бўлади.

Майор: Воқеадан хабаримиз бор. Бемор қасрда?

Бригадир: Ичкарида, кўпеда тўлғониб ётибди. Қорнини чангаллаб, дод-войлаб.

М а й о р: Тушунарли, ўртоқ бригадир. (Сўнг у орқага қайрилиб, санитарларга буюради) Тезда беморни туширинглар! (Санитарлар, врач ва ҳамшира поездга чиқишгач, майор “уккикуз”ни ушлаб турган милиционерларга юзланади) Хўш, азаматлар, ҳорманглар энди. *(Низоҳи билан уккикузни имлайди)* Нима гап?

М и л и ц и о н е р л а р д а н б и р и: Бу йнгит анави “бемор”нинг шериги.

“У к к и к ў з”: Ҳовв, манглайи қора, нега утрик сўзлаб ётирсан? Мен уни танимийман.

Ў ш а м и л и ц и о н е р: *(бамайлихотир)*. Биз буларнинг иккисини Урганч вокзалидаёқ кузатганмиз. Ресторанга кириб, роса коньякхўрлик қилишди. Перронга қўлтиқлашиб чиқишди. Аввал бу саккизинчи вагонга, “бемор” эса олтинчи вагонга чиқиб ўрнапишди. Кела-келгунча уч марта учрашиб, суҳбатлашишди. Беморнинг аҳволи ёмонлаша бошлагач, бу бола жуфтакни ростламоқчи бўлувди, биз йўл қўймадик. *(“Уккикуз”га қайрилиб)* Буям ўтрикми?

“У к к и к ў з”: *(ижирганиб)*. Ина, ина ўтрик, бариси ўтрик! Сизлар мени незаконни ушлаб ўтираётирсанлар. Ҳали бунга жавоб беражаксанлар.

М а й о р: *(“уккикуз”га бош-оёқ разм солиб)*. Машинага обчиқинглар, терговда ҳаммаси аён бўлади.

“У к к и к ў з”: Ҳов, манглайи қоралар, бунинг учун мен арз қиламан устларингдан, жавоб берасанлар ҳали.

(Майор ундан нафратланиб, юзини буради. Милиционерлар УККИКУЗни машина томон олиб кетишади.)

Вагон эшигида санитарлар кўринишади. “Бемор”ни куллашиб олиб тушишади. Камера унинг башарасини курсатади: у кўзларини гоҳ очиб, гоҳ юмиб, атрофдагиларга таҳликали разм салади, тўлғонади, инқиллайди. Гезарган лабларини ялайди, ҳулисизланади. Шу орада “Сув бер, Максим, сув бер” дея тамшанади. Уни “Тез ёрдам”га чиқаришади.)

М а й о р: (безовта оҳангда). Доктор Обидов, буни тезда касалхонага обориш лозим. “Бемор”нинг аҳволи ночор. Қани, ўтиринг машинага!

(Милиционерлар, тиббиёт ходимлари йўлга тушишади. Орқада вокзал, жунаб кетаётган поезд қолади...)

* * *

Воқеа аямашади. Шифоҳона. Бош ҳақимнинг куркам безатилган кабинети. Турда эллик ёшлар атрофидаги сочлари оқаринқираган, ўртача қоматли, кўзойнак таққан би ҳақим Қобил Мўминович, настда икки нафар ҳақим — Жарроҳ Шариф Обидович, терапевт Шокир Умарович, уларга юзма-юз ҳалатда шаҳар Ички ишлар бишқармаси бошлиғи, полковник Рашид Жаббо-

ри, вокзалга чиққан туман ички ишлар бўлими ходими майор Бўрон Ражабовлар ўрин олишган.

Қобил Мўминович ўрнидан кўзгалади... аста сўзга киришади:

— Маълумингизки, ўртоқ полковник, “бемор” касалхонамизга етмасданоқ йўлда — “Тез ёрдам” ичида вафот этган. У ўлимидан олдин қорнини роса чангаллаган. Қандайдир Максимми, Махсудми деган кишини ҳақоратлаган. Шундайми, доктор Шариф Обидович? Марҳамат, сиз давом эттиринг.

О б и д о в: *(ўрнидан кўзгалиб).* Шундай, ўртоқ Қобил Мўминович, “юрагимни чўкиладинг, Максим, заҳарладинг мени, сен қузғунсан, қузғун”, деди-ю, жим бўлди. Сўнг кўзлари бақрайди. Итдай қийналиб ўлди-е ўзиям... Бўлган гап шу, ўртоқ полковник.

П о л к о в н и к Р а ш и д Ж а б б о р о в: Да, да, лаҳшат! Айтинг-чи, доктор, “бемор”нинг ўлимига сабаб нима? Заҳарланишми. ёки?

О б и д о в: Заҳарлангани аниқ, ўртоқ полковник. Лекин овқатданми, ичкиликданми, ҳозирча бир нима дейиш қийин.

П о л к о в н и к: Консилиум қилдиларингми ўзи?

Б о ш ҳ а к и м: Албатта, ўртоқ полковник.

П о л к о в н и к: *(бошиқа ҳақимга қайрилиб).* Хўш-ш, ўртоқ Шокир Умарович, сиз нима дейсиз? Тажрибали шифокорсиз. Аниқ ташхисингиз борми? Тахмин эмас, аниқ сўзланг.

Ш о к и р У м а р о в и ч: *(ўрнидан туради).* Обидов тўғри айтдилар. “Бемор” заҳарланишдан ўлган. Тўғрисишни айтсам, бу масалага тиббий экспертизадан сўнг узил-кесил нуқта қўйиш мумкин.

П о л к о в н и к: Да, хулосангиз тўғри. Мен ҳам шундай фикрдаман. Беморнинг ўлимидан қандайдир жиноятнинг ҳиди бурқсиб турибди. Шундай эмасми, ўртоқ майор?

М а й о р: Шундай, ўртоқ полковник!

П о л к о в н и к: Хўш-ш, беморнинг ҳужжатлари бор эканми?

М а й о р: Бор экан, ўртоқ полковник. Паспорти, йўлланма қоғози бор экан. Яна спорт сумкасидан 1000 доллари, 150 минг сўм пули, қандайдир диний китоблар, варақалар топилди. Мана, хонанинг бурчагида турибди.

П о л к о в н и к: Ана, айтмадимми бу нокаслан жиноятнинг ҳиди бурқсияпти деб. Анави УККИКЎЗни ушлаган йиғитларингиз ҳам нишонни тўғри олишган, шекилли. Айтинг-чи, майор, “бемор” қасрлик экан?

М а й о р: Тошовузлик экан. Туркманистондан. Хотини, тўртта фарзанди бор экан.

П о л к о в н и к: *(хиёл ўйланиб).* Унда, ўртоқ майор, ҳозироқ

“бемор”нинг уйига телеграмма жўнатиб. Хотинини бу ёққа чақиртиринг. Воқсани тушунтириб, жасадни тиббий текширувдан ўтказамиз. Тушунарлими?

М а й о р: Тушунарли, ўртоқ полковник!

П о л к о в н и к: *(ўрндан кўзгалиб, бош ҳакимга, бошқаларга ҳам таъкидлаб).* Дўстлар. эртагача хайр. Илтимосим шуки, жасадга бирор киши яқинлашмасин. Сиз, майор, ходимларингиздан икки кишини бу ерга жўнатиб. қўриқчилик қилишсин. Хўп. омон бўлинглар.

(Тўланганлар хонани бирин-кетин тарк этишади).

* * *

Туман ички ишлар бўлими. Жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи, майор Бўрон Ражабовнинг хизмат хонаси. Майор йигирма олти-йигирма етти ёшлар чамасидаги лейтенант ОҚИЛ ҲУСАНОВ билан суҳбатлашиб ўтирибди. Эшик очилиб, навбатчи милиционер киради:

— Ўртоқ майор. Тошовуздан — марҳум Аннакули Сахаткулиевнинг хотини ҳамда укаси етиб келишди. Улар қабулхонада.

(Майор ва терговчи сергакланишади).

М а й о р: Айтиб, киришсин.

Н а в б а т ч и м и л и ц и о н е р: Хўп, ўртоқ майор.

(Бирпасдан сўнг хонага ўртача гавдали, қирқ беш ёшлардаги семизроқ, ёшлигида куйдирмажон бўлган, ҳозир ҳам ўсма-сурмадан кўзлари хиёл ўйнаб турувчи, судувлиги кетмаган, бармоқлари, қўлоқларида тилла балдоғу бриллиант узуклар ятираб турган аёл, унинг ортидан басавлат кийинган, ўттиз беш ёшлар чамасидаги йигит киришади. Аёл кирибоқ фигон кўтаради).

А ё л: Қани менинг эрим? Топиб беринглар уни. Уни сизлар ўлдиргансизлар. Дод, милиция дастидан, дод...

М а й о р: *(ўрндан туради, унга яқин келади).* Опахон, тинчланинг, аввал манави стулга ўтиринг. Воқсани эшитинг, ким ҳақ, ким ноҳақлигини англаб, кейин шовқин кўтаринг-да!

А ё л: Йўқ, йўқ, ўтирмайман. Қани эрим, қани унинг ўлиги? *(Уввос солиб йиғлай бошлайди).*

М а й о р: Ўтирасизми, ўтирмайсизми, ихтиёрингиз. Аммо айтиб қўяй: бу ер шовқин соладиган жой эмас. Тинчимасангиз, ҳозир чиқариб юбораман.

(Аёл хиёл тинчланади. Хурсинганча стулга ўтиради. Ёнидаги шериғи ҳам. Терговчи йигит суя қуйиб, аёлга узатади. Аёл икки-уч қултум сув ичгач, ўзини босиб олади, кўз ёшларини артиб, энтикиб сўзлай бошлайди).

А ё л: Телеграммангизни олгач, нови қилишимни билмай қолдим. Эрим геча соппа-соғ эди. Бир ҳафтада галаман деб, хайрлашиб кетувди. Ўртоқ начайлик, унга не бўлган ўзи?

М а й о р: Эрингиз қаттиқ заҳарланган. Нимадан заҳарлангани ҳозирча номаълум. Уни вокзалдан тушириб, касалхонага элтаётганимизда йўлда жони узилди.

(Аёл кўзларини юмади, куз ёшларини оқизиб, афсус деган каби бошини чайқайди, лабларини тишлайди. Сўнг важаҳат билан эрининг укасига ўгирилади).

А ё л: Муродкули. биласанми, ақангни Максим ўлдирган. Унинг одамлари заҳарлашган. Боря заҳарлаган, у билан доимо бирга командировкага борарди. Биласан-ку у махлуқни, нега жим турасан?

М у р о д қ у л и: *(талвасага тушиб).* Йўқ, янга, мен Боряни танимайман. Номини эшитганман, холос. Уни ҳеч қачон кўрмаганман.

М а й о р: Опахон, Боря деганингиз новчароқ, УККИКУЗ йигитми?

А ё л: Мен нердан билай, УККИКУЗми, биткўзми? Гўрмаганман уни. Лекин эрим “Ургенчда бир зўр дўстим бор, чаққон, удабуро, тошбақанинг тухумини олиб гал десанг, у тухумини ҳам, тошбақанинг ўзини ҳам олиб галади” дерди. Ўртоқ майор ишончим комил, шу бола заҳарлаган эримни. Бу бола Максимнинг одами. Ярамаслар, разиллар, ёвузлар... *(Яна йиғлашга тушади).*

М а й о р: *(аёл тишланганч).* Опахон, айтнинг-чи, эрингиз нима иш қиларди?

А ё л: Эримми? Хусусий тадбиркор эди. Олди-сотди билан шуғуланарди. Бу ёғи Эрон, Туркия, Арабистонга борарди. Мол обекларди.

М а й о р: Максим деганни танийсизми? Уни кўрганмисиз?

А ё л: Йўқ, начайлик, уни-да гўрмаганман. Биз Тошовузданмиз. Максим урганчиликми, бошқа ерликми, билмайман. Эрим сир тутарди унинг нерданлигини. Балки сен биларсан, МУРОДҚУЛИ?

М у р о д қ у л и: Йўқ, янга, акамни биласиз-ку, ёпиғлиқ қозон эди. Менга ҳам Максим гўғрисида сира гапирмаган.

М а й о р: *(ўрндан туради, бирпас хаёлга толади, сўнг аёлга аста уқтира бошлайди).* Гап бундай, опохон. Одамларимиз эрингиз билан поездга чиққан бир новча йигитни қўлга олишган. Фурсат топиб, ҳали сизлар билан учраштирамиз. Ҳозир эса вақт зиқ. Эрингизнинг нимадан заҳарланганини аниқлашимиз керак.

А ё л: *(хушёр тартиб).* Аниқланглар, анализ олинглар. Нима, дўхтирларингиз жасадни то ёриб кўрмаса, диагноз қўйишолмайдими? Мен эса ёришларингга қаршиман. Ҳеч бўлмаса, сўнгги йўлга уни бутун жўнатай.

М а й о р: Биласизми, опахон, бизга ҳам зария келган эмас, бир марҳумни бескордан-бескорга тилимлаб ўтириш. Аммо эрингизнинг заҳарланиши ортида катта бир жиноят яширинган, бизнингча. Уни аниқлаш марҳум эрингиз руҳига ҳар не таскин бўларди...

А ё л: Нави дедингиз, начайлик? Жиноят яширинган дейсизми?

М а й о р: Ҳа-ҳа, тахминимизча, эрингиз қандайдир жиноятчилар тўдасига аралашган-у, мана шундай қисматга дучор бўлган. Хўш, у қандай заҳарланган? Буни фақат тиббий текширувдан кейин аниқ айта оламиз. Шунинг учун, бу жиноятни очиб олсак, келгуси ҳаётингиз учун яхши бўлади, албатта. Йўқса, жиноятчилар сир-сирлигича қолсин деб, сизга ҳам, яқинларингизга ҳам тажовуз қилишлари ҳеч гап эмас.

А ё л: *(бош эгиб, хаёлга толади, аллақимларни қарғайди. Сўнг ноилоҳ ҳолатда сўзлайди).* Майили, ўртоқ начайлик. Розиман. Фақат битта илтимосим: эримнинг жасадини бугун обкетишга рухсат берсангиз. Машина обкелганмиз.

М а й о р: Бўпти, опахон. Бугун обкетасиз. Хўп, хайр. *(Аёл ва ҳамроҳи чиқиб кетишади. Кабинетда майор ва терговчи қолтишади).*

* * *

Воқеа тиббий текширув марказига кўчди.

Майит жарроҳлик столида. Унинг атрофидан жарроҳ, турли тоифадаги ҳақимлар, ёрдамчи тиббий ҳамшира ҳамда майор Бурон Ражабов, ёш терговчи Оқил Хусановлар урин олишган. Улар ҳам оқ ҳолат, оқ қалпоқча кийишган. Ҳаммалари оғизларида тиббийет ниқоби тортишган.

Майит ёрувчи жарроҳ ҳар замонда "наштар, пинцет" ва ҳоказолар деб турибди. У бирдангина "ё оллоҳ, ян ижабо" деб қолади, ёқасини тутамлайди, "унгизми бу, ё тушим?"

Атрофдагилар ҳам ҳайратдан донг қотишади. Жарроҳ ўта эҳтиёткорлик билан майит ошқозонидан "маржон"га ўхшаб ипга тизилган бир нарсага тортиб олишга бўлади. Урдасидан чиқолмайди, яна уринади. Сўнг ҳамшира кўлидан наштарни олиб, бармоқларини майитнинг кўкрак қифаси томон олиб боради. Ипни қирқайди. "Маржон"ни эҳтиётлик билан чиқариб, атрофдагиларга "кўз-кўз" қилади. Целюфан халтачалардаги "маржон"ларни бир-бир санай бошлайди: Бир... Ун, ишғирма... Қирқ... тўқсон... бир юз қирқ тўққиз!

Ж а р р о ҳ: Кўряписизми, ўртоқ майор? Буни қаранг, ҳар бири нўхатдай келадиган бир юз қирқ тўққиз халтача "қорадори". Ўткир таъсир этувчи оғу! Бу заҳри қотил бир юз эллик донга бўлган. Шулардан бири тешилибми, эриб кетибми, беморни заҳарлаган.

(Ҳамма ҳайратда: жиноятчиларнинг ақл бовар қилмайдиган янги ихтироси эди бу...)

М а й о р: *(ижирганиб).* Айтинг-чи, Турсунов, “маржон”ни нега осон чиқара олмадингиз?

Ж а р р о ҳ: Биласизми, ўртоқ майор, бу муттаҳам “маржон”ларни бир-бир ютиб, ипнинг сўнгги учини тутунлаб, тишининг ковагига қистириб қўйган. Агар у ипни тортиб олиб, ошқозонини тезда ювдирганда ўлмай қолиши ҳам мумкин эди. У сири фош бўлишидан қўрққан ёки биров қурқитган шекилли. Оқибатда оғу қонга ўтган, таънани гамомила заҳарлаган.

М а й о р: Бузоқнинг югургани сомонхонагача, деб шуни айтадилар-да! Мана, энди ҳаммаси равшан. Бўпти, ўртоқ Турсунов, сиз бу ёғини тезлаштиринг, ишингизни дарҳол тугатиб, сўнгги хулосаларингизни бизга ёзиб жўнатиб. “Маржон”ларни эса олиб кетамиз.

Ж а р р о ҳ Т у р с у н о в: Хўп, ўртоқ майор. Ҳаммаси айтганингиздек бўлади.

М а й о р: Ҳа, айтганча, майитнинг хотини, укаси машина обеклинган. Улар билан озроқ суҳбатимиз бор. Тугатиб, уларни сизларга жўнатамиз. Майитни эгаларига топширинглар.

(ЖАРРОҲ “хуп” маъносида бош тебратлади. Майор ва терговчи ишгит чиқиб кетишади...)

* * *

Воқеа аллашди. Мавжланиб ётган қўл. Унинг буйида вилонт ички ишлар хизмати ходимларининг дам олиш уйи жойлашган. Бир неча кунлик қаттиқ шамоллашдан сўнг ўзига келган бошқарма бошлиғи, генерал-майор Мардонов узи учун ажратилган хона айвонинда гизета тахламларини қарақлаб утирибди. У ҳар замонда мавжланиб ётган қўл томонга нигоҳ ташлаб қўяди. Пахта гулли чойнакдан чой қуйиб, ичади. Сўнг нимадир эсига тушиб, ўрнидан қўзғалади, соатига қарайди, телевизорнинг музватини бурайдди. Унда ёш бир хонанданинг қиёфаси намён бўлади. У “Ҳушёр бўл” деган янги бир қўшиқни берилиб кўйламоқда. Генерал бош чайқаб, қўшиқни тинглайдди. Қўшиқ поёнига етгач, диктор ишгит навбат олади. У алақойиси вилонтда уюшган жиноятчи туди қўлга олингани, уларнинг талон-тарош, босқинчилик, ҳатто ҳукуматга қарши қўпуровчилик ишлари билан итуғуланиб келаётганликларини маълум қилиб, ишлари судга оширилганини эълон қилади.

Генерал ўзича, нафрат билан сўзлайди:

— Кўрнамаклар, тумшуғи қон қузғунлар.. Садқайи мустақиллик кетинглар...

Шу пайт эшикда ёшгина навбатчи милиционер пайдо бўлади:

— Ўртоқ генерал, лейтенант Комилжон Ботиров етиб келди. Киришга рухсат сўраяпти.

Г е н е р а л: Айтинг, кирсин! *(Навбатчи чиққач, бироздан сўнг Комилжон Ботиров ичкарига кириди. Честь беради.)*

К о м и л ж о н: Ўртоқ генерал, буйруғини изга биноан...

Г е н е р а л: Тушунарли, келаверинг, лейтенант. *(Самимий қул узатади, куришадилар).*

Г е н е р а л: Хўш, иним Комилжон, ишлар қалай? Соғ-саломат бориб келдингми?

К о м и л ж о н: Раҳмат, ўртоқ генерал, яхши бориб келдим. Ота-онамни зиёраг қилдим. Улар салом айтишди.

Г е н е р а л: Саломат булишсин.

К о м и л ж о н: Қайтишда акамнинг ёнига ўтдим. У Лозақир даштида чўпонлик қилади.

Г е н е р а л: Яхши қилибсан. Ота-она ҳам ганимат. Улардан доим хабар олиб туриш керак. Кимки ота-она дуосини олиб турса, ишида доим ривож бўлади. Пайғамбаримиз “Ҳадис”ларида ҳам шундай дейилган-а? Хўш, келинимиз дурустмилар, кўчириб келтирддингми?

К о м и л ж о н: *(бир оз сукутга кетиб).* Афсуски, келинингиз... у йўқ... Бултур, бир маст одам машинасида уриб кетганди. Касалхонага етмаёқ... Ўқитувчи эди раҳматли. Мактабдан қайтаётганида шундай ҳалокаг юз берганди... Олги яшар қизим бор. Дилдорадан ёдгорлик...

Г е н е р а л: Афсус, беҳабар эканман. Жиноятчи ушланиб жазоландими?

К о м и л ж о н: Ҳа, ўзим бош бўлиб, тезда қўлга олдик. Жазоланишга жазоландику-я, аммо ўлган тирилмайди-да...

Г е н е р а л: Ҳа, иним. Сиз ҳам армонли экансиз. На чора? Бу дунёнинг узи армон... Боя радиодан “Хушёр бўл!” деган янги бир кўшиқ эшитдим. Шоир ёзибди: Токи ҳар биримиз хушёр бўлмасак, хушёр тортиб курашмасак, армонлар кўпаяверади. Кўй, иним, кўпам ўртана-верма, ҳали бахтинг очилади... *(Орага сужулат тушади. Генерал айвонда бироз кезишади. Ёш ходимга такрор-такрор ер остидан қарайди).*

Г е н е р а л: Иним, гап бундоқ. Таржимаи ҳолинг билан қайта танишдим. Яхши ўқиган экансан. Ҳам бухгалтерлик, ҳам юристлик дипломинг бор экан, тўғрими?

К о м и л ж о н: Тўғри, ўртоқ генерал!

Г е н е р а л: “Қора белбоғли” каратечи, самбо устаси экансан. Кўшни вилоятда жиноят қидирув бўлимида уч-тўрт йил ишлаган экансан. Шунақами?

К о м и л ж о н: Шундай, ўртоқ генерал.

Г е н е р а л: Вокзалдаги “маржон” воқеасидан хабаринг бор-а? Героин маржони...

К о м и л ж о н: Ҳа, хабарим бор

Г е н е р а л: Масаланинг жиддийлиги шундаки, “маржон”нинг

тугуни жуда чувалашиб кетган. Уни ечиш бизнинг бурчимиз. Хўш, мана шу тугуннинг учи кимнинг қулида? Нега “маржон” бировнинг ошқозонига жойланган. У қачон ва қай тахлитда эгасига етказилиши керак эди? Биласан-ку, жиноятчилар шохида эмас, баргида юришади. Англаяпсанми, ишнинг нозиклигини?

К о м и л ж о н: Англаяпман, ўртоқ генерал.

Г е н е р а л: Кеча ходимларимиз “Уккикўз”ни сўроқ қилишган. Вокзалда қўлга олинган бор-ку. Бироқ у ҳеч нимани бўйнига олмаган. Ўлган кишини танимайман, сенлар менга тухмат қилаяпсанлар, деб сўзида туриб олган. Унинг шахси бугун-эрта аниқланади, албатта. Сени чақиртирганимнинг боиси шундаки, у билан шахсан юзлашасан... Турманинг махсус камерасида, яъни “қорадорифуруш” жиноятчи сифатида!

К о м и л ж о н: Тушунарли, ўртоқ генерал!

Г е н е р а л: Бир нарса эсингда бўлсин: сен бугундан бошлаб тижоратчисан, хусусий фирманг бор. Бу ҳақдаги барча ҳужжатлар тайёрланган. Турмага “қорадори” сотишда гумон қилиниб тушгансан. Англадингми?

К о м и л ж о н: Англадим, ўртоқ генерал.

Г е н е р а л: “УККИКЎЗ” билан балки қочиб кетарсан... Қолган топшириқларни бўлим бошлигингдан олиб турасан. Тушунарлими?

К о м и л ж о н: Тушунарли, ўртоқ генерал, ишончингиз учун раҳмат!

Г е н е р а л: Хўп, Комилжон иним, омадингни берсин. Бутун ишончимиз сендан. Хўпёрликни асло унутма!

(Комилжон, бош ирғаб, честь бериб хайрлашади. Генерал лажувард самога, мавжланаётган кўлга қараб қолади...)

* * *

Воқеа алмашади. Ордан бир неча кун ўтган. Тиканли симлар билан ўралган турма биноси. Икки кишилик камерада ёлғиз Комилжон Ботиров. Соқоли ўсган, эғнида нимдошироқ спорт костюми. У икки қўлини боши остига ўтказиб, хаёлга чўмган. Куз олдига суюкли ёри Дилдора намоён бўлади: мана, улар кўл атрофида кўл ушлашиб юришибди. Бинафшаранг, ҳарир кўйлақдаги қиз беҳад шод. У бир пайт Комилжонга сув сепеди, қийқириб кулади, ўрнидан тура солиб, қочмоқчи бўлади. Шалаббо бўлган Комилжон уни қувачи ва ... етиб олади. Уни бағрига босади...

Қ и з: Вой, ҳамма ёғимни ҳўл қилиб юбордингиз-ку...

(Қиз ноз билан йиғитни оҳиста итаради, қўлидан қутулиб, назларига сачраган сувни сидиради).

К о м и л ж о н: *(илтижол оҳангда).* Дилдора, ростини айтинг. Токайгача мени қийнайсиз? Уйингизга совчи юборайинми?

Д и л д о р а: Кўйсангиз-чи! Ўқишимиз нима бўлади? Ҳали бир йил бор-ку тугатишимизга.

К о м и л ж о н: Ўқиймиз, Дилдорам, албатта, тугатамиз. Сиз ўқитувчи бўласиз, мен бирор ерда ҳуқуқшунос бўлиб ишлайман. Йўқ, милицияга ишга кираман...

Д и л д о р а: Кирмайсиз милицияга, Комилжон ака, бошқа жойда ишлайман десангиз, топилмайдими сизга иш? *(Дилдора порози қиёфада боқади, жиддишашади).*

К о м и л ж о н: *(таъкидлаб).* Биласизми, Дилдора, менинг болалик орзуим жиноят қидирув бўлими ходими бўлиш. Айтинг-чи, бунинг нимаси ёмон? Халқимиз қонини кемираётган текинхўрлар, порахўрлар, олиб-сотар товламачилар, оғуфурунларга қарши курашсам, одамларнинг тинчлигини қўриқласам, бундан ортиқ савоб иш борми?

Д и л д о р а: *(жиммайиб).* Тўғрику-я, ammo мен пагонли, шапкали кишидан кўрқаман-да!

К о м и л ж о н: *(кулиб).* Кўрқманг, Дилдора, мен кўрқинчли йигит эмасман-ку! Мана, қаранг. бўйим бўйингиздан бир қарич баланд, холос.

(Бўйини ўлчаш баҳонасида қизни яна қучмоқчи бўлади. Қиз “боринг-е” дея силтанади, наз билан боқади).

Д и л д о р а: Ўртоқ милиция ходими, яна бир марта шилқимлик қилсангиз, жазоланасиз, яъни ўн беш сутка мен билан учрашмасликка ҳукм қилинасиз.

К о м и л ж о н: Тавба қилдик, бир қошиқ қонимиздан ўтсангиз бўлгани, бошқа такрорланмайди шилқимлигимиз...

(Икковлари бараварига кулиб юборишади, қўл ушлашиб гуллар хиёбони оралаб кетишади. Сўнг бошқа манзара пайдо бўлади).

Мана, Дилдора мактабдан чиқаётир, уни ўқувчилари шод-хуррам кузатиб қолишмоқда. У кўлларини силкитиб, катта йўлга чиқади. Бошини қуйи солиб, аста-секин қадам ташлаб кетмоқда. Энди йўлни кесиб, нариги томонга ўтиб олиши лозим. Шу лаҳза даҳшатли ҳодиса рўй беради: катта тезликда, илонизи бўлиб келаётган “Жигули” йўл четига чиқиб улгурган Дилдорани уриб кетади. Қий-чув кўтарилади. Тумонат одам тўпланари. “Жигули” эса тўхтамай, бирпасда ғойиб булади...

Мана, Дилдорани санитарлар “Тез ёрдам”да олиб кетишмоқда. У бетоқат талпинади, инграйди. “Комилжон ака, — дейди аёл илтижол оҳангда, — мени қутқаринг, ўлишни истамайман, яқинда... яна фарзандли бўлардик-а... афсус-с-с. Ме-ни, мен-ни унутманг...

Дилдора жөн беради, кўзлари очиқ қолади... Чиройли бир оққуш "Тез ёрдам" устида айланиб-айланиб учиб, осмон бағрига сингиб кетади...

... Кўзлари ёшланган Комилжон эзилб, ўрнидан туради, "Саритон" тутатади. Камерада кезишади. Лабаири беихтиёр пичирлайди:

К о м и л ж о н: Дилдорам, оққушгинам. Сен фариштам эдинг, шундайлигингча қоласан, бир умр яшайсан юрагимда. Сенга берган сузим суз: то тирик эканман, жиноятчиларга қарши ўт очавераман. Умрингга зомин бўлган аблаҳни ҳам ўзим тутган эдим. Афсус, буни билмай кетдинг. Жоним, сен учун, бошқа жабрдийдалар учун ҳам қасос оламан. Мана, ҳозир ҳам биттасини кутяпман. Уни, уларни, албатта, фоти қиламан. Руҳинг мадад берсин менга, Дилдорам...

Шу маҳал йўлак бўлаб қамоқхона ходимларининг оёқ товушлари эшитилади. Фурсат ўтмай, камера эшигига калит солинади. Комилжон дарҳол ёғоч ўринга чалқанча ётиб олади. Эшик очилиб, ичкарига аввал новча милиционер, сўнгра "УККИКУЗ" киради. Унинг қўллари ечилади.

Милиционер Комилжонга урдатайлайди:

— Намунча лаллайиб ётибсан? Энангнинг уйими бу ер? Қани турилсин!

Комилжон ноилож туради.

М и л и ц и о н е р: Ҳамтовоғингни кутиб ол, меҳмон қил. Ярамаслар!...

(Шундай дея ортига бурилади, темир эшикни қулфлаб, шериги билан кетади).

Хира ёритилган камерада сўзсиз кўриниши. "Уккикуз" ёғоч қаравотга келиб ўтиради, Комилжонга ер остидан ёнқараш қилади. Узига қараганда жуссасизроқ, қотма юзли хонадошининг куч-қувватини чамалайди. Ниҳоят, бир зарбадаёқ "қулатишига" кўзи етиб, Комилжонга сўз қатади.

"У к к и к ў з": Ҳой, жўппи, нови бунча саситибсан камерани. Ёки бошқа гиши галмайди деб ўйладингми бу ера?

(“Урганчлик” экан бу қутурган бўри, дея хаёлидан ўтказади Комилжон унинг сўзларини тинглаб).

К о м и л ж о н: (бамайлихотир). Йўқ, гашир. сени кутиб тургандим.

"У к к и к ў з": Ҳовв, манглайи қора, гутиб турган эсанг, нега ўлтирибсан? Ина, дур ўрнингдан, тўшакни бу ёна сол, жилдни бу ера қўй.

К о м и л ж о н: Хоҳласам остингга соламан, хоҳдамасам шундоқ ётаверасан. Мендай уч-тўрт ой ёт, кейин сийланасан. Ҳозирча мен хўжайинман бу ерда.

"У к к и к ў з": Ҳовв, манглайи қора... Ҳе ўша энангни...

Тура солиб, Комилжоннинг ёқасини тутамлайди. Буға бошлайди. Бундай

бўлишини кутмаган Комилжон бир оз саросималанади. Қараса, “Уккикўз-нинг” нияти ёмон. Бор кучини тўплаб, унинг қўлларини бўғиздан бушатишга ҳаракат қилади. “Уккикўз” сал бўшани билан ўнг оёғининг тиззаси билан унинг қорнига, сўнг чотига солади. “Уккикўз” “вахҳ, жаним” дея чотини ушлаган заҳоти Комилжон унинг башарасига мушт солади. Фурсат ўтмай, акробатик сакраи қилади-ю, ўнг оёғи билан кўкрагига тепади. Камера тор эмасми, “Уккикўз” боши билан деворга бориб урилади. Кўз олди қоронғилашиб, ер бағирлаб қолади. Ҳушидан кетади. Комилжон эса унга нафрат билан тикилади, кейин ўрнига бориб, бамайлихотир чўзилади. “Уккикўз” анчадан кейин ўзига келади. Ўрнидан туролмай, бир оз бошини ушлаб, инқиллаб-инқиллаб “тебраниб” ўтиради. Оғриқлари босилади, шекилли, Комилжонга ночор қайрилиб қаради.

“У к к и к ў з”: (илтижоли оҳангда). Ҳовв, жора, оёғинг дамирданми сенинг, ўлдириб қўяёздинг-ку мени. Каратистмисан, не бало?

К о м и л ж о н: Ҳозир-ку улдирмадим сени, лекин яна бир марта ҳаддингдан ошсанг, жуппини бошингга кийдириб, гаширни орқанга суқиб қўяман, билдингми?

(“Уккикўз” қараса, аҳволи ночор, ҳамхонасига бўйсуннишдан бошиқо шложи йўқ).

“У к к и к ў з”: Жора, узр, мендан ўтди. Итлик қилдим... Гал, танишайлик.

К о м и л ж о н: Мана, ақлинг жойига тушаркан-ку! Бир ерга кирдингми, аввал салом бер, аҳвол сўраш. Галдам катта деб ташлана-верасанми?

“У к к и к ў з”: Жоражон, гал энди, гечирақол. Сен не десанг, ўша бўлади.

К о м и л ж о н: Гап бундоқ бўпти. Қани, ташла қўлни. (Кўришадилар).

(Комилжон остидаги тўшақлардан бирини олиб, унинг кроватига ташлайди. Ёстик, ёпинчиқ одеялни ҳам. “Уккикўз” уларни солгач, аста ўтириб олади. Комилжонга ўхшаб ёнбошлайди).

К о м и л ж о н: Қаерликсан? Отинг нима?

“У к к и к ў з”: Урганчликман. Одим Бозорбой, Аллабердиев!

К о м и л ж о н: (мишиғида кулиб). Бозорбой. зўр экан. Онанг бозорда туққанми дейман сени.

“У К К И К У З”: Билмадим, жора, шундай деб қўйишган. Сенчи? Сен нерликсан? Одинг не?

К о м и л ж о н: Анжонликман. Олимжон Қодиржоновман! Касбимниям айтайми? Тижоратчиман, турпфурушлик қиламан.

“У к к и к ў з”: Ҳовв, жора, касбимиз бир экан, мен-да тижоратчиман. Дори-дармон, импортний моллар дегандай, сотаман...

(Шу паит йўлакда оёқ товушлари эшитилади. Камера эшиги очилиб, милиционер бош суқади).

М и л и ц и о н е р: Қодиржонов, тур ўрнингдан, эшикка чиқ, тез бўл, нашаванд чолларга ўхшаб имиллама. Терговга!

Комилжон қўлларини орқасига қилиб, эшикка чиқади. Қулфга калит солинади. Орадан икки соатлар ўтгач, Комилжонни камерага афтода ҳолда судраб олиб киришади. У роса “қалтакланган”. Лабларида қон излари, ёқалари йиртилган. Милиционерлар кетгач, Комилжон ўрнидан “инқиллаб” туради. “Ифлослар, аблахлар” дея ўрнига бориб ётиб олади. “Уккикўз” ҳаяжонланади, мен ҳам шундай аҳволга тушсам керак, дея дармонсизланади, хонадошига раҳми келади.

“У к к и к ў з”: Ҳовв, жора, нима қилишди? Уришдимми?

К о м и л ж о н: Кўрмаяпсанми. Копток қилиб тепишди. Уларнинг қўлига тушдингми, тамом, гуноҳингни бўйнингга олмагунингча қўйишмайди: тепишади, қўлингдан, оёгингдан осиб қўйишади, электр стулга ўтқизишади. Нима, биринчи марта тушишингми?

“У к к и к ў з”: *(кўзлари хонасидан чиққудай бўлиб).* Ҳовва, жора, биринчи марта душишим. Новви, меням сендай қилишадими?

К о м и л ж о н: Мендай? Йўқ, мандан баттар қилишади. Мен-ку кўникканман. Бу учинчи марта тушишим. Биринчисида ўғрилиқ қилиб тушганман, иккинчисида бир қизнинг қулоғидаги бриллиант балдоғини узиб олиб қочганман.

“У к к и к ў з”: Ҳовв, манглайи қора, ўзинг ёшсан-у, турманинг понини еб катта бўлибсан-ку.

К о м и л ж о н: Нима қилай, оғайни, ота-онам гўдаклигимда ташлаб кетишган. Болалар уйида катта бўлганман. Ҳозир ота-онам тирикми, ўликми, билмайман. Бухгалтерлик мактабини битирганман. Аммо “детдомский” деб менга ҳеч қасрдан иш беришмади. Тентираб-тентираб, охири шу йўлни танладим. Яшаш керак-ку, ахир, шундай эмасми?

“У к к и к ў з”: Ҳовва, тўғри айтасан. Ина, ҳозир не иш қилиб, бу ера душдинг?

К о м и л ж о н: Ҳозирми? *(Бироз ўйланиб туриб, “Уккикўз”нинг қулоғига шивирлайди).* Мен эса бўйнимга олмаяпман. Шерикларингни айт деб икки ойдан бери қийнашади. Айтсам, бўйнимга ўн беш йилни қўйишади.

“У к к и к ў з”: Айтма, жора, айтма. Ўлдириб қўйишмас-ку, ахир.

К о м и л ж о н: Ўлдиришмайдику-я, аммо ундан баттар қилиб

юришади-да! Мана, кўряпсан-ку аҳволимни. Ўзинг нима иш қилиб тушдинг? (*“Уккикўз” жимийди, узоқ хайлага талади*).

К о м и л ж о н: Нима, менга ишонмаяпсанми? Энди, оғайни, тақдиримиз бир экан. Бир-биримизга ёрдам бериб, йўлини қилиб, бу ердан чиқиб кетмасак, яриб-чириб кетамиз бу ерда. Билдинг?

“У к к и к ў з”: Ҳовв, жора, яхши йигитга ўхшайсан. Кулоғингни бар, айтай бўлмаса (*Энкайиб, Комилжоннинг кулоғига алланималар тўғрисида узоқ шикирлайди, дам-бадам камера эшигига қараб кўяди*). Бор гап шу, жора!

К о м и л ж о н: Оғзингга эҳтиёт бўл, Бозорбой. Билмайман, танимайман, деб туравер. Унинг ҳамтовоғи эканлигингни билишса, ўн беш йилга кетасан. Тушундинг?

“У к к и к ў з”: Душундим, оға, ўлсам ҳам айтмайман.

(*Орага жимлик чўкади. Ҳар иккиси ҳам ўринларига чўзилиб олишади, ухлаб қолишади...*)

М и л и ц и о н е р: Турилсин! Ҳар икковинг ҳам йўлакка! Тез бўлинглар!

(*Маҳбустлар қўлларини орқага қилганча, тез ташқарига чиқишади. Қоронгулик туша бошлаган. Уларни “АВТОЗАК”ка ўтқазишади. Кузатувчи милиционер панжарали эшикни бекитади, кулф салади ва шериги ёнига — кабинага чиқади. Машина йўлга тушади. Бироз юрилгач, Комилжон сергакланади. “Уккикўз”га шикийди*).

К о м и л ж о н: Бизни сўроққа олиб боришяпти. Яна калтаклашади, сениям, мениям. Уфф... Менга қара, бир таваккал қилмаймизми?

(*Кейин “Уккикўз”нинг кулоғига алланималар дейди. “Уккикўз” маъқуллайди, “хо-от” дейди. Машина кабинасини ура бошлайди, боқиради*).

“У к к и к ў з”: Ёрдам беринглар, ёрдам! (*Машина тўхтаб, ундан паканариқ, хийла семиз милиционер тушиб келади. Эшикни очиб, сал қиялтади*).

М и л и ц и о н е р: (*оўқ уриб*). Нега шовқин соласан, ҳей калтаке-сак? Нима бўлди?

“У к к и к ў з”: (*Комилжонни суяб туриб*). Билмадим, оға, буни илон-милон чақдими, не бало, ҳушдан гетиб қолди. Ёрдам беринг, жон оға, дорими, сув-пувми беринг. Ўлиб қолмасин, бечора. Ҳеч булмаса эшикни каттароқ очинг, тоза ҳаво гирсин.

(*Семиз милиционер раҳми келибми, машина эшигини ланг очади*).

Белидан тўппончасини сугуриб, қўлига олишга улгурмайди. Комилжон кийикдай иргиб туриб, милиционерга ташланади. Бир уриб сулайтиради.

Тўппончасини сугуриб, ёрдамга шошилган ҳайдовчинини “отиб” ташлайди.

Тезгина ўзини кабинага олади).

К о м и л ж о н: Бозорбой, ёнимга чиқ! Тез бўл!

*(Воқеадан ҳанг-манг бўлган “Уккикўз” шошилиб кабинага чиқади.
“Қора машина” тун қўйнига сингиб, кўздан ғойиб бўлади).*

* * *

Воқеа алмашади. Узоқда тоғлар кўринади. Куркам шаҳарча. Сулим боғ. Турфа гуллар ёрқ уриб ўсган. Ариқлардан суя кўнгироқ чалиб оқаётир. Одамлар серқаттинов. Биров у, биров бу томонга шошиляпти. Боғнинг чеккароғида гумбазсимон бино. Пештоқида “ҳаммом” деб ёзиб қўйилган. Анчо-мунчо киши кириб-чиқиб юрибди. “Ҳаммом” эшигидан бош суққанларни биров тавозе билан кутиб олади, қўли кўксиди, “хўш кўрдик”, “келсинлар, келсинлар” дейди. “Хўш, саунали, якка номерми, қайси бирига кирасиз? Марҳамат!” деб таклифини баён этади. “Танлаганингизни айтсангиз бўлди”, — дея пилдираб сизни бошлаб кетди. Тоғрами, сочиқми, лунгими, атир совуғми, не десангиз, ўша таҳоти муҳайё қилади. Мабодо уқалатмоқчи бўлсангиз, сизни ичкарироққа уч-тўрт жондон аёллар ҳузурига бошлаб боради. Яна... кўнглингиз бошқачароқ нарса тусаб қолса, унияма рад этмайди. Қўлларини бир-бирига ишқаб, “бўпти, оғайни, чўтали сиздан, йўтали биздан” дея завқланади, тилла тишларини кўрсатиб, кулади. Хуллас, уни “ҳаммом”нинг беминнат хизматкори дея ўйла-сангиз-ўйлайсиз, аммо асло бошиғи дея ўйламайсиз. У ўта хоксор, ҳеч ким на ҳеч нима билан иши йўқ. Бошқалар ҳам унга мутлақо эътибор қилишмайди. Каттаю кичикнинг назарида бу одам шунчаки, оддий ҳаммомчи, пулин-гизни олади-ю, шунга яраши хизмат кўрсатади, холос... У миқтидан келган, мошигуруч соқоли ярашиқли, элик ёшлар чамасидаги, кўринишидан камсуқум одам. Икки-уч йил олдин ҳаж зиёратига ҳам бориб келган...

Мана, у навбатдаги миҳжонни самими қариши олиб, мулозамат кўрсатди, уни сауна эшигигача кузатиб қайтди. Сўнгра хизматкор болага нимадир тайинлаб, ўзи учун тайёрланган хос хона томон йўналди. Кандакори эшикни очиб, ичкарига кирди, бориб, юмишқ креслога чўзилди. “Журнал столи”даги чоинақдан чай қўйиб, икки-уч ҳўлади. Кўзларини хиёл юмиб, пёқларини узатганчи ҳордиқ олмақчи бўлди. Бироқ нимадир эшига тушиб, кресло биқинидаги — деворга яширинча ўрнатилган кўнгироқ тугмасини босди. Эшик очилиб, озғинроқ, найнов хадим киради.

М а к с и м: Альфияни чақир. Кейин ҳеч ким кирмасин! *(Орадан кўп ўтмай, семизгина оёқлари диркиллаб турган, киприклари найза, енгсиз кўйлак кийган, оппоқ синалари ярим очиқ, йиғирма уч-йиғирма тўрт ёшлардаги жувон пайдо бўлади).*

А л ь ф и я: Слушаю вас, Максим Мадатович. *(Максим ўрнидан туриб, бориб диванга ўтиради).*

М а к с и м: Бу ёққа кел, Альфия, ёнимга ўтир, жоним! *(Альфия ноз билан жилманиб, бориб ўтиради. Максим жувонни бағрига тортади, қучоқлайди, ним очиқ елкасидан, томоқлари остидан, диркиллаб турган кўкракларидан ўпади, жувон қаршилик қилгандай бўлади).*

А л ь ф и я: Ну, что вы, Максим Мадатович. Сейчас же не время... *(Максим безътибор яна қучади, эркалайди уни).*

М а к с и м: Бугун итдек чарчадим, Альфия, ювуқсиэлар кўпайип-тими дейман, курдинг-ку, тиним билганим йўқ. Сени қучсам, ором оламан, жоним. Чарчоқларим ёзилди, бутун дунёни унутаман.

А л ь ф и я: А Гуля, Наташа? Они тоже ваши любовницы?

М а к с и м: Қўйсанг-чи, уларни, Альфия. Сен ҳаммасидан зўрсан. Эсингдами, сени Оренбургда вокзал ресторанида биринчи кўришим-даёқ яхши кўриб қолганим. Официантка эдинг. Бизга хизмат кўрсатган эдинг. Кейин сени меҳмонхонага таклиф этувдим. Мана бу оёқларинг, оппоқ кўкракларинг бошимни айлантирувди.

А л ь ф и я: Максим Мадатович, это же старый разговор.

М а к с и м: Йўқ, Альфия. Сен ҳамон ўша-ўшасан. Сени буёққа текинга олиб келганим йўқ. Биласан-а? Сен энди умрбод меникисан. Мени кексайди деб ўйлама. Ҳамон ёшман, бақувватман, жонингга жон бўла оламан. *(Максим уни яна қучади, такрор-такрор ўпади. Сийна-бандига бир даста пул қистиради).*

М а к с и м: Альфия, кел энди. мени бир яхшилаб уқалаб қўй. *(Диванга юз-тубан ётиб олиди. Альфия унинг сержун оёқлари устига ўтириб олади, белни, шоналарини уқалай боилайди. Максим ҳар замон “ваҳ, жоним, ўлдирдинг-ку, астароқ қил, белимни синдириб қўйма тагин” дея инқилайди).*

А л ь ф и я: Потерните, Максим Мадатович, ҳозир тугатаман. Тише ётинг. *(Шу пайт эшикни аста чертиб, найнов ходим ичкарига бош суқади).*

А л ь ф и я: Ну вот, чуқинган. Нашёл время смотрит, по позже приходи. *(Максим юз-тубан ётганча эшик томонга ёнқараш қилади).*

М а к с и м: Нима гап? Биров ўлиб қолдими? Сента нима деган эдим?

“Н а й н о в”: Хўжайин, жуда муҳим гап. Вақт зиқ.

М а к с и м: Кутиб тур, ҳозир кирасан. *(Найнов эшикни оҳиста бекитади. Альфия уқалашни тугатиб, Максимнинг белидан тушади. Максим ўрнидан қўзғалади, кийимларини кинди. Альфияни яна бир қучоқлайди-ку, секингина орқасига шاپтилайди).*

М а к с и м: Раҳмат, Альфия. *(Кўз қисади) Кечқурун учрашгунча? (Альфия кўзларини ўйнатиб чиқиб кетади. “Н А Й Н О В” киради).*

М а к с и м: Хўш, гапир, қандай янгилик олиб келдинг?

“Н а й н о в”: Хўжайин, ҳозиргина “Чумчуқ” келди. Музчакхонада ўгирибди. Боря кеча оқшом турмадан қочибди.

М а к с и м: Қочибди? Бир ўзимиз?

“Н а й н о в”: Йўқ, хўжайин. “Казбек” лақабли қандайдир йигит билан.

М а к с и м: “Чумчуғ”нинг анави “Бургут”нинг одамими?

“Н а й н о в”: Шундоқ, хўжайин...

М а к с и м: *(хаёлга толлади, хонада бир оз кезинади)*. Ҳой сўтак, ишондингми шу гапга? Турмадан қочиш сенга ҳаммомга кириб-чиқишдай гапми? “Казбек” деганининг “мент”ларнинг айғоқчисидир балки?

“Н а й н о в”: Йўғ-е, хўжайин, ҳозирча воқеанинг бутун тафсилотини эшитганим йўғ-у, лекин улар икки милиционерни ўлдиришиб, машиналарида қочиб қолишган.

М а к с и м: Асл оти нима экан ўша “Казбек”нинг?

“Н а й н о в”: Олимжон Қодиржонов. Андижонлик экан.

М а к с и м: *(бир оз ўйланиб)*. Да, “Казбек”, “Казбек”? Ким бўлди экан бу “Казбек”? Менга қара, “Бургут” билан тезда боғлан. “Казбек” деганининг кимлигини аниқласин. Тушунарлими? У аблаҳга айтиб кўй, яхшироқ ишласин. Анави ошқозони тешилиб ўлган “Тимсоҳ” билан Борянинг “кароматини” уч кундан сўнг эшитдик. Агар шунақа имиллаб ишласа, қоп-қоп сўлжавойларимни бурнидан тортиб оламан. Онасини Учкўрғондан кўрсатаман. Шу гапларимни қулогига кўй.

“Н а й н о в”: Хўп бўлади, хўжайин.

М а к с и м: Бор, “Чумчуқ”ни менга юбориб, ўзинг дарҳоя чўлга оглан. Ҳа, дарвоқе, Боря билан анави “Казбек” деганинг бугунми, эртами бу ерга етиб келишди. Йигитларга тайинла, ҳушёр бўлиб туришсин.

“Н а й н о в”: *(таъзим қилади)*. Хўп, хўжайин.

(Тез бурилиб, эшикка чиқади. Хонада ёлғиз Максим қолади. У ёқдан-бу ёққа кезинади. Чет эл сигаретасини тутатади. Бўфетдан коньяк олиб қуяди, маидалаб ичади. Кейин татақарига чиқиб кетади).

* * *

Воқеа алмашади. Қуюқ оқилом. “Қора машина” икки жиноятчи қочқинни олиб, бор куч ва тезликда олдга иштилламоқда. Шаҳар ортда қолиб, чексиз қир ва даштликлар бошланади. Рўда ўтирган Қозимжон — “Казбек” бироз хавотирда. У шаҳардан чиқаверишида ДАН постидаги ходимнинг “Тўхта” деган ишорасига ҳам қарамай, машинага иштов билан газ берган эди. Мабада, ДАН ходими шубҳаланган бўлса, орқаларидан қувиб келмаётганмикин? Ёки қўшни постга хабар бериши турган гап-ку. Гарчи бу йўл унга таниш бўлса-да, ҳозир қайда, кимнинг ҳузурига бариши номаълум. Энг муҳими эса, унинг бўйида “қузғунлар” уясини фюш этиш масъулияти турибди. Ёнидаги

бу қузғунбачча кимнинг гумаитаси, унинг раҳнамоси ким? Максим дегани ким ўзи? Бу ёвузларнинг мақсади нима? Нега улар чигирткадай тез урчиб боришяпти? Қорадири, геронни, паши деган захри қотиллар қайдан келяпти-ю, уларни кимлар пуляяпти? Мана шу оту туфайли қотиллик, ватанфурушлик, хойлик, фаҳш ва бузуқликлар овж олиб кетяпти-ку! Бу диллар деган балои офат манаман деган иигитларни ўз домига тортиб, ҳатто энг манфур ишларни бажаришига руҳлантираётгани сир эмас. Эҳ-ҳе, бу уюшган жиноятчилар эл-қирт бошига келтираётган офатларнинг ҳисобини чиқариб бўлармикан? Буларнинг илдизи бунча чуқур бўлмаса?...

Комилжон ижирганиб шеригига қарайди. У шумшайиб, машина оинасидан қоронғулик бағрига бўридай термулиб келар, ҳар замон “секинроқ ҳайда” деб қўяр эди. Машина йўлнинг қаирилиши жойи — баланд ўнғирга келгач, Комилжон тормозни босади. Эшикни очиб, пастга сакраиди.

К о м и л ж о н: Бозорбой, туш пастга!

“У к к и к ў з”: Ҳов, не бўлди сенга, не қилмоқчисан?

К о м и л ж о н: Машинани йўқотиб, кийимларни алмаштириш ксрак. тушундинг?

“У к к и к ў з”: Душундим, оғайни. (Шундай дея пастга тушади. Комилжон тагин кабинага чиқиб, машинани ўт олдиради, сўнг газни босиб, машина бошини жарлик томон буриб юборади. “АВТОЗАК” ағдар-тўнтар бўлиб, жарлик томон иўнгишиди. Бирпасдан сўнг портлаш овози эшитилади).

К о м и л ж о н: Кетдик, Бозорбой, имиллама. (Улар жадал йўлга тушишади, гоҳ югуришади, гоҳ секинлаишади. Қарашса, йўз четида кичкина айвонча. Катта харсанг бағридаги илгичка қувардан сув олиб турибди. “УККИКЎЗ” бора солиб, олзини қуварга тутади, ҳовучлаб сув олиб ювишади. Сўнг Комилжон ҳам шу ҳолатни такрорлайди).

К о м и л ж о н: (атрофни кузатгач). Энди, оғайни, бир йўловчи машинани тутасан. Мен манави тош орқасида пойлаб тураман. Ҳайдовчи иккинмизни кўрса, ҳайиқиши мумкин. (Комилжон айтганидек қилишади. Бироқ икки-уч машина тўхтамай ўтиб кетади). Бозорбой, режамиз ўтмади. Сен ҳам бу ёққа кел. Яшириниб етамиз. Бу чашмани билганлар албагга тўхтаб, сув олишади. Кўрдинг-ку, суви ширин, мазза...

(“Уккикўз” Комилжоннинг ёнига келади, хийла пайтгача сўзсиз ўтиришади. Ниҳоят, бир йўловчи “Нексия” чашма ёнига келиб тўхтайдди.

Ундан елим ишин кўтарган, илганли, уртача гавдали киши тушади. Энкайиб, сув олаётганида “Уккикўз” унга ташилади, уриб сулайтириб ташлайди. Ҳайдовчига ёрдамга шонилган иккинчи йигитни эса Комилжон бир зарбада ерпарчин қилади. Хушсизланган йигитларнинг кишим-бошиларини ечиб олишади. Комилжон рулга, “Уккикўз” унинг ёнига ўтиради).

“У к к и к ў з”: Орқага бур, ҳайла тезроқ!

(Машина иштов билан орқага бурилиб, қуюқ тўн бағрига иўнгишиди. Бироз йўл юрилгач, қарашса, орқа ўриндиқда инқиллаб-синқиллаб бир

кампир анграйиб ўтирибди. Кутилмаган бу ҳодисадан кампир шошиб қолган шекилли, тили калимага келмайди. Ниҳоят, у ақл-ҳушини ишиб, “Уккикўз”нинг юзига шاپалоқ солади. Сўнгра Комилжоннинг сочларидан тортиб, бошига, елкаларига ури бошлайди, бақиради. Ниғлаб, ҳақорат қила кетади).

К а м п и р: Ҳой ноинсофлар, ваҳшийлар, қонхўрлар, гўрларингга олов тушгур калхатлар! Нима қилдиларинг ўғилларимни, ўлдирдиларингми? Илойим, сенлар ҳам жувонмарг бўлинглар!

“У к к и к ў з”: Жим ўтирсан-ға, момой. *(Кампирнинг оғзига қўлларини босади).* Эса, сениям ўлдиражакман.

(Кампирнинг нафаси ичига тушади, бетоқатланади. Бир силтаниб, “Уккикўз”нинг юз-кўзларини тимдалай бошлайди. “Уккикўз” ўзини қўлга олиб, кампирнинг бошига икки-уч бор мушт туширади. Кампир “ёвуз-ларр” дейди-ю, ҳушидан кетади. Комилжон эса воқеанинг бундай аянчли тус олишини кутмаган, хусусан, онаси тенги бир кампирнинг қарғинига дўчор бўламан, дея ўйламаганди. Шу лаҳза кўз олдига хотини Дилдоранинг қиёфаси намён бўлади).

Д и л д о р а: Ҳой, Комилжон ака, нима қилипсиз? Кампир бегона эмас, ўз онангиз-ку. Наҳотки, онангизни ўлдирсангиз? Қутқаринг у кишини, қутқаринг. Дуойи бадга қолманг... *(Комилжоннинг кўз олдига қоронғилашиб, машинани секинлатади. Йўл чеккасида тўхтади).*

К о м и л ж о н: Момойни не қилиб қўйдинг, Бозорбой?

“У к к и к ў з”: Ўлдими, ҳушдан гетдими, билмайман, оға! Ина, ияги осилиб етир. Ўзинг гўриб қўй! *(Комилжон орқа эшикни очади. Энкайиб, кампирнинг трагига қўлоқ қўяди: “Хайрият, ўлмабди!”)*

К о м и л ж о н: *(жаҳл билан).* Улдирибсан-ку, бечора момойни. Уни шу ерга ташлаб кетамиз. Бошқа илож йўқ.

“У к к и к ў з”: Йўқ, оға, гўмиб кетамиз. Борди-ю тирилса. Бизни сотиб қўйиши мумкин.

К о м и л ж о н: Эсинг жойидами ўзи? Ўлган одам қачон тирилгандики, бу тирилса. Бунинг устига, вақтимиз зиқ.

“У к к и к ў з”: ...Рост айтасан, оға, ўзинг гўтариб анави чуқурга ташлаб гал, бўлмаса.

(Комилжон кампирни даст кўтариб, машинадан туширади. Ўн-ўн бети қадам юргач, уни ўт-ўлан ўсиб ётган ариқ ичига ётқизиб, орқасига қайтади. Рулга тез ўтириб, газни босади. Унинг хаёлидан шундай сўзлар ўтади: “Кечиринг мени, эна, Сизни ёлғиз, чалажон қолдириб кетяпман. Шундай қилишга мажбурман. Ниқса, манави тўнғизнинг ичак-чавағини сугуриб олардим. Наинки сизга мушт кўтарарди, балки товонингизни ўптирардим, калишингизни ялтардим. Энажон, ҳали-замон ҳушингизга келасиз. Утилларингиз ҳам ўзларига келишади. Уларнинг сизни топиб

олишларига ишонман. Вақти келиб, тақдир бизни учраштиради, сиздан кечирим сурайман, энажон...”

“У к к и к ў з”: *(унга қараб).* Ҳовв, жора, нега жимиб қолдинг? Нима, момойга раҳминг келиб гетдимми?

К о м и л ж о н: Раҳмим? Нега раҳмим келаркан! Бунақа ўлимларни биринчи кўришим эмас. Қаёққа боришимизни билмай, бошим қотиб кетаётирман.

“У к к и к ў з”: Ҳовв, турмада энди тақдиримиз бир деган эдинг, жора, эсингдами?

К о м и л ж о н: Эсимда, оғайни, эсимда.

“У к к и к ў з”: Унда, ҳайдайвер. Уч соатдан сўнг манзилимизга етамиз.

К о м и л ж о н: Мен уйимга кетсам-чи?

“У к к и к ў з”: Қуйсанг-а. Нима, сени қидиришмайдими? Биз бораётган жой хавфсиз, жораларимиз билан танишасан. Истасанг, биз билан бирга ишлайсан. Ахир, сен бўлмасанг, турмада ириб-чириб гетардим. Мен-да, бошлиғимиз-да, яхшилигингни унутмаймиз, оға!

К о м и л ж о н: Шунақа дегин? Мендай бегонага жўраларинг ишониншадими. Бўзурбой?

“У к к и к ў з”: Ишониншади, оға. Ишониншмаса, ишонтираман. Мана мен кафилман.

К о м и л ж о н: Бўпти, сизлар билан бирга ишлаганим бўлсин.
(Машина елдек учади, тун ётрига сингиб, кўздан юйиб бўлади...)

* * *

Воқеа алмашади. Вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлими бошлиғи майор Шўҳрат Акбаров кабинетиди ёлғиз ўтирибди. У қоғозларга кўмилган. Эшик тақиллаб, лейтенант Оқил Ҳусанов киради.

О қ и л Ҳ у с а н о в: Салом, ўртоқ майор, мурожаат қилишга рухсат эдинг.

Ш ў х р а т А к б а р о в: Салом. Марҳамат, бу ёққа ўтиринг. Қулоғим сизда.

О қ и л Ҳ у с а н о в: Ҳамма иш, ўртоқ майор, ўзимиз тузган режа асосида давом этаяпти. Жиноятчилар белгиланган жойда қочиб кетишди. Фақат “Казбек”нинг зарбалари қаттиқроқ бўлган шекилли, бир милиционерни касалхонага ётқиздик.

Ш ў х р а т А к б а р о в: Яхши. Айтинг, врачлар уларга яхшироқ қарашсин. Кейин-чи?

О қ и л Ҳ у с а н о в: Кейин жиноятчилар қушни Чорчинор

туманига йўл олишган. 90-километрда “АВТОЗАК”ни жарга улоқтиришиб, портлатиб юборишган. Сўнгра чашма буйида...

Ш у ҳ р а т А к б а р о в: “Нексия”га тушиб қочишибдими?

О қ и л Ҳ у с а н о в: Шундай, ўртоқ майор. Одамларимиз “момо”ни тонга яқин топиб олишган. Бечоранинг сал боши ерилган. Хайдовчилар билан бирга “момо”ни ҳам уйларига элтиб қўйишган.

Ш у ҳ р а т А к б а р о в: Хайрият, бирортасига оғир шикаст етмабди. Хуш, жиноятчилар қайси тарафга кетиб қолишган? Изларини йўқотмадиларингми?

О қ и л Ҳ у с а н о в: Улар “Машғал” ДАН постидан катта тезликда утиб кетишган. Набатчи милиционернинг ҳуштаги жавобсиз қолган, жиноятчилар Бодомзор довоидан ўтгач, қўшни вилоят чегарасига бориб, кўздан ғойиб бўлишган...

Ш у ҳ р а т А к б а р о в: Демак, “Казбек” “Уккикўз” билан бирга? Яхши, яхши, лейтенант. Маржон ютган “аждаҳо”нинг дафн маросими қандай ўтган экан?

О қ и л Ҳ у с а н о в: Одамларимиз хабар келтиришди. Дабдаба билан кўмишибди ланнати... Ўша маросимдан куп суратлар тушириб келишган...

Ш у ҳ р а т А к б а р о в: Зўр иш қилишибди азаматлар. Ҳали биргалашиб кўрармиз. “УККИКЎЗ” ҳақида бирор янги гап борми?

О қ и л Ҳ у с а н о в: Бор, ўртоқ майор. Урганчлик дўстларимиз факс орқали маълумот беришди. Бозорбой Аллабердиев деган муггаҳам — “Боря” лақаби билан иш кўрар экан. Отаси собиқ РАЙПО раиси эмиш. У бундан ўн йилча олдин катта камомад билан қамалгач, Бозорбой кўнгил кўчасига кирган. Икки марта уйланган. Отасининг йиққанларини совуриб бўлгач, хотинларини болалари билан ҳайдаб юборган. Қайсидир ПМКда сувоқчи бўлиб ишлаган. Аммо бетайинлиги туфайли ишдан ҳайдалган. Айни чоқда тижорат билан шуғулланаркан.

Ш у ҳ р а т А к б а р о в: Надарига ланнат бунақа тижоратчилигининг. Қўлидан келадими, келмайдими, кимни қарасанг, тижоратчи. Расво қилишди шундай обрўли касбни ҳам. Хўш, давом эгинг.

О қ и л Ҳ у с а н о в: Бозорбой, яъни “Боря” кейинги икки-уч йил орасида бойиб кетган. Оренбургга кўчиб кетган бир таксичи татарнинг икки қаватли ҳовлисини сотиб олган. Тез-тез Туркия, Россияга қатнаб турган. Ҳалораси бозорини макон қилиб, мутасил дори-дармон келтириб солган. Героин ютиб ўлган “аждаҳо” билан оғиз-бурун ўпиниб юрган... Ўртоқ майор, бизнинг тахминимизча, “УККИКЎЗ”ни шу “аждаҳо” қора дори, героин ҳамда напша билан таъминлаб турган.

Ш у ҳ р а т А к б а р о в: Биласиз, ишимизда тахмин кетмайди. Масалала тезда аниқлик киритинг. Ўзингиз Урганчга бориб, жиддий шуғулланинг. “УККИКҮЗ” сира қулга тушмаган эканми?

О қ и л Ҳ у с а н о в: Тушган, икки марта. Отасининг давлати учунми ёки бошқа бир зўрроқ қояси борми, терговлаёқ қутулган. Оддий огоҳлантириш билан.

Ш у ҳ р а т А к б а р о в: Тушунарли, демак “Уккикүз” ниҳоятда айёр, иродаси мустаҳкам, уга нозик ишлайдиган, ҳушёр жиноятчи. Туркияга, Россияга тез-тез қатнаган экан, бошқа кирдикорлари ҳам булиши мумкин. Суриштирувни давом эттиринг. Шахси билан боғлиқ маълумотларни йиғишда давом этинг.

О қ и л Ҳ у с а н о в: Хўп, ўртоқ майор, топширигингиз, албатта, бажарилади.

Ш у ҳ р а т А к б а р о в: Дарвоқеъ, яна бир гап, “Уккикүз”нинг чет элда паноҳ тоинган бирор “ватангадо” ҳамнаҳри билан алоқаси йўқмикан? Ўша оқпадар, ноикўрларнинг даъволаридан хабарингиз бор-ку! Улар қора ниятларини амалга ошириш учун ишсиз юрган, бесавод, пулга ўч, бетайин одамларни алдаб-авраб, Чеченистон, Афғонистон, Покистон каби мамлакатларга жўнатишяпти. Қаллақесарлик, диверсия усулларини ўрганишяпти улар. Оқилжон, масаланинг шу томонларига ҳам эътибор беринг. Тушунарлими?

О қ и л Ҳ у с а н о в: Тушунарли, Шухрат Акбарович.

Ш у ҳ р а т А к б а р о в: Комилжондан тез кунлар ичида хабар келиши аниқ. Сиз унгача топшириқни зудлик билан бажаринг. Хуп, хайр.

(Оқилжон хайрлашиб, чиқиб кетади).

* * *

Воқеа алманиади. Тоғ ён бағрида мовжлашиб турган кўл. Максим Мадатовнинг сулим дачаси. Атроф чаманюр. Гул, гул, гул. Тошфарч қилинган йўлаклар, фавворалар отилиб турибди. Баланг ўсган турли дарахтлар. Кўл ичига кенг ва баланг сўри суқулиб кирган. Турдаги кунгирадор каравонда кўрпачалар ёзилиқ. Лўлаболчишлар қўшилган. Атрофда стол-стуллар. Дастурхон иез-некматларга тўла. Хонанда ҳамда сўзандаалар учун махсус урин ҳам ҳозирланган. Парироқда, гулгеч устунли айвон остида саккиз-ўн чоғли одам хизматда. Қурада тошқўмир ёниб турибди. Ошпаз бола сизга гўшт ўтказиш билан машғул. Қўёи ботаётган палла. У сувга чўкай-чўкай деб турибди. Ҳун парироқда Максим Мадатов. Альфия билан чўмилаётир. Турли ҳирсин ҳаракатлар: ичўниб келиб кучоқлаш, бир-бирини босиш, жувонинг қийқириқлари анчагача давом этади. Сўнгра улар сувдан чиқнишади. Артиниб, кишинишади ва сўри олдига келишади. Максим соқолини тутамлади. Қўлларини бир-бирига ишқаб, жунжиккандай бўлиб, сўрига чиқади. Енига Альфия ўтиради. Шу заҳоти икки ходим юзуриб келишади.

М а к с и м: Қани, олиб келинглр бизга атаганларингни. *(Буйруқ дарҳлм бажарилади. Копьяк, шапталлар пақиллаб очилади. биллур қадаҳларга қушилади).*

М а к с и м: *(бир ходимига).* Қолганлар ҳам келсин бу ерга. *(Айвон остидагилар тез келиб ўтиришади. Уларга ҳам ичкликлардан қушишади).*

М а к с и м: *(қадаҳни қўлига олиб).* Ушбу биринчи қадаҳларни омад учун, келгуси ишимизнинг ривожи учун, қолаверса *(кўз қисиб).* манави гузал Альфияхон учун кўтарамиз. Қани олдик *(ҳамма баравар қадаҳ кўтаради, газак қилади).* Энди машшоқлар, ўйинчи қизни чақиринглр. Бир мириқайлик бугун. Нима дедиларинг?

Ҳ а м м а: Албатта хўжайин, албатта. *(Хонанда ва созандалар, ярим яланғоч ўйинчи қиз кириб келиб, жойлашиб ўтиришади).*

М а к с и м: Бир арабча қушиқ бўлсин-а? Ҳой, ҳофиз бола. Биласанми анави силқиллатиб-силқиллатиб ўйнатадургон ашулани?

Ҳ о ф и з б о л а: Ҳа, хўжайин биламан.

М а к с и м: Нега серрайиб турибсан булмаса, бошла. Нозикхон, қани, бир санъатингизни кўрсатинг-чи. *(Ҳофиз, машшоқлар арабча қушиқ бошлашади. Нозикхон бутун танасини титратиб, оҳудай сикраб, рақсга тушади. Максим унга ютиб юборгудан термұлади. Боиқалар ҳам оғизларидан сув кетгандай қараб ўтиришади).*

М а к с и м: Ваҳ-ваҳ, жонимнинг жононаси. Силкит, мени ўлдириб силкит. Мен ана шу силкитишларингга жонимни беришга тайёрман. *(У ўрндан чайқалиб туради. Пастга тушиб, бир даста долларни қизнинг бошидан анлантириб, сийтабандига қистиради. Кучоқламоқчи бўлади. Қиз айланиб қочади. Максим яна иштилади. Қиз яна чап бериб қочади).*

М а к с и м: Ҳой, оху. Ҳозир-ку қочдинг. Лекин тамоман қутуллолмаисан, бари бир меники бўласан. *(Орқасига қайрилиб) Ҳой мўлтони, гулчамбарни олиб кел. (“Мўлтони” тезда ичкарига кириб доира шаклидаги гулчамбарни олиб чиқади. Унга айлантириб доллар қадалган бўлади).*

М а к с и м: *(гулчамбарни қўлига олиб).* Битта ларзонини га мана шу гулчамбар сийлов. Агар бундан-да кўпроқ ларзонинг бўлса, бошқасини оласан. *(Раққоса раҳмат айтиб тақлим қилади).*

Р а қ қ о с а: Сиз учун саҳаргача ўйнаб беришга тайёрман, ҳожи бобо.

М а к с и м: Фақат мени бобо дема, жонидан. Йигитман мен, оқ соқолли йигит *(Кулади. Бошқа гумашталари ҳам кулишади).* Қани, давом эт. Альфия, тур, сен ҳам ўйна. Сенинг ларзонинг ҳам ҳеч кимникидан кам эмас. *(Рашик билан ўтирган Альфия ўрндан истар-истамас туради. Ўйинга тушади. Максим сўрига чиқиб, ёнбоилади. Барра кабоб, тандир кабоблар олиб келтади. У чайқалиб-чайқалиб, қушиқ ва ўйинга*

махшиё бўлиб ичади. Газагага сих тортади. Шу маҳал бир киши келиб, қўло-нига ниманидир пичирлайди. Унинг ифти тундлашади. Ноилож ўрнидан қўзғалади).

М а к с и м: Сенлар давом эттиринглар, мен ҳозир келаман. (Дивоннинг орқа тарафига утиб, меҳмонхонага киради. Коридордаги умивалыникда қўлини ювиб, ниҳоятда ҳошаматли зал тўридаги креслога чўкиб, стол устидаги тасбеҳини олиб, асабий айлантира бошлайди. Хонага пайнов ходим киради).

М а к с и м: (тунд қиёфада). Олиб кининглар! (Қўл ўтмай хонага бири тўлароқ, бири озгирроқ икки йигитни суд залига олиб кирган каби олиб киришади. Улар роса калтакланган, қўллари боғлиқ, афтаҳдаҳол).

М а к с и м: (ижирғатиб). Ҳа, “Бурсиқ”. Тузимни унутдингми? “Қилтириқ”, сен-чи? Сен ҳам айнидингми, дейман?

“Б у р с и қ”: Узр, хўжайин. Нима қилайлик? Токайгача бундай қалтираб, хор-зор бўлиб юрамиз...

М а к с и м: Нима, хор-зор бўлдиларингми ҳали? Бошқаларга 100 доллардан берсам, сенларга 150 доллар ҳам камлик қилдими? Ҳой итлар, профессоринг ҳам бунча пул тополмайди. Ношукур аблаҳлар. Сен, “Қилтириқ”, ички ишлар бошқармасига гавба қилиб бормоқчи бўлибсан. Кечиринглар, бизни алданди деб ёзмоқчи бўлибсан. Шунақами?

“Қ и л т и р и қ”: Эшитгансиз-ку! Юртбошимиз йўлдан адашганларни кечирамиз, деб айтдилар. Шунини эшитиб...

М а к с и м: Бас қил, қизингар. Шу сўзларга ишондингми ҳали. Тузоқ бу. Бугун гавба қилиб борсанг, эртага бизларни сотасан.

“Қ и л т и р и қ”: Асло, ҳожи бобо. Ўша қасам — Қасам. Сизни сотмасликка оигт ичганмиз-ку. Ваҳобийлик сўзим...

М а к с и м: Садқайи ваҳобийлик кетларинг. Нима, ҳукумат ишларингни билиб олмайди, деб ўйлайсанларми? Билиб олади. Бугун бўлмаса, эртага билиб олади. (Жойидан асабий туради). Сўтаклар, қашқирваччалар. Ноним кўр қилгулар.

“Б ў р с и қ”: Кечиринг, ҳожи бобо, ўз ихтиёримизга қўйинг. Бўёғини бахтимиздан кўрамиз. Аммо сизни согмаймиз.

М а к с и м: Кечиринг эмиш. Сенларни кечириб бўладими. Бировнинг уйини босинглар десам, эгасини ҳам осиб келдиларинг. Килолаб героин сотганларинг, йўртга болани гаровга олганларинг-чи? Миллион-миллион пул ишладиларинг. Битта ГАИ ходимини калтакланглар десам, жасадини олиб келганларингни унутдиларингми? Ваҳобийликни гарғиб этганларинг, қанча йигит-қизни ўз томонимизга ағдарганларинг, минглаб китоблар тарқатганларинг-чи? Булар ош-

кор бўлса, ҳукумат кечирадимиз? Йўқ. кечирмайди. сенларни осадим. Мен эса олдинроқ осаман сенларни.

“Б ў р с и қ”, **“Қ и л т и р и қ”**: *(ишламсираб, бариварига)*. Шафқат қилинг, Максим Мадатович. Сиз ахир ҳажга боргансиз, художўйсиз.

М а к с и м: Мен ҳажга борганим йўқ. Жарақ-жарақ пул ишлаб, раҳнамолар топиб қайтганман у ердан. Бошда айтдим-ку бизга қўшилдингми, орқага қайтиш йўқ. Қайтаман десанг ўласан, деганман, шунақами?

“Б ў р с и қ”: Шафқат қилинг, бола-чақам бор. Уларни етим қилманг.

М а к с и м: Халотирланма, болаларинг етим қолмайди. Болаларингни ҳам, хотинингни ҳам ёнингга жўнатаман. У ёқда кечирим сўраб юрасан. *(Бирдан тазабга тўлади)* “Ғилай”, “Чапақай”, олиб чиқинглар, йўқотинглар буларни.

“Қ и л т и р и қ”: *(важҳат билан)*. Жаллод, қонхўр, сен ҳам бир кун қўлга тушасан, разиллигинг фош бўлади. Итдек ўлиб кетасан...

М а к с и м: *(ходимларига)*. Йўқотинглар дешиман буларни. *(Уларни судраб олиб чиқишади. Шу заҳоти ходим киради)*. Бўйинларига топ осиб, сувга чўктиринглар. Балиқларга ем бўлсин қузғунлар.

(Шу ўринда “Бўрсик” ва “Қилтириқ”ни чўктириш воқеаси кўрсатилади).

Худди шу пайтда дарвоза олдидан Комилжон ва Бозорбой минган

“Нексия” келиб тўхтади...

* * *

Воқеа худди шу ерда давом этади. Комилжон, “Уккикўз” машинадан тушишигач, уч-тўрт барзанги, мўйловли-мўйловсиз йиғитлар уларни похуш кутиб олишади. “Уккикўз” бир мўйловлини чеккага тортади. Унга бир нималарни тушунтиради. Сўнгра уларни ичкарига бошлаб киришади. Шинам йўлаклар, гулзорлар оралаб европача усулда қурилган уй — хўжайин қароргоҳига қараб юришади. МЎЙЛОВДОР кунгиро эшикдан ичкарига кириб кетади. Улар жа ташқариди, Комилжон ҳаяжонда. Турли уйлар гиркибиди.

Уша хос хона. Тўрда Максим Мадатович тасбеҳ ўғириб ўтирибди. Мўйловдор кириди.

М ў й л о в д о р: Хўжайин, Боря келди. Ёнида бир киши бор. “Казбек” экан.

М а к с и м: Шунақами? “Казбек”нинг шахсини аниқладиларингми?

М ў й л о в д о р: Боягина Андижондан хабар келувди.

М а к с и м: “Бедана”данми?

М ў й л о в д о р: Ҳа. Онаси суюқоёқ раққоса, отаси “Гастроном” сотувчиси бўлган. Ичкиликка ружу қуйганидан, оилалари бузилган. Онаси “Казбек”ни олти ойлигида болалар уйи олдига ташлаб кетган. У ота-онасини мутлақо кўрмаган. 8-синфдан суні бухгалтерия мактабини тугатган. Детдомский бўлганидан, муқим бирор ерда ишга қабул қилинмаган. Безорилик, майда ўғрилиқ билан икки марта қамалиб чиққан. Сўнгги пайтларда турпфурушлиқ қилиб юрган, яъни у шаҳардан-бу шаҳарга. Айни пайтда дори сотишда айбланиб, қамоқда ётган экан. Ҳозирча шу гаплар...

М а к с и м: Ўхшатмаса, учратмас, дейдилар. Буни қара, ҳаёт йўли бизникига ўхшаркан-а? (*Илжояди*). Бухгалтерлик мактабини тугатган дедингми?

М ў й л о в д о р: Ҳа, анча олдинроқ.

М а к с и м: Ўзи бизга шундай одам керак эди. Хўп, бу ҳақда бир хулосага келамиз. Ҳозир Боряни айтиб юбор. Кейин у билан танишарман. (*Мўшловдор тавним қилиб чиқади. Кўп ўтмай “Уккикўз” киради. Кела солиб Максимнинг кўлларини кўйиқўлаб олади*).

“У к к и к ў з”: Ассалому алайкум, хўжайин, эсон-омон юриб-сизми?

М а к с и м: (*торози қиефода*). Ҳа, бетамиз, яна кўлга тушдингми? Сени неча марта кутқарайин? Алвалгисига йигирма минг долларим кетди. Агар отангнинг ҳурмати бўлмаганида ҳозир терингни шилиб олардим.

“У к к и к ў з”: Хўжайин, мен расвони яна бир марта кечиринг. “Тимсоҳ”га айтдим, ресторанга гирмайлик деб. У гўнмади. Бизни ўшанда гузатишган экан-да, билмай қолдик.

М а к с и м: Билмай қолдик эмиш, ўл бу кунингдан. Сен отангга сира ўхшамайсан. У жуда хушёр, тадбиркор одам эди. Новосибирскда саккиз йил бирга ётганимиз. Отангнинг бели бақувват эди, югурдақлари кўп эди. Ҳафтада бўлмасаям, ўн беш-йигирма кунда совға-саломлар олиб турарди. Агар отанг бўлмаганда, у ёқларда ўлиб кетармидим... Афсус, у бемаҳал ўлиб кетди. Жойи жаннатда бўлсин, илойим.

“У к к и к ў з”: Раҳмат, хўжайин. Агар сиз бўлмаганингизда, мен...

М а к с и м: Алақачон турмада ётган бўлардинг. Тошовузда бўлдингми?

“У к к и к ў з”: Бўлдим, хўжайин.

М а к с и м: “Жорка”дан олдингми анави “тўмма”ни?

“У к к и к ў з”: Ҳовва, хўжайин.

М а к с и м: Ўшани узинг ютсанг бўлмасмиди?

“У к к и к ў з”: Кўрқдим, хўжайин. Кейин биласиз-ку. “Тимсоҳ”нинг қорни кагтароқ. *(Тиржаяди)*.

М а к с и м: Кулмай ўл-а. Кўрқдим эмиш. Пачка-пачка пулни олишдан кўрқмайсан...

“У к к и к ў з”: Ҳа, энди хўжайин, сояи давлатингизда...

М а к с и м: Менга қара. Ҳозир кийим-бошларингни алмаштириб, овқатланиб ол. Ўзинг ҳам итдек оч кўринадан. Эртадан кейин бошқа ёққа жўнайсан. Агар шу топширигимни ҳам бажара олмасанг, каллангни оламан. Тушундингми?

“У к к и к ў з”: Душундим, хўжайин.

М а к с и м: Ҳа, дарвоқеъ. Сени у ёқда “Тимсоҳ”нинг хотини билан юзлаштиришдими?

“У к к и к ў з”: Юзлаштиришди, хўжайин.

М а к с и м: Танидимми сени?

“У к к и к ў з”: Йўқ, хўжайин.

М а к с и м: Яхши, танимагани яхши бўлибди. Анави ташқаридаги янги шеринг ким? (“Уккиқўз” бўлиб ўтган воқсаларни сўзлаб бераци. *(Овозсиз мулоқот)*).

“У к к и к ў з”: Хўжайин, унга ишонинг, агар у бўлмаганда турманинг кавакларида ётаверардим.

М а к с и м: Суваракка ўхшаб дегин. *(“Уккиқўз” зўрма-зўраки кулади, қўлларини қовуштириб тиржаяди)*.

М а к с и м: Бор энди, ҳамтовоғингни айтиб юбор, бир танишайлик. *(“Уккиқўз” таъзим қилиб чиқади. Бир оздан сунг Комилжон киради)*.

К о м и л ж о н: Ассалому алайкум, мулла ака.

М а к с и м: *(тунд ҳолатда)*. Салом, турпфуруш, хуш кўрдик. Қадамларига ҳасанот. *(Комилжоннинг шу тобда мияси тегишилади: “Демак, мени урганибди, “ижтимоий аҳволимдан” хабардор экан...”)*

К о м и л ж о н: Тақдир, мулла ака, пешонада борини кўриб юрибмиз.

М а к с и м: Пешонанг да неча марта қамалиш ёзилган?

К о м и л ж о н: Ҳозирча... уч марта, мулла ака.

М а к с и м: Тўртинчи мартасини мен ижро этсам-чи?

К о м и л ж о н: Буям тақдир. Ундан қочиб қутулиб бўлмайди.

М а к с и м: Менга қара, ҳой, жўжаҳўроз. Кўп тақдир, тақдир деб ўзингни гўлликка солаверма. Тўғрисини айт, йўқса калланг кетаци. Кимнинг одамисан. Анавиларнинг айғоқчисидирсан балки.

К о м и л ж о н: Қўйсангиз-чи, мулла ака. Мен бир етим бола бўлсам...

М а к с и м: Биламан, етимсан. летдомскийсан, бухгалтерсан, ўғрибачасан, турпфурушсан. *(Кесатиброқ)* Боз устига, “Казбек” сан!

К о м и л ж о н: Лақабимни турмада орттирганман, мулла ака. Агар уларнинг одами бўлсам икки милиционерни, икки ҳайловчию бир момойни улдириб, Борянғиз билан бу ёнга эргашиб келаверармидим. Мен, ахир, сиздан нажот излаб келганман...

М а к с и м: Нажот излаб дегин. *(Бироз хаёлга тплади, хонада кезилади).* Менга қара, агар сўзларинг рост бўлса, сийланасан. Ёлгон бўлса, сўйиласан! Тушундинг?

К о м и л ж о н: Тушундим, мулла ака.

М а к с и м: *(урнидан туради. Тасбеҳ айлантиради, сунг Камилжонга ер остидан қараш қилиб уқтиради).* Бозорбойни қутқарганинг яхши иш бўлган. Агар бу ерда ҳам ўзингни кўрсатсанг, биринг ўн эмас, минг бўлади. Одамдек яшайсан. Ҳозирча сенга кунига юз доллардан тўлайман. Ҳисоб-китобни унутганинг йўқми?

К о м и л ж о н: Тезда ўрганиб кетарман.

М а к с и м: Яхши, унда боргин. Бугун дамингни ол.

К о м и л ж о н: Хўп, мулла ака, ҳимматингиз учун ташаккур.

(Максим стол остидаги тугмачани босади. Мўйловдор ходими киради).

М а к с и м: Меҳмон, атойи худо леганлар. Буни яхшилаб зисфат қилинглар, кийинтиринглар.

М ў й л о в д о р: Хўп, хўжайин. *(Комилжонни эргаштириб чиқиб кетади. Максим яна тугмачасини босади. Барзанги илғит киради).*

М а к с и м: Анави боланинг ҳар бир қадамини кузатинглар.

(Барзанги бош ирғаб, таъзим қилиб чиқиб кетади. Максим тасбеҳ айлантирганча хонада ёлғиз қолади).

* * *

Воқеа алмашади. Орадан ўн кунча вақт ўтган. Жиноят қидирув бўлими бошлиғи Шухрат Акбаров кабинетда куймаланиб ўтирибди. Эшик чертилиб, хонага ёш терговчи киради.

Ё ш т е р г о в ч и: Мурожаат этишга рухсат беринг, ўртоқ майор.

Ш у х р а т А к б а р о в: Рухсат, гапиринг.

Ё ш т е р г о в ч и: Ҳозиргина Комилжон Ботиров кўнғироқ қилиди.

Ш у х р а т А к б а р о в: Хў-ўш? Нима деди у?

Ё ш т е р г о в ч и: Етиб келдим, ишга жойлашдим. Ҳаммаси яхши, деди.

Ш у х р а т А к б а р о в: Бошқа гапирмадимми?

Ё ш т е р г о в ч и: Йўқ, ўртоқ майор.

Ш у х р а т А к б а р о в: *(бироз ўиланиб).* Демак, Комилжон ўта хавфли, нозик жойда. Уни қадамба-қадам кузатаётган бўлишлари мумкин. Жалолбек, ука. Телефон олдида доимий киши бўлсин. Комилжон пайт топиб, янги ахборот узатиши мумкин. Огоҳ бўлиб туринглар. Ҳа, айтгандай, Оқилжон Ҳусановдан дарак борми?

Ё ш т е р г о в ч и: Бор, ўртоқ майор. бугун Урганчдан қайтиб келаркан.

Ш у х р а т А к б а р о в: Яхши. Жалолбек. Боринг, ишларингизни давом эттираверинг.

(Ёш терговчи чиқиб кетилади. Майор телефон дастагини қўлига олиб, рақам тиради).

* * *

Воқеа алмаишади. Уша куркам, гумбазли ҳаммом. Хўжайин Максим Мадатов аввалгидек хизматда. Мижозлари кутиб олиб, кузатилади. Уша-ўша сертавозе. Унинг фирмаси ҳам шу бинода жойлашган. Чотроққина кабинет Комилжон учун ажратилган. У ҳисобчи, чўт, кичкина ҳисоб компьютери стол устида. Чет эл телефони ҳам. Шу пайт у жириглайди. Комилжон дастакни кўтиради.

К о м и л ж о н: Эшитаман. *(Бир оз қулоқ солиб туриб)* Хўш, хўжайин, ҳозир кираман.

(Дастакни қўйиб, ишчилик чиқади. Йўлакдан ўнг тарафга бурилади. Бариб, қиммат ётқдан ясалган эшикни очади. Ниҳоятда куркам безатилган хонада Максим Мадатов (ҳазмомчи кийимида) ёлғиз ўзи сигарет тўтатиб ўтиради. Негадир кайфияти бузуқроқ).

М а к с и м: Кел, Олимжон. Бу ёққа ўтир. *(Комилжон ўтиради. "Хизмат" дегандай унга қарайди).*

М а к с и м: Хўш, укам. ҳисоб-китоб ишларини ўзлаштирингми?

К о м и л ж о н: Уч-турт кун қийналдим, мулла ака. Ҳозир компьютерни ишлатиш ҳам, чўт қоқиш ҳам қўлдан келяпти. ишқилиб.

М а к с и м: Одамнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Иштиёқ бўлса, ҳамма нарсани уддालаш мумкин.

К о м и л ж о н: Албатта, мулла ака. Хусусан, сиздай дунё курган тажрибали киши раҳнамолигида ишлаш мен учун шараф.

М а к с и м: *(ёнақараш қилиб).* Шараф дегин! Шоирона гап қилдинг. Шоир эмасмисан, ишқилиб *(Қўлади).*

К о м и л ж о н: Йўғ-е, мулла ака. Турпфуруш, ўғрибаччадан қачон шоир чиқуши?

М а к с и м: Ҳа, яхши айтдинг, ука. Биринчи учрашувимиз

эсингдами? Тақдир ҳақида кўп гапирувдинг. Энди турпфурушлик, нашафурушлик тақдирингда бор эканки, сени менга юзма-юз қилди. Шундай эмасми?

К о м и л ж о н: Шундай, мулла ака.

М а к с и м: Сени бир хизматга жўпатмоқчиман, ука. Оренбургга! Фирманинг ишлари билан борасан.

(“Бошланди” уйлайди Комилжон).

К о м и л ж о н: Бир ўзимми?

М а к с и м: Йўқ. Иккита ҳайдовчи билан. “КАМАЗ”да. Ўн тонна юк; карам, майиз, туршак олиб борасанлар. Шопирлар билишади манзилни. У ёқда дўстларим кутиб олишади. (*Бироз кесатиб*) Тақдирингда... Ўша ёқларга боришам ёзилган экан-да, Олимжон?

К о м и л ж о н: Бундан ортиги бўлмайди дегандим-ку, мулла ака.

М а к с и м: Ҳа, қалланг бигиз сенинг. Хотиранг зўрга ўхшайди.

К о м и л ж о н: (*жилмайганча*). Шунақароқ, мулла ака. Қачон йўлга чиқамиз?

М а к с и м: Бугун, тушдан сўнг. Йўл тараддудини кўравер. Экспедиторимиз “Чигиртка” бор-ку, ўшанга учраш. Тегиншли ҳужжатлар, йўл харажатларини беради. Шунинг унутма: у еқдан машина қуруқ қайтмайди. Дўстларимиз ўзлари тушунтириб, кузатиб қўйишади. Майли, хайр.

(*Комилжон хайрлашиб чиқиб кетади*).

* * *

Воқеа вилоят жиноят қидирув бўлими бошлиғи кабинетига кўчади.

Эшик чертилиб, ёш терговчи киради.

Ё ш т е р г о в ч и: Ўртоқ майор. Ҳозиргина Комилжон кўнгироқ қилди. Оренбургга жўнаб кетаётган экан.

Ш у ҳ р а т А к б а р о в: Оренбургга? Нима иш билан? Бошқа биров сўз демалими?

Ё ш т е р г о в ч и: Йўқ, ўртоқ майор.

Ш у ҳ р а т А к б а р о в: Қизиқ, ғоятда чигал муаммо. Максимнинг синовими, гузоғими бу? (*Хиёлга толади. Кабинетда кезинади*) Бу ярамаснинг қўли ўша ёқларга ҳам етиб борган экан-да. Ишқилиб, Комилжонни Яратганнинг ўзи асрасин. Бугун умидимиз ундан. (*Ёш терговчи чиқади*).

Воқеа ўзгаради. Орадан уч-тўрт кун ўтган. Максим Мадатов ҳаммам-даги кабинетида. Сигарета чекиб, ўйчан қиёфада ўтирибди. Найнов ходи-ми қўлида бир энлик қоғоз билан киради.

“Н а й н о в”: Ҳожи бобо, факсограмма. Орсенбургдан. Михаил Петровичдан. “Мужик”дан.

М а к с и м: (ҳаяжонланиб). Ўқи. нима деб ёзибди?

“Н а й н о в”: “Кишмиш”ни олдик, картошкамизни жўнатяпмиз. Эртага йўлга чиқади. “Казбекни” нима қилайлик?”

М а к с и м: (ўрнидан туради, хаёлга чўмади). Ручкани ол, ёз. “Кар-тошка” учун раҳмат! “Казбек”ни нима қилишни Шурик билади. Кузатиб кўйинглар! Ёздингми?

“Н а й н о в”: Ёздим, хўжайин.

М а к с и м: Унда факс орқали дарҳол жўнат.

“Н а й н о в”: Хўп бўлади, хўжайин. (“Н А Й Н О В” чиқади. “БАҚАЛОҚ” киради).

Тасвир канал бўйига кўчади. Қишлоқ оралаб оқаётган катта канал Талай болалар завқ-шафқ билан чўмилишимоқда. Улар бир-бирини қувлаша-ди, сув сепишади. Шу маҳал болалардан бири отир қопни қирғоққа судраб чиқади. Боғланган ипни ечади. Қопни очиб, бир лаҳза қотиб қолади. Сўнг бақариб юборади.

Б о л а: Вой дод, қочинглар, ўлик, ўлик аёл!..

Болалар қий-чув кўтариб, тўрт томонга қочишади. Бироздан сўнг тўрт-беш қишлоқ одамлари тўпланишади. Ҳажма ҳаяжонда. Кимдир участка милиционерини чақириб келади. Ўликни қондан чиқаришади. У аянчли қиёфа-да: бўйнида узун сочлари ўралиб ётибди. Бўғилганда ўлмаган, шекилли, тўрт-беш жойидан тичоқланган.

К е к с а к и ш и: Вой, қонхўрлар, қузғунлар, раҳм-шафқатни билмаган жаллодлар! Аёл кишиниям шундай қийнаб ўлдиранми-а? Не гуноҳи бор экан бу бечоранинг?

Биров кўзига ёш олади, биров ачинади, биров аянчли манзарадан ёқа тутамлайди. “Тез ёрдам” ва “Милиция” деб ёзилган машиналар етиб кела-ди. Терговчилар, сураткашлар ўз вазифаларини бажаришига, майитни “Тез ёрдам”га юклаб, олиб кетишади...

Воқеа яна Максим Мадатов кабинетида кўчади. У “БАҚАЛОҚ” билан юзма-юз турибди.

М а к с и м: Оламда нима гап?

“Б а қ а л о қ”: Гап кўп, хўжайин.

М а к с и м: Очиқроқ гапир!

“Б а қ а л о қ”: Бугун Янги ҳаёт қишлоғи каналидан қопга солиб оқизилган бир аёлнинг ўлигини топишган.

М а к с и м: Аёлнинг?!

“Б а қ а л о қ”: Ҳа, хўжайин. Аёл дачангизда рақсга тушган ўйинчи экан.

М а к с и м: Нозикхонми? Мен уни ўлдирмагин деб айтган эдим-ку Боряга. Қани унинг ўзи?

“Б а қ а л о қ”: Боягина келувди, пархонада, ювинягги.

М а к с и м: Ювуқсиз, аблаҳ бола. Чақир уни бу ёққа!

(“Бақалоқ” тез чиқиб кетади. Бироздан сўнг белидан пастига лунги ўраб олган Боря киради. Максим бора солиб, унинг юзига тарсаки солиб юборади. Боря юзтубан ишқилади. Максим уни икки-уч бор тепади. Боря ишқиллайди, кўрагини чангаллаб ҳилмаяланади).

М а к с и м: *(нафрат билан)*. Ярамас, ҳезалак, ношуд! Бирор ишни мен айтгандек удалай олмайсан! Мен уни ўлдирма деб айтгандим-ку сенга.

Б о р я: *(ерда ётганча ишқиллаб)*. Нима қилай, хўжайин, мажбур бўлдим. Иккинчи қаватда яшар экан. Балқондан ошиб, у ётган хонага кирсам...

(Оператор шу манзарани тасвирлайди: Боря аёл ётган хонага кира боилайди. Шарпани сезган аёл боши ёнидаги стол чирогини ёқди ва ўрнидан қичқириб туради. Боря унга ташланади. Аёл унинг юзидаги ниқобини тортиб олади. Танийди, шекилли, бир нималир демоқчи бўлади. Боря эса уни сочлари билан бўга бошлайди. Аёл тезликда таслим бўланермагач, Боря ниқобини чиқариб, унинг кўрагига, биқинларига, қорнига, такрор-такрор санчади. Аёл “қотил, қузз-ғуш” дейди-ю жон беради. Ваҳшийлашган Боря бир оз саросимага тушади. У ёқ-бу ёққа қарайди. Хонада ҳеч ким йўқлигига ишонгач, сандиқ ва шкафларни титқилай бошлайди. Кўлига тушган нарсаларни чўнтақларини қўйнига тикади, кейин ошхонага кириб, қоп олиб чиқади. Ўликни унга жойлайди. Эшикни очиб, қопни орқасига кўтарганча ташқарига йўл олади. Бора солиб уни машинасига юклайди. Ғизиллаб кетган машина катта канал бўйига етиб, тўхтайди. Ундан Боря тушади. Атрофни олазарак бўлиб кузатади. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, қопни каналга иргитади...)

Б о р я: Шунақа бўлди, хўжайин, поиложликдан...

М а к с и м: Одам ўлдиришдан бошқа иш келмайдиям сен аблаҳнинг кўлингдан. Хўўшш, уйдан қуруқ чиқдингми?

Б о р я: Йўқ, хўжайин. Ўн мингга яқин доллари, олтин, бриллиант зирағу маржонлари, яна етмиш минг сўм пули бор экан. Олишга улгурдим.

М а к с и м: Агар шу ишнинг қилмаганингда, бугун оёғингдан ошиб, остингдан олов ёқтириб қўярдим. Барракабоб бўлиб ётардинг.

Тур ўрнингдан, отангнинг арвоҳи урсин сени. Ҳар қалай, ўзимиз қистирган пулларни олиб келибсан. Қани ўша пуллар?

Б о р я: Ечиниш хонасидаги шкафта, сумкамда.

М а к с и м: Бор, олиб кел.

(Боря тез чиқиб, икки-уч дақиқа ўтмай ўлжаларни олиб келади).

М а к с и м: Ҳаммасими?

Б о р я: Ҳаммаси, хўжайин.

М а к с и м: Дарвоқе, “сафар”дан қачон қайтдинг?

Б о р я: Кеча, хўжайин. Берганларингизни эгаларига етказдим. Хурсанд бўлишди. Яна беш-олти юзта керак дейишяпти.

М а к с и м: Китобларданми? Яхши, эрта-индин Оренбургдан олиб келишади, ўзинг элтиб берасан яна.

Б о р я: Хўп, хўжайин. Нозикхонингиз учун... гечирасиз-да энди мени, аслида бугун боришим герак эди у билан ҳисоб-китоб қилишга. Лекин қутилмаганда шундай бўлиб қолди...

М а к с и м: Ҳа, ўл-а, шошилмай. Очко ишламоқчи бўлибсан-да. Бўпти, ювуқсиз, аблаҳ. Бугун оқшом дачага ўт. Гап бор.

Б о р я: Хўп, хўжайин. *(Тавзим қилиб чиқиб кетади. Максим хомуш, ўйланиб, ўтириб қолади...)*

* * *

Воқеа ўзгаради. Комилжон ва икки ҳайдовчи тушган “КАМАЗ” ортга қайтмоқда. Унга нимадир ортилган, тирбанд. Кабинада уювлон, чеккада Комилжон. У поёнсиз ўрмонга завқ билан термулиб келмоқда. Бир вақт ўрмон чеккароғига чиқилгач, машинани бошқариб келаётган Барзанги ҳайдовчи тормозни босади. Кабинадан тушади.

К о м и л ж о н: *(бежавотир).* Нима бўлди, оғайни, нега тўхтатдинг?

“Барзанги” машинани айланиб. қўлида тўппонча яланғочлаганча ўнг томондаги кабина эшигини очади.

“Б а р з а н г и”: Қани туш буёққа, сотқин. *(Комилжон анграяди, ноилож машинадан тушади. Эрик деган иккинчи ҳайдовчи ҳам).*

К о м и л ж о н: Биродар, нималар деяпсиз? Ким сотқин? Мендан гумонсираяпсизларми?

“Б а р з а н г и”: Олдинга туш, ипирисқи. Нима, бизни гўл леб ўйловдингми? Сени анавиларнинг айғоқчиси эканлигингни аллақачон билганмиз. Хоиннинг жазосини биласанми? Ўлим! Қани, юр! *(Тўппончасини тираб, Комилжонни олдинга ниқтайди).*

“Б а р з а н г и”: *(орқасига бурилиб).* Эрик, белкуракни олиб чиқ. *(Эрик машинадан тезда белкурак олиб тушади. Улар орқасидан йўришиб кела*

бошлаиди. Бир нишабликка келгач, тўхташади. “Барзанги” белкуракни Эрик-нинг қўлидан олиб, Комилжоннинг олдига ташлайди).

“Б а р з а н г и”: Ол, тез чуқур ковяла? Сени мусулмончасига кўмиб ташламасак, ўлигинг айиқларга ем бўлиб кетади. Бунинг учун бизга раҳмат айт! (Улар ўзларича кулишади).

Комилжон учун икки йўл — ё ҳаёт, ё мамот турарди. Чуқур қазир экан, чўпон акасининг сиймоси кўз олдига намоён бўлади: “Укажон. — дейди у. — Ўзингни эҳтиёт қил, бу ҳаётда разиллар, олчоқлар кўп. Бекордан-бекорга ўлиб кетма. Энг сўнгги имконинг қолгунча курашиб яша!” Сўнг кўз ўнгида хотини Дилдоранинг руҳи пайдо бўлади: “Комилжон ака, мени унутманг, мен сиз учун яшаган эдим. Энди сиз қизалогимиз учун, ота-онангиз, дўстларингиз учун, уларнинг бахти деб яшанг. Курашиб яшанг!”

Қабр тобора чуқур ковланар эди. “Барзанги” унинг боши узра келиб, кулиб қарайди.

“Б а р з а н г и”: Бўлди, етарли. Бу қабрга ота-онанг ҳам бемалол сифади.

(Ано шунда Комилжон белкуракдаги тупроқни “Барзанги”нинг юз-кўзинга сеппиб юборади ва чуқурдан чаққон отилиб чиқиб, қўлига тепади. Тўппонча узоқроққа бориб тушади. Яна бир сакраш билан “Барзанги”нинг кўкрагига тепади. У бир бўи билан дароҳтга урилиб, кизтубан йиқилади. Ёрбалга етиб келган Эрик унга пичоқ ялангочлаб ташланади. Комилжон чаққонлик билан унинг қўлларини қайиради, боши узра умбалоқ ошириб атади. Тура солиб, қорнига тепади. У вой-войлаганча йиқилади. Комилжон тўппончани тезда олиб, “Барзанги”нинг мангалайига тирайди).

К о м и л ж о н: Тур ўрнингдан, иблис! (“Барзанги” туради).

К о м и л ж о н: Камарингни еч, бу энағарнинг қўлларини боғла. (“Барзанги” ишқиллаб, унинг айтганини бажаради).

К о м и л ж о н: (калит солиб, машинанинг орқа эшигини очади). Чиқар бу ёққа бу тўнқизни. Эрик эмиш, қанжиқсан, ифлос! (“Барзанги” Эрикни машинага чиқаради, устидан қулфлашади).

К о м и л ж о н: Агар овозингни чиқарсанг, пешонангдан отаман, тушундинг? (“Барзанги”га бурилиб) Қани, чиқ машинага, ҳайда! (“Барзанги” кўрқа-писа машинага чиқади. Ўт олдириб, газни босади).

К о м и л ж о н: Тўғриси айт, Шурик, асл отинг нима?

“Б а р з а н г и”: Шерали!

К о м и л ж о н: Укангми машинадаги Эрик?

“Б а р з а н г и”: Йўқ, жияним, асл оти Эрали. Амакиваччалармиз.

К о м и л ж о н: Икковингни итдек отиб, ўзинг қаздирган

қабрга кўмиб кетипшим мумкин эди. Лекин сен менга кераксан. Би-
либ кўй, “қора белбоғим” бор.

“Б а р з а н г и”: Билган эдим каратечилигингни, жағимни
синдириб юбораёздинг-ку.

К о м и л ж о н: Борди-ю, яна ташлансанг, энди бўғзингни юлиб
ташлайман.

“Б а р з а н г и”: Ўлибманми, оғайни, узр... *(Машина урмонни
ортда қолдириб, бепоеъ далага чиқади. Комилжон хушёр, ҳар замон рақибига
кўз ташлаб кўяди).*

К о м и л ж о н: Энди, Шерали, менинг саволларимга тўғри ва
аниқ жавоб берасан, йўқса... *(Тўппончани унинг мангайига тирайди).*

“Б а р з а н г и”: Сўранг, оға. Фақат илтимос, тўппончани настга
тушириб ўтиринг, отилиб қолса...

К о м и л ж о н: Жонинг ширин-а? Нечта боланг бор?

“Б а р з а н г и”: Икки ўғил, бир қизим...

К о м и л ж о н: Неча йилдан бери Максимда ишлайсан?

“Б а р з а н г и”: Тўрт-беш йил бўлиб қолди.

К о м и л ж о н: Мени ўлдириш Максимга нега зарур бўлиб
қолди? Нега бу ишни боришда ёки Оренбургнинг ўзида қила қолма-
динг?

“Б а р з а н г и”: Буниси менга сир. Аммо сиз у ёқда... кимгадир
икки-уч марта кўнғироқ қилгансиз, почтадан. Тўғрими, Альфия бор-
ку, хўжайиннинг ўйнаши. Ўша ортингиздан кўйилган. Бу гапни эшит-
ган хўжайин шубҳаланган, шекилли. Йўлга чиққанзимиздан олдин
мени чақириб, бунга кўз-қулоқ бўлинглар, мабодо шубҳали бирор
ҳаракат қилса, ўша ёқда йўқотиб қайтинглар, деб тайинловди.

К о м и л ж о н: Шубҳали бирор иш қилмадим, чамамда?...

“Б а р з а н г и”: Қилдингиз, оғайни. Биз юкни тушириш билан
овора бўлганда, сиз кўзни шамғалат қилиб, почтага бориб келдин-
гиз. Эрик орқангиздан кузатиб борганини кўрмагансиз.

К о м и л ж о н: Шунақа де. Яхши ишларкансизлар. Энди айтгин.
Михаил Петрович ким? Максим у билан қачондан бери алоқа қила-
ди?

“Б а р з а н г и”: Улар турмада ўртоқ киришишган. Максим унинг
олдига тез-тез бориб туради. Михаил Петрович узоқ йиллар водийда
яшаган. Йирик савдо базасига директорлик қилган. Катта ўзлашти-
риш, камомад билан қамалган. Максим акамиз ҳам савдода ишлаб,
тиши чиққанлардан. У ҳам...

К о м и л ж о н: Демак, кўр кўрни қоронғида топган экан-да!

“Б а р з а н г и”: Нима десангиз ҳам тўғри, оғайни. Уч-тўрт бор

эшитганман: Миша аканинг ҳам, Максим аканинг ҳам армонлари бор. Ўша семириб, шишиб юрган кунларини кўп эслайдилар. Хусусан, Миша амаки водийдаги мусолара қилинган данғиллама ҳовлию дачаларини афсус билан эслайди. Ўша кунлар яна қайтиб келади, дейди.

К о м и л ж о н: Максим-чи?

“Б а р з а н г и”: У ҳам бизнинг кунлар тезда қайтади, дейди.

К о м и л ж о н: Хаёлпараст муттаҳамлар. Тезоқар дарё қачон ортига қайтувди? Кўксига офтоб теккан халқ яна қоронғулик бағрига кирадими?

“Б а р з а н г и”: Мен ҳам шуни ўйлайман-да, “Казбек”. Буларнинг хатти-ҳаракатлари жуда аянчли. Ўзим ҳам безор бўлиб кетганман. Қочай десам, иложим йўқ. Бир мени эмас, бола-чақамни ҳам аямайди бу ифлослар. Мендан олдинги икки ҳайдовчини гумдон қилишувди...

К о м и л ж о н: Кеча Михаил Петрович олдидан чиққан. бизга ўхшаганроқ йигитлар кимлар эди?

“Б а р з а н г и”: Э-ҳа, улар чеченлар. Улар Максимнинг йигитларига тегишли озиқ-овқат, пулларни олиб кетгани келишган.

К о м и л ж о н: Ие, Максимнинг қанақа йигитлари бўлиши мумкин бу ерда?

“Б а р з а н г и”: Эҳа, оғайни, айтмай десам, гап куп. Максим ака йигирма чоғли йигитларни Чеченистонга жўнатган, ўқитяпти. Уларни ҳар томонлама таъминлаб туради.

К о м и л ж о н: Демак, диверсантлар тайёрланаётган экан-да. Вой, муттаҳам хоин-ей, ҳаммомчидан саркарда чиқишини энди эшитишим... Ҳаммаси тушунарли. Хўш, биз нима олиб бораяпмиз?

“Б а р з а н г и”: Картошка, гречка, перловка...

К о м и л ж о н: Юкнинг остида-чи? Кўрмадингми?

“Б а р з а н г и”: Кўрдим. Катта-кичик целлофан халтачалар. Героинми, портловчи моддаларми, билмадим.

К о м и л ж о н: Тушунарли. Доимий машгулотинг шуми? Юк ташийсанми?

“Б а р з а н г и”: Шу, оғайни, мен буйруқни бажараман, холос. Аммо қотиллик, ўғирлик қилганим йўқ. Ўлай агар, рост гапиряпман. Эрик ҳам худди мендек. Мажбур бўлмасайдик, сизга қул кўтармасдик...

К о м и л ж о н: Қасамхўр эчкилар...

(Шу пайт “КАМАЗ” ДАН постига келиб қолади, бироз текширувлардан сўнг, машина юришда давом этади).

К о м и л ж о н: Айтгин-чи, Шерали. Максимнинг яна кимлар, қасрлар билан алоқаси бор?

“Б а р з а н г и”: Ҳе. унинг қўли узун. Эрон, Афғонистон, Покистон, Туркия дегандай, гумашталари куп унинг.

К о м и л ж о н: Ўша ерларга қатнаб турасанми?

“Б а р з а н г и”: Йўқ, Боря, “Мўйлов”, “Таракан” ва бошқалар қатнайди. Боря, хусусан, Туркияга кўп қатнайди.

К о м и л ж о н: Нималар олиб келишади у ерлардан?

“Б а р з а н г и”: Қандайдир линий китоблар, варақалар. Туркияда Борянинг бир қочоқ ҳамюрти бор экан. Ўша кўпроқ доллар жўнатиб туради Боря билан.

К о м и л ж о н: *(Шералига сичков назар билан тикилгач).* Менга қара, кўп гапларни биларкансан. Асли касбинг нима?

“Б а р з а н г и”: *(чуқур нафас олиб).* Юрист бўлишим керак эди. Учинчи курсдан ҳайдалганман. Пора сўраган бир ўқитувчимизни дўппослаганим учун.

К о м и л ж о н: Энди ўзинг текинхўрлик, қотилларга шериклик, ватафзуручиларга дастёрлик қилиб юрибсан-а.

“Б а р з а н г и”: Нима қилай, оғайни, яшаш керак. Тирикчилик. Учта болани боқиш осон дейсизми?

К о м и л ж о н: Тирикчилик эмиш. Ҳалол яшасанг бўлмайдими?

“Б а р з а н г и”: Оғайни, мени кўп қийнаманг. Бир гирдобга тушдимки, ундан чиқолмай, гаранг бўлиб юрибман.

К о м и л ж о н: *(бироз ўйланиб, қатъийлик билан).* Гап бундай, бўлмасам. Айтганларимни қилсанг, сотмасанг, сени ўша гирдобдан ўзим қутқараман. Қамалмаслигинг, омон қолишингга кафилик бераман.

“Б а р з а н г и”: *(ҳанжонда).* Кошкийди, оғайни, қасам ичиб айтаман: Хоинлик қилсам, худо урсин мени.

К о м и л ж о н: Анави Эрик-чи? Айтганингни қиладими?

“Б а р з а н г и”: Қилади. У ҳам мендек кўрлардан. Ўзим тушунтираман унга.

К о м и л ж о н: Ундай бўлса, қўйнингдаги телефонни менга бер. (“Барзанги” индамай телефонни чиқариб беради).

К о м и л ж о н: Тўхтат машинани. Ўзинг ҳам туш. *(Машинадан тушишади. Қомилжан тўппончани қўлига олиб, ўн-ўн беш қадам нарироққа боради. Телефонда рақам тиради...)*

Воқеа вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлими хонасига кўчади. Телефон жиринглайди. Бошлиқ дастакни кўтаради.

К о м и л ж о н: Шуҳрат Акбарович, бу мен “Казбек” ман. Чинорсойдан кунгироқ қиляапман. Уч соатдан сўнг чегарада бўламан. Бизни кўплашиб кутиб олинглар. “КАМАЗ” рақами АБ 50-76.

Ш у х р а т А к б а р о в: Тушунarli, “Казбек”. Тезда учрашгунча.

(Дастакни қўйиб, тезда кабинетдан чиқади. Юқорига — катта бошлиқ олдига кўтарилади. Шундан сўнг майор Шуҳрат Акбаров бошчилигидаги тезкор гуруҳ тайёргарлиги, махсус вертолётда ҳавога парвоз қилишлари, “КАМАЗ”ни кутиб олиб, махсус операция тўзилиши кадрлари кўрсатилади.)

Воқеа алмашади. Қуеш ботиш арафаси. Комилжон тузган машина Максим Мадатовнинг сўлим кўл бўнида жойлашган дачаси дарвозаси олдига келиб тўхтади. Шу пайт дарвозанинг икки палласи очилиб, ичкаридан қора “Нексия” юриб чиқади. Комилжон орқа ўриндиқда ўтирган қора кўзойнакли кишига қарайди. Нотаниш ҳайдовчи “Нексия”га шитоб билан газ беради. Машина йўртиб кетади. Шундан сўнг Максимнинг бир ходими “КАМАЗ” олдига келади. Кўришгач, Эрикдан сўрайди:

— Шурик қани?

Э р и к: Йўлда кўричак бўлиб қолди. Гўзалкентдаги касалхонага ёғқизиб келдим.

(Ходим ишонади, шекъли, дарвозани ланг очади. “КАМАЗ” ичкарига йўналади. Бу пайтда Шерали тезкор гуруҳ аъзоларидан бир неча кишини яширин айланма йўллар орқали дачанинг орқа томонига бошлаб боради. Кичкина ишик кўнгироқ тугмаси босилади. Қоровул чиқиши билан саранжомланади. Автоматлар билан қуролланган гуруҳ дарахтзор, гулзорлар оралаб, паналаб қора қўзғун уяси — Максим Мадатов машинахонаси томон интилишади. Ана шунда қўриқчилардан бири хавфни сезиб, милиционерларга қарата ўқ узи бошлайди. Бошқа қўриқчилар ҳам. Икки ўртада отишма бошланади. Биров ўзини панага олади. Биров аянчи чинқириб, йиқилади. Кўп ўтмай саккиз-ўн чоғли жиноятчи кўлга олинади. Бу пайтда кайф-сафони энди бошлаган Максим чала-ярим кишилиб, қўлида тўппончасини ялонгочлаб, дачанинг хос пўлагидеги орқа тарафга чекинади. У ётган хонага гуруҳга қўшилган Комилжон, Шерали ва бошқалар биштириб киришади. Қарасалар, юмшоқ қароватдаги кўрна остида кимдир яшириниб ётибди. Комилжон бора-салиб кўрнани тортади. Тўппонча ўқталади. Қип-ялангоч Альфия жон ҳолатда бақириб юборади.)

К о м и л ж о н: *(таниб).* Бақирма-е, ярамас, кўрпангни торт устингга. *(Альфия мушукка ўхшаб кўрнага ўралади.)*

К о м и л ж о н: *(юзини буриб).* Максим қани? Сенга айтаялман. Ўйнашинг қани? Қайга қочди у? *(Альфия тўппончани кўриб, яни қичқиради. Сўнг қўли билан имо қилади).*

А л ь ф и я: Мени ёлғиз ташлаб қочди у номард. Нариги соҳилга. Моторли қайиқ томонга.

К о м и л ж о н: *(бир шеригига).* Бу зогчани олиб чиқинглар. Учиб кетмасин тагин. *(Шундай деб ташқарига отилади. Бошқалар ҳам. Қирғоққа келишса, Максим тушган қайиқ катта тезликда нариги соҳил томон сузиб кетаётир. Комилжон қўл телефонини олиб, рақам тиради).*

К о м и л ж о н: Ўртоқ майор, вертолётдамисиз? Тез дачага қараб учинг. Максим моторли қайиқда қочиб кетяпти. Дача дарвозаси олдида кутаман.

(У гуруҳни дарвоза томон бошлаб кетади. Бирпасдан сўнг вертолёт кўниб, Комилжон ва яна икки кишини олиб, қўл томон парвоз қилади. Максим тушган қайиққа яқинлашишади. Боши устидан пастлаб учишади. Комилжон вертолётда туриб, овоз кучайтиргич аппаратдан гапира бошлайди).

К о м и л ж о н: Максим, ҳеч қаёққа қутула олмайсан. Яхшиси, таслим бул.

(Максим овозни танигандай бўлади. Вертолётга қараб тўппончасидан такрор-такрор ўқ уза бошлайди. Вертолёт чекинади. Қайиқ қалин қамишзор ичкорисига йўналади. Орқасидан ўтиб келган вертолётдан бир сидра автомат ўқи ёғилади. Максим жон ҳолатда қайиқдан сувга сакрайди. Биқиниб, қамишзор оралаб соҳилга чиқади. Тоғ тарафга қоча бошлайди. Вертолёт унга яқинроқ ерга қўнади. Бир гуруҳ милиционерлар унинг орқасидан тушишади. Максим ўқ уза-уза чекинаверади. Ҳолдан кетади. Ўқи тугагач, ноилож тўхтайдди. Қочиб фойдасизлигини англайдди. Унга Комилжон яқинлашиб боради. Мана, ниҳоят, улар юзма-юз келишади. Тўрт-беш қадам масофа. Максим уни таниб, хезланади).

М а к с и м: Сезгандим тузоқ эканлигингни. Афсус, мақтов сўзларингга ишониб иккилангандим-да. Йўқса, ўзим сени бўғизлаган бўлардим. Аммо ҳалиям кеч эмас.

(У шундай дея кўнидан узун пичоқни чиқаради. Комилжонга ташланади. Бу ерда ҳам Комилжонга чаққонлиги асқотади, чап бериб Максимнинг қўлини қайиради. Бир зарб билан ерга қулатади. Милиционерлар унинг қўлига кишан солишади. Вертолётга чиқаришади. Бу пайт тезкор гуруҳнинг кичик қисми ҳаммомни қуришаб олади. Максимнинг бир неча ходими қўлга олинади. Вертолёт ҳаммомга яқин кенг майдонга келиб қўнади. Ундан Максимни тушириб, кабинетига олиб киришади. Бир оздан сўнг "Н А И Н О В"ни ҳам).

К о м и л ж о н: Катта қузгуннинг уяси мана шу ер, ўртоқ майор. **Ш у ҳ р а т А к б а р о в:** *(хонани ҳайрат билан томоша қила туриб).* Сезяпман, лейтенант, бу қузгунбон ҳеч кимнинг назари тушмайди деб шу ерни танлаган экан-да. *(Қайрилиб)* Айтини-чи, Максим Ма-

датов, ҳаж зиёратига бориб, қилган гуноҳлари учун тавба-тазарру қилиб қайтган одам қўлини қонга ботириб юрса, у диндор, тақводор бўла оладими? Беш-унта чаласавод, бетайин одамни йўлдан оздириб, ўғрилиқ, талончилик, юртфурушлиқ, қотилликка даъват этган кишини ким деб аташ мумкин? Сиз асли бундан ўн йил бурун отилишингиз керак эди. Гумашталарингиз йўлини қилиб, сизни олиб қолишди. Узоқ йилга кесилиб кетдингиз. Аммо сабоқ чиқармадингиз. Давру даврон сурган кунларим қайтиб келади, дея элга, ватанга хоинлик қилиб юрибсиз. Билиб қўйинг, қайтмайди энди у кунлар, асло қайтмайди!

М а к с и м: Кўрасиз, қайтади ҳали, майор. Ноумид шайтон. Биз купчиликмиз...

Ш у ҳ р а т А к б а р о в: Элликтадирсиз, юзтадирсиз. Аммо йигирма беш миллионли халқни озодлик ва истиқлол йўлидан қайтара олмайсиз. Улар ҳақиқат, адолат йўлини танлаб бўлишди. Улар ҳеч қачон сизга, ватанфуруш хоинларга асло эргашибмайди. Салқайи ҳожилик кетинг. Кунларинг битган сенларнинг. Олиб чиқинг уни. *(Қўли кишанланган Максимни олиб чиқишади).* Хўш, бу новча, бесўнақай ким?

К о м и л ж о н: Максим Малатовнинг ўнг қўли, лақаби “Чигирга”.

Ш у ҳ р а т А к б а р о в: Билиб қўйишган экан лақабини.

К о м и л ж о н: Сўрашга рухсат этинг, ўртоқ майор.

Ш у ҳ р а т А к б а р о в: Рухсат.

К о м и л ж о н: Бундан икки соат олдин қора “Нексия”да жўнаб кетган киши ким эди?

“Н а й н о в”: Чет эллик дўстимиз. Аммо кеч қолдиларинг. У ўн беш минутдан сўнг учиб кетади.

Ш у ҳ р а т А к б а р о в: Қаёққа учади?

“Н а й н о в”: Машҳадгами, Туркиягами, Эронгами, билмадим.

(Шуҳрат Акбаров бир оз ўйга толади. Безовталанади. Кейин ўзига келиб, қўл телефонида рақам тиради).

Ш у ҳ р а т А к б а р о в: Биринчи, биринчи, мен “Камалак”ман. Ҳозир аэропорт билан боғланиб, буйруқ беринг. Барча рейслар бир соатга кечиктирилсин. Максимнинг одами қочиб кетиши мумкин. Биз тезда етиб борамиз.

(Барча тараддулланаётганда, Комилжон “Найнов”нинг олдига келади. Нафратланиб сўрайди).

К о м и л ж о н: Боря қаерда?

“Н а й н о в”: (бошини қуши солиб). У ҳаммомнинг орқа эшигидан чиқиб қочувди. Тўртовлон, “Жигули”да.

К о м и л ж о н: Номерини биласанми?

“Н а й н о в”: 06-70, оқ “Жигули”.

К о м и л ж о н: Ўртоқ майор. “Уккиқўз”нинг орқасидан тушишга рухсат беринг.

Ш у ҳ р а т А к б а р о в: “Уккиқўз”нинг. Яхши, тезда отланинг. Икки-уч кишини ўзингиз билан бирга олинг.

(Улар шончилиб, бирин-кетин ташқарига йўл олишади. “Н А Й Н О В”ни икки милиционер бошлаб чиқишади).

* * *

Воқеа аэропортга кўчади. Диктор қизнинг овози янграйди.

Д и к т о р қ и з: Ҳурматли йўловчилар, об-ҳаво ноқулайлиги туфайли учиб ярим соатга кечиктирилади.

(Тасвир Машҳадга учаётган самолёт ичкарасига кўчади. Одамларнинг порози қиёфаси. Безояталиклари акс эттирилади. Хусусан, кўзойнакли жабонбиниг. У малладан келган, бўйчан, заҳилроқ киши. Орқа-олди, ён-верига олазарак қарай бошлайди. Салонда шубҳали шахслар йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, бошини орқага ташлайди. Кейин газета варақлаш бошлайди. Ички ишлар ходимларининг боши устига келиб қолганларини сезмай қолади).

С ю а р д е с с а: Жаноб, туринг ўрнингиздан. Биз билан бирга борасиз.

Ж а н о б: Сиз адашяпсиз, хоним.

С ю а р д е с с а: Йўқ, жаноб, сиз “Ҳожи бобо” фирмаси бошлиғи Максим Мадатов қақирувига биноан юртимизга келгансиз. Элчихонангиз ҳам визани тасдиқлаган. Шунақами?

Ж а н о б: Шунақа. Биз у билан ҳамкорлик қиламиз. Мен ҳам фирма бошлиғиман. Тижоратчиман.

С ю а р д е с с а: Биламиз, тижоратчисиз. Максимнинг жиноятчиларига ҳамкорсиз, мададкорсиз. Сиз қамоққа олиндингиз. Мана, прокурорнинг бу ҳақдаги санкцияси.

Ж а н о б: Мени элчихонамизга элтинг. Арз қиламан устларингдан.

С ю а р д е с с а: Ҳали кўп жойларга борасиз, туринг ўрнингиздан.

(Жаноб тимирскиланади. Ниманидир олмоқчи бўлади. Сюардесса тўппончасини чиқаради).

С ю а р д е с с а: Кўлингизни кўгаринг. Қани, эшикка!

(Жаноб пошлож қўлини кўтаради, уни олиб чиқишади. Милиция машинасида олиб кетишади).

* * *

Воқеа алмашади. "Нексия"да "Уккикўз" ортидан тушган Комилжон ва шериклари тоғ иулидан пастга қарашади. Бир машина портаб ёниб ётибди. Тўхтаб қарашса, оқ "Жигули". Демак "Уккикўз" ва унинг шериклари бошқа йўловчи машинадами, автобусдами қочишган. Аммо қаяёққа? Бу ёвуз бола йўл-йўлакай яна қандай каромитлар кўрсатаркин? Комилжон бир нафас тарафдуланади, кейин рация орқали хабар қилади.

К о м и л ж о н: Биринчи, биринчи, мен "Юлдуз"ман. Барча ДАН ва боғхона постларини огоҳлантиринг. "Уккикўз" уч шерити билан номаълум томонга қочган. Автобусдами, бошқа машинадами, маълум эмас. Биз Қамишкўл йўлидамиз. Тезда етиб борамиз.

* * *

Воқеа ўзгаради. "Уккикўз" ва шериклари ўрнашиб олган автобус кенг даштлик оралаб елдек учмоқда. Унда иигирма чоғли аёллар, болалар. Катта-кичик йўловчилар ҳам бор. Ҳар ким ўз хаёли билан банд. Қуёш эса тобора пастлаб бораёттир. Ҳадемай борлиқни тун қоплайди. Дарёғочча эса ҳили анча бор. Ундан ўтиб олишса, бўлди: бошқа давлат ҳудуди. Хавф ортда қилади. "Уккикўз" шуларни ўйларкан, боғхона постига етиб келишганини сезмай қолади. Автобус тўхтагач, боғхона ва ДАН ходимлари хужжатларни текшира бошлашади. ДАН ходими "Уккикўз"нинг хужжатига такрор-такрор қарайди. Кейин унинг юз-кўзига ҳам. Сўнг хужжатни олиб, пастга тушади. Пост бўлинимасига кириб кетади. Бир оздан сўнг автобусга чиқади.

Д А Н х о д и м и: Бозорбой Аллабердиев, бир минутга пастга тушсангиз. Хужжатларингиз...

("Уккикўз" қидирилаётганини англайди. Бирданига тўппончасини яланғочлаб, ДАН ходимини отиб ташлайди. Боғхона ходимига ўқ узади. У кўксини чангаллаб иқйилади. Қий-чун бошланади. "Уккикўз" бир боланинг бўйнидан қўлини ўтказиб, бақира бошлайди).

"У к к и к ў з": Ҳайдовчи, қайтар машинани! (Унга тўппонча ўқталади). Йўқса, отиб ташлайман.

(Ҳайдовчи машинани қайтарганда автоматдан ўқ ёғилади. Автобус баллонлари тешилади).

"У к к и к ў з": (болани бўға туриб). Ҳой, ярамаслар, бошқа машина топиб бермасанглар, болани, буларнинг ҳаммасини отиб ташлайман.

("Уккикўз"нинг шериклари ҳам тўппонча яланғочлашган. Бировининг қўлида граната. ДАН ва боғхона ходимлари саросимада. Шошиб қолишган. Уларнинг талаби бажарилмаса, автобусдаги йўловчилар бекордан-бекорга ўлиб кетиши мумкин. Шундай қалтис вазиятда бир автобус келиб тўхтай-

ди. ДАН ходимлари уларни автобусдан тезда туширишади. “Уккикүз” ва унинг шериклари йўловчиларни ниқтаб-ниқтаб туширишади, улар панасида бошиқа автобусга ўтишади. Жиноятчилардан бири рулга утиради. Автобух орқага бурилиб, тезда йўлга тушади. Куздан узоқлашади. Кўп утман, осмонда вертолёт пайдо булади. Автобусни изма-из қува бошлайди. Ўқ ётидиришади. Жиноятчилар қочиб фойдасизлигини англаб тухташади, тушишиди. Вертолётдан тушиб келаётган милиционерларга такрор-такрор уқ узишади. Граната иритишади. Икки ўртада отнишма кучаяди. Милиционерлардан икки киши, жиноятчилардан уч киши ҳалок булади. Аммо улар орасида “Уккикүз” йўқ эди. Туппонча ялангочлаган Комилжон бошлиққа қарайди).

К о м и л ж о н: “Уккикүз” қочган. У шу атрофда бўлиши керак. (Тезкор зуруҳ авзолари уни анчагачи ахтаришади. Аммо поёнсиз саксовулзорлар “Уккикуз”ни ютиб юборганими, ундан ном-нишон йўқ).

Г у р у х б о ш л и г и: (икки-уч ходимга). Автобусдагиларга ёрдам кўрсатиб, манзилига етказинглар. (Бошиқа ходимларга) Сизлар қидирувни давом эттиринглар. Бирор муҳим гап чиқиб қолса, хабар беринглар. (Бошлиқ ва Комилжон тушган вертолёт божхона пости томон парвоз қилади).

* * *

Воқеа чўл бағрига кўчади. Бепоён саксовулзор. Қоронғуда бир одам оқсоқланиб, беҳол кетиб бораётир. Оётидан яралгани боис ҳар зимон тин олади, инқилайди. “Уккикүз”нинг важохатли кўзлари бўриники каби ялтиллаётди. Мана, ниҳоят, у қора ўтовга яқин келади, унда чироқ ёниб турибди. “Уккикүз” писиб келиб, ўтовга киради. Транзистор эшитиб ётган кишиги тўппонча ўқталади.

“У к к и к ў з”: Кимсан? Чўпонмисан, геологмисан?

Ч ў п о н: Чўпонман, иним, чўпонман.

“У к к и к ў з”: Чўпон булсанг, яхши. Бу ерларнинг ҳар бир қаричи сенга таниш. Тур ўрнингдан, ҳе манглайи қора. (Чўпон кўрқаписа урнидан туради).

“У к к и к ў з”: Сув бер менга. (Чўпон дарҳол сопол косада сув беради. “Уккикүз” ютоқиб-ютоқиб ичади).

“У к к и к ў з”: (огир тин олиб). Егулигинг борми? Тез келтир.

(Чўпон овқат, нишган гўшт келтиради. Икки кундан бери туз тотмаган “Уккикүз” овқатга ёнишади, тамшаниб-тамшаниб ея бошлайди. Чўпон ҳадиксираб, унга тез-тез қараб қўяди. Бир нимани илғайди. Боя радиодан божхона постидаги тажовуллар, жиноятчилардан учтаси ҳалок этилгани, бировининг эса қочиб кетгани тўғрисидаги хабарни эшитганини эслайди. “Қочган жиноятчи шу” деган қарорга келади. Овқатни, гўштни ялмамай ютган “УККИКУЗ” лабларини артиб, ўрндан қўзғалади).

“У к к и к ў з”: Белбоғингни ечиб, оёғимни боғла.

(Чўпон қараса, унинг оёғидан қон сизиб турибди. Ижирганиб, уни боғлайди).

“У к к и к ў з”: *(тўппончасини яна қўлга олади).* Энди, оға, йўл бошлайсан. Мени дарёнинг нариги қирғоғига ўтказиб қўясан, тушундинг. Йўқ десанг... Ўласан.

Ч ў п о н: *Хўп, иним, бу хизмат биздан. (“Уккикўз”ни ортидан тўғайтиради. Қоронгуда анча йўл юришади. Кўп қон йўқотган “Уккикўз” ҳолсизланади. Йўнон саксовул остига келишгач, тўхтайди. Ҳансирайди, қумга ёнбошлайди).*

“У к к и к ў з”: Манглайн қора, бу ёнга ўтир, озроқ ҳордиқ чиқарамиз. Ина, қочадиган бўлсанг, манглайингдан отаман.

Ч ў п о н: Не десангиз шу, иним. Дарёга икки-уч чақирим қолди, холос.

(Нарироққа чўзилади. Бу сўз ҳақида хабар бериш йўларини ўйлайди. Вақт аста-секин ўтиб борарди. Чўпон қараса, “Уккикўз” қотиб уйқуга кетган, хуррак отиб ётибди. Секин ўрнидан туриб, олисроқдаги геологлар вишкаси томон юғради).

* * *

Воқеа ўзгаради. Божхона пости. Саҳор пайти, ҳали кун бутунлай ёришмаган. Телефон жириглайди, навбатчи кутаради.

Н а в б а т ч и: Эшитаман. Ҳа, божхона пости.

Ч ў п о н: *(телефондан).* Мен 15-геологлар вишкасидан кўнғироқ қиляпман. Қодир чўпонман. Сизлар қидираётган жиноятчи шу ерда. Уни Лолақирда қолдириб келдим. Ухлаб ётибди. Тез келинглар. Сизларни вишка олдида кутаман.

(Овоз тингач, навбатчи ҳушёрланиб ўрнидан турган майор ва Қомилжонга юзланади).

Н а в б а т ч и: Ўртоқ майор. Жиноятчи Лолақирда экан.

Қ о м и л ж о н: *(шоша-пиша).* Ким кўнғироқ қилди?

Н а в б а т ч и: Бир чўпон, Қодир экан исми.

Қ о м и л ж о н: *(ҳаяжонланиб).* Акам-ку, у, ўртоқ майор, Қодир акам!..

(Божхоначилар, милиционерлар жам бўлишади. Майор юқорига — бошиққи телефон қилади. Кейин зудлик билан қисқа кенгаш ўтказлади. Ҳамма ташқарига отилади. Машиналарга ўтирадилар. Йўлга тушадилар. Кўп ўтмай, вертолёт пайю булади. Кейин бронотранспортёрда искарлар. Милиционерлар шошиб кела бошлашади. Мана, “Уккикўз” ётган манзил. У аллақандай овозларни эшитиб, уйғониб кетади. Қараса, бир гуруҳ қуролланган кишилар у томонга шошиб келишмоқда. “Уккикўз” бошини чангаллайди. “Ҳаммаси тамом” дея ўйлайди. Кейин сўнги чора дея тўппончасини чиқаради. Олдинда

келаётган иигитни нишонга олади. Тепкини босади. Вангилаб отилган ўқ унга таниш иигит — Комилжоннинг чап елкасини ялаб кетади. Комилжон бир энкаяди-ки, яна ўрнидан туриб “Уккикуз”га ташланади. Бир зарб билан қулатиб, қўлини орқасига қайиради. “Уккикуз” бўридай увиллайди).

“У к к к ў з”: Қойил сенга, “Казбек”. Ўзинг мени қутқариб, яна ўзинг қўлга туширдинг-а. Сенларни ипинг бунча узун бўлмаса. Афсус, юрагингни кўзлаган эдим. Ўқим бекор кетди-да.

К о м и л ж о н: Қузғунсан-да, Бозорбой. Қузғун ҳам ўлжасига талпинганда, илк бор юрагини чўқилайди. Сен — тумшуғи қон, қўли қон қузғунбачча ҳам қанча кишининг қалбини, руҳини чўқиладинг. Максимнинг, бошқа раҳнамоларингнинг товоғини яладинг. Юртбузарлик қилдинг. Аммо ниятингга етолмадинг. Кунинг битди сенинг.

(Комилжон ҳолсизланади. Уни суяб, машинага ўтқизишади. “Уккикуз” қўллари кишанланган ҳолда “Милиция” деб ёзилган машинага чиқарилади. Орқада саксовулзор шовуллаб қолади).

* * *

Воқеа ўзгаради. Касалхона. Елкаси гипсланиб, қўли боғланган Комилжон каравотда ухлаб ётибди. Енидаги стулда Қодир чўпон. Елкасида оқ халат. Укасига меҳр билан боқади. Қўли билан аста юзини силайди. Комилжон илиқ кафт ҳароратидан кўзларини очади. Акасини таниб, майин жилмаяди. Ярим кўзгалади. Оға-инилар қучоқлашиб кўришадилар.

Ч ў п о н: Омонмисан, укажон? Ўша кунни сал кечикдим. Етиб келсам, сени буёққа олиб келишибди. Яранг безарарми, ишқилиб?

К о м и л ж о н: Раҳмат, акажон. Сизга ҳам қойил. Агар хабар бермаганингизда...

(Шу маҳал палатага даволовчи ҳақим шовилиб кирди. Бурчакдаги телевизор мурватини бурайди. Экранда таниш дикторнинг қиёфаси намоён бўлади).

Д и к т о р: “Ўта хавфли жиноятчиларни қўлга туширишдаги жасорати, мардлиги ва матонати учун ички ишлар хизмати, божхона ходимларидан капитан Аскар Шодиёев, майор Баҳриддин Жамолов, лейтенант Комилжон Ботировлар “Жасорат” медали билан мукофотлансин”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов.

(Қутилмаган бу хушхабардан Қодир чўпоннинг кўзларида шодлик учқунлари чақнайди. Укасини яна бағрига босади).

Ч ў п о н: Табриклаймиз, укажон.

(Бош ҳақим ҳам Комилжонни астойдил қутлайди. Кейин “давом эттиринглар” дея чиқиб кетади. Комилжон кўзларида пайдо бўлган севинч ёшларини артар экан, хона эшиги ланг очилади).

О н а: Болажоним, ўғилгинам, соф-саломатмисан?

(Комилжон ота-онаси қуришвида қолади. Уни кучоқлайдилар. Навбат-ма-навбат ўна бошлаидилар. Она ўғлига меҳрибонлик билан боқади.

Яраланган елкасини такрор-такрор сийайди).

О н а: Ҳа, сенга ўқ узган ёвузнинг қўллари акашак бўлсин. Элу юртимизга хоинлик қилиб юрган ватанфуруш, нонкўрларнинг икки дунёсига ўт тушсин, илойим. Омин, Оллоху акбар. *(Барча юзига қўл тортади).*

(Шу пайт хонага бош ҳаким ва ички ишлар бошқармаси бошлиғи, генерал-майор Мардонов кириб келади. Комилжон ўрнидан дадил туради. Ота-онаси, акаси чиқиб кетмоқчи бўлишади).

Г е н е р а л: Йўқ-йўқ, ўтиринглар, азизлар. Ассалому алайкум, отахон. Омонмисиз, онажон. Ие, чўпон ҳам шу ердлар-ку. Ташаккур сизга. Қузгун чўқимадим, ишқилиб?

Қ о д и р ч ў п о н: *(Жилмайиб).* Бекордан-бекорга чўқилатадиганлардан эмасмиз.

Г е н е р а л: Яшанг, биродар. Омон бўлинг. Мардлингингиз сийловга лойиқ.

Қ о д и р ч ў п о н: Ташаккур. *(Қулини кўксига қўйди. Генерал бурилиб, Комилжонга юзланади. Келиб, бағрига босади).*

Г е н е р а л: Раҳмат сенга, ўғлим. Сени танлаб адашмаган эканман. Ишончимизни оқладинг. Юксак мукофот билан астойдил қутлайман.

Қ о м и л ж о н: Эл-юрт хизматига, Она-Ватан ҳимоясига ҳамisha тайёрман!

Г е н е р а л: Яша, ўғлим, сендай мард ва жасур фарзандни тарбиялаб ўстирган ота-онангга ҳам катта раҳмат! *(Чол-кампир самимий таъзим қилишади).*

Г е н е р а л: *(қўйнидан зарҳал погонларни чиқара туриб).* Капитанга... узоқ ётиш тўғри келмайди. Тезроқ соғайиб, сафга қайтиш зарур. Сени кутамиз. *(Погонларни Комилжонга топширади. Унинг қўлини сиқиб) Табриклаймиз. Хўп, ўғлим, тезда кўрингунча.*

(Генерал ва бош ҳаким хайрлашиб, чиқиб кетадилар. Бир оз суҳбатдан сўнг ота-онаси, акаси ҳам хайр-хўшлашиб, хонини тарк этишади. Комилжон палатада яна ёлғиз қолади. Телевизор мурватини бўрайди. Унда 16 февраль воқеалари тасвирлари, ёнгинлар, беаҳал қурбон бўлганлар, элу юртдан гунаҳлари учун узр сўраётган талай ёшлар ва ниҳоят, хоинлар устидан бўлаётган суд жараёнлари бир-бир акс этади. Сўнгера экранда Юртбошимизнинг катта йиғинда сўзлаётган ҳаяжонли нутқи янграйди:

— Ўзбекистондаги барча ёшлар менинг фарзандларим, менинг ўғил-қиз-

ларим. Биз уларни ҳеч кимга бермаймиз. Уларни узимиз тарбиялаймиз. Узимиз ҳаётга керакли кишилар қилиб етиштираемиз!...”

Комилжон илиқ эҳтирослар қуршовида ўтираркан, хона эшиги чертилиб, бир даста гул кўтарган милиция сержанти кийимидаги ниҳонда сулув қиз ва икки милиционер йигит кириб келишади.

Қ и з: Юксак мукофотлар билан табриклаймиз, ўртоқ капитан. Қалай, соғайиб қолдингизми?

К о м и л ж о н: (улар билан кўришгач). Раҳмат сизга, ўртоқ сержант. Қани, ўтиринглар.

(Улар ўтиришади. Комилжон ер остидан қизга қарайди. “Дилдорага ўхшаркан, — дейди хаёлида, — хусусан, кўзлари, жилмайишлари, боқишлари”. Комилжон ноқулай жимлик чўзилмаслиги учун сўз бошлайди).

К о м и л ж о н: Кўриб турибман, касбдошлар эканмиз. Лекин узр, сўраганнинг айби йўқ, кимсизлар?

Қ И З: *(нозик боқиш билан)*. Танимадингиз-а, тўғриси айтийми?

К о м и л ж о н: Айтинг.

Қ и з: Булар... Ҳув, ўша оқшом, чашма бўйида шеригингиз... “Уккикўз” билан ташланиб, ерпарчин қилувдингиз-ку. Ўша йигитлар булар.

К о м и л ж о н: *(ҳайратга тушиб)*. А? Наҳотки? Сиз?...

Қ и з: Мен... Мен машинадан тушириб, кейин елкангизга кутарганча ариқча таппаб кетганингиз... “Момой” бўламан... Яъни милиция сержанти Гулнора Ботиржоноваман... *(Комилжон ҳанг-манг. Кеча терговчи дўсти Оқилжон Ҳусановдан бу қизнинг исми-шарифини эшитган, унинг самолётдаги жасурлигидан оғаҳ бўлган эди)*.

К о м и л ж о н: Сюрдесса ҳам сиз-а?

Қиз жилмайиб, бош силкитганча тасдиқ ишорасини қилади. Комилжон хиёл кўзларини юмади. Кўз ўнгида Дилдора намоён бўлади. Қизни у билан таққослайди. Бунча ўхшаб кетмасанг унга... Исминг ҳам жуда монанд — Гулнора. Во ажабо! Мен Ботировман, бу Ботиржонова. Эй, тақдир, наҳотки менга яна кулиб қарайтган бўлсанг? Комилжон хаёллари унглайди, тагин қизга қарайди.

К о м и л ж о н: Узр, “Моможон”, Гулнорахон. Ўшанда ночор эдим. Ёрдан қилолмагандим сизга. *(Йигитларга қараб)* Сизларга ҳам.

Қ и з: Ҳечқиси йўқ, хизматчилик. Мени жарга улоқтириб юбормаганингизга шукур қиламан.

К о м и л ж о н: Жарга? Сизни-я? Ҳеч қачон. Лозим бўлса, сиздай жасур қизни кафтимда...

Қ и з: *(назокат билан)*. Кўтаришга ҳам тайёрсиз-а. Таппаккур. капитан. Ҳўп энди, биз кетайлик. Тезроқ соғайинг, омон бўлинг. *(Мийин табассум билан)* Сизни кутамиз! *(Улар ҳайрлашиб, чиқиб кетадилар)*.

ХОТИМА

Шифохона. Комилжон нарсаларини йиғиштиряпти. Боғлов бинтлари ечиб ташланган. У капитан поғонидаги хос кийимларини кийиб олган. Соғайган, боқишлари самимий. Ҳақимлар, ҳамширалар билан бир-бир хайр-хўшлашади. Миннатдорчилик билдириб, шифохона ҳовлисига чиқади. Асфальт йўлакдан юриб кетаётганиди дарвоза томондан сочлари жингалак олти-етти ёшлардаги қўғирчоқдай қизча қўлларини кенг очиб, у томон югуриб кела бошлайди.

Қ и з ч а: Дадажон, ўзимнинг дадажоним.

Қизча кела солиб Комилжоннинг бағрига ташланади. Комилжон уни қучоқлаб кўтаради. Айлантиради, айлантиради. Юз-кўзларидан ўтади. Бошини силайди. Кўзларида қувонч ёшлари кўринади. Шундай қувончдан энтикиб, қизчасини кўтарганча қадам қўяркан, ундан беш-олти қадам наридаги сулув қизга кўзи тушади. Бир даста гул кўтарган қиз меҳр билан жилмайиб Комилжон томон келади. У — Гулнора эди...

1999 йил, июнь-июль.

ДАВРОН ЗАМОНИЙ САРГУЗАШТЛАРИ

*(Шу номли туркумдан
воқеий ҳажвиялар)*



1. “ЎЗ СУВИНГИЗНИ ЎЗИНГИЗ ИЧИНГ!”

Пенсияга чиққач, ёзувчиликка ишқи тушган кекса бир ҳаваскорни кимдир Замонийга рўпара қилди. У кун ора уюшмага келар, ёстиқ-ёстиқ кулёмаларини кўрсатиб, “китоб қилиб беринг” деган даъвосини қўймас, кекса ҳаваскорга бунинг иложсизлигини тушунтиришнинг ҳеч иложи йўқ эди.

— Ҳўш, рўмоним нима бўлди? Ўқидингизми?! — сўради ҳаваскор бир куни Замонийни яна ҳол-жонига қўймай, — ман уни Тошкентга тезроқ элтишим керак. Нашриёт кутиб турибди.

— Ҳа, ўқидим.

— Қалай экан?

— Бўлмайди! Шундоққина сув. На гўшти, на ёғи, на масаллиги бор. Қуп-қуруқ сув! — деди Замоний дабдурустан.

Ҳаваскор кутилмаган жавобдан аввалига хохолаб кулиб юборди. Кейин кўзининг пахтаси чиққудай бўлиб, Замонийга ўдағайлади:

— Ўв, донойи замон. Бирламчи, ман шўрва пиширганим йўқ. Бу — рўмон! Билдингми? Иккиламчи, агар сан айтгандек, ман сувини қозонга қуйган бўлсам, масаллигини сан солгин-да, ранг-рўғанли қилиш ҳам сани бурчинг. Ахир, мана бу устолга савлат учун ўлтира-санми? Давлатни маошини бе-корга ол-иб...? Ҳў-ўш!

— Марҳамат, амакижон, — деди Замоний ўрнидан ирғиб туриб, — мана бу столим, маошим ҳам сизники. Фақат ўз сувингизни ўзингиз ичинг.

2. “БАЛКИ ОМОН ҚОЛИШАР....”

Манший мавзуларда ҳикоялар ёзиб юрувчи, гўрроқ бир қалам-каш Замонийни ҳам туғилган кунига таклиф этди. Замоний борса, таниш-нотанишлар анчагина. Улар орасида савдо, милиция, тергов ходимлари, казо-казолар ҳам бор. Даврага раислик қилувчи косагул юбиляр тўғрисида узундан-узоқ ваъз айтиб, кечани очиқ деб эълон қилди. Шундан сўнг тўпланганлар бирин-кетин сўз олиб, “айбдор”-ни астойдил қутлашди. Биров қимматбаҳо соат, биров дўппи ва тўн, биров эса чарм дипломат, қисқаси, ҳар ким топганини унга ҳадя

қилди. Навбат Замонийга келганда “қани, шоир нима тақдим этаркин” деган ўй бир лаҳза шарпасиз қанот қоқди. Замоний лўндагина табрик нутқи айтиб, касбдошига кичкина устара ҳамда дастаси чиройли пичоқча тутқазди.

— Ажабланияпсан-а, дўстим, — деди у жилмайганча. — Биласанми, қахрамонларинг афти совуқ, соқол-мўйлаби ўсган иркит одамлар. Бечораларга раҳмим келади. Ҳеч бўлмаса, мана бу устарада башарасини қиртишлаб юришсин. Сўнгра уларнинг аксарияти ўзини тўппончадан отиб ўлдиришади. Битта-иккитаси қўлингдаги пичоқча билан томир-помирини тилсин, ё қиялатиб кўксига санчсин. Балки омон қолишар...

Бечора ёзувчи ночор жилмайди. Хонада босинқи кулги янгради...

3. “ЭСИЗ, КЕЛАЖАК АВЛОД....”

Ёш ижодкорлар тўпланган йиғилишда Соқи Субутий тахаллусли ҳаваскор шоирнинг шеърлари муҳокама қилинарди. Биров у деди, биров бу деди. Хуллас, Субутий машқларининг мавҳум, гўр. нотабийлиги рўй-рост айтилди.

Ўзига ортиқча бино қўйган, жиккаккина, куйган калладай доим тиржайиб турадиган Субутий виқор билан ўрнидан қўзғалди:

— Мен фикрларингга қўшилмайман. Бугунги шеъриятимиз руҳи ракета техникасидай буткул ўзгарган. Фараз қилинг, — тор манглайини қашиб, давом этди Субутий, — бу техника эллик-олтмиш йилдан сўнг қай даражага етади? Мен ана шу нуқтаи назардан туриб, ижод қилганман бу шеърларни. Сизлар Лоркани, Гейнени, Гётени, Бо Цзюйни ўқимайсиз. Ана шу даҳолар фикрини давом эттиришга ҳаракат қилганимни ҳисобга олишларинг керак эди. Лекин мен оптимистман. Сизлар англамаган мана шу шеърларни келажак авлод, яъни XXI аср одамлари тушунишади.

Ҳамма даврани бошқараётган Даврон Замонийга тикилди. Шу тобда Замоний хаёлида куёш тафтини, боғбон меҳрини кўрмай сояда ўсиб, аччиқ мева туккан худбурой ниҳол гавдалади. “Аслида ширин мева шунақа бўлади” дея чиранаётган бу қутсиз ниҳолчани балки илдизидан қўпориб ташлаган маъқулдир. Одатда, пайвандни гутмаган ниҳолни боғбонлар шундай қилишади-ку. Упинг заққум мевасини ҳозир татишдан ҳазар қилган одамлар келажакда қайрилиб қарармикан?

Замоний анча мулоҳазадан сўнг йиғилиш аҳлига юзланди:

— Шўрлик келажак авлод, эсиз XXI аср китобхонлари! — деди у ниҳоят чуқур уҳ тортиб...

4. “НОРИК ХАЛИМОВИЧ “ТЎРТ” ОЛДИЛАР...”

Августнинг ўрталари эди. Хизмат сафаридан йўл азобида бир халта гўшт бўлиб қайтган Даврон Замонийни таҳририят ҳовлисида илк учратгани Бедодий тахаллусли найнов бўлди. Бедодий газетада сайёр мухбир ҳисобланар. ҳафтадами, уч кундами ёзган хат-хабарини топшириб, яна туманларга жўнаб кетарди. У авваллари анча-мунча ижод билан шуғулланган. ҳатто бир қанча вақт таҳририят маданият бўлимини бошқарган эди. Бедодий ҳозир ҳам онда-сонда ёзар, ҳажвий шеърларини Давронжонга имзо чектириб, котибиятта топширмагунча бўлимдан чиқмасди. У хийла тажрибали журналист бўлса-да, муҳаррирга ўта хушомадгўй, мажлисларда шаънига ҳамду санолар айтишга уста, ёзган мақолаларининг аксариятига унинг имзосини биринчи қилиб қўшиб қўярди. Шундай бўлса керак, ойлик мукофотларнинг энг қуюғи унга тегарди. Замоний “ҳаёт қозонида обдан пишган” бу қаламкашни ёқтирмаса-да, ёшини ҳисобга олиб, ҳурматини жойига қўярди. Мана, ҳозир ҳам унга дуч келиши билан салом-алик қилди. ҳол-аҳвол сўрашиб, ўтиб кетмоқчи эди. Бедодий қўлини бўшатмади.

— Ҳа, муллажон, қасргаям шошардингиз? Мақолангиз босилмаса ҳам, шу газета чиқаверади. А, сиз бизни табрикланг: Норик Халимович кеча “тўрт” олдилар.

— Табриклайман. — деди хаёллари билан банд Замоний Норикжоннинг кимлигини суриштириб ўтирмай. — кечирасиз, ака, шошилиб турибман. Номерга материал туширишим керак...

Эрталаб ишга барвақт етиб келиб, туни билан қоралаган очеркни таҳрир қилишга киришган Замонийни муҳаррир чақиртириб қолди. У ҳорғин кўзларини юмиб, бирпас столга бош қўйди. “Яна қаерга жўнатаркан мени бу тепакал” дея ўйлади ўзича. Кейин ирғиб туриб, йўлакка шошилди.

— Келинг, — деди муҳаррир эшикдан салом бериб кирган Замонийга кўзойнак остидан ёвқараш қилиб. — Ўтиринг.

Муҳаррир ҳали буюқ ҳиди анқиб турган газетадан анчагача бош кўтармади. Қўлидаги қизил қалам билан кеча Замоний ишлаб туширган репортажнинг у ер-бу ерини тузатган бўлди.

— Хў-ўш, ука, кеча нечун кечикиб келдингиз?

— Машина бўлмади, домла.

— Ўв, инсоф борми сизда? Менга деса пиёда келмайсизми? Шу кичкина репортажингизни дсб, учинчи бетни кунни бўйи тўхтатиб

турдик. Мана, сизнинг касофатингиз туфайли газета уч соат кечикиб чиқди.

— Домла, нима қилай ахир, йўл узоқ бўлса. Варахшага бориб-келиш осонми? Машинани берсангиз бошқа гап эди.

— Ҳали шунақа денг. “ГАЗ 24”ни тусаб қолдими кўнгиллари? Ўзингиз соғиб олинг, ука. Ким қаршилиқ қилади. Бу идоранинг машинаси, билдингизми? Ўзи бор-ку, сизни тумандан чақиртириб, нотўғри қилган эканмиз. Тагин сизни чаққон, кўзи ўткир, қалами зўр деб мақтаб юрибмиз-а! Сиз бўлсангиз, бетга чопасиз, гуноҳингизни бўйингизга олмайсиз. Мен сиздай вақтимда қишлоқларга аравада бориб қайтардим. Ҳа, аравада! Ҳозир нима кўп: автобус! Узи бўйни йуғонсиз-да!

— Кечирасиз, домла, — деди ноҳақ дашномдан роса эзилган Замоний тоқат қилолмай, — агар ортиқчалиқ қилаётган бўлсам...

— Нима, кетмоқчимилар? Тўғри сўз туққанингга ёқмайди деганлари шу-да. Боринг. майда гап қилманг.

Замоний урнидан қўзғалиб, эшик дастасини ушларкан:

— Ҳа, ука, айтгандай, — деб қолди муҳаррир, — Гулсумхон касал бўп қолибди. Бугун корректорлик қиласиз. А, эртага бўлса, Ўртачўлга бориб келасиз, ирригаторларнинг кўчма семинарида қатнашасиз. Тушунарлими?

Замоний индамай, бош ирғади. У йўлакка чиқаркан, бирдан Бедодий билан тўқнашиб қолди. Унинг оғзи қулоғида.

— Ис, мулложон, шоирин замоним. Сиз ҳам шу ердамидингиз? — эшикни имлаб курсатди у. — Қани, бешни ташланг бу ёққа. Табрикланг бизни, Норик Ҳалимович ҳозиргина “тўрт” олдилар. Иккита “тўрт” бўлди.

— Т-табриклайман! — деди Замоний қуруққина қилиб. Бу пайт кимни, нима учун табриклайгани кўнглига сиғмасди. Замоний ўзи ишлаётган маданият бўлими остонасига яқинлашаркан, бирдан тўхтади. “Нимаям қилардим шу гурбатхонада, бир айланиб келай”. У кескин бурилиб, таҳририят яқинидаги боғчага йўл олди. Бахтига, ҳу чеккароқдаги ўриндиқ бўш экан. Замоний аста ўтириб, тамаки тутатди. Атроф сокин. Ҳали чошгоҳ бўлса-да, куннинг ҳовури баланд. “Ҳўш, ўзи нималар бўляпти? Нега бу муҳаррир унга ўчакишиб қолди? — хаёлга толди у рўмолчаси билан терлаган юз-кўзларини артаркан, — демак алам қилибди-да! Кимдир “ҳақиқат аччиқ пиёзга ўхшаган нарса, очаверсанг, кўз ёшингни оқизади” дея тўғри айтган экан-да! Энди муҳаррир ўша аччиқ пиёзнинг қусурини гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона олавераркан-да ундан. Ўзинг-ку қартайиб, адойи тамом бўлиб-

сан. Яна шухратпарастлигини қаранг уни. Эҳ, мансаб, мансаб!.. Бедодийга ўхшаганлар унинг илдизига озуқа бериб, сув қуйиб турса, у кўкармай ким кўкарарди. Ўша мажлисда Замоний газетада қўш имзо билан мақола ёздиганларни танқид қилганида Бедодий урнидан ирғиб турганди.

— Мулложон, Давронбой, сиз ҳамкорликка қаршимисиз? — у дам муҳаррирга, дам қўш имзо билан материал бостирадиган ходимларга қараб, сўзини маъқулластганди. — газетадаги ҳамкорлик ижодий муваффақият дегани. Узоққа бормайлик, бултур ҳурматли муҳарриримиз билан узингизнинг ёзган материалингиз эсингиздан чиқдими? Хўш, ҳамкорлик бўлмаганда ўша мақола хусусида обкомнинг маъқулловчи қарори чиқармиди? Нега индамайсиз, Давронбой? Агар битта имзода чиқса, аёнки, шундай бўлмасди. Ахир, сизни ким танирди. Ука, ҳали ёшсиз. Бизга ўхшаб йигирма-ўттиз йил ишланг, журналистикани ана ўшанда тушунасиз. Мен ҳам эдим сенингдек, сен ҳам бўласан менингдек...

Ўшанда мажлисгоҳни ходимларнинг босинқи кулгиси тутиб кетганди.

— Мен бари бир ўз фикримда қоламан. Иккитами, учтами, баъзан тўртта имзода чиқади, ўша материалнинг заҳматкаши битта бўлади. У ҳам бўлса, охириги имзо қўйган киши! — деганди Замоний ҳам бўш келмай.

Бу гап хусусан муҳаррирнинг қитиқ патига текканди. У бир неча ходимдан сўнг сўз олиб, Замонийни тажрибасизликда, гўрликда айблаб, роса жавраганди.

Мажлис тарқагач, Даврон бундай ўйлаб қараса, ўзи узоқчи бўлган ишни Бедодий тугун қилиб ташлаган экан. Ўз ёғимга ўзимни қовурди-я, бу айёр, қойил!” Замоний қишлоқда яшаш тарзи хусусида каттагина мақола ёзиб, муҳаррирга киритиб берганди. Бу материал унинг столи устида роса бир ой ётди. Бир неча марта суриштирса-да, муҳаррирдан садо чиқмади. Даврон ходимлардан бирининг маслаҳати билан муҳаррир йўқлигидан фойдаланиб, ўша мақолага унинг ҳам имзосини қўйиб чиққанди. Эргалаб келиб қараса, мақола қўш имзода бир саҳифа бўлиб босилибди. Орадан икки-уч кун ўтгач, обкомдан махсус вакил келиб, кекса бўлишига қарамай, ташаббускор, ишчан муҳаррир шаънига ҳамду санолар айтиб, Замонийнинг номини тилга олмаганди. Мана, бугун найнов Бедодий ўша воқеани шундай позиклик билан эслатиб, унинг яраси а такрор туз сепди. Замоний-ку қўш имзо қўйишдан буткул воз кечди-я, лекин муҳаррир бу соҳада бўш келмасди. У тўғри келган ходимга шерик бўлиб, саҳифа-

саҳифа материал эълон қиларди. Бир гал шундай бир воқеа юз бердики, Замоний ҳали-бери эслаб, узига келолмайди. Институт олимларидан бири машҳур ёзувчининг янги романига тақриз ёзиб келди. Тақриз тезда турт имзода босилиб чиқди. Албатта, биринчи имзо — муҳаррирники! Орадан хийла вақт утгач, бир суҳбатда Замоний ўша романи мақтаб қолди.

— Ука, магазин боришга бизда вақт қайда? Ўша китобни менга ҳам бериб туришг. Бир ўқиб чиқай. — деди муҳаррир бамайлихоғир. Замонийнинг вужудини қанлайдир тасвирлаб бўлмас ўт қамради. “Пасткан, ўз айбингни ўзинг очасан-а, ноинсоф!” Тишини-тишига босиб, ташқарига чиқиб кетганди ўшанда...

Замоний ўчиб қолган сигаретасига олов ёқиб, ўрнидан қўзғалди. “Ўзи бекор ишга келдим шу редакцияга, — йўл-йўлакай ўйлай бошлади у. — бу даргоҳга келиб, нима орттирдим? Уй-жойдан дарак бўлмаса. Икки йилдирки, кичик адабий ходим. Маоши яхшироқ ўрин бўли турса-да, муҳаррирдан сало чиқмайди. Қалам ҳақининг қуюғи ҳам “капта”ларники. Хўш, нимани ўрганайди? Маҳоратними? Тўғри, бу ерда ҳам уч-тўртта тажрибали, билимдон журналистлар бор. Лекин муҳит-чи? Утган кун қўш имзо масаласи кўтарилганда шу номдор ходимлар талқон ютгандай жим ўтиришди-ку! Шу бечоралар ҳам аскарият пайт муҳаррирнинг имзосини қалқон қиладилар-ку! Наҳотки, бу суҳратпараст чол ҳаммани жиловлаб олган бўлса? Яна озроқ вақт ўтса, Замоний ҳам шундай ҳолга тушиб қолмасмикан? Бедодий айтди-я. менингдек бўласан деб. Наҳотки?! Ахир муҳаррир кун сайин қилдан қийиқ ахтараверса, унга бас келиб бўладими?...

Демак, Даврон кетади, икки дунёдаям хушомадгўй бўлмайди. Қишлоғига, қадрдон мактаби бағрига қайтади. Ўша ерда тинчгина ишлаб, ижодини давом эттиради...

Замоний хаёлга банд бўлиб, хонасига кираркан, бўлим мудири унга еб қўйгудек тикилди.

— Ука, қаерларда юрибсиз? Сиз учун ҳам мен ишлайинми? Ўз юкинғизни ўзингиз тортинг-да. Олинг, мана бу хабарларни Бугун ишлаб туширмасангиз, муҳаррирга арз қиламан.

Замоний сўзга энди оғиз жуфғлаганди, хонага ҳовлиққанча Бедодий кириб келди

— Азизим, — мудирни кучоқлаб, ўпа кетди у, — бизни табрик-ланг. Норик Ҳалимович ҳозиргина тўрт олдилар. Мулложон, — дея Замонийга юзланди найнов, табассум билан, — Сиз ҳам бизни табрикласангиз ёмон бўлмасди. Норик Ҳалимович яна бит-та-а...

— Падарига минг лаънат ўша Норик-пориғинғизни. Ҳе, ўша онасини...

— Иби, иби, катгасига утманг, мулложон. Норик бизни ўғил булади. Рафиқаи муҳтарамамизга тил тегизманг. Ҳа, мулложон, бошингизга тушса биласиз. Институтга кириш осонми. Ҳозиргина яна битта “турт” олиб чиқдилар Норикжонимиз.

— Э, бас қилинг-е, одам ҳам шунақа эзма бўладими?

Асаби қақшаган Замоний хат-хабарларни чангаллаб, котибият бўлимига кириб кетди.

5. ИККИ КИЛОГРАММ ШАФТОЛИГА — ОҚ ЙЎЛ!

... Замонийнинг ёмон курадигани бозорга тушиш эди... Ўзи рузгор-боп нарсаларни харид қилишгаям аслида уқув даркор экан. Шу масалага келганда Замоний қанча-қанча дашном эшитган. У ёшлигида бўлиб ўтган бир воқеани ҳали-ҳали эслайди: бригадир отаси қўшни туманга ўзаро текшириш вақли бўлиб кетганда онаси уни қўярда-қўймай, Фиждувон бозорига жўнатганди. Кечга яқин ҳовлига судралиб қайтаркан, онаси унга пешвоз чиқди.

— Дастёр ўғлимдан ўргилай. Бунча кеч қолмасанг-а. Бозорни эшигини қулфлаб келдингми?

— Машина бўлмади, пиёда келдим.

— Вой, вой, шунча ердан-а? Арава-паравагаям илашолмадингми? Одам деган бундай чаққон булади. Ман айтган нарсаларни олдингми?

— Ҳа, ҳаммаси мана бу тўрвада. — Даврон елкасидаги халтани ерга қўйиб, ишком остидаги чорпояга чўккалади.

Карима хола халтани кўтариб, ошхонага кириб кетди. Бироздан кейин унинг ингичка, газабнок овози Давроннинг ҳорғин вужудини ларзага келтирди.

— Ҳой, ноудлабурро, бу ёққа кел, — деди Карима хола ошхона эшигидан бўйинини чўзиб, — санга айтаяпман, Даврон, ботилмисан? Бу ёққа кел!

Даврон кўрқа-писа ошхонага яқинлашди.

— Бу опкелганинг нима, нодон. Гўшт деб шундоқ суякни кўтариб кепсан-ку, кўзинг қаерда эди?

— Нима қилай? Берганини олиб келавердим-да!

— Ана шу-да, белинг оғримаганда сангинани. Отанг бечора бир сўм топаман деб, кечаю кундуз югуради. Шу суякни қассобни бошига урмайсанми, пукки. Берганини олиб келавердим эмиш. Шолгом қани?

— Тўрвани тагида! — Даврон бошини қуйи солиб, энди орқасига бурилганди, Карима холанинг яна жигибийрон овози янгради:

— Вой, мангина ўлай. Санга иш буюрган мана шу тилгинам кесилсин-а. Сўкмайман дегандим сани, жувонмарт. Шолгом деб каврак редискани кўтариб кепсан-ку...

Бундоқ қараса, Карима холанинг қўлида узун косов. У ура солиб, дарвозадан чиқиб қочганди... Шу-шу Замоний бозор деса, урнидан туриб ўтиради. Уйланиб, шаҳарга кўчиб келганининг иккинчи куни у хотинига кўнглини руй-рост ёрганди:

— Хотинжон, нима десангиз, нима иш буюрсангиз — биз гатои. Амришгизга бажонидил тайёрмиз! Лекин, жонгинам, бозор-ўчар сизнинг гарданингизда!...

Мана, бир этак бола-чақали бўлсаямки, Замоний бозорга тушганини эслолмайди. Бугун эса хотини қаттиқ туриб олди:

— Одамга раҳмингиз келадими, йўқми? Ўлиб бўлдим-ку бу рўзгорингиз дастидан. Кир юв, дазмол бос, овқат пишир, болага қара, яна бозорга югур!.. Қайси бирини қилайин-а? Дадаси, сиз ҳам эркак бўлиб, бирор марта бозор қип келинг. Кечадан бери болаларингиз шафтоли дейвериб, миямни қоқиб қўлимга беришди. Азбаройи худо, йўқолиб қолмайсиз-ку ўша ерда. Икки кило шафтолиям гапми?

Замоний бундай ўйлаб қараса, хотини ҳақ. Бечора саҳардан ишга-ям югурди. Шоир жанобларининг қиладиган ишлари ўғилни боғчага элтиб бериш-у, маошни вақтида эгасига етказиш! У мулойим жилмайиб, хотинига юзланди.

— Хўп, ўртоқ прокурор, икки кило шафтоли бўлса, обкелганим бўлсин. Қани, халтани чиқариб берсинлар-чи.

Бозор дегани ўзига хос дунё экан. Гўё замин ёрилган-у, етти қават ер тагидан одамлар чиқиб келишган бу ерга. Қадам ташлаб, олдинга юришнинг иложи йўқ. Замоний бир илож қилиб, усти гумбазсимон катта бино ичига ўзини урди. Хайрият, бу ерда одамлар хийла камроқ экан. Пештахталар устидаги хилма-хил мевалар, қўлбола қанд-қурс, чошланган қоқилар кишининг ҳавасини келтиради. Замоний тўр халтани осилтириб, анчагача томоша қилди. Ҳолвафурунлар растасига ўтаркан, кимнингдир таниш овози қўлоғига чалинди.

— Шоирга саломлар. Қани, бу ўзлариям бозорга тушарканлар-да?

Замоний бундай қараса, бурноғи йили саёҳатда танишгани Ҳалим дорбоз. У кулиб, Замоний билан қўлтиқлашиб кўришди.

— Ҳа, энди бошга тушганини кўз кўради, дейдилар.

— Ие, нега бундай дейсиз, шоир ака? Бозор ҳам катта ҳаёт. Ичига кирсангиз гич-гич тема. Шеър деганингиз ҳам, достону ҳикоя деганингиз ҳам шу ерда.

Ҳалим дорбоз хохолаб кулганча яна алланималар дея гап сотди, — хўп, шоир ака, ман кетдим, — деди у ниҳоят хотинининг нарироқда кутиб турганини ишора қилиб. — Ҳеч бўлмаса, бугунгидай бозорларда учрашиб турайлик.

Ҳалим дорбоз билан хайрлашгач, Замоний яна бозор айланишда давом этди. Унинг кезиб-кезиб, илғгани шу бўлди: бугун бозорда ҳаммасидан кўп шафтоли кирган экан. Тукли, туксиз, оқ, қизил, сариқ шафтолилар. Замоний жилмайиб, кўли-кўлига тегмай савдо қилаётган бир боланинг олдида тўхтади.

— Шафтоли неча сўм, кичкинтой?

— Беш сўм, амакижон. Мана, еб кўринг. Шакардай. Олмасангиз ҳам еб кўринг, — бола чаққонлик билан яримта шафтолини Замонийга узатди.

— Хўп, хўп, кичкинтой. Кўявер, ишондим сўзингга. Лекин жуда қиммат-ку! Сал арзонроқ қилгин.

— Ўзи беш яримдан сотаётгандим. Қолгани шу. Ҳалиям сизга арзон айтдим, амаки. Олсангиз, тортай, бўлмаса савдони йўлини тўсманг.

— Ҳой, маҳмадона, нега кўполлик қиласан? Санга неча марта айтай, одобли бўл деб!

Замоний ялт этиб, орқасига қаради. Қошигача сомон шляпани бостирган, калта энгли кўйлаги хўпна семиз гавдасини зўрға ёпиб турган паканароқ бир одам кичкинтойга ўқрайиб, жавраб турарди.

— Ассалому алайкум, устоз, — дея Замонийга хушомадомуз юзланди пакана, — яхшимисиз, хуш кўрдик. Энли кечирасиз-да, устоз. Бу бола ёш-да, ҳали мана бу шафтолидай бироз хомроқ, — чаққонлик билан бир дона оқишроқ шафтолини кўлига олиб, Замонийга кўз-кўз қилди. — бизди ўғил бўлади бу шогирдимиз! Уйга элтиб, шу оқшом яхшилаб пиширмасам, обрўни тўкади бу шумтака.

Замоний саломлашгач, паканага бошдан-оёқ разм солди: уни қаерладир кўрган. Чап қулоғининг қават-қават булиб бўртиб турганидан ҳойнаҳой курашчи полвон бўлса керак, деб ўйлади у.

— Йўе-е, ука, шогирдингиздан хафа эмасман. Таълимингизни яхши олган кўринади. Кўли анча чаққон.

— Ўзи вобшем ёмон бола эмас, устоз, тили сал узунроқ-да. — деди пакана астойдил жилмайиб, — буниси онаси шунақароқ. Қуш уясила кўрганини қилади-да, нима дедингиз, устоз?

Пакана гўё гуноҳини бошидан соқит қилгандай болага ўғирилди:

— Қани, Қоратой, тарозига тошни кўй. Яхши-яхшисини ажратиб, икки кило ўлча! — пакана шундай дея, яна Замонийга юзланди:

— Айбга буюрмайсиз-да, устоз. Деҳқончилигим шу шафтолидан. Томорқамизда қирқ дарахтгина ўстирганмиз. Шундай ҳосил тукканки, сотмасак увол бўлади.

— Дада, мана, ўлчадим!
— Қани, устоз, тўрхалтани бу ёққа олинг, — пакана чаққонлик билан боланинг қулидан шалоғи чиққан челакни олиб, тўрхалтага шафтолиларни ағдарди. Учини тугиб, Замонийга тутқазди.

— Мана, устоз, биздан жиянларга совға.
— Қўйсангиз-чи, ука, текин еб ўрганмаганмиз, пулини олинг.
— Замоний битта ўн сўмликни паканага узатди.

— Сиздан пул олиб ўлибманми, устоз, бу савил қолгурлар ҳовлида ириб-чириб ётипти. Қолаверса, бизга ҳам сабоқ бергансиз. “Ҳаваскор ўқитувчи Қашшоқийнинг машқлари анча равон” деб газитларга мақтагансиз.

Замонийнинг эсига бултур ҳаваскорларнинг шеърларига ёзган обзори тушди.

— Э, ҳа, Қашшоқий бўламан денг ҳали.
— Шундай, устоз, шундай, — тиржайди пакана.
— Майли, ука, совғани бегонадан олмаётган эканман. Хўп, омон бўлинг, ижодингизга барака!

Замоний пакана билан хайрлашиб, бозор дарвозасига яқинлашаркан, “устоз, ҳей, Давронжон ака” деган таниш овоз қулоғига чалинди. Тўхтаб, у ёқ-бу ёққа қаради.

— Бу мен, устоз, — дея одамлар орасини ёриб, унга яқинлашди пакана, — кечирасиз. Бир гап ёдимдан кўтарилипти.

— Нима экан, ука?
— Айбга буюрмасангиз, айтаман.
— Майли, айтаверинг.
— Эрга идорангизга бормоқчи эдим, бўласизми?
— Ҳа, бўламан.

— Яқинда десангиз, устозжон, қорақўлик бир шоирга “Оқ йўл” берибсиз. Ўзимизни газитда ўқидим. Ўзиям зўр ёзибсиз-да! Агар малол келмаса, мен ҳам беш-ўнта шеърларимдан олиб борсам. Мана бу шафтолилардай, — тўрхалтани имлаб кўрсатди пакана, — саралаб-саралаб, битта “оқ йўл” ёзсангиз. Ахир, биз ҳам қарийб йигирма йилдан бери машаққат чекиб келамиз шеър йўлинда.

Замонийнинг бўғзига алланарса тикилгандай бўлди. Манглайида беҳосдан пайдо бўлган терни бўш турган қўли билан сидириб ташлади. “Бекорга, устозжон, демаган экан-да бу безбет. Ўқитган устозингга қойилман...” Замоний эс-ҳушини ўнглаб, Қашшоқийга ижирганиб тикилди:

— Хўп, ука, битта қашшоқни қўллаш нима деган гап. Ёзсак ёзибмиз-да.

— Раҳмат, устозжон, минг раҳмат! — оғзининг таноби қочиб, безрайди пакана.

— Лекин, ука, идорага бориб, опора бўлиб юрманг. Ҳозир ёзиб бераман. Сиз мана бу турхалтани ушлаб турунг. Ман анови магазиндан қоғоз-қалам олиб келаман.

Замоний шундай дея турхалтани унинг қўлига тугқазди.

— Овора бўлманг, устозжон. Қоғоз-қалам бор бизда, — чўнтагини ковлай кетди пакана.

— Йўқ, йўқ, янгисига ёзиб бераман. Ҳозир келаман, ука, кутиб турунг.

Замоний ўргимчак тузоғидан қутулган чумолидай шошилганча дарвозага йўналди. Пакананинг ортидан ҳой-ҳуйлашига қарамай, бекалга келиб тўхтаган таксига ўзини урди.

— Ҳайданг, шофиржон. Шафтолининг пули сизники, — шундай дея ҳайдовчининг чўнтагига ўн сўмликни солиб қўйди у.

— Қанақа шафтоли, ақа? — ажабланиб елка қисди ҳайдовчи.

— Э, ҳайданг, деяпман-ку!

Машина елдек қўзғалиб, йўлга тушди. Замоний олдинги ўринликда мунгайиб ўтираркан, кўз олдидан “икки кило шафтолиям гапми” дея ҳол-жонига қўймаган хотинининг норози қиёфаси, “олмасангиз ҳам еб кўринг, шакардай”, деган Қоратойгина, “шеърларимни шафтолидай саралаб-саралаб, оқ йўл ёзиб беринг, устозжон”, дея мўмингина бўлиб тиржайган Қашшоқийнинг тунд башараси бир-бир утди.

— Ҳе, шафтолингдан ўргилдим сандай шоирнинг. Эссиз, тўрхалта-я! — деди Замоний бош чайқаб.

Мижознинг гапидан ҳеч нарса уқмаган ҳайдовчи машинага газ берди...

6. “МАРҲУМ” ШОИР

Замоний педагогика институтида ўқитувчилик қиларди. Нима бўлди-ю, уни ҳам қабул имтиҳони олувчилар рўйхатига киритишди. “Қўйинглар, бу иш менга тўғри келмайди” дея такрор-такрор рад этса-да, рози бўлишмади. У навбатдаги — адабиётдан бўладиган оғзаки имтиҳонга хийла барвақт келди. Имтиҳонга қирувчиларнинг аксарияти содда, одмигина кийинган, аудиторияга кириши билан ҳаяжонланиб, “тақдирим қўлингизда, раҳм қилинг, домлажон” деган илтижони мўмингина бўлиб кўз қарашлари орқали ифода этувчи йигит-қизлар. Шу пайт орқароқдаги партада қоғозга куймаланганча алланарсалар ёзиб-чизиб ўтирган зулукдай мўйловчали, олифтагина кийинган, новча бир абитуриент имтиҳон столига яқинлашди. У са-

волларга қийнаиб, терлаб-пишиб, атайин дудуқланганча жавоб қайтаришга тушди.

— Жуда бўшсиз-ку, жўра, — деди Замоний билан биргаликда имтиҳон олаётган қувноқ табиатли, ҳазилни жон-дилдан хуш кўрадиган ёш тилшунос олим, — шу билим билан институтга кирмоқчимисиз?

— Ж-ж-жавоб бердим-ку, домлажон!

— Жавобингиз қониқарсиз, жўра, лекин сизга ёрдам қилмоқчиман, — дея бироз кулимсираб, давом этди тилшунос абитуриентнинг саводи “говлаб” кетганига астойдил ишонгач, — битта қўшимча савол бераман. Жавоб беролсангиз, “яхши” қўяман, йўқса...

— М-майли, домлажон, — деди йигит ҳаяжонланиб.

— Хў-уш, айтинг-чи, бухоролик шоирлардан кимларни биласиз? Уларнинг ижоди ҳақида сўзланг.

Абитуриент бироз хаёлга чўмиб, уч-тўртта ижодкор қатори Замонийнинг номини ҳам тилга олди.

— Я-яхши, яхши, — дея Замонийга юзланди ёш тилшунос жилмайганча. Сўнг яна абитуриентни саволга тутди:

— Қани, жўра, шу Замоний деган шоир ҳақида батафсилроқ сўзланг-чи. У қачон, қаерда туғилган, қайси асрда яшаб ўтган?

— Шоир Замоний, домлажон, XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро шаҳрида туғилиб, XX асрнинг бошларида вафот этган. Унинг жуда кўп шеърлари бизнинг кунларгача етиб келган, домлажон.

Ҳайратдан нима қилишини билмай, пастки лабларини тишлаган Замоний ёш тилшуносга “бопладинг-ку” деган маънода бошини сарак-сарак қилганча термулди.

— Қани, “марҳум” шоир, — дея қаҳ-қаҳ уриб юборди тилшунос, — мана бу жўрамизнинг имтиҳон варақасига бир имзо чекиб юборсинлар-чи.

Кўзлари ола-кула бўлиб, гап нимадалигини пайқаган абитуриент ура солиб, ташқарига қочиб кетди.

7. ГАЗЕТАГА ТУШГАН ВИЛЬТ

Замонийнинг қишлоқда яшаган пайтлари эди. У озиб-тўзиб, тунларни тонгларга улаб, “Садоқат” номли шеърлар туркумини ниҳоясига етказди. Уларни машинкалагиб, не-не умидлар билан туман марказига — газета таҳририятига йўл олди. Бахтига аввалги муҳаррир бошқа ишга кўтарилиб, янгисининг тайинланганига ўн кунча бўлган

экан. У ийманиб, бундан олдин хўжалик ишларида ишлаб, баъзи-баъзида мақолалар ёзиб келган, фалакнинг гардиши билан бир айланиб, катта журналист сифатида иш бошлаган муҳаррирни астойдил қутлади, унга муваффақият тилади.

— Хў-ўш, ўртоқ ш-оир, — деди заҳил юзли, башараси анча тунд, тиллопеч кўзойнак таққан муҳаррир, “шоир” сўзига атайин урғу бериб, — ашъорлардан келтиргандирсиз?

— Келтиргандим. Мана, янги туркумнинг биринчи ўқувчиси ўзингиз, — деди у хурсанд ҳолда.

Бош муҳаррир қўлёмаларни истар-истамас, гоҳ сигарета бурқситиб, гоҳ лабларини чўччайтириб, овозсиз, узоқ варақлади. Ниҳоят, қопларини тугунча қилиб, қоғозлардан бош кўтарди.

— Беролмаймиз бу ашъорларингизни, ўртоқ шо-оир!

— Нега? — ажабланди Замоний.

— Негалиги шундаки, ўртоқ шо-оир, — дея тиллопеч кўзойнагини қўлга олди муҳаррир, — Сиз севги, муҳаббат, садоқат ҳақида лоф-қоф урибсиз. А, бизнинг газетамиз бўлса, хўжалик газетаси. Так что, хўжалик газетасига ўлдим-куйдим шеърлар кетмайди, ўртоқ шо-оир! Бизга деҳқончилик ҳақида, дала ишлари ҳақида ёзиб келинг. Марҳамат, бермаймиз эмас, берамиз.

Замонийнинг миёсига миҳдай қоқилиб кирган нарса “Наҳотки?” деган сўз бўлди. Наҳотки, ижод кўчасидан ўтмаган шу заҳил одам, билими ит узумидай ёвлаб, сиёсий савияси бошидан “ошиб-тошган” шу тунд башара кўзингга тикилиб туриб, тақдирингни ҳал этса?! Мусаффо туйғуларингни оёқости қилса?! Замоний замонанинг мана шу нотанти зайлига бош чайқаб, ўрнидан қўзғалди. У муҳаррир билан ади-бади айтишиш фойдасизлигини англаб, қўлёмаларини чўнтагига соларкан:

— Маслаҳатингиз учун раҳмат, ўртоқ р-р-редактор, — деди “редактор” сўзига алоҳида урғу бериб, — газетангиз хўжалик газетаси. шунақами? Демак, газетангизга яхоб бериш, чел бузиш, далага гўнг чиқариш, гўза парвариши ҳақида шеър ёзиб беришим керак, шундайми?

— Худди шундай. ў-ўртоқ...

— Саломат бўлсинлар, ўртоқ агроном, ис. кечирасиз, ў-ўртоқ ре-редакто-ор! — деди сабр-тоқати тугаган Замоний, — бу мавзуларда-ку, билмалим, бировлар ёзишар, лекин мен газетага вильт тушгани ҳақида ёзаман. Ҳа, ҳа, вильт тушгани ҳақида...

8. “ЙЎРФАТУВАЛОҚ”

Аллақайси ҳаваскорнинг машқларини кунт билан ўқиб ўтираркан, телефоннинг узлуксиз жиринглаши Замонийнинг хаёлларини чилпарчин этгандай бўлди.

— Во ажаб, кўнғироқ қилаётган ким бўлди экан? — деди у ўзича гўшакни қулоғига яқин келтириб, — алло, эшитаман!

— Ассалому алайкум, домлажон, — деган овоз эшитилди гўшакдан, — яхшимисиз, омонмисиз, бола-чақалар қалай. Ўзингиз чарчамай юрибсизми? Ҳа, айтгандай, озроқ касал бўлибсиз деб эшитдик. Соғайиб, отдай бўлиб кетдингизми, домлажон!

— Раҳмат, раҳмат, ҳаммаси яхши! Кечирасиз, ука, сизни таниёлмай турибман.

— Маними, домлажон, наҳотки танимайсиз? Ман, ман, — чайналди сўзлаётган киши. — ман Йўрғаюф Тўрғай бўламан, яъни сизнингча, домлажон, шоир Тўрғай! Энди танигандирсиз?

— Ҳа, энди танидим. Қалайсиз, шоир? Ижодлар яхшими? Кўринмайсиз анчадан бери.

— Ҳе, домлажон, машойихлар айтган эканларки, ҳар ишни вақтида қил деб. Биз ҳам катта бир иш қиляпмиз.

— Шунақами? Нима бало, шеърни ташлаб, роман-поман ёзишга ўтдингизми? — деди Замоний “кўлёмасини кўр бўлиб ўқирканманда энди” деган хавотирга бориб.

— Яшанг-е, домлажон. ўзи жуда шўхсиз-да, — деган ҳиринглаган овоз келди яна гўшакдан, — агар билсайиз, рўмондан ҳам каттасини бошлаганман.

— А-а?!

— Нима бўлди, домлажон, овозингиз чиқмай қолди?

— Йўқ-йўқ, яхшиман! Ҳалиги романдан каттаси грилогиядир балки?

— Ундан ҳам каттароқ, домлажон, шестилогия! — яна қаҳ-қаҳ уриб куларди шоир Тўрғай. — Кўрқдингиз-а, буларни қачон ўқиб чиқарканман деб. Кўрқманг, домлажон, ҳаммаси бўлиб олти саҳифадан иборат кичкинагина китобча, яъни олти хонали уй қуряпман, холос.

— Шундай демайсизми, ҳе, масхарабоз, — деди Замоний чуқур нафас олиб, қутлуғ бўлсин. Яхши қилибсиз. Бизниям лой-пойга чакиринг бундай, вақт топиб борармиз.

— Юрагим-да сиз ўзи, домлажон. Ўзи сиздай простой одамни ҳеч

кўрмаганман-да, — хушомадга ўтди Тўрғай, — аммо сизни лойга киритиб, ақлимни ебманми, домлажон. Агар малол келмаса, сизга бошқа битта хизмат бор эди, айтийми?

— Айтинг, қанақа хизмат экан?

— Энди айбга буюрмайсиз-да, домлажон. Лекин албатта қўлингиздан келади.

— Хўп, дедим-ку, айтаверинг. Қўлимдан келса, бир бало қиларман.

— Шу десайиз, домлажон. иморатни қаламачўпдан чиқаздик. Лой-пойи тугади ҳисоб. Қурғур сомони азоб берди лекин. Сомоннинг ҳар қопини йигирма беш сўмдан олдим-а! Қирқ қоп сомон, аҳволим ёмон, домлажон. Энди мен ғариб шоирингизга сиз ёрдам бермасайиз, ким ёрдам беради.

— Гапни кўп чўзманг, Йўрғаев, нима эди ўша зорманда, айтаверинг.

— Хўп, хўп, айтаман, домлажон, — деди Тўрғай овозини балан-длатиб, — шу десайиз, иморатга олтмиш дона тўрт ярим метрли бөлор, ўн кубгина пол бўладиган тахта, юз донагина фансера, кўп эмас, саксон донагина уч метрли ингичкароқ ёғоч керак эди.

— Хў-ўш, мен нима қилишим керак?

— Сизми, домлажон. — илтижо қиларди Йўрғаев, — Сиз мана шуларни топиб беринг деяпман-да. Қўрқманг, пулини ўзимиз тўлаймиз.

— Ўв, биродар, нималар деб алжияпсиз? Мен сизга райпонинг раиси, ё ёғоч омборининг мудириманми? Қасерга қўнғироқ қилаётганингизни биласизми, ўзи?

— Биладан, домлажон, биладан. Сиз ёзувчилар идорасида ишлайсиз, бизнинг раисимиз-да! Шунинг учун айтяпман-да дардимни сизга. Сиз биздек шоирларингизга ёрдамлашмасангиз, ким ёрдам беради, ахир.

— Йўрғаев, укажон. Эсингиз жойидами ўзи, — хуноб бўлди Замоний, тушунсангиз-чи, мен савдо ходими бўлмасам, ахир...

— Э, домлажон, камтарлик ҳам эви билан-да, — сўзни илиб кетди Йўрғаев, — шу савдо ходимлари бор-ку. Райпони раисиям, зав. искалод ҳам сизни номингизни эшитса, жойидан ирғиб тураркан, домлажон. Ҳа, ишонинг! Кеча бир базага борупдим. Ўзимни таништираман, шефларингиз шоир Замонийми, деб сўради зав. искалод. Ҳа, ўша киши дедим. Бечора қалт-қалт титради. “Муштум”ни очиб, “Порахўрга” деган шеърингизни кўрсатди. Домлажон, ўлай агар сиздан кўрқаркан, ўлай аг-а-ар...

— Йўрғасев! — бирдан бақириб юборди Замоний, фиғони тошиб, — бас қилинг майнавозчиликни! Ҳе, сатқайи одам кет-е! — У шагит билан трубкани ўрнига қўйди. Ўқиётган қўлёзмаларини парча-парча қилиб ташлади.

— Тавба, — деди бўғилган Замоний ёқасини ушлаб, — бир ҳаваскорга одам бўладими деб бағрингни очсанг, бўйнингга бўйинтуруқ солиб, томорқасини ҳайлаттиради, шекилли. Сен йўргатувалоқнинг-ку шеърингдан безор эдим, энди бу ҳунарингга қайга борай? ..

9. ЭРИНИ “ШОИРЛИҚДАН ЎЧИРМОҚЧИ” БЎЛГАН АЁЛ

Қўққисдан эшик очилиб, кабинетга одмигина чит кўйлак киийиб, бошига оқ сурп рўмол ўраган, ўрта ёшлардаги рангпар аёл кириб келаркан, Замоний урнидан беихтиёр кўзгалди.

— Мумкинми? — деди аёл йўргакланган чақалоғини қатор турган стулларнинг бирига етқизаркан.

— Марҳамат, келаверинг. Салом алайкум!

— Ассалом! — Аёл наридан-бери ўзига тартиб бериб, Замоний қаршисидаги стулга чўнқайди.

— Сиз Даврон Замоний бўласиз-а?

— Ҳа, Замонийман!

— Шоирларни каттаси экансиз деб эшитдим, шунақами?

— Сизнингча шундай, каттасиман!

Аёл бир муддат ерга қараб, сукутга кетди. Йўргакда пишиллаб ухлаётган боласига секин кўз қириши ташлаб, бошини аста кўтарди. Унинг киприкларида ёш ҳалқаланган эди.

— Сурроб Қашанговни танийсизми?

— Кимни?

— Қашангов бор-у, қуёнқулоқлик шоир! Газитларга ёзиб юрадиган. Замонийнинг кўз олдига яқинда бир папка қийқим-суйқим “ҳикоялар” кўтариб келган, қўяверса ўзини замонасининг Чехови даражасидаги ёзувчи қилиб кўрсатган сўхтаси совуқ, тараппалай қотган, ирkitроқ кимса гавдаланди.

— Ҳа, танийман Қашанговни.

— Билсайиз, ўша шоирингизнинг хотини бўламан. Мана бу гўдак қирқ кунлик бўлди энди. Шу бегуноҳгинани ҳам уйламади у номард. Инсофга чақираман десам, юзингга кўзинг борми демай, шундоғам саваладики... Ҳозир касалхонадан чиқиб, тўғри олдингизда келяп-

ман. Шу гўдаккигани бир ҳафта ким-кимлар савоб. деб эмизиб юришди-я!..

Аёл ортиқча бардош қилолмай, йиғлаб юборди. Шу пайт аксига олгандай хонани чақалоқнинг босинқи чинқириги гутиб кетди. Воқеадан беҳабар котиба қиз “нима бўлди экан” деган ташвишда хонага югуриб кирди.

— Муҳайёхон, — деди шошиб қолган Замоний, — опангизга бир пиёла сув опкелинг.

— Керак эмас, эсим жойида! — Аёл болани бағрига босиб, анчагача овулган бўлди.

— Сингилжон, — деди ниҳоят аёл котиба қизга ялинганнамо, — шу етимча қолгурни хонангизда озгина олутиб туринг. Мен дардимни бу кишига айтиб олай.

Муҳайё Замонийга тикилиб, “майли, олиб чиқинг” маъносини уққач, “хўп, опажон” дея болани кўтариб чиқиб кетди.

— Биласизми, укажон, — дея кўзларини рўмолининг учи билан артиб, сўзга киришди аёл яна ўз ўрнига оғир чўқаркан, — жонимдан тўйдим шу шоирингиз дастидан.

— Илтимос, очикроқ сўзланг, нима гап ўзи?

— Одамга-ки, қўйма ақл бермаса, ҳаммаси бекор экан. Ўн йил бўлди шу Қашанговга тушганимга. Ўн йилдан бери таъна эшитаман. Ҳе, укажон, на бирор ҳамсоя қолди, на бирорта қариндош. Ҳамма безор бу кишидан. Очигини айтсам, Қашанговнинг шоирман деб бош суқмаган жойи қолмаган. Яқинда десайиз, кўшнилари тўпланишиб, беш сўмдан пул йиғишибди. Кўчамиздаги Ҳожар кампирнинг чоли вафот этган экан, шунга ёрдам деб. Қашангов бўлса, “шу пулни гузар вакилининг ўзи еб кетди” деб бечорани мелисага ёзиб берибди. Бўлди жанжал, бўлди жанжал.

— Наҳотки, шунчалик пасткашлик қилса?

— Ҳе, укажон, наҳоткини қўяверинг, бу ҳали ҳолва. Бу кишини колхозда битта боғбон тоғалари бор. Бултур шу кишини газитта ёзса бўладими, “колхозни бир мошин олмасини бозорда сотиб, жигилдонига урди” деб. Текшира-текшир бошланиб, ёзганлари тухмат бўлиб чиқди. У ёғини суриштирсангиз, тоғалари “номинг курсин, Сурроб, сен ҳам бундоқ элга кўшил, қачонгача бегуноҳ одамларни маломатга қолдириб юрасан” дея уришган эканлар. Бу киши бўлса “тоғамнинг бурнини бир ерга ишқаламасам қўймайман” дея анчагача тиш қайраб юрдилар. Охир-оқибат, ман қариндош-уруғнинг кўзига тик қаролмайдиган бўлиб қолдим.

Замоний аёлининг астойдил сўзлаётганига ишонса-да, “қани, бу ёғини эшитайин-чи” деган маънода илмоқни савол тапплади:

— Куйсангиз-чи, опа, Қашангов ўлибдими, тоғасининг тирсагини тишлаб?

— Ҳе, билмайсиз-да сиз у кишини, укажон. Қашангов ўт қўйган жойда мап жизганак бўлаяпман, адоий тамом бўлаяпман. Опам бечора мани ўйлайвериб, яқинда оламдан ўтдилар. Отам тирик бўлганларидаям шундай аҳволга асло тушмасдим. Бундан бир ҳафта олдин ҳовлимизга тўрт киши бостириб кирди. Ҳаммасиям мани еб қўяй дейди. “Қашангов қаерда, е топиб берасан, ё бола-чақангни уйингга қамаб, олов бераман” деди биттаси. Оғзига келган расво сўзлар билан сўкли. Дод дедим, фиғон кўтардим. Хайрият, қўшнилар бор экан, — аёл яна энтикиб-энтикиб йиғлашга тушди, — улар бўлмаса, билмадим, болаларим нима бўларди?

— Қўйинг, опа, кўп йиғламанг, — деди тоқати битган Замоний, — нима ҳақи бор экан бегона эркакларнинг уйингизга бостириб киришига.

— Ана шунисига куяман-да, укажон. Қашангов мелиса бўлмаса, ОБХС булмаса, қайси жонингга керак магазинни текшириб. Улар билан ҳазиллашиб бўладими? Биронта пулдори “фалончи шоирни иложини қил” деб кўча безориларни алдаб-сулдаб йўлга солса, ман нима қиламан? Тўртта етимча билан қайси гўрга бораман? Укажон, кун ора уйимда жанжал. Дод деб келган ким, эшикка тош отиб, деразани синдириб кетган ким. Бу гўрсўхта Қашангов мактабидиз дарсини бериб, индамай юрса бўлмайдими? Шу гапларни айтиб, балюга қолдим. Юз-кўзинг демай...

Замонийга ҳамма нарса ойнадай равшан эди. Ўзини тенгсиз ижодкор деб, кўкрагига уриб юрадиган Сурроб Қашангов “ёзувчи” ниқобидаги хусуматчи, қилдан қийиқ ахтариб, ўз манфаати йўлида ҳар қандай жирканч йўлдан қайтмайдиган сохта “адолатли” мухбир экан. Замоний ўз ҳузурига кириб-чиқадиган ана шундай айрим пасткаш “қаламкаш”ларни чуқурроқ ўрганмаганидан қаттиқ пушаймон қилди.

— Хўш, опажон, мен нима қилай, қандай ёрдам берай сизга? — деди у муштипар, гамғусор аёлга юракдан ачиниб.

Аёл бироз сергақланди. Кўз ёшларини артиб, Замонийга умид билан тикилди:

— Сиздан битта илтимосим бор, укажон. Йўқ, демайсиз лекин. Шу Қашанговни шоирликдан чиқаринг, худо хайрингизни берсин, балки шаштидан тушар. Қашангов шоирликдан ўчса, ёзадиган камайиб қолмас-ку. Жон ука, йўқ деманг. Шу поинсофнинг дафтарчасини торғиб олинг.

— Қанақа дафтарча? — ажабланди Замоний.

— Э, укажон, ўзингизни соддаликка солманг. Уни қип-қизил дафтарчаси бор. Автобусларга чиқса, бепул юради. Ҳатто таксиларда ҳам. Шофирлар ўлгудай кўрқиншади ундан. Бир марта қўлимга тушувди, тортиб олди дарров. Мандан яшириб юради уни. Ҳойнаҳой, сиз бергандирсиз уни. Шоирларни идорасига аъзман, деб юради-ку! Укажон, бир иложини қилинг, мен ҳам тинч юрай одамлар қатори...

Замоний икки ўт ўртасида қолди. Соддадил аёлнинг сўзларига қулай деса, манриди эмас. “Боринг, опа, фирибгар эрингизнинг кирдикорларини тергов органларига айтинг” дейиш ҳам бориб турган ноинсофлик. У бироз хаёлга чўмди. Аёл эса унсиз йиғлар, кўз ёшларини ҳўлланиб қолган румолининг учи билан тез-тез артар. Замонийдан нажот кутиб, дам-бадам қараб кўярди. “Хўш, нима қилсин? Нима деб овутсин бу муштипар аёлни? Оила қуриб, бола-чақа ортириб, ранжу аламдан бўлак ҳаёт лаззатини тотмаган бу аёлни алдаб-сулдаб, уйига жўнатсинми? Унда виждонига нима дейди? Унинг бурчи фақат қўлёмаларни титкилаб, бу асаринг яхши, буниси ёмон дейишми? Наҳотки, ёзувчиликни пеш қилиб, ижод оламида калтак кўтариб юрган, яхши одамлардан ҳам нуқул камчилик излайдиган баъзи қаллобларнинг қиёфасини фош этолмаса?” Замоний ўрнидан аста туриб, дераза олдига келди. Ташқарига анчагина қараб турди. Сўнг қағий бир қарорга келиб, аёлга юзланди:

— Опажон, мен туғри сўзлашни яхши кўрадиган одамман. Ростини айтсам, эрингиз Сурроб Қашангов шоир ҳам эмас, ёзувчим. Бир-икки марта идорамизга келгани эсимда. Ёзганларини шулоққина қулига тугқазганмиз. Ҳикоялари худди ўзидай суяқ. Буни ҳозир сизга тушунтиришнинг ўрни эмас. Лекин унга ҳеч қандай ҳужжат бермаганман. Бунга ҳаққим ҳам йўқ. Қизил дафтарчаси бор дедингиз, аҳтимол штатсиз контроллёрларникидир. Бирор ердан кўрқитиб олгандир-да.

— Ҳали шунақа дег. — Ҳушёр тортди аёл, — мэн ҳали уни шоир деб юрсам. Кечаси билан ёзгани-ёзган. Китобимни чиқараман, деб юрибди-ку.

— Ёзганларнинг ҳаммасиям шоир ё ёзувчи бўлавермайди, опа-жон. Гапимга туғри тушунинг. Эрингиз ўқитувчиликниям, ёзувчиликниям ялчитолмай юрган бир диснатсиз, ноинсоф қаллоб. Хафа бўлманг. Мен унинг баънарасини очаман. Тавбасига таянтириб, сиздан кечирим сўраттираман. Керак бўлса, ўша дафтарчасини ҳам тортиб оламиз.

— Качон, укажон?!
— Эргага. Йўқ, яқин кунлар ичида.
— Илоҳим барака топинг. Ҳамсоёларим олдида мен ҳам эл бўлиб юрай.

— Албатта, юрасиз! Хайр, омон бўлинг.

Аёл ўрнидан кўзгалди. Замоний уни эшиккача кузатиб, тамаки тутатди. Хонада наридан-бери узоқ юрди. Ниҳоят, хаёлларини жамлаб, стулга ўтирди. Қўлига қалам олиб, қоғоз устига оҳиста энкайди. Стол устидаги қоғозда “Товламачи” деган сарлавҳа пайдо бўлди...

10. ТИЛАВНИНГ ТИЛЛОЛАРИ

— Ёдгоржон қани?

— Ҳозиргина шу ерда эди. Кўчага чиққандир, балки.

— Айтмовдимми, парвойи палаксан деб. Она деган ҳам шунақа бефарқ бўладими?

— Нима қипман? Бола деганни кишанлаб қўймадилар-ку, ўйнаб юргандир.

— Нимага ўйнайди? Нега ўйнашга қўясан? Хўш, ўйнади ҳам дейлик. Лекин ким билан? Замонийни ўгли биланми? Шоир бўлиб, бундоқ тўрт киши кўрадиган ҳовли-жойи бўлмаса, қуруқ савлатини нима қилай? Унинг ўзи ким-у, ўгли ким бўларди?

— Хўш, нима қипти?

— Нима қипти эмиш. Нима қилганини билмайсанми?

— Билмайман!

— Биласан. Билиб туриб, билмайман, дейсан. Бир томони гоҳангда-а! Йўқ, агар мени дейдиган бўлсанг, шу кундан эътиборан уни тоға демайсан. Тушундингми?

— Қўйинг-е, дадаси. Уят эмасми? Ёлғондан шамол турса, безгак тутадиган бўлсиз. Тоғам бечоранинг сизга дуцманлиги йўқ.

Тилав айвондан қирилдиган уй эшигини зарб билан тепиб, ичкарига кириб кетди. Қир юваётган хотини эса мағзавани ҳовли юзига сепди-ю, тоғорани айвон бурчагига отиб юборди. Ўзича мингирлади:

— Бўйнида иллоти борнинг оёғи қалтирар эмиш. Тавба, тоғамда нима айб? Юз марта айтдим, шу “Волга”ни олманг, бошингизга бало бўлади, деб. Қилғиликни қилиб қўйиб...

Тилав деразанинг бир тавақасини шарақлатиб очди-да, хогинига бўғилиб дели:

— Ҳўв, бўйнингдаги рўмолни тортиброқ боғла, нафасинг камроқ чиқсин. Бўлмаса, тоғанг билан икковингни...

Эрининг жаҳли чиққанда оқибати ёмон бўлишини билган Шамсияхон секин кўчага чиқиб кетди. Тилав эса яна анчагача жанраб, хотинининг авлод-аждодини болохонадор қилиб сўкди. Кейин яқиндагица олган румин гарнитурининг юмшоқ оромкурсисига ўзини ташлади. Оёқларини узатиб, бошини орқа суянчиққа тираганча, кўзларини юмди. Шу тахлитда қанча ётганини билмайди. Йўқ, бетоқат юракда ҳаловат бўлмас экан. Шашт билан кўзғалиб, юмалоқ стол устидаги тамакидонга қўл узатди. Тамакини лабларига қистириб, қўллари қалтираганча гугурт чақди. Тортиб-тортиб чекаркан, асаблари сал жойига тушгандай бўлди. Хонанинг у бурчидан-бу бурчига неча марта бориб келди. Гарчи ёруғ бўлса-да, олти лампочкали қиммабғаҳо биллур қандилни ёқиб, уйга бир-бир разм солиб чиқди.

Хона тўридаги қизғиш гилам, оёқ босса, товонгача кўмадиган серпат булғор пойандози, сирти ялтироқ буфетдаги чинни чойнак-пиёлалар, рангли телевизор ва японча магнитофон, шифтга тегиб турган қават-қават атлас ва духоба тўшақлар — ҳамма-ҳаммаси ўз жойида, кўзни ёндириб турибди. “Мана шунинг учун мени кўролмайди булар. Хотинимнинг тоғаси бўла туриб, устимдан ёзса, бошқалардан нима гина? Йўқ, бу шоир ҳали менинг совунимга кир юлмапти. Кўрамиз, ким зўр чиқар экан. — ўйлади Тилав. — Ҳўш, янги иморат қуриб, тўй қилган бўлсам, кимга зарарим тегипти? Одамларга берсанг ҳам ур-ур, бермасанг ҳам ур-ур”. “Волга”ни қасрдан олдингиз? — леб сўрашади-я тагин. Курортда икки ой дам олган бўлсам, бировнинг пулига борибманми? Биров ҳовучлаб ер, биров ботмонлаб”.

У буфетдан арман коньягини олиб, қопқоғини шашт билан очди. Хитойи гулдор пиёлани икки бор тўлдириб, кўзларини юмганча симириди. Олови ўчмаган сигаретани яна лабларига қистириб, диванга чўзилганга ҳаёл дарёсига чўмди...

Тилав туман тайёрлов идорасига ишга киргунча камсуқум, камтарин йигит эди. У аввалига ҳайдовчилик қилиб юрди. Кейин касалман, ака, жигарим тўғри келмайди, дея раисга бош урди, ялиниб-ялиниб, колхоз ёнилғи куйиш шахобчасига ишга ўтди. Нима бўлдию, машинасининг бензини тугаб, туман тайёрлов идораси бошлиғи Ҷроқ Хидирович Тилавга юзма-юз келди.

— Нима қиласан, ука, қора мойга боғиб. Бизга ишга ўтсанг-чи, — деди у атрофида гирликапалак бўлиб, машинасининг чанг-чунгини артаётган Тилавга. — Мен ҳам эдим сенингдек, сен ҳам оўласан менингдек...

Ўроқ Хидировичнинг гапи Тилавга мойдек ёқиб тушди. У эртасигаёқ тайёрлов идорасига келди. Оёқ-қўли енгилгина, ҳа деганча зир югурадиган йигитча уч-тўрт кун Ўроқ Хидировичнинг у-бу топширигини адо этиб юрди. Кўп ўтмай, тайёрловчиликка тайинланди. Унга битта аравачали мотоцикл берилди. Энди унинг ошиғи олчи. Мотоциклни тариллатиб юриб, қоракўл териларни, жунни ўзича баҳолар, у қишлоқдан-бу қишлоққа зир учарди. Ўроқ Хидирович танлаган уддабурро шогирдидан хурсанд. Ҳар икки гапининг бирида уни мақтар, баъзан хомашё топширгани узоқ-узоқ шаҳарларга бирга олиб кетарди. Бундай пайтларда Тилав хўжайинидан ҳеч нарсани аямасди.

— Тайёрлов идорасинда ишлайтургон киши, — дерди Ўроқ Хидирович ресторанларда учиб қолган пайтларида, — тошбақанинг остиндан тухумини билинтирмай ола билиши керак.

— Хўжайин, сиз рози булсангиз, биз ўша тошбақани ўзиниям олиб келамиз-да! — бўш келмасди Тилав.

— Баракалла, айтмовдимми, менингдек, бўласан деб! — чапласт шогирдини қучиб, пешонасидан ўпарди Ўроқ Хидирович...

— Куёв, қадам босишингиз бежо, — деб қолди қайси куни хотинининг тоғаси Замоний. Нарвонга чиқсанг, шошмай чиқ, ўз ҳақдингдан ошмай чиқ, деганлар. Данғиллама ҳовли қурдингиз, катта тўй бердингиз. Сизга машина олиш ҳозирча тўғри келмайди.

— Нега, тоғайи калон? Машина миниб юрганларнинг шохи борми? Олсам, ўз пулимга оламан. Сизга нима ташвиш? — деди Тилав.

— Ҳе, оёғингиз остидан ел ўтмаган-да ҳали. Одамлар гап-сўз қилишяпти, ахир!

— Одамларингиз билан икки пуллик ишим йўқ. — Замонийнинг сўзларини кесди Тилав, — агар бўйнимга сиртмоқ тушса, ўша бўҳтончи одамлар билан сиз асло ёрдам берманг.

Шу воқеадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, Тилав аллақайси шаҳардан ҳаворанг “Волга” олиб келди. Энди у ишга борганида ҳам, қайтганида ҳам машинанинг ойнагидан чап тирсагини чиқарганча кўча чангитиб ўтар, атрофга ҳатто қайрилиб қарамасди. Экспедиторликка тайинланганидан сўнг у одамлардан ўзини шунчаки Тилав эмас, Тилав Темирович деб аташларини рўй-рост талаб қиладиган бўлиб қолди.

Давру даврон суришнинг ҳам чегараси бўларкан. Тилав марказий шаҳарларнинг бирнга жун жўнатган экан. Текширишса, ҳужжатларга қаллоблик аралашган... Уни тергов органлари суриштириб қолишди. Югура-югура, казо-казоларнинг ўртада девор бўлишлари туфайли, у суздан қуруқ чиққандек бўлди.

— Иш босди-босди бўлгунча қоровуллик штатида ишлаб турасиз!
— яна бир марта қўллади уни Ўроқ Хидирович. — дарвоқе, устин-
гиздан яна ёзганга ўхшайдилар.

Ўроқ Хидировичнинг сўнги сўзлари Тилавнинг хаёлларини лой-
қалатиб юборди. У бетоқат бўлиб бир нарсани ўйларди. Хўш, ким
ёзиши мумкин? Кимлар уни кўролмайдими? Ахир унга қаттиқ гапир-
ган, “оёқ босишингиз бежо” деб айтган хотинининг тоғаси эмасми?
Ҳа, Даврон Замонийдангина чиқиши мумкин бу ивго!

— Тоғанг ёзган, биласанми. ўша номард ёзган, — дерди у хоти-
нига ўшқириб.

— Кўйсангиз-чи, тоғам сизу менга ёмонликни раво кўрмайди, —
илтижо қиларди Шамсияхон.

— Йўқ, у чўкиди, чўқигандаям тумшуғи ботгунча чўкиди. —
бақирарди Тилав. — Лекин мен ҳам кўксимни беқорга тутиб беради-
ган ахлоқлардан эмасман. Тумшуғини ерга шундай ишқайки...

Хўрланган хотин йиғлашга тушар, Тилав эса сўкина-сўкина чи-
қиб кетарди...

— Мана, арзандангиз! — хонага ўғлини етаклаб кирган хотини-
нинг кесатиғи ширакайф Тилавнинг хаёлларини учуриб юборди.

— Нега сўкасан ўғлимни? — Ўрнидан ирғиб турди Тилав, — Ҳе.
қишлоқи! Бор коса-товоғингга!

Тилав уст-боши чангга ботган ўғлини маҳкам кучоқлаб, юз-кўзла-
ридан ўпди.

— Ўзимнинг ў-ўғлим, Ёдгорим — жаҳоним! Қани, ота, қаерда
эдингиз?

— Фарҳодланикида!

— Фарҳодларникида?! Нима қилдингиз у ерда?

— Ўйнадик.

— Нега бошқа болалар билан ўйнамайсиз? А, ота ўғил?!

— Фарҳод мани жўлам, — лабларини ялаб, бармогини бигиз қилиб,
жавоб қайтарди бола. — магазинга ҳам билга болдик.

— Магазинга?!

— Ҳа.

— Нима олдингиз у ердан?

— Пичина!

— Пулни ким берди, а, ота ўғил? Фарҳоднинг ладаси бердими ё?

— Йўқ, мана бу сандиқчадан олдим.

— Сандиқчадан? Қ-қайси сандиқчадан? — кўзлари хонасидан чи-
қиб кетаёзди Тилавнинг.

— Мана бундан, — деди бола шкаф эшигини очиб, кичкинагина
нақшланган сандиқчани олиб кўрсатаркан.

Тилав Темиронич болани итариб ташлаб, ўлжасига ташланган калхатдай ўзини сандиқча устига отди. Уни телбалардек, қалтираб-қалтираб очди. Ҳайҳотки, унинг ичида хотинининг қимматбахо тақинчоқларидан бошқа ҳеч вақо йўқ эди.

— Дод, уйим куйди, дод. — Қўлларини бошига уриб, бақира бошлади Тилав.

— Нима гап, дадаси, нима куйди? — даҳшатли бақирикдан қаттиқ кўрққан Шамсияхон югуриб уйга кирди.

— Уйим куйди, уйим, манжалақи! — ранг-рўйи оқариб, кўзлари хонасидан чиққан Тилав хотинига айиқдай ташланиб, қорни аралаш тепди. Кўрққанидан стол остига кирган ўғлини тортиб чиқариб, икки-уч шапалоқ туширди.

— Ўғлинг, танга деб тиллоларни магазинга элтипти-ку. Сан қайси гўрда эдинг, ҳой ҳароми? — дея хотинининг сочларини ўраб, ура бошлади. Ёдгор бўлмаи, жонгинанг узилсин, итвачча! Уйим куйди, уйим...

Шовқинни эшитган кўшнилари, йўловчилар бирпасда ҳовлига тўпланишди. Ҳамма ҳайратда. Эс-хушини йўқотган Тилав тинимсиз сўкинар, алланима дея вайсаб, хотинини дўппосларди. У тўпланганларни кўргач, шиддат билан кўчага отилди, одамлар воқеа нимадалигини ҳали англаб етмасданоқ, яна изига қайтиб келди. Унинг қўлида узун сопли пичоқ, кўзлари олов мисол ёнарди.

— Уйим куйди, ҳой, манжалақи! Магазин мудирини олганим йўқ деди, эшитяпсанми, ит қизи. Хонавайрон қилдинглар мени, — дея хотинига яқинлашди кўзлари қонга тўлган Тилав. Қани, менинг тиллоларим, қани? Агар топмасанг, сени ҳам, ўғлингни ҳам, гоғангни ҳам ўлдираман! Ҳаммангни ўлдираман!!!

Биров чинқириб юборди. Биров ўзини ташқарига урди.

— Вой ўлай, ёрдам беринглар, хотинини ўлдириб қўяди-я! — қичқирди кимдир.

Орқадан етиб келган Замоний чаққонлик билан Тилавнинг қўлига телиб юборди. Пичоқ супанинг четига бориб тушди. Кейин уни ерга босиб, қўллари орақасига қайирди.

— Ўйламай еган оғримай ўлади, номард, — деди Замоний нафрат билан. — Хотин кишига пичоқ кўтарган эркак эркакми, ҳезалак? Ҳайф сенга йигитлик. Тур ўрнингдан, кўп қалтирама, мана ўша зормандаларинг. Ўғлинг ўйнаб юрган экан...

— Н-н-нима дедингиз? Қ-қ-қани тиллоларим?

— Мана, деяпман-ку сенга. — Ҳовучидагиларни Тилавнинг олди-га сочиб юборди Замоний. — дурустроқ, қурт тушмайдиган жойга яшириб қўй, ҳе, ўлимтик!!!

Ялангбош, ялангоёқ Тилав ҳовлидагиларнинг бирин-кетин тарқалганини сезмади. Шу топда унинг қулоғига ҳеч нарса кирмасди. У сочилган тиллоларни телбанамо бир алпозда чангаллаб терар, пуф-пуфлаб кўкракларига суртганча олазарак бўлиб, кўйнига яширарди...

11. ЁН БЕШ КУНЛИКДАН ҚОЛГАН ХОДИМ...

Анчадан бери таҳририятга кирмаган Замонийни эски таниши — тундроқ ходим нохуш қарши олди.

— Ҳа, биродари азиз, рангинг ўчиб, сувга тушган чумчуқдай дийдираяпсан. нима бўлди? — деди Замоний.

— Кўйсанг-чи ҳазилингни. — Ўрнидан туриб кетди ходим, — Мен нима гамда-ю... Ахир, биласанми, ён беш кунликдан қолиб кетдим-а?

— Нимадан? — таажжубланиб сўради Замоний.

— Ён беш кунликдан деяпман-ку. Муҳаррир ҳам шунақа номард бўладими? Факти кам, деб мақоламни охириг сондан қолдирибди. Мана энди қалам ҳақи йўқ. Бу ёқда эса, бир тўрва бола-чақа...

— Э-ҳа, гап бу ёқда де. Ўша шалдир-шулдир мақолангни сал олдинроқ ёзсанг бўлмасмиди?

— Отпускадан кеча қайтдим-да, йўқса ён беш кунликдан қоладиган ахлоқ бормиди, — деди ходим афтини бужмайтириб.

— Ҳай, ҳай, қийин бўпти, азоб бўпти сен бечорага. Янаги ён беш кунгача қандай яшайсан? Тагин гам чекавериб, ўлиб-нетиб юрмагин. Ахир отангдан ён беш кунлик, онангдан ён беш ойлик қолган боласан. Бугун эса яна ён беш кунликдан қуруқ қолиб, етимчалай ўлтирибсан. Дод, муҳаррирнинг дастидан.

— Ҳой, ҳой, нималар деб валдираяпсан? Отам ҳам, онам ҳам тирик-ку, қанақасига етимчаман, — дея эсхонаси чиқди ходимнинг.

Замоний қаҳ-қаҳ отиб, хона эшигини орқасидан бекитди.

12. ЧОЙ ПУЛИ ШОИР

Даврон Замоний хотинининг қистони билан катта қизига тугилган кунда олтин зирак совға қилмоқчи бўлди. У пештоқига “Ювелирное” деб ёзилган магазин эшигидан истар-истамас ичкарига кирди. Бахтига одам сийрак экан.

— Ие, ие, домла. кираркансиз-да бизнинг ҳам кулбайи вайрона-

мизга. Қани, қани, келсинлар, ассалому алайкум, хуш кўрдик, домлажон.

Таажжубланган Замоний синчиклаб қараса, бундан уч-турт йил олдин ўзи бошқарадиган тўғарақда қатнашиб юрадиган туташ қошли, бежиримгина кийиниб юрадиган, япасқи ҳаваскор.

— Ҳормасинлар энди, шоир, — деди у япасқининг қўпол қафтларидан қўлини зўрга бўшатиб, — нега бу обод жой кулбаи вайронага айланибди десам, ўзларининг пойқадамлари теккан экан-да.

— Ҳа, энди домлажон, тақдир-насиба экан, холамизга ёрдамлашиб юрибмиз.

— Ях-яхши, демак холайизга ёрдамчисиз?

— Шундай, шундай!

— Хуш, ижодлар қалай, ёзаяпсизми ҳалиям?

— Ёзаяпмиз-у, домлажон, — чайналди япасқи бесўнақай қошларини тугунча қилиб, — акт, фактура, ведомость, кирим-чиқим дегандай, ишқилиб ёзаяпмиз-у, кам. Кейин, домлажон, ўзингиз биласиз, шеърнинг пулига Ҳиндистон филини берармиди ё қафтнинг қичиги қолармиди? Ҳар қалай, чой пулимиз топилиб турибди, домлажон, ганараримиз...

Кутилмаган жавобдан лабига учуқ тошгудай бўлган Замоний ёш бўлишига қарамай ёстиқдай қорин қўйган бу безбетга ҳайрат билан тикилди:

— Қичиғингизни энди билдим, ука. Бу илҳом деган қурғурни пештахтанинг остидан изларкансиз-да! Э, яшанг-е, чой пули шоир...

1982 — 86 й.



13. ЖОНУ ЖИГАРЛАР ЁХУД ҲАСАДГҶЙНИНГ ҶЛИМИ

(1 парда 1 кўринишли сахна)

Иштирок этувчилар:

Соқича — 40 ёшдан сал ошган (лақаби “Ҳасад”).

Қурумсоқ — 50 ёшлар атрофида, (номига “иғво” сўзини кўшиб айтиш шарт).

Мирпўтти — 35-36 ёшларда (узи яхши одам бўлган. Ҳар икки нокасга кўшилган учун “Тухмат” лақабини олган).

Бола Араз — 12-13 ёшларда (ҚУРУМСОҚ иғвонинг ўғли, “Юмалоқ хат”ларни кўчириб бергувчи шогирдпеша).

(Воқеа шу кунларда бўлиб ўтган).

Қадимий услубда қурилган, равоқли, ойнаванд, кенг, серҳашам хона. Атрофдаги тоқчаларга чанг босган эски китоблар, турли хил чинчиворлар тебриб қўйилган. Уй тўридан жой олган икки равоқдаги мис кўзалар, офтабалар, хитойи гулдонлар хонага чирой бериб турибди. Хона ўртасида хонтахта. Гирдига адрас кўрпачалар ёзилди, лўлаболлишга ёнбошлаган СОҚИЧА ҳасаднинг қўлида пахта гулли пиёла. У хаёл оғушида чой сипқоради, дамбадам йўталлади. Ҳар замон қоматини ростлаб, хонтахта устига энгашади. Қора қаламининг учини яккам-дуккам тукли энсиз манглишига “эговлаб”, пичирлаганча бир нималар ёза бошлайди. Асабийлашади, ёзгани маъқул тушмайди шекилли, ўчиради, тоғин киртайган кўзларини шуурсиз юмиб, лўлаболлишга аста ёнбошлайди. Шу тахлитда анчагача хаёлга толади. Бир ордан сўнг ўридан шиддат билан кўзгалади. Қоғоз-қаламини хонтахта устидан олиб, бурмакдаги столга бориб ўтиради. Апиш-тапиш бир нималар ёзиб-чизадди. Сўнг жилмакди, керишади. Қора рангли телефон гўшагини кўтарганча рақам териди.

С о қ и ч а: Алло, Қурумсоқ акамнинг уйларими бу? Ие, сенми-сан, Аразбой? Нега бунча овозинг хириллаб қопти? Нима-нима? Музқаймоқ егандинг? Зормандадан озроқ есанг бўлмасмиди? Хўш, катта шаҳарда нима қилардинг? А-ҳа, дадалари тоғангиз билан “командировка” қилувдиларми? (*гўшагини қўли билан тўсиб, ўзича*) — Қойил Қурумсоқ иғво, яна бир шўринг қурғур устидан битган “юмалоқ хат”ингни шогирдпешангдан ташлаттириб кепсан-да). Ҳой, менга қара, Аразбой, ҳечқиси йўқ. Томоғингни тузалгиси келса, ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетасан, ҳа, шундай! Хўш, бу даданг қерда?...

Нариги хонада дейсанми? Бир чақириб юбормайсанми, ота ўғил. Ҳа, шундоқ бўлсин. Соқивой амакимни зарил гаплари бор экан дегин. Хўп, борақол, мен кутаман. Трубкани қўйиб қўймагин тагин. *(Кутади. Ғўшакни қўлигидан узмаган ҳолда столдаги қоғозни қўлига олади. Мийшида қулиб сўзлайди)*. Мана энди Даврон Замонийнинг ҳолига маймунлар йиғлайди. Ҳа, ҳа, йиғламаса, йиғлатаман. Тоис, йиғлатамиз. То бу далилларни йиққунимча она сутим оғзимга келди. Кимларга хушонад қилмадим, кимларни аврамадим. Мирпўтти фитна қолмади, Шайдулло лаққи қолмади. Ҳазрат тухматнинг ўзи ким-у, роса уч ой топонини ялагудай ялиндим. Ҳе, бу одамлар қизиқ экан. Қўрқамиз дейди, қўлга тушсак, расвои жаҳон бўламиз, дейди. Ҳой, кўкрагингда ёлинг борми, йигитмисан ўзи? Бу хатда имзойнинг бўлмаса, тагин уни ўз қўлинг билан ёзмасанг, нимасидан қўрқасан? Ҳозир ур-йиқит пайти бўлса, битта Замоний қуласа, нима қипти? Ахир кимлар қуламади, не-не казо-казолар қалламуаллақ бўлмастир? Аммо бу Замоний деганининг илдизи бунча мустаҳкам бўлмаса? Қанча тош отдим, ўзим панада туриб, бировлар қўли билан тебраттирдим, қилт этмади-я! Лекин эгилди, манави хатдан сўнг баттарроқ эгилади, ранглари заъфарон бўлади... Ҳа, ҳа, менинг бу галги наштарим чуқурроқ санчилади, жигарларини тилади, бағрини қон қилади... *(Соқичанинг қоғоз тутган қўллари бештиёр қалтирайди, ўзини бир дам унутади. Ғўшак қўлидан тушиб кетади. Алланарсидан чўчиб, бирдан ҳушёрланади. Тезда ғўшакни олиб, қўлига тутади)*.

Б о л а р а з н и н г о в о з и: Алло, алло, ҳасад амаки, кармисиз, ботилмисиз? Эшитяпсизми? Нега жавоб бермайсиз?

С о қ и ч а: *(ўзича)*. Араз бўлмай кетгин, мараз. *(Ғўшакка)* Мени нега ҳасад амаки дейсан, тирронча. Соқивой амакингман-ку! Эсинг жойидами ўзи?

Б о л а р а з: Кечирасиз, амаки. Сизни отам доим “ҳасад” деб чақирадилар-ку? Нима, “ҳасад” ёмон сўзми?

С о қ и ч а: *(чайналиб)*. Ёмонмас-у, аммо-лекин сен айтмагин бу сўзни, хўнми? Сенга ярашмайди. Хўш, менга қара, зумраша. ҚУРУМ-СОҚ иғво бор эканми уйда? Нега талмовсираяпсан, дадангни айта-япман.

Б о л а р а з: Ис, бу не деганингиз, амаки? Дадамнинг исмлари қачондан бери ўзгарган?

С о қ и ч а: Минг йилдан бери, агар билсанг. Аммо бунга ақинг етмайди. Ҳа-ҳа, етмайди. Катта бўлсанг тушунасан бунақа гапларга. Сен яхшиси, менга жавоб бер: даданг келадими ё йўқми телефонга?

Б о л а р а з: Дадам боягина чиқиб кетган эканлар, ҳасад амаки. Нима деб қўйя у кишига?

С о қ и ч а: Бало дегин, дард дегин!.. Ұхшатмаса учратмас экан-да. Тавба! Ҳой, тирронча, менинг ўз исмим бор-а!.. Ё отангдай сенинг ҳам тилингга... *(шу пайт эшикдан гўшти устихонига, устихони гўштига ёпишган, ирkit кўзлари ич-ичига ботган, манглайида тўриптагина тиканак ўсган, бамисоли калтакесакка ўхшаш Қурумсоқ иғво бошини сарак-сарак қилганча кириб келади).*

Қ у р у м с о қ: Сўкинманг, шогирди азиз, зинҳор сўкинманг. Болага баробар бўлсангиз, обрўдан ажраласиз. Тагин бизнинг пушти камаримиздан бўлган соҳибқирон билан олишмоққа йўл бўлсин ўзларига. Шундоққина кўчадан ҳам овозингиз эшитилиб турибди. Яхшимас бу корингиз. Уйнинг гапини кўчага чиқармайдилар, ахир. Қалай, саломатмилар? Ҳормасинлар энди, донойи замон, ҳасади калон!

С о қ и ч а: Иллатнинг нақ боши сиз-да, иғво ака. Шу зумрашангиз билмай қолса нима бўларди лақабимизни?

Қ у р у м с о қ: Жуда қизиқсиз-да, Соқиддин. Сизнинг ҳам, менинг ҳам “юмалоқ хат”ларимизни шу болакай оқизмай-томизмай кўчириб бераётган булса, бир кунмас-бир кун билади-да кимлигимизни. Унинг қулоғи ҳозирдан пишгани яхши-да, ҳасадбой.

С о қ и ч а: Пихини ёргансиз-да, иғво ака. Шайтон келиб, сабоқ ўрганса арзийди сиздан.

Қ у р у м с о қ: Шайтонни қўя туригиз, мулло, ҳозирча ўзлари ҳам етиб ортадилар. Хўш, гайсрми битиклар? Мирпўтти тухмаг, Шайдулло лаққи. Ҳазрат фитнадан олган далилларни киритдингизми?

С о қ и ч а: Барчасини, тақсир, барчасини. Оқизмай-томизмай шундай жойига қўйиб ёздимки, ўқисангиз қойил қоласиз. Мана энди Замонийнинг аҳволи ёмоний, кўрган куни зиндоний, кечмиши фиғоний бўлиши турган гап. *(Завқланиб кулади).*

Қ у р у м с о қ: *(ҳиринглайди).* Шоир бўп кетинг-е, мулло! Сизни шогирдликка бекорга танламаганман-да! Аслида устоздан ўзмаган шогирд шогирд эмас. Мен ҳам сиздайлигимда не-не устомонлардан сабоқ ўрганган эдим. Хусусан, шаҳри Шайхантавурда юганимда машҳур Қоровой гараз, Қилтириқ махсумларнинг қўлини ўпдим. Лозим келганида, уларнинг стагини кўзимга суртиб, товонларини ялаб-юлқацим. Ҳа, ишонинг бунга, мулло. Қарабсизки, кўп ўтмай Қурумсоқ иғво деган ном билан шуҳрат қозондим. Ҳе, нимасини айтасиз, Соқивой, менинг хуфя “пома”ларим кимларни қон қақшатиб, кимларни чилпарчин қилмади. Бировлар оиласидан, бировлар эса хонумонидан ажралди. Гоҳ ошқора, гоҳо зимдан тиг қайрардик. Кўксини чапгаллаб, у дунёга жўнаганлар қанча, инфаркт бўлганларнинг са-

ногини ўзим ҳам билмайман. Яширин имзолар билан газиту журналарга нильстонлар ҳам бостирганман. Ҳа, энди ёзгандан кейин қулатиш керакми, керак! Тўғри қулайдими, эгри қулайдими, бунинг нима аҳамияти бор? Бизу сизнинг мақсадимиз белидан чопишми — чопиш! Юмалатишми — юмалатиш! Жони узилса-ку, дуруст. Қайта у билан олишиб юрмайсан киши. Шундай эмасми, мулло?

С о қ и ч а: Қойилман сизга, тақсир! Бунақа фалсафани икки дунёдаям эшитмаганман. Ноқаут қилишнинг роса рафторини олгансиз, устозингизга балли-е! Туғрисини айтсам, акамулло, сизга ҳавас қиламан. Ҳеч нимадан тап тортмайсиз. Ёзганларингиз нукул нишонга тегади. Нишонга тегмасаям, бир тебратиб қўяди-да. Нима бало, касбингизнинг бирор сири бормикан-а? Мана шу “юмалоқ”ни қоралагунимча печа марта қора терга ботдим.

Қ у р у м с о қ: Обдан пишмагансиз-да, мулло. Қачонки ҳасад қобиғидан чиқиб, мендай тамомила иғво йўлига ўтсангиз, қўлингиз қалтирамайдиган бўлади. Аввало, бировни нишонга уриш учун уни тиш остига олиб юриш керак. Лозим бўлса, унга яқинлашинг, кўнглини топинг, ишқилиб, сир-асрорини ўрганинг. Сизга тажрибамдан битта воқсани гапириб берайми?

С о қ и ч а: Албатта, тақсир, қулоғим сизда!

Қ у р у м с о қ: Ижроқўмнинг эски раиси бор эди-ку, Фойдаев дегани. Шу одамнинг ишдан кетганига бир йилча бўлди-ёв. Қарасам, ҳеч нимани кўрмагандай бемалол юрибди. Тўхта, баччағар, сенинг ҳам жойинг фалон ерда. Айшингни сурганинг стар, дедим. Шартта ёздим мана бундай деб: “Ўртоқ милиция бошлиғи! Шуни сизга маълум қиламанки, Фойдаев ўтган кечаси бир дипломат олтин пуллари, гиламлари ва бошқа бойликларини Янгиқўрғондаги қариндоши Тошматовнинг уйига олиб келиб, яшириб қўйди. Тўсатдан келиб боссаларинг, иш силлиққина битади. Фақат менинг ёзганимни ҳеч ким билмасин. Янгиқўрғонлик Мустоқол”.

Хатни Аразбойга ёздириб, милиция яқинидаги почта қутисига келтириб ташладим. Икки кундан сўнг Янгиқўрғонга бориб, бир ошнамникида ҳеч нима билмагандай бўлиб ўтирдим. Кечаси тўстўполол бошланди. Тошматовнинг ҳовлисини ОБХСчилар илма-тепник қилиб юборишди. Ҳеч нима топишолмагач, Фойдаев билан Тошматовни районга, Тошматовнинг ҳушдан ажралган хотинини касалхонага олиб кетишди.

С о қ и ч а: Кейин-чи, кейин нима бўлди?

Қ у р у м с о қ: Нима бўларди, Фойдаев билан Тошматовни қамаб қўйишди. Бойлигингни топиб берасан деб роса чигириқдан

ўтказишган шекилли, иккаласи ҳам капчёни бўлиб қопти. Яқинда кўрдим.

С о қ и ч а: Бекорга жабр қилибсиз-да, бечораларга.

Қ у р у м с о қ: Ҳеч-да, Соқивой! Бу Фойдаев деганингизни миллионлаб пули бор. Қанча уй-жойларни, енгил машиналарни пуллаганини роса билиб олганман.

С о қ и ч а: Мана, ҳеч нарса чиқмабди-ку! Балки лоф қилаётган-дирсиз?...

Қ у р у м с о қ: Ҳозир чиқмаган бўлса, кейинроқ чиқар. “Қора рўйхат”га илиндими, ишқилиб. Менга ана шуниси керак. Ўзини-ўзи еб юраверади. Кейин, аввалдан аламим бор эди Фойдасвда. “Қайн укамни шофёрликка олиб, янги машина бериб қўйинг” деганимда, унамаганди. Орқасидан тушиб, пайт пойлаб юргандим, мулло.

С о қ и ч а: Унда, тўғри қилибсиз, акамулло. Бизларни тан олмаганларнинг жазоси шу!

Қ у р у м с о қ: Хў-ўш, акнун муддаога кўчайлик. Қани, битганларингизни бир бошдан ўқинг-чи, камомади бўлса, айтиб турамен, тўлдирасиз.

С о қ и ч а: Жоним билан! *(Иигичка овозда чўзиб йўталади. Аввало чой кўйиб, ўзи ичади, кейин Қурумсоққа пиёлани узатади, яна йўталиб, ўқишга тутинади).* Мана, тигиланг: “Давримизнинг атоқли раҳбари, кўп хурматли, Калонхон Калонович! Сизга ушбу арзномани Даврон Замоний бошлиқ бўлган идоранинг бир группа ходимлари ёзаётир. Муродимиз шулки, биз ёзаётган масалага шахсан ўзингиз аралашмасангиз, шахримиз раҳбарларининг қўлидан бир иш келиши даргумон. Нега деганда, Замонийнинг орқа суянчиқлари пойтахтгача ишлашади.

Қ у р у м с о қ: Тўхтаг, мулло, тўхтаг! Яхши бошлабсиз-у, ammo “пойтахтгача” калимасидан олдин “вилоят ҳамда” сўзларини кўшинг, ишончлироқ бўлади. Обкомда бир райондоши бор-ку. Шоюсупов деган, ўшайм суянчиғи унинг.

С о қ и ч а: Жула ҳушёрсиз-да, акамулло. Ҳар ерлан хабарингиз бор. Хўп, мана, кўпдик *(қонюзга бир нималар ёзади).*

Қ у р у м с о қ: Хў-ўш, давом этинг-чи.

С о қ и ч а: “Инчунин, қанча-қанча раҳбарлар бўшалиб кетса ҳам, бу одам ҳамон ўз вазифасида ишлаб келаётир. Ваҳоланки, Замоний бош бўлган идорада кўз кўриб, кулоқ эшитмаган воқеалар содир бўлаётир. Аввало, Замоний ўз атрофига қариндош-уруғлари, ҳамқишлоқларини тўплаган. Унинг ўзи меҳнат қонунларини бузиб келмоқда. Жумладан, Шоди Шокиров, Дилкаш Муродов деган ходимлари икки-уч жойда ишлаб, ярим маошларини бошлиққа чўзиб

туришади. Командировка учун тўланадиган тегишли ҳақнинг деярли саксон фоизини Замоний ўз шофери билан ўзлаштириб келаётир.

Калонхон Калонович! Бу ёзганларимиз ҳали ҳолва. Даҳшатлисини айтсак, халқимизга кўп жафолар келтирган, бугун эса панжара ортида ётган Аюбхон Абдиевич билан Замонийнинг яқин муносабати бор эди. Замоний унинг кабинетига тўғридан-тўғри кириб чиқар эди. Кўшимчасига Аюбхон Абдиевичнинг докладларини, матбуотда ёритилган мақолаларини шу одам тайёрлаб берарди. Шу туфайли Аюбхон Абдиевич Замонийга ҳатто шахсий машина совға қилган эди.

Қ у р у м с о қ: Ана бу бошқа гап, Соқивой. “Тишлайдиган” жойини топибсиз-ку?

С о қ и ч а: Топамиз-да, тақсир! Буёғини эшитинг, қулоғи энди чиқади. Лойни елим билан қориштириб, юзларига шунақа чапландимки, сангтарош қирса ҳам кўзғатолмайди.

Қ у р у м с о қ: Қани, қани, қулоғим сизда.

С о қ и ч а: (*йўтали хуруж қилади, хириллаб нафаси тиқилгудек бўлади, тамшанади*). Бу кургур йўтал ҳам қолмади-қолмади-да.

Қ у р у м с о қ: Соқивой, бу... ўпкадан қолмаптими дейман. Кўзларингиз хонасидан чиқай-чиқай дейди-я! Худо ўзи асрасин, бундоқ, даволанишни ҳам ўйланг.

С о қ и ч а: Албатта, албатта, акамулло. Мана шу бошлаган ишимиз охирига етиб, Замоний қулаган куни отдай бўлиб кетаман. Бунга имонингиз комил бўлсин.

Қ у р у м с о қ: Наҳотки, бу илма-тешик ўпкангизнинг тузалиши Замонийнинг “тахт”дан қулашига боғлиқ бўлса, мулло?

С о қ и ч а: Боғлиқ-да, акамулло. Шу одам тик юрар экан, менга ҳам, сизга ҳам ўрин йўқ бу ерларда. Ахир унинг обрўси кун сайин ошиб бораётир. Яқинда обкомга аъзо бўлди у нокас. Эрта-индин яна юқориқ лавозимга кўтарилиши турган гап. Ана унда қийин бўлади сизу менга. Унинг ҳамма гапдан хабари бор экан. “Менинг ортимдан кимлар бўхтон хатлари ёзиб юрганини аниқ биламан” дебди у.

Қ у р у м с о қ: Хўш- хўш-ш, кимга айтибди?

С о қ и ч а: Мирпутти тухматга! Ўтган куни кабинетига чақириб, рўйи рост шундай дебди.

Қ у р у м с о қ: Шунақа денг? Шайдулло лаққи тагин сотиб қўйган бўлса-я? У аблаҳ боланинг деворчаси пастроқ. Тунов куни ишимни ўзгартираман деб юрганди. Замоний унга ёғлироқ вазифани ваъда қилган бўлса, ўзини садоқатли кўрсатиш учун оғзидан гуллаган-қўйган-да!

С о қ и ч а: Эҳтимолдан холи эмас. Ифво ака, тоис, акамулло, бу

боланинг эртагаёқ оғзини пойлаш керак. Йўқ, яхшиси, устидан ёзамиз. Унинг ҳам қишғир ишлари анча-мунча.

Қ у р у м с о қ: Ичимсиз-да, Соқивой ҳасад, ичимсиз. Ўз гуштангни йўқотишнинг осон йўли шу. Устидан ёздингми, тамом, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Қарабсизки, то қаддини ростлаб олгунча, бизнинг режаларимиз амалга ошади. Ана ўшанда у сотқин бола билан бошқачасига гаплашаверамиз.

С о қ и ч а: Пир бўлиб кетинг-е, акамулло. Ҳатто Яго ҳам бундай мулоҳаза қилолмаса керак. Қари билганни пари билмайди, деганларича бор. Қойил!

Қ у р у м с о қ: Кўпам қари эмасман, Соқивой. Бунинг ҳаммаси тажрибадан. Ҳа, энди неча йиллардан бери ошигимиз олчи. Сиз ҳам анойилардан эмассиз, мулло, тулкининг насибасини оғзидан юлиб оладиган бўлгансиз.

С о қ и ч а: Ўзлари устоз бўлгач, чиниқаверамиз-да, акамулло.

Қ у р у м с о қ: Бўлди, кўп эзилманг. Қани, қолган жойидан давом этинг.

С о қ и ч а: Хўп, хўп, устоз, хафа бўлманг, омади гапни айтдим-да. *(Совиган чойдан ҳўллайди, нўталади, ўқишда давом этади)* “Булардан ташқари Замоний маиший жиҳатдан ўта бузуқ одам. У котибаси Мусалламхон билан кўпдан бери дон олишиб юради”.

Қ у р у м с о қ: Иби, иби, буниси қандоқ бўлди? Мусалламхон унинг идорасидан кетганига уч-тўрт йил бўлган, шекилли.

С о қ и ч а: Нима фарқ қилди, акамулло? Шу одамни бадном қилишимиз керакми, керак! Мусалламхоннинг унинг қўлида ишлагани ростми, рост! Раз шундай экан, бунинг нимаси ёлғон? Ҳозир ҳам ўйнаши экан деб ўйлашади. Ё нотўғрими?

Қ у р у м с о қ: Ҳар қалай... Ҳа, майли, кетаверсин. Чиқмаган жондан умид дейдилар. Гумонроқ бўлса ҳамки, битта айб-да шуям. Қани, бу ёгини эшитайлик, давом этинг.

С о қ и ч а: *(яна қотозга тикилади).* “Энг аянчлиси шундаки, Замоний сиёсий жиҳатдан душман шахс. Ҳурматли Калонхон Калонович! У сизнинг ва бошқа ҳукумат одамлари шаънига нолойиқ сўзларни гапириб юради. Гуё сиз... *(Шу пайт ҳовлида Мирпўтти тўхмат пайдо бўлади).*”

Қ у р у м с о қ: *(секин).* Бу аблаҳни сиз чақирганмидингиз?

С о қ и ч а: Йўқ, йўқ, айтилмаган жойда ҳам итдек пайдо бўлаверади бу ярамас. Нимаям қиламиз, майли, эшитсин. Фаолиятимиздан хабари бор бунинг ҳам.

М и р п ў т т и т у ҳ м а т: Ёппасига салом, коллегалар! *(Ухонага кира солиб, ҳамтовоқлари билан бир-бир кўришади, стулга бемулозамат*

ўтиради). Биз ҳам тинглайлик “савту наво”ларингизни. Қани, авжи баландми, пастми?

Қ у р у м с о қ: Доим гапнинг белига тепиб юрасан, тухмат! Нима бало, пойлаб келдингми? Қани ошга пашша бўлмай ўтир-чи, дардинг бўлса, кейин айтарсан. Хўш-ш. давом этинг, Соқивой. Ўзиям роса чўздингиз-да!

С о қ и ч а: Бир абзацгина қолли, акамулло. Финали, тоис, кульминацияси! *(Йўталиб ўқий бошлайди)* Гўё сиз халқимизнинг ападдий душмани экансиз, сизни саноқсиз ва миллатчи дейди бу нокас. Аслини олганда, Замонийнинг ўзи шунақа. У партиямизни алдаб, КПСС Устави талабларини қупол равишда бузиб юрибди. Жуда катта маош олса ҳам, партия взносларини тўлиқ тўламайди. Буни жиддий текширсалар, унинг бутун сир-асрори маълум бўлади-қолади. Калонхон Калонович! Айтинг-чи, ўта маҳаллийчи, маиший жиҳатдан бузуқ, сиёсий гўр, Аюбхон Абдиевичдай халқнинг душмани билан яқин муносабатда бўлган кимса шундай масъул илорада ишлашга лойиқмикан? Албатта, йўқ! Бундай кишини орадан тез кўтариб ташлаттирмасангиз, биз Мўрказгача ёзишга мажбур бўламиз.

Сиздан мадад кутиб, бир группа ходимлар...”

(Соқича ҳасад қоғизни буклаб, алашимадан ҳадиксирайдандай Қурумсоқ итвога юзланади). Энди, акамулло, бир маслаҳат... Ўзингга эҳтиёт бўл, деган гап ҳам бор. Агар рози бўлсангиз, шу номани ўрисчага ағдарсак.

Қ у р у м с о қ: Ким ағдаради? Ишончли таржимон борми?

С о қ и ч а: Бор! Бир чалаўрис заифа билан яқиндан танишдим. У бурноғи йили Замонийнинг идорасига ишга кирмоқчи бўлганида рад жавоби олган экан. Шунини бировдан эшитган эдим. Суриштирсам, рост деди. Заифанинг аламларини кўзгадим. Ўзиям жуда шайланиб юрган экан. Ёзганини олиб кел, кўксини тепадиган қилиб бераман, дейди. Қалай, мақбулми?

Қ у р у м с о қ: Қалай эмас, олтин! Роса қотирибсиз. Зўрсиз-да, Соқивой. Таржимани бугундан кечиктирманг. Мана энди Замоний асфаласофилинга кетади. Насиб бўлса, эртага кечқурун Шайхантавурга учаман. Хатни ўша ерда машинкалатиб, ўз қулим билан элтиб ташлайман. Яна бир ҳафтадан сўнг томонга бошланади. Бир ёқда парткомиссия, бир ёқда халқ контроли, терговчиларни айтмайсизми? (Тантанали оҳангда). Хуллас, эй Даврон Замоний, тайёргарлигингни кўр, сенинг ҳам қулайдиган замонинг келди. Агар ошна-оғайниларишни ишга солиб, курсингга ўтириб олсам, манови жи-гарларимни ҳам (Соқича билан Мирпўттинни кўрсатади) қаватимга

оламан. Ҳа, ҳа, сенларни ўринбосарларим қилиб тайинлайман. Давру даврон бизники бўлади.

(Буларнинг хитти-ҳаракатларини жимгина кузатиб ўтирган Мирпутти тухмат бошини сарак-сарак қилади, истеҳзоли кулади. Кейин чуқур нафас олиб, ўрнидан қўзғилади).

М и р п ў т т и: Ҳеч нима бўлмайди, жону жигарлар, кечикдиларинг, тўгриси, кечикдик.

С о қ и ч а: Нима, н-нима? К-кечикдик?

Қ у р у м с о қ: Қ-қанақасига кечикдик? О-о-очикроқ с-сўзла!

М и р п ў т т и: Кечикканимиз шундаки, кеча Даврон Замонийни пойтахтга чақиринган экан.

С о қ и ч а: Қ у р у м с о қ: (иккаласи бараварига). Н-нимага чақиринишади?

М и р п ў т т и: Чақиргилари келгач, чақиринган-да! Бизга маслаҳат қилишармиди? Уни ишга таклиф қилишибди, министрликка!

Қ у р у м с о қ: А?

М и р п ў т т и: Ҳа, ҳа, ишонинг. Министрликка! Бугун Замоний идорасидагилар билан хайрлашиб, пойтахтга қайта жўнаб кетибди.

С о қ и ч а: Энди бу хат н-нима бўлади?

М и р п ў т т и: Бурнингни арт бу хатинг билан, ўзим айтувдим-а, Замоний ҳшол, инсофли, диёнатли одам, ёзган билан фойда қилмайсизлар деб! Мени қўярла-қўймай давраларингга қўшдиларинг. Биримиз ҳасад, иккинчимиз иғво, яна биримиз тухмат бўлиб, бечоранинг пайини қирқмоқчи бўлдик, елгон-бўхтонлар гўқидик. Мана, оқибати. Ҳақиқат эгилса ҳам, синмайди, деганлари рост экан. Мен ҳаммасини тушундим. Хато қилган эканман. Бугундан бошлаб, сизлар мени, мен сизларни танимайман. Баттар бўлинглар! *(Хонадан чиқади).*

Қ у р у м с о қ: Т-тўхта, ҳой номард, қаёққа қочасан?

С о қ и ч а: Қ-қаёққа қоч-қоч.. *(Нафаси бўғилади. Кейин аянчли йўтала бошлайди. Ранглари кўкаради, кўзлари бақрайганча томоғини икки қўллаб тутиб, оғир кулади).*

Қ у р у м с о қ: *(Ҳайратдан бақрайди, талмовсирайди).* Соқ-соқивой, ҳасадилло, ҳасадим. Мен энди н-нима қиламан? Наҳотки, менинг ҳам куним битган бўлса? Дод, Замоний дастидан!.. *(бошини чангаллаб қолади).*

1987 йил, июль.

ДЕНОВ ҚИШЛОҒИ ҲАНГОМАЛАРИ

(туркум)

1. “МАН БОЙ — БУ ГАДОЙ...”

Гадоймурод қишлоқдаги сабзавот дўқонида мудирлик қилар экан. Бир куни дўсти Боймурод келиб, унга дарлини ёрибди:

— Журажон, бир арава сабзи-пиёзим бор. Сотмасам, ириб-чириб кетади. Йўқ дема, шуни Фиждувонга элтиб, пуллаб келайлик. Биласан, менинг савдо-сотикқа укувим йўқроқ. Чой пулингни дувайной қилиб тўлайман.

Гадоймурод у дебди, Боймурод бу дебди. хуллас, икковлон Фиждувонга йўл олишибди. Бахтга қарши, йўлда уларни миршаблар тўхта-тишибди.

— Хўш, — дебди бақалоқдан келган, пағонида бир тилимгина қизил ямоқли миршаб, — сабзининг ҳужжатини кўрсатинг-чи.

— Ҳужжат?... — дебди энсаси қотиброқ Гадоймурод. — Ҳужжат ана бу — Бой!

— Ким?!

— Ана у Бой деяпман-ку, — дея дўстини имлаб кўрсатибди яна Гадоймурод.

Миршаб аввалига Боймуродга, кейин Гадоймуродга ҳайратомуз тикилибди. Қараса, икковиям ўртаҳол, уст-бошлари юпун. Бой деганининг оёғида нимдош этик, эғнида шалвираган чопон. Миршаб бирданига ғазабга мишибди:

— Кўрсатиб қўяман сен олибсотарларга. Совет милиционерини мазах қиладиганнинг жойи — турма. Қани бошпуртларингни кўрсатинглар-чи.

— Бошпуртимиз йўқ, ўртоқ начайлик, — дебди Боймурод ялинганнамо. — Биз деҳқонмиз. Ортиқча сабзи-пиёзимизни бозорга элта-япмиз, холос.

— Кўп маҳмаданалик қилма, — бақирибди яна миршаб қўлига қоғоз-қалам олиб, — сани отинг нима?

— Бой! — дебди Боймурод.

— Сеники-чи?

— Гадой! — дебди Гадоймурод.

— А-ҳа. Шунақами ҳали. Совет замонасида бой йўқ, гадой ҳам йўқ, — дея газабга тушибди миршаб тутақиб. — энди сенлар билан начайликнинг ўзи гаплашади. Қани, олдинга туш, ҳайда аравангни!

Боймурод “укажон” дея, Гадоймурод “акажон” дея ялинсалар ҳам, миршаб эшитмаганга олибди. У мотоциклига миниб олдин-олдин, булар аравага тушиб, кейиндан йўлга тушибдилар.

— Сабзи-пиезинг бошингни есин, — дебди Гадоймурод маъюс, — энди онангни Учқўрғондан кўрасан.

— Жўражон, юракдан борми? — дебди Боймурод бежавотир. — Буларни катгасидан эмас, кичкинасидан қўрқ. Нима, бизни пишириб ермиди миршаббоши. Зўр бўлса, сабзимизни олади-да...

Гиждувонга етиб келишгач, бақалоқ миршаб уларни миршабхонага етаклаб олиб кирибди. Навбатчига нималарнидир тайинлаб, ўзи ён тарафдаги хонага йўналибди. Бироздан сўнг поғонида учта юлдузи бор, оқ сочли, басавлат бошлиқ уларни қабул қилибди.

— Хўш, бойу камбағаллар, аҳвол қалай? — дебди у бир сирни иллагандай.

— Аҳволимиз... кўриб турганингиздай, — елка қисибди Боймурод.

— Қаердансизлар?

— Денавдан. Шофирконни Денавидан.

— А-ҳа, демак Жилвондансизлар? Шунақами?

— Шунақа, ўртоқ начайлик!

— Отингиз нима?

— Бой!

Бошлиқ бирдан хохолабди. Кейин астойдил уқтирибди:

— Тўлиқ айтинг, исми-фамилиянгиз нима?

— Бо-й-й... Боймурод Шомуродов!

— Сизники-чи?

— Гадой-й... Гадоймурод Жўрамуродов!

— Гап бундоқ бўпти-да, жўралар. Исми шарифингизни тўлиқ айтганингизда бундай хафагарчиликка ўрин йўқ эди. Хўп, майли, энди омон бўлинглар. — бир-бир хайрлашибди бошлиқ улар билан. Кейин бақалоқ миршабга тайинлабди:

— Ўртоқ сержант, буларни бозорга элтиб, яхши жойга ўрнаштинг. Бирор киши хафа қилса, ўзингиз жавоб берасиз.

— Ест, ўртоқ начайлик!

Боймурод миршабхонадан чиқишда Гадоймуроднинг қулоғига шивирлабди:

— Гадой бўлмайд ўл... Сенга айтмабмидим, буларни каттасидан кўрқма деб...

Гадоймурод ҳам бўш келмабди:

— Бой бўлмайд илойим гадой бўл, сабзи-писзинг деб сал қолмаса, эшак-аравамдан ажралувдим-а...

2. “САБЗИ ПИШДИ...”

Гадоймуродга “памилдори” десангиз, “хўш-ше” дейди. Мабодо, “памилдори экасизми” деб сўрасангиз, “сабзи экамиз, сабзи” дейди жигибийрони чиқиб. Бунинг қизиқ тарихи бор, албатта...

Экин-тикин авж олган кунларнинг бирида Гадоймурод Боймуроднинг уйига келибди. Қараса, Боймурод томорқасига у-бу экиб юрибди.

— Ҳорма, Бой! Ўзи дейман, минг хил нарса экибсан-ов?

— Бор бул, Гадой! Экдим, жўра. Битта кам айтдинг. Бир минг бир хил нарса экдим.

— Сира паст тушмайсан-да. Саники доим битта юқори туради. Ўв, манга қара, памилдори ҳам экдингми?

— Бўлмаса-чи? Экдим, “Волгоградский” сортидан. Икки ойдан сўнг келавер. Санга ўхшаб, иритиб-чиритиб соғмайман. Бепул олиб кетаверсан.

— Кўп бодилик қилма, жўра. Сен ҳам пихини ёрган шайтонсан... Ке, куй, бир-биримизнинг сиримизни очмайлик. Бу “Волгоградский” ингни уругидан қолдими, йўқми?

— Бор, жўражон. Сенга атаб обқўйганман. Қанча керак?

— Уч сотихча ерни тайёрлаб қуйганман. Шунга яраша бер.

— Бўпти-ла, бизда уруғ дегани сероб, деҳқончилик ...

Боймурод шундай дея икки гугурт қутини тўлдириб, уруғ берибди. Гадоймурод уйига келиб, текин уругни ерга қадабди. Орадан кунлар ўтиб, майсалар бўй чўза бошлабди. Баъзилари гулга ҳам кирибди. Бир куни Рўзикул агроном унинг ҳовлисиغا кирибди. Қараса, экинлар авжида. Айниқса, “памилдори”. У ҳайратланиб тураркан, Гадоймурод уйдан чиқиб кела бошлабди.

— Гадой ака, — дебди Рўзикул мийиғида кулиб, — бу дейман, янгамиз қизил қалампирга бошқоронғи бўлганларми, шунча жойга экибсиз-а?!

— Нима, нима? Қалампир дейсанми? Кечирасан, бу “Волгог-

радский” сорт памилдори. Боймурод зўр деҳқон-ку. Уруғини ушандан олганман.

Рўзикул қийқириб кулибди.

— Боймурод сизни туширмаса, кимни туширарди, жиннивой? Бу нақ қизил қалампирнинг ўзи-ку!

— Шундай дегин. Вой, энағар Боймурод-а! Бир қутиси старли десамам. қўярда-қўймай, икки гугурт қутини тўлдириб берди-я уруғни. Яна “Волгоградский” деганига ўлайми? Вой, хунаса-я! Вой, занғар-а...

Гадоймурод жаҳлдан тушиб, қараса, Рўзикул қорнини ушлаганча ҳамон қийқириб куляпти.

— Укажон, — дебди у кулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмай, — менга қара, ман битта зиёфатга қарздор. Анави қўчқорни сўяман. Йўқ десанг, бузоқни. Мани шарманда қилма, шу гап шу ҳошида қолсин.

— Бўпти, Гадой ака. Сизнинг обрўйингиз бизга ҳам керак, — дебди Рўзикул кулганча тўй таклифномасини унинг қулига тутқазиб. Албатта, боринг лекин...

— Бораман, укажон, бел боғлаб хизмат қиламан...

Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас, унинг уйидаги телефон жиринглабди. Гадоймурод дастакни кўтариб, қулоғига тутибди:

— Гадой ака, памилдорингиз пишибди. Кутлуг бўлсин. Уч-тўрт кило керак эди. Борайинми?

— Сабзи пишди, ука! Сабзи... Саб-з-з...

Телефондан кимнингдир қийқириқ кулгиси эшитилибди ва “қийғ, қийғ” деган сўнгсиз овоз тарала бошлабди...

3. “ҚИЗИЛ ШОЛҒОМЧА”

Кунлар, ойлар ўтиб. “қизил қалампир” воқеаси хийла совиса ҳамки, Гадоймуроднинг эсидан сира чиқмаскан. Ҳар гал Боймуродни кўрганида “ҳа, саними, шошмай тур. Саниям пешонангга битта лақабни муҳрлатмасам, Гадой отимни бошқа қўяман” деб қўяркан ичида.

Ҳап-пап дегунча янаги баҳор келиб, экин-тикинлар бошланибди. Қишлоқда яккаю ягона эмасми, Гадоймуроднинг дўкони кеч оқшомгача ёпилмаскан. Биров сабзи-пиёз уруғи деб кирса, биров

шолғом, лашлаги, бойимжон ва ҳоказо экинларнинг уруғини сўрайди. Бир намозном пайти дўконга Боймурод кириб кепти.

— Салом, жўражон! Қалайсан? Соқолни Худойқулни патагидай ўстириб юборибсан-ку, — деб пешвоз чиқибди унга Гадеймурод, — бунча кўринмай кетдинг?

— Нимасини сўрайсан, жўра! Иш кўп. Лекин манга қара, жуда боди бўлиб кетибсан. Иягингда тўрттагина тукинг бўлсаям, ҳар куни соқол қиртишлаганинг-қиртишлаган. Кўсалигингни тан олгин-да, номард!

— Бўлди, кўп ҳаддингдан ошма. Биласан-ку, камситишга тоқатим йўқроқ.

— Ана, айтдим-ку, боди бўлгансан деб. Сан мазах қилсанг, майли. Бизники дарров жон чиқарингга суқилади-я?!

— Нима десанг де, лекин кўса деб айтма-да. жўра. Нима қилай, худо бергани шу бўлса?

— Узр, жўра, кўп хафа бўлма. Соқолинг бўлмаса ҳам, бировдан кам жойинг йўқ. Шу дўконинг омон бўлса, соқол масаласи ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетади. Шу памилдоридан тўйиб-тўйиб еявер. Ашур беданавозни ўтпоясидай ғовлаб кетмаса, отимни бошқа қўяман.

— Отинг курсин-да, ҳе знағар, сенга худо бас келмаса, бандаси бас келолмайди. Хў-ўш, — деди Гадеймурод мийиғида куларкан, бош силкиб, — нимага келувдинг?

— Биласанми, жўра, — деди Боймурод жилдий оҳангда, — шу десанг, томорқага ҳар йил сабзи-пиёз, бодиринг-модиринг экавериб, ерни ориқлатиб қўйдим, шекилли. Шундай саломалекум босиб кетади. Бу йил йўнғичқа экмоқчиман. Алмашлаб экиш дегандай...

— Жуда яхши-да!

— Ичимсан-да, Гадей. — Қувониб кетди Боймурод, — бутун Умар мўйловдан эшитдим. Шўркўлдан уруғ опкелибсанми?

— Обкелдим, жўра, Самарқанддан? Биласан-ку. Самарқандни ўти зўр бўлади. Чойгаям қўшиб сотади баъзи қизиталоқлари. Эшитгансан-а?

— Эшитганман. Худо ҳар кимга инсоф берсин. Лекин мани хурсанд қилдинг, жўра. Ўлча ўша уруғингдан, — деди Боймурод белбоғини ечиб, пештахта устига еярган.

— Томарқанг ўн сотихча келади-а? — сўради Гадеймурод жилдий оҳангда, — манови қоғоз халтага бир килоча уругни солиб қўювдим. Санга бемалол етади. Аммо менга қара. Ўтти, одатда, тонг қоронғусида экадилар. Нам қочмайди-да ердан. Шундай қилсанг, бурд сени-

ки. Бир ҳафтага қолмай, униб чиқади. Бизниям, жўра, деҳқончиликдан хабаримиз бор.

Боймурод пулни тўлагач, жўрасига раҳмат айтиб, уйига қайтибди. Наридан-бери овқатланибди. Бола-чақаси билан кун бўйи ер ағдариб, чарчаган эмасми, тезда уйқуга кетибди.

Билмадик, хўрозлар Боймуродними. Ёки Боймурод хўрозларни уйғотадими, ҳар қалай, саҳарлаб ўриндан туриш унга азалий одат. Хусусан, бу тонгда, уни муҳим юмуш ҳам кутиб турганди. Боймурод қул-бетини ювгач, икки уғли, хотини, қизини ҳам уйғотиб, ҳар бирига кетмону хаскашак тутқазди. Ўзи қоғоз халтадаги уруғни белбоғига бўшатиб, “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” деб ишга киришди. Ҳаш-паш дегунча уруғ сепиб бўлинди. Кейин у оғилхонадан сербаргина тахта келтириб, икки учига арғамчи боғлади. Сўнгра унга кичик ўғлини ўтқазиб, ўзи ва катта ўғил “ҳўкиз” бўлганча молалай бошлашди. Шу тариқа ўт экиш кун чиққунча давом этди.

— Дада! — деди ниҳоят ота зуғумидан қутулган Фиёсжон устбошини қоқаркан. — Шу ишни уйқудан қолиб, қоронғида қилиш зарилмиди? Чошгоҳроқда ҳам эксак бўларди-ку.

— Ўвв, бола, менга ақл ўргатма. Эсингдан чиқарма: ўтни саҳарлаб экадилар. Ердан нам кўтарилмай. Билдинг?

— Тўгрику-я, лекин, дада, шу экинингиз ўт уруғига ўхшамай-дими, дейман.

— Нима? Ман ўттиз йил деҳқончилик қилиб, ўт уруғини танимасканманми? Қани бор, чойингни тезда ичиб, мактабингга жўна. Ҳе, маҳмадона!

Шундай қилиб, орадан тўрт-беш кун ўтибди. Деҳқончиликка мадад дегандай, бу орада ёмғир ҳам ёғибди. Боймурод бир саҳар қараса, ер бетини текис майсалар қоплаган. “Зап деҳқонман-да, — деб ўйлабди у хурсанд бўлганидан. — хатосиз унибди-я! Отангга раҳмат-е, Галлоймурод, уруғни зўридан берибсан-да, жўра”. Боймурод ерига қиши билан маҳаллий ўғитни қалаштирганми, майсалар кун сайин ўса бошлабди.

— Дада, — дебди Фиёсжон бир саҳар майсаларга астойдил тикилиб. — буларингиз йўнғичқа ўтга ўхшамайди-ку.

— Ўв, маҳмадона, — дея танбеҳ бера бошлабди яна ота, — бу янги нав ўт. Самарқандники! Буни самарқандликлар қуритиб, чойга ҳам қўшиб сотадилар, тушундингми, каллаварам!

— Тушундим, дада. Аммо бу — ўт эмас, редиска! Редиска! Ишонмасангиз. Мавлон бобонинг ҳовлисига қаранг, у кишиям ўт эккан-

лар. Ман кеча кўрдим. Сизни Гадоё тоға аҳмоқ қилганлар, — дея кўчага отилибди Фиссжон.

— А? — дебди Боймурод ўглининг ортидан анграйганча, — нахотки Гадоёмурод мани туширган бўлса? Ё булгурги қасдини олганмикан?... У шундай ўйда дарвозадан чиқса, Мавлон бобо томорқасига сув очаётган экан. Кўришишгач:

— Отаҳон, — дебди у бамайлихогир ўглининг гумонини аниқламоқчи бўлиб, — Ҳовлига янги нав ўт экувдим. Бир кўриб қўймайсизми? Гадоёмурод уруғини Самарқанддан обкелган экан.

— Ие, болам. Ўтнинг янги нави чиқибдими. Эшитмадим-ку! — дея чол дарвозага йўналибди, — бир кўриб қўйсак, зарар қилмас.

Мавлон бобо қўшқулоқ майсаларга бироз тикилгач, бирдан қаҳ-қаҳ кула бошлабди:

— Бу қизил шолғомча-ку, Боймуродбой, редиска! Уруғини кимдан олдим дедингиз?

— Гадоёмуроддан!

— Ҳа, энди болам, тегирмон ҳам навбати билан деганлар. Буям қизил қалампир воқеасидай гап. Гадоёмуроддан койиниб юрманг яна.

— Энди, отаҳон, сиздан бир илтимос. — дея ялинибди Боймурод чув тушганига иқрор бўлиб, — гап шу ерда қолсин. Ман бир зиёфатга қарздор.

— Хўп, айланай, болам. Биз гапни кўчага чиқарадиганлардан эмасмиз, — хохолаганча дарвозага қараб йўналибди Мавлон бобо.

Орадан ўн беш-йигирма дақиқа ўтгач, телефон жиринглабди. Боймурод гўшакни кўтарибди:

— Ака, Бой, — овоз келибди ундан, — йўнғичқа ўтингиз ўроққа келганмиш. Пулини нақд бераман. Бир аравасини ўриб, бизникига жўнатинг, моллар оч. Илтимос...

— Қизил шолғомча керак эмасми, ўв энагар Гадоё?!

Гўшакдан босинқи кулги эшитилибди...

1994 йил, июнь.

АДИБЛАР БУХОРОДА

(туркум)



1. САИД АҲМАД БУХОРОДА

1. “БУХОРОДА ҲАМ ЕР ҚИМИРЛАЙДИМИ?”

1976 йилнинг авжи баҳор пайтлари эди. Ардоқли ва мумтоз шоира опамиз Саида Зуннунова (илоҳим қабрлари нурга тўлсин) таваллудининг 50 йиллиги Бухорода ҳам нишонланиши керак эди. Тайёргарлигимиз зур: уч-турт жойда учрашувлар белгиланган. Маъракадан бир кун олдин (қайси кунлиги аниқ эсимда йўқ) оқшом соат ўнларда устоз Саид Аҳмад, Саида опа, Ойдин Ҳожиёваларни кутиб олдик. Улар Самарқанддан кечроқ чиққанлари боис кечикканларини айтиб, узр сўрапти. Меҳмонларни яқинда фойдаланишга топширилган басавлат “Бухоро” меҳмонхонасига жойлаштирдик.

— Қалайсан, шоир, — дедилар Саид Аҳмад домла жомадонларини жой-жойига қўйиб, ювилиб-тараниб олганларидан сўнг, — яхши юрибсанми?

— Раҳмат, домла, ёмонмас.

— Қўй-чи, сан бола бизни нечанчи қаватга обчиқдинг?

— Ўн биринчи қаватга, хонангиз — люкс, домла.

— Люксинг курсин, пастроғи йўқмиди? Бу ердан тушишимизни ўйламабсан-да... Қани, бир айвончасини кўрсат менга бу люксингни.

Бирин-кетин айвон (балкон)га чиқдик. Устоз бир дам нурларга чулганган эски шаҳар обидаларига тикилиб тургач, пастга қарадилар.

— Вой-буй, жуда даҳшат-ку, — дедилар бош тебратиб. — Ўвв шоир бола, ростингни айт. Бухорода ҳам ер қимирлайдимиз, йўқми?

— Зилзила демоқчимисиз?

— Ҳа-да, болам.

— Қўрқманг, домла. Бухоро сейсмик зонага кирмайди, қимирласа ҳозиргача қимирларди-да.

— Ўвв болам, худо билади, деб айт. Биласан-ку, худонинг каромати бисёр. Ҳозир бориб, учта парашют топиб келтирасан. Мабодо, ер қимирласа, опаларинг билан пастга сакраймиз...

Кула-кула меҳмонлар билан хайрлашиб, уйга жўнадим. Ё рабким, устознинг кўнглига солган эканми, ё башоратми, эрталаб соат 8 ларда шундай кучли зилзила бўлдики, Бухороий шариф бунақасини ҳеч қачон кўрмаган бўлса керак. Ўша дақиқаларда меҳмонхонага

яқинлашган эдим. Машина рули қўлимдан чиқиб кетди... Қарасам, қўрқувдан бақирган ким, вой-войлаган ким, хуллас, даҳшат эди. Бироз саросимадан сўнг меҳмонхонага югурдим. Не кўз билан кўрай-ки, пастда — биринчи қават йўлагида Саид Аҳмад домла, Саида опа. Ойдинхонлар қалт-қалт титраб туришар, рангларида ранг қолмаган эди.

— Ўвв бола-я, пишмаган бола, — дея менга порози қиёфада гапира кетдилар устоз, — бунақа дабдабали жойдан кўра биззи битта вайрона дала шийпонига жойлаштирсанг бўлмасмиди. Абқўмингдан ўргилай сани, югур опангга сув топиб кел, адоий тамом бўлди-ку бечора.

Гўё Бухорода зилзила бўлганига, азиз меҳмонларнинг огир аҳволга тушишларига ўзим айбдордек, дўконга қараб югурдим...

2. “БУ БИНОНИ “ЦК ЧА”, БУНИСИНИ “ШУМ” ДЕБ АТАНГ...”

Саид Аҳмад домланинг 60 йиллик юбилейлари арафаси эди. Авжи баҳорда устозни Бухорога таклиф этдик. Илтимосимиз инобатга олинганч, домлани энг аввал Шофирконга олиб борадиган бўлдик. Бу ерда Жўрақул Орипов деган киши туман фирқа қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишларди. Уруш кечган, ниҳоятла хоксор, олий мактаблар таълимини курмаган бўлса-да, деҳқончиликни пухта эгаллаган пок ва соддадил раҳбар эди (жойлари жаннатга бўлсин, илоҳо)...

Устозни райком биноси олдида гулларга кўмиб, самимий кутиб олишди. Саид Аҳмад домла аввалдан танишлиги боис Жўрақул Орипов билан бағирлашиб кўришди, сўнг бошқалар билан ҳам. Шу ернинг ўзида қизгин суҳбат бошланиб кетди. Қийқириқ, кулги авж олди...

— Сиз зўр шоирсиз-да, Саид Аҳмад ака, — деди устознинг қўлтигидаг қўлини ўтказиб олган Жўрақул Орипов, — мана энди, оғайни, бизни ишларимизга ҳам бир баҳо беринг.

— Қайси ишларингизга, райкўм бобо?

Жўрақул ака домлани чеккароққа бошлади.

— Мана бу уч қаватли бинони бир йилда қурдик. Райкўмни янги биноси. СССРнинг гербини кўринг, гербини. А, шу гербни баландроғига байроқ ўрнатамиз. А, мана бу бино эса бизнинг янги “ЦУМ”имиз, яъни централни универсални магазин. Қалай?

— Зўр, Жўрақул ака, — деди Саид Аҳмад домла мазза қилиб кулганча, бир гап айтмайми?

— Айтинг, шоир.

— Манови райкум биноси эмас, ҳақиқий ЦКча бўлибди. СССРи герби, байроғи бўлгач, ЦКча булмай нима бўларди. Шундай эмасми?

— Тўғри. Саид Аҳмад, тўғри-ю, лекин бироз...

— Энди Жўрақул ака, — дея яна завқланиб кетди устоз, — мана бу бинони “ЦУМ” деманг, “ШУМ” денг, яъни Шофирконский универсални магазин.

— А, буям тўғри, шоир. Ҳов, менга қара, идеолог, — дея юзланди Жўрақул Орипов орқароқда келаётган райкомнинг бир ходими-га, — эртага ЦУМни олиб таплаб, “ШУМ” деб ёзди. Саид Аҳмад — доно, улуғ шоир. Улуғ одамнинг гапини ерда қолдириб бўлмайди...

3. “ЎША БАХТЛИ ШОИР БИЗ-ДА...”

... Шофиркон маданият саройидаги учрашувдан сўнг Саид Аҳмад домлани Жилвон томошасига олиб борадиган бўлишди. Машинада кетаяпмиз. Жўрақул Орипов йўл бўйи туманнинг келажак истиқбол-ли ҳақида сўзлар. Жилвон чўли ўзлаштирилаётган, янги боғ-роғлар, хўжаликлар, тураржойлар барпо қилинаётганини ифтихор билан ҳикоя қилар, ҳар замон “қалай, Саид Аҳмад ака, зўрми?” дея сўраб қоларди. Устоз ҳам завқланганча “зўр эмас, Жўрақул ака, жуда зўр, олтин” деб кўярди. Нима бўлди-ю, машина бир чайқалиб кетди.

— Иби, унв бала, каллангни жойига қўйиб ҳайда, охи, — дея ҳайдовчининг орқасидан ниқтади Жўрақул ака, — мен тарихда ямон отлиғ бўлиб қолишни истамайман. Биласанми, мошинда ман билан бирга улуғ бир шоирни олиб кетаёпсан. Бир кор-ҳол бўлса-я... Худо сақласун. Нима дедингиз, Саид Аҳмад ака?

— Рост, Жўрақул ака, мен бир оддий шоир, сиз бўлсангиз, номдор фирқа раҳбари... Эртага газитларга бирин-кетин никролог чиқиб қолса, мен эмас, энг аввал ўзингиз жавоб берасиз.

— Иби, ана ман айтмадимми? — дея кўзлари бежоланди райком котибининг. — Ўвв, шофир, каллангни жойига қўйиб ҳайда мошинни...

Орага хиёл жимлик чўкди. Ҳайдовчи радионинг қулоғини буради. Ундан гоятда сўлим бир кўшиқ янграр эди:

Йўқламаган ҳар кунинг йилча бўлурми, ҳай-ҳай,
Шунчалик шафқат билмас дилча бўлурми, ҳай-ҳай.

Васлингнинг умидида дундан утиб боргум,
Қаноатда Саида филча бўлурми, ҳай-ҳай.

— Ана бу ашулага борман-да, Саид Аҳмад. — дея сўзга киришди яна Жўрақул ака бош тебратиб. — Ўвв, манга қаранг, сиз румончи шоирсиз-а?

— Ҳа, Жўрақул ака, биз рўмончи шоир. — тасдиқлади устоз мамнунлик билан.

— Энди сиз ҳам, оғайни, ашула-пашула ёзиб туринг, халқни оғзига тез тушасиз. Ё нодурустми, Саид Аҳмад?

— Сиз айтасиз-у, Жўрақул ака, нодуруст бўладими? Бўпти, шу кундан бошлаб ашула-пашула ёзганим бўлсин.

— А, бу бошқа гап, шоир. — дея хурсанд жилмайди котиб. — Манга қаранг, Саид Аҳмад, ҳозир “ҳай-ҳай” ашуласини эшитдик-а? Шуним ким ёзган?

— Саида Зуннунова деган шоира.

— Э, ҳа, шундайми? Ўвв, манга қаранг, шу аёлни эриниям зўр шоир дейдилар-а? Бечора, қамоқларда ётиб келган эмиш. Биласизми уни?

— Ўша бахтли шоир биз-да, Жўрақул ака!

— Иби, шундайми?...

Ўртада беғубор кулги кўтарилди.

4. “НОЁБ” ГАЛСТУК

Саид Аҳмад домланинг етмиш беш ёшга киришлари арафаси. Устоз қаламкаш дўстлари, шогирдларидан Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов, Носир Фозилов, Неъмат Аминовлар билан бирга Бухорога ташриф буюрибдилар. Мен ўшанда “Бухоро ҳақиқати” вилоят газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлардим. Азиз меҳмонларнинг келиши негадир мендан “сир” тutilган. Бировдан эшитиб, улар ҳузурига шошилдим. Сўраб-суриштириб, Неъмат Аминовнинг куёви — Аҳмад-жонларникига бордим. Зиёфат қуюқ, суҳбат, қаҳқаҳа авжида экан.

— Ҳа, болам, сенам қаттакон бўб кетибсан-да, — дея бағрига босганча “узиб” олдилар Саид Аҳмад домла, — нага биззи кутишга чиқмадинг?

— Узр, устоз. Келишларингдан беҳабарман.

— Ҳой, кўзойнак бола, менга қара. — дея юзландилар устоз чеккароқда ўтирган вилоят ҳокимлиги ходимига, — сен айтмовдингми бунга?

— Бу кишини топ-тополмай, котибаларига тайинловдим. — дея чайналди ходим.

— Кечирасиз, — дедим кулганча, — ёлгон гапириб нима қиласиз? КогИБа штати қисқарганига олти ойча булди-ку...

— Тушунарли, — дедилар Саид Аҳмад домла аллақандай “сир”ни англагандай бўлиб. — айт-чи, эртага ҳокиминг биззи соат нечада қабул қилади?

— Тўққизу нол-нолда!

— Бўпти, санга жавоб, ишинг жуда кўп сенинг. Ўзимизни одам келди, хор бўлмаймиз...

Кўзойнакли киши кетгач, суҳбат янада кўр олди.

Эрталаб белгиланган вақтда ҳоким қабулхонасига чиқдик.

— Озгина кутасизлар, — дея уэр сўрагандай бўлди ҳоким ёрдамчиси, — Қабулларида киши бор.

Кутдик, кутавердик — ўн, ўн беш, йигирма дақиқа. Вақт ўтиб борарди. Ўртада сукут ҳукмрон. Ниҳоят, тоқати тоқ бўлган Саид Аҳмад домла менга қарадилар.

— Муҳаррир болам, бу нечанчи қават?

— Ўн иккинчи.

— Ростингни айт, бу ерда зилзила бўлмайдими?

— Зилзила ҳокимга кириб-чиққанимиздан кейин бўлади, — дея менинг ўрнимга жавоб қилди Ўткир Ҳошимов.

— Ўвв, болам, нафасингни иссиқ қил-е. Бухородаги ер қимирлашнинг мазасини мен татиб кўрганман. Ҳозир ётган меҳмонхонанинг оёғи осмондан келувди. Ўзинг гапириб бер шоир буларга. Бу гал парашютни унутганинг йўқми?...

“Парашют” воқеасини Одил акаларга айтиб беришга улгуролмадим. Эшик очилиб, ҳоким меҳмонларни ичкарига тәклиф этиб қолди. “Қабул маросими” ғоят қисқа бўлди. Ҳоким иши тигизлигини, ҳозир қайсидир туманда мажлис ўтказиши зарурлигини айтиб, уэр сўраган бўлди. Сўнг тугмачани босиб, ёрдамчисини чақирди. У киргач, кўзи билан имлаб, ички эшикни кўрсатди. Ёрдамчи йигит тезда кириб, ингичка, узун филофли бир нарсани олиб чиқди.

— Энн-дии, — дея ўрнидан кўзгалди ҳоким сал жилмайиб, — Саид Аҳмад домулло, мана бугун сиз етмиш беш ёшга кираётган экансиз. Табрикуаймиз. Мана шу савғони, кичик бўлсаям, катта ўрнида кўрасиз.

У ярим газча келадиган ингичка филофдан қизғиш гулли, узун галстук (бўйинбоғ) чиқарди.

— Муборак бўлсин, домулложон, илойим юз ёшгача шу галстукни тақиб юринг.

Табаррук ёшга кираётган нуроний устоз лолу ҳайрон эдилар. Қолганлар ҳам. Барчанинг кўнглидан бир ҳадик кечарди: олай десалар, олишга арзимади. Олмай десалар, вилоятнинг бош раҳбари совғани узатиб турган бўлса. Ажабо, устоз қайси йўлни танларкинлар?

— Раҳмат, ҳоким бова, раҳматт! — дея бошини сарак-сарак қилганча сўзлай кетдилар устоз. — Вой-бўй, бу ноёб бўйинбоғни қатдан топдингиз-а? Жа машаққатлар чекибсиз-ку! Ўткир болам, сен бир қара бунга, ўзиям американскийми дейман.

— Қарибсиз, устоз, галстук билан галстук ўртасида фарқ бор. Бу мировой галстук. Парижники!

— Сен ҳам танимас экансан бўйинбоғ деган зормандани, — сўзни илиб кетдилар Одил ака, — буни анави кўзи қисик японлар тўқиб чиқаришган, атайлаб Саид Аҳмад ака учун. Хўш, сен нима дейсан. Носир қозоқ?

— Вой-баёв, болурларим, — дея галстукни қўлига олди Носир Фозилов. — Агар билсаларинг, бунақа бўйинбоғни фақат Африкада негрлар боғлаб юришади. Қутлуғ бўлсин, устоз, сизга жа ярашади-да, шунақаси..

— Қани, мен ҳам бир кўрай-чи, — деди Неъмат Аминов галстукни қўлида астойдил айлантириб, — жа зўрку-а? Буни узунлигини қаранг. Нақ икки метрча келади-я! Устоз, хурсанд бўлинг, бунақасини чироқ ёқиб ахтарсангизам тополмайсиз. Фақат бўйинга эмас, белингизга боғлаб юрсангиз ҳам бўларкан. Манави лапарчасини биқинга осилтири-иб юрасиз, лазгинларга ўхшаб..

— Бўпти, Неъмат болам, бўпти, хурсандман. Яқинда сен ҳам олтмишга кирасан. Агар маъкул тушган бўлса, сенга берақолдим шу зормандани. Бошқа совға кутма мендан. Манави ҳоким бовангдан иккимизга табаррук тўёна бу...

Меҳмонлар бири олиб, бири қўйиб, хохолаганча ўринларидан кўзгалишди. Лифтга яқинлашарканмиз, ёрдамчи мени чақириб қолди.

— Ҳокимга қараркансиз.

Ичкари кирсам, ҳоким ҳамон тик турганча важоҳатли ўтирар, юз-кўзлари терлаб кетганди.

— Устозу жўраларингизни гапини эпитдингизми? Бу ҳоким экан деб андишаям қилишмайди-я! — деди у тунд қиёфада. — Нима, ман ёмон совға бердимми?

— Ёмонмас-у, лекин кўп яхшиям эмас-да, — дедим рўй-рост, — шундай улуг ёзувчи етмиш беш ёшга киради-ю...

— Бўлди, тушунарли, сиз ҳам ўпаларни биттаси — гапни аямай-сиз, қайсарсиз. Мени эмас, уларни қўллайсиз.. Майли, боринг, уч-

рашувларга ўзингиз бош бўлиб, яхши ўтказинг. Тағин хафа бўлиб кетишмасин улар, ҳаммаси муштумчи...

Ўша куни Бухоро туманида, кейин Қоракўлда шундай тантаналар бўлиб ўтдики, таърифига тил ожизлик қилади. Халқ, оддий китобхон Саид Аҳмад домлани, қолган барча адибларни бошларига қўтаришди. Юбиляр устозга зарбоф тўғлар кийдиришди. Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов, Носир Фозилов, Неъмат Аминовларнинг ҳам ҳурматлари жойига қўйилди. Буни, албатта, маънавиятнинг, ёзувчи заҳмати, сўз қудратининг қадрига етадиганлар қилишди. Ҳар қалай, “ноёб галстук” воқасидан кейин бўлиб ўтган бундай самимий учрашувлар менинг ҳам кўнглимдаги хираликни тарқатгандай бўлди...

II. УЙҒУН ВА БОШҚА АДИБЛАР БУХОРОДА

Уйғун домла 1976-84 йиллари — икки марта Бухоро вилоятидан Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига (Галаосиё сайлов округи) сайланган эдилар. Шу боис шаҳримизга тез-тез ташриф буюрадидилар. Ҳар гал у кишига ўзи ҳам, сўзи ҳам жон озиғи бўлган шоир ва драматург Туроб Тўла, қувноқ ҳамда дилкаш шоир Зоҳиджон Обидовлар ҳамроҳлик қилишарди (уларни Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин). Сайловчилар билан учрашувдан ташқари кўплаб туманларда шеърхонлик кечалари ўтказардик. Бир ажойиб суҳбатлар, воқеалар, ҳангомалар бўлардики, эшитсангиз мазза қиласиз. Ўзим гувоҳ бўлган ўша саргузаштлардан айримларини қоғозга туширишга ҳаракат қилдим. Ўқиб кўринг, азиз китобхон, юз-кўзингизда табассум ўйнамаса, мен бенавбат...

1. “БУ НАКАЗИНГИЗНИ ҲОЗИР ГАТОП ҚИЛАМИЗ-ДА...”

Уйғун домла депутатликка сайланганидан бирор йил ўтгач, Бухоро тумани маркази — Галаосиё шаҳарчасида кўркям маданият саройи қурилиши бошлаб юборилади. Нима бўлади-ю, бинонинг иккинчи қаватига келганда қурувчиларни бошқа бир муҳимроқ иншоотни тезроқ тугатиш баҳонасида олиб кетишади. Ишчилар шу кетганча икки-уч ой кўринишмайди, маблағ йўқлиги боисми, бино чалалигича қолиб кетаверди. Уйғун домла депутат эмасми, сайловчилар ҳар бир учрашувда шу бинони битказишга ёрдам беришларини так-

пор-такрор сўрашар, фалон мактаб, фалон боғчамизни тиклашга ҳам ҳукуматдан пул ундириб беринг, дея наказлар беришарди.

Уйғун домла эса, гоҳида асабийлашиб, гоҳида босиқ жилмайиб, “хўп бўлади, айтганларингни, албатта, бажараман” дея астойдил ваъда берар, сўнг гапни айлантириб, бу масала маҳаллий ҳокимиятнинг иши эканлигини, хусусан, маданият саройи қурилишини чўзиб юбориш сиёсий жиҳатдан хато эканлигини айтиб, уни тезлатиш масъулиятини яна райком котиби ҳамда райижроқўм раиси зиммасига силлиққина қилиб юкларди. Шундай учрашувларнинг бирида залнинг ўртарағида ўтирган ўсма-сурмали, нозиккина бир аёл қўл кутариб ўрнидан қўзгалди.

— Уйғун домулло, — деди у бироз қимтиниб, — сиз бизни улуғ шоиримиз, яна айтсам, улуғ депутатимиз ҳам. Бизлар сизга ишонамиз-да! Ҳеч бўлмаса, шу саройни қурмаётган айбдорларни аниқлаб, битта фельетон ёзиб, газетага чиқиш қилолмайсизми?

Мизбарда ўтирган Уйғун домла шу заҳотиёқ жавоб қилдилар:

— Бу наказингизни ҳозирнинг ўзида гатоп қиламиз-да, қизим. Ҳой, Зоҳиджон ханда, — дедилар у пастда — олдинги қаторда ўтирган шогирдларига мурожаат қилиб, — Сиз “муштум”чисиз. Шу бугуноқ “Туя гўшти еган бино” деган шеърый фельетон ёзасиз. хўпми?! Сиз эса, мулла Тошпўлат, — дедилар менга хитобан, — шундай сарлавҳа остида зўр танқидий мақола ёзасиз. Бирини “Муштум”га, бирини эса вилоят газетасига чиқаришни мен бўйнимга оламан. Қалай, қизим, мақбулми шундай қилсак?

Нозиккина аёл “раҳмат, домулло, тўғри” дея ўрнига ўтирди. Залда қарсақлар янгради...

Зоҳиджон акани-ку билмадим, лекин мен танқидий мақолани ёзганим йўқ. Тўғриси, ёзишга улгуролмадим. Негаки, бу гап вилоятимиз катталарининг қулогига ўша заҳотиёқ бориб етгач, матбуотда урилишдан қўрқилган шекилли, маданият саройи қурилиши Уйғун домла жўнаб кетмасданоқ бошлаб юборилган эди... Шунга айтадилар-да катта одамнинг бир оғиз гани йўқни йўндиради деб.

2. “ХУРРАКНИ КИМ ТОРТАДИР?...”

Ромитан туманида Ҳамро Саидов деган ғоятда дилкаш, бағри кенг шоиртаб киши бўларди (илойим жойлари жаннатда бўлсин). Бу одамнинг ёзувчилардан, санъат аҳлидан дўст-биродари кўп эди. Хусусан, устоз адибимиз Одил Ёкубов билан оға-ини эканидан шахсан хабардорман.

(Ҳамро ака узоқ йиллар жамоа хўжалиги раиси, давлат хўжалиги директори булиб ишлаган, кейинги йилларда туман фирқа кўмитаси саркотиби лавомизимида фаолият юргизарди. Айтиб утиш жоиз: бу кишининг Гдлярдай инсон қиёфасидаги маҳлуқни ўз кабинетида бир уришдаёқ сулайтириб ташлагани, оғзи-бурнини қонга боғирганини ҳамон одамлар гапириб юришади. Ўшанда Гдляр Ҳамро акани порахўрликда айблаб, кўп миқдорда пул ва олтин топиб беришни талаб қилган экан Ҳамро ака пок ва номусли раҳбар эмасми, ҳақорат “эваз”ига гурзидай мушгини ишга солган... Оқибатда уни ўн йилга кесиб юборишади. Фақат Мустақиллик туфайли фидойи ва олийжаноб инсон Сибирдан она-юртига қайтиб келишга муяссар бўлганли. Аммо инфаркт булиб, соғлигини адои тамом қилиб... Бундан бир неча йил олдин маънум ўлим бу инсонни орамиздан бемаҳал олиб кетди. Биз бухоролик ёзувчилар Ҳамро аканинг “Қора қунлар” номли саргузашт қиссасини вафотидан сал олдинроқ чоп эттиришга муваффақ бўлгандик...)

Шу Ҳамро акамиз бир кун менга қунғироқ қилиб қолдилар:

— Тошпўлатжон. Салом, укам, омонмисиз? Бу, Уйғун акамиз келибдилар деб эшитдим, ростми?

— Рост, рост! — делим.

— Тоза занглаб кетдик-ку, жигар. Эртага Ромитанга олиб келмайсизми? Зур бир учрашув ташкил қилиб бераман. Тошпўлат Ҳамидга таклифимни айтувдим, рози бўлди. Давайти, эртага етиб келингллар.

— Бўпти, Ҳамро ака. Сиз таклиф қиласиз-у, биз бормаймизми?

Шундан сўнг учрашув жойи, ўтказилиш вақтини келишиб, саркотиб билан хайрлашдим.

Иккинчи кун Ромитанда чинакам адабиёт байрами бўлди. Уйғун домла, Туроб ака, Зоҳиджон ханда, раҳматли Тошпўлат акалар тулиб-тошиб шешрлар ўқиб беришди, дилўртар қўшиқлар янгради.

Кечкурун Ҳамро ака барчамизни райком боғига — бир пиёла чойга таклиф этди. Тугриси, зиёфат жуда қуюқ бўлди. Тошпўлат ака вилоят фирқа кўмитаси коғиби эканлигини ҳам унутган, нуқул “теша тегмаган” лағифалар айтар, Зоҳиджон Обидов, Ҳамро акалар билан ичакуди аскияларни тўхтатмасди. Боғда гўё қаҳ-қаҳа гулхани ёнарди... Шу тариқа зиёфат ярим кечагача давом этди. Барчамиз Бухорога қайтмай, боғда тунайдиган бўлдик. Ҳамро ака бош мезбон эмасми, хонларни тақсимлай кетдилар:

— Уйғун ака, манави “люкс” сиздан. Айвонда кичик Тошпўлат билан муҳарриримиз Жўра Фозил, ўнг биқинингизда Туроб ака билан Зоҳиджон Обидов, чап биқинингиздаги хонада эса мен билан

Тошпўлат Ҳамид дам оламиз. Биз икки жўрани пародамиз бир хил. — деди кулганча саркотиб. — розимисиз шунга?

— Биз рози, — дедилар Уйғун домла бош силкиб.

Ҳаммамиз ўринларимизга кириб олгач, чироқлар ўчирилди.

Хийла сокинлик ҳукм сурди.

Бир вақт босинқирабман шекилли, уйғониб кетдим. Карасам, Уйғун домла узун чолворда елкаларига катакли, бесўнақай костюмларини ташлаганча ҳовлида юрибдилар.

— Ҳа, домлажон, нима бўлди? — дея сўрадим воқеанинг тагига ета олмай, — уйқунгиз қочдимми?

— Уйқунг қочдимми эмиш... Дард бўлди, бало бўлди. — порози оҳангда гапира кетдилар Уйғун домла. — Эшитяпсанми, Ҳамро аканг битта ҳўкизни обкелиб, бўғизляяпти шекилли. Нега анграясан, хурракка қулоқ сол, хурракка...

Дарҳол чироқни ёқдим. Ҳайҳотки, Уйғун домла ётган “люкс”-нинг чап биқинидаги хонадан чидаб бўлмас даражадаги хуррак овози тараларди. Масалани англагач, гапни ҳазилга бурмоқчи бўлдим:

— Шунга шунчами, домла. Райкўм билан обкўм хуррак бўйича ким ўзарга баҳслашяпти, холос...

— Кул-а, кул, масхарабоз, — дедилар Уйғун домла ҳамон шапталаридан тушмай. — Қани, дарров ҳаммаларини уйғот. Ман ухламагач, қолганларгайм уйқу йўқ. Тез бўл.

Ноилож ўнг тарафдаги эшикни тақиллатдим.

— Кираверинг, мулло Тошпўлат, — дея ичкаридан овоз бердилар Туроб ака, — биз уйғоқмиз, қулоққа пахта тикиб ётувдик. На илож... Нима, Уйғун ака уйғоқмилар?

— Ҳа, уйғоқлар, ташқарила. Чиқиб, ўзингиз тинчитмасангиз...

Туроб ака дарҳол ўринларидан туриб, ташқарига йўл олдилар. Зоҳиджон ака ҳам хоҳолаганча қўлтиқтаёқни дўқиллатиб, у кишига эргашдилар. Мен эса чап томондаги — “қўшоғиз милтиқ”дан хуррак ўқи отилаётган хонани қаттиқ-қаттиқ уриб, тез ортимга қайтдим.

Туроб ака секин мени четга имладилар.

— Укам, “Жигули”ни тезда ўт олдирилинг. Бухорога қайтмасак бўлмайди. Кўряпсиз-ку, акаларингиз хурракда ўнинчи тезликни олишган. Уйғун ака бўлса, пашиша пар урсаям ухлалмайдилар. Асаблари чапоқроқ...

— Бўпти, Туробжон ака, ҳозир тойчоқни ҳозирлаймиз-да, — дея машина томон бурилаётганимда Тошпўлат ака билан Ҳамро Саидовлар ичкаридан шошилинич чиқиб келишди. Икковлари ҳам гап нимадалигини сезишган, бироз ўсмоқчилаб сўрашди:

— Тинчликми, Уйғун ака? Қаёққа шошиляпсизлар? Бу ер обкомни боғидан яхшироқ, тинчроқ, шекилли.

— Раҳмат, миннатдормиз. Жуда зўр дам олдим, — дедилар Уйғун домла костюмларини кия туриб, — икковингга бигга саволим бор лекин.

— Марҳамат, Уйғун ака, эшитамиз.

— Айтинг-чи. Ҳамробой, хурракни ким тортади?

— Иби, Уйғун ака, нозик савол бердингиз-ку, — жилмайди Ҳамро ака, — агар айтсам, шу сабил қолгур хурракни эркак тортади-да!

— Бекорларни айтибсиз, — бош чайқадилар Уйғун домла, — билмасангиз билиб қўйинг: хурракни дуррак тортади!..

Ургада шундай бегубор қаҳ-қаҳа кўтарилдики, Тошпулат Ҳамид қорнини унлаганча, Ҳамро Саидов кўзларидан ёш оқизиб, Зоҳид-жон ака хоҳолаганча, Туроб Тула эса ингичка овоз билан завқланишар, уйғониб кетган қоровул эса ҳанг-манг эди...

3. “ТИРИК ШОИРЛАРНИ КЎРГАНМИСИЗЛАР?...”

Қайси йили эканлиги аниқ эсимда йўқ. Лекин май ойининг ўрталари эди. Оближроқўм сессияси тугаб, ташқари чиқарканман, бир одам мени имлаб чақирди (Бу киши узоқ вақт вилоятнинг нуфузли раҳбарлик лавозимини бошқарган, айни пайтда бошқа бир тумани фирқа кўмитаси саркоотиби бўлиб ишларди. Исми шарифларини шартли равишда “Н.В.евич” деб аташни лозим кўрдим — Т А).

— Менга қара, ука. Уйғун ака келган эмиш. Эртага биз томонларга олиб ўтмайсанми, — деб қолди. Н.В.евич, — биза иккав жўра. У кишиям Олий Совет дептоти, бизам Олий Совет дептоти. Майлис-ларга бирга қатнашамиз. Мен яқинда Тошкент борганимда Уйғун акани таклиф қилиб қолувдим. Нима дединг, олиб борасанми?

— Албатта-да, Н.В.евич, — дедим мамнуният билан. — Ҳозир обком дачасига бораяпман, уларни кўндириб, кейин сизга жавобини кўнғироқ қилиб айтаман.

— Шундай қил, ука, — би-ир шетърни хуморидан чиқайлик. Бизам шоир охи. Сан билмасанг ҳам Неъмат Амин биледи бизни шоирлигимизни, — жилмайди Н.В.евич, — яхшиси, тилпон-пилпон қилиб ўтирма, так что, мани тополмаслигинг мумкин. Эртага соат бирларда тўғри олиб боравер, райкўмни олдида сизларни кутама...

Кейинги куни белгиланган вақтдан ярим соатча олдин етиб бордик. Қарасак, райком биноси олдида одам зоти кўринмайди. Қарши-

даги маданият уйи биноси ҳам бўм-бўш. Меҳмонларни машинада қолдириб, райком биноси ичкарасига кирарканман, қоровул тўхтатди.

— Ким керак, оға?

— Н.В.евич!

— У киши зайнит, ҳеч кимни қабул қилмайдилар.

— Кечирасиз, — дедим энсам қотиб. — Ҳеч кимни қабул қилмасалар ҳам, мени қабул қиладилар. Бориб айтинг. Тошкентдан катта меҳмонларни обхелганман.

— Ўвв, оға, ўзбекмисиз ўзи? Сизга ўзбекча гапиряпман. Райкўм бобо зайнит. Гастинсада укол олаяптилар, дўхтирлари келган, — овозни баландлатиб, уқтира кетди қоровул, — манга ҳеч кимни қўйма деганлар.

— Акахон, — дея сал паст тушиб, илтимос қилдим қоровулдан. — унда зав. отделними, учинчи котибними чақиринг, бўлмаса.

Қоровул “бу бошқа гап” деганча узун йўлакка йўналди. Райком котибининг махсус дам олалиган хонаси қаердалигини яхши билардим. Шу боис фурсатни ганимат билиб, тезда ўша ёққа жадалладим. Бориб, қора дермантин эшикни очсам, йўлак кираверишида нозиккина пошнабаланд туфли. ёнида бесўнақай, бир жуфт “комсомолча” этик... Эшиги қия турган қўшни хонадан инқиллаган овоз эшитиларди:

— Вой-вой, ўлдирдинг-ку, астароқ қил охи, сингдирдинг-ку белни. Ҳой, маржахон, айланай сандан, астароқ қил деёпман санга...

— Ничево, Н.В.евич, потерпите немножко...

Ҳеч нимага тушунолмай, нимочиқ турган эшикни икки-уч бор тақиллатдим.

— Вот, дурак ахранник, — сўкинди аёл киши норози оҳангда, — чем стучать, чай принеси, шай килтир мунда...

Ёшлик эканми ёки ташқаридаги меҳмонларни иштиқ қилмаслик талвасаси боисми, тоқат қилолмай, эшикни очиб, ичкарига мўралладим. Не кўз билан кўрайки, Н.В.евич диванда ярим яланғоч ҳолатда юзтубан ётар, калта, ички қўйлақдаги ғоятда хушбичим, семизгина татар аёли у кишининг оёқларига миниб олиб, белини, елкаларини эзиб-эзиб уқаларди.

Аёл менга кўзи тушиши билан сакраб ўрнидан турди.

— Вот, чуқинган малай, нашёл время смотрет.

Эшикни тезда ёпиб, ижирғанганча ортимга қайтдим. Қоровул бетоқат бўлиб мени ахтарарди. Меҳмонхона томондан келаётганимни кўриб, фиғони фалакка чиқиб кетди.

— Ҳой, боли бола, инсофинг йўқ экан-ку сени. Энди райкўм бобо онамни кўзимга кўрсатади. Ишдан ҳайдайди...

Уни тинчлантираётгандим, чала-ярим кийинган, кўзлари бежо Н.В.евич келиб қолди. Менга кузи тушгач, бироз важоҳатидан тушди.

— Ҳа, Аҳмаджон (мени шундай деб атарди у киши), нима қилиб юрибсан? Бошқа вақт қурувдими санга? Нима бало, ё пойлаб келдингми? — дея шумшайди кайфи баланд Н.В.евич.

— Қўйсангиз-чи, Н.В.евич, — дедим норозилигимни яширолмай, ўзингиз меҳмонларни таклиф қиласиз-у... келсак — бу аҳвол.

— Иби, Аҳмаджон, ман кимни таклиф қилибман. Ёдимда йўқ-ку.

Кечаги гап-сўзларни эслатдим.

— Иби, эсим курсин мапи, — бирдан хушёр тортди Н.В.евич. — кайф билан хаёлдан кўтарилибти-да. Ке, хафа булма, ҳозир ҳаммасини зўр қиламан. Уйғун акаларни ўзи қаерда?

— Ташқарида, машинада ўтириптилар.

— Энди, укам Аҳмаджон, санга айтсам, бел чатоқ. Радикулитим бор, — нолиганнамо гапира кетди Н.В.евич, — анави маржаҳонни Бухородан чақиртирувдим, эски танишлардан. Массажни зўр қилади-да ўзиям, вой-войлатиб юборади-е... Санам мени ёшимга кир, кейин биласан радикулит нималигини. Манга қара, яна айтиб юрма Уйғун акага боя кўрганингни. Сан ақлли боласан-ку. Ростини айт, оқ туя кўрдингми. ё йўқ?

— Оқ туя ҳам, қора туя ҳам кўрганим йўқ. — дедим бепарво оҳангда, — фақат белингизга миниб олган бўталоқни кўрдим, холос.

— Иби, ана маҳмадоно, сенам анави Саид Аҳмадга ўхшаб сатирикмисан, нима бало?

— Мен-ку сатирик эмасман, Н.В.евич, — дедим жиддий қилиб, — лекин Уйғун домла ўзлари билан катта бир сатирикни обкелганлар, муштумчи!

— Нимачи?

— “Му-уш-тум”чи! — дона-дона қилиб таъкидладим, — “Муштум” журналида ишлайди. Зоҳиджон Обидов деган шогирдлари, ўзиям фельетонни қийиб ташлайдиганлардан...

— Иби, ҳали пилъетон ҳам бўламыз шекилли-ку, — саросималанди. Н.В.евич.

— Бўлмасам-чи, уларни шахсан таклиф қилиб, кутиб олиш ўрнига меҳмонхонангизда бўталоқбозлик қилиб ўтирсангиз, ёзмай нима қилади, ёзади-да.

— Ўвв, шоир бола, кўп жаҳлимни чиқарма лекин, — тутақиб кетди саркотиб. — Ҳозир айтдим-ку санга, ҳаммасини зўр қиламан

деб, зиефат ҳам тонг бўйи бўлади, фақат оғзингдан гулламасанг бўлгани. Тушундингми?

— Тушундим, Н.В.евич, гап бундоқ бўпти-да.

— Ҳе, отангга раҳмат. Қани, юр, бўлмасам.

Бирин-кетин меҳмонлар истиқболига шошилдик. Н.В.евич бора солиб, Уйғун домлани қучоқлаб олди. Кейин бошқалар билан ҳам бағирланди.

— Ие, ие, қайси шамол учирди, Уйғун ака? Хуш кўрдик, хуш келибсизлар, — мулозамат қила кетди саркотиб, — узр кутгириб қўйганим учун. Шу десангиз, давлениям озгина кутарилипти. Ана, Аҳмаджон кўрди, укол олаётувдим. Тўғрими, Аҳмаджон?

Н.В.евич жавобимни ҳам кутмай, меҳмонларни райком биноси ичкарисига бошлади. Кабинетига киргач, дарҳол телефон дастагини кўтариб, рақам терди.

— Менга қара, ҳўвв бодича, — дея уқтира кетди у кимгадир. — Ҳозир дўмкултурани тахлайсан, тушундинг! Мактаб бачалар, кутубхоначи, милиса бачалар, муаллимлар қолмасун. Бозорни радиосидан ҳам эълон қил, хоҳлаганлар бўлса, кирсун. Ишқилиб, зални тўлдири. Уйғун ака келганлар, бир культурни мероприятия ўтказайлик...

— Қалай бўлди, Уйғун ака? — дея қандайдир ифтихор билан гапира кетди Н.В.евич. — Ҳозир ярим соатдан кейин ҳаммаси гатоп бўлади. Энди ўзингиз яхши биласиз. Бўлсанг, биринчи бўл экан. Нима десангиз, ерни тешади-да!.. Ё нотўғрими? Ҳа, яшанг. Манга қара, Аҳмаджон, — нимадир эсига тушиб, мен томонга ўгирилди Н.В.евич. — сан, ука, бир дўмкултурага боргин, камчиликлари бўлса, айтиб тузагир. Ман ўзим бу азиз меҳмонларни зериктирмайман...

Маъқул деб қабулхонага чиқарканман, ортимдан етиб келган Н.В.евич “бир минута” деб мени тўхтатди:

— Аҳмаджон, сендан бир илтимос. Меҳмонларни номи-помилияси, касби-кори, унвон-пунвонлари, ишқилиб, ҳаммасини бир қоғозчага ёз. Шпаргалка дегандай. Ман учрашувни ўзим бошлайман, кейин сан давом эттирасан. Келишдикми?

— Келишдик! — дея Н.В.евичнинг очиқ турган кафтига қул ташладим...

Оз эмас, кўп эмас, орадан бир соатлар ўтгач, маданият уйида юз эллик-икки юз чоғли одам тўпланди. Залда боғча боласидан тортиб, соқоли кўксига тушган чоллар, бозорчию милиса болалар ҳам бор. Н.В.евич меҳмонларни бошлаб кираркан, “қани, қарсак бўлсун” деб юборди. Гулшурок қарсақлар... остида улар саҳнага кўтарилишди. Н.В.евич йигирматача ордену медаллари тақилган костюмларини

хийиб чиққан эканлар, қарасангиз кўзларингиз қамашади. Бир вақт у киши савлат билан ўринларидан кўзғалиб, микрофонга яқин келди.

— Қани, ҳўвв бодичалар, жим ўтурунглар, тинчлик сақлансун.

Зал хийла тинчигач, Н.В.евич бир ихтиро қилгандай, ўртага савол ташладилар:

— Қани, менга айтинглари-чи, санлар умурларингда тирик шоирларни кўрганмисизлар?

Зоҳиджон ака “во-ҳа-ҳа” деб юборди. Зални ҳам қийқириқ, қаҳқаҳа босиб кетди. Қарасам, Туроб ака жилмайиб бош чайқар. Уйғун домланинг эса қовоқлари осилганди.

— Қани, ҳўв. Тише, тише, деярман, ҳўвв бодичалар, — зални тинчантирмоқчи бўлди яна Н.В.евич, — нимага куласанлар? Ман тўғрисини айтопман, бундан олдин тирик шоирларни кўрмагансанлар? Кўрган бўлсаларинг ҳам сурат-пуратларини газитаю китобларда кўргансанлар. А, уларни ҳаммаси ўлиб кетган. Ман бўлсам, тирик шоирларни олиб келдим. Қани, бир қарсак бўлсун... Энди буларни санларга таништирай.

Н.В.евич бурун устига кўзойнак кўндириб, мен ёзиб берган шпаргалкани қўлга олдилар:

— Мана бу киши, филдай одам, — табассум қилди Н.В.евич, — Раҳматулло Отақўзиев Уйғун бўладилар. Иби, Уйғун ака, сизни отингиз Раҳматулломи?

Уйғун домла бош силкиб, тасдиқладилар.

— А, Уйғун нима, лақабингизми? — сўради Н.В.евич таажжубда.

— Тахаллуслари! — дедим мен чилаёлмай.

— Аҳмаджон, сан жим ўтир, маҳмадоналик қилма. Агар билсанг, бизни Бухорода тахаллус демайди... лақаб дейди, — уқтира кетди Н.В.евич, — тўғрими? Ҳа, яшанглари... Уйғун акамиз зўр шоир, дараматург! Ҳамзайуфга ўхшаганда-а? Э, бор бўлинг, домулло. Кейин бу киши лауреат а-ака-демик. Э, табриклаймиз, академикам бўлган экансиз-да, Уйғун ака. Қойил сизга-а. Яна айтсам. Бу киши мандай Олий Совет дептоти. Майлисларга бирга қатнашамиз. Қани, бир қарсак бўлсун бу кишини шаънига...

Қарсаклар ёрилгач, Н.В.евич давом эттирди:

— Уйғун акани ёнларига ўтирган манави кичкина одам Тўла Туроб бўладилар.

Кимдир, пастдан Тўла Туроб эмас, Туроб Тўла, деб тузатган бўлди.

— Хай, нима фарқ қилди, бор ана сенингча бўлсун — Туроб Тўла. Розимисан? — дея бўйнини чўзиб жилмайди Н.В.евич, — бу киши-

ям шоир, дараматург, қўшиқчи шоир. Ие, Тула ака. Ашулаям айтар экансиз-да. Бугун бир мазза қилиб эшитамиз чоқидан сизни.

Залда биров кулар, биров анграйган, бировлар эса саркотибнинг савияси ҳаминқадарлигидан хижолат чекар эди...

— Энди мана бу учинчи киши, — овозини баландлатди Н. В. евич, — Зоҳиджон Обид бўладилар. Бу кишиям шоир, қушиқнавис. Ие, сизам қўшиқ айтасизми? Зўр-ку! Яна бу оғайнимиз сатирик, пилетончи. Бизларни пилетон-милетон қилиб юрманг тагин, Зоҳиджон ака, ҳа шундай бўлсун. Энг зўри шундаки, — бирдан мен ёзиб берган қоғозчага кўз ташлади Н. В. евич, — Зоҳиджон акамиз қишлоқ хўжалиги ходимлигидан ўсиб чиққанлар. Зўр касблари бор. Аслида бу киши мол дўхтур, яънеким, ветеринар шоир!

— Масхарабозлик! — деб юбордилар ўзларини тиёлмай Уйғун домла.

— Н. В. евич, шпаргалкадагини тўғри ўқинг, — дедим мен ҳам ўрнимдан сал қўзғалиб, — Зоҳиджон ака ветеринар эмас, ве-те-ран! Улуғ Ватан уруши ветерани!

— Иби, шундайми? Кўз курсин-а, кўз. Қарибмиз-да. Хай, ана санингча бўлсун: ве-те-ран. Манга ўхшаган ветеран! — ишшайди кўксигаги нишонларни кўрсатиб Н. В. евич.

Зал яна чайқалиб кетди. Хусусан, Зоҳиджон аканинг ноўхшов “хо-хо-хо”си томошабинлар кулгисини баттар қўзғатарди.

Кайфи ҳамон баланд Н. В. евич бироз саросималанди. Кейин ўзини ўнглаб, томоқ қириб, ҳеч нима бўлмагандай мени кўзлари билан имлаб кўрсатди:

— Манави тўртинчи бала ўзимизни маҳаллий шоир Аҳмаджон Тошпўлот бўлади. Таништираман ҳам ўзларинг буни яхши биласанлар. Қани, Аҳмаджон, энди навбат санга. Бу ёғини ўзинг давом эттир.

Шундан сўнг Н. В. евич виқор билан ўрнига бориб ўтирди.

...Менга қийин эди, азоб эди. Қадрли меҳмонларни ҳарчанд таъриф этмайин, ижодларини таъриф-таъсифламайин, бари бир ўрнига тушмасди. Табиийки, шеърхонлик кечамиз ўзига яраша ўтди. Лекин ўшанда Уйғун домланинг вазминлиги, босиқлигига қойил қолгандим. У кишига қараб фариштасифат Туроб Тўла ҳам, йўқ жойдан аския тўқиб, барчани кулдирадиган Зоҳиджон Обидов ҳам гўё ҳеч бир нохуш воқеа рўй бермагандай қисқа-қисқа чиқишлар қилдилар. Энди ўйласам, устозларимиз тўпланган ўз китобхонлари кайфиятини ўйлашган, уларда заррача гуноҳ йўқлигини ҳисобга олишган экан...

— Мулла Тошпўлат, — дегандилар ўшанда Уйғун домла йўлда келарканмиз, — аввало, хаёлни бўлмай, рулни тўғри бошқаринг.

Сўнгра шуни унутмангки, бизнинг ҳар кунимиз — бир тарих. Яхши воқеа ҳам, нохуш воқеа ҳам унутилмас солнома. Вақти-соаг келганда буларни қаламга олинг. Ҳозиргина бўлиб ўтган томонга ҳам эсдан чиқмасин. Сиз ҳали ёшсиз, ҳаётнинг баланд-пастини кўп кўрмагансиз. Шундай бўладики, маънавиятнинг кўчасидан ўтмаган чаласаводлар фақат биринчи бўлишга интилишади. Йўлини қилиб, бўладиям. Бўлгач, бодапарастлик қиладими, масхарабозлик қиладими, поражўрлигу модапарастлик қиладими, фарқи йўқ. Меники тўғри, деб юришади ва бошқаларниям ўз ортларидан эргаштиришга ҳаракат қилишади. Чунки у биринчи-да! Нима дедингиз, Туробжон, Зоҳиди ханда? Тўғрими? Афсуски, халқимиз кўпинча турли ўйинлар, ўйинчиларга, лўнда айтсам, буюк айданишларга иппониб юради. Аммо бундайларнинг умри қисқа. Вақт деган улуг ҳакам ҳаммасини ўз ўрнига кўяди, албатта, ўз ўрнига кўяди!... Сиз эса, укам, кўрган-кечирганларингизнинг бариини қайд этиб бораверинг. Тарих ҳеч қачон кўмилмайди, у бир куни қалқиб чиқади...

Азиз китобхон! Кўряпсиз, Уйғун домла пасиҳатларини ерда қолдирмадим. Хулп-нохуш кечинмаларни баҳоли қудрат тасвирлашга ҳаракат қилдим. Баҳолаш эса сизга тан.

4. “РАСВО НИҲОЛЛАР ЭКАН...”

1978 илнинг апрель ойи эди. Авжи баҳор, ҳаммасёқда яшнаш-яшариш. Туманлардаги бир ҳафталик учрашувлардан сўнг Уйғун домла ва ҳамроҳларини Бухоро пединститутидигилар (ҳозир университет) таклиф этиб қолишди. Бордик. Олийгоҳ эшиги олди тирбанд. Профессор-ўқи гувчилар, талабалар қутлови, қуршови остида меҳмонлар катта залга киришди. Ректор Жума Намозовнинг кириш сўзидан кейин таниқли олимлар Уйғун домланинг ҳаёт ва ижод йўли хусусида маърузалар қилишди, бир гуруҳ талабалар шеърларидан ёд айтишди. Кайфияти кўтарилган Уйғун домла очилиб-сочилиб, хотираларидан сўзладилар... янги газаларидан ўқиб бердилар. Туроб Тўла, Зоҳиджон акаларнинг чиқишлари ҳам авж пардаларда ўтди.

Табиийки, учрашувдан сўнг бир пиёла чой берилди. Залдан чиқиб, институт ҳовлисига, у ердан боққа қараб йўналдик. Олдинда профессор Жума Намозов билан Уйғун домла, қолганлар эса орқароқда кетяпмиз.

— Мана бу боғни, Уйғун ака, — дея овозларини баландатдилар ректор бошқалар ҳам эшитсин қабилида, — беш йилча булди барпо этганимизга. Албатта ҳашар йўли билан. Юз хилга яқин ниҳоллар қурдик. Сурхондан, Қашқадарёдан, Жиззаху Тошкентлардан, эҳ-ҳс,

кўп шаҳру қишлоқлардан талабаларимиз, домлалар олиб келишди. Мана бу гулларимизга қаранг, райҳондан тортиб гулхайригача бор, назаримда саксон хил бўлса керак.

— Зўр бўпти, — дея маъқулладилар Уйғун домла мамнуният билан, — савоб иш қилибсиз. Одамдан яхшилик қолиши керак-да, шундай эмасми?

— Албатта-да, Уйғун ака, келажак авлод учун қилдик бу ишларни, — дея сўзни илиб кетдилар Жума Намозов, — энди сизга, домулложон. яқиндагина тугатган янги бир ишимизни кўрсатай. Десангиз, фонтанча қурдик. Ҳой, Саиджон, — дея орқага юзланиб, озгилигина, бўйчан бир йигитни чақирдилар ректор, — югур, фонтанни очиб юбор, бир мазза қилиб томоша қилайлик.

Йигит жадаллаб кетгач, боғ ичкарасига қараб бурилдик. Тўғриси, боғ кўрса-кўргулик эди, чаманзор, роҳатижон... Фонтан ёнига келдик. Унинг атрофига арчага ўхшаган, игнабарг ям-яшил ниҳоллар ўтқазилган.

— Мана бу ниҳолларни, — дея яна ифтихор билан сўзга киришдилар профессор Жума Намозов, — икки ҳафтача олдин Самарқанддан обкелдик. Номи — туя, домулложон. Янаги йили келинг. ўзиям, туямисан-туя булади-да, яъни туя баробар ўсмаса, ҳаммасини кўпориб ташлайман.

— Ҳозирок кўпориб ташланг, — дедилар Уйғун домла тунд ва норози қиёфада шарт орқага бурилиб, — расво ниҳоллар экан. Умуман, ўртоқ ректор. дидингиз паст раҳбар экансиз. Боғингизам ярим чақага арзимаёди.

Бечора ректор ва бошқа мезбонлар ҳангу манг қолишди. Ахир, улар Уйғун домлага баъзи дўстлари қўйган “туяқуш” деган номдан тамомила беҳабар эдилар-ла...

5. “ШУ БОЛА САЉ ОВСАРРОҚМИ, ДЕЙМАН?...”

Бир гал домлаларни Навоий туманига олиб бордик. Гуруҳ йўл бошловчиси обкомнинг ўша пайтдаги мафкура бўлими мудири Абдулла Музаффаров эдилар. Катта меҳмонлар келишибди, деб райкомнинг биринчи котибидан тортиб, оддий ходимларигача атрофимизда. Ҳар бир учрашув байрамона руҳда ўтарди. Айниқса, туман кўмитаси бўлим мудири Аҳмад Ҳамидов деган киши (Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин) давраларга қур қўшиб турарди. У Зоҳиджон ака билан тил топишганди шекилли, нуқул аскиябозлик қилар, оҳори

тўқилмаган латифалар айтиб, барчани бетиним кулдирарди. Тўғриси. Аҳмаджон акани “Навоийнинг афандиси” деганларича бор эди.

— Укам, сизни онангиз кулиб туриб тукқанми ёки туға туриб кулганми? — дея сўрагандилар Уйғун домла завқланганча.

— Ундай десангизам тўғри. бундай десангизам тўғри, Уйғун ака, — деганди у самимий оҳангда, — минг йилда бир кепсиз биз ёқларга, хурсанд бўлинг дейман-да. Бир тўйиб кулса, ўн марта палов егандай бўларкан киши. Сизлар бўлса, юз мартадан кулдиларинг, шундай эмасми, домулложон?

— Яшанг, райкум бола, тўғри айтдингиз. Ие, шошманг, укам, — бирдан ҳушёр тортдилар Уйғун домла, — Ҳали қуруқдан-қуруқ бизни оч жўнатасизлар шекилли.

Бўлди кулги. Шу баланд руҳда машиналарга ўтириб, Самарқанд чегарасига яқин Ҳазора деган жойга бордик. Бу ерда райкомнинг кўркем боғи, унда катталар учун махсус қурилган меҳмонхона бор экан. Ярим кечгача давом этган зиёфатдан сўнг меҳмонлар боғда тунаб қоладиган бўлишди.

— Укажон, — дея мени четта имладилар Абдулла ака Музаффаров, — ишим жуда кўп. Мен Бухорога қайтишим зарур. Эрталаб Самарқанддан машина келади. Меҳмонларни кузатиб, сўнгра қайтарсиз. Ҳушёр турунг. Тагин домлаларни биров хафа қилмасин.

Абдулла акани жўнатгач, яна хийла суҳбатлашдик. Сўнг белгиланган хоналарга кириб, ётадиган бўлдик.

— Сиз тўрдаги хонага ўгасиз, — деб қолди Аҳмад Ҳамидов Уйғун домлага тавозе билан.

— Ие, шунақами? — дея унинг ортидан эргашдилар Уйғун домла. “Ҳушёр турунг” деган топшириқ олганим боис мен ҳам улар изидан боравердим.

— Бу хона, сизга айтсам, домулложон, табаррук хона, — мақтай кетди завқланганча бўлим мудири, — Ойбек домла ҳам вафотларидан бир ой олдин шу хонада тунаб кетувдилар...

— Ие, шунақами, шу-шунақами? — кўзлари катта очилиб, лаблари осилди Уйғун домланинг.

Аҳмад Ҳамидов эса мақташда давом этарди:

— Бу диван-каравотни қаранг, бай-бай. Пуржиналари таранг. Бу кеча мазза қиласиз, домулложон. Мани айтди дерсиз, бир чўзилиб кўринг.

— Раҳмат, райкум бола, ра-аҳмат, чўзилгандай бўлдим, — асабийлашиб, дона-дона уқтира кетдилар Уйғун домла, — келинг, шу диван ҳам, хона ҳам табарруклигича қолсин. Бизга оддийси ҳам бўлаверади. Қани, бошланг бошқа хонага.

...Устознинг буйруқлари вожиб бўлгач, бўлим мудир иши кўплигини айтиб, кетиб қолди. Уйғун домла ўринларига кира туриб, менадан сўраб қолдилар:

— Мулла Тошпўлат, бу болани кўпдан танийсизми?

— Кўпдан. СамДУда олдинма-кейин ўқиганмиз, хушчақчақ йигит.

— Шунақа денг? — Қошлари тутунчаланди Уйғун домланинг, — хушчақчақлиги рост-ку, аммо сал оvsарроқ, бeфapосатpoқ эканми дейман...

Мен “билмасам” дегандек елка қисиб, хайрли тун деганча, ўз хонамга кириб кетдим...

6. “БИЗ ШУНАҚА ЗҶР ЙИГИТМИЗ-ДЕ...”

Шоир Сайёр билан кўп йиллик қадрдонман. Шу киши туфайли гўри нурга тўлгур Тўлқин билан ҳам ака-ука тутингандик. Шу боисдан уларни Бухорога тез-тез таклиф этардим. Келишарди. Дала шийпонларида, мактаблар, ўқув юртиларида қизгин адабий учрашувлар утказардик. Ҳали-ҳали эсимда: 1988 йилининг май ойлари эди. “Ҳамзахонлик” муносабати билан уларни Жондор туманидаги Ҳамза номли жамоа хўжалигига олиб бордим. Ҳовуз бўйидаги серсоя, кўркам дала шийпонида икки-уч юз чоғли одам тўпланган. Учрашув бошланишидан олдин Сайёр ака қулоғимга шипшидилар: “Укам, ҳар галгидек менга охирида навбат берсангиз”. Бишардим. Сайёр ака давра сўнгида тўппа-тўғри одамлар орасига чиқар, турли хангомалар, латифалардан айтиб, барчани хушнуд этар, беш-ўнта ишқий шеърларидан ўқиб бериб, олқишлар селини ёғдиртирарди. Шуни назарда тутиб, “бўпти, акам, сиз айтгандек бўлади” дея микрофони кўлга олдим. Бирин-кетин Фулом Шомуродов, Музаффар Турсунов, сўнгра Тўлқин ва мен чиқишлар қилдик. Навбат Сайёр акага келганда, билмадим, хаёлимга тўсатдан келдими ёки қизиқчилик йўлигами, шундай деб гап бошлабман:

— Азиз юртдошлар, эшитгансизларми ёки йўқми, ҳозир сизларга бир воқеани матлум қилмоқчиман. Бундан йигирма йилча олдин тошкентлик бир олғир йигит Бухорога келиб, ниҳоятда гўзал, паричеҳра бир шоира қизни ўғирлаб кетиб, турмуш қурган. Ўша ўғирланган қиз бугунги ардоқли, истеъдодли шоира опамиз Гулчеҳра Жўраева бўладилар. А, “ўғри” йигит эса ҳозир сизлар билан юзма-юз ўтирган мана шу шоир Сайёр бўладилар. Навбат у кишига!

Бундай қарасам, Сайёр акам беҳад хурсанд, бош чайқаб, гурур-

ланиб, керилиб ўтирибдилар. Бировлар ҳайратда, бировлар чапак чалишарди. Шу пайт олдинги қаторда ўтирган томошабинлардан бири — новча, озгинроқ йигит ўрнидан хиёл қўзғалди. У менга қарата тожикчалаб шундай деса бўладими:

— Акамулло, ин шоиратона афташон худди афти дуз барин будаст (бу шоирингизнинг кўринишлари ҳам ўғрига ўхшар экан).

Гуриллаб кулги кўтарилди. Тўғриси, бошқалар қатори мен ҳам ўзимни тўхтатолмасдим. Сайёр ака билан Тўлқин ҳам новча бола кулгили зўр гап айтган бўлса керак деб, қарсак чалиб, жилмайишарди.

Қийқириқ бироз босилгач, Сайёр акам мендан секин сўрадилар:

— Бу окамиз нима дедилар, Тошпўлатжон?

— Бу акамиз айтаяптиларки, — дея таржима қила кетдим. — бу шоирингиз кўринишидан ҳақиқий бў-ўз болага ўхшар экан...

Мамнун бўлиб, кайфияти кўтарилган Сайёр ака ҳалиги новча йигитга қарата “биз шунақа зўр йигитмиз-да, окоси” дея кўкрак керганча давра ўртасига чиқдилар...

7. “ҚАТИҚ ИЧИРАМАН ДЕБ...”

Қизилтепа туманида Зармитан деган қишлоқ бор. Бу жойнинг қатиғи шу қадар зўрки, косада ивитилганини тўнтарсангиз, тўкилмайди. Устоз шоир Шухратнинг бу несъматни қуёшнинг бир парчасига ўхшатгани ҳам бежиз эмас. Қатиқнинг таърифини кўп эшитган Сайёр ака бир куни таклиф қилиб қолдилар:

— Ўша ерга бир обормайсизми, укам?

— Бўпти, Сайёр ака, қатиқ сиздан ўргилсин-да...

Тушга яқин Зармитанга етиб келиб, атрофи дов-дарахтли кичикроқ бир ошхонага кирдик. Чап томондаги буфетда қатиқ ивитилган сопол косалар қатор турибди. Учтасини олиб, столга ўтирдик. Бироздан сўнг ташқарига чиқиб, буфетчи болани имладим.

— Домла Хуршид Ёқубовни биласанми?

— Биламан, дириктиримиз бўладилар, — деди у ҳозиржавоблик билан.

— Унда, укажон, сендан бир илтимос, — дедим секингина, — мактабга бориб, фалончи дўстингиз Тошкентдан иккита оғайнисини келган, тез етиб бораркансиз деб айтгин.

Бола “хай, домложон. Бу хизмат биздан, лекин буфетга қараб

туринг”, дея мактаб томонга югурди. Қайтиб, қатикхўрлик қилаётганимизда биров ошхона эшигидан қучоқ очиб кириб келди.

— Иби, иби, жўражон. Биз томонларгайм келаркансизлар-да, бош устига, бош устига.

Бу — университетдош, қадрдон дўстим Хуршид Ёкубов эди. У барчамиз билан бағирлашиб кўришгач, қўйнидаги икки “оқ мўйсафид”ни чиқариб қўйди.

— Ҳой, Бозорбой, — буфетчига хитоб қила кетди у, — бугун ҳам мактаб бормабсан-да, хумпар. Хай, майли. Ҳозир қулоғингни чўзмайман. Бу ёққа кел, йиғиштир бу коса-посаларингни. Отангта айт, шашликни оловга қўйсин, қимирла, балиқ обкел. Нима, меҳмон кутмаганмисилар олдин?

— Ҳозир-да, домулложон. Шестъ секундда ҳаммаси тайёр бўлади. — дея стол тузата кетди бола.

Кўп ўтмай бошланди томоша. Хуршид бизнинг келганимизни бошқа дўстларига айтган экан, шекилли, беш-олти киши биринкетин кириб келишди. Ҳаммасининг қўлида битта-иккитадан “мўйсафид”. “Жон ака, қалай бўлиб кепсиз, қўлимизни қайтарманг, тешса, мана орамизда дўхтир бор. Илтимос, шугинани олинг”лар авжга минди. Сухбат, кулги, ора-оралаги шеърхонликни пиёлалар жаранги босиб кетарди. “Шоферлигим” асқотди шекилли. Ёлғиз мен томошабин эди. Орадан уч соатми, тўрт соат ўтган. Қарасам, ўн-ўн беш чоғли шиша оёқ остида юмалаб ётарди. Аҳвол ночор: Сайёр ака ҳам, Тўлқин ҳам роса пишиб қолишган. Мезбонлар қўлидан уларни қутултиргунимча жоним ҳалқумимга келди. Акаларимни зўрға мапиннага ўтқазиб, “қайдасан, Бухоро” дея газни шитоб босдим...

Эрталаб меҳмонхонага борсам, азиз меҳмонларим бир хил бўлиб ўтиришибди, рангларида ранг йўқ.

— Ҳа, Тўлқин ака, аҳвол қалай? — дедим кўриша туриб улар билан.

— Дабдала, азизим, дабдала! — дея кўкрагини ишқалай кетди бечора Тўлқин ака.

“Нима қилди, тинчликми?” деган маънода Сайёр акага юзландим.

— Кеча қатикхўрликка оббораман деб, қатигимизни чиқарибсизку. Ичак-чавоқ ағдарилиб кетди-е, укам, — бош чайқаб кетдилар Сайёр ака. Бир илтимос, жигарим, заҳарни заҳар кесади деганлар. Яримта топиб келинг. Газагига Зармитанники бўлмасаям. Ўриснинг кефиридан олишни унутманг. Биз камтаринмиз, ўшайам бўлаверади...

8. “ҚИП-ҚИЗИЛ ЕТИМЧА”

Бундан тўрт йилча олдин — Наврўз байрами арафаси эди. Шоир дўстим Самандар Воҳид билан вилоят ҳокимлигига бордик. Бу ердаги йиғингоҳда “Соғлом авлод учун” жамғармаси томонидан етим болаларга хайрия улашни маросими ўтказилаётган экан. Мухбирлар сифатида бир чеккада ўтирлик. Бошловчи кишининг узук-юлуқ кириш сўзи, икки-уч фахрийнинг қутловидан сўнг асосий тадбир бошлаб юборилди. Оппоқ сочи ўзига ярашган, нуроний бир опахон ўртага чиқди. У киши жамғарма раясаси Соня Қодировна эдилар. Опахон қўлидаги рўйхатни ўқир, болакайлар қимтиниб, баъзиси шитоб келиб, ўзга бир ходиманинг қўлидан совғаларни қабул қилишарди. Анчадан сўнг маърака яқунланиб, навбат бадиий қисмга келганда, қўл кўтариб ўрнимдан қўзғалдим.

— Соня опа, бир таклиф бор, — дедим жиддий оҳангда, — рози бўлсангиз, айтаман.

— Қанақа таклиф, укажон. Майли, айтинг. — Ҳушёрланди опахон.

— Хабарингиз борми, йўқми, билмайман. Ёнимда ўтирган шоир Самандар Воҳиднинг беш йилча олдин отаси, ўтган йили онаси вафот этувдилар. Бечора жўрам — қип-қизил етимча. Шунгаям бирор нарса берсаларинг...

Кутилмаган гапдан анграйган Самандар ўрнидан туриб кетди:

— Ишонманг-э, Соня опа, бунинг гапига. Биласиз-ку, бу шум болани, масхарабоз.

— Нима, етимлигинг ёлғонми? — бўш келмадим мен ҳам.

— Ростликка рост, лекин...

Залда бировлар қарсақ чалар, бировлар хоҳолар, “берилсин, совға берилсин домлога” деган хитоблар янграр эди.

— Укажон, — дея майин жилмайиб сузга киришдилар ниҳоят Соня опамиз, — шу таклифингизни кеча айтганингиздаям рўйхатга қўшиб қўярдим. Нима қилай, ҳозир совға тугади. Лекин хафа бўлманг, бугун тушдан сўнг идораларига юбортираман...

Кеча яқин кабинетда ўтирувдим, телефон жиринглаб қолди. Дастакни кўтарсам, Самандар Воҳид!

— Жўра. — дерди у мамнун оҳангда, — хайрият, сен ҳам борсан. Мендай етимчани катгалар унутишмади. Совға келди.

— Ростми? Ҳа, номард. — дедим текин луқма ундирилганимдан хурсанд бўлиб, — эрталаб мендан хафа бўлувдинг-а? Эшитдим, яқинда ўғлингни уйлантираркансан, билсанг, мендан тўёна шу!

— Бўпти, бўпти, жўражон. Лекин сендан яна бир илтимосим бор, — дея завқланиб давом этди Самандар, — эртага “қизил ярим ой” жамияти, индин куни болалар жамғармаси шундай талбир ўтказаркан. Бирга борайлик, улардан ҳам бирор нарса ундириб бер мен ғирт етимчага. Бошлиғимизсан-ку, сенинг гапинг гап. Эвазига яримта кўяман.

— Ҳе, ўргилдим сендай “етимча”дан, — деб сўзини кесдим дўстимнинг, — шунча текин совғани битга ўзинг есанг, тешиб чиқади-ку! Менга қара. Майли, сен билан бирга борганим бўлсин. Лекин шартим бор: совғани тенг иккига бўласан. Ахир мен ҳам ярим етимман-ку!

— Розиман, жўражон, розиман. Сен ундириб бер, у ёгини ўзаро келишамиз, — деди Самандар дастакда узоқ кулганча...

III. МУРОД ХАЛИЛ ҲАНГОМАЛАРИ

Бухоройи шарифда Мурод Халил деган шоир бўларди. Кўплаб назмий ва насрий китоблар чоп эттирган бу адиб ғоятда нозиктаъб, ҳозиржавоб журналист ҳам эди. Фиждувоннинг Соктаре қишлоғида туғилган Мурод ака бола-чақаси кўплигиданми ёки болалиги, ёшлик йиллари оғир кечганиданми, ўта хоксор яшар, ҳар бир тийинни тежаб-тергаб ишларди. Энг муҳими, у софдил, ҳалол, тўғри сўз ва заҳматкаш инсон, газетачилик унинг жону дили эди. 70 йилларнинг бошларигача “Бухоро ҳақиқати” газетасининг адабиёт ва санъат бўлимини бошқаргани эсимизда. Унинг хонасида ҳаминша кулги янғиради. “Теша тегмаган” воқеалар, латифамонанд ҳангомалар содир этардики... улардан айримларини қаламга олиб, бир туркум дасталашни жоиз деб билдим (илоҳим, Мурод акамизни Аллоҳ раҳмат этган бўлсин).

1. “ОҚ ЙЎЛГА ОҚ ҚЎЙ ЖОИЗ...”

“Бухоро ҳақиқати”да Мурод ака билан бирга ишлардик. Ёз ойлари эди. Очиқ турган эшик аввал чертилиб, сўнг ичкарига бўйчанроқ, миқти гавдали, ҳабашмонанд бир йигит кириб келди.

— Э, ана ўзларидан сўрасак, қҳҳҳ, — дея қоғозлардан бош кўтариб завқланганча ўрнидан қўзғалди Мурод ака, — келсинлар, келсинлар. Пол Робсон жаноблари.

Пол Робсон дегани Бухоро пединститuti ўқитувчиси, шоир Тему́р Норов эди. Ўзи шеър ёзиб, ўзи куй басталаб, торда ўзи куйлайдиган бу хушчақчақ йигит билан яқинда танишган эдик.

— Ассалому алайкум, домулло, — дея у Мурод аканинг қўллари-ни сергўшт панжалари орасига олди. Бир неча бор силкитгач, “домулло”ни маҳкам қучоқлаб кўтариб, икки-уч бор айлантириб, ерга қўйди.

— Ҳой, ҳўкизвой Робсон, белни синдириб юбординг-ку! — инқилдай кетди Мурод ака. — Шоир ҳам шунақа бесўнақай бўладими?

— Чиданг-да, домулло, — кўзойнагини тўғрилаб, қаҳ-қаҳ ура бошлади Темуржон. — Ўзингиз менга Пол Робсон деб ном қўйгансиз. Пол Робсончасига би-ирр қучоқладим-да энди.

— Ҳе, ўргилдим сендай ҳабашдан. Бўлди, бугундан бошлаб Темур Норбексан, Робсон деган ном сенга оғирлик қилади шекилли...

Мурод ака шундай дея ўрнига ўтирди. Темуржон мен билан ҳам самимий кўришгач, стулга чўкди. Сўхбатимиз кўр олгандан-кўр олди. Гап айланиб, унинг уч-тўрт кун олдин қолдириб кетган бир даста шеърига бориб тақалди.

— Гап бундай. Робсон жўра, тоис, Темур Норбек, — дея менга қараб секин кўз қисди Мурод ака, — шеърларинг менга маъқул. Манави дўстинг ҳам ўқиди. Тўрттасини танлаб, чиройли “оқ йўл” ёздим.

— Э раҳмат-е, домулло, ра-аҳмат! — мамнунлик изҳор қила кетди Темуржон. — Биз ҳам любой хизматга тайёрми!

— Э, ана, қҳҳ, ростми? — табассум қилди Мурод ака. — Ўзларига келдилар чоғи Робсон, тоис, шоир жаноблари.

— Рост, домулло, тортинмай айтаверинг. — Қўлини кўксига қўйди яна Темуржон, — бизники хизматга тайёр!

— Шоир! — менга қараб хитоб қилди Мурод ака, — бу Робсон зў-ўр йигит-да! Ичингдагини билиб туради-е. Нима дедингиз?

Мен бош силкиб, маъқуллаган бўлдим.

— Бўлмаса, гап бундоқ. — Ўрнидан туриб, жиддий таъкидлай кетди Мурод ака, — мен ҳар кимгаям “оқ йўл” ёзмайман, жўра. Биласан-а?

— Ҳа, албатта, домулло!

— Шундай бўлгач, “оқ йўл”нинг бир шарти бор.

— Қанақа шарт? — ажабланиб сўради Темуржон.

— Ҳайрон бўлмагин, жўра, билсанг, “оқ йўл”га оқ қўй жоиз! Яъниким, битта зиёфат қарздорсан, ққ-қҳҳ...

— Э, бор бўлинг-а, домулло. Шундай демайсизми? Ўнта зиёфат сиздан ўргилсин-да!

— Ана айтмадимми, Тошпўлат, бу Робсон жуда зў-ўрр йигит-да, қҳҳҳ. — чапак чаларди Мурод ака ташлаётган қармоғига ов или-

наётганидан хурсанд бўлиб, — би-ир оқ қўйдан тандиркабоб еркан-миз-да.

— Домулло, — бирдан хунёрланди Темуржон. — Қора ёки сур қўй бўлмайдими? Оқ қўй бўлиши шартми?

— Шарт-да, шоир, шарт! — кўрсаткич бармоғини силкитиб, уқтирди Мурод ака. — Қизигийм шунда-да! Яъни оригинал шеърларга оригинал зиёфат лозим. “Оқ йўл”га оқ қўй! Қандай жаранглайди, бу сўзлар, шоир. Тўғрими!

“Тў-ўғри” дея Темуржон бироз хаёлга толди. Кейин бир қарорга келди, шекилли, бурни устига тушган кўзойнагини тўғрилаб туриб сўради:

— Бўпти, домулло, мен рози. Қачон борасиз бизникига?

— Иби, бунча хасис бўлмасанг. Борасиз эмас, борамиз. Шоирларнинг каттаси бор-ку, Тошпўлат Ҳамид, ана ўша киши бошчилигида беш-олти кишилаб борамиз, — таъкидлади Мурод ака, — кўнгилни тор қилмай, даврани кенг қил, шоир. Мен ҳар кимгаям “оқ йўл” ёзмайман.

— Узр, домулложон, неча кишини олиб келсангизам, бош устига!

— Ана бу бошқа гап-да, Робсон жаноблари, — мамнун жилмайди Мурод ака, — бугун чоршанба. Якшанбагача уч ярим кун бор. Эртага пайшанба бозори, сўнгра якшанба бозори дегандай. Оқ қўйни бемалол топиш мумкин. Шундай эмасми? Тайёргарликни зўр қилавер, ука. Ҳазилакам меҳмонлар бормаиди уйингга. А, “оқ йўл” душанбадан сешанбагача чиқади. Келишдикми?

— Келишдик, домулло. Демак, якшанба куни намозшом пайти сизларни кутаман! — Темуржон шундай дея мамнун ҳолатда биз билан хайрлашди.

— Қалай бўлди, шоир, қxxx? — Жилмайди Мурод ака, — шу болани туширолмай юргандим, қxxx. Кошки Бухорода оқ қўй топилса? Майли-да, ахгарсин, оввора бўлсин. “Оқ йўл”ни осонгина берсак, қадри қолмайди. Ё йўқми?

— Жуда ажойибсиз-да, Мурод ака, — дедим нима дейишимни билолмай, — бечора Темуржон оқ қўйни қайдан топади энди?

— Менга леса, Қорақалпоққа бориб топиб келмайдими. Сиз билмайсиз, бу болани қўли узун... Терлаб бир эриса, нима қипти? Шундай эмасми?

Мурод аканинг саволи жавобсиз қолди. У кишини муҳаррир чақиртирган экан, шекилли, бир даста қоғозни олиб, гашқарига йўналди. Мен эса Мурод аканинг гоҳ ҳазил, гоҳ жиддий сўзлари, Темуржон дўстимнинг соддалигини ўйлаб, анчагача хаёл оғушида қолдим...

Томошанинг давоми эса якшанбада содир бўлди. Мурод ака рост айтган экан. Ўша куни намозшом пайти Тошпўлат Ҳамид бошчилигида Темур Норбекнинг уйига олтовлон бўлиб жўнадик. Келсак, ҳовли атрофлари супуриб-сидирилган, сувлар сепилган. Хонандалар “Муножот”ни авж пардаларда куйлашяпти. Бизни дарвоза олдида Темуржон бошлиқ уч-турт йигит кутиб олишди. Ичкарига қадам қўйишимиз билан Темуржон овоз берди:

— Ҳой, қассоб жўра, қўчқорни ечинг. Устозларимиз пойқадамига сўйинг-е, бир қон чиқазайлик...

Қўчқор дегани чоғроққина совлиқ эди. Семизгина қассоб уни ечиб, биз томонга етаклаб келди. Саломлашгач, таъзим бажо келтириб, совлиқнинг оёқларини тушовлай бошлади. У “бисмилло” дея узун пичогини қинидан чиқазаркан, синчков Мурод ака “Иби, иби, қассобжон, тўхтанг” деб қолди. Барчамиз ҳангу мангмиз. Қассоб эса пичогини тишлаганча “тинчликми?” дегандай у кишига жавдираб қарарди. Мурод ака бирдан “қxxx, қxxx, ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ” дея қийқириб кула бошлади. Тошпўлат ака бўлса, “Мурод ака, нима бало, жиннимисиз?” дея елка қисарди.

Ниҳоят, Мурод ака кўз ёшларини артиб, Темуржон томонга қайрилди.

— Ҳой, Яол Робсон, нега биқиниб ўтирибсан? Бу ёққа кел. Шум бола бўлмай кетгин-да сан. Нима, бизни анқов деб ўйловдингми? Бу оқ кўй эмас-ку. Нега унга оқ краска суртдинг?

Қарасак, ҳақиқатан ҳам совлиқнинг тумшуги, оёқлари, қорнининг остки қисми, қуйругининг усти. Калтагина думчаси оқ бўёқа бўялганди.

Бирдан Темуржоннинг ҳовлисида кулги гулхани алангаланди. Хусусан, Тошпўлат ака қорнини ушлаганча, Тожи Қораев елкаларини силкитиб кулар, қолганлар ҳам кўз ёшлари чиққунча завқланишар. Темуржоннинг “ихтироси”га тан бермасликнинг иложи йўқ эди.

— Хай, нима қилай, охи, — дея тушунтира бошлади Темуржон, — сидирга оқ кўй тополмадим-да. Пайшанба куни мол бозорига тушдим: оқ кўй йўқ. Жума куни Варахша чўлига бордим, учта ўтовдан суриштирдим: оқ кўй йўқ. Кеча Қоракўлга бордим, яна оқ кўй йўқ. Бу савил қолгурни битта жияним бугун Чоржўйдан обкелди. Қарасам, бу энағарнинг ҳам ярми оқ-у, ярми қора. Сезмайсизлар деб оқ краска суртувдим-да...

— Йўқ, Робсон жўра, бўлмайди бу ҳунаринг, — бош чайқаб, жиддийлашди Мурод ака, — масалан, мен уйингга кирмайман. То оқ куй сўйилмас экан...

— Э, майли-е, домулло, воз кечдим ўша “оқ йўл”ингиздан. Лекин унга киришлар, — ялинишга ўтди Темуржон, — онам билан хотиним қараб туришибди, мени шарманда қилманглар, илтимос, киришлар.

— Гап битта бўлади, шоир, кўп эланма, — дея дарвоза томон йўналди Мурод ака гўё аччиғи чиққандай, — майли, булар киришсин, лекин мен кетаман.

— Ўвв, эсингиз борми, домулло? — Мурод аканинг олдини тўсди жаҳли чиққан Темуржон. — Ҳозирча кўйни сўяйлик, шуни еб кетинглар. Келгуси ҳафта ернинг тагидан бўлсаям топаман ўша оқ кўй қизигарни...

— Келинг энди, Мурод ака, — кула-кула ўртага тушди Тошпўлат Ҳамид, — кўп ўжарлик қилманг энди. Топаман деяпти-ку бечора укамиз ўша оқ кўйни.

— Бу бошқа гаа-ап, — дея ортга қайтди Мурод ака, — лекин жўра, бу зиёфатинг ҳисобга ўтмайди. Ўша гапим гап: “оқ йўл”га оқ кўй жоиз...

Кўй сўйилди. Ўтириш жуда қуюқ ўтди. Меҳмонлар жониворнинг калла-почасигача еб битиришди. Харажатларнинг ҳисобини ҳеч ким олган эмас... Фақат Темур Норбек деган ажойиб, меҳмондўст дўстим Қашқадарёнинг аллақайси чўлидан оқ кўй топиб келтириб, такрор зиёфат уюштиргач, газетада унга аталган “оқ йўл” босилиб чиқди.

Саккиз-ўн қаторгина “оқ йўл” остида бизнинг афандимонанд шоир акамиз Мурод Халил имзоси савлат тўкиб турарди...

2. “БИЗ УХЛАМАГАЧ, БОШҚАЛАР ҲАМ...”

Ўша пайтлари газета ҳафтада беш марга чиқар, навбатчилик дегани эса тез-тез етиб келарди. Бир оқшом Мурод ака билан шу вазифани адо этадиган бўлдик. Энг аянчлиси, босмахона хароб, алмисоқдан қолган линотиплар бузилиб қолар, кўпинча ҳарфлар қўлда териларди. Шу боис иш чўзилгандан-чўзилар, газетани чоп этиш саҳар чоғи амалга оширилар, уйқусизлик деган бало биз билан ҳаминша ёнма-ён эди.

Ўшанда ҳам худди шундай ҳолат юз берганди. Саҳар, соат уч-тўртлар ораси. Мурод ака ҳорғин, киртайган кўзларини ишқалаб-ишқалаб, ручкани стол устига қўйди, узоқ керишгач, менга юзланди:

— Хў-ўшш, шоир, аҳвол қалай?

— Кўриб турганингиздай!

— Қққққ, чарчабсиз-а, укам. Билсангиз, газетани нони жуда қаттиқ, — менгами, ўзигами ачингандай бўлиб гапира кетди Мурод ака. — газета буёғини бир ҳидлаган одам бу даргоҳдан узоқ кетолмайди. Мана, мен. Ўн беш йилдирки, шу жойнинг тупроғини “ялаб” юрибман. Кўп “ёғли” жойлардан иш таклиф қилишди менга. Бормадим. Боролмайман! Лекин биласизми, иши оғир булсам, нони ҳалолда бу ернинг, топганингиз суяк-суягингизгача сингади. Бировдан муттаҳам бўлмай, магрур юрасиз. Журналист бўлишнинг кайф томониям шунда-да, шоиржон. ё нотўғрими?

— Тўғри, Мурод ака. Биз ёшлар сизларга ҳавас қилиб келганмиз-да бу ерга, — дедим астойдил.

— Яшанг, шоир. Ҳаракат қилсаларинг, биздан ҳам ўзиб кетасизлар.

Мурод ака шундай дея ўрнидан кўзгалди. Тик тургунча бир пиёла чой куйиб ичди. Кейин шумлиги тутди шекилли, ўрнига ўтириб, телефон дастагини қўлига олди.

— Менга қаранг, шоир, ққққ, сўнгги саҳифанинг чиқишига ҳали бир соатча вақт бор. Бекор, шумшайиб ўтираверамизми? Мана, сиз билан мен бедор ўтирибмиз, ишлаб. Нега бошқалар ухлаши керак экан... Хотинини кучоқлаб, тўлғаниб.... А. нима дедингиз?

— Нима қилмоқчисиз ўзи?

— Ҳозир кўрасиз-да, укам.

У шундай дея рақам териб, дастакни анчагача қулогига тутиб турди. “Да” деган палағда овоз эшитилгач, Мурод ака сўзга киришди:

— Алё, ўзларидан сўрасак, шоир. Қалай, яхши ухлаб ётибсизми? Табриклаймиз. Азизим, шеърларингиз чиқаяпти. Эрталаб бир мазза қилиб ўқийсиз-да.

Дастакдан жаҳддор овоз келарди:

— Ўвв, номард, қари шайтон! Хабарим бор-ку бундан. Кундузи бориб, корректурасини ўқиб келувдим-ку! Уйқуни расво қилдинг-е, ҳе, ўша...

— Иби, иби, сўкманг, азизим, сўкманг. Мен ижод қилишингиз тарафдори. Мана, биз ухламасдан газета ясапмиз, ишляпмиз. Нега сиз ухлашингиз керак экан? Уйқу кони зарар, агар билсангиз, — дерди Мурод ака ҳарифига гал бермай, — умуман, азизим, шоир одам кам ухлаши керак. Ёзинг, жўражон, ёзганингиз қолади, ишланг...

Мурод ака тилини чиқарганча бир жилмайиб, дастакни ўрнига қўйди. Сўнгра “қққққ” дея қўлларини бир-бирига ишқади:

Ҳайратланиб сўрадим:

— Ким эди у киши?

— Тошпўлат Ҳамид, жўрам. Бирга катта бўлганмиз. Уям мени шунақа “тушириб” юради... Кўрасиз, у эрталаб келиб мени бўғади. Лекин мен ишда бўлмайман, дам оламан. Топсин-у, олсин.

— Қилигингиз курсин-да, Мурод ака, бировларни уйғотиб нима қиласиз? Кўйинг шунақа шумликни! — дедим кап-катта кишининг шўхликларидан ҳайратга тушиб.

— Қққққ, қизиқсиз-а, шоир, нега кўярканман? Биз ухламагач, бошқаларга бало борми ухлашга!

У болаларча қийқириб, яна рақам тера бошлади.

— Алло, 6-ҳаммомми? Қоровулмисиз? Да, менга қаранг, мен директирман. Ҳаммомчи ака Ҳасан қаерда? Уйида? Нега уйида? Тез бориб уйғотиб келинг. Ҳаммомни ёқсин. Масқондан комиссия келган, тўрт киши. Номерларни, буғхонани гумбур қилиб иситсин, тозаласин. Тушунарлими? Бир-икки соатдан кейин борамиз. Кал Ҳасанга айтинг, аччиққина шўрвача ҳам тайёрласин. Кўй гўштидан, думбасидан кўпроқ солсин. Хўп, хайр.

— Қалай бўлди, шоир? — дастакни ўрнига кўяркан қош учуриб сўради Мурод ака, — бизни комиссиядан қаеримиз кам? Ўзимиз ишни тугатиб бориб, маъза қилиб ювинамиз энди. Э, мен айтсам, кал Ҳасан шўрвачани зўр қилади-да, азизим. Ўзи ҳаммомда шўрва ичганмисиз? Қип-яланғоя бўлиб, лунгини белга ўраб, шўрва ичсангиз, онадан қайта туғилгандай бўласиз. Оҳ-оҳ. Мен билан бирга юринг, кўрасиз кал Ҳасаннинг шўрвасини...

Мен муносабат билдирмасимдан Мурод ака навбатдаги рақамни тера бошлади:

— Алё, алё. Савдо базасими? Ўвв, қаравул, нега трубкани дарров олмайсан? Ухлаб ётибсанда-а? Ҳай, номард! Ман начайлик ахранаман. Базани орқасида уч-тўртта ўғрибаччалар юрган экан. Дарров базани айлан, ҳайдаб юбор уларни. Агар биронта хас ўғирланса, биринчи сани қамайман. Тушундинг! Ухлама, эшитдингми? Мана, биз ухламай ўтирибмиз-ку. Йигирма минутдан кейин ўзим текширишга бораман. Агар ухлаб ётган бўлсанг, орқангга тепиб ҳайдайман. Билдинг, ухлама!..

Шу пайт кабинетга корректор қиз кириб келди-ю, Мурод аканинг сўзи бўлинди.

— Домла, саҳифани тез ўқиб беринглар, илтимос.

— Хўп-хўп, Анварахон, ярим соатдан сўнг келинг. Тайёр бўлади. Корректор қиз кетгач, Мурод ака бош чайқади:

— Эсиз, яна икки-уч жой қолди-да. Биз ухламагач, бошқалар ҳам ухламаслиги керак-да. Шундай эмасми, азизим?..

3. “БИР МАЙИЗХҲҮРЛИК ҚИЛАЙЛИК...”

Бир куни ишдан сўнг мен ва касбдош дўстим Ёшузоқ Юсуповни Мурод ака тухтатиб қолди.

— Э, ана, қққққ, узларидан сўрасак? Уйгами, киногами. бўла-жак келинлар билан учрашувгами?

— Уйгада-да, домла, қайга бўларди. — деди Ёшузоқ

— Шонмасинлар, азизларим, бугун икковларинг менга меҳмон бўласизлар. Мен овқат пиширмайман. Биласизлар, хотин қишлоқда яшайди. Биз хотинли бўйдоқ, қққққ, сизларга ўхшаб. Шундоқ эмасми?

Кулишдик, Мурод ака яна давом этдилар:

— Гап бундай, укалар. Ҳозир бозорга тушамиз. Ҳар биримизга биттадан — уч дона ширмой нон оламиз. Оҳ, оҳ, ширмой нон емаб-сизлар, дунёга келмабсизлар. Кейин Ҳатирчини майизидан оламиз. Э, майизда ҳикмат куп-е... Кузни равшан. белни бақувват қилади, ққққ. Би-ир майизхўрлик қилайлик шу кеча. Хўшш, таклифим маъ-кулми?

Тўғриси, Мурод аканинг ўз-ўзидан “эриётгани” кутилмаган ҳодиса эди. Қарасам, Ёшузоқ “нима дейсиз?” деган маънода менга тикилиб турарди.

— Бўпти, Мурод ака, сиз ҳақ бераркансиз-у, биз йўқ дермидик, — дедим дўстимга кўз қисиб.

— Ана бу бошқа гап, қани кетдик бўлмасам бозорга.

Мурод ака шундай дея олдинга тушди. Бозорга кирдик. Мурод ака қатор турган нонфурушлардан нон танлай кетдилар. Савдолари ҳа деганда “пишавермагач”, Ёшузоқ уч дона ширмой нон харид қилди.

— Домла, — деди у Мурод аканинг ёнига келиб, — кўп овора бўлманг, биз нон сотиб олдик.

— Иби, Ёшжон, зўр йиғитсиз-да, ман ўзим олардим-ку.

— Майиз сиздан, домла, зиёфатингиз ҳарифона бўладиганга ўхшайди.

— Э, ана. Юрагимсиз-да, Ёшжон, қққ, бошланг бўлмасам майиз-фурушлар олдига.

Биз олдинма-кейин майизфурушлар растасига утдик. Сархил-сархил майиз чошлари. Мурод ака бир қанчасига кўз югуртириб, бир сотувчи олдида тўхтади. Чап қўлининг кафтини тулдириб, ўнг қўл бармоқлари ила йирик-йирикларини саралаб-саралаб ея бошлади. Кейин сўради:

— Жўра, қаерники бу майиз?
— Каттақўрғонники! Олинг домла, арзон қилиб бераман, — сотувчи тарози палласини қўлига олди.

— Бўлмайди, жўра, майизингизни шираси паст, хом қуритган-сиз.

— Қизиқмисиз, домла, хом узумдан майиз чиқадими?

Мурод ака безътибор бошқа чош олдига келди. Яна кафтни тўлдириб, ўн-ўн беш донасини туширди. Буям бўлмайди, дея бошқасига ўтди. Ундан ҳам анча-мунча майиз татиб кўрди. “Маъқул тушмагач”, ориқдан келган саллала бир чолнинг қаршисига келиб тўхтади.

— Қани, отахон, ўзларидан сўрасак? Майиз қаерники?

— Хатирчиники! Олинг, домла, сояки майиз бу.

— Сояки дейсизми? Оҳ, оҳ, бизбоп экан-да, қўҳ...

Мурод ака шундай дея ҳовучни яна ишга солдилар. Майиз “жонивор” тўрттадан-бештадан бўлиб, юмалаб-юмалаб у кишининг оғизларига тушар, “э зўр экан, майизмисан-майиз экан” деган мақтов сўзлардан чоли тушмагур эриб кетгандай табассум қиларди. Ниҳоят, акамиз кекириб, савдолашга ўтдилар:

— Хўйш, отахон. Пулидан гапиринг, пулидан? Майиз неча сўм?

— От билан туянинг пули бўларми, домла, арзон. Олти сўмдан сотаётгандим. Сизга беш сўмдан бераман, — чол шундай дея икки килолик тошни қулига олди, — Ўлчайинми?

— Беш сўмдан?! Нима деяпсиз бобой? — ажабтовур бўлиб, чолга тикилди Мурод ака, — шу бемаза майизни-я? Беш сўмдан эмиш. Уч сўмдан бераман. Анави савдогарларнинг ҳаммаси икки сўмдан сотаяпти.

Чол жиғибийрон бўлди.

— Қўйинг-а, домла, бозорда икки-уч сўмлик майиз умуман йўқ. Сиз билмасангиз, мен биламан. Тўрт-беш сўмдан камига бермайди ҳеч ким майизини. Астафурилло...

Мурод ака у деди, чол бу деди, хуллас, анча тортишувдан сўнг майизнинг килоси тўрт сўмданга келишилди.

— Ман олибсотар эмасман. Дехқонман, домулложон, бунча пастга урманг. Хўш, қанча тортай, икки киломи, уч киломи, қанча?

Чол икки килоли тошни тарози палласига солиб, у кишига термуларди.

— Э, ана, қўҳ, тошингизни обқўйинг, бобой, харидни биз қиламиз, тўғрими? Қанчалигини мен айтаман-да.

— Хў-ўйш, қанча оласиз? — овозини баландлатди чол.

— Икки юз грамм!

— А?

— Қулоқниям худо олганми дейман, бобой. Икки юз грамм де-япман-ку!

— Ҷвв, домулло, Афандимисиз, нима бало? Эс борми сизда? Ярим соатдан бери тортишасиз, оладиганингиз икки юз грамм! Ман бунча майизни гадойга текинга бераман. Очинг ҳовучингизни-е...

Жиғи-бийрони чиққан чол ҳовучларига майиз тўлдириди.

— Манг. олинг!

Кутилмаган бундай томошадан мен ва Ёшузоқ бетўхтов кулар, акамиз эса чол билан “курашиш” да давом этарди.

— Жаҳлларидан тушсинлар, бобой. Ҳимматингиз учун ташаккур. Аммо мен, биз текин еб ўрганмаганмиз. Тортинг дедимми, тортинг, икки юз грамм!

Қарасам обрў тўкиладиган. Кулгидан тўхтаб, битга беп сўмликни чолнинг олдига ташладим.

— Домла ҳазиллашяптилар, отахон, бир кило ўлчанг.

Чол сал очилиб, майиз ўлчай бошлади.

— Иби, иби, шоиржон, — дея биз томонга шашт билан ўтирилди Мурод ака. — бунча майиз битга тўйга стади-ку.

— Майли-да, Мурод ака, яқинда ўглингизни уйлантирасиз деб эшитдик. Шунга ишлатаверасиз, — дедим чолнинг қўлидан қоғоз-халтани олиб, унга узатарканман.

— Э, ана, ўзларидан сўрасак, — шодланиб кетди Мурод ака, — жуда ҳожатбарор йигитсиз-да, укам. Қани, марҳамат, энди бизни-кига, бир майизхўрлик қилайлик...

Бозордан ташқарига йўл оларканмиз, орқага секин нигоҳ ташладим: майизфуруш чол ёқасини тутамлаб, “тавба” деганча анграйиб турарди...



БОҶИЙ ШАРҚ ЗИЙНАТИ



ТОШ ТУҒЁН

(эссе)

“Кўксимни ёлғиз олтин учунгина чўқиланяпти, деб ўйлама тагин. Олтин остида занглаб ётган тарихингни излаяман, эй она-Замин”.

(Илҳом Ҳасан, “Олам тўла ялпиз” китобидан)

1966 йилнинг авжи баҳорида — вафотидан атиги бир ойча олдин атоқли адибимиз Ойбек шаҳримизга ташриф буюргандилар. Ўша унутилмас кун кечагидай эсимизда. Домла рафиқалари Зарифа Саидносова, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия ҳамда биз — маҳаллий қаламкашлар қуршовида қатор тарихий обидалар, осори атиқаларни томоша қилдилар. Гарчи бу улуғ зот авваллари ҳам Бухороин шарифга бир неча марта келиб, эҳтиросларини қатор насрий ва назмий асарларида баён этган булсалар-да, бу галги зиёратлари замирида тамоман бошқача бир руҳ устипор эди. Устоз ҳар бир обида олдида узоқ ўлтирар, пештоқлар, деворлардаги битиклар, шоҳ байтларни ҳижжалаб ўқир, ҳар фишт, ҳар бир нақшу нигордан янгича маъно, янгича ташбеҳ излар эдилар. Намозномга яқин Ойбек домлани Арк кўрғонига олиб чиқдик. Пири комил адиб (илоҳим қабрлари нурга тўлсин) қўлларини орқа қилганча, шинаклар олдига келдилар. Шу тахлит чор атрофга узоқ тикилдилар. Зулфия она бизга — орқада турганларга “жим, халақит берманглар” деган маънода майин ишора этдилар. Ойбек домла гўё ҳамроҳларини, ҳамма-ҳамма нарсани унутган, фақат сўнгсиз хаёллар, ажиб эҳтирослар ила масрур эдилар... Бу илоҳий ҳолат анчагача давом этди. Ниҳоят, домла биз томонга ўғирилдилар. Иккала қўлларини ҳам силкитганча “Т-т-туғён! Т-т-тош туғён!” деб юбордилар (устоз ўша пайтларда ноҳақ зуғумлар туфайли хасталанган эдилар). Бу — ҳайратомуз ифода эди. Она-шаҳримиз ҳақида шунчалик кўп таъриф таҳсинлар эшитган бўлсак-да, бу сўзлар бизни тамоман лол этиб қўйди. Хўш, нега “туғён?” Боз устига, “тош туғён?” Ўшанда бу саволларга ўзимизча жавоблар топган эдик. Аммо дил тўлмаганиди, чала-ярим эди Бухоро ҳақидаги тасаввурларимиз...

Йиллар кечиб ўтди орадан. Дину диёнат, имону инсоф, эътиқоду тариқат қайтиб келди ўзимизга, ўзлигимизга. Мен ҳам шариф шаҳримизни қайта инкишоф этишга тушдим.

Мана, яна ўша қадимий Арк қўрғони устидаман. Сахий қуёш шаҳарни майин шуълаларга кўмиб, уфққа томон оҳиста оғиб бормоқда. Кўз ўнгимда шаҳар манзараси. Офтоб ёнбошлаб бораётган ўша ғарбий тарафда Чорбакрнинг баҳайбат гумбазлари ялтираб кўринади. Шарқий тарафда эса Чорминор юксалиб турибди (Гўё бу минорлар одаму олам, замин у замон ташвишлари, қувончу ғами, шодлиғу кулфатини чекиб ўтирган чор дарвиш, чор табиби ҳозиққа ўхшаб кетади назаримда...) Жанубда, бугунги кўркем бинолар ўртасида бежирим қўғирчоқдек бўлиб Намозгоҳ кўзга ташланади. Шимолда катта-кичик иморатлар устида ҳаноланиб турган ҳар хил замонавий миноралар... Булар каттакон, улкан доиранинг тўртта авж нуқтаси. Доира ичида эса, бир томонда Буян кулихон, Сайфиддин Бохарзий обидалари, Абдуллахон, Модарихон мадрасалари, Чашмаи Аюб ва машҳур Исмоил Сомоний мақбараси, бошқа бир томонда Кўкалдош, Нодир Девонбеги мадрасалари, Девонбеги хонақоси, Тоқи Саррофон, Мағоки Аттор, Тоқи Телпақфурушон, Тими Абдуллахон, Тоқи Заргарон гумбазлари, Абдулазизхон, Мирзо Улуғбек, Мирараб мадрасалари ва улуғвор Жоме иморати. Ўртада, ана шу улкан доирага ўқ марказ бўлиб Минораи Калон кўкка бўй чўзган. Албатта, Бухоро манзараси бу билан тугамайди. Бир қарашда кўзга ташланмайдиган гумбазу гумбазчалар, минораю минорачалар қанчадан-қанча. Ҳа, бу — устоз Ойбек ҳайратомуз ибора билан “Тош тугён!” деб атаган буюк силсила! Бу — Қадимда Туронзамин деб аталган маъвода яшаган донишманд, зукко ва қўли гул ота-боболаримиз илму донишларининг дурдона яратмалари. Бу ақлу заковатнинг, теран тафаккурнинг сайқали, ҳар бир ғиштига меҳр ва муҳаббат шароралари сингдириб тикланган ҳалоллик ҳайкаллари! Айтнинг, қайси бир юртда бу қадар тугён силсила, тугён қодир у қудрат, тугён маҳорат тажассуми мавжуд? Булар фотиҳ Искандар, босқинчи Қутайба, жоҳил Чингизхон, қонхўр Жўжию Бўжилардан, не-не босқину савашлардан, талон-торожлардан бизгача омон етиб келган тарихимиз гултож асарларидир.

Биз узоқ йиллар ҳақиқатни ҳаспўшлаб келдик. Давр ўзи шунақа эди. Бўғзимизга тиг, манглайимизга тўппонча тираб, ёлғонни рост деб айтасан, дея зўрлашларни унутиш мумкинми? Агар шундай бўлмаганда, Ўрусия босқинчиларининг сардори, жаллод Фрунзега шаҳримизнинг қоқ марказида ҳайкал ўрнатармидик? (Хайрият, истиқлол туфайли уни тарих ахлатхонасига жўнатдик). Минг йиллик босқинлар бир томон-у, бу очофатнинг босқини бир томон бўлди. Аслини айтганда, Фрунзе масковлик йўлбошчилари сингари бир найрағбоз

фотиҳ эди. У “Бухорода инқилоб ясаймиз” деган ёлгон сафсаталар билан сон-саноксиз қотилларни, тупу тўпхоналарини бошлаб келди бу заминга. Унга эса тилло зарур эди, беҳисоб молу мулк, давлат зарур эди! “Ўқни аямангиз! Қўлингиздан шамшир тушмасин! Токи бу “жаҳолат ўтоғи”ни қон билан суғорайлик!...” Шундай эди бу мустабид жаллоднинг буйруғи. Босқинчилар ўз саркардаларининг буйруғини айтганидан ҳам зиёдроқ адо этишди. Бухоройи шариф зобитлар оёғи остида ингради, тўлғанди, оловларда жизғанақ бўлди. Етти жойидан яраланган Минораи Калоннинг оху фиғони самога урилди. Мағоки Атторнинг, масчити Калоннинг, тимларнинг, тоқларнинг, не-не табаррук мадрасаю масчитларнинг кули кўкка совурилди. Бухоро илму урфон шароблари тошқинлаган бир олтин коса эди. Уни фрунзечилар қон билан тўлдирдилар. Бухоро мадрасаю масчитлари Маккатуллоҳ сингари саждагоҳ эди, уни фрунзечилар отхонаю итхонага айлангирдилар... Алалхусус, Бухоройи шариф ҳувиллаб қолди. Минг-минглаб азиз фарзандлари бу юртдан бош олиб, дарбадарликка маҳқум этилдилар. Қонхўр Фрунзе эса Бухоронинг тиллолари, зебу зийнатлари, беҳисоб бойликлари ортилган ўн беш вагонли эшелон пештоқига қонга бўялган байроғини тикиб, масковлик “доҳийлар” ҳузурига голиб қузғундай кириб борди...

О, дардингни олай, она-шаҳрим — Бухоройи шарифим! Кошкийди, шу даҳшату ваҳшатлар билан оху фиғонинг тутаган бўлса. Кўп ўтмай, белига, кўксига қайиш боғлаган, бир қўлида тўппонча, бир қўлида қилич тугган комиссар — раҳбарлар етиб келди. Элиаваси, Манжараси, яна алламбало номли “хўжайинлар” савлат тўкиб келишди.

Балки эсингда йўқдир, эй кўз ёшлари қабоқларида қотиб қолган шаҳрим! Михаил Калинин деган кимса еримизга “ташриф буюрғанида” унинг истиқболга милтигининг найзасига бир неча “босмачи қўрбошилар”имиз калласини санчиб олган ўрис аскарлари чиқишган экан... Ўшанда Калинин “бобо” битта қутсиз аскарининг елкасига беозоргина уриб, “маладес, бизга қарши курашганининг қисмати шундай бўлиши керак, давом этявер каллакесарлигингни” дея алқаган экан... Мана, “Биз Туркистонга озодлик келтирамиз, Бухоройи шарифга истиқлол ҳадя этамиз” дея айюҳаннос солган марказлик “инқилоббоши”лардан бирининг аянчли баъшараси! Ўшанда қанча-қанча фидойиларинг майдонга чиқишган эди. Улар Ўрмон полвон, Салим қоровулбеги, Абдулла полвон, Мурад мерган, Остон қоровулбеги, Эргаш полвон сингари эрк ва озодлик дея ўрис босқинчиларига қарши курашган ҳақиқий ватанпарварлардир. Биз эса... чин

босмачиларни эмас, бу юртдошларимизни босмачилар деб келдик зугумлар оқибатида. Тўғриси, алдовларга учдик. Ёлғон, ҳавойи саф-саталар қалбимизни ром этди.

Файзулла Хўжаевнинг нияtlари бошқача эди. У Туркистонни мустақил жумҳурият сифатида дунё аҳли билан боғламоқни кўзлаганди. Нияtlари беғубор, беканор эди унинг. Ёшлик қиллими, тажрибаси етишмадими, алданганини аввалига сезмади. Кейин эса кеч бўлган эди. У ҳибсга олинишидан сал олдинроқ онаизорининг бағрига бош қўйиб, шундай деган экан: “Онажон, нега мени бадбахт қилиб тугдингиз. Халқимнинг озодлиги, ҳурлиги йўлида елиб-югурсам-у, меҳнатларим зое кетаётган бўлса, бундан ортиқ бахтсизлик борми дунёда?...”

Ҳа, энди руй-рост тан олмоқ жоиз: фарзандинг Файзулла Хўжа алданган инсон эди. Большавойлар олдиниға Бухорода Халқ Шўролар Жумҳуриятини тузишди. Бу жумҳурият энди тетапоя бўлаётганида келгиндилар талвасаға туна бошлашди. Чунки ёш Бухоро давлати дунё аҳлиға қўл чўзаётган эди-да. Йўқ, Бухоро қарамми, қарамлиғича қолсин! Кўп ўтмай, Ўзбекистон совет социалистик республикаси ташкил қилинди-ю, Бухоро жумҳурияти тугатилиб, унга қўшилиб юборилди. Ўзбекистон эса Россия таркибидағи ўлкаға айлантирилди. Чорасиз Файзулла Хўжа, Акмал Икром ва улар атрофидағи яна қанча-қанча алданганлар томошабинға айланиб қолдилар, қолос. Чунки инон-ихтиёр Москов қўлида эди. Тилим деб, элим деб бош кўтарганнинг қисмати дорға айланди... Кези келди, ошқор айтамиз: Файзулла Хўжа Ленин билан бир неча марта учрашган, суҳбатларини тинглаган. Туркистонға озодлик берамиз, деган ваъдаларини эшитган инсон эди. У Сталин билан дўст бўлган. Унинг шахсига дастлаб бошқалар қатори сизгиниб юрган. Чунки Сталин “Бухоро Шарқнинг дарвозаси, Файзулла Хўжа ана шу дарвозанинг буюк дарвозабони” дея эътироф этган. Бу сўзларни унинг ўзига бир неча марта такрорлаган. Таассуфки, бу жоҳил “доҳий” ўз иқrorиға субутсизлик кўрсатди. Бегуноҳ Файзуллани Кремлға ёндош Бутирка қамоқхонаси ўлимхоналаридан бириға ташлаттириб, ўзи ҳеч нима кўрмагандай юраверди...

Энди англаб етдик: босқинчи деганнинг азал-азалдан учта нияти бўлар экан: улар ёзувингни, она тилингни, ғурурингни йўқотишаркан. Ана шунда инон-ихтиёрсиз, кишанбанд қулға айланиб қоларкансан... Не бадбахтликки, шундай кўргуликка элимиз маҳқум бўлди...

Сўзлайверсак, сенинг-да дардинг, яраларинг янгилаनावеради, азизим Бухоро! Қуллик зашжирини узаман деган не-не ўғлонларинг шаҳид кетди! Файзуллалар, Саиджоновлар, Бурҳоновлар, Муҳитди-

новлар, яна қанча-қанча асл зиёлиларинг, фидойиларинг, истиқюл дея оҳ урган жигарбандларинг кўзи очиқ кетди бу оламдан. Айтишларича, 1938 йил 4 окятбрида судсиз, ҳукмсиз отиб ташланган буюк Абдурауф Фитратнинг кафтидан бир битик топилган экан: “Она-Туркистоним, жафокаш халқим! Сен зулмлардан озод бўлган кун қабримдан бош кутариб тураман!...” дея ёзилган экан ўша бир парчагина қоғозга.

Бу нидо ҳаётдан тўймай кетган юзлаб, минглаб ўғлонларингнинг лабларида қотиб қолган орзу-армонлар эди... Ҳа, мустамлакачилар энг донгдор, энг номдор алломаю уламоларимиз, шоиру адибларимизни “туркпараст”, “исломпараст”, “халқ душмани” деган сохта айблар билан шундай маҳв этган эдилар...

Жонингга жон, кииригингга нур бўлай-да, жонфидо Бухоро! Бардошинг метиндан, қаноатинг қатрондан эканми, лейман! Марказ деган юҳо “бер-бер” деса, беравердинг, “чўз” деса, йўқ демадинг. Жуда сахийсан-да, жумла Туркистон халқларига ухшаб. Бессару сомон, чексиз-чегарасиз СССР деган сохта мамлакатни “она-Ватан” деб айтишни ўргатишди сенга ҳам. “Россия, Россия, азамат ўлка...”, “ўлсам айрилмасман кучоқларингдан” дея куйлашди баъзи зуғум жонидан ўтган шоирлар. Сен ҳам уларга жўр булдинг бошқалар қатори. Бу юрт ушун гадо бўлсанг ҳам, фидо бўл, дейишди. Хўп, дединг! Ўрусиянинг бошига фалокат ёғилиб келганида бир четда қараб турармидинг. Ўзингни ўт-оловларга урдинг. Султон Жўра бўлиб, Нарзи Ражаб бўлиб минг-минг ўғлонларинг кўкракларини қалқон этишди душман ўқиға. 20 мингта шаҳид қолиб кетишди ёт тупроқларда. Ҳамон уларнинг доғи бувижошу бобожонларимиз юракларини сўлдириб-сўлдириб келаётир... Уруш ғалаба билан якунланди. Бунда Туркистон халқларининг (жумладан, сенинг ҳам) катта ҳиссаси қўшилганини эътироф этмаганлар тарих олдида катта гуноҳқордирлар... Кейин қайта тиклаш бошланди. Гўё ҳамма нарса силлиқ давом этар эди. Сен ҳам аста қад ростлай бошладинг. Марказ эса укки кўзларини тикиб, ҳаммича хушёр боқар эди забт этган ерларига. Мақсади: бўйинг чўзилмасин, пачоқлигингча яшайвер! Шу мақсадда мажбурият, қўшимча мажбурият, устама мажбурият деган занжирларни ўйлаб топар эди. Сувтекин оқарди сенинг ҳам бор бисотинг, беҳисоб бойликларинг... Боғларинг талош, тоғларинг талош, ер остию ер устидаги жами маданларинг Масковнинг нафси наҳангини тўйдиришга кетарди. Қалбингдай қайноқ газинг бўлса-да, унга ўзинг иснолмасдинг. Алдагани бола яхши дегандай, марказ ҳар замон бир “ҳиммат” кўрсатиб қоларди. Озурда куксингга кўп қатори битта нишонни тақарди-ю,

тағин сени ипсиз боғлаб кўяр эди. О, бу ишларни дабдабаю шов-шувлар билан адо этарди юҳолар. Сен бечора бу “саховат” остида ҳийла-найранг борлигини англамасдинг. Орденли вилоятмиз, дея гурурданиб, “катта оғамиз”, “улуғ оғамиз” шаънига шарафлар ўқирдик. Биргина сен эмас, албатта. Иттифоқ аталган собиқ юртнинг жумла элу элатлари мана шундай алданиб яшадилар. Шу туфайли косанг оқармади. нонинг ҳаминша кемтик бўлиб келди сенинг ҳам..

Айтаверсам, санайверсам, шўролар давридаги чеккан кулфатинг, ҳасратларингнинг чеки йўқ, онагинам Бухоро! Энг даҳшатлиси, забткорлар ўтган йиллар ичида турли уйдирмаларни пешкаш қилиб, миллатимиз гулларини чилпиб-чилпиб келишди. Аммо улар ўз кўллари билан эмас, бетайин қотиллар қўли билан амалга оширишди разилликларини. Улар — Апресян, Рудзутак, Гдлян, Иванов, Каракозов ва яна аллақандай одамзол қиёфасидаги ваҳшийлар эди. Сенинг-да жону жигарларинг ингранди, тўлғонди, сўнгсиз қийноқларга дучор бўлди, кўплар ҳаётдан беватан кўз юмишди бу жаллодлар дастидан. Яширин занжирлар билан ўралган собиқ СССР эса тобора чайқалиб борар эди. Унинг ёлғон ва сохта иттифоқлиги жумла башарга ойдай равшан бўлиб қолганди. Алалхусус, у чок-чокидан сўкилиб, парчаланиб кетди. Бу — тарихнинг одил ҳукми! Зўрлик, зугум, истибодга асосланган тузумнинг умри ҳеч қачон боқий бўлган эмас. Коммунистик тузум мана шундай жамият эди..

Оллоҳнинг иноятими, ё пешонаси ярқироқ инсонлар эканми, кўксимизда бирдан офтоб чақнагандай бўлди. Ўзбекистонимиз 1991 йил 31 август куни Мустақилликка эришди. Бу — халқимизнинг 134 йиллик асрий орузи амалга ошган бахтли кун эди. Ўша куни сен ҳам осмонларга учдинг, қадим Бухором! Минораи Калонинг бу фараҳбахш қувончдан бир силкиниб, қадини яна ростлаб олгандай бўлди, назаримда. Боғларинг, боғчаларинг, тимларинг, тоқларинг, нилий гумбазларинг тушфарчли кўчаларинг, бозорларинг Истиқлол шабадасидан бир яшнаб кетди, бирам очилиб кетдики... Ҳаттоки, мозорларингда мунғайиб юрган буюк боболаримиз пок руҳлари чеҳрасида ажиб табассум пайдо бўлган эса, не тонг!... Шундай бўлиши даркор эди. Ахир, бу кунга осонликча эришмадик-ку!

Истиқлол — буюк неъмат, буюк шон. У — қадлу камолинг, жамолинг. истиқболингни оламга шоён этгувчи кўзгу!...

Мана, бу неъматдан, шону шукуҳдан баҳраманд бўлмоқдасан, бўйу бастингни кузгуга солиб, ороланяпсан, азиз Бухором! Ўзбекистонимизни бутун дунё тан олгани сир эмас. Сен ҳам унинг бир ардоқли зурёдисанки, қадамларинг залворли бўлаётир. Гарчи азалдан

етги иқлимга овозадор бўлсанг-да, қулинг калта эди. Бугун эса жаҳонга рўбару турибсан. Негаки, белинг мустаҳкам, қўлинг ёғли, гопган-тутганинг ўзингники, ўзбекники, Ўзбекистонники! Шу туфайли дўсту ёрларинг кўпаймоқда. Бири туркиялик, бири грек, бирови Олмониядан бўлса, яна бири хитойлик... Курия, Швейцария, Америка, Япония ва яна қанча-қанча давлатлардан ҳамқору ҳамдаст бўламиз, деб ишбилармонлар келишмоқда. Чунки сен қадимдан Буюк ипак йўли устидаги шаҳарсан. Майли, келаверишсин. Сен ҳам бораверасан. Инчунин, ўртада дўстлик гуллайди, ҳаётимиз теранлик касб этади. Ёш фарзандларинг дунёни танийдиган бўлади. Ахир, улар — сенинг келажагинг. Келажагини ўйлаган юрт асло кам бўлмайди. У асрлар она яшашга, яратишга ҳақли!

Ўйлаганинг, ёзганинг сари гапнинг қуюғи чиқавераркан... Илҳомим сарчанмаси, асло тугамас қайнар булогимсан, Бухоройи шарифим! Гарчи неча йиллар ташанган, топталган, тўпларга тутилган эсанг-да, сени бу заминдан йўқотолмадилар. Йўқотолмасдилар ҳам! Чунки сен имону эътиқод, илму урфон шахрисан. Минг йиллардан бери “Дил ба ёру даст ба қор” деб келётган табаррук маъносан. Ҳазрат Ибн Сино, Имом Исмоил Бухорий, Муҳаммад Наршахий, Хожа ҳафзи Кабир, Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний, Хожа Орифи Моҳитобон, Хожа Бобойи Самосий, ҳазрати Мир Кулол, Хожа Баҳоуддин Нақибанд, Хожа Исматулло Бухорий ва яна юзлаб буюк уламолар, шоиру донишмандларга она бешик бўлган диёрсан. Қадим китобларда битилишича, сенинг бағрингдан фалакка нур фаввораси отилиб турармиш... Рост! Бу — буюк боболаримизнинг пок нурга айланган уйғоқ руҳларидир... Мана шулар туфайли сени Бухоройи шариф дерлар, сени Маккатуллоҳ билан тенг ҳисоблаб келадилар...

Ишончимиз қомилки, сен яна қадим аслингга қайтасан. Боқий қадриятлар, инсофу диёнат, илму дониш тоабал гуллаб-яшнайдилар бағрингда. Мухтасар айтганда, тош туғёнли имон қалъаси эдинг ва шундай бўлиб қоласан. Бунга қуёш қадар табаррук Истиқлол фотиҳа беради! Илоҳо, омин!

1993 йил.



СИЗГА АЙТАР СЎЗИМ

(очерклар туркуми)



ЛОВУЛЛАСИН ҚАЛБИНГДАГИ ҰТ...

“Ҳеч қайси табиб толиққан вужуд ва азоб чеккан қалб учун умидчалик дорини топиб беролмайди”

С.Швейг

1

— Илтимос қиламан, мен ҳақимда ёзманг, кераги йўқ.

— Шундай деб ўйлайсанми?

— Ҳа!

— Нега?

— Ахир, сиз ўйлаганчалик қаҳрамонлик кўрсатганим йўқ. Агар ўша минага мен дуч келмасам, бошқа бир ўртоғим дуч келарди-ку! Ҳар қалай, тирик қолдим. Кўриб турибсиз, иккала оёғим бўлмаса ҳамки, бошқа ерим соғ. Ким билсин, бу кулфат бошқа бировнинг “чекига” тушганида унинг қисмати тагин ҳам фожиалироқ тугармиди?

— Шунинг учун ҳам ёзмоқчиман-да. Ахир, сен қуролдош дўстларинг умрига қалқон бўлгансан-ку! Эҳтимол, бу ҳақиқатни “тақдир ўйини” деб ҳисобларсан.

— Йўқса, нима деб ўйлардингиз?

— Асло! Сен қардош афғон ерида байналмилал бурчингни бажариб, чинакам мардлик кўрсатгансан. Мардлик эса қалбнинг буюк фазилатидир. У тақдир зарбаларини ва ҳар қандай мусибатни ҳам чилпарчин қилади.

— Оширмадингизми? Наҳотки, мени шундай деб ҳисобласангиз?

— Йўқ, укам, ҳақиқат ҳеч қачон ёлғонга муҳтож эмас, бунини маъсум ва ўйчан нигоҳларингнинг ўзи сўзлаб турибди. Шундай эмасми?

— ..

— Қани, тортинмай сўзла, укам, кечмишларингни мен ҳам тинглай.

— Унда бирор нарсани қўшиб-чатимай, тўғриси эзинг.

— Бўпти, сен айтгандек бўлсин!

2

1986 йилнинг 3 октябри. Қобул шаҳри тепасида куз қуёши ҳарорат сочиб турибди. Одатдагидай ҳаво дим. Қилт этган шабада йўқ. Кечагина Ғазна яқинидаги тоғли қишлоқлардан бирини душмандан

тозалаб қайтган бўлинма жангчилари қисқа муддатли танаффусга чиқишган.

Аскар учун ғанимат ҳисобланган ушбу дамларда ҳар ким ўз “ташвиши” билан банд. Ҳу, нарироқда, йирик палма дарахти остидаги столга мукка тушган жингалак сочли, кўринишидан самбочиларга ўхшаш чайирроқ, кўзлари ҳамиша чақнаб турадиган ёшгина йигит ёзаётган мактубини ниҳоясига етказмоқда. У ҳар замонда терлаган юзларини кўллари билан “елпиб” кўяди. Гоҳо мамнун жилмайса, гоҳо нимадандир озор чеккандай узоқларга тикилиб қолади. Ниҳоят, у мактубига сўнги нуқта қўйди, шекилли, ёзганларини яна бир карра ўқиш учун энликкина қоғозни қўлига олди:

“Қимматли онам, азиз отажон! Анча вақтдан бери хат ёзмаганим учун узр. Тўғриси, ёзолмадим, фурсат етишмади. Рейдда эдик... Сопла-соғман, аскарлик бурчимни адо этиб юрибман. Бугун афғон ерида хизмат қилаётганимга роса 14 ой тўлди. Агар олдинги уч ойни қўшсак, яна беш ойдан сўнг бағирларингда бўламан. Жамоамни соғиндим. Қайтсам, яна ўша “Бухоро-1” станциясидаги ишимга тикланаман. Ахир, касбим тайин. Локомотив депо олдидаги машинист ёрдамчилари тани-ёрлайдиган курсни тугатганман-ку, афсуски, озгина ишладим-да.

Ҳа, майли, ҳечқиси йўқ. Биз ёшлар учун ҳаёт энди бошланяпти. Сизларга ўхшаб виждонли ишчи бўла олсам, бас. Мен кўндан иккинчизга ҳавас қиламан. Сизлар билан ғурурланаман! Мендан хавотирланманглар. Укам Игорга, дўстларимга, устозим Алик Абдуллаевичга салом деб қўйинглар. Сизларни соғинган: Вадим”.

Йигит ёзганларидан қониқиш ҳосил қилди, чамаси, қоғозни тўрт буклади. Уни конвертга солиб елимлагач, устига “Когон шаҳар, Тарас Шевченко кўчаси, 18-уй, В.А.Алексеевага” деб ёзди. Хатни қисм яқинида ўрнатилган почта қутисига ташларкан, бирдан командири, лейтенант Б.Акрамовнинг “Бўлинма, сафлан!” деган таниш овози янграб қолди. Жангчилар тезда маҳсус вертолётга ўтиришди. Улар кўп эмас, атиги ўттиз километрлар учингач, “пўлат куш” тоғ ён бағрига қўнди. Ҳув олисда пастак-пастак хароба, паҳса уйлар кўзга ташланади. Яккам-дуккам ўсган қуриган дарахтларни ҳисобга олмаганда атроф нуқул баланд-паст қирлар, тоғларга туташиб кетган харсанг тошлардан иборат. Командирнинг сўзларидан шу нарса маълум бўлдики, душманлар Пагмон деб аталувчи ушбу қишлоқни бугун тонгда аёксиз ўққа тутишиб, бостириб киришган. У ерга борувчи йўл ва барча сўқмоқлар миналаштирилган. Афғон фаоллари бу ҳақда хабар қилишиб, биздан мадад сўрашган экан.

Бўлинма ҳаял ўтмай, белгиланган позицияга ўрналиб олди. Анча-

мунча жанговар олишувларда тажриба орттирган жангчилар навбатдаги буйруқни кута бошладилар.

— Ўқчи-гранатамётчи Вадим Алексеев! Ёрдамчинг Гриша Долгопол билан атрофни кузатишда давом эт. Ҳозир мина изловчилар ишга тушишади. Хушёрлик бир дақиқа ҳам сусайтирилмасин!

— Хўп бўлади, ўртоқ командир, хушёрлик сусайтирилмайди! — хитоб қилди Вадим.

Қолган жангчилар ҳам тегишли топшириқ бўйича ҳаракатга тушиб қолишди.

Айниқса, сапёрлар тонггача ором билишмади. Ҳар бир қарич ер синчиклаб текширилди, душманнинг ўнлаб миналари зарарсизлан-тирилди. Ниҳоят, қишлоққа борадиган йўл очилди. Энди далил ҳаракат қилиш мумкин. Елкасига гранатамётини қўйиб олган Вадим дўстларидан хийла олдинга ўтиб олди. Унга ёнма-ён бўлиб Гриша Долгопол келарди. Орқароқда эса бошқа жангчилар харсанг тошларни паналаб ёйилганча олдга силжишарди. Мана, тутаб ётган биринчи уйга ҳам бир неча қадам қолди. Вадим қаршисига қараса, пасттина ўнгир. Гранатамётни ўрнатиш учун жуда қулай жой! Шу мақсадда елкасидаги юкни қўлига олиб, оёқ қўйиши билан... даҳшатли портлаш юз берди. У тупроқ уюми аралаш ҳавога кўтариларкан, қулоқлари битиб, вужуд-вужудини аллақандай куйдирувчи ўт, тоқат қилиб бўлмайди-ган даражадаги оғриқ қамрагандай бўлди... Ер бағирлаб ётаркан, бутун идрокини тўплаб, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди, тишини тишига босиб, кўкраги билан бир оз судралди. Во даригким, чап оёғи нақ сонидан узилиб, ўнг оёғи эса шундоқ шалвираб ётарди... Вадим ана шунда сездик... Бу ёғини эслаёлмайди. У ҳушдан кетиб қолган эди.

3

Вадим, укажон, биламан, асл мардлик тилга зўр бермайди. Ўзини кўз-кўз қилавермайди, қаҳрамонликни жасорат эмас, бурч деб билади. Сен ҳозир оддийгина қилиб, “бурчимни бажардим, холос” деб турибсан-у, ҳаёт билан ўлим ўртасида омонат бўлиб турган лаҳзаларинг, ўртанишлар, ифодалаш қийин бўлган изтиробларингни сўзлашни эп кўрмайсан ўзингга.

...Сени вертолётга Кобулдаги госпиталга олиб келишганида кўзларингда ҳаёт шаъми сўнггандай эди. Шифокорларга жуда оғир кечди юрагингни маромга солиш. Улар уч кеча-кундуз бошингда тик туришди. Сафдош дўстларингдан такрор-такрор қон олиб куйишли. Ўзбегу тожикнинг, украину белоруснинг, хуллас, дўстликнинг қони тирилтирди сени. Бу ҳақиқатни такрор-такрор ўзинг эътироф этдинг.

“Байналмилалчилик бунинг ҳам руҳига, ҳам жисмига қон бўлиб сингиган” дейди хавотирланиб онанг...

Дарвоқеъ, жарроҳлар ҳеч бўлмаганда, ўнг оёғингни “тирилтириш”-га кўп уринишди. Ҳайҳотки, парчаланиб кетган суяқларингни “йиғиб келиш”нинг иложи йўқ. Бунинг устига, мина заҳарли экан, чап оёғингга мослаштириб, кесиб ташлашдан ўзга чора қолмаганди... Буни сен орадан беш кун ўтгач, эс-ҳушинг жойига қайтиб, қаттиқ оғриқданми ёки қон уюшганиданми, оёқларингни уқаламоқчи бўлганингда... Сездинг. Даҳшатли эди ўша онлар. Бир оғиз “онажон!” дединг-у, яна хундан кетдинг. Ёнингдаги каравотда бир оёғидан ажралиб ётган ёрдамчинг Гриша Долгополнинг, бошқа енгил жароҳат олган дўстларингнинг жисму жонини ҳам ўртаб юборди бу чинқириғинг. Бошингда врачлар, ҳамширалар яна пайдо, яна турли муолажалар. Бўлилма командири Б.Акрамов, рақибларни мардона қийратиб қайтган ўртоқларингнинг далдалари, оташин ҳамдардлик кеча-кундуз давом этди. Бу маслаҳатлар сени бир ойдан сўнг Тошкентдаги шифохоналардан бирига кўчиришганда ҳам, самимий мактубларда ўз ифодасини топарди. Мана, улардан айрим сатрлар:

“Азиз дўстим Вадим! Биз сени госпиталда ўзингни ўлдирмоқчи бўлганингни эшитдик. Тўғри, осон эмас, бошингга тушган мусибат ғоят анинчи. Аммо бардам бўл. Умр одамга бир марта берилади. Николай Островскийнинг “ҳаёт жуда оғир бўлганда ҳам яшай бил. Уни фойдалани қил!” деган сўзларини унутма. Сени қучиб, дўстинг Сергей”.

Ҳақиқатнинг тили оддий бўлганидек, сўз сеҳридан ҳам кучлироқ сеҳр йўқ. Бундай нажотбахш, раҳнамолик билдирилган сўзлар сенинг хира тортган кўзларингни ёритди, тун чўккан қалбингда яшаш ва курашиш иштиёқини алангалатди. Кўлингдан “Пўлат қандай тобланди?”, “Сўна”, “Мартин Иден” тушмайдиган бўлди. Шу асарларнинг қаҳрамонлари билан пинҳона суҳбатлар қурдинг. Ниҳоят, икки ойдан сўнг уйингга қисқагина хат эзиб, қаерда ётганингни билдинг. Мана, ўша хатнинг тўлиқ матни:

“Онажон! Ҳаёт оғирлигини фақат сен тушунасан... Барини ёзиб ўтирмайман. Яраландим. Оғири ўтиб кетди. Палатада беш кишимиз. Келсанг, кўрарсан. Сени ўпиб, Вадим”.

Онаизоринг почтачи кириб келган 26 ноябрь куниёқ Тошкентга учди. У политехника институтида ўқиётган уканг Игорни топиб, ҳузурингга кириб борди. Биласанми, онангнинг ўша пайтдаги изтиробларини. Ахир, кечагина эди: кўча чангитиб, ялангоёқ футбол тепардинг. Огангнинг эски велосипедини миғиб, Когонни бир айланганча бозор қилиб қайтардинг. Гагарин номли мактабнинг 10

сифида ўқидганингда югуриш бўйича чемпион бўлганинг ҳам унинг едида. Сўнгра сафар халтангни елкангга осиб, чақирув пунктига гурс-гурс қадам ташлаб кетганларингни бу муштипар аёл унутармикан?... У палатага кириб келганида каравотда муштдеккина бўлиб, йўлга гермулиб ўтирардинг. Сени бу ҳолда кўрди-ю, бечора, бир дам ўзини унутди. Тасаввурига сиғдиролмади шекилли, ўн тўққиз яшар аср-лондай ўғлининг бундай “кексайиб” қолганини... Она, ҳарқалай, она экан-да! У бирдан ўзини ўнглаб, “Вадим, болажоним!” дея бағринга ташланди... Юз-кўзларингдан тўйиб-тўйиб ўпди, ҳидлади, кесилган оёқларингни ўзгача бир меҳр билан сийпалаганда гўё ўрнингдан туриб кетгудай бўлдинг. Ҳа, ҳа, ўрнингдан бир кўзгалдинг-у, кейин... чўкиб қолдинг.

— Онажон, йиглама. Куриб турибсан-ку, тирикман! — дея олдинг унга далла бермоқчи бўлиб. Бу ҳам мардона айтилган сўзларинг эди.

— Тирик қолганингга шукур, болам!..

Шу бўлди онангнинг энг сўнги юпанчи. У бўғзияга қадалган хўрликни кўз ёшлари аралаш ичга ютиб, хонадош ўртоқларингни ҳам бир-бир “тавоф” этиб чиқди. Уларни келтирган совғалари, ширин сўзлари билан сийлади. Онанг чиқиб кетгач, ўша оқшом киприкларингга уйқу инди. Бу — икки ойлик машаққат ила кечган ҳаловатсиз тунлардан кейинги биринчи оромбахш кеча эди... Эртасига отанг Лев Николаевич Алексеев, қариндош-уруғларинг кириб келишди.

Сен шу йилнинг 5 январини асло унутмасанг керак. Ўша кунни онанг ёнингга ҳаяжон билан кириб келди. Унинг қўлида Когон туман газетасининг янги йил сони бор эди. Унда “Сени кутяпмиз, қадрли Вадим!” сарлавҳали мақолани ўқидинг-у, тамоман лол бўлиб қолдинг. Хусусан, мана бу сўзлар юрагингни жунбушга келтирди:

“Қадрли Вадим! Ушбу хатни дастлабки иш фаолиятингни бошлаганинг “Бухоро-1” станцияси темир йўл депосининг бир гуруҳ ишчилари ёзаяпмиз. Биз оташин ватанпарвар эканлигингни яхши билардик. Ушбу чин инсоний хислатни Афғонистонда байналмилал бурчингни адо этишда намойиш этибсан. Афсуски, ҳарбий топшириқни бажараётганингда, оғир яраланибсан. Бу хабарни гоё қайғу билан қабул қилдик. Она-Ватан олдидаги қарзни ўташ ҳар бир ёш авлод зиммасидаги олий бурч эканини, бу йулда турли қурбонлар бўлишини асло унутма.

Сен ҳали ёшсан, яхши кунлар олдинда. Ёшлиқ шижоатининг ўзи яраларингга малҳам босади. Биз ҳам тезроқ сафимизга қайтишинг

учун қўлимиздан келган барча имкониятимизни дариг тутмаймиз. тезроқ соғай. Сени жамоанг кутяпти...”

— Раҳмат, яхши одамлар! Миннатдорман сизлардан! — дединг беихтиёр энгикиб.

Шундай қилиб, энди кунлар тез ўта бошлади. Яраларинг битиб, баҳор осмонини, ям-яшил дала-боғларни ўз нигоҳларинг билан кўришни қўмсаб қолдинг. Бир куни ёнингга тажрибали, меҳрибон шифокорлардан бири протез оёқларни кўтариб кириб келди. Ўша лаҳза ҳаёлингга Мересьев жонланди. Алланима дейишга чоғлангандинг, врачнинг ўзи дардингни англагандай сўзга киришди.

— Энди, азизим Вадим Алексеев, сен билан мересьевчасига юришни машқ қиламиз. Қани, кияқол буларни. Қурқма, ҳали рақс ҳам тушиб кетасан. Ўзи шунақа бўлади... Мени айтди дерсан.

Ўша куни қўлтиқтаёққа таяниб, атиги ўн беш қадамча оёқ босдинг. Дераза олдига келиб, мовий осмонни, нанбаҳор гулларига бурканган боғчани ютоқиб-ютоқиб томоша қилдинг. Ва шунда ҳаётнинг нақадар ширинлигини, униинг кулфатларига қасдма-қасд яшаш лозимлигини яна бир карра дил-дилдан ҳис этдинг. Кунлар ўтиб борган сари йигирма-ўттиз, элик-олтмиш... кейин саноғига етиб бўлмайдиган қадамлар ташлай бошладинг. Тўғри, қийин бўлди. Ёғоч оёқлар ўз оёғинг эмас-ку, ахир. Бу орада сени Қримга — “Саки” оромгоҳига жўнатишди. Яхши одамлар ҳамма ерда бўлганидек, у ерда ҳам меҳр қуршовида қолдинг. Ниҳоят, 3 апрель куни улар сени самолётга чиқариб, кузатиб қўйишди. Тошкент аэропортида онаизоринг кутиб турарди. Ўша куниёқ икки йилдан бери жамолини кўришга интизор бўлиб юрганинг она-шаҳринг Бухорога қараб учдинглар. Самолёт зиналаридан ўз “оёқларинг” билан тушиб келаётганингни кўрган отанг, қариндош-уруғларинг, жонажон ҳамшаҳарларининг купончлари беқиёс эди. Кўксингдаги гуллар ҳам ҳаяжондан титрар, олам шу қадар чарогон эдики, гўё сен ҳеч сўнмайдиган нурлар оғушида қолган эдинг...

4

Мен Вадим билан хайрлашишга чоғланарканман, онаси Валя опа ўригидан қўзғалиб, деди:

— Кеча Қобулдан хат олган эдик. Марҳамат, ўқиб кўринг.

Мактубни Вадим хизмат қилган қисм командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари Сергей Владимирович Шеротюк йуллаган экан. Хусусан, хатнинг энг сўнгги сатрлари диққатимни тортди. Унда шундай сўзлар бор эди: “...Яқин кунларда сени ватанимизнинг юк-

сак орденларидан бири билан мукофотлаш тўғрисида Фармон чиқади. Азизим Вадим, сенинг жасоратинг шундай мукофотга муносибдир. Юракдан қутлаймиз! Дарвоқе, бизни бахт тўйингга таклиф қилишни унутма!...”

— Табриклаймиз, укажон Вадим! Шундай бўлишини билган эдим, — дедим ҳаяжонимни яширолмай. — Негаки эзгулик йўлидаги жасорат ҳеч қачон изсиз кетмайди... Энди энг сўнгги саволимга жавоб бер: командириг тўй ҳақида сўз очибди. Агар сир бўлмаса, севгилингнинг исмини айтгин. Сендай фидойи, мард йигитга ёр бўладиган қизни билиб қайтайин.

Вадим жилмайди. Жингалак сочларини бармоқлари билан тараб, ширин энтикди. Кўзларини олиб қочиб, ерга тикилди. Сўнгра:

— Нима десам, экан? Умуман, севгилим бор, — деди у ўйчан вазиятда. Бизникига тез-тез келиб туради... Аммо ҳозирги қизларга...

— Ишониб бўлмайди, дейсанми?

— Шунақароқ... Ахир аҳволим...

— Йўқ, Вадим, сен бу борада ноҳақсан. Биласанми, муҳаббат бамисоли олов, қаловсиз қолдими, ўчади. Сен эса алангалат қалбингдаги ўша оташни. Чунки севишга, севилишга ҳақлисан. Хўп энди, укажон, сенга ҳам, севгилингга ҳам ойдин бахт тилайман! Тўйингга мени ҳам, албатта, айтгин. Ўшанда яна бир марта қаламга оламан сизларни...

1987 йил, июль.

КУЙ АВЖИДА УЗИЛМАСИН ТОР

Оламзолнинг бошига тушган оғир қисматни бировлардан эшитгансиз, “ҳа, бечорага қийин бўлибди. тўзим берсин унга” дея оддийгина қилиб ҳамдардлик билдиришингиз — турган гап. Лекин шу мудҳиш воқеани ўша оламнинг ўзи сўзлаб берса... Сизни билмадим-у, менинг вужуд-вужудимга титроқ кирди. Кўзларимда ёш айланиб, ҳасиларим музлагандай бўлди. Ҳамроҳимнинг шикаста кўнглини қандай қилиб кўтаришни, юм-юм оқаетган кўз ёшларини тиндиришни билмасдим. У киши тухтаб-тўхтаб, узоқ сўзлади. Алам билан, бир олам надомат билан дардларини тўкиб ташлади. Унсизгина, изтироб ичра тингладим бу армонли ҳикояларни.

— Агар ўғлим Зафаржон... Ҳозир тирик бўлганида уни онаси билан Термизда кутиб олган бўлармидик, — дея оғир уф тортди Зиёдулла ака. Кейин қўйнидан газета олиб, менга узатди.

— Мана бу мақолани ўқинг, газета мухбирининг Афғонистондаги чиққан совет кўшинлари кўмондони билан суҳбати босилибди. Хусусан, манави жойини.

Мақолага тезда куз югуртириб, Зиёдулла ака таъкидлаган сатрларни овоз чиқариб, ўқий бошладим:

“Мухбир: — Афғонистон бизнинг жангчиларга нима берди?”

Кўмондон: — Афғонистон йигитларимизнинг қатъийлигини си-наб кўрди. Катта ҳарбий тажриба тўплашга ёрдам берди.

Мухбир: — Сизнинг иккита ўглингиз бор экан. Уларнинг Афғонистонда хизмат қилишини хоҳлармидингиз?

Кўмондон бир зумда ўйланиб қолди.

— Йўқ, менимча, йўқ”...

— Кўрдингизми, — дея таъкидлай кетди Зиёдулла ака. — Ҳатто тажрибали ҳарбий саркарда ҳам Афғондаги урушнинг беъманилигини эътироф этишга мажбур бўлган. Ахир, фарзанд деганингиз юракнинг қонидан яралади-да!... Кейин мен шу ўринда генералнинг жанобига кўшилмайман. Кеча “Литературная газета”да ўқидим: Ўн беш мингга яқин аскар болаларимиз Афғон ерида ҳалок бўлишди, ўттиз етти мингдан ортиқроқ майиб-мажруҳлар... Қанчалик қанча асир тушган, бедарак кетганларни айтмайсизми? Йигитларимизнинг қатъийлигини шунақа синайдиларми? Ёки ҳарбий тажриба тўплаш учун бошқа йўл йўқмиди? Байналмилаллик буюк туйғуку-я, аммо ўз юртинг, ўз тупроғинг учун қон тўксанг, жон берсанг алам қилмайди-да! Ахир, замон тинч бўлса, элимизга бирорта душман хуруж қилмаган бўлса? Ўша бекордан-бекорга шаҳид кетган болаларимиз бугун Ватанимиздаги қайта қуришнинг фидойилари бўлишлари мумкин эди-ку! Ё нотўғрими?

— Тўғри! Гапингизда жон бор, — дейман ҳаяжондан эпитиккан Зиёдулла аканинг намиққан кузларига тикилиб.

— Ҳозир бу урушнинг маслакисизлигини марказда ҳам эътироф этишяпти. Кўпчилик сиёсатдонлар Афғон фожиасини брежневчиликнинг аянчи оқибати дейишмоқда. Менимча, ҳали бу хусусда батафсилроқ фикр билдирилар. Аммо барчага аён ҳақиқатни такрорлашнинг зисси йўқ: Кўшнингнинг дарди — сенинг дардинг, сенинг кулфатингдир. Бизникилар шу гоёга амал қилишди. Жангчи болаларимиз афғон халқи олдидаги байналмилал бурчларини шараф билан ўтаб, қайтиб келишди. Ўглингиз Зафаржон эса.. шу йўлда қаҳрамонларча ҳалок бўлибди. Начора, биродарим, кўп ўртанманг. Биласиз-ку, ўлганлар қайтиб тирилишмайди. Рисолат янгамизга дадда беринг, фамиини аритингга кўмаклашинг. Қолган саккиз фарзандингизнинг бошини силанг...

Шу пайт бошини қуйи солиб ўтирган Рисолат опа ўрнидан қўзгалди. Кечирим сўраб, уй тўридаги шкафни очди. Ундан нақ ўртасидан бўлинган кулча нонни олиб, дастурхонга қўйди.

— Ҳозиргача ҳеч кимга айтмаган эдим. Отасига ҳам! Биласизми, меҳмон ука, болам Зафаржоннинг ўлимига мен сабабчиман.

— Қандай қилиб? Нега сиз сабабчи бўларкансиз?

Рисолат опа уввос солиб, йиғлай кетди. Бошидаги рўмоли елкасига сидирилиб тушаркан, опанинг қийғос сочлари бемаҳал, бутунича оқариб кетганини пайқадим. Барчамизми ҳайрат ўз домига тортган эди. Опа анчадан сўнг ўзига келди.

— Бултур мартнинг бошлари эди, — дея изоҳ бера бошлади у, даладан қайтиб, хонани супуриб-сидирдим. Зафаржоним тишлаб кетган мана шу кулчага қарасам, чанг босгандай туюлди. Уни ҳар галгидай тозалamoқчи бўлиб, қўлимга олишим билан...

Опа яна хийла пақтгача жим ўтирди, ўксиниб кўз ёши тўқди. Боласини ўпгандай кемтик нонга лабларини босди, узоқ ҳидлади. Даврадагилар — Зиёдулла ака ҳам, Зафаржонни ўқитган устозлари Тўймурод Назаров, Ҳасанжон Солиев, Зиёда Сатторова ва мен ҳам опанинг безовта ҳаракати, сўзларидан анграйиб қолгандик. Муштипар она бу ноқулай вазиятни илғади, шекилли, кемтик нонни оҳиста дастурхонга қўйди.

— Ҳа, қўлга олишим билан гиламга тушиб кетди. Воҳ, мен ўлай, деганча қотиб қолдим. Кўз олдим қоронғилашди. Бироздан сўнг қарасам, кулча нон қоқ ўртасидан бўлиниб кетибди. Ўшанда мана шу қўлларим синиб кетса бўлмасмиди?... Хайрият, Зуфаржонимнинг нонига тегмабман. Йўқса, бу болагинамнинг ҳам... Йўқ, йўқ, бу сўзни айтолмайман. Вой, болам, Зафаржоним — Ҳасанжоним-ей, гуноҳкор онангни кечир! Сенинг азиз насибангни асрай олмадим...

Рисолат опанинг нидоларига ортиқ чидаш мушкул эди. Анча-мунча кулфатларни кўриб, дийдаси қотган ҳар қандай одам бу ўртаниш олдида ўзини тиёлмасди. Мен ҳам беихтиёр рўмолчамга қўл узатдим...

— Қўйсангиз-чи, опажон, — дея уни юпатишга ўтди Тўймурод ака, — нега сиз гуноҳкор бўларкансиз? Ахир, не-не йигитларимиз бемаврид ҳалок бўлишди. Нима, уларнинг ҳам нонларини ўз оналари эҳтиёт қилмаган дейсизми? Бу — шунчаки бир тасодиф. Барисига Афғонистондаги мақсадсиз уруш сабабчи... Болаларимизнинг насибасини ана ўша офат ютиб кетди.

Тўймурод ака ҳақ гапни айтган эди. Билмадим, буни Рисолат опа англадимми ёки йўқми, айни пайтда унинг боласининг шахидлиги учун ўзини гуноҳкор санаб туриши идрокимни лол этиб қўйганди. Айтинг, азиз одамлар, тарих китобларининг қайси бир варағида бундай мардликни учратгансиз? Бу удумларимизнинг умрбоқийлиги, эътиқод аталмиш пок туйғунинг оналаримиз қалбидан жой олган акс-садоси эмасми? Бундан бир ярим йилча олдин икки эгизак дилбанди — Зафар ва Зуфаржонларни ҳарбийга жўнатиш олдидан тишлатиб қолдирган кулча нонлар онаизор учун жонидан ҳам азиз эди-да, ахир!

Бетизгин хаёллар домига тушганимдан хонага бир аскар боланинг кириб келганини пайқамабман.

— Меҳмон, кулфат одамни паришон этиб қўяркан, — дея жимликни бузди Зиёдулла ака. — Сизга айтишни унутибман. Кеча Зуфаржон ўғлимиз қисқа муддатли таътилга келувди. Мана, шу йигит.

Зуфаржон билан астойдил кўришдим. Гарчи у кенг елкали, барваста, спортчиларга ўхшаб кетса-да, аммо кўзларида қандайдир довдирап, алланимадан ҳадиксирашга мойил туйғу зоҳир эди... Зиёдулла ака синчковлигимни сезди чамаси, ўғлини ноқулай вазиятда қолдирмаслик учун тагин сўзга киришди:

— Яширишнинг ҳожати йўқ. Ҳусанжон, кечирасиз, уларни Ҳасан-Ҳусан деб аташарди. Зуфаржон дозорда акаси билан бирга бўлган, Зафаржон оғир яраланиб, бунинг қўлида жон берган. Тобутини ҳам... Ўзи олиб келди... Қуи, ўғлим, кўп ўртанма. Йиғлаб-йиғлаб кўзимизда ёш қолмади. Яخشиси, акангнинг жасоратини сўзлаб бер.

Зуфар хаёлга толди. Анчагача қалтираб-қалтираб, бизни маъюс кузатди. Сўнг оғир хўрсиниб, саргузаштини бошлади...

Саланг довони. Атрофда баҳайбат тоғлар. Юксақда — писта дарахлари оралиғида кузатув пункти, ундан сал нарида, тўғрироғи, горичида бўлинма жангчилари қароргоҳи жойлашган. Қароргоҳни, Зуфарнинг айтишича, ҳатто тоғ бургутларининг нигоҳи ҳам илғаёлмаскан. Авжи баҳор эмасми, қояларнинг учларигача ям-яшил майсалар, лолақизғалдоқлар жилваланиб, ўсиб ётибди. Агар ўқтин-ўқтин автоматлар тариллаши, снарядларнинг беомон чийиллаб ўтишини айтмасангиз, гўё бу жойларда уруш кечмаётгандай. Мана, олти ой-дирки. Зафар ва Зуфаржонлар ўн чоғли дўстлари билан дозорда кеча-кундуз кузатув олиб боришади. Сурхондарёлик Олим Мавлонов командирлигида бўлинма ўзбек, тожик, рус, қозоқ, авар йи-

гитларидан ташкил топган. Қисқаси, ихчам байналмилал оила. Ўтган муддат ичида улар хизматдаги сергакликлари, душман айғоқчиларини бир неча марта даф этганликлари учун қатор раҳматномалар олишган. Бироқ вазият тобора мураккаблашиб борарди. Душманлар доводдаги туннель орқали Қобул тарафларга қатнаб турган юк карвонларига тез-тез ҳужум қилишар, қўл ракеталари ёғдиришарди. Шундай пайтда кузатув пунктидаги йигитларимиз олов ўчган нуқтани аниқлаб, бир зарб билан яксон этиб ташлашарди.

Мана, икки кундирки, душманларнинг уни ўчган. Карвонлар бетўхтов қатнаб турибди. Чор агроф ўла-ўша: қизғиш гилам ёйиб куйилгандай. Писта дарахтлари қийғос гулга кирган. Ҳатто харсанг тошларга ҳам тил битгандай: уларнинг кавакларидан хушхон қушларнинг сқимли сайрашлари эшитиларди...

Ичкарида — қароргоҳда эса хирагина фонус нур таратиб турибди. Ҳордиқ чиқариб ётган жангчиларнинг ҳар бири уз иши билан овора. Навбатчиликка чиқиш олдидан автоматини тозалаётган Зафар укасига савол назари билан қаради.

— Зуфар, ҳозир отам мактабда дарс ўтаётган бўлсалар керак-а? Бечора онам бу йил неча кўнги ишак қурт тутдилар экан. Бундай ўйлаб қарасам, уларнинг қадрига етмаган эканмиз. Роса шўх-шаддоод эдик, ўзиям. Агар соғ-омон қайтсак, уларнинг босган изларини кўзимга суртиб юардим...

— Тўғри айтасиз, ака. — дея қогозлардан бош кўтариб тасдиқлади Зуфар. — одам узоқларда юрса, ота-она меҳрини кўмсар экан. Кеча хизматни бошлаганимга роса бир йил тўлди. Қаранг, шунча пайтдан бери тоғу тош ялаб юрибмиз... Тўғриси, акам-укам, сингилларимни соғиниб қолдим. Сиз ҳам мендан батarroқ аҳволдасиз. Ё нотўғрими?

— Рост, — деди Зафар уйчан ҳолатда. — начора, чекимизга шундай қисмат тушган экан, бурч деб, афгон дўстларимиз бахти учун курашаверамиз-да... Дарвоқе, уйга хат ёздингми?

— Ёздим, балки ҳар галгидек кўшимча қиларсиз.

— Албатта-да!

— Нима, яна шеър ёздингизми? — жилмайди Зуфар

— Нега ёзмасканман, ёздим! Мана, эшит:

Тонг саҳарда ишлаб юрганда,
Энди билдим ота қадрини.
Қўлларимга нина кирганда,
Энди билдим она қадрини.
Курмадим деб фарзандларимни.

Кеча-кундуз зинҳор йиғламанг.
Омон кетдим ва соғ қайтарман,
Онажоним, хор-зор йиғламанг.
Меҳмон бўлиб келса дусларим,
Меҳрибоним, такрор йиғламанг.
Мени улар эсга олсалар,
Ўксиб-ўксиб, зинҳор йиғламанг.

— Қалай, маъкулми?

— Ёмонмас-ку-я... Лекин оғир ёзибсиз. Онам йиғламайдиган бўлсалар ҳам, энди, албатта, йиғлайдилар.

— Унда кейинги бандни тушириб қолдираман, — деди Зафар мактубни давом эттиришга ўтираркан. — Ён дафтарчамда хотира бўлиб тураверади. Ҳа, айтгандай, кеча анча-мунча сураглар чиздим. Яхши-си, мана шу дафтарча сенда тура турсин. Биласан-ку, ҳозир навбатчиликка жўнайман.

Зуфар “Хотира” дафтарчани қўлга оларкан, ундаги нарақларга нозик дид билан солинган манзара-суратларга ҳавас ила тикилди. “Акам истеъдодли, туппа-тузук шеърлар ёзгпти, рассомчиликда ҳам иқтидори ёмон эмас” деган ўй кечди унинг кўнглидан. “Келажакда ўқиса, изланса, ундан, албатта, яхши ижодкор чиқади...”

— Ака, сиздан бир нарсани сўрасам майлими? — дея мийиғида кулди у Зуфар ёзиб тугатган хатни конвертга сола туриб.

— Майли, сўрагин!

— Боя дипломатии очаётганингизда японча, сабзаранг қийиқчага кўзим тушди. Сир бўлмаса, айтинг, кимга атаб олиб қўйгансиз?

— Вой, шумтака-ей, кўрибсанда-а, — шодон жилмайди Зафар, — буниси энди сир, укам. Менинг сендан яширадиган гапим йўқ. Қийиқчанинг эгаси Сомончиқ қишлоғимиздаги гўзал бир қиз... Уйга қайтайлик, кимлигини ўшанда биларсан. Келишдикми?

Зуфар тасдиқ маъносида бош силкиб қўйди. Шу пайт “Смена, на выход!” деган буйруқ янграб қолди. Зафар автоматини олиб, йўлакка шошилди. Қозоқ йигити Қайрат, доғистонлик Маратлар ҳам унинг ортидан бирин-кетин дозор сари йўл олишди.

...Кундуз соат икки-уч ораси. Ҳаво салқин ва намчилроқ. Эҳтимол, баланд тоғ ораллиқларига қуёш нури тўлиқ етиб келмаслигидан ҳарорат хийла паст даражага тушса керак. Кузатувчиларнинг ҳар бири эса, белгиланган ўринларини аниқ эгаллашган. Туннель билан улар турган масофа ораллиғи олти юз-етти юз метрлар чамаси келади. Ораллиқдаги майдонда харсанг тошлар қалашиб ётса-да, йигитларнинг нигоҳи сергак. Бирорга ҳам шарпа йигитлар назаридан қочиб қуту-

долмасди. Буни бир неча ойдан бери таъзирини еяётган душманлар яхши билишарди. Шу туфайли бўлса керак, улар тўғридан эмас, тоғнинг ўтиш қийин бўлган орқа тарафидан писиб кела бошлашди. Ҳар қалай, душманнинг айёрлигини биринчи бўлиб Зафар илғади.

— Марат, орқанга қайрилиб, ўт оч, — дея хитоб қилди у дўстига, пулемётдан бир сидра қуюқ ўт ёғдираркан. Шунда босмачилардан икки-учтасининг пастга қулаганини аниқ кўрди. Сўнгра, у ўзини бироз панага олиб, рақия орқали душман ҳужуми ҳақида бўлинмага хабар қилди. Отишма эса қизиб борарди. Вишкада турган Қайрат Ўринбосев пулемётини нишга солишга улгурдимиди-йўқми, бирдан овози ўчиб қолди... Бундай қараса, Марат ҳам автоматини кучоқлаб, мукка тушиб ётарди... Дўстларининг ўлиmidан кўзлари қонга тўлган Зафар тагин пулемёт дискасига ёпишди. “қотиллар, худкушлар, ўз қадрини билмаган жоҳиллар, — дерди у бетўхтов ўқ ёғдираркан, — мана буниси Қайрат учун, буниси Марат учун! Сенларнинг жазойинг шу: яқинроқ келаверинг подонлар... Бигга-битта қулатганим бўлсин”.

Шу пайт унинг атрофида снарядлар портлай бошлади. Зафар учун биттагина йўл қолганди: позицияни зудлик билан алмаштириш зарур! У хиёл бош кўтариб, яқин орадаги қароргоҳга қараб қичқирди:

— Дўстлар, ташқарига чиқманглар. Душманлар миноментлардан ога бошлашди. Ҳозир вертолётларимиз этиб келади. Мен узим буларни уddaлаб тураман!

Зафар шундай дея автоматини қўлга олганча пастроқдаги харсангтош томонга югурди. Унинг панасига жойлашаркан, чап елкасини жизиллатиб олов тилиб ўтгандай бўлди. Тишини-тишига босди, оғриқ бироз пасайди чамаси, харсанг четига ёнбошлаб, автомат тепкисига қўл узатди. Ана шунда унинг қулоқларига вертолётларимиз овози чалингандай бўлди. Ҳайҳотки, шу дақиқада у тузатиб бўлмас хатога йўл қўйди. Зафар ёрлам келганидан қувониб, қоматини хиёл кўтарганида маккор душман унинг манглайини нишонга олиб турганини қайдан ҳам билсин эди... Во даригким, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган ўн тўққиз яшар навқирон йигит нақ белидан чопилган дарахтдай ерга оғир қулади...

— Бу мудҳиш воқеа 1988 йилнинг 22 апрелида содир бўлганди, — дея чуқур хўрсинди Зуфаржон, — вертолётчиларимиз душманни тезла яқсон этиб ташлашди. Биз ёрдан чиқиб, зудлик билан дозорга етиб келдик... Қарасам, Зафар акам қонга беланганча чалажон бўлиб ётибди. Ҳушдан кетиб қолибман. Кўзимни очсам, атрофимда санитарлар. Дарҳол ўрнимдан турдим. Акам қани? — десдим жон ҳолатда.

Улар боши чандиб боғланган носилкадаги кишини кўрсатишди. Энкайиб, юзларидан ўпа бошладим. Акажоним тўлғонарди. Бошини аста кўлимга олдим. “О-она-жон... Қ-қий-йиқча” дедилар-у, жон уздилар. Ксйин нима булганини билмайман.

Уч кундан сўнг госпиталдан чиқдим. Командирларимиз полк жангчилари олдида Зафарнинг ўлимидан кейин “қизил Юлдуз” орденига тавсия этилганини эълон қилишди. Кейин бир офицер билан акамнинг тобутини олиб, вертолётда Термизга қараб учдик. Бу ёғига эса поездда... Ҳа, акам тенгсиз йигит эди. У бизни ҳам ўлимдан сақлаб қолди. Қисмимизда унинг курагини ерга тегизадиган паҳлавон топилмасди. Э, нимасини айтасиз, бирам чиройли кўшиқлар куйлардики... Китобга жуда уч эди, хизматдан қайтиб, албатта, пединститутга кираман, отамдай тарихчи бўламан, деб кўярли.

— Тўғри, — дея қувватлади ўқитувчи Ҳасанжон Солиев, — мен буларнинг собиқ синф раҳбариман. Икки йилча бўлди-да мактабни тугатганларига. Зафар яхши ўқирди. Ҳар жиҳатдан ибрат эди бошқаларга. Унинг идеал қаҳрамонлари Маҳмуд Торобий, Жалолиддин Мангубердилар эди. Ватанпарварликни, эл-юртингни севишни шулардан ўрганиш керак дерди...

— Мен Зафаржонга географиядан сабоқ берганман, — сўзни давом эттирди Марям опа Шойимова. — У чинакам мард йигит эди. Агар хато қилгудай бўлса, дарров кечирим сўрарди. Нимасини яширамиз: колхоз бир оз қолоқроқ, Зафаржон эса муросасиз эди. “Опа, қачон бизда спорт майдони, клуб, ёғги кинотеатр, ҳаммом қурилади? Ёки қишлоғимиз ўтайми?” деб сўрарди. Сўнгра шу масалада дўстлари билан бир гаплашиб, туман кўмитасига хат ташкил қилганди. Буни нотўғри гушунмаслик керак. Тугилган масканини, халқини яхши кўрган кишигина шундай қила олиши мумкин...

Зафаржон ҳақидаги таъриф-таҳсинларни яна давом эттиришим мумкин эди. Навоий номидаги мактаб директори Ашур Норов, инглиз тили муаллими Латиф Фафуров, тарихчи Зиёда Сатторова, қаҳрамонимизнинг синфдоши Насибаойлар билан суҳбатлашганимизда ҳам улар Зафаржоннинг фожиали қисматига афсуслар билдиришди. Унинг мардлигини, ўттиз йилдан бери халқ таълими соҳасида жон куйдириб келаётган ўқитувчи Зиёдулла Тошев ҳамда Рисолат опалар хонадонида яхши тарбия кўрганини, мактабнинг ифтихори эканини, Афғон юртидаги жасорати нафақат Жондор тумани, балки бутун вилоятимиздаги ёш авлод учун чинакам ибрат бўла олишини юракдан эътироф этишди. Қаҳрамонлиги мангуликка дахлдорлигини, унинг номига кўчалар, мактаблар қўйилишини такрор-такрор таъкидлаш-

ди. Унинг Биби Марями пок қабристонида ётган қабри устида эсдалик лавҳаси ўрнатилгани, бу жой катта-кичикнинг зиёратгоҳига айланганини маълум қилишди...

Мен шу ўринда очеркка хулоса ясашим мумкин эди. Бироқ хонадон соҳиблари, даврадаги дарддош мезбонларга ташаккур айтиб, хайрлашаётганимда Зуфарнинг сўнгги сўзлари барчамизни ларзага солиб қўйди:

— Ҳозир Қозоғистонда хизматни давом эттиряпман, — деди у. — Лекин... акамнинг жасадини олиб қайтганимдан бери, негадир... яшагим келмайди. Ахир, бизнинг юрагимиз битта эди-да...

Борлигимни ўт чирмагандай бўлди. Эҳтирос ичра олдига келиб, уни бағримга бослим.

— Йўқ, укажон, сен ноҳақсан, — делим унинг рангпар чеҳрасига боқиб. — Сен ўзинг учун ҳам, аканг учун ҳам яшашинг керак. Зафаржоннинг етим қолган сабзаранг, шойи қийиқчаси ҳақи яшашинг керак... Афғон элида бемаврид ҳалок бўлган дўстларинг ҳақи яшашинг керак. Зафаржон рубобнинг таранг тортилган торидай сержаранг эди. У ҳали кўп марта оҳанрабо куй бўлиб, наво бўлиб таралиши мумкин эди. Афсуски, ўша тор айни авжида узилди... Энди сен ўша тор бўлиб янграшинг керак. “Дилхирож” бўлиб. “Муножот” бўлиб, “Чўли ироқ” бўлиб халқинг юрагидан жой олишинг керак. Аканг таратган наво эса абадул абад яшайверали...

1989 йил, март.



ТУРКИЯ ЙЎЛЛАРИДА

1. “КУНИНГИЗ ОЙДИН, АФАНДИМ...”

Ҳали-ҳали эсимда: 1983 йил. Май кунларининг бири эди. Тонгда телефон кунгироғи янграб қолди. Дастакни кўтарсам, “Кунингиз ойдин, афандим” деган бир ажиб тилак эшитилди. Лаҳзагина шошиб қолдим. “Ташаккур, кунингиз ойдин, кимсиз?” дедим ниҳоят. “Сиза Истанбулдан салам гетерминам. Чўх гўзел, ёзарлардан (ёзувчилардан), — дея давом этди у киши, — бан “Бухоро” ҳотелидаман. Одим — Сабрий. Бир куришсаниз. Галиюрсиниз? (келасизми?)”.

— Албатта, қардошим. Ҳозир етиб бораман.

Сабрий мени меҳмонхона ташқарисида кутиб турган экан. Кучоқлашиб куришдик. Самимий, кўзлари ёниқ, кўнгли тоза йигит экан. Бирпасдан сўнг хотини — сулув аёл Гунашхоним ила мени таништирди. Бухорога илк келинлари экан. Суҳбатни меҳмонхона емакхонасида давом эттирдик. Кейин шаҳримиз бўйлаб саёҳатга олиб чиқдим уларни. Оқшом эса уйимга бир пиёла чойга таклиф этдим. Келишди. Бир қанча шоир, ёзувчи дустларим ҳам. Табиийки, суҳбатимиз ҳар икки халқнинг қадим дўстлиги, қардошлиги-қурдошлиги, тилимизнинг, дилимизнинг тугашлиги хусусида кечди.

— Ҳозир Туркияда иқтисодий ва маънавий инқилоб жараёни кетмоқда, — деганди ўшанда меҳмон... — Биз яқин йиллар ичида энг ривожланган мамлакатга айланамиз. Бонси — хусусийлаштириш, компьютерлаштиришга тула утаётганимизда. Токи ер, қорхоналар уз эгасининг қулига тегмас экан, иқтисодий юксалиш бўлмайди. Иншоолуқ, бу кунларга сизлар ҳам етасизлар, чунки замон асло қотиб қолмайди. Давр ўзгаради, тафаккур ўзгаради. Қарашлар, куришлар, курашлар ўзгаради. Бир кун кўксингизга офтоб тегишига, кўзларингиз ойдин булишига ишонаман. Ўзбекистон ила Туркия бир-бирини топадиган, қулни-қулга берадиган кунлар, албатта, келажак... “Иншоолуқ!” дегандик бизлар ҳам...

Ўшанда бир нарсани — орқангда сени изма-из кузатувчилар борлигини ҳисобга олмаган эканман. Меҳмонга уйимда бир пиёла чой куйиб бераман, деб анча пайтгача маломатга қолиб юрдим. Сўроқлар, ёзма-тушунтириш хатлари.. Эҳ-ҳе... Энди ўтириб-ўтириб алам

қилади. Ҳам ачиниб, ҳам уялиб кетаман ўша кунлардан. “Қардошим” деб келган бир оддий ёзувчини ўз уйингга чорлаш қанчалик мушкул эди-я! Дилимиз, тилимиз тугик эди-я!..

Шукрки, ўша машъум кунлар ортда қолди, бошимизда Истиқлол қуёши чарақлади. Ўзбекистон жаҳон аро ўз ўрнини эгаллади. Жумла эллар, элатлар уни тан олди. Бугун бошида дўпписи, белида белбоғи бор ўзбек дунё аҳли билан юзма-юз туриб, мулоқотда бўлаётир. Хуллас, ифтихор ила айтадиган гап кўп. Энг муҳими, мустақил жумҳуриятлигимизни биринчи бўлиб Туркия эътироф этди. Дастлабки ёрдам қўлини шу давлат чўзди. Етмиш тўрт йиллик ҳижрону айрилиқдан сўнг ўзбеги турк бир-бирини топди. Мана, бир йилдан бери Оқ денгизу Қора денгиз, Мармара денгизлари ўртада дўстлик кўприклари бўлиб хизмат қилмоқда... Жумҳуриятимиз вилоятлари, шаҳарлари Туркия вилоят ва шаҳарлари ила қардошлиқ ришталарини боғлаб, ўзаро биродарлашмоқдалар. Жумладан, шу йилнинг 5 — 12 сентябрь кунлари вилоятимиз делегацияси Измирда бўлишиб, ҳар икки вилоят ўртасидаги қардошлашув битимини муҳраб қайтдилар. Яқинда эса (19 — 26 сентябрь) шундай улуг вазифани адо этишда қатнашиш менга ҳам nasib этди.

Гуруҳимиз — шаҳримиз ҳокими Убайдулла Носиров, республика коммунал хўжалиги вазирлигига қарашли вилоят Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинати директори Иззатулла Тўраев, “Интурист” меҳмонхонаси бошқарувчиси Бўронжон Эргашев, шаҳримиздаги турк маданий маркази раиси ўринбосари Кирмон оға Бадиров ва каминадан иборат эди. Бизни ярим оқшом Истанбулда — Мустафо Камол Ота Турк аэропортида самимий кутиб олишди. Фурсат ўтмай, мухбирлар қуршовада қолдик. Ҳар бирининг саволдан олдинги калом: “Хош галдингиз, сафо галдингиз, марҳаболар, афандим”. Кўзингиз, юзингиз ёришиб кетади шундай дамларда. Чунки улар бу сўзларни юракдан, ғоятда мамнунлик билан изҳор этишади. Кўп ўтмай, турк ва япон аробаларида (улар машинани шундай аташади) шаҳарга йўл олдик.

Истанбул кундузи бўлганидек, кечасиям бетиним гувиллайди. Ўн миллионли шаҳарга ҳар куни тагин икки миллион сайёҳлар келиб кетишади. Сон-саноқсиз чет эл аробалари меҳмонларни аэропортдан шаҳар марказига, шаҳардан аэропортга ташийди. Кўчалар бамисоли юлдуззор-чамаи. Ён агрофдаги Жоме масҷидларнинг ингичка миноралари кўкка сангилгудай. Дўлма боғча — турк султонлари оромгоҳидан ажиб бир нағмалар, садолар таралади чор агрофга... Биз ана шу боғ яқинидаги хусусий “Олжай” меҳмонхонасида жойлашдик... Эр-

танги кун режалари эса аниқ: тонгда Анқара орқали Малатияга учишимиз лозим. Олис йўл эмасми, ухлаб қолибман. Бир замон телефон жиринглади, дастакни кутарсам: “Кунингиз ойдин, афандим, сизни кутиюрлар...” деган майин, бсозор овоз эшитилди. Тезгина ювниб, кийиниб, пастга отилдим-у, хаёлимда бир истак жонланди: кошкийди бизнинг меҳмонхоналаримиздаги навбатчилар ҳам эшикларни тақиллатиб урмай, бақирмай, дилозорлик қилмай, шундай гўзал муомалани урганишса...

2. ДЎСТЛИК ТОРЛАРИ БОҒЛАНГАН КУН...

“Боинг”да Анқарага қараб учяпмиз. Пастда Мармара денгизи. Олисолисларда ҳайбатли тоғлар. Ўйларим ҳам денгиз тўлқинларидай тизгинсиз: “Хўш, биз ҳозиргача нега жаҳонга чиқолмадик? Нега бизнинг йўлимизга, кўнглимизга бунча ғовлар қўйишди? Хусусан, Туркияни биздан, бизни эса Туркиядан нечун бунча қизганишди? Гарчи турклар она-юртлари — Туркистонга талпинишса-да, нечун уларнинг кўкрагидан итариб келишди? Ёки ўша “тизгиндорлар” Мустафо Камол Ога Туркдаи обрўли давлат арбобининг “Биз турклар — Туркистоннинг жужуқларимиз” (болаларимиз) деган сўзларини эшитишмаган дейсизми? Ахир, жуда кўп туркларнинг Туркияга Туркистондан кетиб қолишгани олам аҳлига аён ҳақиқат-ку! Ёки буниям инкор қилишадими улар? Йўқ, ҳамма гап шундаки, бола онага, она болага талпинмасин. Мабодо, туркий халқлар бирлашишса, дунё уларга тангу торлик қилиб қолиши мумкин-да!... Ҳар не бўлса-да, Туркистоннинг парчаланиб ётгани маъқул. Бу эса “тизгин тутган” зобитларнинг ғоятда макқорона, устомонлик билан танлаган йўллари эди.

Ваҳоланки, азал-азалдан қошу кўздай, эту тирноқдай бир-бирига туташиб кетган турку ўзбек орасида бегоналик бўлмаган. 1920 йилларда Туркистон босиб олинганда, сунгра 30 йиллар қатағонида кўплаб юртдошларимиз Туркия еридан паноҳ топишди. Шу ўлкани Ватан деб англашди. Уларнинг миғглаб авлод-аждоллари айни пайтда ҳам Истанбул, Адана, Бурса ва бошқа шаҳру қишлоқларда турклар билан бақамти яшашмоқда. 1910 — 14 йилларда Истанбулда таълим олган халқимизнинг атоқли фарзанди, бухоролик шоир, олим, тарихчи ва драматург Абдурауф Фитрат домла эса “Биз истиқлолиятнинг қадрига етишни, озодликнинг қадр-қимматини, багрикенглик ва саховатни турклардан ўрганишимиз керак. Менга таълим бер-

ган, бугунги илмий-ижодий камолотимни таъмин этган қондош ва жондош турк халқидан абадий миннатдорман”, дея айтган. Ҳаққоний ва ғоятда қимматли бу сўзлар учун Фитрат домлани туркпарастликда айблашди. Ўтдан сувга, сувдан ўтга солишди. Оқибати эса ўзингизга аён: 1938 йилнинг 4 октябрида улуғ адибни судсиз отиб ташлашди. Яна қанча-қанча фожиавий тақдирлар...

Халқимизда, қуш қушга талпинади, деган мақол бор. Орага қанча-қанча тўсиқлар қўйилса ҳамки, гурку ўзбек узоқ йиллар бир-бирига талпиниб яшади. Пинҳона бўлса-да, кўз қирини ташлаб бўлса-да, қардошим, дарддошим деб яшади... Шукурларким, бу туйгулар энди тилимиздан дилимизга, дилимиздан тилимизга рўй-рост кўчиб ўтди. Яйраб-яшнаб биродарлик гулшанларини яратмоқдамиз. Мана, бугун ҳам шундай ниятни дилга тугиб, пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом авлодларидан, улуғ шайх — Саид Баттоли Ҳазратнинг она юрти — Малатияга қараб кетмоқдамиз...

Бир соатлик йўлда — Анқарага етиб келгунча шундай туйгулар кечди ҳаёлимдан. Икки миллионли бу шаҳар она Бухоромни эслатди менга. Қадим, озода, кўркам тош шаҳар! Кўчалари ойнадай, аммо пасту баланд. Биз “Тетик” номли йирик савдо ва саноат корхонаси бош директори Мустафо Тетик хонадониди кўниб, қисқа муддатли нонушта қилдик. Сўнг Туркия Президенти Турғут Ўзал яшайдиган боғ ёнидан утиб, Парламент биносини томоша қилдик. Машиҳур Хўжа-тепа масжидига қадам қўйдик. Бир масжидда бир пайтнинг ўзида қирқ минг киши намоз ўқиркан. Қурилиши қарийб йигирма йил давом этиб, 1984 йилда поёнига етибди. Салобатли, мунаққаш қадамжо ичкарисидаги ҳар бири саккиз тонналик иккита биллур қандил эса сизни эътиборсиз қолдирмайди. Бу — турк усталарининг беназир санъаткорлар эканлигидан далолатдай туюлди менга. Ҳамроҳ — турк дўстларимиз қатори биз ҳам тиловатни бажо келтирдик. Кейин яна аэропортга келиб, “Боинг” да парвозга шайландик...

Малатия аэропортида бизни юзлаб одамлар қарши олишди. Довулар чалишди, гуллар сочишдан бошимиздан. Мезбонлар анъанага кўра, бир-бир бағирлашишди бизлар билан. Эътиборлиси шундаки, улар бизга ўхшаб ўпишмас экан. Кучоқ очиб, юзларини юзингизга қўйишади. Тилларида: марҳаболар, афандим, бураси Малатия! Хош гадингиз...

Малатия шаҳар бошқони (ҳокими) Мунир Аҳмад Эркол хушбичим, ширин гуфторли, кўзларидан ўт чақнайдиган йигит экан. Туркчасига айтганда, “чўх гўзал” бошқон! Ёши ўттиз саккизда. Истанбул техника университетининг мезморлик куллийтини тугатган. Архи-

тектура доктори. Францияда Оврупо “Милли ҳаёт” элчихонасида икки йилча элчи, кейин бир неча йил Малатияда бош архитектор бўлиб ишлаган. 1989 йили сайловда олти номзодни енгиб, шаҳар бошқони бўлган экан. У бизни аэропортнинг кўркам хоналаридан бирига бошлаб кирди.

Кўплаб ёш-яланлар, қариялар, мухбирлар билан суҳбатда бўлдик. Умуман, мезбонлар қадимий дўстлигимиз тикланаётганидан, кўмилган йўллар, чашмалар кўзи очилаётганидан гоҳта шодмон эканликларини изҳор этардилар... Бундайин самимиятни ўша куни шаҳарнинг дам олиш боғидаги тушки зиёфат чоғида ҳам, Малатия — Искандария футбол жамоалари ўйинини кўргани стадионга тушганимизда ҳам дил-дилдан ҳис этдик. Хусусан, ўйингоҳ радиосидан ташрифимиз эълон қилинганидан, тўпланган ўттиз минг томошабин оёққа қалқиб, бизни узоқ олқишлашди...

Одамзод умри давомида кўп воқеаларни кўради, саргузаштларни бошдан кечиради. Турли кишилар, тақдирлар билан танишади. Табиийки, қалбингизга чўғ солгани эсингизда қолади. Уни мудом ҳамроҳ этгингиз келади ўзингиз билан. 1992 йилнинг 21 сентябрь куни ҳам менинг кўнглим қатларида абадул абад муҳрланиб қолди десам, ишонаверинг. Ўша куни шаҳар бошқонлигида қизгин қабул маросими бўлиб ўтди. Кўплаб шаҳар фаоллари, корхоналар, ширкатлар, завод ва фабрикаларнинг бошлиқлари, қалам аҳли қатнашган ушбу маросимни Бошқон Мунир Эркол кириш сўзи билан очди. Бугун имзоланаётган Малатия ва Бухоро шаҳарлари ўртасидаги ўзаро биродарлашув Бигими тарих бўлиб қолажагини алоҳида таъкидлади. Шаҳримиз ҳокими Убайдулла Носировнинг нутқи ҳам бағоят эҳтиросли эди:

— Азизлар! Биз Бухоройи Шарифдан ҳузурингизга эзгу ниятлар билан келдик, — деди у. — Ҳозир халқимиз Мустақилликни янада мустаҳкамлаш йўлида қийин синовларни бошдан кечираяпти. Ишончимиз комил: биз яна уч-тўрт йилдан сўнг қаддимизни батамом тиклаймиз. Ўзбекистон жаҳондаги иқтисоди юқсалган мамлакатга айланади. Жумладан, Бухоро вилояти ҳам. Бизга эса айни маҳалда дўстлик қўли зарур. Демокриманки, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий соҳада бир-биримизга сунчиқ бўлайлик. Бухоро ва Малатия шаҳарларини биродарлаштирсак, бориш-келишни йўлга қўйсак, келажак авлод бизу сиздан абадий миннатдор бўлади. Ҳадиси шарифда шундай дейилмишдир: “Икки киши бир кишидан, уч киши икки кишидан яхши, тўрт киши уч кишидан яхши, кўпчилик билан бирга бўлинглар. Тангри умматларини фақат тўғри йўлда бирлаштиради”.

Ҳа, қадрдонлар, бирлашайлик, биргалашайлик, ҳамкору ҳамдаст бўлайлик. Бу йўлда бизни Исмоил Бухорию ҳазрат Баҳовуддин Нақшбандийларнинг порлоқ руҳлари ҳамиша қўллаб-қувватласинлар. Оллоҳ таолло барчамизни ниятларимизга етказсин. Омин!..”

Зал жунбушта келди. Олқишлар ингради. Шундан сўнг томонлар биродарлашуви Битимига имзо чекдилар. Халқимиз анъанасига кўра, Мунир Эрколга чопон кийдирдик, белини боғлаб, бошига дўппи кўндирдик.

— Қаранглар, дўстлар, — деди у қувонч билан, — мен ҳақиқий ўзбекка айландим-қолдим... Кейин у бизнинг ҳар биримизга араб ва турк тилларида олтин ҳарфлар билан чоп қилинган Қуръони карим ҳадя этди. Убайдулла Носировнинг Малатия шаҳри фахрий фуқаролигига қабул этилганини тантанали эълон қилди, шу ҳақдаги Ёрлиқни унга эҳтиром ила топширди. Йиғин сўнгида менга яқунловчи сўз беришди. Ҳаяжон ила ўша тонгда битган “қардошлик қутлуғ бўлсин!” сарлавҳали шеъримни ўқиб бердим. Уни сизнинг ҳам эътиборингизга ҳавол этишни жоиз деб билдим, ҳурматли китобхон:

Қўлимизни узатдик, қўлингизни олмоқ-чун,
Кўнглимизни узатдик, кўнглингизни олмоқ-чун,
Гулимизни узатдик, гулингизни олмоқ-чун,
Эй, азиз турк оғалар, қардошлик қутлуғ бўлсин!
Румийнинг авлодисиз, етти иқлим билади,
Навойи зуредимиз, етти иқлим билади.
Бир-бирга қучоқ очсак, пирлар бизни қўллайди,
Эй, азиз турк оғалар, жондошлик қутлуғ бўлсин!
Эврилса-да замонлар, тиллош, диллошлар эдик,
Ўтгай яхши-емонлар, қўллош, йўллошлар эдик,
Қошу кўздек яқин-у, қалби қуёшлар эдик,
Эй, азиз турк оғалар, қондошлик қутлуғ бўлсин!
Сиз дерсиз: “явош-явош”, биз дермиз: “аста-аста”,
Сиз дерсиз: “ччак даста”, биз деюрмиз: “гулдаста”,
Агар дўстлик гулдаса, диллар бўлгай пайваста,
Эй, азиз турк оғалар, жондонлик қутлуғ булсин!
Боқий булсин Бухоро — Малатия дўстлиги,
Туркнинг турконалиги, ўзбекнинг ўл сўзлиги,
Бор бўлсин биродарлик, икки халқ нон-тузлиги!
Бу улуг йўлда бизни Оллоҳ мангу қўлласин!..

Ўша куни бизни вилоят Валийси (ҳокими) ҳожи Саффет Алкал оға ҳам қабул қилди. Унинг айтишича, Малатия Туркиянинг жанубидаги вилоят бўлиб, ҳудуди 12100 кв. км., аҳолиси 1 миллионга

яқин экан. Шаҳар нуфуси эса 280 минг киши. Вилоят йирик саноат корхоналарига эга бўлиш билан бирга, қишлоқ хўжалиги ҳам кескин ривожланган. Жумладан, пахта, қанд лавлаги, мева ва полиз маҳсулотлари, зайтун ва кунгабоқар мойлари етиштириш ҳам.

— Сизлар ҳур Ўзбекистондан ажиб мужда олиб келдингиз, — дея ҳаяжонини изҳор этди учрашув сўнггида Саффет оға, — турк халқи ўзбекларга меҳр-муҳаббат билан қарайди. Сизнинг қувончингиз — бизнинг қувончимиз. Юз-кўзларингизга боқиб, бахтиёр ўзбек халқини кўргандай бўляпмиз. Бугунги битилган ўзаро қардошлик Битими тарихларда албатта, қолажак...

Беш маҳал намозни қанда қилмайдиган бу олийжаноб Валий ҳузуридан ажиб таассуротлар ила чиқиб, аробаларга ўтирдик...

Оқшом эса мени “мусофирхона” (меҳмонхона)мизга уч киши сўроқлаб келишди. Танишдик. Улар — Малатия университети профессори — Қирғиз, тотор, озар, бошқирд, кўк турк, усмонли турк тиллари мутахассиси Шарифаши Бўзқоплон, Диёрбакир шаҳри университети турк тили ва адабиёти муаллими Рамазон Солмон ҳамда Малатия университети турк тили ва адабиёти кафедраси мудир, доктор Гулар Гулсевинлар эдилар. Меҳмонларнинг ҳар бири айни пайтда ўзбек тилини ҳам кунт билан ўрганишастган экан. Хийла суҳбатдан сўнг улар мендан университет талабалари ва муаллимлари ҳузурда суҳбат ўтказиб, шеърлар ўқиб беришни илтимос қилишди. Рози бўлдим. Иккинчи кун бир аломат учрашув бўлиб ўтди...

3. КЎРГАНЛАРИНГ — ҚАЛБГА ЭККАНЛАРИНГ...

Рост, ҳаётда нимани кўрсанг, кузатсанг, таъсирлансанг, хотиротлар уруғини қалбга эккан бўласан... Малатияда, бошқа кўплаб шаҳру қишлоқларда кўрганларим шу қадар таъсирлики, улар бир кун юракларимиз бўстонида сўлимас майса бўлиб, ниҳол бўлиб кўкарса, ажаб эмас.

Малатияда атиги иккита давлат корхонаси бор экан. Шулардан бири “Суммербанк” тўқимачилик фабрикаси. Бошқони (директори) — Азми Ознай оға. Инглиз тилини пухта эгаллаган, ўз касбининг стук мутахассиси. Бир кун олдин Америкадан қайтган экан. Унинг айтишича, фабрикада 1500 киши ишларкан. Станоклар, агрегатларни асосан эркаклар бошқарали. Юзтача аёл енгил ишлар — ҳисобкитоб, компьютерларни кузатиш, идорани супуриш- сидириш билан машғул. Фабриканинг бир йиллик товар ишлаб чиқариш айлан-

маси 30 миллион долларни ташкил этади. Ҳар бир кишининг ўртача ойлик маоши 3 миллион турк лирасига ёки 400 долларга туғри келади. 1939 йилда пойдевори қўйилган бу фабрика айни пайтда Олмония, Бельгия, Англия, Америка каби ўнлаб сармоядор давлатлар билан муносабат ўрнатган. Унинг давлат корхонаси бўлганлиги — бутун Туркия аскарйилари (солдатлари)ни кийим-кечак билан таъминлашида экан...

— Биз Бухорода ҳам шундай қўшма корхона қуришга тайёрмиз, — деди Азми оға. — Қанча маблағ кетса, тўлаймиз. Эвазига пахта берсангиз, бас.

Дарвоқе, улар бизда пахта сероблигини яхши билишаркан. Ўша ернинг ўзида амалий қарорга келинди: Азми оға шахримиздаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинати ҳузурида ёғоч жиҳозлари — мебель учун кўркам мато қопламалар тикиш кичик корхонаси қуриб берадиган бўлди. Комбинат директори Иззатулла Тўраев эса уларга тегишли пахта етказиб бериш мажбуриятини олди.

Бундай амалий келишув ўрикни қайта ишлаш хусусий заводида ҳам амалга оширилди. Заводни ота-ўғил Абдулла ва Ойдин Олмослар бошқаришади. Маҳсулотларига харидор беҳисоб: Америка, Канада, Олмония, Францияга жўнатилаётган улкан “Мерседес”ларга юк ортишаётганини кўрдик. Умуман, ўрикни Туркияда жуда қадрлашади. Уни “Малатия олтини” дея аташаркан. Биз шаҳардаги саноат ва тижорат саройи Бошқони Абдурахмон Ёвуз ҳузурида бўлганимизда қизиқ гапни айтиб қолди. У ҳар куни олти дона ўрик истеъмол қиларкан. Ўрик шарбати-ку — жону дили. Шу туфайли олтмишни қоралаб қолган бўлса-да, касаллик нималагини билмаскан... Беихтиёр ўйланиб қолдим: вилоятимизда қанчадан-қанча боғларимиз бор. Тонналаб ўригимизни ҳар йили сув текинга шимол тарафларга жўнатамиз. Нобудгарчиликни айтмай қўя қолай...

Қайта ишлаш йўригини эса ҳатто тасаввур этолмаймиз. Хўш, нечун шундай заводни ўзимизда қуриш мумкин эмас? Убайдулла Носиров ҳамда Иззатулла Тўраевлар шахримиздаги хусусий “Гулистон” фирмаси қарамоғида ўрикни қайта ишлаш корхонаси қуришни Бошқон Мунир Эркол ва Ойдин Олмос билан келишиб олдилар...

Ўшанда йирик тижоратчи Абдурахмон Ёвуз оғанинг бир ибратли маслаҳати ёдимда қолганди.

— Сизлар энг аввало, — деганди у, — ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва уни сотишни, яъни бозорламоқни яхши йўлга қўйишларингиз зарур. “Суммербанк”ка ўхшаган ихчам комбинатлар, турли кичик корхоналарни кўплаб қуриш керак. Муҳими, биздан, бошқ-

алардан ўзлаштирадиган услубларни олдин пухта ўрганинг, синаб кўринг. Ана шунда хатога йўл қўймайсизлар. Хусусийлаштиришдан эса асло қўрқиш керак эмас.

Бу гаплар остида катта ҳақиқат ётибди. Дунё кўрган киши ишнинг кузини ҳам билади дейдилар-ку, ахир! Шу ўринда қайд этиш лозим: Абдураҳмон оға вилоятдаги жами ширкат ва кооперативларнинг бош Бошқони. Пасту баланд ҳаракатларини тизимга солиб туради: олибсотарлик. кўзбўямачиликка ўт қўйиб юрибман. — дейди у ҳазиллашиб (бундай қусурлар уларда ҳам учраб тураркан). Бизда ҳам шундай вазифа ва тартибни жорий этиш вақти келмадимикан? Ҳар қалай, ошиғи олчи, тайёр ошга баковул баъзи “ишбилармон”ларнинг наҳанг нафслари бир оз тийилган бўлармиди?...

Биз фабрика ҳовлисининг қуйроғида юзлаб чет эл машиналари турганини кўрдик.

— Булар — ишчиларимизники, — дейди фахр билан фабрика бошқони Шавкат Йилмас оға, — мингдан зиёд аробаларимизга шу срининг ўзида ёнилғи қуямиз...

Таъкидлайин, Туркияда машина олиш мутлақо муаммо эмас. Пулингиз бўлса бас. Исталган магазинга кириб, хоҳлаган аробани танлайверасиз. Сизга ўн-ўн беш дақиқада ҳужжатлаштириб беришади. Фақат ачинарлиси, “Жигули”ларнинг бозори касодроқ. Сабаби тольятиликлар машинани жўнатишаркан-у, эҳтиёт қисмларини ваъда қилишмас экан...

— Шакарга эҳтиёж катталигини яхши биламиз, — дея суҳбатни давом эттирди Шавкат оға, — бухороликларга ҳам истаганларингча жўнатишга тайёرمىз. Ахир, кеча ака-ука тутиндик. Хоҳласаларинг, шакар фабрикаси қуриб беришни ҳам зиммамизга оламиз...

Бундай хайрихоҳлик, самимий ваъдаларни сигарета ишлаб чиқариш фабрикасида, Саодатдин Динчар бошқонлик қилаётган хусусий ип-йигирув фабрикасида, “Қорабскмас” саноат ва тижорат ширкатаида бўлганимизда ҳам эшитдик.

Малатия университети ректори, тиб профессори Меҳнат Гўжасўй ўгли ҳар йили бухоролик ўнта йигит-қизни талабалikka қабул этиш-ни, шаҳар Бошқони Мунир Эркол эса ҳар бир талаба учун университетга йилига 500 доллардан ҳақ тўлашни ўз зиммасига олди. Фақат бугина эмас. Ҳожи Мунир Эркол оға шаҳримизда янаги йилгача янги турк лицейи қурилиши учун ўз чўнтагидан 100 минг доллар тўлашига қатъий сўз берди. Ижодий гуруҳларнинг ўзаро бориб-келишига ваколатлар олинди.

Ажабмаски, амалий ҳаракатларимиз, қалбларга эккан эзгулик уруғларимиз яқин йилларда гулга кирса, сархуш-сархуш мевалар берса...

4. “ЧЎХ ГЎЗАЛ” ИНСОН ВА... ИБРАТЛИ ҲАНГОМАЛАР

Туркларда “чўх гўзал” деган ибора бор. Бу — жуда яхши, одамо-хун дегани. Малатияликлар Нуратдин Эргул ўгли ҳақида сўз кетса, уни “чўх гўзал инсондур” дейдилар. Қирқ ёшлар чамасидаги мана шу йигит қарийб йигирма йилдан бери ғоятда хайрли бир ишнинг бошида гуриб, эътибор қозонган экан. У ўз шаҳридаги “Кабир иншоот” номли хусусий қурилиш ташкилотига бошчилик қилади. Унинг ширкати давлат ва шахсий лицейлар, турар жойлар қуриш билан шуғулланади. У тиклаган лицейлар Туркиянинг кўплаб шаҳарларида савлат тўкиб турибди. Жами йигирма еттига. Йигирма саккизинчисини Бухорода қуриб, ишга туширмоқда. Лицейга сарф этилаётган харажатларни ҳозирча ўз ҳисобидан тўлаётир. Ўқиш-ўқитиш, ўқитувчиларга маош тўлаш ҳам унинг ширкати зиммасида. Тўғриси, Малатия билан Бухоро шаҳарлари ўртасида ўрнатилган дўстлик кўпригининг асосчиси ҳам шу йигит. Гуруҳимизни ўз она-юртига даъват этган ва бизга ҳамроҳлик қилган ҳам унинг ўзи...

— Бухорога жуда ўрганиб олдим, — дейди Нуратдин оға мамнунлик билан, Раҳима Боту номли лицейга бораётганмизда, — ичимлик сувини демасангиз, бошқа ҳамма нарса Малатиядагидек: одамлари очиққўнғил, меҳнатқаш, меҳмондўст. Фақат, ичкиликни йўқотиш керак! Биздан ароғу коньякни макруҳ, арақхўрликни кофирнинг иши деб эълон этицган. Одамларни туркларга ўхшаб, айрон ичишга ўргатиш лозим...

— Яна нимани истайсан? — дея кулиб сўрайди ундан Бошқон Мунир оға.

— Янами? Мажлисбозликни камроқ қилишса. Раҳбарлар ҳам ярим оқшомгача ишламай, ўз вақтида дам олишса. Тиловат қилишни ўрганишса. Фарзандлар тарбияси билан шуғулланишса.

Мунир оға елка қисади. ажабланади. Биз Нуратдин иллаган “камчиликлар”ни ислоҳ этишга тушамиз. Шу тариқа гап гапга уланади. Пайтдан фойдаланиб, Бошқонга “илмоқли” саволлар ташлайман:

— Айтинг-чи, сизга ҳам аҳолидан шикоятлар тушиб турадимми?

— Ҳа, баъзан тушади.

— Қандай мазмунда?

— Айтайлик, бирор ширкат молини қиммат сотади. Одамлар эса бундан норози. Бундай пайтда ширкатга 7 миллион лирагача жарима соламыз. Шаҳарни ифлос қилган, булғаган ширкатдан эса 220 миллион лирагача жарима ундирамыз. Бу 40 минг доллар дегани. Агар

бундан ҳам хулоса чиқаришмаса, уни ҳаракатдан тўхтатамиз. Шу тариқа шаҳарда ободончиликни таъминлаймиз.

— Шаҳарда оила бузилишлари кўпми, озми?

— Деярли йўқ. Бўлса ҳам, йилда икки-учта учраши мумкин. Асосан, куп йил фарзанд кўрмаганлар...

— Сабаби?

— Эътиқодга таянганимиз, тўқинчиликда. Эрнинг янги оилани тўла таъмин эта олишида!

— Кўчаларда, магазинларда, завод-фабрикаларда қизларни, аёлларни кам учратдик. Бойси нимада?

— Бойсими? қиз бола ҳам, аёл ҳам, энг аввало она! Уларни оғир ишга қўйиш — жиноят. Аёлларимиз асосан бола тарбияси, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланишади. Ҳатто анча-мунча олий маълумотлилари ҳам

Шу орада суҳбатимиз бўлиниб қолди. Аробаларимиз лицей остонасига келиб қолганди. Талабалар қуршонида ичкарига кирдик...

5. ХАЙР, МАЛАТИЯ, АССАЛОМ, КЎНИЁ!

...Кунлар югуриқдир, вақт — бетизгин, деганларича бор экан. Тўрт кун давомида қанча-қанча одамлар билан учрашдик, суҳбатлар қурлик, дил-дилдан дардлашдик. Малатиянинг юксак тоғ ён бағридаги “Чашма”сига лаб босдик. Шарбатлари, айронидан тўйиб-тўйиб ичдик. Аммо ҳаммасидан азизроғи — қайта топишган, биродарликни абаний муҳраганимиз — дўстлик дийдори эди. Булар — Мунир Эроқол, Яшар Кўксол, Жамол оға, Надимбей, Нуратлинбек, Қорабекмас, Хусейн Дамир каби ишбошилар, ёзувчи Муҳаммад Гулсарон, Малатия университети профессори ва муаллимлари — Шарифали Бўзқонлон Гулсевин, Содиқ Армўтли, Зикри Турон, Ҳасан Шаън, журналист Алишан Хайрли ва яна неча-неча гўзал инсонлар эди.

Улар бизга куну тун ҳамроҳлик қилдилар, амалий ишларимизга кўмак бердилар. Икки шаҳар қардошлиги Битими имзоланганини юракдан олқишладилар, радио, маҳаллий газеталар орқали хабарномалар эълон этиб турдилар. Мана, хайрлашув онларида ҳам улар биз билан бирга. “Йўлингиз ойдин, афандим, яна келинглар!” — дея юзларини юзимизга босишади дўстларимиз. “Хайр, қардошлар! Хайр, Малатия!” деймиз уларга қўл силкиб. Аробаларимиз йўлга тушиб, Қайсар шаҳри томон йўл олди...

Ушш оқишом Қайсарда — Нуратдин Эргулнинг яқин дўсти, асли малатиялик тиббиёт профессори Шариф Алибей хонадонига кўндик.

Мезбоннинг тўққиз яшар ўғли бор экан. Исми — Исмоил Бухорий!
Буюк бобокалонимизнинг ҳар бири минг саҳифали ҳадиси столи
устиди. У кишига эътиқоди туфайли ўғлига табарруқ зотнинг исми
шарифларини берибди. Юракда ифтихор ҳисларини туйдим... Ота-
ўғилни Бухорога келишга таклиф этдик. Тонгда Қайсар қалъаси,
1238 йилда қурилган Хуннат хотун жоме масҷидини зиёрат қилгач,
Кўниёга қараб жўнадик. Йўл-йўлакай Нов шаҳридаги машҳур турк
пирамидаларини томоша қилдик. Дунёнинг бирор ерида бу қадар
нуфузли пирамидалар йўқ экан...

Оқсарой шаҳрини кечиб ўтганимиздан сўнг, шофёримиз — Ма-
латиядаги йирик тижорат ширкати бошлиғи Надимбей ога уқтира
кетди:

— Мана шу йўл бизни Маккайи Мадина, Ироқ, Сурия, Қувайт,
Иордания ва Ямангача олиб бориши мумкин. Кўниёга ҳам...

Ана шунда вужудимни аллақандай титроқ, бир ажиб аланга қур-
шагандай бўлди. Ахир, Кўниё шаҳрида — Куббаи ҳазрада улуг мута-
саввуф, шарқ шеърятининг порлоқ куёши Жалолиддин Румийнинг
хоки поклари ётибди-ку... У кишининг зиёратини не-не инсонлар
дилга тугмаган дейсиз. Бундай бахтга эришмоқ учун кўнглинг пок,
лутфинг пок, ҳисларинг ҳам пок бўлмоғи лозим... Эпителик, кўзла-
римни юмаман. Маълонининг “Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил”
деган шоҳ байтлари беихтиёр ёдга тушади. Ва шунда бундан уч-тўрт
йил олдин ёзган шеърини сатрларим ҳам қалбимга қуйилиб келади:

“Олам — боболардан мерос гулшан, боғ,
Уни кипрининг-ла ўпаётган чоғ,
Кўзгунлар ин қўйса, кўксинг этиб доғ,
Румийга қўл узат — еритгай йўлинг:
“Кўзни юмгил, кўзга айлансин дилинг”.
Ҳаёт — уммондаги олтин бир кема,
Сен осон йўлларни асло йўл дема,
Унга илангайдир ким пок, бастаъма,
Румий этагин ўп — кулгай иқболинг,
“Кўзни юмгил, кўзга айлансин дилинг”...

Ё Оллоҳ.. Туркияга жўнаш олдидан ҳазрат Баҳовуддин Нақшбан-
дий қабрларини зиёрат қилаётиб, “Кўниёга ҳам бориш, Мавлоно
Румий ётган азиз маконни тавоф қилиш бизга насиб қилармикин?”
деган ниятларим наҳотки, ижобат бўлаётган бўлса? Наҳотки, ҳазрат
Навоий, Абдурахмон Жомийлар эъозлаб тилга олган бу пайғамбар-
сиймо, даҳо шоир руҳларидан мадад олиш биздек бандаи мўминлар-
га насиб этаётган бўлса? Тақдирим, ўзинга шукурлар, дейман кўзла-
римда ёш айланиб...”

Мана, ўша яшил гумбазли пок қадамжо — Куббаи ҳизра! Мавлоно дафн этилган қутлуғ макон... Мунаққаш дарвозадан киришингиз билан овозлар тинади, сассиз қадамлар. Назаримда, эсаётган майин шабада “Маснавийи маънавий”дан инжа муждалар келтирастгандай...

Пойафзални ечиб, ичкарига йўналамиз. Тиллакори, нақшу нигорли, салобатли гумбаз... Турда Мавлононинг ажиб турбати, ёнларида ўғли Султон Валад, невараларининг қабрлари... Атрофда турфа одамлар... Ҳамманинг лаби пичирлайди. Мавлоно руҳига дуою тиловатлар... Кўзларимда яна ён қалқийди. Энтикиб, Қуръони Каримдан оятлар ўқидим. Турбат қаршисига тиз букиб, Истиқлолга эришган жафокаш халқимга, она-Бухоромга, болаларимга, азиз дўстларимга омонлик, бир ажиб тилаклар ўтиндим. Бу бахтга эриштирган Баҳоддин Нақибандий ҳазратлари руҳларига дуолар бағишладим.

Мақбара ҳузурдаги музей ҳам тирбанд. Манлонога тегишли нодир китоблар, қалпоғи ва ҳирқасини ҳар бир зиёратчи яқиндан кўришга интилади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг қирқ босқич (боғлам) соқоллари солинган садаф сандиқча ҳам шу ердаги тош ойнаванд шкаф ичида турибди. Унинг бир чегида “Соқоли шариф” дея битилган ёзув бор...

Бу зиёраттоҳда соатлаб ўтирдим. Зиёратчилар оқими эса бетиним. Ҳар куни икки мингга яқин киши келиб-кетишаркан. “Оллоҳга шукурлар! — дедим ташқарига чиқаётиб. — Хайриятки, бу оламда хоки-покини кўзларга суртадиган табаррук зотлар, жаннатмакон жойлар бор. Улар бизнинг кўнглимизни, кўзимизни ёритиб туришади...”

“Олам дарсхонадир — сабоғи мушкул” дея ёзгандим бир пайтлар. Рост гап. Дунёда шундай ажойиботлар борки, унга рўбарў келсангиз, қатор тизилишади. Айтайлик, Хўжа Насриддин тарихий шахсми? У қачон яшаган, қабри Бухородами, Эрон ёки Туркиядами? Хўш, Шарқ халқлари оғзаки ижодининг қаҳрамонига айланган бу зоти олий қайси миллатга мансуб! Ҳар қалай, Оқшаҳарда бўлганимизда, қизиқ бир мақбарани кўриб, хаёлга толинга тўғри келди. Мақбарада шундай ёзувлар битилган: “Насриддин Хўжа — XIII аср — Салжуқлар замонида яшамаш, даврининг илмини тамомлаб, устун закоси ва қобилияти ила халқлар орасида севилиб суюлмиш. Кенди мадрасасида мударрислик ва бир сурча қадиллик ёпмишлар.

Маънавий зангинлигини эшсиз ифодалари ила жоилантириб, ҳаёт фалсафасини ибрат даражада фикрларга сушламиш ва бутун дунёда танилмишдир. Баъзи қайноқларга кўра, Сиври ҳисотинда Хурлу Куюн қишлоғида туғилиб, таҳсилни Кўниёда ёпмиш. Узун йиллар Оқшаҳарда қолароқ ҳижри 683, мелодийда 1284 тарихинда Бурда вафот этмишдир...”

Хуш, айтинг-чи, азия китобхон. Насриддин Афанди қай масканнинг фарзанди? Бухорода ҳам, Оқшаҳарда ҳам Хўжамизнинг эшак минган ҳайкаллари бор. Фарқи — бизда бошларида шимисоқдан қолган дўнни, уларда бежирим салла қўндирган сиймо! Кулиши, жилмайиши эса бир хил. Назаримда, у бизга — ўзбекман, қардошларимизга эса туркман, деяётгандай. Бу ўринда даъвога ўрин бўлмаслиги керак. Хўжа Насриддин ҳаммамизники — Шарқ халқларининг дошманлиқ тимсоли у!

6. БИРОЗ ТАФАККУР... ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Ойни этак билан ёпиб бўлмас, дейдилар. Яширмоқнинг ҳожати йўқ. Туркия чиндан-да гўзал мамлакат. 78 вилояти, 9000 тумани, 62 миллионли нуфузи бор азамат ислом давлати! Бир қўлида Қуръони Карим, иккинчисидан билгисайёр — компьютер тутган юрт! Баҳайбат тоғлари, чексиз ўрмонлари, боғу саҳроси, тош ва булбул даралари бор сулуи дияр!

Биз Малатиядан Истанбулга қадар бир минг белг юз километрли масофани машиналарда кезганимизда шунга иқрор бўлдики, Туркия дунё тараққиёти билан бир сафда кетаётган экан. Бир томондан куркам минорали масжиди жомелар, бир томонда замонавий, бежирим лицейлар, коллежлар, университетлар... Иқтисодий даража эса жуда баланд. Лоф эмас, уларда ҳам ўртаҳолроқ, камбағаллар учрайди. Аммо бизнинг манамаи деган, белини ўн жойидан боғлаган бойваччалардан кам яшмайди. Бари бир сабаб — мустақиллик, яхши турмуш кечириш, яратишга иштиёқ, олам аҳли билан еруғ нигоҳларда муносабатда булиш... Шу туфайли биз, минг десак, улар миллион, миллион десак, миллиард дейишлади. Аммо у жаҳон аҳли орасида узини якка-ёлғиз сезарди. Бугун эса унинг бағри тўлишмоқда: ўзбеклар, туркманлар, тоғорлар, қирғизлар, қозоқлар ва ҳоказо туркий эллар, элатлар... Шунинг учун она-юртлари Туркистондаги меҳрларини, марҳаматларини дариг туттишмаяпти.

Шундай ҳаёллар оғушида самолёт пиллапоясидан юқорига кўтариламан. Пастда юлдузлар чамани, Истанбул нурулар оғушида. Хайр, бизга кучоқ очган қардон юрт. Хайр, қардошлар, жондошлар...

Шеър қўйилади тилимга:

То абад чирой оч, яшнагин гул-гул,
Бағринга қайтарман бир кун, Истанбул...

1992 йил, октябрь.

ТАҚДИР ВА ТАҲҚИР

Мухтарам юрдошларим. Жасорагли Халқ депутатлари!

Ушбу хатимни “тақдир” каломига “таҳқир” сўзини ёнма-ён қўйиб, сзаётганимдан ажабланмаслигингни ўғиниб сўрайман. Инчунин, мен ўзбек тупроғида ўсиб-улгайиб, ўзимни бахтли тақдир эгаси деб юрган турк ўғлини эдим. Оташнафас шоир Мақсуд Шайхзода муаллимнинг “биз турк ерида туғилиб, ўзбек заминида эътибор топдик. Бу замин онамиздай бошимизни силади, кемтик бағримизни бугун қилди. Кўздаги ёшимизни аритди. Биз волидамизни қанчалик севсак, Ўзбекистонни ҳам шунчалик суйишимиз шарт” деганида тамомила ҳақли эди. Ҳа, такрор-такрор айтаман: гарчи ўзга юрдан бўлсам-да, Бухороини шарифда фақат меҳр-оқибат кўрдим, бирорта ўзбеги тожикнинг “сен турк боласи экансан, нонимизга нега шерик бўлдинг?” деганини эшитганим йўқ.

Болаликнинг кузи гийран ва мусаффо бўлади, дейишади. Ҳалиҳи эсимда: “халқлар доҳийси” Сталиннинг шафқатсиз ҳиммати туфайли 1944 йили Ахалцихедан ўрта Осиёга бадарга қилиндик. Мен ўшанда беш яшар гўдак эдим. Узоқ йўлда қанча-қанча элатдошларим очликдан, азобу уқубатдан бевақт кўз юмишди. Раҳматли бувим айтгунчи эди “ҳеч кимсани ўз туққан еридан, туғилганларидан айирмасин” деб. Во дариғки, шундай қисмат толейимизда бор экан. Менку ўша пайтда жуда ёш эдим. Юрт нима, ватан нималигини тасаввур этмас, тўғриси, бу сўзларнинг ҳали туғилмасингдан оқ юрагингда, уч юз олтмиш томиринггу тўрт юз қирқ тўрт сўнгаларингча жо бўлишини (Аҳмад Яссавий) билмас эдим. Гарчи сургундан сўнг жонимизга туташган ўзбек қон-қариндошларимиз бизга бегоналик кўрсатмаган бўлсалар-да, бобо-бувиларим, ота-онам, кекса қариндошларим лунёдан армон билан ўтдилар. Ҳозир ёшим эликдан ўтди. Ўйлаб-ўйлаб, ўйимга етмайман: биз туркларнинг не гуноҳимиз бор эди? Наҳотки бугун бир халққа “сотқинлик” тамғасини бус-бутун босиш мумкин бўлса? Бу тамомила подонлик, кўрлик, қолаверса, бир миллатнинг инсонийлик ҳақ-ҳуқуқини топташ, тилида “бол”-у, дилида заҳар тошган, бир қўлида қоғоз гулу, бир қўлида ханжар тутган сиёсатдонларнинг поён сиёсий йўли эди. Мана шу жоҳиллик туфайли биз қанақа жамиятда яшаётганимизни ҳозиргача ҳам биллолмай, жабру жафо чекаймиз.

Хўш, биз “қувғиндилар” Ўзбекистондан бўлак ерга келганимизда тақдиримиз қандай кечган бўларди? Бу саволни биз ўзимизча

печа марта муҳокама этганмиз. Алалхусус, шукроналар бўлсинки, бу сарзаминда хўрлик кўрмадик. Ўзбеклар бизга уйлариинг тўридан жой беришди. Емишимиз ўртада, анъаналаримиз, урф-одатларимиз муштгарак. Тўйларимиз, куйларимиз, уйлариимиз бир-бирини тўлдириб, чамбарчас бўлиб кетди. Шахсан ўзимга келганда, дил изҳорини қай тилда баён этишни билмайман. Вобкентнинг Халач қишлоқ кенгашига қарашли Муғиён қишлоғида ўсиб улғайдим. Шу ердаги ўрта мактабда ўқидим. Ўзбек тилини она тилимдай ўргандим. Армия сафларида уч йил хизмат қилиб қайтгач, автомобиль мактабида ўқитувчилик қилдим, 1961 йилдан эътиборан ички ишлар хизматига ўтдим. Бир неча йил Вобкент, Қизилтепа, Когон, Ромитан туманларида Давлат автомобиль назорати ходими бўлиб ишладим. Ишдан ажралмаган ҳолда ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини сиртдан ўқиб тугатдим. Бухоро вилоят Давлат автомобиль инспекциясига масъул вазифага олишди. Бу ерда махсус дивизион командирлигига кўтаришди. милиция майори унвонига эга бўлдим. Ҳалол ва самарали хизматларим, жиноятчиликка қарши курашдаги фаолиятим муносиб тақдирланди. “Филокорона меҳнати учун”, уч марта “Намунали хизмати учун” медаллари, Ички ишлар вазирлиги Фахрий ёрлиқлари, мукофотлари соҳибни бўлдим. Ҳаётим ўз маромида давом этарди. Гўё мендан бахтли одам йўқдай эди. Шунча йил ўзбеклар орасида яшаб, ўзбек йигитлари билан ишлаб, ақалли бирор марта камситилганимни эслолмайман. Ўзбеклардан жуда кўп нарсани ўргандим: меҳроқибат, мурувват, эзгулик, болажонлик, эътиқодга таяниш ва ҳоказо хислатлар қон-қонимга сингиб кетди. Бу жиҳатдан мен абадул-абад ўзбеклардан миннатдорман!

Бунни қарангки, тақдирнинг бирдан зил кетиши ҳеч гап эмас экан. 1983 йил 28 декабрь куни эди. Мени вилоят Давлат хавфсизлик кўмитасига чақириб қолишди. Белгиланган хона эшигини очсам, СССР бош прокуратурасининг алоҳида ишлар бўйича тергов бўлими бошлиғи Гдиян ва яна бир нечта нотаниш одамлар ўтиришган экан. Гдиян ўрнидан туриб, мени самимий кутиб олгандай бўлди. Ваҳоланки, биринчи кўришувдаёқ унинг кўзларида қандайдир важоҳат, заҳархандалик, одам боласига хос бўлмаган ваҳшиёна қарашни англаган эдим.

- Буларни танийсанми? — деди у ёнидагиларга ишора қилиб.
- Йўқ, — дедим уларга бир-бир разм солиб.

— Булар менинг ходимларим: Иванов, Карташьян, Калинин ва Иброҳимовлар бўлишди. Биласан-а, биз Ўзбекистонда совет ҳокимиятини ўрнатини учун келганмиз. Жумладан, Бухорода ҳам.

— Кечирасизлар-ку, — дедим ҳайратимни яширмасдан, — бизда Совет ҳукумати бор шекилли, сизлар айтаётган ҳукумат қанақалигини тушунмаяпман.

— Менга қара, — деди Гдлян кўзларини уккиникидай ўйнатиб, — сен Кавказда туғилгансан, тўғрими? Демак, менга “земляк” буласан. Бу юрт сенга ҳам, менга ҳам бегона. Шунча йил ўзбеклар билан яшаб сезмабсан-да уларнинг кимлигини. Ўзбеклар бамисоли буридай гап. Уларни едириб, ичириб, томоғига бир нарса ташлаб турмасанг, сенга қайишмайди. Сен ҳам уларнинг нафсини қондириб юргансанки, милицияда ишлаб юрибсан. Йўқса, йигирма беш йилдан бери ГАИнинг эркаси бўлмасдинг.

— Нималар деяпсиз? — дедим унга тап тортмасдан. — гапларингизнинг бариси тухмат-ку. Мен ўзбеклардан ёмонлик кўрганим йўқ. Улар...

— Бас қил, — деди Гдлян столни муштлаб. — Биз яқини биламиз ўзбекларнинг ҳам, сенинг ҳам кимлигингни.

Бу ёвуз мени осонлик билан ўз измига сололмаслигини англаб етганди. Шу туфайли шаштидан бироз тушиб, маккорлик йўлига ўтди. У бундан етти ой олдин вилоят ички ишлар бошқармаси БХСС бўлими бошлиғи А. Музаффаров ҳамда шаҳар савло бошқармаси бошлиғи Ш. Қудратовларнинг қамалганлигини таъкидлаб, Бухорода порахўрлик қалин тўр ёйганини, бу “ўргимчак уясини” янчиш учун мендай “садоқатли” ёрдамчилар зарурлигини уқтирди.

— Гапнинг индаллоси шундаки, сенда иккита йўл бор: ё бизнинг агентимиз бўласан, ё умринг қамоқда чирийди.

— Кечирасиз, ўртоқ прокурор, — дедим тагин унинг кўзларига тик боқиб. — Ҳозиргача сотқинлик қилмаганман. Бундан кейин ҳам шу йўлдан қайтмайман. Яхшиси, бошқа кишини топинг.

— Вой, нодон! — хохлаб кулди у, — келиб-келиб сендай туркнинг тўнғизига ялинаманми ҳали. Сен Гдляннинг чиғиригига тушишиггни тасаввур этмаяпсан шекилли. Энди буйруқни эшит: манави рўйхатда вилоят ички ишлар бошқармаси собиқ бошлиғи, генерал М. Норов, унинг ўринбосарлари Ш. Раҳимов, М. Тилавов, В. Мулин, вилоят автомобиль назорати бошқармасининг собиқ бошлиғи Т. Очилов, айни пайтдаги бошлиғи Остоновлар қайд этилган. Сен шуларнинг ҳар бирига пора берганман деб ёзасан.

— Неча сўмдан берганман, деб ёзайин? — Ўсмоқчилаб сўрадим ундан.

— Айтайлик, беш-олти миңг сўмдан! — таклиф этди у.

— Айтолмайсизми, бунча миқдордаги пулни қайси ҳисобдан тўглаб берганман-а?

— Қариндош-уруғларимдан йнгиб бердим, бўлмаса улар мени ишдан ҳайдашарди деб кўрсатма берасан. Бу ёғини ўзимиз тўғрилаймиз. Сенга эса подполковник унвонини олиб бериб, вазифангни ошириб кўямиз. Қарабсанки, пенсиягача маишат қилиб яшайсан.

— Ўртоқ Гдлян, прокурор дегани энг аввал, инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиши керак, шекилли. Сиз бўлсангиз мени жиноятга бошлаб, одамларга туҳмат уюштиряпсиз, — дедим изтироб билан. — Сиз айтган бошлиқларим билан ҳеч қачон олди-берди қилмаганман. Уларни порахўр деб ҳисобласангиз, бундан мутлақо хабарим йўқ.

Шу пайт орқа томонимда ўтирган Карташьян дегани қаншаримга шундай мушт туширдик, анча пайтгача ерда чузилиб ётдим. Яна бирови кўкрагимга тепди. Кейин... устимдан бир челақ сув қуйиб, ҳушимга келтиришди.

— Хўш, қалайсан? — деди Гдлян кўзларини ваҳшиёна ўйнатиб. — Бу биринчи чигириқ. Аммо сенга ҳозирча ҳолваси тегди. Агар таклифимга кўнмасанг, эртага шоколадини ейсан. Тушунарлими? Эртагача ўйлаб кўргин. Ҳозирча сен эшакка жавоб.

Деярли олти соат давом этган қийноқдан сўнг ташқарига гандиракчаб чиқдим. Аъзойи баданим моматалоқ бўлган. Умримда илк марта одамни таҳқирлаш пима эканлигини бошдан ўтказиб, хўрликдан йиғлаб юбораёдим. Уйга нотавон ҳолда келяпман, хаёлимда разил Гдляннинг таклифлари чарх уради: “ҳой, милиция майори, дейман ўзимча, қайси йўлни танлайсан? Гдляннинг йўлиними ёки ростгўйликними? Шунча йил ҳалол яшадинг. Бировнинг луқмасига кўз олайтирганинг йўқ. Бошлиқларинг заррача ёмонликни раво кўришмаган сенга. Бугун уларни бадном этиб, туҳмат қилсанг, Оллоҳ кечирармикан сени? Агар разиллик қилсанг, пайти келиб, уларнинг кўзига қандай қарайсан? Бола-чақаларининг қарғишига қолмайсанми? Ҳақиқатнинг кўзига мудом тик қараб келдинг-ку, Видодил! Энди ундан юз ўгирсанг, абадул-абад бадном бўласан... Бадном бўласан!... Бадном бўласан!...”

— Ўлсам ўламанки, виждонимга хиёнат қилмайман! — дедим ниҳоят қатъий қарорга келиб.

Мени иккинчи куни Гдляннинг ўзи кутиб олди.

— Қани, келсинлар, ўртоқ майор, — деди у тагин айёрлик билан. — хўш, ёзиб келдингми айтганларимни?

— Йўқ, ёзганим йўқ, ёзмайман ҳам.

— А-ҳа, шунақами? Мулла бўлмабсан-да, демак. Шуни билиб қўйки, энди сендан олий даражадаги порахўр чиқараман. Чунки сен порахўрларнинг ҳамтовоғисан. Пора олиб, пора бергансан. Йўқса,

сен туркни ўзбеклар милиция сафига олиб, партияга қабул қилишмасди.

Сўнгра у мени шундай расво сўзлар билан ҳақорат қилдики, буни ифодалашнинг имкони йўқ...

— Бу ҳақоратларингиз учун ҳукуматга арз қиламан, — дедим мен чидаёлмай. У бўлса маккорона кулди.

— Вой, турк тунғизи-ей, сен қайси партияни, қайси ҳукуматни айтаёсан? — Ўрнидан туриб кетди у. — билмасанг, билиб қўй: партия ҳам, ҳукумат ҳам ҳозир бизнинг қўлимизда. Отахонимизни биласан-а, Рекунковни! Ана шу киши давлатнинг бошлиғи. Мен эса унинг ўринбосариман. Мени зирҳли танк дейишади. Хоҳласам, Ўзбекистонингни бор қиламан, хоҳласам янчиб ташлайман. Яна шуни унутмагилки, менинг азалдан туркларга учим бор. Улар 1915 йилда арманларни қирғин қилишганди. Буни ҳеч бир арман эслан чиқармайди. Мен эса сенларни қирмайман. Фақат умрларингни турмаларда, авахталарда чиритаман. Шундай йўлни танлайманки, сенлар шимолла, қорли, бўронли ўрмонларда аста-секин жон берасанлар. Жумладан, сен ҳам.

У бамисоли ваҳший ҳайвонга айланганди. Оғзидан нима чиқаётганини ҳам англамасди. Шу пайт Иванов ва Карташьянлар кириб келишди.

— Тельман Хоренович, — дея сал жилмайиб, стулга чўкди Иванов, — бу ҳайвоннинг сирларини ҳали тула билмайсиз. Унинг куп нарсадан хабари бор. Шундай эмасми, Иззатчик? Айтайлик, сен 1979 йилда Брежневнинг куёви Чурбановни Газлигача кузатиб боргансан. Шунақами? Унга обком секретари Каримовнинг бир вайрона магазин олдида ўн минг сўм пора берганини кўргансан. Шароф Рашидов, Худойбердиевлар Бухорога келганила ҳам олдида йўлбошловчилик қилгансан. Уларнинг ҳам пора олганида гувоҳ бўлгансан. Хўш, булардан ҳам тонасанми?

— Барчаси ёлғон, сенлар тухматчисанлар! — дедим тоқатим тоқ бўлиб.

— Тухматми, ростми, бари бир ёзиб берасан. Ёзмасанг, ўлигинг чиқади бу ердан, — бошимга мушт кўтариб келди Карташьян.

— Такрор айтаман: ёзмайман! Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

Кейин нима бўлганини билмайман. Карташьян бошимга мушти билан туширдими ёки бошқа нарса биланми, ҳар қалай оғиз-бурнимдан тизиллаб қон оққанини эслайман. Мени КГБнинг ер ости камерасидан ярим кечаси чиқариб юборишди. Бундай разилона қийноқлар ўн кунгача давом этди. Мен эса ўз сўзимда туриб олдим. Ниҳоят, Гдиян: “Энди ўзингдан кўргин, — дея таъкиллади ўн би-

ринчи кун, — менинг кўлимдан қутулиб бўпсан. Дивизионингдаги бир юз ўнта ходимингни, бутун бухоролик ўзбекларни сенга қарши қуяман. Сендан шундай порахўр ясайинки, аҳли Бухоро қойил қолсин!”

Одам шаклидаги бу қонхўр айтганининг устидан чиқди. Анчамунча ходимларим мендан ҳайқишадиган, баъзи кимсалар эса қадимимни ўлчайдиган одат чиқаришди. Уйимда таҳликали кўнғироқлар янграй бошлади. Мени тез-тез КГБга чақиривар, борсам ўн-ўн икки соатлаб куттириб, сўнгра қабул қилишмасди.

Айрим безбет касбдошларим келиб, Гдлярни хафа қилибсиз, у билан ўйнашманг, таклифига кўнсангиз, ўзингизга яхши бўлади, — дея рўй-рост даллоллик қилишарди. Бундай таҳқирлашлар қарийб гўрт ойча давом этди. 1984 йилнинг 22 март кун эса кўлимга Республика Хавфсизлик Қўмитасига боришим лозимлиги хусусидаги чақирув хатини беришди. Бошимга оғир кўнлар тушишини ҳис этиб, хотиним, болаларим, дўстларим билан хайрлашиб, Тошкентга йўл олдим. КГБнинг белгиланган хонасига кирсам, Гдляр бошлиқ саккиз терговчи ўтиришарди. Улар менга яна ўша шартни — юқорида номлари тилга олинган бошлиқларимга пора берганим хусусида СССР Бош прокурорига ариза ёзишимни талаб қилишди. Бири кўйиб, бири тазйиқни давом эттирса-да, терговчиларнинг сўзларини кескин рад этдим. Қийноқ ўн соатдан ортиқ давом этди. Қотиллар бирор натижа чиқмаслигига кўзлари етгач, республика прокурорига юзлаштирамай, қамаш ҳақида телефондан ружсат олиб, мени камерага элтиб тиқиб кўйишди. Шу заҳоти иккита прапоршчик келиб, погонларимни узиб-узиб, ахлат қутисига ташлашди. Нафас олиш мушкул бўлган бир кишилик камерада йигирма кун ётдим. Мени Гдляр гуруҳининг аъзоси, Куйбишев шаҳар прокуратурасида бош терговчи бўлиб ишлаган Владимир Викторович Ковалёнов, баъзан эса Қозон шаҳар прокуратураси терговчиси Токтарёв деган кишилар сўроқ қилишарди. Энди уларнинг бутун интилиши мени порахўрга чиқаришдан иборат эди. Гап шундаки, агар қамалмай қолсам, уларнинг ҳамкорлик қилиш, агент бўлиб ёлланишим хусусидаги таклифлари фож бўлишидан кўрқиншарди. Шу сабабли терговчилар Бухорода менга қарши кенг кўламда иш олиб боришган. Шофёрлик гувоҳномасини маст бўлиб олдирган ёки йўқотган кишилардан “Иззатовга 150–200 сўмдан пора бериш йўли билан ҳужжатларимизни қайтариб олганмиз” мазмунида кўрсатмалар тўплашган. Ундайлар сони қирқ беш кишини ташкил этган. Дивизионимиздаги баъзи йигитларни эса қамаш ва ишдан ҳайлаш билан кўрқитиб, менинг “порахўрлигим”ни тасдиқлайдиган ари-

залар ёздириб олишган. Терговчиларнинг инсофсизлиги шу даражага етганки, уларнинг ўн кишидан олган “пора бердик” мазмунидаги кўрсатмалари турмада ётган кунларимга тўғри келган. Гляян томонидан менинг ҳуқуқимни ҳимоя қилиш учун ажратилган адвокат Борис Богдасаров (кейинчалик билсам, бу келгинди ҳам Гляяннинг жияни экан)нинг сотқинлиги туфайли бу хатолар “ислоҳ” этилган, яъни ўн кишининг “гувоҳлиги” суд делосидан олиб ташланган.

Мени эса кўз кўрмаган даҳшатли қийноқлар кутар, жонингни оладиган суроқлар энди учинчи камерада давом этарди. Олдимга тез-тез ашаддий каллакесарлар, қонхўр ўғрилар, баъзан эса прокуратуранинг пихини ёрган ходимларини киритишар, хуллас, бу кимсалар “пора олганим” ва “пора берганим” хусусида иқрорнома ёзиб беришимга даъват этишарди. Қанчалик таҳқирлансам-да, бу муттаҳамларнинг таклифларини тамомила рад этдим. Бирор кишини сотмадим.

Орадан қарийб етти ой ўтгач, яъни 1985 йилнинг январида Тошкент вилоят суди аъзоси Н.С.Артёмов бошчилигида суд жараёни бошланди (қонун бўйича бу суд Бухорода ўтиши лозим эди). Фирромликни қарангки, суд залига менинг бирор қариндошим, оила аъзоларим ёки ҳолис кишилардан киши ҳам қўйилмади. Судни москвалик терговчилар, КГБнинг “нуфузли ходимлари” утказишди. Судга “гувоҳлар”нинг кўплари чақирилмади. Кўрқитув остида сохта маълумот беришга мажбур қилинганларнинг фоиш қилувчи сўзалари эса инобатга олинмади. Шундай қилиб, мени Ўзбекистон СССР ЖК 152 моддаси 2 қисмини қўллаб, кучайтирилган тартибда ўн уч йил қамоқ жазосига ҳукм этишди.

Мен олий маълумотли ҳуқуқшуносман. Бизнинг тилимизда “казнос дело” деган гап бор. Яъни бировни қасдан қамаш лозим бўлса, шунақа маҳсус “жиноят делоси” ташкил этилган. Бу, айниқса, 1937-1938 йилларда оммавийлик касб этган. Минг-минглаб бегуноҳ кишиларга худди шундай усулни қўллашгани эндиликда сир эмас. Улар ҳақиқий одамхўр, ваҳший кишилар эди. Бу сўзни эндиликда баралла айтаман. Бунга ҳаққим бор. Улар Олмаотадаги турмага кўчирилганимда ҳам мени тинч қўйишмади. Чунки тинмай нуфузли ташкилотларга норозилик мактублари жўнатавердим. Бир кунни сирлари фоиш бўлишидан кўрқишарди-да! Тез орада мени Москвадаги “Матроска-тишина”га, ундан кейин Нижний Тагилдаги турмага кўчириб юборишди. Умуман, олти ярим йил давомида ўн саккизта турманнинг азоб-уқубатларини кўрдим.

Ҳой азизлар, хайриятки, одамзодда ақлу фаросат бор. У умид билан яшайди. Йўқса, Гляяну Ивановлар қўлидан соғ қутулиш осон

иш эмас. Ахир, қанчадан-қанча бегуноҳ юртдошларимизнинг хунига зомин бўлишди улар. Ўзини отган ким, томиричи кесган ким, очликдан, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийноқлардан қалблари дарз кетганларнинг сон-саноғи бормикан? Гдлян шу даражада қутурган кимса эдики, қармоғига илинганларнинг авлод-аждодларигача таҳқирлашни жуда хуш кўрарди. ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетида ўқиётган ўғлим Олегга, турмуш ўртоғимга берган азобларини эсласам, даҳшатга тушаман. Қийноғу ҳақоратлари у ёқда турсин, ҳатто Олегни “жиноятчи туркнинг ўғли” деб университетдан ҳайдаптириб юборибди-я, ноинсоф!

Мени ҳибсга олинган, дастлабки тергов ўтказилаётган пайтдан бошлаб СССР ҳамда Республика Бош прокурорларига такрор-такрор норозилик хатлари жўнатардим. Аммо бу хатларимнинг барчаси Гдлян ва Ивановлар қўлига келиб тушаркан. Табиийки, улар мактубларимни ими-жимиди йўқотиб юборишарди. Ҳукм эълон қилинганидан сўнг ҳам бу фаолиятни давом эттирдим. Умуман, олти ярим йил ичида газета-журналлар, нуфузли ташкилот бошлиқларига уч юз мартадан кўпроқ мурожаат этдим. Бироқ мени ҳеч кимса тингламасди. Чунки “зирҳли танк” — Гдлян ва Ивановлар ҳамон катта отахонлари СССР Бош прокурори Рекунковнинг паноҳи остида от суриб юрардилар.

Шукурки, жаҳолатнинг қўлини қайирадиган кунлар ҳам етиб келаркан. Дардингни, фиғонингни, армонларингни тинглайдиган яхши инсонларга ҳам дуч келаркансан киши. Мен шу йилнинг бошлариди барча ноҳақликларни қорозга битиб, турт жасоратли Халқ депутатларига жўнатдим. Уларнинг фаол ҳаракатлари, ватанпарварлиги туфайли ҳақ жойида қарор топди. Гўе дунёга қайта келгандай бўлдим. Қатъий талаблари туфайли СССР Бош прокуратурасида “жиноий ишим” қайта ўрганилиб, “Иззатовнинг фаолиятида мутлақо жиноий ҳаракат йўқ. Гдлян ва Ивановлар унга нисбатан қасддан бўҳтон уюштиришган” деган қарорга келишиб, жамики ҳужжатларим жумҳуриятимизга жўнатиб юборилибди. Бу ҳақда Бош прокурор Сухаревнинг шахсан ўзи менга мактуб йўллади. Ўзбекистон ССЖ Олий судининг Х. Поллонзода бошлиқ ҳайъати эса 1990 йил 3 августда мени тамомила оқлаш тўғрисида ажрим чиқаришди.

Не бахтки, машаққатлар билан бўлса-да, ёвузлар қўлидан қутулдим. “Зирҳли танк”нинг заنجирлари сиз азиз юртдошларимнинг зарбалари туфайли чок-чокидан сўкилди. Мен 15 сентябрь куни яна она-Бухоромга — оилам бағрига қайтиб келдим. Бунинг учун сизлардан абдий миннатдорман!

Энди сизларнинг эътиборингизни бошқа масалага қаратмоқчиман. Менинг-ку буткул оқланганим рост. Марказдан келган жаллод ниқобидаги терговчиларнинг туҳмат чиғриқлари чирик экапчилиги ҳам равшан гап. Бироқ улар разил қилмишлари учун қачон жавоб беришади? Айтайлик, мен олти ярим йил, яъни 2373 кун давомида инсоний ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб, қийноқлар остида яшадим. Соғлигимни йўқотдим. Унпониждан, обрў-эътиборимдан ажралдим. Оилам, фарзандларим чексиз изтироб чекишди. Жумҳуриятимизда менга ўхшаганлар қанчадан-қанча. Энг аянчлиси шундаки, Гдиян, Иванов ва уларнинг ҳамтовоқлари миллатлар ўртасига раҳна солишди. Имоним комилки, бу жоҳиллар Гайданов, Дидоренко, Бутурлин каби “Ўзбекистонда тартиб ўрнатамиз” деб келишган, аслида эса 37-йиллардагидек репрессия ўтказишган, фитначи, қотиллар билан яқин алоқада бўлишган, Фарғона, Қўқон, Кува ҳамда Ўш шаҳарларидаги биродарқушликда ҳам буларнинг қонли қўллари бор. Ахир, Гдияннинг ўзи менга “туркларни, ўзбекларни кўрарга кўзим йўқ. Уларни рўй-рост ўлдирмайман. Балки умрларини турмаларда чиритаман, чунки сенларнинг каттанг ҳам, кичигинг ҳам порахўр” дея айтгани кечагидай эсимда. Ваҳоланки, Гдияннинг ўзи дастлабки учрашувимизда “энг аввало, менга ўн минг сўм келтириб берасан, кейин бизга агент бўласан” дегани ҳам чин гап. Тўғриси, Гдиянни минглаб беғуноҳ юртдошларимиздан ёнузлик билан қўлга киритган ва ўз жигилдопига урган текин бойликлар қутуртириб юборган. Ватан хоини, халқ душмани бўлса — шунчалик бўлар-ди! Наҳотки, уларни жазолайдиган куч топилмаса? Гапнинг индаллоси шуки, Гдиян, Иванов ва бошқа марказдан келган қотилларнинг халқимиз олдидаги гуноҳи чексиз-чегарасиз. Менимча, уларни жумҳуриятимизга олиб келиб, қора курсига ўтқазиш керак. Бунга сизларнинг кучингиз етади. Чунки сизлар халқимизнинг юраги, жопи, халоскор ўрлонларисиз! Шундай қилинса, минг-минглаб тақдирларни таҳқирлаган бу кимсаларнинг манфур башараси тамомила фолл этилади. Адолат ва ҳақиқатнинг ҳам ҳукми шу: кимки Инсон шаъни, ғурури, ҳақ-ҳуқуқини поймол этса, у тарих олдида абадул-абал бадном бўлажак!

Камоли эҳтиром ила

Видодил Иззатов.

1990 йил, 15 декабрь.

(Видодил Иззатовнинг изтиробларини

Тошпўлат Аҳмад қозоғга туширди).

“СИЗ ХАЛОСКОРИМСИЗ, ПРОФЕССОР...”

Ишга эртaroқ келиш Бобокул akaга доимий одат. Хусусан, тонгда соф ҳаводан сипқориб, яёв юришга нима етсин? Борди-ю, йўл-йўлакай бирор танишингни, дўстингни ҳамроҳ бўлиб қолса, суҳбатнинг кўр олиши тайин. Манзилинга якка-ёлғиз йўл олиш ҳам смонмас. Ширин хаёллар бағрига шўнғийсан, яхши-ёмон кунларинг эсга тушади, баъзида шод, баъзида ношод ўтган онлар сени узоқ-узоқларга етаклайди. Кимларнидир ёд этасан, кимларнидир унутишга ҳаракат қиласан. Гоҳо эса мавжли-мавжли туйғуларинг шаффофланади. Илҳом қанотида янада кўпроқ юринг келади йўлларда...

Бобокул aka ана шундай ширин хаёллар оғушида кабинетига кираркан, столи устидаги чиройли конвертга кўзи тушди. Аввал ечинди. Олпоқ халатини кийгач, конвертни оҳиста очди. Мўъжазгина мактуб:

“Салом, азиз халоскорим, Бобокул Раҳимович! Саломатмисиз? Яқинда институтга бориб, академик Русановдан сизни суриштирдим. Бухоро давлат тиббиёт олий билимгоҳида ишлаётганингизни эшитиб, бениҳоя хурсанд бўлдим. Кимсан, жироҳлик кафедраси мудири, профессор-а! Табриклайман, ўғлим. Сизнинг шундай иқтидорга эга эканингизни ўшанда сезган эдим. Қўлингиз дарад кўрмасин. Агар, сиз бўлмаганингизда. Билмадим... Ҳар қалай, бир ўзбек йигитининг мендай уруш кўрган рус кишисига иккинчи бор ҳаёт бахти этишини унутиб бўлармикан? Бугун ўз она-юртингиз Бухорода ҳам юзлаб беморларга халоскорлик қилаётганингизни буюк фидойилик деб биламан. Бу йўлда сизга Оллоҳ мададор бўлсин... Қадрли ўғлим. Мен тамомла соғайиб кетдим. Яқинда қизим Наташани турмушга чиқаряпман. Туйга келин билан, албатта, келинг.

Ҳурмат билан Альберт Аверьянов,
Санкт-Петербург шаҳри.
1993 йил, 20 январь”.

Бобокул aka мактубни ўқиб тугатгач, курсига оҳиста чўкди. Кўзойнагини қулига олиб, ширин энтикди. Вужудида бир илиқлик, ғоятда нозик беғуборлик туйди.. “Буни қаранг-а, унутмабди-да, Альберт бобо, — жилмайди Бобокул aka. — Камтарлигини қаранг... Бари бир, мард одамлар бор: хизматингни, заҳматингни тан олишади. Шунинг ўзи катта бахт. Шифокор учун бошқа нарсанинг кераги йўқ.. Лекин ўшанда осон бўлмаганди. Не-не улуг нигоҳлар термулиб туришганди унга — академиклар, профессорлар...”

Бундан беш йилча олдин Бобокул Бобожонов собиқ итгифоқ

Тиббиёт Фанлари академиясининг Санкт-Петербург (Ленинград)даги врачлар малакасини ошириш институти ўсма касалликлари жарроҳлик марказида докторант эди. Ёш олим бу даргоҳда ҳам ишлаб, ҳам илмий иши юзасидан тажрибалар утказаётган кезлар унга тегишли палатада Ленинград қамали иштирокчиси, етмиш икки ёшли собиқ ҳарбий майор Альберт Аверьянов даволанарди. Касали оғир: ўпкасида хавфли ўсимта мавжуд. Уни, албатта, олиб ташлаш лозим! Бобоқул аканинг қарийб ўн беш йилдан бери олиб бораётган кузатиш ва амалий, илмий ишлари ҳам худди шундай касалликларни жарроҳлик йўли билан тузатишга қаратилган. Тиббиётда бу янгича усулни қуллаш эса Ленинград ва марказдаги мана-ман деган машҳур жарроҳларни ҳам чўчитиб юргани унга яхши аён. Зеро, бир оддий узбек йигитининг фан оламидаги бундай жасорат ва фидойилиги устозлари —академиклар Ф.Г.Углов, Г.А.Русановларни ҳам ҳайратга солгани бежиз эмас...

Ўшанда у Альберт бобони ғоятда нозиклик билан дарддан фориг этди. Бу — ёш олимнинг ўпка касалликларини жарроҳлик йўли билан тузатиш бўйича қуллаган ўзига хос туртинчи янги усули эди. Бунгача у шундай беморларни уч хил усулда — мутлақо янгича йўл билан даволаган. Бунинг учун унга собиқ иттифоқ Тиббиёт Фанлари Академияси Фан ва техника Давлат кумитаси томонидан уч марта “Муаллифлик ҳуқуқи” гувоҳномаси берилган эди (Куп ўтмай, унга туртинчи марта худди шундай гувоҳнома берилди)...

Альберт бобонинг самимий сиймоси ҳамон унинг куз унгида: у касалхонадан соғайиб чиқаркан, Бобоқул акани бағрига босиб “Ўғлим йўқ деб кўнглим ўқиб юрарди. Бугундан бошлаб менинг ҳақиқий ўғлимсан”, дея хайрлашганди. Кейин Бобоқул ака докторлик диссертациясини ҳимоя қилган куни оила аъзолари, қавм-қариндошлари билан келиб, уни, ёр-дўстлари қатори, гулларга кўмиб ташлаган эди...

“Биз баъзан бошқача ўйлаймиз, нотўғри талқинларга борамиз. Ҳар бир миллатда ҳам ҳалол одамлар бор, қувончингга шерик, керак бўлса, сенга дардкаш бўлгувчи яхшилар бор... Шунинг ўзи бахт эмасми? — дея хаёлларга толди Бобоқул ака... Шу пайт эшик оҳишта очилди. Хонага бежирим халат кийган йигит кирди. Устоз ва шогирд самимий кўришдилар.

— Хўш, Сафаржон, навбатчилик яхши ўтдимми?

— Раҳмат, яхши ўтди.

— Кечаги беморнинг аҳволи қалай?

— Шофирконлик Олтин Тўлаевнингми?

— Ҳа!

— Ёмон эмас... Оғир ҳолат юз бермади. Томир уриши жойида.

Ҳарорати ҳам тушди. Фақат...

— Тушунарли. Ошқозонда қон оқиш давом этапти. Оғриқ пасайган эмас. Шунақами?

— Шунақа, Бобоқул Раҳимович!..

— Унда беморни тезда жарроҳлик хонасига ўтказинглар. Мен ҳозир чиқаман...

... Бу ёғи ўқувчига таниш манзара: бемор ҳаёти учун кураш давом этди. Икки соатми, уч соатми, бундан кўпроқми, буниси касалликнинг ҳолатигаю жарроҳнинг моҳирлиги ва чидамига боғлиқ.. Бундай пайтларда вақт дегани ҳам имиллаб ўтади. Айниқса, беморнинг биродарлари, оға-ишлари, жонга туташ фарзандларининг жарроҳлик хонаси деразасига жон ҳовучлаб тикилиб туришгандаги оишларини демайсиэми?.. Мана, ниҳоят ўша деразанинг юпқагина пардаси чеккага сурилди-ю. Бобоқул аканинг таниш сиймоси кўзга ташланди. Унинг чеҳраси шод, лаблари эса табассумга мойил. У пастдагиларга “ҳаммаси жойида” дегандай иккала қўлини бир-бирига қовуштириб кўрсатди. Шунда қувонч ёшлари чексизланди. Олтинбойнинг кекса отаси эса бир қизиқ гап қилди-ёв: болангнинг боласининг ҳурмати-ни кўр-да, Бобоқулжон. Отанг-ку, камолингни кўрмай, дунёдан ёш ўтиб кетди. Илойим, мингга киргин-да. Сендай фарзандни берган Оллоҳга таъзим қиламан-а, болам...”

Билмадим, бундай дуолар Бобоқул ака шаънига неча марта изҳор этилди экан: тўққиз мингми, ўн минг мартами, бундан кўпми, ҳар қалай, бу рақам қўлига ўтгиз йилдан бери наштар тутган кишининг ўзигагина аён. Фақат бир нарсани биз ҳам яхши англаймиз: Ҳар галги жарроҳликда бир инсон тақдири ҳал бўлади. Ҳар гал ҳаёт ва ўлим ўртасида кураш кетади. Жарроҳ моҳир бўлса, камол юз очали, ношуд бўлса — заво! Бобоқул ака буни юрак-юракдан ҳис этади. “Ҳамма соҳада хато қилиш, адашиш мумкин. Ҳакимга, хусусан, жарроҳга бундай ҳуқуқ берилмаган!” Ҳазрати Ибн Синодан қолган бу ақидага бир умр садоқатли бўлиб қолишга ҳаракат қилади. Зеро, у беморга шифо бахш этишни, уни яна ҳаёт бағрига қайтаришни умрининг бош мазмуни деб билади. Дабдалалардан йироқ, хоксор ва камтарин, камсуқум бўлиб яшашни фазилат деб билади. Бойлиги — беҳисоб китоблари, ҳаётда орттиргани илму амали, покиза касби, садоқатли дўстлари, шогирдлари.

Бунгаям осонликча эришгани йўқ, меҳнат ва фақат меҳнат! Йўқса, оддий қишлоқ фарзандига бугун таниқли жарроҳ, номдор профессор олим булишга йўл бўлсин эди. Келинг, бу ҳақда батафсилроқ сўзлайлик: Бобоқул Бобожонов 1962 йили Самарқанд тиббиёт олийгоҳини тугатгач, она-юрти Шофирконнинг Чандир қишлоғидаги касалхонада бош врач сифатида иш бошлади. Айни пайтда туман

марказидаги касалхонада жарроҳлик ҳам қилди. Икки йилдан сўнг у Бухоро шаҳар ҳамда вилоят сил касалликлари шифохоналарида фаолиятини давом эттирди. Ана шу йилларда ёш ҳаким ўпка касалликлари жарроҳлиги устидаги илмий ишини бошлаб юборди. Бу мавзунини ташлашнинг боиси бор эди.

— Олтинчи синфдалигимда Кифоят исмли ўн тўққиз яшар опам вафот этиб қолди. — эслайди Бобоқул ака, — онамнинг айтишларича, бечора опам сил билан оғриган экан... Биласиз, бу касалликни ўша йиллари тузатиш амримаҳол эди. Ўшанда дўхтир бўлиб, бу бедаво дардни тузатиш йўллариини ўрганаман деб онт ичганман...

Ана шу қатъият уни 1964 йилда Тбилисига етаклаб келади. У академик-жарроҳ Антелава қўл остида саккиз ойча таълим олди. Сўнгра Бухорога қайтиб, вилоятда биринчи бўлиб ўпка жарроҳлигини йўлга қуйди. Қатор муваффақиятларга эришди. 1969 йилда уни Тошкентга — Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги касалхонасининг кўкрак қафаси жарроҳлиги бўлими мудирлигига ишга чақиришди. Бу ерда профессор Ўктам Орипов қўл остида илмий изланишларини давом эттира бошлади. Шу саховатли инсон тапсияси билан у 1973 — 1974 йиллари Санкт-Петербургдаги бутуниттифоқ кўкрак органлари жарроҳлиги институти аспирантурасида таҳсил олди. Академик Ф. Г. Утлоп ҳамда профессор Г. А. Русановлар раҳбарлигида ишлаб, 1974 йилда муддатидан олдин номзодлик диссертациясини ёқлади. Сўнгра Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳида ассистент лавозимида фаолиятини давом эттирди. Кўп ўтмай, доцентлик унвонига сазовор бўлиб, талабаларга жарроҳлик илмидан сабоқ бера бошлади. Клиникада даволаш ишлари билан жилдий шуғулланди. ТошМИдаги қарийб йигирма йиллик жўшқин фаолият уни ҳар томонлама камолга етказди. Моҳир жарроҳ ва изланувчан олим сифатида элга танитди. Монографиялари, куплаб илмий мақолалари чоп этилди. Чехословакия, Финляндия каби хорижий давлатларда, Москва, Ленинград, Харьков каби марказий шаҳарларда жарроҳликка бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманларда долзарб мавзулардаги маърузалари билан иштирок этди. Илмий кашфиётлари эълон қилинди. Хусусан, турт ихтироси — ўпкада янги жарроҳлик усуллари тиббиётда биринчи марта қўлланганлиги унинг етук олимлар қаторидан жой олишига кенг йўл очди. Бу ихтироларнинг айни маҳалда Санкт-Петербург, Томск шаҳарларидаги ўсма касалликлари жарроҳлик марказларида, Тошкентдаги сил-ўпка илмий текшириш институтида кенг тадбиқ этилаётганлиги ҳам Бобоқул Бобожонов заҳматли меҳнатларининг улкан эътирофидир.

Илмий ижодга ўзини тамомила бахш этишдек, одамлар дардига

дармон бўлишдек ҳаётий заруратни чуқур идрок эгиш Бобоқул ака-ни яна Санкт-Петербургга бошлаб келди. У 1990 йилнинг 20 июни-да собиқ иттифоқ Тиббиёт Фанлари академиясининг бу ердаги врачлар малакасини такомиллаштириш институти ихтисослаштирилган ил-мий кенгашида докторлик диссертациясини мулаффақиятли ҳимоя қилди. Мана, диссертациянинг долзарблиги ҳақида собиқ иттифоқ Тиббиёт Фанлари академияси академиги С.А.Симбирцевнинг бер-ган баҳосидан қисқача кўчирма:

“Ўзбек олими Бобожоновнинг бу илмий иши фанда мутлақо ян-гилик. Тиббиёт оламида бундай иш деярли йўқ эди. У ўпкада турт хил жарроҳлик усулини қўллашни тавсия этиб, бу ишни амалда исботлаб кўрсатган етук жарроҳ ва олимдир. Бунгача бу хилдаги операциялар доим фожиали яқунланарди. Бобожонов усуллари энди бунга барҳам берилшига астойдил ишонаман...”

Бундай холис баҳоларни академик Р.И.Вагнер, профессорлар В.Н.Васильев, Л.В.Лебедев, Ф.Х.Кутишевларнинг тақризларидан ҳам истаганча келтириш мумкин... Йўқ, бу билан мен ҳурматли профес-соримизни ортиқча мақтамоқчи эмасман. Асл ҳақиқат шуки, Бобо-жоновнинг бажарган илмий иши ўзимизникилар эмас, нуфузли ва беғараз рус олимлари томонидан тан олингани, унинг тиббиёт ола-ми учун жула зарур кашфиёт эканлиги эътироф этилганлигидир... Биламиз-ку ахир: юзлаб, минглаб “олимлар”га юксак унвонлар олиб берган ишлар самарасиз чапг босиб, занг босиб ётибди... Кошки илм одамининг ихтироси, ёзганлари кўнгилларни бир лаҳзагина бўлса-да ёритса, дардмандни дардидан фориг этса... Бундайлар бор, албатта. Аммо кўп эмас...

— Бунга сиз нима дейсиз? — сўрайман Бобоқул акадан.

У киши бош силкиб, майин жилмаяди.

— Шоир, бунақа оғир аҳволга солманг одамни, — дейди у киши табассум билан — Ҳамма гапни ўзингиз биласиз-ку? Бизам би га илм бандасимиз-да. Кўлимиздан келганини қилиб юрибмиз. Мана, Тошкентдай шаҳри азимни ташлаб, ўз она-юртимизга ҳам фойда-миз тегсин деб яна келдик. Институт-ку бизни қўллаяпти. Бошқа дўстларимиз ҳам имкон яратишса, ўша янги усулларни бу ерда ҳам жорий этсам дейман.

Дарвоқе, айтишни унутибмиз: шаҳримизда тиббиёт олийгоҳи очил-гач, билимгоҳ ректори, профессор Акрам Мўминов уни ҳузурига чорлади. “Бобоқул, сиз ҳам, мен ҳам бухороликмиз, келинг бирга-лашиб, юртдошларимизга хизмат қилайлик”, — дея астойдил кўнгил очди. Ўйлаб кўрса, ғамхўр раҳбарнинг сўзлари ҳақ. У иккиланмай қатъий қарорга келди: Бухорога қайтди. Дастлаб вилоят касалхона-

сида жарроҳлик клиникаси ва кафедра ташкил этилишига етакчилик қилди. Уни бир йилча бошқарди. Ўнлаб операциялар ўтказди. Талабаларга жарроҳлик илмидан сабоқ берди. Бултур сентябрдан бошлаб эса тажрибали ташкилотчилигини ҳисобга олиб, уни I шаҳар касалхонасига йўллашди. У бу ерда ҳам янги клиника ва умумий жарроҳлик кафедрасини ташкил этди. Айни пайтда уларга раҳбарлик қилмоқда. Клиниканинг тўрт бўлими бўлиб, уларда икки юзга яқин беморни даволаш имкони мавжуд.

— Профессор Бобоқул Раҳимович келгач, касалхонамизда даволаш ишлари тубдан яхшиланди, — дейди бош ҳаким Ҳикматжон Тошев мамнунлик билан. — У киши бошчилигида доцентлар — Сафар Комилов, Исломжон Мирхўжаев, ассистентлар А. Бобопириков, З. Жалолов, А. Маликов ва бошқалар бизда илгари қўлланилмаган кўкрак оралигидаги энг мураккаб жарроҳлик ишларини ҳам муваффақиятли амалга оширмоқдалар. Қисқача айтганда, бизда Бобоқул Бобожоновнинг жарроҳлик мактаби шаклланимоқда.

Бош ҳаким ҳақ гапни айтган эди. Назаримизда, бу мактаб фақат I-шаҳар касалхонасигагина эмас, бутун вилоятимизга малакали ЖАРРОҲлар етказиб беришдек олижаноб йўлга кирган. Боя Бобоқул ака “кошки дўстлар қўллаб-қувватлашса” дегандай тилак билдирувди. Бизнингча ҳам у кишига мадал қулини чўзиш пайти келган. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими тегишли оталиқ ташкилотлари бу клиникани керакли тиббий жиҳозлар, ускуналар, дори-дармонлар билан етарлича таъминлашса, жарроҳларимизга беморларнинг умрини узайтиришига кўмак берган бўлардилар. Клиникадаги барча ҳакимларнинг хоҳиш-истаги шу!

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Бобоқул Бобожонов эса ишлаб толмайдиган инсон. У талабаларга жарроҳлик сирларидан маърузалар ўқийди. Вилоятимиз туманларидаги касалхоналарга тез-тез бориб, маслаҳатларини дариг тутмайди. Янги илмий кашфиётлар устида ишлашни доимий мезон деб билади. Унинг “Кўкрак қафаси жарроҳлиги” монографияси босилиш арафасида турибди. У аҳил оила сардори, тўрт фарзанднинг меҳрибон отаси. Катта ўғли Акмалжон унинг изидан бориб, номзодлик диссертацияси устида ишламоқда...

Булар — бор гап! Энг муҳими, шаҳримизда тиббиёт олийгоҳи очилиши туфайли турли шаҳарларда “фақирона” яшаб, ишлаб келаётган донгдор, номдор шифокор олимлар ўз юртларига қайтиб келишди, халқимизга сидқидилдан хизмат қилишмоқда. Мана шулар сафида эндигина элик уч баҳор тенгдоши бўлган Бобоқул Бобожоновдек фидойи, салоҳиятли жарроҳнинг борлиги гоё қувончлидир.

1993 йил, апрель.

КЎРГАНЛАРИМ, БИЛГАНЛАРИМ...



1. АЛВИДО, УСТОЗ!

(Устоз шоир Тошпўлат Ҳамидни дафн этиш маросимида сўзланган нутқ)

Азиз дўстлар!

Алвидо айтмоқ нақадар оғир бу зил-замбил лаҳзаларда!

Алвидо демоққа тилингмас, ҳатто дилинг ҳам музлаб қолади бу қоронғи кундузда!

Алвидо деган калимани такрорлашга ақлу идрокинг етмайди, бу қасри азимда!

Не мушкул жудолик, не чуқур қайгуки, Бухоронинг энг донгдор фарзанди, азиз инсон боши устида дийдаларимизни борон қилиб, “Алвидо!” айтишга мажбур бўлиб турибмиз.

Бугун бугун узбек ёзувчилари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари таниқли шоир, истеъдодли ижодкор Тошпўлат Ҳамиддан бевақт жудо бўлганликлари учун оғир изтироб чекмоқдалар.

Тошпўлат Ҳамид деган ном узбек адабиёти учун жула қадрли эди. Бу ном нафақат республикада, балки иттифоқда ҳам маълум ва машҳур эди. Уни бобокалон адибларимиз “Зарафшон булбули” дея номлагандилар. Бугун ана шу хушхон, хушовоз булбулидан айрилган она-Бухоромиз унинг боши устида кўз ёш тўкмоқда. Бухоро адабий муҳитини пойдор этган қадрли куйчисини, ёш ижодкорларнинг суякли устозини сўнгсиз эҳтиром билан сўнгги йўлга кузатмоқда.

Муҳтарам Тошпулат ақамиз!

Сиз қўлингизга саз тутқазган куркам Ватанини, унинг кўзларга тўтиё бўлгулик тупроғини, дилрабо боғларининг жамолини, нафасидан гул ҳиди таралгувчи гул водийларини, меҳнат қушигида акс этган баҳорини, қадим ва навқирон Бухорони, оқ тонглар, феруза оқшомларни — хуллас, нузли диёрни, қаҳрамон меҳнат кишиларини юракдан куйлаб келдингиз.

Сиз одамгарчилик, инсоф ва диёнатни тараннум этишни яхши кўрардингиз. лоқайдликдан, бировнинг қайғуси-қувончига шерик бўлмаган кишилардан ҳазар қилардингиз.

Сиз уз шеърларингизнинг бирини “би га га ҳам ҳақиқий дўсти бўлмаган одамга яшашнинг ҳожати йўқ” дея ёзгандингиз. Тобутдан бир

лаҳзагина бош кўтариб боқинг: сизни елкаларида беозор кўтариб келган бу тумонат одам, минг-минглаб кишилар сизнинг қадрдон дўстларингиз, биродарларингиздир.

Сиз ўша шеърларингизнинг бирида “одамзотнинг орқасида йиглаб қоладиган кишиси бўлмаса, бу чўнг бадбахтликдир” дея ёзгандингиз. Тобутингиздан бир лаҳзагина бош кўтариб боқинг: сизни қора тупроқ бағрига асло-асло топширгиси келмаётган ўғил-қизларингиз, невараларингиз, юзлаб шоғирдларингизни кўриб, нечоғли бахтли инсон эканлигингизни ҳис қилардингиз, балки. Ҳа, сиз бахтли одам эдингиз, диёримизнинг ҳассос куйчиси эдингиз.

Сиз ўз шеърларингизнинг бирида одамларга қарата:

*Майли мақбул бўлса шул ширин забним сизники,
Тоза қалбим, сўзларим, жону жаҳоним сизники.
Токи борман Ер юзида сиз билан бирга бўлай.
Тарк этиб кетсам жаҳонни устухоним сизники.*

—дея ёзган эдингиз. Агарчи бугундан бошлаб бизни жисмонан тарк этиб кетаётган бўлсангиз-да, руҳан биз билан биргасиз. Сиз яратган юзлаб шеърлар, ўнлаб дostonлар, кўп сонли китобларингиз бизнинг қалб мулкимиздир. Сиз мангу барҳаётсиз. Алвидо, устоз, алвидо!

1984 йил, 11 февраль.

2. УСТОЗ ИКРОМИЙ ҲАҚИДА СЎЗ

Мен яқинда машҳур адабиётшунос олим Озод Шарофиддиновнинг “Биринчи мўъжиза” деган китобини ўқиганимда шундай сатрларга дуч келдим: “Одамлар, одатда, ёзувчиларга ҳавас қилишади, — дея ёзади муаллиф. — уларнинг назарида ёзувчиликдан осон ва лаззатли касб йўқ. Ҳушингга келганда шартта китоб ёзасан. Илҳом келмаса, кайфу сафо қилиб ҳаётнинг гаштини суриб юраверасан. Қаерга борсанг жойнинг тўри, иззат-икромнинг қуюғи — сеники. Шуҳрат қаноғида қушдай парвоз қилишдан ҳам ҳузурлироқ нима бор оламда?”

Шундай ўйлайдиган одамлар ёзувчи ҳаётининг ташқи томонига қараб ҳукм чиқаришади. Улар ёзувчи меҳнатининг натижасини меҳнатнинг ўзи ўрнида қабул қиладилар. Аслида, ёзувчиликдай сермашаққат, меҳнати оғир касб оламда камдан-кам топилса керак.

Ёзувчилик шухрати ниҳоясиз машаққат эвазига келади. Билмадим, одамлар ҳар бир китоб, наннки китоб, ҳар бир саҳифа, ҳар бир жумла устида ёзувчи сарфлайдиган меҳнатни, тортадиган азобни уз кўзлари билан кўрганларида, эҳтимол, ёзувчига сира ҳам ҳавас қилмаган бўлардилар, эҳтимол ўзгаларнинг шухрати боис ёзувчиликни орзу қилиб юрганларнинг кўпчилиги бошқа тирикчиликнинг кетиға тушиб кетарди. “Игна билан қудук қазииш” дегани ёзувчилик ҳақида айтилган бўлса, ажаб эмас.

Ёзувчининг истеъдоди — ҳаётни ўз кузи билан кура олиш, уни чуқур ҳис қилиб, бу ҳисни бошқаларға юқтира олиш, ҳаётий характерлар ярата билиш қобилиятигина эмас, катта фидокорлик, поёнсиз чидам, туганмас кунт билан меҳнат қилиш қобилияти ҳамдир...”

Бугун табаррук 80 йиллик юбилеи нишонланаётган, камданкам ёзувчига насиб бўладиган бахт соҳиби — аллақачон халқ қалбининг тўридан жой олган ҳамшаҳримиз, Тожикистон халқ ёзувчиси, Рудакий номидаги Давлат мукофоти лауреати Жалол Икромий сиймосида ана шундай ҳассос ва олмос истеъдод эгасини кўрамыз.

Жалол Икромийнинг номини нафақат Тожикистонда, балки республикамызда, бутун иттифокда эшитмаган бирорта шаҳар ва қишлоқ, китоблари кириб бормаган хонадон йўқ деса бўлади. Унинг асарларини колхозчи ҳам, ишчи ҳам, талаба-ёшлар ҳам, олимлар ҳам севиб муголаа қилишади. Унинг халқ қалбининг инъикоси ҳисобланган қисса ва романларидан завқланишади, ҳикояларидаги беҳиёс тасвирдан, оҳори тўкилмаган санъатидан лаззатланишади. Жалол Икромий асарларининг манзараси суюқли устози, буюк ёзувчи Садриддин Айний мансараси каби содда ва самимий, сиртдан қараганда хотиржам. Аммо халқни тарих тўлқинида талқин этиш ниҳоятда драматизмға бой, эҳтирослар тугёнидан иборатдир. Бу ҳақиқатни “Шоди” да ҳам, “Олов қизи” да ҳам, “Бухоронинг ўн икки дарвозаси” да ҳам, “Ағдарилган тахт” да ҳам яққол кўриш мумкин.

Жалол Икромий интеллигенция мавзусини биринчилар қаторида тожик насриға олиб кирган адиблардан ҳисобланади. Бунға унинг “Юлдуз”, “Муҳаббат жавоби” қиссалари ва “Мен гуноҳқорман” романи ёрқин мисолдир. Жалол Икромий ижодий фаолиятининг доираси кенг. У тожик адабиётида йирик романнавис сифатида алоҳида эҳтиромға сазовордир. Адиб урушдан кейин “Шоди” романининг иккинчи қисмини ёзиб тугаллади. Унда колхозчи деҳқонларнинг халқ хўжалигини тиклаш йўлидаги мардонавор меҳнатлари гоёт санъаткорона тасвирлангандир.

1962 йилда китобхонлар қулиға теккан “Олов қизи” романи ёзувчи-

нинг оломос истеъдод соҳиби эканини яна бир қарра тасдиқлади. Бу асар адабий танқидчилик томонидан “Бухоро ҳақида янги суз” деб баҳоланди. Асарда ёзувчи уз она тупроғи — Бухоро мавзусини қаламга олган. Унда Шарқнинг беқийс дурдонаси бўлган шаҳарнинг ўтмиши, тўнтаришдан олдинги ҳаёти зўр маҳорат билан тасвирланган. 1964 йилда мазкур асари учун ёзувчига Рудакий номидаги Давлат мукофоти берилди. Кейинчалик бу асар адибнинг “Бухоронинг ўн икки дарвозаси” трилогиясининг биринчи китобига айланди. У асарни москвалик таржимонлар Лидия Бать ҳамда Вера Смирновалар рус тилига маҳорат билан ўғирдилар.

— 1964 йилнинг баҳори эди, — дея эслайди Икромий домла, — Москвадан поездга чиқсам, машҳур ёзувчи Мариетта Шагинян ҳам Душанбегга иш билан кетаётган экан. Танишдик. Гап мавзуи ижолга бориб тақалди. Шунда у кишига эндигина машинкаланган “Олов қизи”нинг русча нусхасини бердим. Тўғриси, шундан кейин ўзимга жавр бўлди. Чунки яқин суҳбатдошимдан ажралгандим-да. Мариетта хоним купеда уч кеча-кундуз бош кўтармай, романи ўқиб чиқдилар. Сўнгра, устозим кимлигини билгач, “агар Айний тирик бўлганида, сени астойдил қутлаб, пешонангдан ўпган бўларди” дея, бу романинг давомини ёзишимни ва уни зудлик билан чоп этиш лозимлигини айтди. Орадан кўп ўтмай, асар Москвада босилди... Ундан кейин “Бухоронинг ўн икки дарвозаси”, “Ағдарилган тахт”ни ҳам рус китобхонлари самимий кутиб олдилар...

Дарҳақиқат, бу трилогия Жалоли Икромийга катта шуҳрат келтирди. Таъқиқчи рус танқидчиси В.Оскоцкий “Бу асар дастлаб хотинқизлар қисмати ҳақида ҳикоя қилди, аммо кейинчалик воқеалар ва тарихий давр тасвири жиҳатидан янада кенгроқ моҳият касб этиб, бутун бир халқ тақдирини тасвирлади. Шу боисдан трилогия ўзининг қиймати жиҳатидан Г.Марковнинг “Сибирь”, П.Залигиннинг “Комиссия”, А.Нурпеисовнинг “Тер ва қон”, Қилич Қулиевнинг “Қора карвон” каби романларига тенгдир” деганида тамомила ҳақдир.

Китобхонлар Жалоли Икромийни сатирик ёзувчи сифатида ҳам яхши биладилар. Мушриф ўз ижодида тожик классик адабиётининг илғор анъаналарини ривожлантирди. Унинг икки китобдан иборат “Сафар Маҳсум саргузаштлари” романи халқ оғзаки ижоди материаллари асосида яратилган бўлиб, унда тожик халқининг Бухоро тўнтаришигача бўлган ҳаёти ақс эттирилган. Роман қаҳрамони Сафар Маҳсум гарчи реал шахс бўлса-да, куп жиҳатдан шарқ эртақларининг машҳур қаҳрамони Насриддин Афандини эслатади, иккаласи ҳам ўз давридаги мавжуд тартиблардан норози, эрк ва адолат учун курашчилардир...

Жалол Икромий ўтмиш ва ҳозирги даврни моҳирона уйғунлаши-
гира оладиган етук санъаткор ҳамдир. Унинг 1979 йилда яратган
“Қора қузғунлар” романида урушдан кейинги тожик қишлоғидаги
турмуш ҳикоя қилинади. Ёзувчи одамларни эски замон қолдиқлари
— порахўрлик, тошламачилик, гуруҳбозлик, ошна-оғайнигарчилик-
ка қарши курашга чақиради. Бундай иллатларни баъзи шахсларда
кўради ва уларни “қора қузғун”лар деб атади. Алибнинг бундан уч
йил олдин китобхонлар ҳукмига ҳавола этган “Хатлон” ҳамда шу
кунларда ёзиб тугаллаш арафасида турган “Гули бодом аз Конибо-
дом” (“Конибодомнинг бодом гули”) романларида ҳам тарих ва
ҳозирги замоннинг муҳим муаммолари қаламга олиниб, янги давр
бунёдкорларининг ҳаётий образлари чизилгандир.

Булардан ташқари, Жалол Икромий оташин публицист, истель-
долли драматург сифатида ҳам алоҳида салоҳиятга эга. Унинг II жа-
ҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда яратган ўнлаб очерклари,
долзарб мавзудаги юзлаб мақолалари юксак публицистик пафос би-
лан йўғрилган бўлса, “Муҳаббат уруғи”, “Душман”, “Она қалби”,
“Бахт йўли”, “Гулзордаги тикан”, “Горнизон таслим бўлмайди”,
“Дохунда”, “28 тун” каби ўндан ортиқ пьесалари тожик театр саҳ-
наларининг дурдоналарига айлангандир.

Икромий домла том маънода Бухоро фарзанди, Бухоро куйчиси.
Унинг бундан олтмиш икки йил олдин — 18 ёшида (1927) ёзган ва
“Раҳбари Дониш” журналининг биринчи сониде босилиб чиққан
илк ҳикояси “Шабде дар Регистонни Бухоро” номи билан аталган эди.
Адибимиз 60 йилдан ошибдики, ҳамон она шахримиз Бухоро мав-
зуини такрор-такрор қаламга олиб келяптилар. Домланинг ўнлаб ҳико-
ялари, очерклари, повесть ва романлари, даврининг долзарб масала-
лари тасвирланган очерклари ва айни пайтда ёзиб тугатиш арафа-
сида турган “Эсдаликлар” номли асари ҳам бунинг ёрқин исботидир.
Бутун умр ўз она тупроғинини, унинг ўтмиши, бугуни, келажаги-
ни, шу муқаддас тупроқ одамларини куйлаш, уларнинг бошқалар
кўра олмаган ва ёза олмаган олижаноб хислатларини бадиий бўёқ-
ларда жиллантириш ҳақиқий санъаткор ёзувчининг бахти, иқболи
эмасми? Чинакам фарзандлик шуқуҳи эмасми? Мана шу олижаноб
хизматлари билан ҳам Жалол Икромий биз учун ифтихордир. Наин-
ки биз учун! Бугунги кунда Икромий асарларини дунё китобхонла-
ри, француз, ҳинд, немис, чех, поляк, румин, булғор, араб ва эрон
ўқувчилари мутолаа қилишмоқдаки, шу далилнинг ўзи ҳам юбиля-
римизнинг нечоғли азиз ва улкан санъаткор эканлигидан далолат-
дир. Унинг деярли барча романлари ўзбек тилига таржима этилган.

Бу жиҳатдан, ҳассос ёзувчимиз ўзбек халқи учун ҳам ғоятда ардоқли санъаткордир.

Жалол Икромийни Тожикистонда, Ўзбекистонда ва ҳатто Москвада ҳам “Икромий домла”, “Муаллим Икромий” дея катта ҳурмат ва эҳтиром ила тилга олишади. Бир мисол: 1977 йил 3 апрель куни Москвада — Марказий Адабиётчилар уйида Жалол Икромийнинг “Бухоронинг ўн икки дарвозаси” трилогияси муҳокамаси бўлиб ўтган эди. Шунда сўзга чиққан москвалиқ ёзувчилар, танқидчилар, шунингдек марҳум ёзувчи, Давлат мукофоти лауреати Мирзо Турсунзода бугунги юбиларимизни “Домла Икромий”, “Муаллим Икромий” дея такрор-такрор тилга олиб, трилогияни адабиётнинг катта ютуғи сифатида баҳолашган эди. Бундай қутлуғ ва шарафли номга бадиий ижодга бутун қалбини бахш этган ҳақиқий санъаткоргина сазовор бўла олиши мумкин!

Икромий домла дўстликни, биродарликни, ҳамжиҳатликни ниҳоятда эъзозлайдиган инсон.

— Ўзбеғу тожикнинг илдизи битта, — дейди устоз мамнуният билан. — Ҳар иккала халқ бамисоли чунг чинор дарахтининг қайрилмас икки танасидай гап. Бу чинорнинг бирорта япроғига ҳам гард тегизмаслигимиз керак. Фафур Фулом жуда тўғри баёнот этган:

Сугдийларнинг ашлоди — оға-ини меҳрибон,
Ким бундан фарқ ахтарса, тарихда бўлар кулгу...

Мана шу буюк иқдор туфайли Ўзбекистонни ҳам, Тожикистонни ҳам юрагимга туташ деб биламан: бири қошу бири кўз... Ўзим педтехникумда ўзбекча ўқиганман. Дастлаб шу кадрдон тилда шеърлар машқ қилганман. Ҳозир ҳам ўзбек ёзувчиларининг энг яхши асарларини оригиналида роҳатланиб ўқийман.

Икромий домла доимо битта гапни такрорлайдилар: “Ижодкор учун энг муҳими — китобхонлар эътирофи. Халқ эътирофи эса ҳар қандай олий унвондан ҳам улуғроқ унвондир!

Биз ана шу бахтга мушарраф бўлган камтарин инсон, заргар санъаткор, Тожикистон халқ ёзувчиси, устоз Жалол Икромийни таваллудининг 80 йиллиги билан қизгин қутлаб, ёшингиз Жомию Жамбуллар ёшидан ҳам ўтсин деймиз.

1989 йил.

3. МЕҲРУ ОҚИБАТ ЧАШМАСИ

Ҳозир ҳақиқатни ошкор айтадиган пайт. Энди ҳаёт гилдираклари бировларнинг истагича эмас, ўз маромида айланаяпти. Бу гилдиракнинг излари нурли, залворли излардир. Бу изларни эгсиз этаклари билан ёпмоқчи бўлганлар ёки уни кўмишга ҳаракат қилишга уринаётганлар замон аравасидан тушиб қолаяпти. Ҳа, биз оқни оқ, қорани қора, ёмонни ёмон дейишимиз керак. Қисқача айтганда, “бутун ҳаётий тажрибаларимиз — ижтимоий ва шахсий қарашларимиз олға ҳаракат қилишимизга сафарбар этилиши, бу йўлдаги хатоларни тузатиб, янгисига йўл очиб бермаслиги керак”. (Р.Ҳамзатов)

Биз байналминалчилармиз. Рус тили орқали жаҳон адабиётиги ўқияпмиз, халқаро муносабатларда рус тилининг беқийс хизмати бор, албатта. Бу тилни фақат ўзимизгина эмас, фарзандларимиз ҳам ўрганиши беҳад фойдали! Бунинг учун энг аввало, ишни боғчадан, қолаверса, мактаб партасидан бошлаш лозим. Бироқ одамнинг ёши бир ерга бориб қолганда, бунинг устига, бутун умри пахта даласида ўтаётган кишиларни “рус тилини ўргатиш” шиори остида ҳақ-ҳуқуқини чеклаш “тадбирлари” содир бўлгандики, бугун буни эсга олмаслик ошкоралик доирасини четлаб ўтиш билан баробардир.

Яширишнинг ҳождати йўқ. Бундан бир неча йил олдин вилоят, шаҳар ва баъзи туманлардаги йиғинлар деярли русча ўтказиларди. “қўли чаққон” инструкторлар нотикларнинг маърузаларини русчага ўгириш билан ҳафталаб ошора бўлишар, тайёрланган маърузани Ленинграддан келган собиқ иккинчи раҳбарга маъқул келтириш йўллари излашарди. Ахир ходимлар масаласи билан ўша одам шуғулланарди-да...

Кечагидай эсимда: шундай йиғинларнинг бирида Вобкент тумани “Зарафшон” жамоа ҳўжалигининг донгдор бригада бошлиғи, давлат мукофоти соҳиби Саври Ҳафизовга сўз берилди. Бригадир бор-йўғи бир оғиз “Товариши” деди-ю, тўхтаб қолди. Кейин чуқур йўталиб, “Биродарлар, келинлар, мен бир ўзимни тилимда дардларимни айтқолай” деди. Шунда гулдурос, давомли қарсақлар янгради. Йиғинни бошқараётган собиқ биринчи раҳбарнинг ҳам ранглари оқаргандай бўлса-да, лом-мим деёлмади. Бригадир эса шунақа эҳтиросли, самимий сўзладики, уни ҳатто минбардаги ўз тилини менсимай юрган раҳбарлар ҳам астойдил қўглашга мажбур бўлгандилар. Бироқ алам қиладиган томони шундаки, ўшанда бирор киши “ҳой, ўртоқ бошлиқлар, қўйинг, оддий халқ ўз тилида сўзласин, кўнглидаги

ларду алами борми, мулоҳаза-таклифи борми. яйраб-яшнаб гапирсин ахир”, деб айтолмасди. Гўё шундай десангиз, сизни миллатчиликда айблашлари шак-шубҳасиз эди. Қаранг-а, ўз тилингда сўзлаш, қанчалик машаққат эди. Хайрият, “тартиби” бузилмаган ўлкада “тартиб ўрнатиш”га келган баъзи раҳбарларнинг қалами қисқароқ экан. Ўшалар туфайли қанчадан-қанча лаёқатли юртдошларимизнинг “бели сиңгани”ни унутиб бўладими, ахир?

Таассуфлар бўлсинки, ўзбек тилига давлат нуфузи бериш масаласи бизда гоёт оғир кечмоқда. Менинг назаримда, агар бу иш амалга ошса, анча-мунча мансабдор кишиларга оғир тушадиганга ўхшайди. Негаки, улар турғунлик йилларида “такомиллаштирилган”, яъни ўзбек тилини мукаммал билишмайди. Эндиликда бу бечоралар ўз она тилларини гўдак боладай қайта ўрганишлари керак. Хўш, шундай бўлгач, бу тоифа кишилар осонликча жон беришармикан? “Мансаб қурсин-а, мансаб!” дер эди бир кекса, донишманд ҳамқишлоғим. Сўнгра қўшиб қўярди: “оғзи қийшиқ бўлсаям, бойнинг ўғли гапирсин”. Аммо ҳар бир ҳодисанинг ҳам ибтидоси ва интиҳоси бўлади. Мен бунда ўн беш йилча олдин ўз тилини билмаган бир мансабдорнинг эл олдида мулзам бўлганига гувоҳ бўлганман. Ўшанда Шофиркон туманидаги Охунбобоев жамоа хўжалиги клубида ҳисобот сайлов йиғилиши поёнига етаётган пайт эди. Вилоятдан вакил сифатида қатнашаётган пақанароқ бир кишига сўнги сўз берилди. Билмадим, минбарга аввал унинг ўзи чиқдим, ёки мешдай қоринчасими, ишқилиб, у оғир энтиқди-ю, чуқур йўталганча “Товариши” дея сўз бошлади. У аввалига колхозчиларни мақтагандай бўлди, кейин роса танқид ўтини ёғдирди. Энди “доно маслаҳатлар” беришга кўчганида олдинги қаторда ўтирган бир нуроний отахон ортиқча тоқат қилолмай ўрнидан қўзғалди.

— Ўртоқ вакил, битта савол бор?

— Како́й во́прос мо́жет бы́ть? — деди ноҳуш кайфиятда вакил.

— Жуда қизиқ савол! — бўш келмади чол ҳам.

— Ну-ка, скажи, бабай!

— Искажи, деб айтма, айтнинг бобожон, деб айт. Отанг тенгиман-а! — тутақди чол. — Бундоқ башарангга қарасам, туппа-тузук одамга ўхшайсан. Кўряпсан-ку, шу залда мингта одам ўтирган бўлса, бироррта ҳам бошқа миллат вакили йўқ. Шу “насиҳатларингни” ўзбекча айтсанг бўлмайдимми-а?

— Сиз нимага ўрисча ўрганмайди? — деди безрайиб вакил.

— Мен-ку ўрисчани сендан кам билмасман. Уруш йиллари рус дўстларим билан қон кечиб, Россияни қадам-бақадам кезиб чиқ-

қанман. Бугун етмиш бешга кириб, ошимни ошаб, ёшимни яшадим. Сен ёшсан-ку, ўзингнинг тилингни дурустроқ ўргансанг, савлатдан тушасанми-а? Дунёга Ибн Синони, Берунийни, Алишер Навоийни, Бобурни, Аҳмад Допишу Айнийларни берган халқингни тилини нега камситасан-а?

— Ладно, бабай, — деди вакил қизариб-бўзариб, — я просто пошутил. Бир бало қилиб, ўзбекчангни изучат қиламан.

Чол тутақиб кетди:

— Изучат дема, ўрганаман деб айтгин, уйинг буғдойга тўлгур. Қолаверса, бошпуртингда “ўзбек” деб ёзилган бўлса керак...

Вакил бир қоп гўшт бўлиб, залдан чиқиб кетган эди...

Ҳа, бизда фашизм дастидан шу дориломон кунларни юлиб олиб, абадий мерос қилиб қолдирган оталаримизнинг жасорати этишмайди. Жуда-жуда лоқайдмиз. Фалсафа илмини ўқиётганимизда ўрганган ҳар бир миллат, катта-кичиклигидан қатъий назар, ўз миллий тили билан ифтихор этиши зарур, деган қондани кўпинча унутиб қўямиз.

Ҳа, тил билган — дил билади, эл билади. Сохта хатти-ҳаракат, ўз шахсий манфаатлари доирасида иш юритиш бирор кишига ҳам обрў келтирган эмас. Хусусан, инсон туйғуси билан ўйнашиш, унинг она тилини “ўзгартиришга” интилиш сиёсий нодонликдан бошқа нарса эмас.

Ўрни келди, айни пайтда кўн жойларда кадр танлашда бир ғоявий чалкашликнинг содир бўлиб келаётганини қайд этишни ўринли деб ҳисоблайман. Айтайлик, бир масъул идорага ходим керак бўлиб қолади. Аянчлиси шундаки, кўпинча танланган ходимнинг рус тилини билиш-билмаслигига эътибор қилинади. Унинг дунёқараши, маданий савияси шу “ютуғи” билан белгиланади. Бундан икки йилча олдин шундай ходимлардан бири мени ҳузурига чорлаб қолди. Бордим.

— Эртага Одил Ёқубов деган киши келаётган экан. Эшитдингизми? — сўради у беписанд оҳангда.

— Эшитдим! — дедим мен ҳам ажабтовур ҳолатга тушиб.

— Айтинг-чи, бу одам зўр шоирми?

— Йўқ, зўр ёзувчи. Бугун жаҳон билади у кишини.

— А-ҳа, шунақами? Мен билмас эканман. Биласизми, айб менда эмас, ота-онам-да! Русча ўқитишган мени. Ўзбек адабиётини эса яхши билмайман. — деди у киши пинак бузмай, хижолатдан қутулмоқчи бўлиб.

— Кечирасиз, Одил Ёқубов рус тилида ҳам ижод қиладиган ёзувчи. Унинг русча китобларини истаган кутубхонадан топишингиз мумкин.

Масъул ходим жиққа терга ботган булса-да, енгилишни истамас-ди.

— Тўғриси айтсам, мен фирқа ходимман. Сиёсий китобларни кўпроқ ўқийман... Бадиий адабиётни ўқишга эса вақт йўқ.

У билан анчагача суҳбатландим. Хулосам шу бўлдики, ходим рус тилида чиройли сўзлашишни ўрганган, талаффузи ҳам гоаят табиий эди. Фақат у ўз халқи, тарихи, маданияти, санъатини яхши билмас. мумтоз адабиётимиз, бугунги ўзбек адабиёти ютуқларидан тамоман беҳабар эди. Шунда ҳазрат Навоийнинг “Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топмасам” деган доно сўзлари беихтиёр қалбимга қўйилиб келганди. Ва шунда булоқларнинг “чиройли сўз билан иморат қуриб бўлмайди. Чиройли сўз айтиб, ўчоқдаги оловни алангалатиш мумкин эмас” — деган ҳикматларининг нечоғли ҳақ эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилгандим.

... Бисотимизда “оқибатли бўлиш” сингари сўзлар бор... Бу тунгачлар табиат гултожи ҳисобланмиш ҳар бир инсоннинг юрак меҳваридан жой олиши лозим, назаримда. Негаки, ҳазрат Навоий айтмоқчи:

Эй, кўнгил, ҳуру пари васфин эшитдим гўйе:

Ҳеч қайси одамилиғда эмас инсонча хўб...

Дарҳақиқат шундаймикан? Бугунги қайта қуриш давларида эътироф этаётганимиз — “турғун” йилларнинг баъзида кўр-кўрона, баъзида мажбурий қурбонлари бўлган чинакам филоий инсонлар ноҳақ озор чекмадиларми, уларнинг қадр-қимматлари тергов ва суд органлари томонидан оёқ ости қилинмадими? Афсуски, шундай бўлди! Буни асло инкор этиб бўлмайди.

Ғиждувон туманида Саттор Жабборов деган ниҳоятда машҳур бир пахтакор бор эди. Оддий батракдан чиққан бу одам II жаҳон уруши фронтларини кезиб чиқан, япон босқинчиларини тор-мор этишдаги фаол иштироки учун жанговар орден ва медаллар билан тақдирланган эди. Фронтдан қайтгач, оддий сувчиликдан колхоз раислигигача бўлган йўлни босиб ўтган эди. У чорак асрдан зиёдроқ бошқарган жамоа хўжалиги вилоятдагина эмас, республикада ҳам донг таратганди. Раис ҳалол меҳнатлари туфайли “Меҳнат қаҳрамони” унвонига ҳам сазовор бўлганди. Афсуски, шундай тажрибали, софдил уста пахтакор ҳам халқ нафратига учраган собиқ раҳбарларнинг гирдобидан узилиб чиқолмади. Тўғриси, узилиб чиқишига қўймадилар. “Раисликдан бўшайдиган бўлсанг, партиядан ўчирамин!” дея аризасини бир неча марта юзига отдилар. Ночор қолган раис нима қилсин эди? Сохта маълумотномалар, қўшиб ёзишларни алам билан томоша

қилишга мажбур бўлди. Оқибати фожиали тугади. Ёза-ёзлар, хусу-
матчиларнинг юмалоқ хатлари ўз ишини қилди. Уни қора курсига
такрор-такрор ўтказдилар. Қарийб йигирма минг аҳоли яшайдиган
колхознинг ҳашаматли клубида очиқ суд қилдилар. Обрў-эътибори-
ни ер билан битта қилдилар. Раис номусига чидаёлмади. Гарчи шарт-
ли суд ҳукми эълон қилинган бўлса-да, орадан уч кун ўтгач, ин-
фаркт содир бўлди: у армон билан дунёдан ўтди.

— Укажон, — деганди Саттор ака ўлиmidан атиги бир кун олдин
надомат билан менга, — халқимга, Ватанимга қирқ йилдан ортиқ-
роқ хизмат қилдим. Элнинг бир сўмига қўл чўзган бўлсам, икки
дунёда буюрмасин. Мен меҳнатимга эмас, қадр-қимматимга йиғлай-
ман. Мени юзи қарога чиқардилар-а?! Вой, бу қандай бахтсизлик!
Энди бош кўтариб яшаш қийин, жуда қийин, жигарим!..

Саттор ака ана шундай диёнатли, оқил инсон эди. Уни сўнги
йўлга бутун жамоа хўжалиги ва туман аҳли иззат-икром билан куза-
тиб қўйди. Аммо даҳшатлиси шундаки, кечагина газеталар тўридан
номи тушмайдиган бу машҳур одам пафоти тўғрисида атиги туман
газетасида таъзиянома эълон қилишга зўрға руҳсат беришди. Мана,
сизга қадр-қиммат, мана сизга меҳру оқибат!.. Бизнингча, бутун умри
халқ билан бирга ўтган бу одамнинг эл орасидаги ҳурматиини тик-
лаш, камтарин номини абадийлаштириш инсонийлик бурчимиздир.
Шундай қилсак, марҳумларга нисбатан авлодлар олдидаги қарзи-
мизни ўтаган, “турғунлик” йилларида ноҳақ жабрланган бир юртдо-
шимиз номини тиклаган бўлур эдик.

Йўқ, мен бу ўринда кўз ёши тўкмоқчи эмасман. Аммо бор ҳақиқат-
ни ошкор айтишни, айрим субутсиз халқ судьяларининг ўз амалини
ўйлаб, инсон қисматига енгил-елпи қарашларини, тақдир тақозоси
туфайли қора курсига ўтирган кишига “жиноятчи” сифатида (қан-
чалик ҳалол бўлмасин!) муомала қилишларини рўй-рост ифодалаб
беришни ёзувчилик бурчим деб биламан.

Бундан беш йил олдин Шофиркон туманидаги бир жамоа хўжа-
лиги клубида туман котибининг бевосита тазйиқи остида ошириб
ёзишга йўл қўйган раис па бошқа идора ходимлари устидан суд
ҳукми эълон қилинганда халқ бирданига жунбушга келди. Минглаб
одамлар раис Амрилло Тўхтаевни ички хизмат ходимлари қўлидан
тортиб олишди. Суд раиси ҳамда қораловчи прокурор тахтадай қотиб
қолишди. Вазият ниҳоятда мушкул эди. Халқнинг талаби битта эди:
“давлатта келтирилган зарарни ҳовлимизни, молимизни сотиб бўлса-
да, тўлаймиз. Аммо раисни қамагани қўймаймиз!”

Эҳтимол ажабланарсиз: наҳотки кўзбўямачиликка йўл қўйган

Амрилло Тўхтаевни меҳнат аҳли шу қадар яхши кўраркан деб. Астойдил ишонинг, Тўхтаев воят иқтидорли, ташкилотчи, билимдон раҳбар эди. У жамоа хўжалигини ўн йилга яқин бошқариб, хўжалик иқтисодини мустаҳкамлаган, меҳнаткашларнинг ҳурмат-эътиборини қозонган эди. Туманнинг айрим ноқобил раҳбарларига ҳушмадгўйлик қилмас, ёлғон мулозаматни ёмон кўрарди. У доим халқ билан бирга яшаб, бирга нафас оларди...

Клубда одамлар тўлқини чайқалиб тураркан, Амрилло Тўхтаев ўрнидан қўзғалди.

— Биродарлар. — деди у кўзида ёши билан залга оҳишта хитоб қилиб. — Сизлардан мингдан-минг розиман! Шу дақиқадан бошлаб яна ўзимни сизлар билан бирга деб ҳис этаман. Қўйинглар, мени олиб кетишсин, чунки хато қилдим. Сизларнинг ҳалол ризқингизни ҳимоя қилолмайдим, иродам етишмади бунга. Қинғирлик, сохта шуҳрат, сохта обрў учун виждонини сотганлар мендан кучлилик қилишди. Бироқ ҳақингизга заррача хиёнат қилганим йўқ. Шуни тушунсангизлар бўлгани. Ҳақиқат бир куни рўёбга чиқади...

Шу воқеадан бир ҳафтача ўтгач, суд раисини кўчада тасодифан учратиб қолдим.

— Юрагингиз топига айланганми дейман, биродар. Халқнинг додига қулоқ солмадингиз-а? “ўн йил” оғзингизнинг бир чеккасидан чиқиб кетди. Раисга жабр қилмадингизми? — сўрадим ундан, эътирозимни рўй-рост билдириб.

— Кўряпсиз-ку, ҳўлу қуруқ баравар ёняпти. Нима қилай, мен ҳам ишлашим, яшашим керак. Буйруқ шунақа эди... Бизнинг ҳам қадамимизни кузатиб юрганлар бор. — деди у овозини пасайтириб, ахлакимдан ҳадиксирагандай. Кейин қўшимча қилди: — Хизматчилик, оғайни. Қонундан ташқари чиқолмаймиз...

— Виждон-чи? Виждонингиз қийналмайдими? Ахир сиз халқ номидан иш кўрасиз-ку?

— Қўйинг, мени қийнаманг, — деди у ялинган оҳангда, — бу энди бошқа масала. Сиз ҳам менинг ўрнимда бўлганингизла...

— Йўқ, асло бундай қилмасдим, — дедим кўзларига тик боқиб. — адолат, инсоф юзасидан ҳукм чиқарардим. Унинг эл-юрт олдидаги аввалги ҳалол хизматлари, қадр-қиммати, етим қолаётган фарзандларини ҳисобга олардим.

— Кечирасиз, сиз — ёзувчиларга бас келиб бўлмайди. Начора, шунақа бўлиб қолди. Мен ҳам яшашим керак. Хўп, хайр...

Ҳа. бунақа “қонуншунослар” столга бағрини бериб, “яшаб” келишяпти. Мен бу уринда ҳуқуқ ходимларидан утр сўрайман. Улар-

нинг барчасини бояги амалидан қурқиб, кўр-кўрона фаолият юргизган, одамлар тақдирига бефарқ қараган суд раисига қиссламоқчи эмасман. Асло! Аммо ўша “хўлу қуруқ” баравар ёнган кезлари бунақа тошюраклар анча-мунча бор эди-да, ахир! Ҳеч ким инкор этмайди! Бухорода “турғунлик йиллари” оғир кечди. Ишнинг кўзини биладиган юзлаб раислар, талбиркор деҳқонлар кўзбўямачилик қурбони бўлишди. Узоқ йилларга қамалишди. Бироқ ҳолисона айтганда, ўшанда ҳам прокуратура ва суд ходимлари “ўзбеклар иши”нинг “кашфиётчилари” Гдиян ва Иванов каби ноинсофларнинг йўл-йўриги бўйича эмас, адолат юзасидан нш юритишлари мумкин эди-ку! Акс ҳолда, қатор инбилармон қишлоқ хўжалик мутахассислари жазоланганларида вилоятда улар ўрнини боса оладиган кадрни топиб тайинлаш муаммога айланмас, кадрлар ўртасида ҳадиксираб ишлаш аломатлари юз бермаган бўлур эди. Айни пайтда Республика Олий судидаги одил қонуншуосларининг ҳар бир судлов “Дело”сига масъулият ва виждон амри остида ёндашувлари туфайли кўпчилик мугахассислар оқланиб, бўшалиб қайтдилар. Узоқ муддатга қамалганларнинг эса жазо муддатлари тенг ярмига, ҳагто ундан ҳам камроққа туширилди. Жумладан А.Тўхтаев ҳам шундай қувончли кунга эришди. У бултур тамомила озод бўлиб қайтди. Бироқ ҳақиқат рўёбга чиққунинча унинг ва унга ўхшаган софдил одамларнинг қалblари дарз кетгани сир эмас.

Биз ижтимоий адолат тантана қилган жамиятда яшайтимиз. Бу жамиятда инсон қадр-қиммати ҳамиша баланд турмоғи лозим. Ҳой, халқ судьялари. — дегим келди, бу сўзларни ёзганимдан сўнг, — Сизни тилга олганда, “одил” деган сўзни қўшиб айтаимиз. Бу ўйлаб айтилган жуда улуғ сўз! Бу сўзнинг қадрига етинг. Уни суистеъмол қилманг. Ҳар бир жиноятни тош-тарозига солиб, етти ўлчаб, кейин ҳукм чиқаринг. Инсон руҳияти, кайфияти, туйғуларининг қотилига айланманг. Агар шундай қилсангиз, вақти келиб, сизнинг ҳам виждон олдида жавобини из оғир кечади.

Келинг, ҳурматли китобхон, шу борадаги қарашларимизни яна давом эттирайлик. Ҳозир ҳаёт тобора кескин тус олаётганлиги ҳамма жабҳада сезилиб турибди. Бу бунёдкорлик, фаол меҳнат, сиёсий ва интеллектуал фаолият жўшқинлигидир. Энди ҳар қачонгидан кўра яхшироқ яшаш, бунинг учун ўз соҳангнинг етук намояндаси бўлиш, ўзингнинг бахш этиш, ҳақ-ҳуқуқинг учун курашиш туйғуси бўйбаста билан намоён бўлмоқда. Мана шундай фаол жараёнда ҳаракатимизга тўғаноқ бўлаётган, ичи қора кимсаларнинг ҳар қандай найрангбозликларини, ҳалол кишиларга тухмат тошлари отаётган ким-

саларни фош қилишни, уларнинг аяғич башараларини эл олдида очиб ташлашни ўрганишимиз лозимга ўхшайди. Ҳа, албатта шундай қилиш керак!

Мен бир кимсани яхши танийман. У ўзини зиёли тоифадан деб билади. Аммо умрида бирорта китобни ёлчитиб ўқимаган. У билан суҳбатда булсангиз, шунақа мижғовки, эсангиз қотади, асабларингиз таранглашади. Унингча бу дунёда ўзидан бошқа “ҳалол” одам йўқ, ҳамма жиноятчи. Кўзингизга қараб туриб, сиздан иллат излайди. Тухмат тўқинга ҳозир у нозир. “Ев қочса — ботир кўпаяди” лангларидек, у айна пайтда “казо-казоларни” қулатган наҳлавонман деб юради ўзини. Бироқ ҳаммаша ҳадиксираб яшайди. Чунки умрида бирор кишига яхшилиқ қилмаган, одамларни бадном қилишга устмон бўлиб кетган. Ундан ҳатто қўни-қўшнилари безор, на тўйга, на маъракага чорлашади уни. Эҳтимол буюк Тургенев “ҳаётдаги ортиқча” одамлар деб шунақа кимсаларни кўзда тутгандир. На чора, вақт буюк ҳакам: оқни оққа, қорани қорага ажратаверади. Шундоқ дейман-у, ҳаётимизда кун сайин ортиб бораётган жиноятлар, гурли маънавий ва ижтимоий бузғунчиликларни эшитиб, одамлар нега бунчалик мижғовлашиб, ваҳшийлашиб кетган экан деб ўйлайман. Ва шунда юрагимнинг тиллари нидо этгандай бўлади: Ҳой, яхшилар! Нега бир-бирингизни кўрган кўзингиз йўқ? Нечун бир-бирингизни бадном қилишга интиласиз? Ўзингиз панала туриб, бировларнинг салогидеги ўқ бўласиз, маломат тошлари ёғдирасиз? сизга нима керак? Амалми, шуҳратми, мол-дунёми? Ҳеч ким йўлингизни тўсгани йўқ, шунга сазовор бўлинг! Аммо айтинг-чи, қадр-қиммат меҳру мурувват керак эмасми сизга? Билмадим, қачон йўқотгансиз буларни! Бағри кенгликни таклиф этяпман, истамайсизми? Сигмайдим кўнглингизга? Дмитрий Кавказскийни ҳеч қўлга олганмисиз? Йўқ, олмагансиз! Олганингизда ўтмиш ватандош аждодларимизнинг кимлигини ёдда тутган бўлардингиз. Мана, 1884 йилда нималар ёзиб қолдирган ул машҳур сайёҳ: “Бу юртда маҳаллий аҳоли гарчи қашшоқ, почор яшаса-да, бағри кенг экан. Дўконларининг эшиги йўқ, оқшомлари оддий ип торғиб қўйилади. Одамлари ўта меҳмондўст, раҳмдил. Улар китобдорлик ва китобхонликни яхши кўришати...”

Қани, ўша ота-боболаримизнинг бағри кенглиги? Қайда қолди китобхонлик? Биламан, барчамиз иш деймиз. Рўзгор деб югураемиз. Турмуш учун керакли нарсамизни излаб, ҳар томонга кезинамиз. Кечқурун эса апил-тапил тамадди қилиб, телевизор қаршисида соатлаб ўтираемиз. Шу тариқа умр сувдай оқиб ўтаётир. Шу тариқа ўзимизча яшаб, дўстликни, меҳру оқибатни унутяпмиз. Фарзандларимиз ҳатто қавм-қариндошини билмай, меҳрсиз бўлиб ўсапти. Улар

онажонининг алласини, бувижонларининг эркалашларини эшитишмайди. Боғча бор-ку, ахир! Буважонлари етаклаб, уларга эртақлар сўйлаб беришмайди. Ҳа, шугақа, турмуш уринишлари, кўпинча эса ўзимизнинг лоқайдлигимиздан болажонларимиз мўрт бўлиб ўсишяпти.

Ҳой, биродарлар, келинлар, оқшомлари тез-тез тўпланайлик. Бедилхонлик қилайлик, Рудакийни қўлга олиб, Навоий сатрларини кўзга суртайлик. Пушкин ва Лермонтов, Ҳофиз ва Гёте, Фитрат ва Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Усмон Носир, Абдулла Орифу Эркин Воҳидлар даврамизга завқ-шавқ келтирсин. Ана шунда гийбату майда гапларга чек қўйилади. Ҳасадгўй ва хусуматчилар уз ёғларига қовурилиб юрадилар. Ана шунда орамизда қадр қиммат гуллайди, меҳру оқибат чашмаси тағин мусаффолашади.

1989 йил.

4. МУҒАННИЙГА ҚУТЛОВ СЎЗИ

Азиз биродарлар! Қадрдон ёшулдилар!

Кеча менга “сен ҳам Урганчга — буюк муғанний Мадраҳим Шерозий юбилейига борасан” деганларида, тўғриси, довдираб қолдим. Кун буйи хаёл домида юрдим. Мабодо менга ҳам сўзлаш навбати келадиган бўлса, гапни нимадан бошлаб, қай нуқтада тўхталишни такрор-такрор ўйладим. Ўзимча ҳазрати Ибн Синою буюк Беруний билан, Ал-Хоразмию Ал Фаробий билан, Паҳлавон Маҳмуду Турди Фароғий билан, Отаҳию Мужрим Обид билан, Мунис Хоразмию Толиб Толибий билан, Хожа Исматулло Бухорию Нишотий билан, Жалолиддин Мангубердию Маҳмуд Торобий ва яна неча-неча тилдошу дилдош қадимий Турон фарзандлари билан мулоқотда бўлдим.

Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозийда ниҳоятда ибратли бир гап бор: “Насиҳат ба подшоҳ бе он касми мусаллам аст, не умиди зар дорад, на бими сар” (Мазмуни: Подшоҳга насиҳат қилмоқлик, шундай одамга маъқулдирки, на подшоҳдан олтин умиди бўлсин, на бошининг кетишидан кўрқинчи).

Илло, ҳозиргина тилга олганим қадим Бухорою Хоразм тупроғида етишган бу алломаю адибларнинг, саркардаларнинг подшоҳ хазинасидан таъмалари йўқ эди ва улар подшоҳнинг бебок қиличидан ҳам кўрқмас эдилар. Зеро, ҳар қандай тузумда ҳам ҳақиқий санъаткор, ҳалол ижодкор халқ дардини ўз дарди деб билган, қисматига қисматини, тақдирига тақдирини улаган. Зеро, замонлар, давронлар неча марта эврилса ҳамки, бизга боқий ҳалол сўз ва ҳалол соз қолган!

Қадим Урганч қанча-қанча тўфонлар, қирғинларнинг аён гувоҳи!
Бухоро бошида ҳам аянчли тиглар қаттол қиличлар ўйнаган! Азал-
хусус, бу кўҳна Туркистон таланган, хўрланган, талютумлар, гир-
доблар домида қолган. Аммо минг шукурки, руҳлар абадий тирик.
Этиқодимиз тирик! Гарчи тилимиз тилинган бўлса-да, уни йўқот-
мадик — дилимиз тирик!

Минг шукурки, биз ўзлигимизга қайтаяпмиз. О. бу кунлар қан-
чалик оғир кечди. Аммо халқ бирлашса, яктану-якдил бўлса, тўсиқ-
лар, тўғонлар ҳеч гап эмас экан. Тилимизни авайлайлик, биродарла-
рим! Бу туркиёна тил — буюк боболаримизнинг тили. Бу тил —
Домла Ҳалим Ибодовнинг, Мулла Тўйчи ҳофиз, Ҳожи Абдулазиз,
Рўзимат Охун, Комилжон Отаниёзов, машҳур Ҳожихон ҳофиз ва
бугун таваллудининг 100 йиллиги нишонланаётган улуг санъаткор
Мадраҳим Ёқубов (Шерозий)нинг шакар тилидур!

Азизларим!

Мен ушбу минбардан туриб, дили ҳам пок, тили ҳам пок, улуг
аждодларимиз руҳини авайлаб келаётган, ҳар бир гишти менинг Бу-
хоромдай тарихлардан ҳикоя сўзловчи, ижодкор, бунёдкор Хоразм
халқига, шу табаррук заминга таъзим қиламан!

Мен ушбу минбардан туриб, Хоразмда маданият ва санъат риво-
жи учун курашган марҳум шоиру олимлар Эгам Раҳим, курслош
дўстим Юсуф Ражабов, ғоятда беназир адиб Рўзимат Отаев, бола-
жон шоир Дўстжон Матчонларнинг руҳлари олдида бош эгаман!

Бугун Мадраҳим Шерозий баҳона Хоразм юртини янада алқажим
келади. Бу юрт фан ва маданиятнинг, адабиёт ва санъатнинг бешиги
эди ва шундай бўлиб қолади. Мана шу бешикда кўз очиб, айни
пайтда ўзбек адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшаётган Омон
Матжон, Эркин Самандар, Раҳим Бекниёз, Ошиқ Эркин, Курон-
бой Матризоев, истеъдодли шоир укам Матназар Абдулҳаким, қадим
Саид Мурод, Бибисораю Уллибибилар ва яна кўплаб ижодкор дўстла-
рим борки, уларнинг қўлларини бир-бир қисиб, бағримга босганча:
“Ҳорманг, ёшуллилар, илҳом ҳамиша ёр булсин сизларга”, дегим
келади.

Дўстларим! Сизлар бугун ғоятда савобли иш қилияписизлар. Ўзбе-
кистон халқ артисти Мадраҳим Шерозийнинг бугунги юбилейи на-
фақат хоразмликларнинг, балки бутун республикадаги санъатсевар-
ларнинг ҳам байрамидир. Мана шу байрам билан сизларни бутун
Бухоро халқи номидан астойдил қутлашга руҳсат бергайсизлар!

1990 йил, 7 сентябрь.

5. КЎЗИ ТИЙРАН, СЎЗИ ТЕРАН АЛЛОМА

(Профессор Охунжон Сафаров портретига чизгилар)

.. Ҳали-ҳали эсимда: 1961 йилнинг ёз фасли эди. Самарқанд давлат университети 2 курсини тугатиб, таъғилга чиқишга ҳозирланардик. Ўқув китобларини топширгани адабиёт кабинетига кирсам, академик Воҳид Абдуллаев бир гуруҳ олим шогирдлари даврасида яйраб-яшнаб, Бухоро сафари хотираларини сўзлаётган эканлар. Ўшанда устозимиз Бухоро педагогика институтига давлат имтиҳони комиссияси раиси бўлиб жўнаганларидан хабаримиз бор эди. Суҳбатга ҳалақиг бердимми дегандай, ийманиб турган эдим, домланинг ўзлари:

— Кир, киравер, гулпор (у киши яҳши курган шогирдларини шундай деб атардилар), сен ҳам эшитганинг маъқул бу гапни, — дея яна суҳбатда шўнгиб кетдилар, — биласизлар, бултур Бухорога борганимда Тожи Қорасвни кашф этиб келган эдим. У яқинда аспирантурага киради. Бу гал яна бир тулпорни куз остимга олиб қайтдим. Охунжон Сафаров экан исми шарифи. Мен айтсам, бу боланинг кўзларидан ўт чақнайди-я! Турган-битгани илму эҳтирос. Сўзлаганда жўшиб-тошиб кетади. Халқ оғзаки ижодидан бир олам материал туплаган экан. Афсуски, Бухорода унинг қадрига етадиган олим кам. Уни аспирантурамизга таклиф этиб келдим. Бу болани, албатта, тарбиялашимиз керак. Ундан келажакда етук олим чиқади.

Кейин домла мен томонга ўгирилди:

— Балки сен уни танирсан. Тумандошинг экан, Шофиркондан. Болаларга бағишлаб шеърлар ҳам ёзиб туради.

Мен танимаслигимни айтдим.

— Унда, албатта, танишгин. Жуда оқил ва оқибатли йиғит.

Улуғ устозимизнинг сўзларини маъқуллаб, ташқарига чиқиб кетдим. Тақдир бизни орадан икки йил ўтгач — Охунжон ака Самарқандда ҳарбий хизматни ўтаб юрган кезлари юзма-юз этди. Ётоқхонамиздаги дастлабки учрашувданоқ уни Воҳид Абдуллаевдай машҳур академик бекорга мақтамаганига, илм йўлида безовта, куюнчак эканига астойдил иқрор бўлган эдим. Ўшандан бери қанча сувлар оқиб утди. Ижолкорлик дәрди орамиздаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини тобора мустаҳкамлади.

Бугун 50 баҳор остонасида турган азиз биродаримнинг умр йулига назар солсам, ҳаёти бесамар утмаганига, унинг эл курса, қувонса арзийдиган, кўз нури, қалб шуури сингган салмоқли адабий хирмон пойдор этганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Келинг, ҳурматли китобхон, сизни ҳам шу ранго-ранг илм ва ижод хиебонига бошлаб кирай. Биласиз, Охунжон Сафаров болалар адабиётининг катта билимдони. Буни республикамизнинг қатор машҳур олимлари эътироф этишган. Юртдош, таниқли олимларимиздан бири, профессор Раҳимжон Воҳидов “Мен Охунжон акани халқ донишмандлик хазинасининг Бухородаги хушер хазинабони дейишдан истиҳола қилмайман” деганида ҳам тамомила ҳақ. Негаки, бунга Охунжон Сафаровнинг қарийб 20 йиллик шу соҳадаги самарали, заргарона меҳнатлари яққол далил...

Энг аввало, Охунжон аканинг ўзига хос олимлик қиёфаси борлигини алоҳида таъкилламоқ лозим. У баъзи бировларга ўхшаб илмнинг турли соҳаларига кўр-кўрона бош урган эмас. Ҳали талабалигидаёқ борлигини банд этган болалар адабиётининг кашф этилмаган томонлари Самарқанд университети аспирантурасида таҳсил кўриб юрган кезларида ҳам унинг тадқиқот мавзусига айланди. Еш олим 1971 йилда чуқур илмий кузатишлари ҳосиласи сифатида “Шукур Саъдулла — болалар адаби” мавзусида муваффақиятли диссертация ёқлади. Филология фанлари номзоли бўлиб, яна қадрдон олийгоҳи бағрига қайтди. Энди у бу даргоҳда ўзбек адабиёти, болалар адабиёти, халқ оғзаки ижоди ҳамда ифодали ўқини курсларидан матруза ва амалий манг улотлари ўтказиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол қатнаша бошладди. Бир неча йил лавомида олийгоҳ кўн аладли “Илғор фан учун” газетаси муҳаррири, 1977 — 1979 йилларда эса мусиқа-педагогика факультети декани вазибаларида ишлади. 1988 йилдан эъгиборан эса, ўзбек адабиёти кафедрасини бошқариб келмоқда.

Энг муҳими, у жамоатчилик ишларини қизгин илмий-ижодий фаолият билан қўшиб олиб бораётир. Мага шундай фидоийлик гуфайли олимнинг “Болалик куйчиси” (1978), “Ўзбек болалар поэтик фольклори” (1985), “Болаларни эркаловчи ўзбек халқ қушиқлари” (1983) сингари монографиялари босилиб чиқди. У республика педагогика институтлари бошланғич таълим усулуоби факультетлари талабаларига мўлжаллаб, 1976 йилда нашр этилган “Ўзбек болалар адабиёти” дарслик-хрестоматияси муаллифларидан бири бўлди.

Истеъодли олим фаолиятида болалар фольклорини тўплаш, тадқиқи ва нашр этиш алоҳида салмоққа эга. Шундай излашлари туфайли ўзбек фольклоршунослиги тарихида илк марта болалар халқ қушиқларининг йирик нашри амалга оширилди. “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” сериясида 1984 йилда босилиб чиқан “Бойчечак” тўпламининг салкам ўн беш йиллик байрати ва ташаббуси маҳсули сифатида майдонга келди

Мажмуанинг афзаллиги шундаки, унда ўзбек болалар кўшиқ фольклорининг йиғирмадан зиёд жанри намуналари жамланган. Булардан ташқари, унинг ўзбек болалар адабиёти, фольклори масалаларига оид етмишга яқин мақоласи турли илмий тўпламларда, “Детская литература”, “Шарқ юлдузи”, “Ўзбек тили ва адабиёти” сингари кўплаб журналларда босилиб чиққан. Шунингдек, республика ва вилоят газеталари саҳифаларида чоп этилган мақолалари икки юздан ортиқроқ бўлиб, адабиёт ва санъатнинг хилма-хил мавзуларига бағишлангандир.

Охунжон Сафаров 1986 йилнинг 30 июнида Ўзбекистон Фаоллар академияси Тил ва адабиёт институти илмий кенгашида “Ўзбек болалар халқ кўшиқларининг жанрий таркиби ва бадиияти” мавзуида филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. Узоқ йиллар давомида олиб борилган изтиробли изланишлар, чуқур илмий мушоҳада ва мулоҳазалар тажассумини топган бу ишни Олий Аттестация комиссияси 1987 йилнинг 20 февралда яқдил тасдиқлади. Айтмиш мумкинки, бу юксак тадқиқот унга фольклоршунос олим сифатида шуҳрат келтирди. Жумладан, О.Сафаров диссертациясидан гоята таъсирланган қозоғистонлик машҳур адабиётшунос, профессор Раҳмонқул Бердибоев “Охунжоннинг тадқиқоти жуда зарур ва ўз вақтида ёзилган иш. Аслида мазкур докторлик диссертацияси иттифоқда яшаётган туркий халқларнинг болалар фольклори масалаларига бағишланган биринчи йирик тадқиқотдир” деса, қорақалпоғистонлик фольклоршунос олим, профессор Қ.Мақсетов “О.Сафаров томонидан болалар фольклорининг йиғирма жанри ишланган — бу кақиёт! Жанр ва унинг асосли тасниф этилиши — бу назария” дея ўз иқдорини ҳаяжон билан ифода этган эди. Шунингдек, бу илмий ишга расмий ҳакамлик қилган Москвадаги жаҳон адабиёти олийгоҳи профессори В.М.Гацак, таниқли фольклоршунос олим Тўра Мирзаев ва бошқа унлаб олимлар ҳам дил изҳорларини ифода этган эдилар.

Истеъдодли олим ўз ҳаётини илмий ва ижодий изланишларсиз тасаввур этолмади. Баъзи олимларга ўхшаб, “кўзлаган чўққини забт этолдим, шу ёғи ҳам старли” дея талтайиш ва хотиржамликни ордеб билди. Бунга кейинги йиллардаги жўшқин фаолияти ҳам яққол мисолдир. Жумладан, О.Сафаров ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор бўлими бир гуруҳ олимлари билан ҳамкорликда ўзбек фольклоршунослигининг илк улкан тарихи уч томлик “Ўзбек фольклори очерклари” (1988 — 1990)ни, шунингдек, ўзбек адабиёти бўлими ходимлари билан ҳамкорликда “Ўзбек болалар адабиёти ва адабий

жараён” (1989) тадқиқотини яратишда қатнашди. Совет даврида Бухородаги адабий ҳаракат тарихини урганди. “Адабий Бухоро” (1989) рисоласини эълон қилди. Утган йилнинг урталарида эса, унинг ҳаммуаллифлигида жумҳурият университетлари ва педагогика олийгоҳлари узбек филологияси факультетлари талабалари учун “Ўзбек халқ поэтик ижоди” дарслиги босилиб чиқди. Айни чоқда у Бухоро вилоятидаги халқ оғзаки ижоди намуналарини туплаш ва нашрга тайёрлашдек хайрли иш билан қизгин банд.

О.Сафаровнинг умр пиллапояларида эришган ютуқлари фақат шулардангина иборат эмас. У Республика Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмаларининг аъзоси. Уни кенг жамоатчилик шоир ва журналист, эҳтиросли публицист ёзувчи сифатида ҳам яхши билинади. Қадриятларимизни улуғлаш, ўтмиш маданий меросини кўз қорачиғидай асраш, Сталин қатағонига учраган юртдош ижодкорларнинг табаррук номларини пок этиш, ҳақиқат учун курашиш аллома-ёзувчимиз манзумаларининг бош мавзуси ҳисобланади. Ана шу жиҳатдан унинг жамоатчилик асосида Бухоро шаҳар кўмитаси ҳузуридаги тарихий атамалар кенгаши раиси бўлиб ишлаётгани ҳам бежиз эмас, албатта. Булардан ташқари, О.Сафаровнинг Бухоро вилоят бошқаруви тил кенгаши, шунингдек, Ўзбекистон маданият вазирлиги ҳузуридаги фольклор этнографик координацион-методик кенгаши аъзоси сифатида халқ миллий анаъаналарини ўрганиш ва ташвиқ этишдаги фаолияти ҳам ғоятда ибратлидир. Шуларга кура, уни стук жамоат арбоби дейишга гула асос бор.

Улуғ одамларнинг башорати ҳамиша улуғ келади дейишади. Бундан ўттиз йилча олдин пири комил устозимиз, академик Воҳид Абдуллаев эътиборига тушган ва унинг адабий мактабида таҳсил курган Охунжон Сафаров, домла айтганидай, таниқли ижодкор аллома бўлиб етишди. У бугун эллигинчи баҳорини қаршиляпти. Бу қутлуғ ёш билан уни ижодкор дўстлари, шогирд-аспирантлари, олийгоҳ олиму талабалари, кенг жамоатчилик қутляпти. Биз ҳам ғоятда камтарин ва самимий инсон, кўзи тийрак, сўзи теран ижодкор дўстимизни чин дилдан табриклаб, унга узоқ умр, юксак ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

1990 йил 17 февраль.

6. ИЖОДКОР БАХТИ

Агар ижодкор бўлиш кишига тукис бахт, битмас-туганмас қувонч ва фаровонлик бағишлаганида, шубҳасиз, ҳамма қоғоз ва қаламга ёпишган бўларди. Шу сабабдан бўлса керак, ижодкор бўламан деганларнинг аксари дастлабки машаққатларга дуч келгандаёқ адабиёт билан хайр-хўшни насия қилиб, бошқа бир юмушнинг бошини тутадилар. Русиянинг машҳур куйчиси Сергей Есенин шоирлик ҳақида сўз юритиб, шеър эзиш:

Пичоқ уриб нозик таниннга,
Ўзгаларга бахш этмоқ лаззат —

деганида нақадар ҳақ эди. Бугун эллик ешга қадам қуйган ҳамшаҳримиз, шоир ва носир Омон Мухтор ҳам чорак асрки, ижод машаққатини чекиб, адабиёт мухлисларига чин маънода лаззат бағишлаб келмоқда.

Омон Мухтор Бухоро шаҳридаги Охунбобоев номли ўрта мактабни битириб, вилоят босмахонасига оддий ишчи бўлиб кирган кезларидаёқ илк машқлари билан адабий муҳитда номи тилга тушди. Кейин Тошкент давлат дорилфунуни булғуси адиб учун чинакам ҳаёт мактаби бўлди. Дорилфунунини тугатгач, орадан икки йил ўтартмас нашр этилган дастлабки шеърый китоби — “Чорлар қуёшли йўллар” унинг адабиётга катта ихлос билан кириб келганлигини тасдиқлайди. Шунга ҳам оз эмас, нақ чорак аср бўлибди. Адиб ана шу қуёшли йўллардан юриб, йигирмадан ортиқ китоб нашр эттирди.

Омон Мухтор созининг, овозининг икки ажиб пардаси бор, десак муболага булмайди. Бири назм бўлса, бири насрдир. У қалбига сиғмаган туйғулар ва ҳайратларни шеърда ифода этолмаган чоғларида насрда баён этишга, насрда айтолмаган гапларини эса тиниқ ва ёниқ шеърый сатрларда куйлашга муваффақ бўлган истеъдод соҳибидир. Омон ака буни шундай изоҳлашга ҳаракат қилади: “...назмдан кўпроқ насрий китобларим босилганига қарамай, шеърга нисбатан ҳеч қачон кўнглим совигани йўқ, ҳар гал соғиниб, янгидан унга мурожаат қилдим”. “Марварид”, “Ёғду”, “Оҳанг”, “Шиддат” сингари шеърый тўпламлар шоир эътирофининг исботидир. Ҳали, шоирлик жўн юмуш бўлса, ҳамма қоғоз қоралашга тушарди, деб бежиз айтмадик. Гап бу ерда сўз масъулияти ҳақида бораётир. Омон Мухтор қалбининг туб-тубларидан қайнаб чиқаётган туйғулар селини қоғоз-

га тушириш учун қўлига қалам олар экан, аввало, ана шу масъулиятни ҳис қилади ва буни бир шеърда “юрагингда дардинг бўлса, осон экан шоирлик”, — дея алоҳида таъкидлайди.

Омон Мухтор ижодкор сифатида, Сафар Барносев таъбири билан айтсак, “Тошкенти азимга келиб ранги-рўйи очилганлардан”. Пойтахтда қўним топиб, устозлар, истеъдодли тенгқурлари даврасида адабиётда ўз ўрни. ўз овозини топиб кетди. Ижоднинг эса хушвақт ва маҳзун лаҳзалари, юлдузли ва омадсиз онлари бўлади. Лекин Бухоро, унинг содда ва зукко кишилари шоир шеърларида ҳаммиша макон топиб келдилар. Бухорога ҳар йили қанчадан-қанча сўз усталари келиб кетишади. Уларнинг ҳаммаси Бухородан мавзу топиб кетолмайдилар. Омон Мухтор шеърларининг аксариятидан эса қадимий Бухоронинг қадрдон нафаси келиб туради. Шеърларини ўқир эканмиз, ўтмиш ва бугуннинг мужассами бўлган шахримизнинг бетакрор манзаралари куз олдимизда намоеён бўлади. У қаерда бўлмасин, руҳий озиқни киндик қоли тукилган. болаликдан шеърга ошно этган она Бухородан олади:

Эски чопон кийган оламдек худди,
Эски бу ҳошилар қисиниб,
Бир-бирининг пинжига кирган.
Бирдан титраб кетар менинг вужудим,
Туйиб кечаги кун исини,
Қайтган каби ўтмишга бирдан...

Омон ака пойтахтда яшаркан. Бухоро билан фақат руҳан эмас, балки жисмонан ҳам яқинлик ришталарини асло узган эмас. Бу яқинликда расмийчиликдан кура, шахсийлик, ихтиёрийлик устунроқ. Унинг Бухорога келиб-кетишларига кўп ҳолларда Лаби ҳовуз, “бир-бирининг пинжига кирган ҳовилар” оралаб ўтган пасткўчалар, савлат тўкиб турган мадрасалар, ўзи яшаган маҳалланинг чол-кампирилари, хеш-таборлари гувоҳ бўлади.

Истак бўлса, юракда ижод дардининг ҳовури тушмаса, ижодкорлик бурчи ҳам бир четда қолиб кетмас экан. У уз мухлисларини “Йиллар шамоли” ва “Эгилган бош” романлари билан хушнуд этди. Бу катта ишлари орасида энг хайрлиси, угюр ак шоир, филоли ватанпарвар Султон Жўра ҳақида ҳикоя қилувчи “Учқур поездлар” қиссаси булди. Бу асарни яратиш асносида не машаққатлар чекқани биргина ўзига аён. Аммо адибимизнинг бу беминнат хизмати туфайли жасур шоир Сулгон Жўранинг порлоқ сиймоси бадиий бўёқларда ўзининг мукамал ифодасини топди. Бу ижодкор ҳолиселиги ва ҳалоллигининг белгисидир.

Биз ҳамюртимизни моҳир ҳикоянавис сифатида ҳам яхши таний-

миз. У яратган қатор ҳикояларнинг қаҳрамонлари Бухоронинг утмиш-даги ва бугунги кишиларидир.

Ҳофизлар унинг оҳанрабо шеърятини куйга солиб, элга манзур этмоқдалар. Бир ижодкор учун бундан ортиқ бахт булмаса керак.

Омон Мухтор ижод билан бир вақтда турли муассасаларда меҳнат қилиб келаётган адибдир. Бир неча йил “Тонг юлдузи” газетасида, республика телевидение ва радиоэшиттиришлар давлат қўмитасида, “Ўзбектелефильм” киностудиясида фаолият кўрсатди. Айни пайтда эса “Шарқ юлдузи” журнали муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаётир. Унинг меҳнати ҳукуматга, элга манзур бўлган эканки, адиб “Ўзбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби” деган шарафли унвонга сазовор бўлди. “Эгилган бош” романи учун жумҳурият Ёзувчилар уюшмаси адибни Ойбек номидаги мукофот билан тақдирлади.

Ижодкорликни ўзига қисмат деб билган Омон Мухтор 50 елга тўлди. “Кўёш чорлаган йуллар” дан юриб, умрининг эллигинчи баҳорига етиб келган адибга ўтган йулларига назар ташлаш учун берилган бир лаҳза имкон бу. Олдинда эса ҳали ёзилажак китобларнинг меҳнати, машаққати, бедор, беором тунлари унга илҳақ турибди. Демак, ҳали йўл олис. Истагимиз — бу йўл нурларга тўлик бўлсин.

1991 йил, сентябрь.

7. МУСТАҚИЛЛИК ҲАҚИДА БАДИА

(Вилоят фаоллари йиғинида сўзланган нутқ).

Ҳурматли юртдошлар!

Халқимизда қадимдан қолган ибратли бир нақл бор: эмишким, кўзлари ожиз бир чол ярим тунда чироқ кўтариб, қаёққадир кетаётган экан. Унга юзма-юз келган бир бадмаст киши чайқалиб-чайқалиб, чолни тўхтатибди.

— Ҳа, бобой, — дебди бадмаст масхараомуз. — Ўзинг-ку ожизсан. Қоронғуда юрдинг нима-ю, ёруғда юрдинг нима? Чироқ кўтариб олганингнинг боиси не?

— Ожизлигимдан тонмайман, — дебди чол, — лекин сенга ўхшаган кўзи очиқ кўрлар мени туртиб-тепиб, оёқ ости қилиб кетмасин деб чироқ кўтариб олганман-да...

Қиссадан ҳисса шулким, гарчи биз жисмонан ожиз бўлмасак-да, маънавий ожизлар эдик. Бизни неча йиллар давомида не-не бадмаст-

лар, ноинсофлар, кўзи очигу қалби юмуқ кимсалар оёқ ости қилиб келишди бизни. Қадримиз, гуруримиз, эркимизни поймол этишди. Озодлик, мустақиллик чироғи ёнсин деганларни “босмачи” дея қиргин-барот қилишди. “Бизда бою камбағал бўлмайди” деган ниқоб остида битта ориқ ҳўкизию от-араваси бўлган минг-минглаб ўртаҳол деҳқонларни “қулоқ, унсур” дея сургунга маҳкум этишди. “Юртим, она-халқим!” деган юзлаб зиёлиларга миллатчи, туркпараст, исломпараст деган тамғалар босиб, умрларини турмаларда чиритишди, қатағонлар этишди. Айтишларича, қонхўрлар 1938 йил 4 октябрда буюк юртдошимиз Абдурауф Фитратни манглайдан отиб ташлаганларида унинг чангалидан “Халқим, сени мустақил кўрган куним қабримдан бош кўтараман!” деган ёзув чиққан экан...

Азизлар, бугун Фитрат домланинг барҳаёт руҳи мана шу кошонада шод кезиб юрган бўлса, ажаб эмас...

О, Мустақиллик! Сен шу қадар ардоқли сўзсанки, жонимиз-жаҳонимиз, имонимизни сенга тиккан эдик!

О, Мустақиллик! Сен буюк Абдулла Қодирийнинг бўғзида тиқилиб қолган армон эдинг!

О, Мустақиллик! Сен Чўлпоннинг, Усмон Носирнинг дийдаларида қотиб қолган қатрагина қуёш эдинг!

О, Мустақиллик! Сен алданган Файзулла Хўжанинг, ўз юртига сизмай, хориждан паноҳ топиб, халқининг озодлигини умр бўйи кутган ва бу дунёдан армон билан ўтган Усмон Хўжанинг, улуғ бобомиз Амир Темур шаънини тиклаб, ўзи маломатларга дучор бўлган Иброҳим Мўминнинг, не-не хўжалару орифларнинг орзу ва аъмоли эдинг.

О, Мустақиллик! Сен Ойбек домланинг, Миртемирнинг, Шайхзоданинг ўтли мисраларида яширин тимсоллар орқали тараннум этилган раъзаи жон эдинг. Сени кушод айтиш, баралла қўйлаш қийин эди. Жуда душвор эди. Мустақиллик! Сен менинг азиз жигарбандим, бутун асарларида ўзбек халқининг эркини ҳассослик билан қаламга олган, ўттиз бир ёшида фожиали ҳалок бўлган истеъдодли ёзувчи Илҳом Ҳасаннинг дунёдан очиқ кетган кўзларида мангу порлаб қолган нури ҳидоят эдинг. Мустақиллик! Ҳа, бу бахтли кунларга етиб келолмаганлар қанчадан-қанча. Минг шукурки, шу қутлуғ кунларга биз эришдик, болаларимиз эришди.

Мен Мустақиллик таърифиги балки ошириб-тоширгандирман. Негаки, ўн кундан бери ҳаяжондаман, ҳаёллар оғушидаман. Хўш, Мустақиллик-ку, эълон қилинди. Бу ёғи нима булади? Ишни нимадан бошлаш керак? Қийналиб қолмаймизми? Ўйлаб-ўйлаб, саволларимга жавоб излайман. Энг муҳими, биз энди оламаро ўз урни-мизни, қадр-қимматимизни қидирамиз, уни топишга ҳаракат қила-

миз. Имоним комилки, бизни энди давлатлар, мамлакатлар танийди, халқ сифагида тан олади. Дунёнинг эшиклари ланг очилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига Ўзбекистон ҳам аъзо бўлади. Муқаддас байрогимиз ҳилпирайди. Унинг теварак столи атрофида дўппи кийган ўзбек ҳам ўтиради. Шу пайтгача халқимиз ўзи етиштирган бойликка ўзи эга эмас эди. Энди жаҳон бозорига шу бойликка ўзи нарх қўйиб, ўзи сотади. Олтинубошқа дафиналарнинг эгаси ўзимиз бўламиз. Талон-тарожнинг йўли бекилади. Ўз хазинасига ўзи хазинабонлик қилмаган халқнинг келажаги йўқ, ахир! Буни унутмайлик. Тўғри йўлга тушиб олишимиз осон кечмайди. Мустақиллигимизга гараз кўзи билан қаровчилар, туҳматчилар учраши турган гап. Бизнинг энди аввалгидай бировлардан саховат кутиб ўтиришимиз жоиз эмас. Олий кенгашимиз тасдиқланган Мустақиллигимизни ҳар қандай ҳужумлардан, гаразгўйлардан, шахсий манфаат кўзловчи рижкорлардан ҳимоя қилишимиз керак. Мамлакат тақдири ҳал бўлаётган пайтда бир-биридан иллат қидиришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Халқ депутатлари саналган биродарларимиз ақл-идрок билан, тафаккур билан ишлашлари лозим.

Шуни унутмайликки, мустақил мамлакатимизда бошқа миллат вакиллари билан дўст ва иноқликда яшаш бош ширимиз бўлмоғи лозим.

Ҳазрат Навоий айтганларидек:

Олам аҳли, билингки, иш эмас душманлиғ,
Ёр булинг бир-бирингизга, ки эрур ёрлиғ иш...

Ўзбекистон ёзувчиларининг яқинда қабул қилган мурожаатномасида шундай дейилади:

“Азиз ватандошлар! Мустақиллик зиммамизга юксак масъулият, катта вазифалар юклашини унутмаслигимиз керак. Оқилона иш тутиш, кенг фикрлаш, сидқидилдан меҳнат қилиш, тинчлик ва осойишталик учун курашиш бугунги иқтисодий танглик шароитида, айниқса муҳимдир. Шунинг учун ҳам барча меҳнатчиларни, маданият ва санъат арбобларини мустақил давлат бахту саодати йўлида яқдил бўлишга чақирамиз. Ва ишонамизки, шарқона оқиллик ва донолик бугун ҳар биримизга узоқни кўриб, тадбиркорона иш тутишда йўлдош бўлади”.

Ҳа. азиз ўртоқлар, жонажон Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини асраш ва ҳимоя қилиш барчамизнинг виждон бурчимиздир!

1991 йил 10 сентябрь.

8. МИНГ ЁШЛИ ҲАКИМНИ СЕВГАН АЁЛ...

Ҳаётда баъзан ақл бовар қилмайдиган воқеа-ҳодисалар содир бўлади. Уни изоҳлаш ҳам ғоятда мушкул.

Айтишларича, ҳазрат Ибн Сино вафотлари олдидан ҳазиллашиб, “орадан минг йил ўтгандан сўнг менн ўз миллатимга мансуб бўлмаган бир аёл севиб қолади” деб айтган экан...

Буюк одамларнинг ҳазили ҳам башоратга айланаркан. Буни қарангки, ҳазрат Ибн Синонинг умр йўлини ўрганган, унинг одамзодга қайта ҳаёт бахш этишдек олижаноб инни мукамал адо этган, тиббиёт фанини ғоят юксакларга кўтарганини англаган бир аёл уни ғойибдан севиб қолади. Оромн йўқолади ўша аёлнинг. Турса ҳам, юрса ҳам, уйда ҳам, ишхонасида ҳам фақат унинг хаёли билан яшайди. Висолига етиш учун табаррук руҳларга мурожаат этади. Ниҳоят, чора тополмагач, сўнгги йўлни танлайди. У оиласи, уй-жойини ташлаб, ҳазратнинг она-юрти Бухорога келади. Кўкалдош мадрасасининг торгина бир ҳужрасини ижарага олади. Қарийб икки йилча шу ерда яшайди. Иқтисоддан қийналганда фаррошлик ҳам қилади. Лекин узини ҳеч кимга таништирмайди. Ибн Синони севиб қолгани, уни айнан излаб келганини ошкор этмайди. У тунларни икки йил бедорликда ўтказди. Тиним билмай ишлайди. Ниҳоят, Ибн Синони топади. Узини унинг севиб қолган маъшуқаси сифатида ҳис этади. Бу аёл — Ҳазрати Ибн Сино ҳақида ҳам драма, ҳам роман ёзган грузиялик ёзувчи Лидия Солдадзе эди.

Солдадзенинг чинакам ошиқлик ҳолатидан огоҳ бўлганимиздан сўнг ҳайратга тушдик. Шахсан унинг билан суҳбатда бўлдик.

— Ҳазрат Ибн Синога ошиқ бўлиб, Бухорога келганингиз ростми? — деб сўрадим ҳазиллашиб, суҳбат давомида.

— Рост! — деди Лидияхоним. — Айтинг-чи, бутун умрини инсониятга бағишлаган, дарбаларликда, хору зорликда яшаса-да, уз маслагидан қайтмаган, кўзи пок, қўли пок, қалби пок фидойи инсонни севмай бўларканми? Бундайларнинг руҳи ҳаминша тирик ва уйғоқ бўлади. Мен бу руҳ билан деярли ҳар куни суҳбатлар кураман...

Бутун вужудим жимирлаб кетди бу сўзлардан. Қаранг, фидойи ошиқликни! Минг ёшли Ибн Сино қайда-ю, қирқ ёшли гўзал аёл Солдадзе қайда? Муҳаббат ёш ҳам, миллат ҳам танламайди деганлари шу бўлса керак-да!

Бу ерда бир сир бор. Грузиялик ғоятда назокатли ёзувчи аёл Лидияхонимга ҳазратнинг ҳали ёшлнқиданоқ буюк бир нияти — оламлар

дардига малҳам қўя олишдек заҳматли бир касбни қўнглига жо этганлиги, ўлимни чекинтиришдек шижоатга ўзини тамоман бахш этганлиги, ҳалоллиги, фидойилиги, ростгўйлиги, беморга меҳрибонлиги, художўйлиги, алаҳхусус, Қуръони Каримни ёд билганлиги, қомус ул-аъламлиги, допишманлиги, даҳолиги маъқул тушиб, уни юрак-юрақдан севиб қолганлиги чин ҳақиқат! Айтинлар-чи, муҳтарам ҳошимлар, шундай буюк инсонни, буюк ҳақимни севмай бўлармикан? Агар ҳозир ҳам шундай ҳақимлар топилгудай бўлса, уни бир эмас, ўн эмас, юзлаб аёллар севса, муҳаббат қўйса, адашмаган бўлади.

Биз Ибн Синонинг ворисларимиз. Шундай улуғ инсонни башарият а етиштириб берган Бухоройи шарифнинг фарзандларимиз. Шифокор халқини ҳазрат Ибн Сино қалб меъморлари деб атаган. Очиқ айтиш керак: Ҳозир халқимизга ҳар қачонгидан кўра меҳрибонлик, ғамхўрлик зарур. Халқимиз собиқ тузум даврида кўп заҳару заққум ютиб яшади. Энди кўзимиз очияпти. Халқимиз дардига бош ҳақим — Мустақиллик шифо беришга ўтди. Ҳақимларимиз, ҳамшираларимиз бу муҳим ишни энди бошқачасига давом эттиришлари керак. Шарқона одоб, шарқона муомала, шарқона муолажани кенг йўлга қўйиш шифокорларимизнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаларидан биридир.

1992 йил.

9. ЧАШМАДАЙ ШАФФОФ ЭДИ...

... Оғир, жуда оғир Илҳомжон ҳақида ёзиш.

Бошим зил, идроким пароканда, хаёлларим тўзгин-тўзгин бўлиб кетади уни эслаганимда. Шундоққина китоб жавонларим устида унинг ўйчан, табассум билан боқиб турган зарҳал рамкали сурати туради. У билан ҳар тонг, ҳар оқшом ғойибона, юракдан суҳбатлашаман...

Ҳаёт шу қадар шафқатсиз эканки, ўша мудҳиш қаро куннинг содир бўлганига ҳам бир йил тўлибди.

Илҳомжон эрта кетди, ниҳоятда эрта кетди орамиздан. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмай, не-не тиниқ орзуларининг шарбатидан ичолмай, бизни армонларда қолдириб кетди... Худди Бухорони тарк этган оппоқ лайлаклардай оппоқ руҳга айланиб кетди... Оғир, жуда оғир бу ҳақда сўзлаш... Ҳозир ҳам қўлларим қалтираб-қалтираб, кўзда ёшим билан битаётирман ушбу сатрларимни...

Илҳом Ҳасан менинг жигарбандим эди. Зеро, унинг ҳақдаги одил сўзни ҳам бир ижодкор, ҳам амакиси сифатида айтмоқ менинг инсонийлик бурчимдир. Илҳомжон гоётада иқтидорли, меҳнаткаш, ижод машаққати, заҳматларидан қочмайдиган фидойи йигит эди. У акамиз, таниқли ёзувчи Аҳал Ҳасанов оиласида туғилиб усди. Унинг онаси — Шоҳиста янгамиз узбек ва тожик адабиётининг йирик намояндаси Садриддин Айний авлодига бориб туташади. Шундан бўлса керак, илмга ташналик, туғма ижодий салоҳият Илҳомда ҳали ўқувчилик йилларидаёқ шакллана бошлаган эди. Илҳомжон ўрта мактабни олтинчи медал билан, Самарқанд Давлат университетини эса имтиёзли диплом билан тугатди. Йигирма етти ёшида филология фанлари номзоди булди. У илм билан бадиий ижодни қўш қанот билар эди.

Илҳомжон Шофирконни, туғилган она қишлоғи — Денапни, камсуқум, заҳматкаш одамларни яхши кўрарди. Ҳар гал қишлоққа келганида қадим Вардонзе қалъаси, Чилдухтарон кенгликлари, Жилвон чўллари кезарди. Оддий чўпонлар, сувчилар, дунё кўрган кекса отахонлар, онахонлар даврасида бўларди. Уларнинг саргузаштлари, суҳбатларини соатлаб тингларди. Кейин уйга қайтгач, тонггача унинг хонасида чироқ ўчмасди. Ёзарди, чизарди, ҳикоялари, қиссаларининг режалари, хомаки нусхаларини қоғозга туширарди. Ҳали-ҳали эсимда. Бир гал у менга:

— Биласизми, акажон, бугун излаганимни топдим. — деди ўта мамнунлик билан. — Вардонзедан, қалъанинг нақ устидан топдим...

— Нимани топдинг? — сўрадим ажабланиб.

— “Ялпиз”нинг якунини... Ҳа, айтгандай кечирасиз. Сизга айтмовдим. Яқинда “Олам тўла ялпиз” деган қисса ёздим. Хулосаси ёқмай турувди. Бугун атайлаб Вардонзегга бордим. Қари дўланани кўрган-сиз-а? Худога шукур, ўша билан суҳбатлашаётганимизда... бирдан туғилди якуни...

Унинг кўзларидаги қувончни кўриб, ҳайратга тушдим. Бағримга босиб самимий табрикладим. Кейин, иккинчи куни қиссани менга берди. Бир ўтиришда, бош кўтармай ўқиб чиқдим. Шоирона ҳассослик билан ёзилган эди бу асар. Образлар талқини, воқеалар, ҳар бир сўз кўшиқдай янграрди унда.

Илҳомжон мана шундай яратарди асарларини, у лоқайдликни, худбинлигу худписандликни, нодонлигу жоҳилликни сира-сира ёқтирмасди. Пахта дея сариққа чалинган болакай ўқувчилар, уззукун далада меҳнат қилиб, косаси оқармай яппаётган колхозчилар, пестицидлар, дефоляция туфайли она-табиатнинг ҳалок бўлаётганлиги, почор турмуш туфайли ўзига ўт қўяётган қиз-жувонлар фо-

жиаси Илҳомжон қалбининг оғриқлари эди. У баъзида турмушнинг мана шундай азоб-уқубатларини кўриб, оғриниб-ўртаниб қайтиб кетарди Самарқандга. Бироз фурсатдан сўнг бу воқеалар унинг асарларига кўчарди. Бугунги Истиқлол унинг орзу-армони эди...

Билмадим, Илҳомжон ухлаб, дам олардими ёки йўқми, менга қоронғу. Ҳар қалай, у шошилиб яшаётгандай туюларди менга. Шошилиб ишларди, ҳар дақиқа вақтни азиз билиб, шошилинич ёзарди. Асарларига такрор-такрор сайқал беришдан эринмасди. Сўнгра, туркум-туркум ҳикоялари, қиссалари, илмий мақолалари бирин-кетин босилиб чиқарди ойномаю рўзномалар саҳифаларида...

Кези келди, айтайин: Илҳомжон ғоятда дилкаш дўст, хушсухан потиқ, шеърни қойилмақом айтувчи санъаткор, устозларига садоқатли шогирд, ўзи доцент бўлиб дарс берадиган шогирдларига талабчан устоз, турмуш ўртоғига суюкли ёр, Беҳзоджон, Бобуржон, Меҳрангизларга ғамхўр ота, Бухорою Самарқанд учун, азиз ота-онаси, қишлоқдошлари учун ардоқли фарзанд эди.

Афсус, минг афсуски, мана шундай олийжаноб, дарёдил йигитни, позиктаб олим ва адибни фожиали ўлим 1991 йилнинг 31 мартда 31 ёшида орамиздан бевақт олиб кетди. Аммо Илҳомжон шу қисқа умри давомида ҳам неча-неча йилларга еттулик ибратли ишлар қилиб кетди.

Ундан уч қисса, элликка яқин катта-кичик ҳикоялар, адабиётшуносликка оид қатор кўркем мақолалар мерос бўлиб қолди. Бу асарларнинг бир қисми яқинда “Камалак” нашриётида “Олам тўла ялпиз” номи остида босилиб чиқди. Яқин кунларда эса ёш адибнинг истеъдодли ёзувчи Хайриддин Султопов сўнгсўзи билан “Ой тиниқлашар” номли қиссалар ва ҳикоялардан иборат китоби ўқувчилар қўлига бориб теги. Асримиз бошларида яшаган рус сайёҳи Логофет қаламига мансуб “Бухоро тоғлари ва кенгликлари” номли йирик тарихий асар ҳам Илҳомжон томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Ҳаётининг сунгги кунларида “Бири кам дунё” фожиавий драмасини ёзиб тугатган экан. Каттақўрғон шаҳар драма театри ушбу асарни ўтган йили саҳнага қўйди. Айни кунларда бу драма Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма театрида ҳам саҳналаштирилмоқда...

Ҳа, Илҳом Ҳасан, шубҳасиз, истеъдодли, ғоятда беназир санъаткор эди. Туйғулари чашмадай шафоф, локиза эди.

Азиз жигарбандим! Сен яхшилар даврасида, қалбларимиз тўрида абдул-абад яшайсан. Илоҳо, қабринг нурларга тўйсин. Худо раҳматлар этсин сени...

1992 йил.

10. БУЮК ОЛИМ ҲУЗУРИДА

Ҳали-ҳали эсимда: 1970 йил сентябрь ойининг охириги кунлари эди. “Бухоро ҳақиқати”нинг ўша пайтдаги бош муҳаррири (марҳум) Ҳотам Мўминов мени ҳузурига чорлаб қолди. Ўшанда каминга — ёш йигитча таҳририятда оддий адабий ходим бўлиб ишлардим. Кирсам, телефонда ким биландир сўзлашаётган экан. Бироз кутишга тўғри келди.

— Бўпти. Қаюм ака, бугун битта ходимимизни албатта жўнатаман, — дея дастакни жойига қўяркан, мен томонга юзланди муҳаррир:

— Ҳўш, ишлар қалай?

— Ёмонмас, кетяпти.

— Эшитдингиз-а, ким билан гаплашганимни, — деди у алоҳида таъкидлаб, — Қаюм ака Муртазов эдилар, обкомнинг биринчи котиби. Биласиз-а, у кишини?

— Ҳа, албатта, — дедим ийманиб.

— Гап бундай, ука, — сал жиддийлашиб уқтира кетди муҳаррир.

— Бир муҳим топшириқ бор. Шуни бажаришингиз зарур. Биласиз, бир ҳафтадан сўнг вилоятимиз пахта топшириш режасини бажаради. Шунга Иброҳим Мўминовдан табрик хати обкелиш керак.

— Ия, домла, бу иш мани қўлимдан...

— Келади, ука, қўлингиздан, албатта, келади. Мен ўйлай-ўйлай, сизни бекорга танлаганим йўқ. Ҳозироқ хизмат сафари қоғозларини расмийлаштиринг-да, зудлик билан йўлга чиқинг. Академияга бориб, Жамолжонга учрашсангиз, сизни домланинг ҳузурига олиб киради. Қолган гапларни англатасиз. Фақат ҳушёр бўлинг. Иброҳим Мўминович сизни имтиҳон қилишлари ҳам мумкин...

Мени хаёлга толдиргани муҳаррирнинг сўнги сўзлари эди. Поездда кетяпман-у, эртанги учрашувнинг қандоқ кечишини ўйлайман. Кимсан, фалсафа илмининг зукко билимдони Иброҳим Мўминовдек улуғ олим билан юзма-юз бўлиш осонми? Ҳали талабалик йилларим домланинг Бедил, Ҳофиз, Муқимий, Фурқат, Аҳмад Дониш, Аваз Утар ва бошқа мумтоз шоир ва мутафаккирларимиз ҳақидаги қатор мақолалари. Гегель фалсафасининг туб мағзи хусусидаги китобларини ўқиганларимни хотирлайман. “Амир Темурнинг ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” ҳақидаги рисоаларининг шов-шувидан қисман хабардор бўлсам-да, ҳамон бу асар бизгача етиб келмаганини эслаб, хижолатта тушаман. Қизиқ, домла мени қай тариқа имтиҳон қиларкин?

Эрталаб посздан тушиб, тўғри Ўзбекистон Фанлар академиясига йўл олдим. Ўша йиллари ҳозирги ҳассос адибимиз, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол аспирантурада ўқирди. У кишини топиб, мақсадимни айтдим.

— Бу — нозик масала, — деди Жамол ака ўйчан ҳолатда. — Домланинг мингта иши бор. У кишига кириш ҳам осон эмас... Яхшиси, Тўра Мирзаевни топамиз. Мендан кўра Тўра ака “эски” роқ, бунинг устига домланинг яхши курган шоғирди. Масалани қойил қилиб тушунтиради.

Рости гап, Тўра Мирзаев билан ҳам “ошимиз пишмади”.

— Йўқ, шоир. — деди у киши дабдурустан. — Бугун бўлмайди. Домла эртанги илмий кенгашга тайёргарлик кўряптилар. Бундай вақтда ЦКнинг котибини ҳам қабул қилмайдилар. “Давай” бу ишни эртага қолдирамиз.

— Бўпти, акалар. — дедим ҳафсалам пир бўлиб. — Ўзим бир таваккал қилиб кўраман. Шундай дея иккинчи қаватга кўтарилдим. Мана, тепасига “приёмная” деб ёзилган қора дермантинли, савлатдор эшик. Ичкарига кирсам, хушбичим, чиройли бир аёл машинада алланималарни ёзиб ўтирган экан. Унга кимлигим, нима мақсадда келганимни англатиб, “бу иш жуда зарур, шу туфайли домла мени қабул қилсинлар” дея илтимос қилдим. Аёл “яхши” леци-ю, ўнг тарафдаги эшикни очиб, ичкарига кириб кетди. Тўғриси, шу лаҳзаларда вужудимни ҳаяжон қоплади. “Ишим ўнгидан келармикан, йўқмикан? Бир энликкина азиз қутлов хатларини ёзиб, менга ишониб топширармиканлар бу улуғ Инсон?” Шундай хаёллар домда ўтирарканман, эшик бирданига очилди.

— Кираркансиз, марҳамат! — деди котиба аёл. Нафас ютиб, энтикиб ичкари кирарканман:

— Ассалому алайкум, домла. — дея қўлларимни юрагим устига қўйдим.

— Ваалейкум. Кел, укам! — дедилар у киши ўринларидан хиёл кўзгалиб. Бориб, узатилган қўлларини кафтларим орасига олдим.

— Хўш, йигит, ишлар қалай? Бухоройи шариф жойидами?

— Раҳмат, домла. Ҳаммаси жойида. Сизга юртдошларингиздан салом обкелдим!

— Саломат бўлинглар. — дедилар домла хушнудлик билан. — Режани бажараётган экансизлар-да!

— Шунақа, домла. Бир ҳафтадан сунг рапорт берамиз!

— Яхши, жуда яхши, табриклайман... Гапнинг сираси, бухороликлар олдига тушадигани кам. Заҳматкаш, азамат, бир сўзли халқ-

да бизнинг юртдошлар. Хўш, йигит, ўзинг қаерликсан? Қишлоқдан-мисан, ё шаҳарлик?

— Шофирконданман.

— Ие, ҳамшаҳар эканмиз-ку, — дедилар домла тағин ҳам чеҳралари очилиб, — Қайси қишлоқдансан?

— Деновдан!

— Буни қара, тоза қушни эканмиз-ку! Бу, Жалол Расулни танийсанми?

— Танийман, домла!

— Раисми ҳалиям?

— Йўқ, пенсиядалар.

— Шунақа дегин. Кўрганингда мендан салом айт. Хўш, яна битта яқин дўстим бор эди, Исмоил Машлон деган. Бухорода Фитрат домла кўлида бирга ўқиганмиз. Бу кишиниям биласанми?

— Биламан, домла. Бу кишиям пенсияда, соғ-саломатлар.

— Яхши, укам, сан манга Шофирконнинг ҳидини обкелдинг. Ўзиям тўрт-беш йил бўлди-ёв Тезгузар томонларга ўтмаганимга. Лекин келаси йил езда бир Жилвонга ўтмоқчиман. “Жилвон”нинг маъносини биласан-а? “Порлаш, ялтираш, жилва”, яъни “олтинга хос” дегани. Шундайми?

“Синов бошланди”, дедим ўзимча. Сўнг ҳаялламай, сўзларини маъқулладим:

— Шундай, домла!..

— Шу Жилвоннинг қип-қизил, чўгдаккина қумида кўмилиб, маъза қилиб ётганга нима етсин? Беланги бўлганни ҳам тузатворадими...

Билмадим, Иброҳим Мўминович ҳамшаҳрим дебми, кайфиятлари яхши эканми, ҳар қалай, очилиб-сочилиб кетдилар. Вардонзе қалъаси, Суғут, Андақи қишлоқлари. Шофиркон ва Фиждувон шаҳарлари тарихи ҳақида шу қадар тошиб-тошиб сўзладиларки, бу қалар аниқлигу тиниқлик, улуг бир донишмандлик, ўктам салоҳият сеҳри мени тамоман лол этиб қўйганди. Ўшанда илк бор Хожа Абдухолиқ Фиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд ва Хожа Ориф Моҳитобон ҳақида маълумотга эга бўлдим. Кейинроқ шундай ҳақиқатни англадимки, зиёлиман деган ҳар бир одам ўз туғилган қишлоғи, шаҳри, азият юртининг тарихини бекаму кўст билиши зарур экан. Зеро, ватанпарварлик киндик қонинг томган тупроқни севишдан бошланади, дейилиши бежиз эмас...

— Укам, — дегандилар домла ўшанда салмоқлаб. — Ҳақиқий ижодкор бўламан десанг, фалсафани, тарих илминини яхши ўрган. Бухоро

— беҳишт шаҳар. Унинг ҳар битта гиштида минг йиллар армони ётибди. Буни сен ва сенга ўхшаган ёшлар чангу ғубордан тозалаш керак. Ҳали шундай замонлар келадими, қадим Туркистон заминига бугун дунё нигоҳини қадайди... Ана шунда халқимиз шошилиб қолмаслиги зарур. Тўғрими?

— Албатта, домла!

— Қани, энди қоғоз-қаламингни ол. Мен айтиб тураман, сен ёзиб оласан.

Мен дарҳол шайландим. Домла дераза томонга бир нигоҳ қададилар-у, дона-дона қилиб айта бошладилар:

“Азиз юртдошларим - бухоролик жону жигарларим!

Сизларни пахта тайёрлаш йиллик режасини муваффақиятли бажарганингиз билан астойдил табриклайман. Бу — заҳматли, бетиним меҳнатингизнинг ҳалол самарасидир. Тикланган хирмонингиз халқимиз бахт-саодати йўлида хизмат қилишини истайман. Сизларнинг ҳар бирингизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга омонлик тилайман”.

— Етарли бўлса керак-а, — дедилар домла хушнудлик билан.

— Зўр бўлди, домла, ташаккур, — дедим.

— Унда остига имзомни кўшиб кўйгин. Айтганларини бажариб, “Иброҳим Мўминов, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг вице-президенти” деб ёзим.

— Қани, энди менга бер-чи, ёзганларингни бир кўриб кўяй.

Домла мўъжазгина қоғозга астойдил кўз югуртиргач, кўзойнақларини қўлга олдилар.

— Беҳато ёзибсан, хуснихатинг ҳам ёмонмас, — дедилар. — Энди, битта маслаҳатим: тарихни кўпроқ ўқи. Ўтмишни билмаган одам бугун ҳақида аниқ хулоса чиқаролмайди. Бундайлар мукамал инсон ҳам бўлолмайди...

Домла стол остидаги тугмачани босган эканлар шекилли, шу пайт хонага котиба аёл кирди.

— Манг, қизим, дарҳол икки нусхада чоп этиб келинг.

Шундан сўнг домла яна бир неча дақиқа Бухоройи шариф ҳақида, қадриятларимиз боқийлиги хусусида насиҳатомуз сўзлар айтдилар. Котиба аёл киргач, “қутлов”ни тезда ўқиб, чиройли имзо чекдилар.

— Мана, укам, табрикнома тайёр! Мендан Қаям Муртазоевга, Жўракул Ориповга (раҳматли ўшанда Шофиркон райкомининг биринчи котиби эди) алоҳида салом айтгин. Ишларингга муваффақият, — дедилар самимият билан.

— Домла, — дедим “қутловнома”ни оларканман, — бир илти-

мос. ранжиманг тагин. Агар имкон бўлса, шунга муҳр қўйиб берсангиз (Энди ўйласам, бу талаб менинг соддалигим экан)...

— Ия, ҳали муҳр ҳам керакми? — дедилар домла мулойим оҳангда. — Ишни пухта қиладиганлар хилидан экансан-ку. Майли, сен айтганча бўлсин. Шундоқ пастига тушсанг, чап томонда кадрлар бўлими бор. Кириб, муҳр қўйдириб чиқа қол...

Домлага ташаккур айтиб, гўе бебаҳо хазинани қўлга киритган кишидай ташқарига чиқдим. Вужудимда чексиз бир илиқлик, нигоҳларимда чақин бир туйғу зоҳир бўлганди. Тўғриси, ўша дақиқаларда мендан бахтли одам йўқ эди. Ҳамон ўша лаҳзаларни эсласам, Иброҳим Мўминовичнинг салобатли, улуғвор сиймоси кўз олдимда пайдо бўлади, гоитда табарруқ сўзлари қалбимда акс-садо беради: “Укам, тарихни кўпроқ ўқи. Ўтмишини билмаган инсон мукаммал бўлолмайди...”

Азизлар, мукаммал инсон бўлишга интилайлик!...

1993 йил.

11. ЎЗИМИЗНИНГ НЕЪМАТ АКАМИЗ

Аканинг лабида салгина нурли табассум жилоланса, укаларнинг оғзи қулоғига етиши, устозининг фахрдан бирозигина боши кўтарилса, шогирдларининг дўппини осмонга отиши азал-азалдан маълум...

Бугун биз укалару шогирдлар ана шундай завқни туяётган бўлсак не ажаб?! Ахир, аллақачонлар ўз халқининг қалби тўридан жой олган, халқ уники, у халқники эканлиги ойнадай равшан бўлган ўзимизнинг Неъмат акамик расман Ўзбекистон халқ ёзувчиси, деб эътироф этилганлиги ҳазилакам гапми?

Мана-ман деган ёзувчиларга ҳам ҳажвий асари учун бундай унвон насиб этмаган. Ўша “Мен ҳажининг бешигини тебратганман” деганлар ҳам жиддий асарлари учун бу мукофотга эришган-ку! (Балки, ҳажл борасида ёруғ кун кўриш мушкул эканлигини сезиб, жиддий асарлар ёзишгандир ва “тўғри йўлга” тушиб олганлиги учун унвонларга сазовор бўлишгандир улар? Яна ким билади, дейсиз).

Хулласи калом, бизнинг Неъмат акамик “истасангизам, истамсангиз ҳам бўлганим шу” дея ҳажв қалами тигини илк бор олган мўлжалидан чалғитмади, “шу ердан тешаман” деганча ёзаверди, ёзаверди. У ёзишдан толмади, халқ эса — ўқиб, яйраб-яшнаб кулишдан.

... У-ў, биз яшаган бу замонда одамларни кулдириш осонми? Ойда, йилда тишининг оқини бир кўрсатишни ўзига ор биладиган Муслим Алиевичдек “серезный” раҳбару раҳбарчалар тўлиб етган давронда-я? Мансаб учун бошлигининг отаси лаҳадига ўзини ташлашга тайёр турган Қаймоқовлар бижтиб етган муҳитда-я? Лекин ўзимизнинг Неъмат акамиз кулдириди. Қизиғи шундаки, у киши агрофимизда “Мен ҳам одамман” деб гердаийб юрган баъзи сўхтаси совуқ нусхаларнинг суратини ўзига кўрсатиб берди. Фақат суратини эмас (суратни сураткаш ҳам бир лаҳзада “чирқ” этиб, қоғозга тушириб бериши мумкин), сийратини ҳам кўрсатиб берди. Яна қизиқроғи, ўша нусхаларнинг ўзи бу ҳажвияларни ўқиб: “ўв, шу ўзимизнинг Неъматжон бало-да... Қаердан топади бундай типларни? Кимни ёзган экан? Э...э... маладес” деб қарсак чалганларини кўп кўрганмиз. Биз эса бундайларга қараб ичимизда, юзимизни ўгириб эса қаҳ-қаҳ уриб кулаверганмиз. Ҳаётдаги, яъни биз билан бир ҳаводан нафас олиб юрган Зайнишевлар, Мардон Тоҳировичлар “жоним директор”лар, “универсал домла”лар, “красный партизон”лар, “Юмшоқ пластинка”лар, “устозлар”, Уматжон акалар, Дандоновлар устидан юмалаб-юмалаб кулаверганмиз. Нега кулмайлик, ахир буни ўзимизнинг Неъмат Аминов акамиз ёзган-да. Неъмат ака латифа тўқмайди, ҳақиқий ҳажвий асар ярагади. Ана шу учун куламиз-да. Кулиб-кулиб акамизнинг санъаткор ёзувчилигига қойил қоламиз-да...

Вилоят радиосининг “Хандон”и муҳаррирлигидан жумҳуриятнинг жаҳонга машҳур “Муштум”ининг бош муҳаррирлигигача бўлган масофа ана шу ҳақиқатгўйлик туфайли босиб ўтилганлиги сир эмас. Бу йўлнинг ўнқир-чўнқирларига парпо қилмай, бир ерда депсинмай, олға интилган киши — ўзимизнинг Неъмат акамиз бизнинг мақтовларга зор эмас. Зеро, “Эй куёш, сен оташ чашмасисан” деган билан унинг ёғдуси кўпаймайди-ку. Аммо Неъмат акамиз туфайли биз ҳам бир фахрланайлик дедик-да!

Қадрли Неъмат ака! Сиз Бухорои шарифдан устоз Жалол Икромий. Гулчеҳра Сулаймонова, Темур Пўлатовлардан сўнг расман тан олинган халқ ёзувчисисиз. Яна бир истеъдодли, донгдор ҳамюртимиз — Ойдин Ҳожиевага ҳам Ўзбекистон халқ шоираси унвони берилганлиги қалбларимизни қувончга тўлдирмоқда... Шу кунларда бухоролик укаларнингиз ўзингиз севган “самоварчи Султон акага кичкина чойнакчада чой дамлатиб, тақсимчада тўрттагина қанд-қурс билан эрмак қилиб... чойу қурсдан кўра, чойхона мижозларининг ғалати ҳазил-мутойибалари, ичак узди кулги-ю, ўзига хос қочириқларига” қизиқадиган Лаби ҳовуздаги “Роҳат” чойхонасида ўгириб,

“Яшанг, ака” дейишаётган бўлса, сени улуғлар устоз Шариф Нурхон иборалари била “Э-э, барака толинг, Нетьматжон!” демоқдалар.

Нимасини айтасиз, ўн беш кундирки, шаҳримизда — Сиз туғилиб ўсган Окчурина кўчаси, 15-уйда (хафа бўлманг, бу номни яқинда архивга жўнатамиз) салгина бесаранжомлик. “Етти ёшдан етмиш ёшгача (бундан кексалар ҳам) бўлган қўни-қушнилариңгиз, қариндош-уруғлар, не-не мухлислариңгиз эшик олдида тирбанд. “Тўхтаб тур, аввал ман кирай, сўгин сан бенавбат кирасан” деганнинг саноғи йўқ. Бировнинг қўлида гул, бировнинг қўлида тугунча... дегандай. ҳамма фариштасифат падари бузрукворингиз — Амин бобони қутлашга, у кишининг табаррук қўллариңи олишга ошиқмоқдалар. Биладиларки, бобомизнинг пок қўллари сизнинг бошингизни силаган, нафаслари лафзингизни ширин, кўзингизни тийран, қаламингизни қайрилмас қилиб қайраган.

Шунақа гаплар, Нетьмат ака! Астойдил айтсак, бисотимизда сизни ҳар қанча мақташга, таърифлашга лойиқ, теша тегмаган сара сўзлар жуда кўп. Ҳар қалай, сўзнинг ози яхши, дейдилар... Эшитдик, яқинда она шаҳрингизга келаркансиз. Келинг, қолган қутловларимизни ўшанда айтамиз.

1992 йил 20 июнь.

12. ҚАЛБ МУЛКИНИНГ ҲАЗИНАБОНИ

...Олтинранг кузнинг қуёшли кунларидан бири эди. Йўлим тушиб, Минораи Калон ёнидан ўтаётсам, камгарин кийинган, озгинроқ, аммо ниҳоятда нуруний бир отахон Масжиди Калон пештоқидаги ёзувларни сизчиклаб ўқир, нилий кошинлар, турфа жилодаги топиларни ҳавас билан томоша қиларди. Тўхтаб, астойдил разм солдим: Мутал Бурҳонов! Ҳа, донгдор ва номдор бастакор, ўзбек муסיқа санъатининг доврўгини олам аро таратган, тунларни тонгга улаб, клавишларга дил пардасини улаган ҳолда умрбоқий асарлар ижод этган, халқини, она-юртини катта қалб билан севган, сева оладиган филойи инсон Мутал Бурҳонов эди у киши!

Эшитганим бор: Ҳақиқий ижодкор ранглардан, товланишлардан, гўзал манзаралардан сўз ва куй ахтараркан. Хаёлимга келган нарса шу булди: отахон ҳам ёзажак асарларига янги куй излаётган бўлсалар, не тонг! Ахир Бухоройи шарифнинг ҳар бир обидаси, нилий гумбазлари, тоқлари, пештоқлари, мадрасаю масжидларидаги би-

тиklar, шоҳ байтлар — бари-бариси бетакрор оҳанглар-ку... Уларни қалб кўзи билан идрок этиб, қоғозга тушира олсангиз бас, у шаксиз юраклар меҳваридан жой олади. Зеро, отахон улуғ пирлар, тасаввуф оламининг буюк намояндалари, мутафаккирлар, ҳофизу машшоқлар, шоирлар маскани бўлмиш мана шу шаҳарда дунёга келди. Гарчи болалиги оғир йиллар тўфониде кечган бўлса-да, машҳур Домла Ҳалим Ибодов, Ота Жалол, Ота Фисс, Левича ҳофизлар кўшиқларини тинглаб, санъатнинг оташин сеҳрини туйди, ўзининг ҳаёт йўлини мусиқа оламида деб билди. Дутору танбур чертмоқни ўрганди, чилдирмаю най унинг доимий ҳамроҳига айланди. Тақдир тақозоси туфайли Самарқандга бориб, толиби илмликнинг машаққатларига барлош берди, улкан мусиқашунос олим, бастакор Николай Назарович Мироновнинг устозлик марҳаматидан баҳраманд бўлди. Эҳ-ҳе, у бел боғлаб кирган йўл узундан-узун, паст-баланд ва айтиш мумкин-ки, фахрли эди...

Мен йўлимдан қайтиб, отахонга яқинлашдим. Астойдил кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, мадрасани Мири Араб ҳамда Масжиди Калонни бир-бир айландик. Суҳбатимиз, табиийки, шариф шаҳар на у киши бошдан кечирган воқеалар хусусида бўлди.

— Бухоро, Ойбек домла таъбири билан айтганда, соҳир ранглар, такрорланмас жилолар, бир сўз билан ифодалеганда, туғён шаҳардир, — дея обидаларга ишора этдилар у киши, — буни болалигимдаёқ қалбга уққанман. Ва мана шу сеҳр борлигимга меҳр бўлиб нақилланиб қолган. Менинг қарийб 65 йилдан сўнг яна она-шаҳримга кўчиб келиб яшаётганим, авлодларим, қариндош-уруғларим даврасида хушҳол юрганимнинг боиси ҳам шунда. Қолаверса, ота-онамнинг табаррук хоклари шу муаззам тупроқда...

Мугал отанинг шоирона сўзлари чинакам доқиқмақдона, чинакам файласуфона эди. Ҳа, ҳаётнинг не-не талотумли кечинмалари, оғир синоиларини мардона енгиб, тириклигидаёқ сўз ва создан ўзига ҳайкал қўя олган бу Инсоннинг умр йўлига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

У дастлаб Самарқанд мусиқа ва хореография институтида илк сабоқлар олади. 1934 йилдан Москвада, аввал мусиқа рабфаги, сўнгра ўзбек опера студияси ва ниҳоят, П. И. Чайковский номидаги Москва Давлат консерваториясида таниқли мусиқа алломаларидан таҳсил кўради. 1941— 1942 йилларда Москва мудофааси кўнгиллилари сафида бўлади, соғлиги ёмонлашгани сабабли Тошкентга қайтиб, ижод билан шуғулланади. Урушдан кейин 1949 йилда ушбу консерваторияни муваффақиятли тугатади.

Атоқли санъаткор, мана, ярим асрдан зиёдроқки, узлуксиз ижод билан шуғулланиб, турли баркамол асарлар яратди. Ўзбекистон мусиқа санъати ривожига улкан ҳисса қўшди. Унинг кўплаб қушиқлари, лирик романслари, жўрсиз хор учун қайта ишланган Шарқ халқлари асарлари, Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмасига, шунингдек “Бой ила хизматчи”, “Орол балиқчилари”, “Абу Али ибн Сино”, “Мафтунингман”, “Самолётлар кўна олмади”, “Сурайё” фильмларига басталаган мусиқалари, “Алишер Навоий” номли операси ва бошқа сахна асарлари замонавий мусиқа санъатимиз олтин фондидан муносиб урин олган. Бастакор илк романи — “Табассум қилмадинг ҳеч”, “Алишер Навоийга қасида”, “Алишер Навоий” операси билан республикамизда мусиқий навоийномага асос солган.

Мутал Бурҳонов бундан икки йил олдин 80 баҳорни қаршилаган эдилар. Ўшанда бу мумтоз санъаткор ушбу муборак санани улуғ шоир Абдураҳмон Жомий шеърига басталаган “Ширу шакар” номли янги қушиқ ва ўз сўзларига “Абалий хотира” номли реквием — марсияси билан кутиб олгандилар. Айтиш жоизки, бу асар халқимизнинг 30-йиллар қатағонида шаҳид кетган асл фарзандлари, Мутал отанинг ҳақиқий маслакдошлари — Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирӣ, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир ҳамда бастакорнинг акаси Мисбоҳ, амакилари Масҳариддин, Мукамил, Муаммир Бурҳоновларнинг порлоқ хогираларига бағишлангани билан ҳам қимматлидир. Яна ифтихорлиси шундаки, Мутал ота Бурҳонов Мустақил Ўзбекистон давлати Гимни — Мадҳиясининг ҳам муаллифи. Мана бир неча йилдирки, атоқли шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов шеърига басталанган бу Мадҳия етти иқлимда янграб, давлатимиз шон-шавкатиини бор бўйи билан таратмоқда.

Ўзбекистон халқ артисти. Ҳамза ва Бердақ номидаги Давлат мукофотлари совриндори Мутал Бурҳонов 1955 — 1960 йилларда республика бастакорлар уюшмаси бошқаруви раиси лавозимида ишлаганларида ва кейинги йилларда ҳам ижодкорлик ҳамда мураббийликни бақамти олиб бордилар. У кишидан таълим ва тарбия олган юзлаб шогирдлар борки, отахон ҳамиша ардоқда ва давралар турида. Фидойи хизматлари эса муносиб тақдирланиб келинмоқда. Мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида отахоннинг “Буюк хизматлари учун” орденига муносиб кўрилганлиги бунинг яна бир исботи.

Биз Мутал Бурҳоновни ушбу олий мукофот билан қутлаётганимизда бир гуруҳ “шашмақом”чи санъаткорлар келиб қолишди. Улар

истеъдодли бастакор ва хонандалар — Ўлмас Расулов, Аҳмадjon Шукуров, Ҳикмат Ражабов, Ориф Атоев, Эшпўлат Ортиқов, Мавлуда Самандарова, Алишер Бобононов, Раҳматулла Иноятовлар эдилар. Меҳмонлар ҳам самимий салом-алиқдан сунг отахонни юксак орден билан астойдил табриклашди.

— Юртбошимиз Ислон Каримовдан беҳад миннатдорман, — дедилар Мутал ота қулларини кўксига куйиб, — дуо қиламан: илоҳим, умрлари узоқ бўлсин. Бу киши адабиёт ва санъатга, ушбу соҳа намоядаларига, анъаналаримиз ривожига, умуман, маънавиятга шу қадар катта эътибор бераётдиларки, бундай олижанобликни сўз билан ифодалаш қийин. Менга берилган мукофотни ўзбек санъати, юксак маънавиятга берилган мукофот деб биламан.

— Айтинг-чи, отахон, — дея сўраб қолди дўстларимиздан бири, — Бухорои шарифда яшаётганингизга ҳам бир йилча бўлиб қолди. Янги асарлар ёзаяпсизми ва барча-барчага тилақларингиз.

— Ёзаяпман. Мени туққан, қалбимга мусиқа сеҳрини сингдирган шариф шаҳримдан, юрагимга пайванд одамларидан, эркин ва озод яшаётган она-халқимдан ҳали бироз “қарз”ларим бор. Шу боисдан икки-уч бухоролик шоирнинг тарихий ва замонавий мавзудаги шеърларига мусиқалар басталаяпман. Улар ҳозирча сир, — дея жилмайдилар отахон, — тугасин, кейин айтаман. Ўзларинг куйлайсанлар. Тилақларим эса шундай: Илойим, тинчлик ва дориломонлик бўлсин. Халқимиз бошидаги эрк офтоби абадул абад сўнмасин, янги-янги тифаккур, куй ва оҳангларнинг чашмалари очилсин. Сизлар, болаларим, илҳом билан ижод қилинглр, биз етолмаган маънавият чўққиларига етинглр.

1998 йил.

13. “ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНИМ МАНИМ!..”

*(Ҳурматли шоиримиз, азиз биродаримиз
Абдулла Ориповнинг 60 йиллигига қутлов)*

Сўз санъатида шундай воқеалар учрайдики, баъзи адибларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақиқий ибрат мактаби, унинг яратган асарлари эса халқнинг чинакам маънавий мулкига айланади ва улар мангуликка дахлдордир. Тарихдан бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

Сиз ҳам, қадрли Абдулла ака, мана шундай санъаткор шоирлар сирасига кирасизки, бу нафақат биз учун, балки ўзбек халқи учун ҳам чексиз бахтдир.

Сиз ҳали миллат дарди, миллий туйғу ҳақида сўз айтиш у ёқда турсин, ҳатто ўйлаб кўриш мумкин бўлмаган 60 йилларнинг бошларидаёқ “Ўзбекистон — ватаним маним” дея бонг уриб, адабиёт майдонига кириб келдингиз. Шу юртнинг улугворлигини, дунёда унинг ҳам муносиб ўрни борлигини, халқининг яратувчи, ижодкор, бунёдкор эканлигини, миллат сифатида буюклигини бор овозда куйладингиз. Бу жасорат бошқалар учун ҳам ибрат маъғи эди, албагга...

Мана, қарийб эллик йилдирки, тилингиздан она-Ўзбекистон асло тушмайди. Унинг дардини, оғриқларини, қувончу ташвишларини ўзингизники деб биласиз. Уларга “малҳам” қўйиш йўлларини ҳам ошкор кўрсатасиз. Сизнинг шеърларингиз, ҳар бир китобингиз самимийлиги, туйғуларнинг теранлиги, ғоятда покизалиги билан юраклардан тез жой олади. Бунга юзлаб шеърларингиз, ғазалларингиз, балладаю дostonларингиз ёрқин мисол. Улкан санъаткор — бастакор Мутаваккил Бурҳонов билан ҳамкорликда яратган “Ўзбекистон” мадҳиянги бутун жаҳонда янграмоқдаки, бу шеърда нафақат сизнинг, балки овоз ва бахтиёр ўзбек халқининг ғурур ва ифтихори ўз ифодасини топгандир.

Ҳа, сиз том маънода ўзбекнинг халқпарвар, ватанпарвар миллий шоирисиз! Халқимизнинг бирорта хонадони йўқки, шеърларингиз кириб бормаган бўлса. Жумладан, бухороликлар ҳам сиз битган асарларни доимий ҳамроҳлари деб биладилар. Хусусан, Бухоро ҳақида ёзган қатор шеърларингиз, тиб илмининг султони, ҳазрат Абу Али ибн Сино ҳақидаги “Ҳаким ва ажал” дostonингизда шариф шаҳримиз ва унинг бунёдкор халқи тўғрисида ажойиб фикрлар билдиргансизки, бунинг билан беҳад фахрланамиз.

Қадрли дўстимиз! Сиз ўзбек адабиётида алоҳида мактаб яратган устоз-адибсиз! “Қалбга доир” ушбу мактабда юзлаб, минглаб шогирдларингиз сабоқ олишмоқда. Сиз уларга тафаккур боғининг боғбони сифатида миллатни севиш, унинг бахти учун курашиш, улғу мақсадлар атрофига уюшиб, келажаги буюк давлат барпо этиш сингари олижаноб мавзулардан дарс ўтмоқдасизки, бу йўлда асло-асло ҳориманг!

Биз сизга, ҳурматли Абдулла ака — ҳассос шоир, отанин драматург, заҳматкаш таржимон, ҳозиржавоб публицист, жонкуяр жамоат арбоби, буюк инсон ва адибга мустаҳкам соғлиқ, янада юксак ижодий парвозлар ва умрбоқийлик тилаб қоламиз!

2001 йил 17 март.

14. ҚАЛАМ ДЕҲҚОНИ

ёхуд ёзувчи Музаффар Турсунга мухтасар очиқ хат

Ассалому алайкум, Музаффар ака! Бардаммисиз? Ижодий ишлар билан ҳориманг. Ҳозиргина “Оқар сув” номли янги сайланмангизни ўқиб тугатдим. Ҳе, нимасини айтасиз, кўркам китоб бўлибди. Ундаги фантастик қиссаи, ҳикоялар, ҳажвиялар, публицистик манзумалар, ён дафтارينгиздаги битикларни ўқиб, рости, маза қилдим. Яратган қаҳрамонларингиз шу қадар табиий, шу қадар самимийки, уларнинг гап-сўзида, хатти-ҳаракатларида сохталик, жимжимадорликни кўрмадим. Гўё улар менинг, сизнинг, ҳаммамизнинг атрофимизда юргандай. “Оқар сув”, “Чўпон”, “Ўтмишдаги йўлбонлар”, “Қишлоқдаги осойишта тун”, “Лолага етдим деганда”, “Умидли дунё”, “Энг хунук аёл”, “Бошлиқлар қаерда тугилади?”, “Бахт қуши”, “Меҳнат дарси” сингари ҳикояларингиздаги тиниқлик ва мавжларни “Шашмақом”нинг гоҳида сокин ва мискин, гоҳида дил ўртар авжларига ўхшатгим келди. Хўш, нега? Негалиги шундаки, уларда кўнгилни маҳв этгувчи жозиба, хаёлни ром этгувчи мафтункорлик бор. Демак, яхши насрнинг тугал назмдан қолишадиган жойи йўқ экан. Шунга эришибсизми, офарин сизга! Маҳорат санъаткорлик бўлса, шунчалик бўлар-да.

Шу сўзларни ёзаяпман-у, бундан чорак аср олдин сизу мен ўрта-мизда бўлиб ўтган бир воқеа ёдимга тушиб кетди. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими саркотиблии га ишга ўтган кунларим эди. Идорага

похушроқ кайфиятда кириб келдингиз. Қўлингизда ётавериб сарғайиб кетган “семизроқ” папка бор эди. Саломлашгач, уни олдимга қўйдингиз.

— Дўстим, шу “зормандалар”ни бир ўқиб чиқинг. Бўлса, бўлишини, бўлмаса, бўлмаслигини рўй-рост айтинг. Фақат исбот қилиб. Мен ёлгонни ёқтирмайман.

Ҳайрат ичра сизга тикилдим. Изоҳ бера кетдингиз:

— Биласизми, икки йилча олдин бир катта одамга берган эдим шу папкани. Ўқиб фикрингизни айтинг деб. У киши ҳам, мен ҳам жим юравердик ҳозиргача. Бугун суриштирувдим, шкафларини роса титкилаб, топиб қўлимга тутқаздилар. “Ука, буларингиз ярамайди, сиз яхшиси, журналистлигингизни қилаверинг, ёзувчилик осон эмас” деб қўйдилар хайрлашаётганимда. Энди, дўстим, адоин тамом бўлдим бу гапни эшитиб... Лекин бир гумоним бор: мен ўзимга ишонаман. У киши ҳикояларимни ўқимаган бўлиши керак. Ўқиб кўрганда бундай демасди, албатта...

Сиз кетгач, каттами-кичикми, ижодкор аҳлининг кўнгли но-зиклигини, гоҳида бир оғиз ноўрин сўз унинг қаддини эгишини, пок хаёлларига гард юқтиришини ўйладим. Шу боисдан ҳар бир қаламкашга донолик ва эҳтиёткорлик билан муомала қилмоқ лозимлигини кўнглимга такрор-такрор туғиб, “зорманда”ларингизни ўқишга тушдим. Бир эмас, икки-уч марта кўздан кечирдим, сарагини саракка, пучагини пучакка айирдим. Кўп ўтмай, бўлимда ёзувчи Аҳад Ҳасан маърузачилигида тўншамингиз муҳокамасини ўтказдик. Бухоронинг номдор адиблари — Самандар Воҳид, Салриддин Салим, Фулом Шомурод, Жўра Фозил, Охун Сафар, марҳум Тожи Қорасевлар машқларини из хусусида ижобий фикрлар билдиришди. Ҳикоянавислик ва ҳажвиянависликда қаламингиз чархланиб қолганини, ўзига хос ёзувчи бўлаётганингизни астойдил таъкидлашди. Бизнинг фикрларимизни орадан бир йил ўтар-ўтмас, Тошкентдаги катта ёзувчилар ҳам тасдиқлашди: Фафур Фулом номидаги нашриётда “Олдий кун”, “Поччам озмоқчилар” номли китобларингиз бирин-кетин босилиб чиқди. Республика радиоси эшиттиришларида. “Муштум”, “Шарқ юлдузи” журналлари, вақтли матбуот саҳифаларида ҳикояларингиз, ҳажвияларингизга ўрин ажратила бошланди. Бу орада истеъдодли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев сизга “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”да “оқ йул” берди. Ўзбекистон Қаҳрамони, устоз Саид Аҳмадининг, Носир Фозилов, Ўткир Ҳошимов, Омон Мухтор, Машраб Бобоев, Нусрат Раҳмат каби тошкентлик, самарқандлик ёзувчиларнинг назарига тушдингиз. Улар

ижодингиз ҳақида илиқ фикрлар билдиришди. Ҳамонки, бу самимият давом этаётир. Боиси, ўндан ортиқ китоблар чоп эттирганингиз, заҳматкашлигингиз, сунъий эмас, уйдирма эмас — топиб, маҳорат билан ёзишингизда. Бадиий асарми, мақолами, публицистик лавҳаларми, барини ҳаёт қўйнидан саралаб, танлаб, воқеаларни моҳирона тасвирлаётганингизда. Менимча, ҳақиқий ёзувчи, қалам деҳқони шундай бўлиши ҳам керак. Ҳорманг, азиз дўстим!

Жўшқин фаолиятингизнинг яна бир қирраси шундаки, сиз бадиий ижод билан журналистикани бақамти олиб боряпсиз. Қарийб йигирма беш йилдан бери “Жондор овози”га муҳаррирлик қиляпсиз. Бу осон иш эмас, албатта. Газетангиз — туманингиз кўзгуси. Унинг хира тортмаслиги учун қанчалар фидойилик, ранжу машаққат лозим. Қўлига қалам тутқазиб, бошларини силаб келаётган ўйлаб шогирдларингиз ҳамкорлигида бу муҳим ишни виждонан уддалаб келяпсиз. Бағрингиз шу қадар кенг, шу қадар мусаффоки, сиз катта йўлга чиқарган баъзи бир мухбирчалар устингиздан ёзганида ҳам огринмадингиз. “Ҳе. шу болаям худонинг бир ношукур бандаси-да, билган номаъкулчилигидан қолмасин. Ким ҳақ, ким ноҳақлигини ёлғиз Аллоҳнинг ўзи билади” деб мийингизда кулиб қўя қолдингиз. Бу энди ҳақиқий устознинг сўзи... Қарангки, ҳақ сиз томонда экан. Хизматларингиз муносиб тақдирланди, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” унвонига сазовор бўлдингиз. Китобларингиз эса йил ора босилиб турибди. Обрў-эътиборингиз туманда, вилоятда, республикада осмон қалар — ёзувчи, ҳожи Музаффар Турсунсиз.

Қадрли дўстим! Такрор айтаман: Ҳорманг энди. Бугун муборак 60 ёшга тўляпсиз. Қутлуғ бўлсин! Илоҳим дўсту ёрлар, фарзанду невараларингиз, сизни вояга етказган жондорликлар, Бухоройи шариф аҳли бахтига узоқ йиллар омон бўлинг, ижод дарди қалбингизни асло тарк этмасин.

2002 йил 14 август.

15. “ШУКРИМ СЕНГА, ШЕЪРИЯТ”...

Шоир — халқ қалбининг таржимони, унинг эзгу ниятлари, орзу интилишлари, дарду аламларининг ифодачиси, мухтасар айтганда, халқ хотирасидир...

Қадрли дўстим, ҳамфикр ва маслақдошим Самандар Воҳид ҳақида

нинг лирик қаҳрамонларида шундай фазилатлар мужассамини топгандай.

Сизмагай борлиққа олам — жо бўлар қалбимга лек,
Гаяҳаридир кўзни ул. киприк каби посбониман.
Баъзилар эпчил булишса, тергали олам гулин,
Мен жаҳонни гулга кўймоқ истаган боғбониман, —

дейди шоирнинг “Бу жаҳон” шеърисидаги фидойи инсон. Зеро, бу фидойиликнинг бош сабаби куйидаги талқинда эмасми?

Мен ҳастда муҳаббатни
Дарахтлардан ўргандим.
Дарахтлардан ўргандим мен —
Саботни, қатъиятни...

Ўзгал инкишоф! Кошкийди ҳамма ҳам “Чўнг бардошни”, “Яшил умид ва яшашни” куртаклари шан куйларга тўлиқ дарахтлардан урганишса... Бунинг учун “собит кўнгилга собит кенглик” зарур. У “Ғафур Ғулом тафаккури каби улугвор, устоз Ойбек ҳофизаси каби беканор” булиши лозим.

Инчунин:

Куйлаганда юлдузларни яшнатса ҳур соз,
Суйлаганда тўсиқларда синмаса овоз...
Бу кенгликнинг ҳай бурчида оқса ноҳақ қон,
Одамзоднинг нигоҳидан қолмасин пинҳон...

“Кошкийди?” дегинг келади бу мисраларни ўқиганингда. Хусусан, бизга ёндошу диндош бўлган қатор мамлакатлар бошидан кечадган шу алғов-далғов кунларда, ноҳақ, ножўя қонлар тўкиладиганда, юракларингга зирқироқ оғриқлар сизиб кираётганда...

Бу мисралар нечоғли даъватбахшдир. Улуғларимиздан бири рост айтган экан: “Шоирни изтироб яратади ва бу изтироб шеърини учун қувонч бўлади”. Самандарнинг ижодида эса бундай қувончли жиҳатлар истаганча топилади. Энг муҳими, унинг қўлчилик маънамалари катта ижодий эҳтиёжнинг меваси. Шоир дўстим ёзиш заруриятга айлангандагина қўлига қалам олади. Шеър шакллари, вази услубла-

ри бобидаги изланишлари эса лиққатга моликдир. Бу изланишлар инжа ирмоқлар бўлиб, гоҳо эса ўзанидан тўлиб-тошиб оқади... Бунга яқиндагина китобхонлар қулига бориб теккан “Кенгликларни қўмсаш” китобига кирган шеърлари ҳам гувоҳ. Тўпламда юздан ошиқроқ турли мавзудаги шеърлар бор. Булар — Самандарнинг шаклланган катта истеъдодли шоир эканлигидан шаҳодат бериб турибди. Айниқса, унинг ижодида қишлоқ ва жонфидо деҳқон мавзуи айрича уринга эга...

Табиийки, шоирни замон ва муҳит яратади. Тўғрироғи, замон ва муҳит олдидаги бурч яратади. Булар шоирга мавзу беради, ижод мулдарижасини белгилайди. Самандар Воҳидни шоир қилган ва халққа танитган хислат ҳам ҳаёт билан доимий ҳамнафаслик туйғусидир. Шу туйғули унинг “Қорбобонинг истаги”, “Кафтимда гул”, “Қатраларда нур ёнар”, “Асал бобо”, “Оламдан ранг излаб” шеърини китоблари аллақачон ўз ўқувчиларини топган. Шоирнинг яқинда нашри бошланган уч жилдлик “Сайланма”си китобхонларга муносиб тўхфа бўлиши шубҳасиз. Унинг таржимасидаги Тожикистон халқ шоири Лойиқ Шералининг “Муҳаббатим”, қалмиқ шоири Давид Қуғултинининг “Фаройиб қуш” китоблари ҳам ўзбек китобхонлари маънавий мулкига айланган. Фақат шуларгина эмас. У қарийб 30 йилдан бери вилоятимиз телевидение ва радиоэшиттириш компаниясининг бош муҳаррири сифатида ҳам жўшқин журналистик фаолият кўрсатмоқда. Ана шундай ижодий ютуқлар ҳамда вилоятимиз маданий равнақига қўшган самарали ҳиссаси учун унинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. Унга “Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони берилди.

Бугун шоир дўстим Самандар Воҳид 60 ёшга кирди. Аёнки, у ўз умрининг пиллапояларидан туриб, ўтган ҳаётига боқади. Юрган йўлларини эслайди, қалбига яқин ва туташ кишиларни хотирлайди. Ҳар қалай, бу ҳаётнинг эсда қоларли излари бор... Муҳими, у нимагаки эришган бўлса, бунга шеърини сабаб:

Дилга таскин — тасалло
Берар танҳо шу ният.
У дунёю бу дунё
Шукрим сенга, шеърини!..

дсб ёзган у ўз шеърларидан бирида. Азиз биродарим, сизни бағримга босиб, ибратли ёшингиз, юксак унвон билан астойдил қутлайман. Соғлиқ-саломатлик, юксак ижодий парвозлар сизга мангу ҳамроҳ бўлсин.

2002 йил, сентябрь.

16. ОМОН МУХТОР ЮБИЛЕЙИГА СЎЗ

(Шоир юбилейида сўзланган нутқ)

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар, мухтарам ҳамшаҳарлар!

Мустақиллик йилларида ўнлаб романлар, қиссалар, дostonлар, драмалар, ҳикоялар, шеърлар ва бошқа жанрдаги кўнлаб салоҳиятли асарлар яратилдики, бунга истиқлолиятимиз кенг имкон яратди, халқимиз орзу ва армонлари хусусида баралла сўз айтишга кафолат берди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағер дурур ер айлар,
Сўз қаттиги эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгилларни гирифтор айлар, —

дея бежиз баёнорат этмаганлар улуғ бобомиз ҳазрат Мир Алишер Навоий. Элга ҳароратли, чучук сўз инжуларини тортиқ этиб, уни шодмон этиш, ағерни ҳам дўст айлаш, кўнгилларга озор етказмай, уларни гирифтор, яъни ром айламак эса осон санъат эмас. Ҳамду санолар бўлсинки, фақат истеъдодли, қалам деҳқонларигина бу ишнинг уддасидан чиқмоқдалар. Айтайлик: атоқли сўз санъаткорлари — Ўзбекистон Қаҳрамонлари — Абдулла Орипов, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, кечагина “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган Ўткир Ҳошимов, машҳур устоз — адибларимиз Ҳамид Фулом, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шукрулло, нисбатан ешроқ қалам заргарлари — Йўлдош Сулаймон, Эркин Самандар, Ҳалима Худойбердиева, Усмон Азим, Икром Отамуродларнинг номларини ким билмайди дейсиз? Бу адибларнинг асарлари кириб бормаган бирорта хонадон йўқ бизнинг вилоятимизда, десам хато қилмаган бўламан. Мана шундай номдор ва донгдор адиблар сафида бизнинг ҳамшаҳримиз, Бухоройи шарифнинг ардоқли фарзанди Омон Мухторнинг ҳам борлиги биз учун ифтихор ва шарафдир.

Азизлар! Тилимизда “журъат”, “жасорат” ва “заҳмат” деган ниҳоятда ёлқинли сўзлар бор. Мен бу сўзларни бекорга келтирмаяпман. Омон Мухторнинг бутун онли ҳаёти журъат, жасорат ва заҳматкашликдан иборатдирки, бунга ҳозиргача чоп эттирган уттиздан ортиқроқ китоблари ёрқин мисолдир. Хусусан, кейинги ўн йил ичида Омон акаимизнинг ижодлари ниҳоятда камолот касб этди. Бу йиллар-

да саккизта роман ўқувчиларнинг маънавий мулкига айланди. Булар “Тўрт томон қибла” трилогияси, “Минг бир қиёфа”, “Кўзгу олдидаги одам”, “Тепаликдаги хароба”, “Ффу”, “Аёллар мамлақати ва салтанати”, “Афлотун”, “Майдон”, “Ишқ аҳли” романларидир. Истеъдодли, фидойи ёзувчимиз айни кунларда буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган “Ишқ аҳли” романининг мантиқий давоми бўлган “Буюк фаррош”, шунингдек мустақиллигимизга бағишланган “Ватан фарзандлари” романлари устида иш олиб бораптилар.

Ҳорманг, Омон ака! Бунингдек ижодий салоҳиятга эришганингизнинг боиси бундан қирқ икки йил олдин сизни Тошкентга жўнатаётиб, манглайингиздан ўпа туриб, дуойи жонингизни қилган падари бузрукворингиз Сулаймонхўжа бобомизнинг, қолаверса, Бухоройи шариф донишманд аҳлининг ўғитлари, азиз авлиёлар уйғоқ руҳларининг қўллаб-қувватлаб кетаётганликлари бўлса, ажаб эмас.

Биз яхши биламиз: сиз, Омон ака, 60 йилларнинг бошларида жойи жаннатда бўлгур, марҳум устозимиз Тошпўлат Ҳамид бошқарган адабий тўғаракда ижодкорлар Аҳад Ҳасан, Жамол Камол, Неъмат Амин, Гулчеҳра Жўраева, Фулом Шомуродов, марҳум алиблар Максим Карим, Сафар Барноевиар билан бирга таълим олгансиз. Ва шунга иқрорманки, бугун сизнинг камалингизни устозимиз Тошпўлат Ҳамид кўрсайди, албатта қувонган ва бағрига босган бўлур эди.

Бугун сизнинг ижодингиз хусусида жуда кўп ва хўп гапириш мумкин. Аммо бу ўринда устоз адибимиз — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Фуломнинг ижодингиз ҳақидаги мухтасар сўзларини келтиришни жоиз деб биламан. У киши шундай деганлар: “Омон Мухторнинг кейинги йилларда эълон қилинган асарлари ўзбек насрида ва умуман ўзбек адабиётида воқеа бўлди. Адиб бадиий ижодда ўзига хос услуб эгасидир. Ижоднинг губ моҳияти, ижтимоий илдизлари ва миллийлиги нуқтаи назаридан қаралганда, Омон Мухтор асарлари оригинал романлар — ўзбек қиссаларига яқиндир...” Бу гоят тўғри ва катта баҳодир!

Мухтасар айтганда, Омон ака, сиз бугун 60 ёшга кириб, ўз ҳамюртларингиз олдида ёруғ юз, очиқ чеҳра, самимий ва пок назар билан келгансизки, бундан биз дўстларингиз, мухлисларингизнинг боши осмонда. Қўлғу ёш муборак бўлсин, қадрли биродаримиз!

2002 йил 6 сентябрь.

17. ЧОРШАМЪ ҲАҚИДА СЎЗ

Истеъдодли шоир, камтарин инсон Чоршамъ Рӯзиев — Бухоро фарзанди. У уттиз икки йилдан буён пойтахтда яшаса-да, қалби, вужуди Бухоро билан пайваст. У Бухорони, тугилган қишлоғи Миенкўлни юрак-юракдан севади. Шу боис ҳам Чоршамъ юрт меҳри, қишлоқ соғинчи ҳақида кўплаб манзумалар яратди, яратяпти. Келинг, сўзимиз куруқ бўлмаслиги учун унинг “Бухоро барибир бошқача” шеъридан парча ўқиб берай:

Киндик қони тўкилган боисми,
Ҳамиша туяман шу ҳисни.
Бу гаъбир жоизми-пожоизми,
Бухоро барибир бошқача.

Йироқлаб кетганда пайлар-пай,
Гоҳ ҳавас, гоҳ соғинч чорлагай.
Қайтаман — кўзлари порлагай:
Бухоро барибир бошқача.

У ана шундай тоза қалб, чанқоқ нигоҳ билан севади Бухорони. Чоршамънинг эллик йили тўйи тантаналари 2 декабрь куни Бухородан бошланди. Шу куни Бухоро маданият коллежи мажлислар зали шеърят мухлислари билан гавжум бўлди. Адабиёт байрамига айланиб кетган бу анжуманга Чоршамъ шеърлари бадиий безак бўлди. Ундан бир ҳафтача олдин биз Бухорода Фарғона адабиёти кунларини ўтказган эдик. Ўн уч нафар фарғоналик қалам соҳиблари билан ўтган адабий гурунслар, мушоиралар алангаси лонуллаб турган бир пайтда, шоир Чоршамъ таваллудининг 50 йиллиги Бухорода шеърят байрамини яна бир ҳафтага узайтирди.

Шоир тугилган қишлоқ Миёнкўлда бўлиб ўтган тантаналар бир умр ёдда қоларли бўлди. Қишлоқдошлар, тумандошлар шоирни анвойи гулларга кўмиб ташлашди. Шоир ўқиган мактабда бўлиб ўтган адабий мушоира кўнгилларни сурурга тўлдирди. Самарқанддан келган Жамолиддин Хумий, Нурилло Остон, Баҳодир Танбур, фарғоналик Фулом Фатҳиддин, тошкентлик Баҳодир Мурод Али, Қашқаларёдан келган ёр-дўстлар шоиримизнинг кўнглини сарафроз этдилар. Шоир Чоршамъ эса тўлқинланиб шеърлар ўқили. Собиқ устоз-муаллимлар сўзга чиқишди. Бу кун орзиқиб кутилганлиги аъкидланди. Когонликлар истеъдодли шоирлари борлигига шукроналар

айтиб, тантана иштирокчиларини бир пиёла чойга таклиф этдилар.

Чоршамънинг “Шарқий қутб”, “Маҳактош”, “Иккинчи нафас”, “Афанди алдамайди”, “Айро йўллар” китобларидан сўнг “бир қанча китоблари Бухорода чоп этилди.

Маҳактош — тилланинг асл-ноасллигини аниқлаб берадиган махсус воситанинг номи. Менинг назаримда, Чоршамъ укамизнинг ўзи маҳактошга ўхшайди. У инсонни танийди, яхшини ёмондан ажрата билади. Шунинг учун ҳам Чоршамънинг дўст-биродарлари, устозлари ҳақиқий инсонлар, истеъдодли, эл суйган ижодкорлардир.

Бугун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Чоршамъ таваллудининг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган ушбу тадбир ҳам Бухорода бошланган туйнинг давомидир.

Укам Чоршамъ!
Сиз катта ижодкорсиз!
Сиз камтарин дустсиз!
Сиз ҳалол инсонсиз!

Сизга, оилангизга кўпларнинг ҳаваси келади, жумладан менинг ҳам сиздек жонажон укам борлигидан фахрланаман. Илоҳо, умрингиз узоқ, дўстларингиз янада кўпроқ, ижодингиз бундан-да хўпроқ бўлсин!

Бухоройи шарифда бул йигитни кўркам дерлар,
Магарким унинг лафзи, ҳар каломи уктам дерлар.
Маним юракларимда порлаган у Чоршамъ дерлар,
Тошкентда оловланган шоирдир у — малҳам дерлар.

2005 йил, декабрь.
Тошкент.

18. ШАРИФ ОТАНИНГ ЯМ-ЯШИЛ БОҒЛАРИ

Халқимиз орасида шундай истеъдод эгалари борки, уларнинг асарлари ҳеч бир ташвиқотсиз тилдан-тилга, дилдан-дилга кўчиб юради. Ана шундай ижодкорлардан бири, шубҳасиз, Шариф Нурхон эдилар...

Шариф ота ҳаёт бўлганларида, шу йили 105 ёшни қаршилардилар.

Начора, мана йигирма беш йилдирки, бу табаррук инсон орамизда йўқ. Ҳамон эсимизда: 1980 йилнинг февраль ойи ўрталари эди. Шариф ота вафотларидан атиги бир кун олдин ўз қишлоқларидаги

Навоний номли ўрта мактаб ўқувчилари билан учрашув ўтказган, ўзларининг ўнлаб шеър газалларини ўқиб берган эдилар. Аммо кейинги куни отахонни бутун Бухоро тумани ва вилоятимиз аҳли сўнгги манзилга кузатиб қўйишганди...

Шариф Нурхон домла мумтоз адабиётимиз анъаналарини изчил давом эттирган салоҳиятли шоир эдилар. У кишининг тоғаси Самад Махсум саводхон киши бўлиб, Бухоро мадрасаларида ўқиб юрган Садриддин Айний билан яқин ошна экан. У 1916 йилнинг пишиқчилик пайтида қишлоққа қовун сайлига келган Садриддин Айнийга шеърятга кўнгил қўйиб, ўзи ҳам айрим байтлар тўқишни машқ қилиб юрган Шарифни таништиради. Шунда Айний ўртоқлари томонидан “Ҳофизча” таҳаллусини олган Шариф Нурхонни яхшилаб имтиҳон қилади. “Синовдан яхши ўтдинг. Иқтидоринг гоят дуруст, — лейди улуғ адиб, — фақат ўқиш, ўқиш ва ўрганишни қанда қилма, шеър ёзиш ҳавасга эмас, доимий машғулотингга — тақдирингга айлансин”. Шу тариқа устоз ва шогирд ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари узоқ йиллар давом этади. Бу самимий муносабат ҳақида:

Самад Махсум билан Садриддин Айний
Киришиб мангу дўсту ҳам оғайни...
Қилиб она-Ватанга дилни пайванд.
Халойиқ гами бирлан эдилар банд.
Баъзи суҳбатларида бор эдим ман,
Ғаму кулфатларига ер эдим ман.
Уларга сув бергувчи жомчи эрдим,
Улар денгиз эса, мен томчи эрдим...—

деб ёзган эди шоир кейинроқ ўз шеърларидан бирида.

Шариф Нурхон домла ниқоби йиртилган, сохта “Бухоро инқилоби”дан сўнг шаҳардаги ишчи мактабларидан бирида ўқийдилар. Халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт манбалари, ўзбек, тожик ва Озарбайжон мумтоз шоирларининг асарларини қунт билан мутолаа қилдилар. Ўзлари ҳам ижод билан шуғулланиб, шеър ва газалларини “Шариф ҳофиз”, “Шарифий”, “Шариф Нурхон” имзолари билан ёзиб, маҳаллий матбуот саҳифаларида тез-тез кўрина бошлайдилар. Жўшқин меҳнат кучоғида ҳам жонбозлик кўрсатиб, Катта Фарғона канали, Каттакўрғон сув омбори қурилишларида фаол иштирок этадилар. Канал қурувчилари ҳақида шеърлар ёзиб, катта-катта давраларда ўқиб берадилар, жумҳурият раҳбари ва оддий халқ олқишига сазовор бўладилар...

Шоир Ватан уруши йиллари оддий кузатувчи булиб турмади.

Қаламининг ўткир тигини фашист босқинчиларини фош этишга қаратади. Унинг “Олға бос”, “Марди майдон”, “Йигилинг” каби бир қанча шеърлари собиқ “Қизил Ўзбекистон”, “Ёш ленинчи”, “Бухоро ҳақиқати” газеталарида босилади. Шарифий ўзининг “Олға бос” сарлавҳали шеърда жангчиларимизга мурожаат қилиб, уларни душмандан қасос олишга чақиради:

Ол қасос босқинчи ёвдан, жангда ўлганлар учун,
Доғи фарзандга гулдек ранги сўлганлар учун,
Шаҳри қишлоғи бузилиб, ғамда қолганлар учун,
Бу урушда куйди юзлаб кўшқу айвон, олға бос!

Шоир урушдан кейинги йилларда ёзган “Зар дарёси”, “Бухоро-нинг юрак кўри”, “Бухоромиз”, “Мевазор бўлсин”, “Арзир”, “Турар жойим” сингари ўнлаб шеърларида она-юртга, шу азиз тупроққа, унинг бунёдкор кишиларига бўлган меҳр-муҳаббатини самимий мисраларда изҳор этади.

Таъкидлаш жоизки, Шариф Нурхон тўла маънода ҳозиржавоб шоир эди. У ўз асарларини халқ бахшилари сингари ҳаётда рўй бериб турган воқеалар гаъсирида яратарди. Яна ҳайратланарли томони шунда эдики, шоир ўзи яратган деярли барча шеър у газалларини завқ ва ҳавас билан ёд айта оларди. учрашув ва йиғинларда тингловчиларни ўзига мафтун этарди. Бунингдек қувваи ҳофиза, ажиб чехра, хушгуфторлик камдан-кам кишиларгагина nasib этади, албатта. Бир гал шундай бўлган эди: Бухоро гуманидаги “Янги турмуш” жамоа хўжалиги клубида Ўзбекистон халқ шоири Уйғун домла билан учрашув бўлаётган эди. Тасодифан чироқ ўчиб қолди. Ғала-ғовур бошланди. Шунда навбатни Шариф отага бердик. У киши чироқ ёнгунча — роса бир соат ёлдан шеър айтдилар. Ҳар бир шеър тугатганда гулдуроч қарсақлар ёғиларди. Чироқ ёнгач, Уйғун домла ўзларини тўхтатолмадилар: “Э қойил-е, Шариф ота, — дея ўринларида туриб, шоирни улуғлай кетдилар, — булбул келиб сиздан сабоқ ўргансин, тасанно, тасанно!”.. Шундай воқеанинг Бухоро Давлат педагогика (ҳозирги университет) институти йиғингоҳида — Ойбек домла билан учрашувда ҳам содир бўлганини биз ҳамон яхши эслаймиз...

Ҳали-ҳали ёдимда: 1975 йилнинг баҳорида машҳур давлат ва жамоат арбоби, атоқли ёзувчи Шароф Рашидов вилоятимизга ташириб буюргандилар. У киши Шариф Нурхонни ёнларига олиб, Қорақўлу Жондор, Ромитану Пешкў, Фиждувону Шофиркон туманларини машинада кезиб чиққандилар. Ана шунда Шариф ота деярли кун бўйи Шароф Рашидовга яқиндагина ёзиб тугатган “Жиззах кўзғолони”

достони ва бошқа кўплаб шеърларини ёд айтиб берганлар. Рашидов аэропортда — Тошкентга жўнаш олдидан Шариф отани бағирларига босиб хайрлашадилар ҳамда вилоятимиз саркотибига бурилиб: “ўртоқ Муртазоев! Шариф отани асранг, бундай кишилар миллатимизнинг бойлиги, гурури” деб тайинлаган эканлар...

Ўша воқеадан кўп ўтмай, Шариф Нурхонга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони берилди. Бутун вилоятимиз жамоатчилиги шоирнинг 75 йиллик юбилейини тантана билан нишонлаган эди.

Шариф Нурхон отанинг бу қадар халққа сингиб кетганлигининг яна бир боиси шунда эдики, унинг шеърляти ғоятда халқчил, содда ва самимийдир. Шоирнинг баъзи ибратомуз мисралари афоризмларга айланган. Уларни ўқиганинг сари яна ўқигинг келаверади:

Қайроққа тиш ботолмайди,
Сояни тиг чополмайди.
Ақлу жоннинг бозори йўқ,
Биров ясаб сотолмайди.
Даврим донғи ойдек балқди,
Ойни этак ёполмайди.
Ишқ шаробин ичган киши,
Тўлгонади, столмайди.
Шарифийнинг иши кўпдир,
Қаришга вақт тополмайди...

Шариф ота ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ҳар жиҳатдан ибрат намунаси эдилар. У кишидан бизга ёдгорлик бўлиб қолган “Яхшидан шарофат” номли китобларига кирган “Насиҳат”, “Қадрдонимга”, “Азизим”, “Бўлмагил ғофил”, “Кексалар”. “Мен ўлсам” каби ўнлаб газалларида кишиларни ҳалолликка, тўғрилиқка, ҳимматли-саховатли бўлишга, ҳаминча эл хизматига камарбасга бўлишга даъват этилганки, булар гўё кекса донишманднинг фарзандларига насихатномасидай таассурот қолдиради кинида...

Яна ифтихорлиси шундаки, Шариф Нурхоннинг саховатли боғ-бон эканликларини нафақат Бухорою Самарқандда, балки бутун жумҳуриятимизда яхши билишарди. Чунки отахон ўн миллиондан ошқроқ меваги ниҳоллар етиштирган эдилар. Айни пайтда ўша ниҳоллар дарахтларга айланиб, Шариф ота умрининг давомидай яшнаб ҳосил бермоқда. У киши яшаган хонадон чироғини (турмуш ўртоқлари, муҳтарам Ҳамробиви ая бултур вафот этдилар) қизлари — Истат опа, Лолахон, Гулчеҳраҳон, Зебинисоҳонлар, ўғиллари —

Лутфий, Нодирбеклар ёқиб ўтиришибдики, улардан Шариф отанинг уйгоқ руҳлари ҳамиша хабардор.

Бугун шахримиздаги марказий кўчалардан бири Шариф Нурхон номи билан аталмоқда. Бухоролик шоир ва ёзувчилар Жамол Камол, Омон Мухтор, Неймат Аминов, Самандар Воҳидов, Садриддин Салимов, Бахшулло Ражабов, Фулом Шомуродов, Усмон Файзий ва ушбу сатрлар муаллифи ҳам Шариф Нурхонга бағишлаб қатор манзумалар битганларки, бу ҳам отахоннинг умри мангуликка дахлдор эканлигидан шаҳодатдир.

2006 йил.

19. ҚОНИМНИНГ ҲАР ТОМЧИСИДАН...

Шоирлар халқ қалбининг таржимонларидир. Тарих гувоҳ: халқ дардини ўз дардидан, халқ ташвишини ўз ташвишидан устун қўйган чин қаламкашлар доимо эл ардоғида бўлганлар. Бугун хотирлаётганимиз ажойиб шоир, чин дўст, оташин ватанпарвар, олим ва муаллим Тилак Жўра ҳақиқий маънода халқ қалбининг таржимонига айлана олган нодир истеъдод эгаси эди. Адабиётга дахлдор инсонлар ичида шоирнинг “Райҳон”, “Олам остонаси”, “Юлдузлар табассуми”, “Чорраҳадаги уй”, “Сандувоч” сингари шеърӣ мажмуаларини варақламаган, улкан соғинч ва муҳаббат билан йўғрилган сатрларини ўқиб, завқланмаганларни топиш мушкул.

Тилак Жўра адабиётни жуда севар, уни жон қадар, иймон қадар авайлар, шеърӣятнинг покиза дунёсига муносиб бўлиш учун бутун борлигини баҳшида этишга тайёр эди. Унинг мана бу сатрлари шеърӣятга бўлган беқиёс муҳаббати нишонасидир:

Тутдек тўкилди юрагим
Армоннинг хўп санчишидан.
Сени соғиниб кутаман
Кўзларимнинг ачишидан.

Тутдек тукилди юрагим
Аламларнинг қамчисидан.
Сени соғиниб кутаман
Қонимнинг ҳар томчисидан.

Шоирни замон ва муҳит, тўғрироғи, замон ва муҳит олдидаги бурч яратади. Булар шоирга машу беради, ижод мундарижасини белғи-

лайди. Тилак Жўрани шоир қилган, халққа танитган хислат ҳам ҳаёт билан доимий ҳамнафслик туйғусидир.

Тилак Жўра — қишлоқ фарзанди. У ўзи тугилиб вояга етган Сайётни, туркман элига туташ Қорақўл дея аталган масканни, Бухорои шарифдан ҳам қадимийроқ Пойканти жону дилидан севарди. Шу жойларнинг ҳар зарра тупроғини, тошини, гулини, тиканини, сандувочларини бағрига босгиси, азиз ҳамқишлоқларининг дарду аламларини айтгиси, уларнинг орзу-армонларини ижобат этгиси келарди. Ана шундай бағри уммон шоир эди Тилак Жўра!

Унинг “Содда деҳқон саргузашти” туркуми, “Деҳқон кўшиғи”, “Умр ҳақида баълада”, “Мурод бобонинг ҳастахонадаги ҳаёли”, “Осмоннинг ранги”, “Бобомнинг ўғити” сингари ўнлаб шеърлари қадрдон Сайёт қишлоғи бағрида яратилганлигини илғаш қийин эмас. Бу шеърлардан атиргулнинг хуш бўйи таралади гўё.

Бухорои шарифнинг олис бир қишлоғида тугилиб ўсган Тилак Жўра ижод ва меҳнатга чин эътиқоди боис, республикада тан олинган шоир, иқтидорли олим ва таржимон даражасига етди. Филология фанлари номзоди, Тошкент давлат университети доценти сифатида анча муддат ёшларга сабоқ берди. Ғайбулла Саломов, Жамол Камол, Нажмиддин Комилов каби устозлар назарига тушди, Иброҳим Ҳаққул, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим сингари ўнлаб ижодкор дўстлар орттирди, Сирожиддин Саййид, Рустам Мусурмон, Иқбол Мирзо каби қатор навқирон ижодкорлар интилишларига қанот берди. Шу тариқа ўзбек адабиёти ва фанидаги ўз ўрнини топди.

Шоир дўстимизнинг тилаклари соф, умидлари бисёр эди. Ижод бўстонида янги-янги гулдасталар саралаш, кўркам шеър ва дostonлар битишга орзуманд эди. Афсус, шафқатсиз ўлим уни айни ижодий кучга тўлган бир пайтида орамиздан олиб кетди.

Аммо бугун барчамиз унинг шеърлари яшаётганига, фарзандлари унинг ушалмаган орзулари рўёби учун камарбаста эканлигига гувоҳимиз. Беназир шоир ўзи башорат қилганидек, шеърлари бағрида яшашпти ва биз билан доим биргадир:

Оҳанглар оғушида қолажак менинг умрим,
Гўзаллик товушида қолажак менинг умрим.
Умримни куйга ўраб, нурга ураб яратдим,
Шу қуёш ёғдусида қолажак менинг умрим.

Умрини куйга ўраб, нурга ўраб яшаган Тилак Жўранинг нурли шеърлари адабиётимиз хазиначисининг нодир дурдоналари бўлиб қолишига шубҳа йўқ!

2007 йил 26 май.

20. СОҒИНСАНГИЗ МЕНИ, ИЗЛАНГ...

... Биз одатда истеъдолли одамларнинг қадрига ўз вақтида етмай-миз. Билмадим, бу қусур баъзиларнинг вужудига қон билан киргани дейман... Бундайларга ўздан кўра эгаллаган мансаби, курсисини муҳофаза этиш ҳаёт-мамонтдай гап. Ҳақиқат бу! Йўқса, Тошпўлат Ҳамиддай эл таниган, обрўли бир шоирнинг номи анча вақт “денсиниб” юрмасди. Исбот дейсизми? Марҳамат:

Бундан саккиз йилча олдин — Тошпўлат ака вафотига 5 йил тўлиши муносабати билан вилоят газетасига махсус мақола тайёрландик. Бир туркум шеърларини ҳам. Хотира куни олдидан эди бу хайрли ишлар. Таҳририятдагилар эҳтиёткор эмасми, вилоят фирқа кўмитасидан рухсат сўрашибди. Ўшанда кўринг эди томошани: эмишки, Тошпўлат Ҳамиднинг фирқавий ҳаётида қусурлар бор. У собиқ маҳбус, 1 котибнинг дўсти, маслакдошн, қолаверса, Гдьяннинг “қора рўйхатига” гушганлардан...

Бу сўзларни уялмай-нетмай бир масъул ходим гапирарди. Ваҳоланки, мана шу “арбобча” Тошпўлат акадан энг кўп илтифот кўрган, унинг бевосита қўллаб-қувватлаши, тавсиясига кўра вилоят кўмитасига ишга кўтарилган эди. Сир эмас, айрим хушомадгўй, истеъдодсиз, шахсий садоқатли, орқа суягчиқлари туфайли раҳбарлик лавозимига тасодифий ўтиб қолганлар оз эмас-ку. Бу чаласавод кимса ҳам шундайлар тоифасидан эди. Хуллас, “гуноҳсиз” шоирнинг хотираси ёд этилмай қолганди ўшанда.

Бу воқеаларни эслаш, албатта, азоб. Ҳақиқатнинг кўзига тик боқиб, айтиш жоизки, бугун амалидан ажралиб, юзи қаро бўлган ўша безбег “арбобча” на ундан каттароқларининг ҳам Тошпўлат Ҳамид бўйнига қуйи ан “иллатлар”и фирт ёлғон. У ҳам кўплаб юртдошларимиз қатори даврнинг шафқатсиз “ўқига” учраганлардан. Собиқ марказ томонидан ўйлаб чиқарилган “ўзбеклар иши”нинг миси чиққанидан барчамиз хабардоримиз. Ўша “иш”ларга эса Тошпўлат аканинг ҳатто этаги ҳам иланмаган. Буни биз — бухоролик ижодкорлар яхши биламиз.

Тошпўлат Ҳамид қувноқ ва дилкаш инсон эди. У қатнашган давраларда кулги гулхани ёнарди, суҳбати жонон эди. Унинг ўн беш йилча Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимини бошқаргани, ўн йилча “Бухоро ҳақиқати” газетасида муҳаррирлик қилгани кечагидай эсимизда. Тўлиб-тошиб, қайнаб юрарди ҳамиша. Гарчи бағри тўла шеър бўлса-да, тўғриси, кам ёзарди. Ёзганлари эса саз бўларди. “Мендай дангаса бўлманглар, сизлар кўп ёзинглар” дерди у шоғирдларига.

Аммо сарҳисоб қилсак, Тошпўлат акадан басавлат адабий хирмон

қолган. “Күёш шаънига”, “Менинг асрим”, “Бинафша уфқлар”, “Лирика”, “Достонлар”, “Бўстон наволари”, “Асрорқулнинг кўчқори” сингари ўндан ортиқ мажмуалари унинг ижодкорлик салоҳияти юксаклигидан далолатдир. Зеро, уни Ўзбекистонимизнинг ардоқли халқ шоири Абдулла Орипов “Зарафшон воҳасининг хушхон булбули” дея атагани бежиз эмас.

Дарвоқе, шоир акаemiz Қизилтсепادا — шундоққина Зарафшон дарёси бўйида таваллуд топган. Унинг кўп шеърлари жонажон Бўстон қишлоғи васфига бағишлангани ҳам шу боисдан. Тошпўлат Ҳамид яхши журналист ҳам эди. Унинг қаламига мансуб кўплаб очерклар, публицистик мақолаларни муштарийлар ҳамон эсласалар керак. Энг муҳими, у бағри кенг, ёшларга меҳрибон муҳаррир — устоз эди. Давр ва шароит тақозосига кўра у фирқа ишига кўтарилганди. Аммо ижод доимий ҳамроҳи эди унинг. “Шеър ва ғазал менинг ҳар кунги машғулотим. Мансабдаги ишим эса — кун ўтарга, савлат учун...” дерди у гоҳида ҳазиллашиб.

Хуллас, мана шунақа ажойиб инсон эди Тошпўлат акаemiz. Гарчи узоқ йиллар беморланиб юрса-да, ҳаётидан зорланмасди. Тушқунликка берилмасди. “Фирқа ишидан бир амаллаб кутулсам, катта прозага ўтман. Бир романлар ёзайки...” дея изҳори дил этарди. Бироқ машғум ўлим шундай истеъдодли ижодкорни орамиздан бевақт олиб кетди. У 1984 йил 9 февралда Эссендукуи шаҳрида дам олаётганида оламдан ўтди...

Тошпўлат Ҳамиддан яхши ном, гўзал шеърый китоблар, оқил фарзандлар қолгани барчамизга яхши аён. У тирик бўлганида бу йил 80 ёшга тўларди. Аммо бу истеъдод соҳибининг умри мангуликка дахлдордир. Шоир умрининг сўнгги кунларидан бирида шундай сатрларни битиб қолдирганди:

Соғинсангиз мени, изланг
Бог гуллари атридан.
Мен энтикиб сизга боқай
Шеърларимнинг сатридан.

Ўтаб бўлдим ҳаётимни
Берилиб ҳис-туйғуга.
Сизга атаб ижодимни,
Мангу кетдим уйкуга..

Бу шеър ҳассос шоир Тошпўлат Ҳамиднинг ўз халқига, ўқувчисига бўлган меҳр-муҳаббатининг ёлқинга айланган иқрори, босиб ўтган ҳаётининг асосий мезонидир. Шундай экан, у бизнинг сафларимизда, у абадий яшайди...

2007 йил 15 июль.

ЗАМОНДОШГА МАКТУБЛАР

(сўнги йиллар публицистикаси)



АСАЛ ТОТЛИ КУН

Бугун тонгда туриб, атрофга нигоҳ ташладим: жимжима ранглар, симобий тиниқлик, шаффоф мавжлар қалбимга қуйилиб киргандай бўлди. Ҳовлимдаги шафтолига боқдим: куртаклари нафармонга айланибди. Зардоли, олма, бодом шохларига қор қўнгандай. Қўшқулоқ ялпиз баргларида биллурий шабнам, майсалари фораи шабадада майин тебранди.

Англадимки, бу яшариш, янгилавиш Наврўз нафасидир. Англадимки, руҳимнинг тозаргани, ҳаёлимнинг яшнагани — Наврўз тарозитидан.

Наврўз... дошқозонда обдан қайнаб, бошларни айлантиргувчи сумалак ҳиди бор бу сўзда...

Наврўз... катта тандирда онажонимиз ёпган баҳорча нон таъми бор бу каломда...

Наврўз, қир-адирларни оловлантирган лолақизгалдоқ ифорини туймиз сенда...

Наврўз, вужудида янги қон уфуриб, кўпкари чопаётган чавандозларни, зар-заррин зеб-зийнатлар тақиб, ҳаё билан “келинсалом”га чиқаётган ой юзли, хумор кўзли келинчакларни эслатасан сен...

Наврўз, ҳўкизниги шохини мойлаб, қўш қўшиб, барака уруғини сочаётган бободехқон ҳам ўзинг...

Бир сўз билан айтганда, не-не тазйиқлар, олатасир йиллар суронидан омон-эсон бағримизга қайтиб келган Шоҳ байрамимизсан.

Наврўзимиз, тарихчиларнинг шоҳидлик беришларича, сени Шарқ халқлари қарийб уч минг йилдан буён нишонлаб келаётган эканлар. Бойси, сен туғилган кун — 21 мартда кун билан тун тенглашади. Табиат тағин-да яшнаб-йшаради. Оламу одам бағрига баб-баравар нури ҳидоят сизиб киради. Сенингдай дилбар, диловар кун ҳақида қомусий олим Умар Ҳайём ўз “Наврўзнама”сида, Беруний ўзининг “Тушунтириш”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарларида, Фирдавсий “Шоҳнома”сида турли маълумотлар берган бўлсалар, йиллар ўтиб ҳам, сенинг мадҳинг, шан-шуқуҳинг халқ дилидан, шоирлар тилидан тушмади. Сен гоҳо гул тарзида, гоҳ севги чақини бўлиб, гоҳо мангу муҳаббат олови, гоҳ булбул куйи бўлиб яшаб келяпсан. Ҳайдар Ҳоразмий “Гул ва Наврўз” дostonини ёзиб, мамлакатга осойишталик, меҳнаткаш халққа фаровон ҳаёт тилади.

Ҳазрат Навоий эса “Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин

Наврўз!” дея оташин мисралар битди. Яъни “Эй одамзод, ҳар бир кечанг Лайлат ул-қадр каби хайрли, қутлуғ бўлсин, ҳар бир кунинг янги кун бўлсин!” дея инсон зотиға камдан-кам насиб этадиган олий саодат ёр бўлишини дил-дилдан хоҳиш этди. Шоҳ Маираб сени кўркам баҳор қиёфасида кўрди. Муқимий, Фурқат, Нодира, Увайсий, Зебуннисолар ҳам, замондош шоирларимиз ҳам боқийлигинг, қалбларға абадул-абад ошнологинг, рўшнолигинг, шавқу завқбахшлигинг хусусида меҳру ихлос билан қалам тебратганлар...

Наврўзимиз, сен Истиклолимиз туфайли янгича мазмун касб этмоқдасан, қарийб ўн икки йилдирки, Дўстлик, Бироларлик, Қашмқариндошлик, Бирлик байрами сифатида тилларда, дилларда аксадо беряпсан. Сен туғилган қутлуғ кунда покланиш, қайта туғилиш, яшариш янада сайқаллашади, гина-кудураглар унутилади, иноқлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик гуллари чирой очади, марҳум авлодаждодларимиз хотираси ёд этилади, уларнинг қабрларига чироқлар ёқилади, анвойи гуллар қўйилади. Сен шундай хосиятлисанки, таширфинг дийдаларимизга олам-олам қувонч ва нур олиб келади...

Маълумки, инсонға ҳар кун, ҳар дақиқада меҳр-оқибат, олижаноблик, хайру саховат лозим. Зотан, Қуръони Каримда ҳам мусулмончилик қоидаларидан бири сифатида закот берин зарурлиги алоҳида уқтирилган. Буни мудом эсда тутишимиз лозим. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Наврўзимиз, сени хайру саховат ва эзгулик байрами ҳам деймиз. Янги йил, Янги кун деб аталмиш шу хушбахт дамларда кишилар азиз ота-оналари, дўсту ёрларини табриклайдилар, нуруний отахону онахонларини зиёрат қиладилар, беморлар, ердамға муҳтож қариялар, етим-есирлар, ногиронлар кўнглини овлайдилар, уларға мадад қўлларини чўзадилар. Мухтасар айтганда, Наврўзимиз, сен меҳр-оқибатли дилларға яхшилик уруғини сепувчи саховатли деҳқондирсан!...

Наврўзимиз, қалбимиздан шу қадар чуқур жой олгансанки, талай удумларимиз, яхши урф-одатларимиз сенинг номинг билан боғланиб кетган. Наврўз кун, туғилган бўлса, ўғил боланинг Наврўз, қиз боланинг Наврўзой деб аталиши меҳримизнинг чексизлигидан дарак эмасми? Қадимда банди маҳбусларнинг гуноҳи Наврўз кунларида кечирилган. Ҳозирда ҳам ушбу анъананинг мавжудлиги сенинг шарофатинг туфайлидир. Беруний бобомизнинг ёзишларича, Наврўз кун, тонг отганда биров сўзга киришишдан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак хушбўй мум тутатса, кўп касалликларға шифо бўларкан. Айни пайтда ҳам бундай удумға амал қилиб келинмоқда.

Шу боисдан журъат этдим: Наврўзимиз, туғилган кунинг — 21 мартни Асал тотли кун, деб атагим келди...

Азиз юртдошларим, суюкдан-да-суюк қаъвм-қариндошларим: ушбу Асал тотли кунда ҳар бир инсон қалбига яхшилик уруғини сочайлик. Улар эзгулик гуллари бўлиб палак ёзсин. Аҳиллик, тотувлик, бардошлилигимиз янада мустақкамлансин!

Ёрқин иқболингга боқаман мамнун:
Бахтинг бутун эрур, бўлмагай чорак.
Элим, қутлуғ сенга Асал тотли кун,
Бухором, Наврўзинг бўлсин муборак!

2004 йил 20 март.

БИР ҚЎЛИДА БЕШИК, БИР ҚЎЛИДА ДУНЁ...

Ҳурматли онахонлар, азиз опалар, сулувдан-да-сулув сингилжонлар!

Ҳаётда нима кўп: байрам кўп, тантана кўп, тўю томоша кўп. Алқисса, шонли кунларнинг саноғи йўқ. Бунини юракдан ҳис этган оташнафас, фидойи шоиримиз, бухоролик Султон Жўра бундан етмиш икки йил олдин “Бизнинг ҳар кунимиз ўзи бир байрам” дея ифтихор билан ёзганли.

Бу — Ҳақ гап!

Аммо тақвим варақаларида алоҳида белгиланган ва сизлар билан нишонлайдиганимиз тантанали кунлардан ташқари, кўпинча биз, эркакларнинг толеимизга битилган алоҳида кунлар ҳам бор: мажлислар, муҳокамалар, саванлар-ясашлар... Бу тадбирлар ҳам кимгадир байрам, кимларгадир сўнгги қадам... ҳар қалай, бор бўлсин бундай қувончли ва ташвишли дамлар. Йўқса, одамзод ўз йўриғича, тўғрими-нотўғрими яшайверади...

Бироқ бугун бошқача кун: бугун оламни кафтида тутишга, борлиқни оқ ювиб, оқ тараб, асраб-авайлашга, қалбнинг ҳарорати ила ой юзидаги доғларни, қуёш юзидаги губорни аритишга, бир қўли билан бешиқни, бир қўли билан дунёни тебратишга қодир энг мўътабар, энг олижаноб — онажонларимиз, опахонларимиз, сингилжонларимиз байрами, яъни сизларнинг байрамларингиздир. Байрамларнинг гўзал байрами, сафоли, наволи, пафоли байрами — 8 март қутлуғ бўлсин сизларга!

Бугун сиз ҳақингизда фақат яхши гапириш керак, таърифингизни шундай келтириш керакки, ташқарида кўз очаман деб турган бутуқлар, куртақлар жилмайсин. Қаршингиздан лоқайд ўтиб кетади-

ган йигитлар сизга тақдим этгали бозорлардан, гулхоналардан гул излаб, овораю сарсон бўлишсин. Ахир, бугун сизга гул тутмаган, сизни юрак-юрақдан қутламаган эркак зоти оғир гуноҳга ботади. Гулли фақат гул билан, меҳр билан, мурузват билангина эъзозлаш мумкин. Ҳазрат Навоийга бир қулоқ тутинг:

Не деб айлай жонни зулфи мушки буюнг садқаси,
Булса минг жон оздурур ҳар тори мўюнг садқаси.
Нақш этиб кўнглумга жаннат эврулурмен кўюнгга,
Айларам бу навъ ила жаннатни кўюнг садқаси.
Елга ҳамроҳ оташин гул майл этар базминггаким,
Бўлгай ушбу важҳ бирла рангу бўюнг садқаси...
Қадду рафторинг Навоий кўргали бўлмоқ тилар
Кўнгли рафторинг фидоси, жони бўюнг садқаси.

Ва ёки буюк Фузулийнинг бугунги ошиқ йигитларнинг ҳам дил иқрорини ифода этган мисраларига эътибор беринг:

Фузулий шеваи эҳсонинг истар бир гадойингдур.
Дирилдиқча санинг кўйинг. йўлингда хоки пойингдур.
Керак ўлдир, керак кўй, ҳукми-ҳукминг, раъйи- роъйингдур,
Кўзим, жоним, афандим, севгим, давлатли султоним...

Ушбу хуш давраларда бундай ўтли мисраларни, эҳтиросли сатрларни истаганча келтиришимиз мумкин. Дунёда бирорта шоир йўқки, аёлларни меҳр билан, муҳаббат билан васф этмаган бўлса. Сиз уларнинг битиклари саҳифаларидан гоҳ Лайли, гоҳо Ширин, гоҳо Зуҳро, гоҳо Беатриче, гоҳо Барчин бўлиб боқасиз. Не Фарҳодлар, Мажнунлар, Тоҳиру Алпомишлар ҳамон-ҳамонки сиз туфайли сарбаланд бўлиб юрадилар. Сиз туфайли уларнинг кўзига ҳаёт бамисоли сермавж дарё бўлиб, пок-покиза дунё бўлиб кўринади. Чунки сиз — ҳаётнинг бошисиз, ёрсиз — ҳуморсиз, онасиз — жонга-жонсиз, жонажонсиз! сиздан ким иллат ахтарадиган бўлса, хато қилади. Сизни ким ёмон деса, унинг ўзи ёмон. Эсингиздадир: бундан етти-саккиз йил бурун Тошкентда “Ўзбекистон маликаси”ни аниқлаш бўйича таълол ўтказилганди. Бу — бир томонлама қараш, гўзалликни чуқур ҳис этмаслик эди. Ахир, ўйлаб кўрайлик: аёлларнинг қайси бири “мен хунукман” дейди. Қайси бир қиз ўзини маликаман лемайди. Менимча, ҳар бирингиз маликаю малойикаларсиз. Негаки, сиз бўлажак оналарсиз. Амир Темурдек, Бобурдек даҳоларни, Алпомишу Барчинойдек йигит-қизларни дунёга келтирувчи волидайн муҳтарама-сиз. Онадан ким нуқсон ахтарса, бир умрга хато қилади. Инчунун,

бисотимиздаги энг эзгу сўзлар сизнинг номингиз билан боғлиқ. Она-Ватан, она-тупроқ, она-сўз, она-тилим, она-элим, она-Бухором! Қандай жарангли, ифорли бу сўзлар!..

Тўғри, баъзида биз, эркаклар қадрингизга етмаймиз. Она эканингизни улуғамиз. Бир пайтлар — жиловимиз ўзгалар қўлида бўлганида бутифосдан тўйинган дагаларга сизни йўуладик. Қуёшнинг қирқ-эллик даражали иссиғида пахтанинг қулоғидан тортиб, сиз меҳнат қилдингиз. Товонларингиз ёрилғунича, кафтларингиз терс бойлағунича, бешик қўнғироғини янгратишга, ўз ёрингизнинг юз-кўзларини силашга, ардоқлашга муносиб нозик қўлларингиз шилинғунича жон койитардингиз. Аммо меҳнатингиз роҳатини курмасдингиз. Ўшада кўкрак сутингиздан пестицитлар топилганди... Бунга биз, эркаклар айбдор эдик. Баъзи аёллар ўзига ўт қўйишган эди, бунга ҳам эркаклар айбдордир. Негаки, сизларни асраб-авайлашни билмадик. Онанинг фарзандига нечоғли ғамхўр ва меҳрибон эканлигини, керак бўлганда ўз жонини ҳам аямаслигини унутгандик. Арманистонда зилзила бўлганида харобалар остида бир неча кун қолиб кетган ёшгина бир аёл қўрқувдан сути қочиб қолганида, томирини тилиб, олти ойлик боласига ўз қонини ичирган экан. Душанбедаги зилзиладан сўнг Шарора қишлоғида тупроқ уюмлари остидан бешикка бойланган гўдакни топиб олишган. Табиийки, уни онажонининг дуолари асраб қолган... Қабри нурга тўлсин ўша гўдакни бешикка белаган аёлнинг.

Бундай жонфилолик жумла аёлларга хос бебаҳо фазилатдир. Буни унутмоқлик — ожизлик нишонаси, кўнгил оинасининг хиралашгани демакдир...

Олам оналар нафаси билан тирик! Ҳаёт аёлнинг биргина жилмайиши билан мусаффо. Табиийки, умр мазмуни сиз билан вобаста!... Шуқурки, бугун чеҳрангиз чароғон, юз-кўзингизда шодлик шароралари тошқин. Истиқлол офтобидан мамнун ва мағрур боқасиз. Тилингизда, дилингизда озодлик қўшиғи. Бу кунларни алқашни, унга кўксимизни қалқон қилишни ҳам такрор уқтиряпсиз. Оғир кунлар тезда ўтиб кетишига ўзингиз шоҳидлик беряпсиз. Шу боисдан, сизлар эркимиз, истиқлолимизнинг ҳам оналарисиз. Сиз кафт очиб, дуо қилиб турсангиз, бас, Ўзбекистон ширин фарзандингиздай кун сайин, ой сайин бўй чузавсради. Учинг қадду камоли чинордай бўлишига шак-шубҳа йўқ!

Онажонлар, ардоқли опа-сингиллар, суюкли рафиқаларимиз! Яна бир карра, байрамингиз қутлуғ бўлсин!

2005 йил, март.

КҮНГИЛ ҚАСРИНИНГ МЕЪМОРЛАРИ

Аёнки, ёшликдаги хотира тиниқ ва беғубор бўлади. Кўрган-кечирганларинг, ўқиб-уққанларинг, тинглаб-илгаганларинг шундоқ қалбингга сингиб қолади. Бир ширин энтиксанг ёки бир хаёл дарёсига шўнғисанг, бариси кўз ўнгингда бир-бир жонланади.

Бир одамохун, фариштасифат ўқитувчимиз бўларди. Салди Салоев деган. Урушда Одердан кечиб ўтиб, фашистнинг уясига ўт қалайман деганларида бир оёқларидан ажраб, қўлтиқтаёқда қишлоққа қайтиб келганлар. Ўта озгин ва ниҳоятда камтарин эдилар раҳматли. Шу кишидан алифбони ўрганганимиздан гоёйда гурурланардик биз голиблар. Бунинг сабабини кейинроқ билганмиз: муаллимимиз жуда талабчан, самимий, синфимиздагиларнинг барисини ўз фарзандларидек ардоқлайдиган, мухтасар айтганда, болажон устоз экалар. Меҳрга — меҳр деганларидек, домламиз бизни қанча севсалар, биз ҳам шу қадар яхши кўрардик у кишини.

Ўша йиллари тарбиявий соат, яъни “Одобнома” дарслари ўтиларди. Салоев домла дунёнинг алғов-далғоиларини кўп кўрган эмасми, шундай қизиқ ривоятлар, саргузашт воқеаларни сўзлардиларки, такрор-такрор эшиттинг келарди. Сўнгра санол-жапоб бошланарди. Ҳали-ҳали эсимда: шундай дарсларнинг бирида у киши биз — ўқувчилардан сўраб қолгандилар:

— Энг ҳурматли инсон ким?

Биз домламизни назарда тутиб: — Муаллим! — дегандик.

— Тўғри! Хўш, айтинглар-чи, — дея яна бизни қизиқтиргандилар, — энг билимдон олим ким? Биз яна бараварига: — Муаллим!

— Баракалла, буям рост гап. Мана энди бу саволга жавоб бeringлар: — Энг нафосатли, назокатли ва гўзал инсон ким?

— Албатта, муаллим-да!

— Яшанглар, болаларим! Энди энг сўнги саволим: — Дунёда энг ботир ва жасур инсон деб кимни биласизлар?

— Ўзингизни-да, муаллимжон!..

Салоев домла бирам роҳатланиб кулгандилар-у, кейин хушҳол кайфиятда:

— Бир мени эмас-да, ҳамма ўқитувчиларни ҳам шундоқ деб билинглар! — дея ўқтиргандилар...

Ҳозир шу суҳбатни эслайтуриб, кўнглимдан кўп нарсалар кечди: биз-ку ўшанда ҳали “пишмаган”, гўр болакайлар эдик, ҳаётнинг пасту баландини тушунмасдик. Мактаб ўзи қанақа даргоҳ, муаллим-

нинг ўзи ким, деган саволларга мукаммал жавоб қайтаришга ақлимиз ожизлик қиларди. Тўғриси, юқоридаги жавобларимиз ҳам домламизга хуш ёқиш учун айтилгани сир эмас. Аммо Салоев-чи? Магтиқан таҳлил этайлик: Ўртага ташлаган саволлари ғоятда ўқтам ва айни пайтда ҳаққоний эмасми? Дунёда касб-қору ҳунар кўп. Лекин унинг дояси битта — ўқитувчи! Айтайлик, сиз билимдон, оқил, риёзатни писанд қилмайдиган инсонсиз. Улуғ кашфиётлар соҳиби сифатида додруғингиз таралса, сўрашлари табиий: хўш, бу йигитнинг муаллими ким? Ёинки, эл бошига ташвиш тушганда, дейлик, кўксингизни қалқон этдингиз. Ўшанда “устозига балли-е шундай одамнинг” дейишлари шак-шубҳасиз. Билъакс, босар-тусарингизни билмай қолдингиз, кўзингизни ёғ тутган, ҳиммат нима, саховат не — унутдингиз, қисқаси, одамгарчилик қиёфангизни йўқотдингиз. Шунда ҳам нафрат тошлари бир ўзингизга эмас, ўқитувчингизга ҳам тегиб кетади: “Бу бетонфиқ мактаб кўрганми ўзи, кимнинг қўлида сабоқ олган?”

Ҳа, мана шунақа! Яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам устози — ўқитувчи! Диёнатли, иймону инсофли бўлсангиз, элу юртим деб яшасангиз, боғбонингиз сарафроз: унинг бошига нури ҳидоят ёғилади. Аксинча бўлсангиз, санги маломат! (Қодир Худойим, ўзинг асра бундай шармандаликдан).

Хулоса шулким, ўқитувчига осон эмас экан. Ҳақиқий муаллим эса, зукко меъмордай гап: иккисиям шаклантиради. Бири бинони, иккинчиси қалб қасрини! Назаримда, кейингисининг хизмати буюқдан-да-буюк! Ахир, меъмор деганнинг ҳам тарбиячиси шу улуғ зот ҳисобланади-ку! Инчунин, ўқитувчи ўзига ҳайкал қўйиши шарт эмас. Чунки унинг меҳнати юракдан-юракка кўчиб юргувчи тирик ҳайкалдир!

Бу — ҳақиқат! Ҳамма замонларда ҳам билимли, мард ва жасур, покдил, насл-насаби тайин, шоғирдишеша, гўзал хулқли муаллимларнинг ҳурмати баланд бўлган. Ҳозир ҳам, албатта, шундай! Аммо кўриб-билиб келдик: Ўқитувчининг обрўи пасайган йиллар кўп бўлди. Хусусан, қишлоқдагиларнинг. Кўз юзмайлик: бирор чайқовчи, олибсотар маъракага келса, давранинг тўри ўшаники эди. Чунки у пулдор-да! (Айни пайтда ҳам баъзи жойларда шундай аҳвол учрайди). Аммо нафсиламбирини айтганда, шу текинхўр бойваччанинг ўзи ўйлаб кўрганмикин: ҳалол ва камтарона яшаб келаётган шу мўтабар зотдан юқорига ўтиб ўтиришга маънавий ҳаққи борми унинг? Бу ҳақиқат моҳиятини англаш учун фаросати етмаса, нима қилсин шўрлик?!...

Ёки бошқа мисол: Ўша йиллари ўқитувчининг оддий колхозчидан фарқи йўқ эди. Эсласам, ўртанаман: бир ўқитувчи дўстим декабрда ўқувчиларини пахта даласидан сал барвақтроқ қайтаргани учун (ҳаво совуқлиги боис) саводсиз раис ва бригадирнинг важномалари билан ўн беш суткага қамалган эди. Бечоранинг арз-додини тинглайдиган замон эмасди-да...

Вақт эса буюк ҳақам! Мана замон ўзгарди, замин ўзгарди. Бўйинтуруқни бўйнимиздан соқит қилдик. Беадад шукроналар бўлсинки, ҳурмиз! Энди оқим ўз измида. Муаллимнинг обрўи толеидай яна баланд бўлишига шак-шубҳа йўқ. Кун икка мураббийлардан кўпчилигига давлатимиз орден ва медаллари, юксак фахрий унвонлари берилганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Биз — Шарқ фарзандларимиз. Шарқона одоб, шарқона фазлу фазилат, буюк боболаримиз ўлмас меросига меҳр-муҳаббат, азалий анъаналаримиз, боқий қадриятларимизни ёш авлодга ўргатмоқ ҳар бир муаллимнинг виждон бурчига айланмоғи керак. Дунё аҳли билан юзма-юз турибмиз. Бизни жумла олам тан олди. Дунёвий илмларни. Шарқ маънавиятини кўпроқ ўргатайлик болаларимизга. Улар араб, инглиз, олмон, фаранг, форс ва бошқа хорижий тилларни мукамал ўрганишсин! Оламга уйғоқ кўз билан боқинсин. Дунёларга чиқишнинг ойдин йўли шу! Тижоратни фақат олиб-сотарлик, қинғир йўллар билан пул ва бойлик тўплаш деб билган кўплаб ёшларимиз китобдан йироқлашишди. Уларни бу нопок йўлдан қайтарайлик. Бу жиҳатдан сизнинг зиммангизда юксак маъсулият юки бор, азиз ўқитувчилар! Ўзбекистон — истиқлол дарахти! Унинг яшнаб-яшариши, теран томир отиши фарзандларимиз камолига боғлиқ. Уларни меҳр ардоғида тарбиялайлик. Бу йўлда асло ҳормангиз!

Улуғ байрамнингиз қутлуғ бўлсин, кўнгил қасрининг меъморлари — муҳтарам мураббийлар!

2005 йил, сентябрь.

МУСАФФО ФАСЛ

Бундан бир ярим йилча олдин ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани ҳамон унутолмайман. Ўшанда юрагимга титроқ тушганди. Бир лаҳза тилим, дилим, идроким лол бўлиб қолганди...

Мени тарбиячи опа мўъжазгина залга олиб кирди. Саккизинчи март арафаси эмасми, болакайлар онажонларимиз байрамини ўтқа-

зишастган экан. Попукдай бир қизалоқ давранинг ўртасида туриб, қушиқ куйларди:

Саккизинчи март бугун.
Опажонлар байрами...

Вужудимни титроқ босди. Нега? Нега? деган савол куйилиб келди тилимга. Нега бу қизалоқ “опажонлар байрами” демасдан, “опажонлар байрами” дея муниг билан қушиқ куйлаётир. Мен унга, атрофида жўр булаётган жажжиларга бир-бир нигоҳ ташлайман. Бариси шол кўринса-да, рақсларида, ашулаларида сунъийликни, маъюсликни илгадим. Онасиз, отасиз ўсаётган бу гўдаклар “опажонлар байрами” дея қандай айтсин, ахир. Ҳали ҳаёт бағрига келиб-келмасданок, кўкрак сути ўрнига қоғозпеч “мол оқи” (молоко)га дучор этилган, дуркун болалиги аччиқ армонга айланган бу бегуноҳлар “она” деган сўзни қай тарзда тилга олсин, ахир! Йўқ, йўқ, тилга олишади. Фақат бир нолиш билан, илтижою маъюслик билан, азобу изтироб билан...

Болакайларнинг қушиқ-куйларини охиригача тингладим. Менга ҳам навбат беришди. Онажонлар байрами ҳақида илиқ сўзлар айтдим, шу мавзуда шеърлар ўқиб бердим. Бари бир, кўнглим жойига тушмади. Сўнгра “даврабоши” бўлиб, “опажонлар байрами”ни айтган ўша қизалоқни ёнимга ўтқаздим:

— Исминг нима, қизим?

— Нигора, — деди у кўзларини срга тикиб.

— Тўғрисици айт, кимни яхши кўрасан?

— Боғча опамни.

— Онаггни-чи?

— Онамни? Менда она йўқ-ку. Кетганлар мени ташлаб, узоққа...

Отамни билмайман...

Сухбатни давом эттиришнинг имкони йўқ эди. Қизалоққа овунтирувчи сўзлар айтиб, таскин берган эсам-да, хато қилганимни, унинг нозик кўнглини огритиб кўйганимни англагандим. Уни меҳр ила эркалаб, ташқарига чиқиб кетдим.

Суриштирсам, Нигоранинг отасиям, онасиям тирик экан. Бирови ашаддий ичувчи-пашаванд, иккинчиси санъатнинг кўчасидан ўтмаган сатанг “раққоса”. Уларнинг Нафиса исмли яна бир қизлари шу меҳрибонлик уйининг “аъзоси” экан...

Энди бир тасаввур қилинг, азиз дўстлар, ўзлари тирик юратуриб, пушти камаридан яралган гўдакларини меҳрдан жудо этган, уларни стимулликка маҳкум этган бундай кимсаларни ким деб, нима

деб атамоқ мумкин? Бола бечорага “онажон”, тагин-да “отажон” деган сўзларни айтмоқ армонга айланабди-я! Нечоғлик даҳшат бу!

Минг афсуски, бундай фожеадан тониб бўлмайди. Гуноҳсиз гўдакнинг уволи тутмайлими сизларни, ҳой тийиқсиз, пиёниста “оталар”, бетайин, беномус, болабезор “оналар”?!

Меҳрибонлик уйидаги ҳар бир боланинг пешонасидаги аччиқ қисматни ўқимоқчи бўлсангиз, дарзага тушасиз. Аксариятининг ота-онаси “мен ҳам одамман” деб юрибди сизу бизнинг орамизда. Маса-лага чуқурроқ ёндашсангиз, болалик дунёсини оёқ ости қилаётган бундай кимсалар “ёшлик — бебошлик” дея “хато” қилганлар, фақш ботқоғига ботган болапарастлар, икки-уч ой турмуш қуриб, “характери” бир-бирига “тўғри келмаган” енгилтақлар, ўзга вилоятлардан “созанда” ниқобида келиб, белига “тукканини” пася қилиб ташлаб қочган бетайин аёллар ва ҳоказо номарллар. Энг даҳшатлиси, бир қанча болакайларнинг на отаси, на онаси маълум экан. Уларни шундоққина йўрғаклигидаёқ етимхона эшиги олдига кўйиб кетишган. Сочлари маллараниг, кўзлари кўм-кўкқина бу норасидаларнинг ҳатто туғилиш гувоҳномаларига ғалатиноқ манзилгоҳ ёзилган: “Бухоро шаҳри, фалон меҳрибонлик уйи...”

Барчага яхши аён: Ўзбекистондай болажон юрт етти иқлимда ҳам йўқ. Мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялаш, ўқитиш, уларни ҳаёгимиз учун керакли мумтоз фарзандлар қилиб вояга етказиш соҳасида кўплаб ишлар қилинмоқда.

Шу ўринда бир мисол. Вилоят ҳокими Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болаларга Президент совғаларини топшираётғиб, ҳукуматимизнинг ёш авлод, хусусан етим-сир болаларга кўрсатаётган ғамхўрликлари ҳақида алоҳида тўхталди. Зеро, етим болаларга кўрсатилаётган меҳрибонлик, чексиз саховат ҳам инсонпарварликнинг олий кўришишларидадир. Аммо юртимиз шунанча болажон юрт экан деб фарзандини дуч келган жойга ташлаб кетиш инсофданми?

Бир ёзувчи дўстимизнинг ҳикоя қилишича, бошқа мамлакатларнинг шаҳар-қишлоқларидан бетайин қиз-жувошлар республикамизга оғир оёқ бўлиб келишаркан-у, қоринларини “бўшағиб”, етимчаларини болалар уйлари олдида ташлаб “қуён” бўлишаркан. Чунки ўзбеклар болапарвар халқ-да!... Бундай англи ҳолатлар вилоятимизда ҳам кўплаб содир бўлаётгани сир эмас. Шу ўринда бир ўринли танбеҳ пайдо бўлади ҳасяда: Ҳой бетавфиқлар, томорқангизда аччиқ данак экдирибсизми, уни ўз “борчангизда” ўстиринг-да! Нима қиласиз уни ўзгаларнинг ҳалол боғига ташлаб кетиб?...

Оғир бўлса-да, тан олмай илож йўқ. Мана шу “учар ошиқ-маъшуқлар” “ҳиммати” туфайли ҳозир республикамизда ота-она васийлигидан маҳрум этилган 30 мингдан ошиқ бола бор. Болалар уйларида тарбияланаётганлардан асосий қисмининг ота-онаси тирик. Вилоятимиз Меҳрибонлик уйларида ўсиб-улғаяётган бегуноҳ, қалби кемтик болалар ҳам, албатта, шу ҳисобга киради.

Болалар — бахтимиз, умид ва ташвишимиз. Уларни соғлом ва бақувват, маънавий жиҳатдан мукамал инсон қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Боланинг ёш чоғидан ота-она бағридан ажралиши унинг руҳий ҳолатига салбий таъсир ўтказиши, қалби яримта бўлиб ўсади. Ёши улғайган сари жудолик оғир изтиробга айланади. Буни умр бўйи эслаб юради. Руҳшуносларнинг қайд этишича, бола ёнида ота ёки онаси йўқлигини ҳаммадан аввал тушунади ва бу армонни катталарга нисбатан оғир кечиради. Шундай экан, болаларнинг кўз ёш тўкишларига барҳам бериш, уларнинг тенгдошлари даврасида ўзларини ёлғиз ҳис этмасликларини таъминлаш ҳар бир ота-онанинг виждон амрига айланмоғи лозим!

Бугун республикамизда болалар омонлиги, маънавий дунёсининг бутунлиги йулида нима иш қилинаётган бўлса, бу меҳру оқибат келажак авлодлар тақдирида намоён бўлади.

Ҳа, болалик — мусаффо фасл! Бу ям-яшил фаслнинг гулу япроғига гард тегмаслиги керак!

2006 йил, январь.

БУЮК МЎЪЖИЗА

Яқинда хориж сафаридан қайтган дўстим Прага боғларида сайр қилиб юрганида ўзини таажжубга солган бир ҳодиса ҳақида сўзлаб қолди: Боғда сайр этиб юрган каттаю кичикнинг қўлида китоб. Истироҳат баҳона шаҳар боғига келган ота-она, бобо-буви, хуллас, ёш қари майсазорда, дарахтлар соясида ўйнаб юрган кичикинтойлардан бохабар бўлган ҳолда ёппасига китоб ўқиш билан банд. Сўнгра у Петербургда ҳам оламларнинг метро вагонларида, бекатларда, боғларда китобни қўлдан қўйишмаганини кўриб, тағин қойил қолганини таъкидлади. Мен аввалига дўстим анча олдинги гапни айтиб мени лол қолдирмоқчи, шекилли, дея ўйлаб, бепарво жилмайдим. Юзимдаги ишончсизлик ифодасини кўрган биродарим айтаётганлари шу кеча-кундузнинг гаплари эканлиги таъкидлаб, мени ҳам ўз

таажжубига шерик қилди... Тўғри-да, биз “Овруро аллақачон издан чиқиб кетди”, дея ваъз ўқишни кундалик машғулотиимизга айлантирибмиз-у, аслида ўзимиздан ўтган қусурлар ҳақида бош қотиришга уриниб кўрмабмиз.

Ахир, китоб — буюк мўъжиза! Бир донишманд айтганидек, “Китоб ҳаётнинг эгри-бугри сўқмоқлари, алғов-далғов наст-баландликларидан ўтишда инсонга мадад беради, ғамли онларда ютагади, беморлик пайтларида ўртоқ бўлади”.

Дўстимнинг гапи ўйга толдириб, ҳаёлим олис болалик томон учди. Мактаб сабоғини энди бошлаган, дунёда китоб деган улуг қадрият борлигини мурғак қалбим ила ҳис қила бошлаган, кейинроқ шеър машқига дил боғлаб, ижод ҳиссиёти асирига айланганим кунлар хотиротига берилдим.

Қишлоғимизда амирлик даврида Мири Араб мадрасасида таҳсил кўрган, тўнтаришгача бўлган фаолияти мадраса мударриси сифатида кечган Шери Арслон бобо деган нуруний инсон яшарди. Дарвоқе, мадраса талабаларини амир ҳузурида имтиҳон қилишганида, у кишининг хушоҳанг қироатларига маҳдиё бўлган Амир Олимхон устидеги зарбоф тўнни ечиб, навқирон толиб елкасига ёлган экан. Мана шу муйсафидга ҳар гал кўлимда китоб билан рўбарў бўлганимда “Э, болам! Румийни биласанми? Машрабни-чи?” дея сўроққа тутардилар. Қуръони Каримни ед билган қори Ҳасан, илму амали уйғун, нафиси ўткир Шамсиддин бобо, Ҳамро бобо каби маърифатли инсонлар ҳам олис болалигим кўчаларини нурафшон этган сиймолардир. Аммо улардан бири — Султон бобо айтиб берган аянчли хотирани ҳозир ҳам эсласам, ларзага тушаман. 30 йиллардаги қатагон қирғинидан юрак олдириб кўйган Султон бобо кўз қорачиғидай авайлаб юрган икки мингдан зиёдроқ китобни қишлоқ қабристонидеги қатта сағаначиға кўмган эканлар. Орадан йигирма-ўттиз йил ўтиб, сағанани очганларида... “қоп-қора кулга айланган китобларни ҳовучлаб, қон-қон йиғлаганман”, — дер эдилар Султон бобо ҳар гал кўз ёшларини тухтата олмай.

Ҳозир ҳам қишлоққа тез-тез бораман. Аммо ҳамқишлоқларим мени маъзур тутсинлар-у, ўша мўътабар нурунийларнинг ақалли шарпаларини топа олмайман. Ёшларга ибрат бўлиши керак бўлган отахон бола-бақрани атрофига йиғиб олиб, қарга ўйнаса; неваралари билан биргалашиб, Мексика сериалларини томоша қилса; келинларига кўшилиб, қайси хонанда неча марта уйланган-у, қайсиси неча марта турмушга чиққанини муҳокама қилса; газета нарақлаб, мунажжимлар башоратини қидирса... Бундай манзарага собиқ мустабид тузум —

эрк бўғилган, миллат шаъни топталган, миллий қадриятларга эътибор сусайган. муте. “Доим тайёр!” шиорига сўзсиз амал қиладиган авлодни шакллантириш кун тартибига қўйилган бир даврда дуч келинса, ҳарна, чидаш мумкин эди. Ахир, биз тула маънода мустақилмиз! Ўз эркини қулга олган халқ уни мустаҳкамлаш учун аввалгидан кўпроқ интилиши, меҳнат қилиши, заҳмат чекиши керак эмасми?!

Мени аччиқ бир ҳақиқат ҳар дамда ларзага солади: Биз аслида жон қадар, иймон қадар авайлаш зарур бўлган жуда кўп нарсаларни ўткинчи ҳою ҳавас, мол-дунё, ялтироқ ҳаётнинг арзон-гаров бсзакларига алмашдик. Жумладан, китобни ҳам... ҳойнаҳой, бунинг сабабинн изларсиз?

Ҳазрат пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай деган эканлар: “Ўзимдан кейин қоладиган умматларим учун уч нарсадан кўрқаман: биринчидан, нафсу ҳавога берилиб, йўлдан озишидан; иккинчидан, нафсоний ва шаҳвоний ҳиссиётга берилиб кетишидан; учинчидан, илму маърифатга эга бўла туриб, гофилларнинг ишини тутушидан. Нафсу ҳавога, нафсоний ва шаҳвоний ҳиссиётга берилганлар ҳамма замонларда бўлган. Афсуски, бутун аждодларимизга ҳаёт сабоғи бўлиб хизмат қилган, буюкларни етиштирган, қадим ҳикояту ривоятларни, буюк ҳикмаглари ўз бағрида жо этган китобларга нисбатан “телба кимсанинг эрмаги” дея қарашга одатланганлар кўплаб топилади.

Бизнингча, таъкидланган уч иллатга берилганларнинг энг хавфлиси — учинчи тоифага мансуб одамлар. Ҳазрат Навоийнинг муқоваси бир-биридан гўзал асарларини китоб жавонига териб қуйган, аммо умрида бирор марта бу китобларни очиб кўрмаган одамлар камми? Умри китоблар орасида ўтган, китобхонликда анча-мунчани оргда қолдирган, аммо юрагидан улардаги маърифий жавҳар учун жой топа олмаганлар йўқми? Ачинарлиси шундаки, бу тоифадаги одамлар, охир-оқибат, халқни “Э, бор-е, китоб ўқиганнинг биттаси сенми?” дейишга, алқисса, китобга “ўғай кўз” билан қарашга мажбур қилишди, шунга одатлантиришди.

Китобга беписанд қараш ҳеч бир миллат учун фазилат бўлган эмас! Миллат илдизига шафқатсиз оғу каби таъсир этиши муқаррар бўлган бу иллатдан қанча тез қутулсак, шунча кўп ютамыз. Зеро ҳамма замон ва маконларда илмга, китобга ошино бўлган халқлар рўшноликка етганлар, ўзларининг ҳам, авлодларининг ҳам иқболни нурафшон эта олганлар. Куръони Каримда “Илм” сўзининг 754 мартаба зикр этилганлиги ҳам китоб ва мутолаанинг нечоғлик улут қадриятлар эканлигидан шаҳодатдир. Мавлоно Жалолиддин Румий-

нинг мўътабар “Маснавийи маънавий”сидаги мана бу пурҳикмат сўзлар ҳам фикримизга ҳамоҳанг:

Ҳотами мулки Сулаймондир илм,
Жумла олам суврати, жондир илм.

Ёки:

Акл эрур ҳақ сояси, ҳақ — офтоб,
Офтобга соя ҳеч бергайму тоб?

Ҳазрат Жалолоддин Румийнинг ҳақ ва ҳақиқатга нисбат бериб айтган мана бу улуғ ҳикматларини ҳақиқат қадар улуғ қадриятимиз — китобга нисбатан бемалол таъкидлашимиз мумкин:

Сен ўзингдан-ку қочолмассан, аниқ,
Бас, нетиб ҳақдин қочарсан, эй рафиқ?

Демак, китоб ҳаққа талпинган кишиларнинг умидини оширади, ҳақ йўлида камарбаста кишиларга ғайрат ва матонат бағишлаб, булутлар ортидан боққан қуёш каби уларнинг сўнган умидларига жон беради. Китоб — бизга боққан, биз билан дийдорлашганларга — нур, келажак авлодларимиз, фарзандларимизга бебаҳо хазинадир! Демак, истаймизми-йўқми, унга қайтишга мажбурмиз! Ўша қутлуғ нур сари талпинишга бурчлимиз!

2006 йил, октябрь.

САРЧАШМА

Азал-азалдан кўнглида Оллоҳ йўлида хайр қилиш иштиёқи мавж урган бандаи мўминлар ватандошларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, аввало, мактаб ва мадрасалар қуришга алоҳида саъй этишган. Биргина мисол: тарихнавис Хондамирнинг ёзишича, ҳазрат Навоийнинг ҳомийлиги туфайли Ҳиротда “Ихлосия”, “Низомия” мадрасалари, “Халосия” хонақоҳи, “Шифоия” сихатгоҳи, Куръон ҳифзини ўрганувчилар учун “Дорул-ҳуффоз”, Марвда “Хусравия” мадрасаси, Машҳалда “хайрия” бинноси қурилган. 40 рабат, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 9 ҳаммом, 9 кўприк, 20 га яқин ҳовуз қайта таъмир-

ланган. Бу осори атиқалар нафақат ўша давр меъморчилигининг нодир намуналари, балки халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган саховатпешалик ва маърифатпарварликни намойиш этувчи ноёб дурдоналардир.

Халқимизнинг пок тийнатидан дарак берувчи бу эзгу амаллар кейинчалик ҳам турли кўринишларда давом этган. Тўнғаришгача бўлган даврларда, асосан, ҳукмдор ва мансабдорлар сатъ-ҳаракати билан турли масжид ва мадрасалар бино этилган бўлса, тунтаришдан сўнг мустамлакачилар тазйиқидан чўчимаган, имон-эътиқодга собит аксар маҳаллий талбиркор бойларнинг меҳмонхоналари қишлоқ болалари учун билим олиш маскани бўлиб хизмат қилган. “Менинг хатсаводим Миркомилбой ёки Чориқулбойнинг, Зоҳирбой ёки Баракабойнинг, Ўрмонбой ёки Каримбойнинг меҳмонхонасида чиққан” дегуви кексаларимизнинг эътирофи бунга далил.

Қишлоғимизда саксонинчи довондан ошиб, тўқсонинчи довонни кўзлаб турган Мамаражаб Сафаров деган мўътабар отахон борлар. У киши айни йигит ёшида II жаҳон урушининг долғали жабҳаларида фидойилик кўрсатиб, оғир ярадор ҳолда уйга қайтган. Уруш бебаҳо хазинасидан — соғлигидан жудо этган Мамаражаб ака шифокор маслаҳати билан асаларичиликни касб қилган. Ўшандан бери асаларилар унинг ногирон жисмига шифо, фарзанд завқидан бебаҳра қалбига малҳам бўлиб келишаётир. Аммо Мамаражаб ака ўзини ҳеч қачон қалби ўксик инсон деб ҳисобламайди. Чунки у (бундан йигирма йил олдин) умрига қайта мазмун бахш этган асаларичилик туфайли топган маблағини қишлоғидаги янги мактаб қурилишига сарфлаган... Мактабда таҳсил олаётган ўқувчилар учун ўз номидаги стипендия ҳам таъсис этилишига эришди. Шунинг учун мактабда таҳсил олган ва олаётган юзлаб йигит-қизлар Мамаражаб ака учун фарзанд каби азиз! Шу боис Мамаражаб ота мактаб бағрида тетапоя бўлган юзлаб йигит-қизларнинг дуоғўй бобосидир.

Мамлакатимиз, қолаверса, вилоятимизда мактаб таълимини тубдан ислоҳ қилиш йўналишида куплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, янги мактаблар қуриш, эскиларини таъмирлаш, янги авлод дарсликларини яратиш, педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги ислоҳотлар таҳсинга сазовордир. Мактабларимизда ўнлаб вилоят ҳокими стипендиантлари таҳсил олаётганлиги ҳам таълим соҳасидаги амалий ўзгаришлар намунасидир.

Ҳа, халқимиз азал-азалдан саховатни бошига тож қилиб келган. Бағри кенглик тамойилининг бугунги ислоҳотларнинг бош омили

сифатида белгиланганлиги эса, миллий қадриятларимизга бўлган ҳур-мат ва эътиқод маҳсулидир. 2006 йилнинг “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”, жорий йилнинг “Ижтимоий ҳимоя йили” сифатида номланишидан кўзланган мақсад ҳам халқимизнинг ўша улугвор анъаналарига садоқатини синовдан ўтказишдир. Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришнинг деярли барча соҳалари бўйича мустақилликни қўлга киритган тadbиркор ватандошларимизга ўз саховатини том матнода намойиш этишга имкон бор. Халқимиз ҳаётиги фаровон қилишда беқисс ҳисса қўшиб келаётган фермерлар, тadbиркорларимиз янги йилдаги эзгу ишларни мактаб ҳаётидан бошласалар, нур устига аъло нур бўлур эди. Зеро, ўз меҳнати билан неъмат яратаётган тadbиркор биродарларимиз эзгуликларнинг буюк сарчашмаси бўлмиш мактаблар олдидан бепарво ўтишлари мумкин эмас.

Ахир, ҳар бир даврнинг ўз Навойиси, ўз Миркомили, ўз Чорихули, ўз Мамаражаби бўлиши керак. Қанийди, замондошларимиз орасида саховатига бутун дунё ҳавас қиладиган, бағри кенглигини кейинги авлодларга ҳам ибрат қилиб кўрсатса бўладиган ҳақиқий хотамтойлар етишиб чиқса! Шундагина миллатнинг азим чинорлари илдири такрор-такрор эзгулик, ҳаётбахш сарчашма сувига қонади, нури келажакка умид уйғонади. Яратган барчамизни савоб амалларга дохил қилсин, омин!

2007 йил, январь.

ҚАЛБИНГДА БАҲС БОШЛАНМАС ЭКАН...

Мусиқа ва кўшиқ миллат қалбининг кўзгуси ҳисобланади. Ҳар бир халқнинг куй-кўшиқларида унинг ўтмиши, кечмиши, орзу-умидлари, мақсад-мудлолари ўз ифоласини топади. Шу боис мусиқий меросни қадрлашга, асраб-авайлашга алоҳида эътибор бермоқ, уни келажак авлодларга бутун жозибаси билан етказмоқ зарур. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мулоқотда шу хусусда сўз боради. Марҳамат, бизга суҳбатдош бўлинг!

— Сўз ва оҳанг — эгизак. Уларнинг бир бутунлиги санъат деган буюк кучнинг пайдо бўлишига замин яратади. Қарийб эллик йилдан бери шеър машиқдан кўнгил узмаганингиз, табиийки, қалбингизда сўз ва оҳангга улуг муҳаббат борлигидан нишондир. Муаззам “Бухоронома” нгиздаги “Жўйи Мўлиёндан наво келадир, Шоҳ ариқ шалдираб, зебо келадир. Домла Ҳалим куйи яйратар дилни, Ота Жалол

сози сайратар тилин” мисралари, “Устоз ҳофиз ва шинаванда шоҳ” достонингиздаги “Алқиссаким, ҳақиқий санъаткор бўлмоғи шарт Бирозгина мажнунроқ, бирозгина девона. Йуқса, қушиғи-куйи вужудни этолмас банд, Магар бу хислатлардан қалби бўлса бегона” сатрлари куй-қушиққа айрича мухаббатингиз борлигини аён этади. Сизнингча, ҳақиқий мусиқа қачон пайдо бўлади? Унинг инсон учун муҳимлик даражаси ҳақидаги бугунги қарашингиз қандай?

— Менимча, ҳақиқий мусиқа санъаткор тингловчининг қалбини соз билан забт этганида, бу созга ўзи ҳам лол бўлганида пайдо бўлади. Соз билмаган санъаткор сўз билмаган нотикдир!

Аллоҳ одамни лойдан ясаб бўлганидан сўнг, — дейилади бир ривоятда, — энди сен кир одамнинг қалбига, дейди жонга. Жон эса бир оз иккиланади, саркашлик қилади. Шунда Аллоҳ фаришталаридан бирига гўзал бир мусиқа чалишни буюради. Фаришталар шундай бир куйни ижро этибдиларки, жон маст бўлиб одамнинг юрагига кириб қолганини сезмай қолган экан.

Бу ривоят оламзод қалбининг мусиқа санъати билан нақадар яқинлигидан далолатдир. Демокчиманки, ҳақиқий мусиқа юракка чироқ ёқди, унда ҳаётга, яшашга муҳаббат уйғотади! Кўпик эса инсонлар қалбини ҳаяжонга солишга, жунбунга келтиришга қодир. Уни мардликларга, катта мақсадларга отлантира олади.

Сизга яна бир далил келтирай. Унда мусиқа ва кўшиқнинг илоҳий қудратига ҳам, инсоният учун нечоғлик улуғ қадрият эканлигига ҳам ўзига хос ишора бор: Домла Ҳалим Ибодов ҳар гал кўшиқ айтишдан олдин таҳорат олган эканлар...

— Бугунги бастакорларимиз ижодини холис ва самимий тингловчи сифатида қандай баҳолаган бўлардингиз?

— Маълумки, Абдулла Қодирийнинг Қудратилла деган укаси бўлган. Бу йигит дуторни яхши чертган. У бир куни акасидан сўрайди:

— Қандай куйни чалай, ака?

— Билганингни чалавер, — дейди Қодирий.

— “Тўрғай”ни чалайми?

— Майли, чал.

Қудратилла дутор чертади. Бу куй шўх ҳам, мунгли ҳам эмас: ёқимли, кўнгилнинг алақайси ерини қитиқловчи бўлган. Қудратилла куйни чалиб тугатгач:

— Қалай, ака, ёқдимми? — деб сўрайди.

— Ёқди, — дебди Қодирий ўйчанроқ ва кулиб, — лекин ҳали хомсан, Қудрат, — дейди.

— Хўш? — ажабланибди қудрат.

— Дуторинг қулоғига тўрғай келиб қўймаётир...

Мамлакатимизда анча-муңча бастакорлар бор. Улар орасида ўзини бастакор деб таништиргувчилар ҳам, оранжиронкачи деб таништиргувчилар ҳам бисер. Бироқ, афсуски, улар сафида “дуторининг қулоғига тўрғай қўндирадиганлар”и кам. Менимча, бунга мусиқий диднинг пастлиги, ўз фаолиягига танқидий баҳо беролмаслик каби иллатлар замин яратади. Аммо бир ҳақиқатни эътироф этмасликка ҳақим йўқ: Ўзбек бастакорлари орасида дунё профессионал мусиқачиларидан қолишмайдиган, замонавий классик мусиқа намуналарини яратётган Абдуҳошим Исмоилов сингари подир истездоллар ҳам бор. Абдуҳошим Исмоилов ижросидаги Ватан манзараларини тараннум этувчи, курашчан ва неқбин нигоҳдан тўйинган мусиқалар ойнайи жаҳон ёхуд радио тўлқинлари орқали янграганда, дунёнинг турли мамлакатларидан келган ва Ўзбекистонда яшаётган классик мусиқа ихлосмандларининг “Офарин! Тасанно!” дея ҳайқиринларини эшитганимда, неғадир, кўзимга ёш келади...

— Асрлар давомида умумийлий қадриятимиз даражасида улуглашиб келинаётган “Шашмақом” ватани — Бухоройи шариф санъатининг кечаги ва бугунги қиёфаси ҳақида нималар дея оласиз?

— Дарҳақиқат, Бухоройи шариф — “Шашмақом” ватани. Бу масканда қадимул айёмдан “Шашмақом”нинг ижрочилари ҳамда машҳур назарийчилари яшаб утишган. Мен сизга бир руйхат келтирай:

IX-XX асрлар — Сомонийлар замонида: Тоҳир Абу Тойибий, Алибек Танбурий, Ибн Сино; XII аср — Камол Бухорий; XV аср иккинчи ярми, XVI аср ўрталаригача — Нажмиддин Кавкабий, Устол Аҳмад Фиждакий, Исҳоқ Сеторий, Мираки Чангий Бухорий; XIX асрда — Абдурахмонбек (“Абдурахмонбеги” куйи муаллифи), Мирзо Отажон Танбурий; XX асрда — Ота Жалол Носиров (1845-1928), Ота Фиёс Абдуғаниев (1859-1924), Леви Бобохонов, Уста Шоди Азизов, Шоҳназар Соҳибов, Домла Ҳалим Ибодов, Абдурауф Фитрат, Мутал Бурҳонов, Мухтор Ашрафий, Мустафо Бафосев сингари санъаткорлар яшашди ва яшаётирлар. Демак, “Шашмақом” беҳудага юзага келмаган.

Айни пайтда Бухорода “Шашмақом”ни авж пардаларда куйлаётган хопандалар, бастакорлар ҳам талайгина. Ўлмас Расулов, Ориф Атоев, Раҳматулла Иноятовлар шулар жумласидандир.

Бухорода бошқа шилоятлардан фарқли ўлароқ “Бухорча” ва “Мавриги”лар халқ мусиқалари ва қўшиқлари сифатида яшаб келяпти. Яқинда Охунжон Сафаров, Файзулла Тўрасев, Ориф Атоев сингари

миллий маданиятимиз фидойилари саъй-ҳаракати туфайли “Бухорча” ва “Мавриги” тараққолатлари” деб номланган, кўҳна матн ва нота-ларни ўзида жамлаган йирик ҳажмли китоб нашр эттирилди. Вилоятимизда “Шаһмақом” наволарини баланд пардаларда куйлашга қодир ижрочиларни ўзида бирлаштирган ансамбль фаолият кўрсатаётир. Буларнинг барчаси шариф шаҳримизда кўшиқ ва мусиқага ихлос ҳали-ҳануз баланд эканлигидан нишондир. Вилоятда Нуриддин Аберасев, Нуриддин Аҳадов, Алишер Бобоҷонов, Дилмурод Хўжаев каби қатор еш истеъдодлар борлиги ҳам — бахтимиз.

Албатта, санъатга энди кириб келаётган ёшларимиз орасида “рег” куйлашга мойиллари ҳам кўришиб қолаяпти. Аммо менимча, бу — ўткинчи ҳолат. Улар бундай енгил-елпи кўшиқлар билан ҳақиқий тингловчи қалбини забт этиб бўлмаслигини охир-оқибат тушуниб етадилар...

Қадимда Бухорода “ғижжаки Бобурий”га ўхшаш “Дилрабо” ҳамда “Жавз” помиди мусиқа асбоблари бўлган. Ҳозир шу созларни чалувчилар ҳам, билгувчилар ҳам йўқ. Мусиқашуносларимиз келажакда шундай созларимизни тиклашлари керак! Бухоролик соз устаси Каромат Муқимовнинг янги бир чолғу асбоби яратганлигини, бу асбобни Ўлмас Расулов чалаётганлигини эшитдим. Бу нодир мусиқа асбоби яқин кунларда созлар сафидан ўрин олса, ажаб эмас.

— Инсоннинг мусиқий дидига баҳо бериш жараёнида у ихлос кўйган кўшиқ ва кўшиқчилар рўйхатини назардан ўтказиш фойдадан холи бўлмайди, дейдилар...

— Шаҳсан мен машҳур хонадалар Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Фахриддин Умаров, Таваккал Қодиров, шунингдек, нисбатан ёшроқ истеъдодли санъаткорлар — Шерали Жўраев, Нуриддин Ҳамроқулов, Ортиқ Отажонов, Маъмуржон Тўхтасинов, Ўлмас Расулов, Аҳмаджон Шуқуров, Камолиддин Раҳимов, Ўлмас Саиджонов, Марям Сағдорова, Муножот Йўлчиева, Эркин Рўзиматов, Фиёс Бойтоевлар ижросидаги мумтоз ҳамда замонавий кўшиқларни роҳатланиб тинглайман. Чунки бу санъаткорларда табиийлик бор. кўшиқларида сакталиқ йўқ, нафосат мужассам.

Айтайлик, Аҳмаджон Шуқуров “Фидо”ни ижро этса, эриб кетаман. Маъмуржон Тўхтасинов Бобурнинг “Яхшилиғ” кўшигини куйласа, хаёлга толаман. Эркин Рузиматов “Отим ориқ, манзилимга етолмайман” дея хониш этса, ўзимни тўлқинлар, шалолалар бағрида кезгандек ҳис этаман. Ўлмас Расулов камон тортиб, “Мавриги”лардан куйласа, юрагимда Бухоройи шариф қадимий обидаларининг нафосати, нақшу ниғорлари кўкаргандек бўлади. Хўш, нега? Гап

шундаки, буларда қалбигизни чертадиган, туйғуларингизни поклайдиган бир мавж, замзама бор. Хоҳлайсизми-хоҳламайсизми, ҳақиқий қўшиқ юракларга ўзи йўл топиб бора олади.

Эстрада хонандаларига ҳам муносабатим ёмон эмас. Аммо шовқин-сурондан иборатига эмас. Айтайлик, Ботир Зокиров, Насиба Абдуллаева, Юлдуз Усмоноваларни халқ пегга яхши кўради? Менимча, уларда меъёр бор, нафосат бор. Ҳар қандай олди-қочди қўшиқларни ижро этишмайди. Буларни мен ҳам ҳамма яхши кўрганидек яхши кўраман. Уларда “дард” бор. “Дард” бўлгандаям ёниқ, ўзи ҳам ёналиган, бошқаларни ҳам ёндирадиган дард. Фуломжон Ёқубовни ҳам ҳурмат қиламан. Ажойиб санъаткор. Аммо дўстимиз меъдан ранжимасин. Баъзан гўр, юракка ботмайдиган қўшиқларни куйлаб қоляптилар. Масалан, “Беш кетаман шу қизчанинг хиромига” деган қолипга сиғмайдиган мисралардан иборат қўшиқни у кишидан тинглаш кишининг энцисини қотиради.

“Онаси ўнмаган қизни оламан...”, “Беш кетаман шул санамни нозина...”, “Яхшиямки тишлаб олганим қулоғини, Энди тишланга тайёр турибман ёноғини” каби мисраларни куйга солган анча таниқли хонанда укаларимиздан эса, матнга муносабатда ҳушёрликни қўлдан бермасликни сўрардим. Афсуски, бундай пала-партил матнларни “куйга солиш” кўпчилик ёш эстрада хонандаларининг эрмагига айланиб қолди...

— Бу ҳолат хавотирга солмай қўймайди кишини...

Сизни хавотирга солаётган муаммо матбуот саҳифалари ва телевидение дастурларининг бош мавзусига айлангани рост. Бироқ шундай баҳсларнинг бошланганига бир печа йил бўлганга қарамасдан, ҳеч бир натижа кўрингани йўқ. Мен “ҳақиқат баҳсларда туғилади”, деган пурмаъно ҳикматта бир оз таҳрир киритиш тарафдориман. Менимча, ҳақиқат бошқалар билан баҳслашганда эмас, ўз-ўзинг билан баҳсга киришганингда туғилади! Демак, хонандаларимиз ўз қалблари билан баҳсга киришмас эканлар, ўз ҳаракатларини таҳрир этишга ўзлари уриниб кўрмас эканлар, муаммо муаммолигича қолаверади. Бироқ аҳвол шундайлигича қолганида ҳам жиддий хавотирга ўрин йўқ. Халқимиз гўзаллик ошиги! У куй билан газални доналаб териб юради. Даврлар ўтиши билан худди бошқа нарса-ҳодисалар каби қўшиқларнинг ҳам сарагини саракка, пучагини пучакка чиқаради. Яхши қўшиқнинг эскиси бўлмайди, умри узоқ бўлади унинг. У ҳар хил хонандалар, ҳофизлар маҳоратидан турфа ранг олиб, санъат ҳазинтасида қолади. Куйловчи уни ҳар сафар бошқача завқ ва тароват билан ижро этади, ҳар сафар ўзгача оҳор берали унга...

Ёшликнинг муҳим белгиларидан бири — Ўйноқи куй ва қўшиққа мойилликдир. Шовқин-суронга тула хориж мусиқаларига меҳр қўйиш йигит ёшимизда бизга ҳам бегона бўлмаган. Ҳозирги “мега юлдузлар”га муҳлислик қилаётган ёш авлоднинг яқин ўн-ўн беш йил ичида катталар сафига ўтиши муқаррарлигини инобатга олсак, “хит-парад”ларнинг умри нечоғлик қисқа эканлиги очиқ-ошкор намоён бўлади.

— Суҳбатимиз якунида яна қандай фикрлар билдирмоқчи эдингиз?

— Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллиги яқинлашиб келмоқда. Бугун бутун мамлакатимизда шу кагга шолиёнага тайёргарлик бормоқда. “Ватан ягонадир, Ватан битталир” шиори остида қўшиқ ва мусиқа асарлари танлови эълон қилинди. Ҳалемай жаҳоннинг энг номдор мусиқа мутасаддилари яна Самарқандда йиғиладилар. Бундай пайтда ижодкор одам тинч тура олмайди. Ижодкорларимиз қўлига қалам олиши, бунёдкор халқимизни эзгу ишларга даъват этадиган, кўнгилларга мунавварлик бағишлайдиган асарлар яратиши керак. Шарафли ва фараҳли кунларни уз асарларимизда акс эттириш — бизнинг бурчимиз. Шу йўлда барча қаламкаш дўстларимга, санъаткорларимизга янги ижодий ютуқлар тилаб қоламан.

Суҳбатдош: Шодмон СУЛАЙМОН.

2007 йил, июнь.

ОППОҚ ИЛОН Ё РУҲ...

Йиллар давомида Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфти лавозимларида фаолият кўрсатган мўътабар инсон Мухтор Абдуллаев хотирасига бағишлайман.

Муаллиф

Бундан ўн беш йилча олдин Мухтор ака билан тез-тез кўришиб турардим. Ўша пайтларда ул муҳтарам зот ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд жомеъсида имом-хатиб вазифасида фаолият кўрсатардилар. Улуғвор бу масканга мамлакатимиз ва қўшни давлатлардан ташриф буюрган меҳмон — шоир-ёзувчилар билан тез-тез зиёратга борар, Мухтор ака билан узоқ, ажойиб суҳбатлар қураб эдик. Домла дунёнинг паст-баландини кўрган, яхши ва ёмоннинг, ҳалол ва ҳаромнинг фарқини

теран тушунадиган донишманд, беназир инсон эдилар. Шундай суҳбатлардан бири бири сўнгида домлани уйга таклиф қилдим: “Устоз, эртага бизникига келсангиз, кичик бир маърака қилипмиз”. “Маъқул, — дедилар у киши, — албатта бораман”.

Дарҳақиқат, кейинги куни ҳайдовчи укамиз Мансуржон устозни етаклаб келди. Қўни-қўшнилар, меҳмонлар Мухтор аканинг салимий лугфларидан, қироатларидан ниҳоятда мамнун бўлдилар. Маърака якунида уч-тўрт киши домланинг давраларига қўшилдик. Давра Имом Бухорий ҳақидаги ибратга тўла суҳбатдан фойда олдик. Устоз муҳаддислар султони ҳаёти ва фаолияти ҳақида кўнглига қимматли маълумотларни айтиб бердилар. Биз ўша пайтларда ҳадислар, Имом Исмоил Бухорий ҳазратлари ҳақида кўп нарсани билмас эдик. Мухтор ака Имом Бухорийнинг улуг инсоний фазилатлари. Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг ҳар бир сўзларини ноҳик гавҳар каби асраб-авайлаш йўлида чеккан машаққатлари ҳикоя қилиб берган, барчамиз бу суҳбат таъсирида лол бўлиб қолган эдик.

— Келинглари, — дедилар устоз бизнинг бефарқ эмаслигимиздан яйраб, майин табассум қилганча, — сизларга бошимдан ўтган бир воқеани айтиб берай.

Бутун вужудимиз қулоққа айланиб, устознинг атрафларига жипешдик.

— Эллигинчи йилларнинг бошлари эди. — сўз бошладилар Мухтор ака бирпас сукут сақлаб. — Асли наманганликман. Бухоро мадрасасига ўқишга кирдим. Кўпдан-кўп авлиёлар, буюклар китобларини, хусусан, ҳазрат Имом Бухорий китобларини ўқиб, бағримга босиб ётардим. Таҳсилнинг биринчи йили якунига етгач, таътил баҳона Самарқандга борадиган бўлдим. Машина легани жуда кам эди. Челақ туманига қараб яёв йўл олдим. Саҳар чоғи Хартанг қишлоғини топдим. Хароба манзил экан. Имом Бухорий қабрларини биламан, деган одам бўлмади. Эски масҷит хароба аҳволга келган, колхознинг минерал ўғитлар сақланадиган омборига айлантирилган эди. Узоқ тараддулдандим. Сал нарида мени кузатиб турган қария яқинимга келиб, секин пичирлади: “Омборнинг орқасида ўша қабр бор. Ҳеч кимга гапирмай боравергин. Бухорий бобонгни топасан...”

Масҷит орқасидаги қабрга кўзим тушиб, даҳшатдан қотиб қолдим. Тикан босган, мунгайган хилхонадаги хароба қабр афтода аҳволда эди. Сағанани сийпалаб, тошларини ўпиб, йиғлай бошладим. Қурондан суралар ўқиб, тиловат қилаётганимда қабр остидаги тешиктан билакдан йўғонроқ оппоқ илон чиқиб келиб, қаршимда тек қотди. Ҳайратдан ҳайкалдек қотиб қолдим. Шунда қулогимга аллақандай

сирли сўзлар чалингандек бўлди: “Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулуллоҳ, Ўқигин, ўқигин!...” Аввалига бир оз саросималаниб турдим. Аммо илон қўзғалавермагач, ўзимни қўлга олиб, билган сураларимни такрор-такрор ўқий бошладим. Бир соатдан ортиқроқ тиловат қилдим. Илон гўе “гашаккур” деган каби бошини эгиб, ортига қайтиб кетди. Менинг — Қурони Карим таҳсилига энди киришган ўсмирнинг кўз олдида рўй берган бу фаройиб ходисани шарҳлаш мушкул эди. Кўксимга ёқимли шабада урилиб, қалбим ва руҳим имон нуридан ёришиб кетди. Қабр бошидан анчагача қўзғала олмадим. Негадир бу ердан кетгим келмас, фаройиб илоннинг хатти-ҳаракатларидан долу ҳайрон эдим. Ажиб ҳаяжон ва илоҳий сеҳр чақнаган ёш тўла кўзларим ўнгида улуғ пир — ҳазрат Бухорийнинг ўзлари бутун бўй-бастлари билан намоён бўлган эдилар гўе...

2007 йил, июль

ИЙМОНГА ЁР БУ ЮРТНИНГ...

Ватан шаънига таъриф изламаган қаламкаш йўқ. Ватан таърифини келиштира олган одам аслида бу улкан қарзнинг ўндан бир улушини уза олади, холос. Она-юрт шаънига айтилган, олис асрлар бағридан келган энг мукамал таърифларнинг барини жамлаганда ҳам, Ватанга муносиб сўзни айта олдим, деёлмаймиз. Хўш, нима сабабдан шундай? Менимча, Ватанинг мукамал таърифини бериш учун, уни у бизни севган каби улуғ қалб билан сева олишимиз керак. Ҳар гал устоз шоир, бетакрор шоир Ойбекнинг “Наъматак” шеърини ўқиганимда, унинг ана шундай улкан қалб соҳиби бўлганлигига такрор-такрор амин бўламан. Негадир Ватанга муносиб таъриф излаганда шоир тасвир этган улугвор наъматак кўз олдимда гавдаланади. Ўша “Виқор-ла ушшайган қоя лабида қуёшга бир сават оқ гул тутиб, Нафис чайқалган наъматак” менинг қалбимда улугвор ватан тимсоли бўлиб муҳраанган. Мен учун ватан — наъматак, ўша даҳшатли қоялар дағдағасини писанд этмай, мағрур ўсаётган наъматак!

Устоз шоир, бетакрор шоир истеъдодли мусаввир ҳам бўлган десам, ишонмасиз. Аммо нигоҳи ой каби теран шоирнинг “...тунроғида оятин гуллаган, қишларида баҳор шивирлаган, сал кўрмаса, қуёш соғинган, гайратидан асаби чақнаб, Бахт тошини чақиб, гувиллаган” она-юрт ҳақидаги ўтли мисраларини эсга олсангиз, не сабаб бундай хулосага келганимни англайсиз. Ҳа, бу шунчаки шеър эмас, бу мисралар шунчаки қоғозга тушган сатрлар эмас. Улар ва-

таннинг қалб қури, кўз нури, пок меҳр, ажиб сеҳр билан йўғрилган. имон суви билан сайқал берилган жонли тасвири! Менимча, Ватанга бундан ортиқроқ таъриф излаш беҳуда. Менимча, Ватанни қучиш учун қулочларни наъматак қулочларидан улканроқ очиш. унинг тупроқларида олтин гуллатиш. қишларига баҳор нафасини олиб кириш, қуёшни соғинтириш, меҳнат ила Бахт тошини чақиш йўлида чандон уриниш вақти аллақачон етди! ватанни севайлик, биродарлар! Унинг бизга берган чексиз меҳрига ҳовуч-ҳовуч меҳр ила жавоб қайтарайлик, азиз дўстларим!

Иқболим — Истиқлол, бутун борлигим ила сени ўпиб-ўпиб айтаманки: Ватаним — ўзбекистоним ҳамиша осмон қадар юксалаверсин. Суруринг, гуруринг доимо баралла янграйверсин, онажон-Ватан!

Мен бугун тонгда туриб, бошларқанман тиловат,
Бошимни силаб пирлар айладилар далолат:
Тутинг эътиқод йўлини, бергайдирмиз қафюлат,
Имонга ёр бу юртнинг шони кемтик бўлмагай.
Иқболга ёр бу юртнинг нони кемтик бўлмагай.

Баҳовуддин бобомдан уқсам дарслар субҳу шом,
Тариқатлар гул очди юрагимда номма-ном.
Дедиларки: “дил ба ёр, даст ба қор” бўлсанг мудом,
Имонга ёр бу юртнинг шони кемтик бўлмагай,
Иқболга ёр бу юртнинг нони кемтик бўлмагай.

“Хожа Абдулхолиқман, яъни Ғиждувонийман,
Болам, руҳим яшнатдинг, мен энди жаҳонийман.
Дедилар устоз тағин: сўзим-сўз — замонийман
Имонга ёр бу юртнинг шони кемтик бўлмагай,
Иқболга ёр бу юртнинг нони кемтик бўлмагай”.

Ҳазрат Моҳитобондан қолган нақл бу турур:
“Адолатга таинган элни тарк этмас ғурур”
Бу — абадий башорат, бу — сира ўчмас сурур,
Имонга ёр бу юртнинг нони кемтик бўлмагай,
Иқболга ёр бу юртнинг шони кемтик бўлмагай.

Бобойи Самосийдан сўрдим таъзим бажолаб,
— Сизга мақбулми, тақсир, биз бошлаган йўл — матлаб?
Дедилар зоти комил ҳар қаломни ҳижолаб:
— Имонга ёр бу юртнинг шони кемтик бўлмагай,
Иқболга ёр бу юртнинг нони кемтик бўлмагай.

Бобаракот Мир Кулол, Али Ромитаний ҳам,
Муаллими муътабар — бсназир Фағнавий ҳам,
Дилдан айлаб дуолар, уқтирдилар шод-хуррам:
“Имонга ер бу юртнинг шони кемтик булмагай,
Иқболга ер бу юртнинг нони кемтик булмагай”.

Бухоройи Шарифим — узбек элим гавҳари,
Улуларга бешиксан — тариқатлар сарвари.
Бир-бир суҳбатлар қурдим, шудир пирлар иқрори:
“Имонга ер бу юртнинг шони кемтик булмагай,
Иқболга ер бу юртнинг нони кемтик булмагай”

2007 йил, август.

ҲАҚ РОСТ...

Бир вақтлар кекса-ёш шоирлар, ёзувчилар, истеъдодли олимлар, журналистлар Бухорога тез-тез келиб туришарди. Уларни Бухоройи шарифнинг осори атиқалари бағрида саёҳат қилдиран. Лаби ҳовуз ёки бошқа куркам жойлардан бирида ўгириб, ажойиб суҳбатлар қурандик. Жонга роҳат, руҳга қувват эди бундай суҳбатлар... Ўша кунларни эслаб, хотираларимни қоғозга тўқаяпман. Уларни ўқисангиз, кўнглингиз хуморланади, тарих қатларида пинҳон дардли ҳақиқатлар кўзингизни ёнлантиради, дарёи азимдай мавжлантиради...

1. БИР БАНДАСИ БЎЛСАМ ЭКАН БУХОРОНИНГ...

Эсимла, 1979 йилнинг апрель ойларида таниқли драматург, ёзувчи Комил Яшин домла рафиқалари — машҳур хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Ҳалима Носирова билан Бухорога ташриф буюргандилар. Уларни аэропортида кутиб олиб, вилоят ижроқўмининг катта боғидаги меҳмонхонага жойлаштирдик. Бироздан сўнг вилоятнинг энг катта раҳбари келиб, домлани, опани қучоқлаб, омонлашди. Кейин уларни “Чайка”да олиб кетди...

— Э, болам, — деди Яшин ака иккинчи кун эрталаб, — биласан-ку, катталарнинг иши кўп. Бирга юрсанг, оламжаҳон ташвишлари жонингга тегиб кетади... Қуй, бугун шахсан ўзинг бизларни кўп жойларга оборасан. Ҳозир Файзулла Хўжаевнинг ҳовлисига борамиз. Биласанми у жойни?

— Биламан-ку, лекин ҳовли харобага айланган-да, — дедим андак хижолат аралаш Яшин акага боқиб.

— Майли, борини курамиз-да, шундай эмасми, Ҳалимахон, — деди Яшин ака кўзойнагини тақиб. Сўнгра машинага ўтиришди. Кўп ўтмай, тор кўчалар оралаб, Файзулла Ҳўжаевнинг харобага айланган ҳовлисига етиб бордик. Ана шунда Ҳалима опа юракларини очдилар:

— Ман санга айтсам, болам, — дедилар опа тўлқинланиб. — Файзулла Ҳўжа баҳоси йўқ одам эди. Менга Ўрта Осиё халқлари тарихи, айниқса, кўҳна Самарқандлу Бухоро ҳақида илк бор маълумот берган инсон Файзулла Ҳўжаев бўлади. У киши жаҳонгир Амир Темурнинг юришлари тўғрисида соатлаб эринмай, зўр завқ-шавқ билан гапириб берар эди. Шундай эмасми, Яшин ака, ахир Сиз ҳам гувоҳ бўлгансиз-ку бундай суҳбатларга.

— Опанг тўғри айтаяпти, — дедилар Яшин ака менга қараб. — дафтарчангга мана бу зўр гапни ёзиб қўйгин. 1923 йилнинг бошларида Файзулла Ҳўжаев дўсти Мукамил Бурҳонов билан бирга Германияга боришади. Улар “даволаниш учун борганмиз” дейишган. Аслида ўз дардларига эмас, эл дардига даво излаб борганликлари ҳақиқатга яқинроқдир...

Яна бир гапни айтай: 1935 йилнинг куз оқшомларидан бирида Файзулла Ҳўжаев хонадонига “Ўзбекбирлашув” маҳкамаси ходимлари — Муинжон Аминов, Раҳматулло Музаффаров, Ота Ҳўжаев, мен ва Ҳалима опанг бирга боргандик. Ушанда изтиробга тўлган Файзулла Ҳўжаев: “Эй Худо, Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эриниб, ўз-ўзини бошқарган, гуллаб-яшнаган кунини кўришни насиб этгин!” дея хитоб қилганди. Унинг сўзлари ҳамон қулогим остида жаранглаб тургандек... Бухоройи шарифнинг бундайин буюк фарзанди боши бадалига шунчалик кўп пул ваъда қилингандики, дунёдаги ҳеч бир одам бу қадар баланд “нархланмаган” эди... Булар эсингда турсин, болам. Қани эди, мен ҳам Файзулла Ҳўжаевдай Бухоронинг ҳақиқий бир бандаси бўлсам экан. Бу тупроқнинг ҳар зарраси тиллодан ҳам аълороқдир. Агар билсанг, Исмоил Сомоний “Тирик эканман, Бухоро қалъасининг девори мен ўзимман!...” дея наъра тортган экан. Ҳа, ана шундай улкан куч беради ўз фарзандларига Бухоройи шариф!...

— Кел, болам, — деди Яшин ака аллақандай изтироб ичида менга жиддий қараб, — шундай экан, юртимизнинг ҳар қарич ерини кўзимизга суртайлик...

2. “ВОЙ, УНИНГ КЎЗЛАРИ...”

... Файзулла Хўжаевнинг нураётган ҳайҳотдай ҳовлисида ўтириб-миз. Яшин ака жим, Ҳалима опа ҳам бир оз ликиллаб турган бошини эгиб, хаёлга толган эди. Бирдан опа йиғлагандай менга қаради:

— Ҳой, болам, бу ерга ҳеч ким қарамас экан-да!... Ана қаранг, бир ошпоқ шарпани кўряпман, ўша Файзулла Хўжаевнинг руҳи! Вой, унинг кўзларини кўрсангиз эди... Ажойиб, чиройли инсон эди раҳматли. Акамдай эдилар у киши. Русча, форсча, ўзбекчани, немис ва турк тилларини зур биларди. Шундай одамни йўқотди-я шўро...

Файзулла Хўжаевни кўп марта кўрганман, суҳбатлашганман. Хотирамда қолган яна бир гапни айтай, — яна лутф бошлади опа, — 1935 йил баҳор кунларининг бирида дўстларининг даврасида мену Яшин ака ҳам бор эдик. Оналари — Райҳон Саидмурод қизи чойнак кўтариб кирдилар. Чой сузиб бердилар. Ўшанда хаёлга чўмиб ўтирган Файзулла ака изтироб ичида оналарига қараб: “Онажон, Сиз мени бахтсиз қилиб дунёга келтирган экансиз. Мен ватаним, миллатим, халқим учун жонимни жабборга бериб ишляпман. Лекин... мен Россия буйругини қул мисоли бажаришдан бошқа ҳеч нарса қила олмаяпман... Ахир бундай “инқилоб”ни хоҳламаган эдик. Биз фақат амирни ағдариб, адолатли давлатни барпо қилмоқчи эдик, — дедилар. Сўнгра ўқсиб-ўқсиб йиғладилар. Вой, унинг кўзларини бир кўрсангиз эди. Бу бир дарёки, мавжлари поёнига етолмайсан. Маъносини такрор-такрор уринганинг билан талқин етолмайсан...

Келинг, болам. Жамол Камол деган ҳамшаҳарингизнинг “Файзулла Хўжаевнинг кўзлари” номли ажойиб шеърдан бир бандини Сизга ўқиб берайин. Эшитинг:

*Ажаб бир суврате, дўстлар, боқиб мен ҳар сафар дилсўз,
Ажаб бир чақнаган сиймо, ажаб бир порлаган юлдуз,
Бу кўзлар мунчалар шаҳло, бу кузлар мунчалар маънос,
Бу кўзлар айласа ҳар неки ошқору ниҳон айлар,
Бу кўзлар имтиҳон айлар, бу кўзлар имтиҳон айлар...*

Бундай буюк инсон дунёга қайтиб келмайди. Ҳа, ҳа, келмайди! Бундай истезод эгалари ҳар бир халқ тарихида юз, икки юз йилда бир келиши мумкин...

3. ИБН СИНО ВА ФАЙЗУЛЛА ХҲЖАЕВ

... Афсонага қараб кетяймиз. Яшин ака тарихни яхши билар экан. Ҳалима опа у кишидан ҳам билагон. Ҳазрат Навоийни, Фузулий, Машраб, Румий, Фаридулдин Ангор асарларини, газаллари, рубоийларини шундай айтардики, маза қилардингиз.

Яшин ака эса Ибн Сино ҳаёти ва ижодини ниҳоятда яхши билар экан. Ўша кушларда бобомизнинг минг йиллик юбилейлари муносабати билан турли мақола, қисса, драма, дostonу шеърлар тез-тез босилаётган эди.

— Мен ҳам бир нарса ёзаяпман, — деди Яшин ака менга қараб, — Ҳалима онанг бироз хабардор. Шундай эмасми, Ҳалимаҳон, — деди Яшин ака баланд овозда. Чунки онанинг қулоғи кексалик боис андак оғирлашиб қолган эди...

— Шунақа, — деди опа кафтини қулоғига қўйиб, — акапиз Ибн Синонинг шайх-ур-раис, файласуфлар сардори, ҳақимлар султони, олимлар халифаси ва боз шоир эканликлари ҳақидаги драма устида ишляяптилар...

Шундан сўнг опа Ибн Синонинг дунёдаги илк жарроҳ ва буюк шикастабанд бўлганлигини, шунингдек, кўпчиликка номалум бир қанча қирралари ҳақида баралла сўзладилар.

— Биласизми, йўқми, болам, — деди Ҳалима опа яна сўзини Файзулла Хўжаевга буриб, — Файзулла ака оқсаб юрарди. Кўпчилик бунинг тарихидан беҳабар эди. Бу асорат Файзулла акада касалликдан эмас, балки автомобиль ҳалокатидан сўнг қолган. Бу тўғрида бизга гапиргандилар. 1925 йилнинг ёзида Файзулла Хўжаев ССР Марказий Ижроия Қўмитасининг олти раислигидан бири сифатида Абхазия АССРнинг чегара можаросини ҳал қилиш ишида қатнашди. Ўшанда у автомобиль ҳалокатига учрайди. Боку шаҳрида врачлар Файзулла аканинг синган, суяклари майдаланиб кетган бир оёғини бутунлай кесиб ташламоқчи бўлишган. Файзулла ака эса бунга розилик бермайди. Сўнгра унинг илтимоси ва дўхтирларнинг розилиги билан уни бухоролик табиблар даволаганлар. Гап шундаки, Файзулла Хўжаев оналари Райҳон Саидмурод қизига телеграмма юборган. Оналари икки табибни етаклаб, Бокуга теълик билан етиб борганлар. Табиблар Ибн Сино усулини қўллаб, оёқ суяқларини жой-жойига қўйиб, тахтакачлаганлар ва Файзулла ака бир ой ичида ўз оёғи билан соғ-омон уйга кириб келганлар...

Буни қаранг, Ибн Сино бобомизнинг допинимандлиги туфайли

неча асрлар оша шикастабандлик илми ривожланиб, самара бериб келмоқда. Файзулла Хўжаев ҳам ана шу ноёб таълимдан баҳра олганлар, — илова қилди Ҳалима опа.

Сўнгра Абу Алининг гўзал бир лутфини баён этдилар. Ҳамон ўша ҳикмат — ҳақиқат дафтарчамда! Баъзан қанот чиқариб, нутқимга, ёзганларимга кўчали: “Мени қасал кўргани чақирганларида, бемор подшоҳ саройида туғилганми ёки гадо кулбасидами, деб сўрамайман. Мен унга ўз виждоним амрию ўз фанимнинг талаблари асосида ёрдам бераман...”

— Қани эди, — деганди машҳур хонанда шундан сўнг ҳаяжонини яширолмай, — ҳозирги ҳақимларимиз қалбида ҳам Ибн Сино бобомизнинг мана шу сўзлари жаранглаб турса...

4. СИТОРАБОНУ ВА... ҲАЛИМА НОСИРОВА

Ўша куни Афшонада қад ростлаётган музей биносини кўриб, орқароқдаги кичик боққа разм солдик. Баҳор эмасми, ўрикзор, гилосзорлар гуллаган. Шабада эсиб турибди.

Шу пайт нилоят ижроқўми раиси Убайд Асадов (раҳматли) келиб қолди. У республика халқ депутати эди. Яшин ака Асадовни билар экан шекилли, қадрдонлардек омонлашди. Ҳалима опа ҳам уни оналардек бағрига босди.

— Э. Яшин ака, опажоним-е, Сизларни кўриб, бошим осмонга етди! Мен бўлсам, Тошкентда эдим. Ҳозиргина самолётдан тушдим. Сизларни излаб дарҳол орқаларингдан келаяпман. — деди қувончини яширолмай Убайд ака.

— Яшин ака. Сиз ҳам, опам ҳам чарчагансизлар. Анави чойхонага кириб, бир пиёла чой ичайлик.

— Убайдхон, — гап бошлади Ҳалима опа. — ҳозиргина нонушта қилганмиз. Келинг, Ибн Сино юбилейи ҳақида сўзлашайлик. Яшин акангиз Абу Али ибн Сино юбилейини нишонлаш қўмитасининг аъзоларидан бири. Афшонада янги галлар бўлса, қўмита аъзоларига айтиб берадилар. Шунақа эмасми?

Ижроқўм раиси хийла ўйга толиб турди, сўнгра завқланиб деди:

— Зўр гап шуки, тезда мана шу саҳнда юз нафар бола яйраб ўйнайдиган чиройли боғча қуриб берамиз. Кеча фаолларимиз бу боғчанинг номини “Фунча” деб аташ фикрига келдилар... Сизга маъқулми, опа!

Ҳалима опа бироз паришонланиб, сукут сақладилар. Сўнгра:

— Убайдхон укам, — дедилар. — Афшона тарихини, Ибн Синонинг қайси оилада туғилганлигини яхши билсангиз керак-а?!

— Албатта албатта, — деди Убайд ака киприклари пирпираб. — оталарининг исми Хусайн, оналари эса Ситорабону бўлган. Шу қишлоқнинг сулув қизларидан бири.

— Яшанг! — хурсанд ҳолда Убайд акага кўзларини тикдилар Ҳалима опа. — “Фунча” ўз йўлига... Боғчага “Ситорабону” деган номни куйсак. Йиллар ўтиб, фурсати етиб, бу боғчага Ҳалима Носирова ном қўйган эди, дея эслаб юрарсизлар... Хўш, нима дейсиз, Убайдхон? Ахир Сиз вилоят ижроқўмининг раиси-ку.

— Тасанно, раҳмат! — дея ўрнидан туриб кетди Убайд Асадов. Кейин Ҳалима опанинг қўлларини кафтига олиб, меҳр ила силади.

— Зўр, ажойиб ном. Ўз-ўзидан пайдо бўлди-я, Аллоҳ биледи-да буни. Сен нима дейсан, шоир болам! — дедилар қарсак уриб Яшин ака.

— Гўзал иш бўлди, Яшин ака, — дедим мен ҳам ҳаяжонимни яшира олмай.

— Ажойиб! — дея тагин хитоб қилди Яшин ака, — бу таклифни қўмита йиғилишида албатта ўртага қуяман. Опангизнинг бу фикри катталарга ҳам маъқул бўлади!

5. “ДАРЕ СЕНИНГ БОҚИШИНГДАН”...

Афшонадан қайтастганимизда суҳбатимиз мавзуи Абдурауф Фитратга кўчди. Опа тагин тўлқинланиб кетдилар:

— Фитрат домла билан Самарқандда, кейинроқ Тошкентда учрашиб суҳбатлашганмиз. — деди опа мен томонга бурилиб. — У киши ҳақида бир хорижий олим “Фитрат Бухоро халқ жумҳуриятининг ғоявий отаси, шеърлари эса миллий қайғуларининг манбаи” дея эътироф билан гапирган эди.

— Ҳа энди, Фитрат — Фитрат-да! У киши Туркистон маърифат-парварлари осмонида порлаган энг ёрқин юлдуз эдилар. Ҳам алиб, ҳам шоир, ҳам драматург, ҳам алабиётшунос, ҳам тарихшунос, ҳам публицист сифатида катта обрў қозонгандилар. “Шашмақом”ни ниҳоятда яхши билардилар. Қанийди, ўша кунлар қайтиб келса-ю, Фитрат домланинг танбурни эшилиб-эшилиб чалаётганини кўрсайдингиз... Домла ҳазрат Навоийнинг “Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин” матлаъли ғазалини шундай чиройли айтардиларки, кўнглингиз ором оларди. Ёки ўзларининг “Бир оз кул” деган шеърларини ажиб хиргойи қилардилар. Мана, бир эшитинг:

*Икки кўзим, малик юзим, севгим,
Жонлар сенинг юзгинангдан айлансун.
Қизил гулим, қора кўзим, тилагим,
Даре сенинг боқшинангдан ўргилсин...*

— Вой, болам. — дея менга жилмайиб қарадилар у киши, сурма кўзлари чақнаб кетди опантинг. — Майли, манам секингина куйлай шу кўшиқни. Комил акангиз бу кўшиқни ўзимизнинг даврамизда неча марта эшитганлар. Энди икковларинг бир маза қилинглар...

Ҳалима опа кўшиқни шундай чиройли куйладиларки, майин ва бамисли қўнғироқ овоз баҳор эпкиналарига қушилиб, бағрингизда гўс тирикамон мавжлар гуллаётгандай туюлар эди...

— Опажон. — дедим оҳангдан хузурланиб, — олтин калит ҳар қандай эшиқни очади. — деган экан Ибн Сино бобомиз, — Сиз эса олтин овозингиз ила неча-неча кўнгилларнинг эшиқларини очаяпсиз. Тасанно Сизга! Фитрат домламиз танбур, дуторни қойиллатиб чалганлар. Файзулла Хўжаев эса қанча-қанча санъатқору адибларнинг бошини слаганлар. Энди Сизга бир гапни айтайин: Ибн Сино бобомиз ҳам янги соз, яъни фикжак устида неча йил бош қотирганлар. Албатта орзуларига етганлар. Ўшанда Абу Али бир шогирди қулига ўзи ихтиро қилган мусиқа асбоби, яъни фикжакни узатади. Шунда шогирд:

— Мен Сизни дурадгор пичоғини ушламайсиз, деб ўйлагандим. Энди маълум булдики, пичоқ билан ёғоч ҳам бошқа билимлар сизгари Сизга таслим бўларкан... Бу билан руҳни даволаш ҳар қандай ғаму ғурбатдан тасалли топини мумкин, устоз, — деган экан.

— Вой, болам, гапнинг отасини айтдингиз-ку, — деди Ҳалима опа хурсанд бўлиб. — Нима дейсиз, Яшин ака. Бу шоирини из тарихни яхши биларкан-а!


— Тўғри-да, Ҳалимаҳон, бу укам калом индаллосини тўғри айтди. Зўр гап! Энди мен айтадиган бир тўртликни дафтарчангга ёзиб ол. Бу ҳам Абу Али ибн Синонинг рубойларидан бири. Мана, опанг ҳам. сен ҳам эшит, жумлаи олам ҳам:

*Жаҳонда қолмади мен билмаган фан,
Не мушкул бўлса ечдим дониш илан.
Ва лекин бу ўлим отлиқ тугунни
Ечилмасдан ўтар бўлдим жаҳондан...*

Ҳа... Дунё армонларга тўла...

2008 йил, сентябр.
Бухаройи шариф.

**ТҮРТ САВОЛГА ТҮРТ
ЖАВОБ ЁХУД
МУФАССАЛ СҮНГСҮЗ**



Инсоният ярашибдики, саволлар гирдобидида яшайди. Она жисмидан ажралиб, ёруғ дунёга чиқаетган гўдакнинг аламли чинқиригида “Нега?” деган савол ифода топган бўлса, ажаб эмас. Паймонаси тўлиб, ёруғ дунёдан кетаётган, қўл-оёғи ҳаракатдан, тили калимадан қолган инсоннинг ночор боқаетган кўзларида ҳам “Нега?” деган савол фарёд ураётгандек гўё. Баъзан дунё ва одамзод ўртасидаги бу ихтилоф Тангри ва инсон орасидаги мунозарага айланиб кетади. “Хукмидан ташқари эмас гуноҳим, Хўш, нечун маҳшарда беради жазо?” дея ўртанган Хайёмнинг ўтли фарёди бунга ёрқин мисол. Аммо Тангри гаоло олам ва одамни яратганда ўз қарорининг оқибатини ҳам яхши биларди. Унинг биру борлиги ва буюк қудрат эгаси эканлиги айни шу қарорида, қолаверса, қарорининг оқибатини билганлигида мужассамдир. Йўқса, Одамга бўйсунушдан бош тортган шайтони ланнинг тагин одамзод бадарга қилинган манзил сари кўз тикишига изи берармиди? Демак, дунё бор экан, кун ва тун алмашаверади, оқ ва қора ёнма-ён яшайверади. Тирикликнинг мангу мувозанати шунга асосланган экан, эзгу бор жойда ёвузга ҳам жой топилаверали. Илло, кўзгу — икки томони билан кўзгу, қора ранг борлиги учун унинг зиди бўлган рангни оқ деймиз, ёмонлар борлиги учун яхшиларни ибрат қилиб кўрсатамиз.

Аммо бунақада дунё ва одамзод ўртасидаги ихтилоф қачон интиҳо топади?

Ҳа, тўғри ўйладингиз: гап қўлингиздаги китобнинг номланиши ҳақида кетаётир. “Қалам” каломида нур, “алам” каломида маҳзуулик бор, “қалам” каломида эрк, “алам” каломида маҳкумлик бор, “қалам” каломида умид, “алам” каломида маҳрумлик бор. Гапларимни тор маънода тушуниб, китоб муаллифи — Тошпўлат Аҳмадга таъна тошларни отишга ҳаргиз шошилманг! Зеро, бу каломларда неча ўн асрлар ордидан боқиб гурган боболарнинг орзу ва армонлари, умрини миллат равнақи йўлида баҳшида этган жўмард оталарнинг шукронаси ва ўтли ноласи. Истиқлол насимидан жисму жони яйраётган, аммо ўз бағрида ўсган тиканлардан озор чекаётган замондошимизнинг мағрур нафаси ва танти танбеҳи мужассамдир! Бинобарин, китобдан ўрин олган “Тақдир сўқмоқлари” қиссасидаги Одилжон ва Раъно, “Кузгунлар ҳалокати” киноқиссасидаги Комилжон ва Дилдора, Муса Мардонovich ва Оқилжон Хусанов, “Даврон Замоний саргузаштлари” туркумидаги Давронжонлар (унинг тимсолида муал

лифнинг ўзини кўргандек бўлсангиз, асло ажабланманг!) олам ва одам ҳақидаги маъну саволларга жавоб излаётган онги ва тафаккури уйғоқ замондошларимиздир. Бу сафта “Сизга айтар сўзим” туркумига кирган очерклардаги, “Кўрганларим, билганларим” туркумига жамланган хотира лавҳалардаги, “Замондонга мактублар” сарланҳаси остида умумлаштирилган мақолалардаги қаҳрамонларни кўнсақ, дунёга савол назари билан тикилган бугун бошли қаҳрамонлар силсиласи майдонга чиқади. Демак, бир ҳақиқатга шубҳа йўқ: дунё бани баъларга саволлар ёғдириб чарчамагани каби, бу ёмғир жисму жопини тинимсиз саволаётган одамзод ҳам дунёни саволга тутишдан чарчмайди. Адабиёт ҳам аслида самога сассиз тикилган одамзод кўзларида абалдий қотиб қолган сўроқ аломатидир. Шу боис, инонаманки, муаллиф ўз китобига таълаган ном Сизни бифарқ қолдирмайди. Замондошларидан эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал ўтинган адибнинг савол тўла нигоҳидан кўзингизни олиб қочмайсиз. Дунёни тўкиё, одамзодни бугун, Ватани озода, имонни зиёда кўрмоқ истаган соҳиби қаламга маломат қилмайсиз. Зеро, у Сизга инонади, бобомерос жўмард имонингизга суянади!

2

Яқинда таниқди адабиётшунос ва мунаққил Иброҳим Ҳаққулнинг “Ким нимага таянади?” деб номланган янги китоби мутолаасини тугатдим. Китобда шобн этилган ҳақиқатлар, мулоҳаза ва муноҳадлар тералигига тараф йўқ. Аммо таънинг рости, ҳаммасидан кўпроқ китобга таълаган ном диққатимни тортди. Шу даражадаки, китоб мутолаасидан сўнг атроф-жавонибга “Ким нимага таянади?” деган савол назари билан қарайдиган, замондошу замондошларимнинг гуфтору рафторини шу мезонда ўлчайдиган бўлиб қолдим. Кейинроқ ўйлаб қарасам, бу мезон бадий ёки илмий асар қийматини белгиланда ҳам ўзига хос дастур бўлиб хизмат қила олар экан. Бинобарин, сўз санъати ижтимоий борлиқ инъикоси ўлароқ дунёга келар экан, унда муқаррар кимгадир ёхуд нимагадир гаянгувчи инсоният манзаралари гасвир марказида туради. Асардаги қаҳрамонларнинг пок эътиқодга таянганларини эзгу фазилатли инсонлар гуруҳига, тубан манфаатга таянганларини ёлуз иллатли кимсалар гуруҳига ажратини айни шу жараён маъниги боис заруратга айланади. Шубҳасиз, баён этган мулоҳазаларимнинг Сиз мутолаасига киришган китобга алоқадорлиги ҳам айни шу нуқтадан боиланади. “Қалам ва алам”дан ўрин олган насрий ва публицистик асарлар Сизни юз-

дан зиёд қаҳрамонлар саргузаштларидан огоҳ этади. Улар орасида эзгу интилишлари қиёфаси ва салобатига кўрк бағишлаб турган Раппан ака, Облоберди ака, Алижон, Эгам бобо, Маҳмуд бобо, Комил ота, Муса Мардонovich, Отажон Юнусов, Раъно, Одилжон, Комилжон, Дилдора. Оқилжон Хусанов, Давронжон, Боймурод, Гадеймурод, Вадим, Зафаржон, профессор Бобожонов сингари қалби гўзал инсонлар; иблисона ҳаёт тарзи, ўй—қарашлари сураат ва сийратига қора соя туширган Қарсақбоев, Махсум Миржонов, Мақсуд мўйлов, Максим, Альфия. “Уккикўз”, “Тимсоҳ”. “Барзанги”, “Новча”. Бедодий, Қашшоқий, Тўрғай Йўрғаев, Сурроб Қашшангов, Тилав, Соқича, Қурумсоқ, Мирпўтти, Бола Араз каби исми жисмига монанд, маънавий дунёси қашшоқ нафс бандалари талайгина. Китоб мутолаасидан сўнг “Бу дунёда бандани бандага зориқтирмасин, илоҳим. Ҳар инсоннинг ўз борар манзили, ўз сигинар меҳроби бўлсин-у, ҳаргиз иблис домига тушмасин” дея теран хаёлга толсангиз, асло ажабланмайман. Мабодо дунё ҳақидаги кўпчилик одатланиб қолган “гоҳ остидан, гоҳ устидан” қабилдаги ақидаларга чек қўйиш керак, деган хулосага келсангиз, ишонинг, китобнинг жон томирини топган бўласиз! Илло, муаллиф ҳам шундан умидвор...

3

Сўнгги йилларда “**Ҳақиқий ижод ва ижодкорлик қачон бошланади?**” деган савол атрофида кўп мушоҳада юритадиган бўлиб қолдим. Фикримча, бу табиий ҳолат ва адашмасам, бундан фақат хурсанд бўлишим керак... Эҳтимол, бу масалада чиқарган ҳозирги хулосам энг сўнгги жавоб бўла олмас. Эҳтимол, бу саволга умр бўйи жапоб излашга тўғри келар ва у ҳар гал ўзгача хулоса сари етакласа, ҳайрон бўлишга ҳожат ҳам қолмас. Аммо бир ҳақиқат аён: бу абадий саволга топилган юзлаб жавобларнинг барчаси, алал-оқибат, сўнгги йилларда менинг ақлу идрокимни бир лаҳза бўлсин тарк этмаган жавобга келиб уланиши муқаррар: **Ҳақиқий ижод ва ижодкорлик Ватанини танншдан бошланади!**

Зеро, Ватан мадҳияси янграганда кўкси қалқиб, жўмард оҳангларга жўр бўлолмаганлар, Ватан фарзандлари баланд минбарларда кўкрак керганда “Парвозинг баланд бўлсин, онажон — юртим!” дея алқаёлмаганлар, илҳомини имон ва эътиқод, бурч ва садоқат, ҳалоллик ва диенат хабарчиси сифатида ардоқлаёлмаганлар, алалхусус, ижодни “воситаи жоҳ” билганлар узларини ижодга дахлдор одам санашдан андиша қилмоқлари даркор. Зеро, бу ҳақиқатларни идрок

этолмаган аҳли қалам гофил бўлмасинким, бу анжомларсиз сафарга отланган кема фарқ бўлишга маҳкум, бу ҳиссиётларсиз баҳрга шўнғиган гаввос баҳра олишдан маҳрум.

Мен бу ўринда китоб муаллифининг Она-Ватан тарихини, эрк ва гурурини, пок шаъни ва меҳрини шариф Бухоро тимсолида таъриф у тавсиф этиш йўлидаги беқиёс хизматлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтирмоқчи эмасман. Зеро, бу бутун бошли китобга манба бўла оладиган илҳомбахш ва ибратли фаолият! Бусиз ҳам зукко китобхон муаллифининг Ватан мадҳига тўлиқ ўнлаб манзумалар яратганлигини, жонажон юртимизнинг қонли ва шонли кечмиши ҳақида ҳикоя қилувчи “Бухоронома”, “Фигон”, “Чорбакр”, “Зайфарон нидолар” дostonлари орқали мухлислар қалбига йўл топа олганлигини жуда яхши билади.

“Қалам ва алам” мутолааси жараёнида шеър “жанг”ларида тобланган ўша оташин ватанларвар шахс Сизга яна ҳамроҳ бўлади. У Сиздан Ватан ҳимояси учун жонини беришга тайёр турган фидойилардан, бутун умрини эл-юрт ободлиги ва фаровонлиги йўлида бахшида этган миллатсеварлардан, энг оғир дамларда ҳам халққа зиё тарқатишдек сермашаққат курашдан чекинмаган маърифатпарварлардан ибрат олишни; мутелик ва тилёғламаликни, кўзбўямачилик ва фирибгарликни касб қилганлардан, улуснинг “нонини туя қилиб”, чўнтак қаппайтирадиганлардан, андишанинг отини қўрқоқ қуйиб, олди-орқасига қарамай сафсата сотадиганлардан, китобни ев. имонни ағёр биладиганлардан нафратланишни, улардан йироқ бўлишни ўтинса — кўнглингизга оғир олманг. Унга фикрдош бўлинг. Уни қўллаб-қувватланг. Зеро, у буни жуда-жуда истайди!

4

Дунёда вазни оғир, масъулияти залворли сўзлар бисёр: Ватан, ота, она, устоз, ҳақиқат, адолат, диёнат, имон, эътиқод, муҳаббат, садоқат... Улар сафида дилга мадад, руҳга қувват берадиган, бир-бирига моҳиятан уйғун сабр, бардош, қаноат, шукрона сингари сўзлар ҳам борки, шаксиз, булар бўлмаганда дунё аллақачон интиҳо ҳаёлига тушган бўлур эди... Бу тўрт оға-ини қадриятни ҳаётининг мазмунига айлантира олган инсон Тангри наздида ҳам, бандалари наздида ҳам матонатли шахс сифатида эътибор қозонадики, аслида юқорида баён этилган мулоҳазалардан мурод ҳам матонат сўзига қадар бўлган масофани ўнғайроқ босиб ўтишдан иборатдир.

Эрта баҳорда уйингиз шифтига ин кураётган қалдирғочнинг хатти-ҳаракатларини кузатганмисиз? “Осмон қуласа, Ерни асраб қола-

ман”, дея “оёгини осмондан қилиб ётадиган” синчалакқуш ҳақида эшитганмисиз? Шифт ёки буталарга тескари осилиб, умрини ўтказган кўршапалаклар ҳақида-чи? Булар-ку ўз йўлига. Тангри таоло бу жонзотларнинг худди шундай умргузаронлик қилишларини уларнинг тақдирига битган.

Хўш, инсон сабру бардошининг чегараси, ирода ва матонатининг ўлчови борми?

Саволни кўндаланг кўйишим билан қулоқ-бурни кесилиб, “саҳрога ҳайдалган” бўлса-да, ақалли бир маротаба бўлсин “оҳ” демаган бобо Широқнинг, танаси ириб, забун аҳволи шарҳга муҳтожлик сезмай қолганда ҳам Яратганга ибодат қилишдан тўхтамаган Айюб алайҳиссаломнинг, ўн худбин ўғли кенжатои Шоюсуфни маҳв этгач (Шоюсуфни овга олиб чиқдилар, Жарга ташлаб, бўри еди, дедилар), фарзанд доғида ёш тўкавериб, кўзлари кўр бўлиб қолган, аммо бир лаҳза бўлсин умилни узмаган Якуб алайҳиссаломнинг улугвор сиймоси кўз олдимда гавдаланаверади. “Ватаним, токи сен қаддингни тикламагунингча, оёққа ўтирмасман!” дея онт ичган ва аҳлига содиқ қолган буюк Фитраг, “Ҳақиқат йўлида боши кетса “иҳ” дейдирган йигит эмас”лигини таъкидлаган ва бу сўзлари шунчаки ҳаводорлик эмаслигини ўз қисмати мисолида исбот этган мағрур Қодирий, шифқатсиз хасталик жисму жонини исканжага олганда ҳам, янаш ва курашдан тўхтамаган даҳо Ойбек, худди шундай қисмат олдида бош эгмаган устоз Озод Шарафилдинов сиймоларини ёдга олаверамаи.

Кўлингиздаги китоб ҳам ана шундай матонат меваси, чексиз сабрбардош, ирода маҳсули десам, асло муболага бўлмайди. Начора, мажмуа муаллифи қисматида ҳам соҳир Ойбек даҳосини маҳв эта олмаган, иродасини буколмаган хасталик юқини кўтариш ёзилган экан... Қарийб бир ярим йил тўшакка миҳланиб ётган шоирнинг куни кечагача қўлига қалам ололмай, хаста кўнглини ўртаган дардларини қогозга тушира олмай қийналганларини эслаш оғир...

Шоир иродасини жиддий синовдан ўтказган айни шу даврлар билан боғлиқ бир воқеа асло ёдимдан чиқмайди: 2006 йилнинг кеч кузи, “Бухоро мавжлари” журналининг атоқли мутафаккир Аҳмад Донишга бағишланган соли напирга тайёрланаётган кунлар. Кўлёмаларни қўлтиқлаб, идорага кириб борар эканман, совуқданми, хасталик озориданми қунишиб ўтирган устозни кўриб, кўнглимга хавотир оралади. Аммо устоз мени кўргач, чаққон кўзгалдилар. Ҳар сафаргидек бағирлашиб кўришдик, омонлашдик. Устознинг ненидир

шоён этишга ошиқаётганликларини сездим. Даромади гапга урин қолдирмай сўрадим:

— Кўнглим сезиб турибди, устоз: янгиликнинг зўрини айтмоқ-чисиз...

Устоз аллақандай мунг аралаш қувонч зуҳур этган нигоҳларини менга қалаб, мулойим жилмайдилар:

— Бугун тонгла Дониш бобога бағишлаб шеър ёздим. Шодмон-жон. Тўрт йил деганда, ниҳоят, шеър излаб келди мени, укажон...

Устознинг сўнгги сўзлари кўнглимни ўртаб юборди. Энг азиз неъмат ва қадриятдан маҳрум бўлиш хавотири ила нақ тўрт йил озор чеккан, олам ва одамга савол гўла нигоҳини қалашдан ўзгасига чора топа олмай, фарёл урган қалбда умид чирогининг ёниши ҳазилакам гап эмас, ахир!

Устоз билан қайта бағирлашдик. У кишининг кўзида ҳалқаланган ёп юзимга тегиб, менинг-да қалбимга титроқ кирди... Англадимки, устозни тагин ўша изтиробли кунлар ёди азобга солаётир. Ўша кунлар...

Азиз китобхон! Сизга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлаётганим воқеани адабиёт ва ижодкор қисматига бефарқ бўлмаган бир лўстимга айтиб берган эдим, у ўз ҳаяжонини яшира олмади:

— Бу — бугун бошли роман! Инсон матонати шарафига тикласа арзийдиган безавол ҳайкал!...

Мана, ўша романининг биттагина лавҳаси:

... Бугун даволовчи ҳақим Шоирга ўрнидан туришга ижозат берди. Тўшакдан оғир кўзгалган Шоир дераза томон оҳиста қадам босар экан, ташқаридаги ажиб манзарага маҳлиё бўлиб қолди. Бироқ таассуфки, у кўз олдида мана шу ажиб гўзаллик ва сеҳрини пайдо этган нарса-буюмларнинг номини эслаёлмасди...

— Ойша! — чақирди у турмуш ўрғоғининг кўмагига илҳақ бўлиб. Аёли эшикда кўринавермагач, тагин чақирди: — Ойша! Аёли тагинда “эшитмади” унинг чорловини... Шунда Шоир аслида овози чиқмаётганлигини, аёлини ички бир нидо билан ёнига чорлаётганини англади. Кўкси музлаб, кўзида ёш ҳалқаланди. Кўз ёш аралаш фиғон чекаверди: — Ойша! Ойшажон!...

Шунда мўъжиза юз берди гўё. Эшикда ханотири юзига қалққан турмуш ўрғоғи кўринди. Кўнгли алланени сезгандек, шоир томон ошиқди:

— Лаббай, дади Бахтигул! (Яъни Бахтигулнинг дадаси. Одатда, Бухорода фарзандлар дунёга келгач, эр-хотин бир-бирларига фар-

заидларининг исмини кўпиб мурожаат қиладиган бўлишди). Бирор нимага эҳтиёжингиз борми?

Шоир почор жиламайди. Қули билан имлаб, ташқарини кўрсатди. Аёли унинг неслардир демоққа шайланаётганлигини сезиб, сўнгги ойларда суҳбат ва арзи эҳтиёж носигасига айланган қоғоз-қаламни эрининг кўлига тугқазди. Шоир узоқ ўйга толиб, қийнала-қийнала қоғозга туширди фикрини: “ДАФТАР!”

Аёли дарҳол янги дафтар олиб келди. Шоир ташқарига ишора қилди:

— Бу... Бу?...

— Анор, — жавоб берди аёли.

Шоир жавобни дафтарга ёзмоқни ўтинди. Аёли дафтарга ёзди. Шоир-да қайта-қайта ёзди бу сузни. Қайта-қайта талаффуз этмоққа уринди бу калимани: “Ано-о-ор...”

Шоир тагин ташқарига ишора қилди:

— Бу... Бу?...

— Шафтоли, -- жавоб берди аёли.

Шоир жавобни дафтарга ёзмоқни ўтинди. Аёли дафтарга ёзди. Шоир-да қайта-қайта ёзди бу сузни. Қайта-қайта талаффуз этмоққа уринди бу калимани: “Шаф-то-ли...”

Шоир тагин ташқарига ишора қилди:

— Бу... Бу?...

— Гулирайхон, — жавоб берди аёли.

Шоир жавобни дафтарга ёзмоқни ўтинди. Аёли дафтарга ёзди. Шоир-да қайта-қайта ёзди бу сўзни. Қайта-қайта талаффуз этмоққа уринди бу калимани: “Гу-ли-рай-ҳо-о-он...”

Шу тариқа бошлади ирода синови. Шу тариқа бир ярим йил давом этди бу синов, бу сермашаққат, изтиробли жараён. Бу муддат давомида Шоир аёли кўмагида нақ утгизга дафтарни ёзувлар ила тўлдирди... Бир пайтлар соҳир қалами шарофати ила унга турли сир-синоатларини ошкор этган, аммо хасталик туфайли хогирасининг аллақайси пучмоқларида мудраб ётган сўзлар шу тариқа узоқ соғинтириб, интизор қилиб келдилар унинг ёнига...

Мана бу эса ёзилажак романининг авж нуқгаси, яъни кульминацияси: Қиш оқшомларидан бирида Шоир китоблари орасидан бир сайланмани топди. Ишлатилавериб, фарзанду неваралар варақдайвериб, айрим саҳифалари, жумладан муаллифнинг сурати босилган дастлабки саҳифаси узилиб тушган китобни ёстиққа суяганча узоқ, ҳижжалаб-ҳижжалаб ўқили у. Муголаани якунлар-якунламас, хопата

аёли кириб келди. Шоир унга савол тўла нигоҳини қалати. Аёли дарҳол қоғоз-қалам тутқазди. Шоир қийнала-қийнала фикрини қоғозга туширди: “БУ ШЕЪРЛАРНИ КИМ ЁЗГАН?”

Аёли йиғлаб юборди. Шоир аёлига кўзлари жовдираб тикилди: “Нима бўлди, Ойша? Негга йиғлаясан?”

Аёли фарёд чекди:

— Бу китоб ўзингизники, дади Бахтигул! Бу шеърларни ўзингиз ёзгансиз. Мана, муқовага ёзиб қўйибди-ку Гопшўлат Аҳмад деб...

Фарёлар жўровоз бўлди. Куз ёш ирмоқлари қўшилиб оқди. Юзини ёстиққа босиб-босиб йиғлади Шоир. Эрининг елкаларини силай-силаи кўз ёш тўкли асли...

Эй, қалам! Шафқат борми сенда ўзи? Юрагим парча-парча бўлиб кетди-ку, ахир!...

Жисму жони мана шундай аччиқ изтироблар аро қоврилганда ҳам иродаси букилмаган бани башарнинг сабру бардоши ҳақида шубҳа бўлиши мумкинми, ахир? Йўқ, асло! Инсон сабру бардошининг чегараларини аниқлашга уриниш хаго! Инсон ирода ва матонатини ўлчап учун аллақандай мезонлар излаш ноўрин! Ёшнинг устига, у ижодкор бўлса, яратини ва замондошлари қалбига эзгулик уруғини қалашни қисмат билган бўлса! Ҳа, ижод касб ҳам, бўш вақтни безашга ярайдиган машғулот ҳам эмас. Ижод — дард, ёзувчилик — хасталик. Ижод — аввал юракни парча—парча қилиб, сўнг унинг фарёсларига қулоқ тутиб лаззатланиш...

Шоир ҳақидаги романнинг счими Сизга яхши маълум, азиз китобхон. Шу боис мен айрим лавҳалар қайди билан чекланаман: сру дўстлар, шоғирд ва фарзандларнинг чексиз меҳр-муҳаббати қанот бериб, хасталик машаққатларини снган шоир бошлаб қўйган ишларини давом эттириш умидида гайратга кирди. Энг аввало, ниспона сонигина чиқарилган “Бухоро мавжлари” журналининг обунасини йўлга қўйиш ва журнал даврийлигини белгилашга эришди. Бир йилда тўрт мартаба чиқарилаётган журналнинг шафқат вилоят, балки мамлакат жамоатчилиги эътирофини қозониб келаётганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Кетма-кет нашрдан чиққан “Гавҳари жоним”, “202 атиргул”, “Қулуғ остона” шеърий тўнламлари ва куни кеча “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош гаҳририяти томонидан шоирга байрам тўхфаси сифатида тақдим этилган “Шарқ гавҳари” сайланмаси “Уйғоқ руҳлар, тош битиклар куйчиси” (Абдулла Оринов таъбири)нинг тагин сафга қайтганлигини шоён элди. Истиқюлнинг 16 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг ўлаб филойилари қаторида Гопшўлат Аҳмад ва ҳам Давлатимизнинг олий мукофоти — “Эл-юрт ҳурмати” ордени берилиши эса жонанон халқ-

имизнинг ўз шоирига меҳр-муҳаббати ифодаси ўлароқ устозу дўстлар, шогирду мухлислар қалбини қувончга тўлдирди.

Ва, ниҳоят, шоир ўз умр солномаси ўлароқ тассурот қолдиргувчи, Сиз мутолаасини тугатган “Қалам ва алам” китобини нашрга тайёрлашга эришди.

Китобдан ўрин олган асарларнинг дастлабкиси 1975 йилда битилган бўлса, охиригиси 2008 йилда қоғозга тушган. Демак, китоб саҳифаларида адиб умрининг нақ ўттиз икки йиллик қувонч ва шодликлари муҳри бор. Эҳтимол, бу муддат бир миллатнинг миллат сифатида шаклланиши учун, бир халқнинг халқ сифатида оёққа қалқиши учун кифоя қилмас. Аммо қалбда бўртган орзу куртакларининг қийғос очилишига, дилга тушган аламли доғларнинг ювилишига етади у. Шубҳасиз, инсон ўттиз икки йилда ўттиз икки ранглаги қайғуга рўбарў келиши, ўттиз икки ранглаги туйғуга асир бўлиши, тириклик қувонч ва ташвишлари тўлқин урган ўттиз икки дарёни кечиб ўтиши мумкин. Шахс ҳаёти эса, ўз-ўзидан, миллат ҳаёти, халқ ҳаётидир. Зукко китобхон мажмуадан ўрин олган асарлар қаҳрамонлари, қолаверса, муаллиф руҳияти ва дунёқарашидаги ўзига хос тадрижий такомилни пайқамай қолмайди. Бинобарин, шахс ҳаёти миллат ҳаётининг муҳим бўлаги бўлганидек, шахс тафаккурининг камолоти миллат тафаккурининг камолотидан нишонадир. Шунга кўра, йиллар давомида қоғозга тушган асарларни муаллиф, қолаверса, у мансуб бўлган халқ, миллат ҳаётининг ўзига хос солномаси дейиш мумкин. Бу фикр, шубҳасиз, “Қалам ва алам”га ҳам дахлдордир. Китоб муаллифи тегран нигоҳининг мутолаа аввалидан сўнгига қадар Сизга ҳамроҳ бўлиши ҳам шундан.

Мажмуадан ўрин олган битиклар адиб шахсий архивида сақланаётган ва нашрини кутаётган катта-кичик асарлар, яқунланмаган шеър ва достонларнинг бир қисми, холос. Демак, ҳар бир тонгини Сиз билан такрор-такрор дийдорлашиш умидида қаршилаётган адибнинг ҳали Сизга айтадиган сўzlари кўп. Қаламкаш биродарлари ва шогирдлари наздида матонат тимсоли сифатида қад кўтарган муаллифни олқишланг! Унинг иродасини шогирд ва фарзандларнингизга ибрат қилиб кўрсатинг! Зеро, у бунга ҳар жиҳатдан муносибдир!

Шодмон Сулаймон,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
филология фанлари номзоди.
2007 йил 2—6 октябрь, Бухоро.

МУНДАРИЖА

1975-1980 ЙИЛЛАР ҲИКОЯЛАРИ

| | |
|------------------------------|----|
| Бир чаноқ пахта..... | 4 |
| Қўлтиқгаёқли киши..... | 7 |
| Одам кўнгли яримта..... | 8 |
| Очиқ эшик..... | 15 |
| Совға..... | 17 |
| Узр..... | 20 |
| Уз исмини ўчирган аскар..... | 21 |
| “Журажон” домла..... | 27 |
| Тугмачали телефон..... | 32 |
| Чирик девор..... | 36 |

ЯҚИН МОЗИЙ ҚИССАЛАРИ

| | |
|---|----|
| Тақдир сўқмоқлари (қиссадан парча)..... | 42 |
| Қузғунлар ҳалокати (киноқисса)..... | 62 |

ДАВРОН ЗАМОНИЙ САРГУЗАШТЛАРИ

(ҳажвий туркум)

| | |
|--|-----|
| “Ўз сувингизни ўзингиз ичинг!”..... | 114 |
| “Балки омон қолишар....”..... | 114 |
| “Эсиз, келажак авлод....”..... | 115 |
| “Норик Ҳалимович “турт” олдилар...”..... | 116 |
| Икки килограмм шафтолига — оқ йул!..... | 120 |
| “Марҳум” шоир..... | 124 |
| Газетага тушган вильт..... | 125 |
| “Йўргатуналоқ”..... | 127 |
| Эрини “шоирликдан ўчирмоқчи” бўлган аёл..... | 129 |
| Тилавнинг тиллолари..... | 133 |
| Ўн беш кунликдан қолган ходим..... | 138 |
| Чой пули шоир..... | 138 |
| Жону жигарлар ёхуд ҳасадгўйнинг ўлими..... | 140 |

ДЕНОВ ҚИШЛОҒИ ҲАНГОМАЛАРИ

(ҳажвий туркум)

| | |
|--------------------------|-----|
| “Ман Бой. бу Гадои”..... | 149 |
| “Сабзи пишди”..... | 151 |
| “Қизил шолғомча”..... | 152 |

АДИБЛАР БУХОРОДА

(туркум)

I. Саид Аҳмад Бухорода

| | |
|--|-----|
| 1. “Бухорода ҳам ер қимирлайдимиз?”..... | 158 |
| 2. “Бу бинони “ЦК ча”, бунисини “ШУМ” деб атаган”..... | 159 |
| 3. “Ўша бахтли шоир биз-да”..... | 160 |
| 4. “Ноёб” галстук..... | 161 |

II. Уйғун ва бошқа адиблар Бухорода

| | |
|--|-----|
| 1. “Бу наказингизни ҳозир гатоп қиламиз-да”..... | 164 |
| 2. “Хуррақни ким тартадир?”..... | 165 |
| 3. “Тирик шоирларни курганмисилар?”..... | 168 |
| 4. “Расво ниҳоллар экан”..... | 174 |
| 5. “Шу бола сая овсарроқми дейман?”..... | 175 |
| 6. “Биз шунақа зўр йигитмиз-де”..... | 177 |
| 7. “Қатик ичираман деб...”..... | 178 |
| 8. “Қип-қизил егимча”..... | 180 |

III. Мурод Халил ҳангомалари

| | |
|---------------------------------------|-----|
| 1. “Оқ йўлга оқ қўй жоиз”..... | 181 |
| 2. “Биз ухламагач, бошқалар ҳам”..... | 185 |
| 3. “Бир майизхўрлик қилайлик”..... | 188 |

БОҚИЙ ШАРҚ ЗИЙНАТИ

| | |
|-----------------------|-----|
| Тош тугён (эссе)..... | 192 |
|-----------------------|-----|

СИЗГА АЙТАР СУЗИМ

(очерклар туркуми)

| | |
|-------------------------------------|-----|
| Ловулласин қалбингдаги ўт..... | 200 |
| Куй авжида узилмасин тор..... | 206 |
| Туркия йулларида..... | 215 |
| Тақдир ва таҳқир..... | 229 |
| “Сиз халоскоримсиз, профессор”..... | 238 |
| КЎРГАНЛАРИМ, БИЛГАНЛАРИМ... | |

| | |
|--|-----|
| 1. Алвидо, устоз!..... | 246 |
| 2. Устоз Икромий ҳақида сўз..... | 247 |
| 3. Меҳру оқибат чашмаси..... | 252 |
| 4. Муғаннийга қутлов сўзи..... | 260 |
| 5. Кўзи тийран, сўзи теран аллома..... | 262 |
| 6. Ижодкор бахти..... | 266 |
| 7. Мустақиллик ҳақида бадиа..... | 268 |
| 8. Минг ёшли ҳақимни севган аёл..... | 271 |
| 9. Чашмадай шаффоф эди..... | 272 |
| 10. Буюк олим ҳузурида..... | 275 |
| 11. Ўзимизнинг Неъмат акамиз..... | 279 |
| 12. Қалб мулкининг хазинабони..... | 281 |
| 13. “Ўзбекистон — Ватаним маним!..”..... | 285 |
| 14. Қалам деҳқони..... | 286 |
| 15. “Шукрим сенга, шеърят”..... | 288 |
| 16. Омон Мухтор юбилейига сўз..... | 292 |
| 17. Чоршамъ ҳақида сўз..... | 294 |
| 18. Шариф отанинг ям-яшил боғлари..... | 295 |
| 19. Қонимнинг ҳар томчисидан..... | 299 |
| 20. Соғинсангиз, мени, изланг..... | 301 |

ЗАМОНДОШГА МАКТУБЛАР (сўнги йиллар публицистикаси)

| | |
|--|-----|
| Асал тотли кун..... | 304 |
| Бир қўлида бешик, бир қўлида дунё..... | 306 |
| Кўнгил қасрининг меъморлари..... | 309 |
| Мусаффо фасл..... | 311 |
| Буюк мўъжиза..... | 314 |
| Сарчашма..... | 317 |
| Қалбингда баҳс бошланмас экан..... | 319 |
| Оппоқ илон ё руҳ..... | 324 |
| Иймонга ёр бу юртнинг..... | 326 |
| Ҳақ рост..... | 326 |

| | |
|---|-----|
| ТҮРТ САВОЛГА ТҮРТ ЖАВОБ ЁХУД МУФАССАЛ СЎНГСЎЗ..... | 335 |
|---|-----|

ТОШПЎЛАТ АҲМАД

ҚАЛАМ
ВА
АЛАМ

(Сайланма)

Муҳаррир *Шукур Курбон*
Рассом *Ҳамидулла Худойбердиев*
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Саҳифаловчи *Абдухалил Турсунов*

Босишга 3. 08. 2007 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Ҳажми 18,25 б. т. Нусхаси 1500.

Буюртма № 22. Шартнома № 92/3

Оригинал макет “MEDIANASHR” МЧЖ
компьютер марказида тайёрланди.

“Medianashr” МЧЖ босмаҳонаси.
Тошкент шаҳри, Фани Мавлонов кўчаси 1^А